Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти
ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

ҲАНАФИЙ ФИҚҲИ ТАРИХИ, МАНБАЛАРИ ВА ИСТИЛОҲЛАРИ

(Фиқҳ фанидан ўқув қўлланма)

Муаллифлар:

Ҳамидулла АМИНОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди

Соатмурод ПРИМОВ,
Тошкент Ислом институти "Диний фанлар" кафедраси мудири

MOVAROUNNAHR
O'ZBEKISTON MUSULMONLARI IDORASI
NASHRIYOTI

Тошкент – 2017

УЎК: 28
КБК: 86.38
А 59

Мазкур ўқув қўлланмада ҳанафий мазҳаби фиққини ўрганувчилар ва уни тадқиқ қилувчилар учун муҳим илмий маълумотлар келтирилган. Унда ҳанафий мазҳабининг қисқача тарихи, тарқалиши ва ривожланиш босқичлари; истеъмолдаги фиққий қоидалар ва истилоҳлар; мазҳаб доирасидаги илмий атамалар; шартли қисқартма ва рамзий ишоралар; тахриж ва таржиҳ қилиш усуллари; мазҳаббошиларнинг мазҳаб доирасидаги фиққий қарашлари, мужтаҳидларнинг ҳукмларидан қайтган фатволари; қиёс масалалари; машҳур фиққий матн китоблари ва уларнинг шарҳлари; "эътиборли" ва "эътиборсиз" фиққий манбалар; шунингдек, ҳанафий мазҳабидаги усулул фиққа оид асарлар, фатво тўпламлари, ҳанафийликка оид изоҳли луғатлар, ҳанафийлар табақот ва таржимаи ҳолларига оид манбалар; 255 нафар фақиҳнинг нисба, лақаб ва кунясу; уларнинг қисқача таржимаи ҳоли; бир хил номдаги мазҳабларга оид асарлар, шунингдек, бир хил исми шарифдаги турли мазҳабга мансуб фақиҳлар; ҳанафий мазҳаби ривожига ҳисса қўшган илк қозилар, Мадинаи мунаввранинг етти нафар фақиҳи; қадим Бухоронинг етти нафар қозиси; ҳанафий мазҳабидаги ўлчов бирликларининг изоҳлари каби янгидан-янги маълумотлар ёритилган.

Ушбу илмий китоб ҳанафийлик фиққи билан қизиқувчилар, изланувчилар ва тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Аминов Ҳамидулла, Примов Соатмурод
Ҳанафий фиққи тарихи, манбалари ва истилоҳлари [Матн] (Фиқҳ фанидан ўқув қўлланма) / Муаллифлар: Аминов Ҳ., Примов С.; масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: "Movarounnahr", 2017. – 400 б.

Масъул муҳаррир:
Шайх Абдулазиз Мансур,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари
Тақризчилар:
Илҳомжон БЕКМИРЗАЕВ,
Тошкент ислом университети "Исломшунослик" кафедраси катта ўқитувчиси т.ф.н.
Саиджамол МАСАЙИТОВ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти катта ўқитувчиси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2016 йил 26 майдаги 2974-сонли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.

Мазкур ўқув қўлланма Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти Кенгашининг 2016 йил 30 апрелдаги 9-сонли мажлисида нашрга тавсия қилинган ва буюртма берилган.

ISBN 978-9943-12-404-2

© Ҳамидулла Аминов, Соатмурод Примов
© "Movarounnahr", 2017

Қолғон киши касби илмидин заҳмат аро,
Фиқҳ ўргансун, саъй ила ул меҳнат аро.
Илм ичра шараф фиққда бил нисбат аро,
Ким, сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.

(Алишер Навоий, “Назмул жавоҳир”)

МУҚАДДИМА

Бугунги кунда (2016 йилги маълумотга кўра) бутун дунёда истиқомат қилаётган 1,57 миллиард мусулмонларнинг аҳли сунна вал жамоа эътиқодига мансубларининг қарийб 50 фоизи ҳанафийларни ташкил қилади. Дунёнинг барча давлатларида, жумладан, Ҳиндистонда 60 миллион, Жанубий Америкада 25 миллионга яқин, Жанубий Африка Республикасида 30 минг нафар ҳанафий мазҳабига амал қиладиган мусулмонлар яшайди. Хуллас, 600 миллион атрофидаги мусулмонлар ҳанафийлар эканидан бу мазҳаб дунё бўйлаб нақадар кенг тарқалганини билиш мумкин. Шу боисдан, ҳозирда ҳанафий мазҳабини ўрганиш Марказий Осиё минтақаси ва умуман, бу мазҳаб тарқалган ҳудудларда долзарб масалалар қаторига кўтарилган. Буни юртимизда 2000 йил ноябрь ойида буюк ҳанафий фақиҳи “Ал-Ҳидоя” (Ҳидоя) китоби соҳиби Бурҳониддин Марғинонийнинг (1118–1197) 910 йиллиги, мотуридия таълимоти асосчиси Абу Мансур Мотуридийнинг (ваф. 333/944 й.)1130 йиллиги нишонланишида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги йилларда диншунослик ва исломшуносликка ёндашув мустақил Ўзбекистонда ҳам кескин ўзгарди. Уларга тўлақонли илмий соҳа сифатида қараб, ҳам дунёвий, ҳам диний мазмунда умумлаштирилган илмий ёндашув шакллана бошлади. Ушбу соҳаларни илмий жиҳатдан тўғри шакллантириш учун биринчи навбатда асл манбалар ҳозирги замон ўзбек тилида, замондошларимиз тушунадиган тилда нашр

этилиши лозим эди[1]. Бу зарурат ва эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳанафийлик фиқҳи тарихига оид бир қанча ишлар амалга оширилди. Убайдуллоҳ ибн Тожуш шариа Бухорий (ваф. 747/1346) қаламига мансуб “Мухтасарул виқоя” матнининг таржимаси, шунингдек, туркий шарҳининг ҳозирги ўзбек тилига табдили эълон қилинди ҳамда алоҳида йирик ҳажмда нашр этилди[2]. Буюк фақиҳ Бурҳониддин Марғиноний қаламига мансуб “Ал-Ҳидоя”нинг биринчи жилди нашр қилинди[3]. Машҳур ҳанафий олим Абул Ихлос Шурунбулолийнинг (ваф. 1659) “Нурул изоҳ”, Сўфи Аллоҳёр (1663–1724) қаламига мансуб фиқҳга оид “Маслакул муттақин”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483–1530) Исломнинг беш арконига бағишланган “Мубаййин”, Мавлоно Хароботийнинг (XVII аср) “Куллиёт”, Ғиёсиддин Ғиёсийнинг (XIX аср) “Миръоти шаръ” каби асарларининг ўзбек китобхонлари қўлига етиб боргани ҳам жуда қувонарли ҳолдир[4]. Насафдан чиққан таниқли ҳанафий олим Лутфуллоҳ Насафий Кайдонийнинг (ваф. 749/1349) “Фиқҳи Кайдоний” асарининг ҳам ўзбек тилида нашр этилганини зикр этиш ҳам ўринли[5]. “Фиқҳи Кайдоний”нинг дунё кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма нусхаларининг алоҳида каталоги тайёрланганини исломшуносликдаги янги қадамлардан бири дейиш лозим[6].

---

[1] Исломов З. Исломшунослик тадқиқотлари – давр талаби // Тошкент ислом университети ахбороти. 2/2005. – Б. 4.

[2] Мухтасар / Нашрга тайёрловчилар: Рашид Зоҳид, Акрам Деҳқон. – Т.: “Чўлпон”, 1994. – 336 б.; Мансурхўжа ибн Мақсудхўжа. Мажмаул мақсуд. I жилд / Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, А.Ҳасаний, У.Ҳасаний. (Тузатилган қайта нашри). – Т.: “Адолат”, 2005. – 640 б.; II жилд. – Т.: “«Мовароуннаҳр»”, 2005. – 550 б.; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя. III жуз. – Т.: “Шарқ”, 2008. – 536; 536; 600.

[3] Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя. I жилд / Таржимонлар Салоҳиддин Муҳиддин ва бошқалар. – Т.: “Адолат”, 2001. – 848 б.

[4] Абул Ихлос Ҳасан Вафоий Шурунбулолий Абу Зайд Шиблий. Нурул изоҳ / Тўпловчи: Мухтор Абдужаббор. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2003. – 212 б.; Сўфи Оллоҳёр. Маслакул муттақин / Нашрга тайёрловчилар: Сайфиддин Сайфуллоҳ, Акрам Деҳқон. Илова қисмини тузувчи: Ҳамидуллоҳ Амин. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2007. – 416-б.; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин / Нашрга тайёрловчилар: С.Ҳасан, Ҳ.Ҳасан. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2000. – 184 б.; Мавлоно Хароботий. Куллиёт / Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, М.Раззоқова. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 645-б.; Ғиёсиддин Ғиёсий. Миръоти шаръ / Нашрга тайёрловчилар: С.Сайфуллоҳ, Ф.Н.Шофирконий. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2008. – 196 б.

[5] Лутфуллоҳ Насафий. Фиқҳи Кайдоний (матн, таржима) / Нашрга тайёрловчилар: Н.Насруллаев, З.Исломов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 96 б.

[6] Насруллаев Н. Фиқҳи Кайдоний. Каталог. – Т.: “Elmundo-Press” нашр., 2010. – 312 б.

Шунингдек, маълум мавзулар бўйича ҳам кўплаб фиқҳий рисолалар нашр этилмоқдаки, уларда намоз, закот, рўза, ҳаж масалалари, оила ва никоҳ, қабристон зиёрати одоблари, савдо-сотиқ, ва мерос тақсимоти – фароиз каби турли мавзуларни кўриш мумкин. Аёлларга хос масалаларнинг алоҳида тўпламлари ҳам нашр юзини кўрди[7]. Фатво тўпламлари билан бирга (тафсир, тасаввуф каби) бошқа мавзудаги асарлар ичида ҳам фиқҳий масалалар ўрин олмоқда[8]. Аҳолининг фиқҳга қизиқиши ортаётганини "Сўраган эдингиз", "Динда саволим бор", "Зикр аҳлидан сўранг" каби даврий нашрларнинг чоп этилаётганидан ҳам билиш мумкин. Халқ, хусусан, ёшлар ўртасида юз бераётган тушунмовчилик ва ихтилофларга барҳам бериш мақсадида ҳам фиқҳга мурожаат қилинмоқда. Бу борада чуқур илмий асосга эга қатор рисола ва китоблар нашр этилмоқда[9].

Гарчи мерос тақсимоти – фароиз назарияси ва тарихи бўйича бир-икки рисола чоп этилган бўлса-да[10], бироқ Мовароуннаҳрда фароиз фани ривожи, бу соҳа бўйича нашр қилинган асарлар, бу фан мутахассисларининг таржимаи ҳоли ва илмий мероси, фароизнинг ўрта асрларда ижтимоий ҳаётдаги ўрни, тарихий ҳужжатлар (тарика) асосида мерос тақсимотларида фароизнинг амалий жиҳатларини ҳам изчил ўрганиш давр тақозосидир. Зотан, бугунги кунда қонунчиликдаги мерос ҳуқуқини миллий анъана ва

[7] Фотимахон Сулаймон қори қизи. Аёлларга хос масалалар. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2003. – 120 б.; Аёлларга оид энг зарур фиқҳий масалалар 1. / Мутаржим: Йўлдош Эшбек. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2004. – 112 б.

[8] Шамсиддинхон Бобохон, Шайх Абдулазиз Мансур. Минг бир фатво. 1 ва 2 қисмлар. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашр., 2005. – 96 бет.; Муҳаммад Зоҳид Кўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий. Авроди Қуръоний / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи: Баҳриддин Умрзоқ. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2004. – 780 б.; Аҳмад Зиёддин ал-Кумушхонавий. Ромузул аҳодис ("Ҳадислар денгизи") / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи: Баҳриддин Умрзоқ. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2007. – 700 б.

[9] Қаранг: Қалтис саволларга холис жавоблар. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2001. – 32 б.; Ҳожи Аҳмаджон Махдум. Рисолатул комила фий қазоил фоита / Таржимон: Б.Умрзоқ. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2004. – 36 б.; Абдуллатиф қори Ҳошимжон қори ўғли. Ҳаж – покланиш сафари. Ҳожиларга ёрдам. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2005. – 44 б.; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар ҳақида. – Т.: "Янги аср", 2003. – 80 б; Ўша муаллиф. Ихтилофлар, сабаблар, ечимлар. – Т.: "Шарқ", 2011. – 320 б; Йўлдошхўжаев Ҳ. Тариқатнинг замонавий кўринишлари. – Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси", 2010. – 80 б.

[10] Ҳомидов М. Фароиз фанидан маърузалар матни (мерос илми). – Т.: «Мовароуннаҳр», 2004. – 84 б.; Шайх Дўст Муҳаммад Турсун. Мерос рисоласи. – Т.: "Адолат", 2004. – 20 б.

қадриятлар уйғунлигида шакллантириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Марказий Осиёдан чиққан ҳанафий олимларнинг фиққга оид асарларининг асл матнларини Ўзбекистонда нашр этиш 1991 йилдаёқ бошланган. Жумладан, таниқли аллома – Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожуш шариа Бухорий (ваф. 747/1346) қаламига мансуб ҳанафийликнинг асосий фиққий манбаларидан бири бўлмиш “Мухтасарул Виқоя” (“Виқоянинг қисқартмаси”) нашр қилинган эди[11]. 2010 йилга келиб эса йирик ҳажмли асарлар чоп этилди: бу ерда қадим Жиззах воҳасидан етишиб чиққан ҳанафий фақиҳ Абу Жаъфар Уструшанийнинг (тахминан 1180–1240) ҳанафий фиққига оид “Аҳкомус сиғор” (Болалар ҳукмлари) тўплами ҳамда “Ал-Асъила вал ажвиба” (Саволлар ва жавоблар) номли икки китоби араб тилида нашр қилингани назарда тутилмоқда[12].

Марказий Осиёда ҳанафий фиққининг энг таниқли фақиҳлари илмий фаолият олиб борганлар. Уларнинг бизга қолдирган мероси ҳали ҳануз илмий тадқиқотларга муҳтождир. Зотан, бугунги кунда араб, турк ва ҳинд диёрлари ҳамда бошқа ўлкаларда ҳанафий олимларининг 40 фоиз асарларигина нашр этилган, холос. Уларнинг кўп қўлёзма нусхалари дунё кутубхоналарида сақланмоқда, айримлари эса, ҳали ҳануз топилган эмас. Ҳанафий олимларининг асарларини Ўзбекистонда она тилимиздаги оддий матнларини ёки илмий-танқидий матнларининг нашр этилиши зиёлилар қатламининг фиққий китобларга бўлган эҳтиёжининг қондирилишини, шу орқали, ҳар хил китобларга, хусусан, асл матнларга қизиқиши кучли ёш авлодга маънавий-мафкуравий ва маърифий манбалар бўлиб хизмат қилишини назардан қочирмаслик зарурдир.

---

[11] Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожуш шариа Бухорий. Мухтасарул виқоя. – Т.: «Мовароуннаҳр», 1991. – 177 б.

[12] Муҳаммад ибн Аҳмад Маждуддин Уструшаний. Аҳкомус сиғор / Таҳқиқ: У.Алемов, Муслим Ризқи Ато. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 449 б.; Ўша муаллиф. Ал-Асъила вал-ажвиба / Таҳқиқ: Муслим Ризқи Ато. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 368 б.

Ўзбекистонда истиқлол туфайли мамлакат аҳолиси, айниқса, ёш авлодни диний маърифатли қилиб тарбиялашда мазҳабларга бўлган муносабат маданиятини шаклланти-риш муҳим ўрин тутади. Ушбу масала диний қадриятларнинг тикланиши билан боғлиқ фаол жараёнлар кечаётган бугунги кун учун, айниқса, долзарбдир. Исломдаги фиқҳий мазҳабларнинг моҳияти ва шаклланиш шароитлари ҳақида етарли билимлар бериш, ёш авлодда ҳанафий мазҳабига бўлган муносабат маданиятини шакллантириш серқирра ва мураккаб жараён бўлиб, унинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, шу соҳадаги услубий ёндашувларнинг илмийлиги ва чуқур ўйлангани билан белгиланади[13]. Бинобарин, узоқ тарихда фаолият юритган Марказий Осиёдаги ҳанафийликдан бошқа мазҳаблар, хусусан, шофиъий мазҳаби тарихини ўрганиш ва мазкур минтақанинг илм-фан ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаларини ҳам илмий холисликда кўрсатиб бериш ўринлидир[14].

Шу билан бирга, ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. “Ал-Ҳидоя”нинг барча жилдларини ўзбек тилига таржима этиш даркор. Бошқа ҳанафий олимларининг фатво тўпламлари, фиқҳий матн китоблари, фиқҳнинг маълум бир мавзусига бағишланган асарлари борки, улардан ўзбек китобхонларини ҳам баҳраманд қилиш зарурати бор. Ўз даврида таниқли, фатволари оламни тутган бир қанча фақиҳлар борки, уларнинг асарлари бизнинг давримизгача етиб келмаган. Бироқ уларнинг чиқарган фатволари, ҳанафийлик фиқҳи бўйича билдирган раъйлари қатор фиқҳий манбаларда тарқоқ ҳолда учрайди. Уларни бир жойга йиғиб, алоҳида тадқиқ ва таҳлил этиш керак. Жумладан, Абу Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/815), Абу Ҳафс Кабир Бухорий (767–831), Шумсулаимма Ҳалвоний (ваф. 456/1063), Ҳоким Шаҳид Мар-

[13] Мунавваров З. Ҳанафий мазҳабига муносабат маданиятини шакллантиришнинг айрим масалалари // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. 4/2003. – Б. 33–35.

[14] Марказий Осиёдаги исмоилийлар ҳаёти бўйича илмий иш қилинди, шиалик бўйича тадқиқот олиб борилмоқда. Қаранг: Маҳмудов О.А. Исмоилизм в Центральной Азии: сущность, особенности развития и формы существования (середина XIX – начало XX века): автореф. дисс. ... кандидата ист.наук. – Т.: ИВ АН РУз, 2011. – С. 30.

вазий (ваф. 334/945) каби фақиҳларнинг асарлари, афсуски, бизгача етиб келмаган. Лекин улар ўз даврида чиқарган фатволар, фиқҳий фикрлари фатово ҳамда фиқҳий асарлар шарҳларида келтирилган[15].

Мовароуннаҳрдаги фиқҳ мактаблари ва фиқҳий йўналишлар ҳамда муайян фиқҳий асарлар бўйича Ўзбекистонда ҳам охирги йилларда бир қанча жиддий тадқиқотлар амалга оширилди[16]. Уларда бу ерда ривожланган маҳаллий фиқҳий йўналишлар бўйича, асосан, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси фиқҳ мактаблари ҳақида маълумотлар мавжуд. Термиз, Жиззах, Хоразм каби ҳудудлар фиқҳ мактабларига оид тадқиқотлар учрамайди. Мазкур мавжуд тадқиқотлар Мовароуннаҳрда асосий фиқҳий мазҳаб бўлган ҳанафийлик тарихи ва назарияси бўйичадир. Мовароуннаҳрдаги шофиъийлик ҳамда бошқа шу каби фиқҳий мазҳабларга оид ҳам ҳалигача бирорта тадқиқот қилингани йўқ. Ҳолбуки, Мовароуннаҳрда аҳли сунна вал жамоанинг бошқа мазҳаблари, хусусан, Қаффол Шоший (903–976) ҳамда Шаҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон Хивақий (XIII аср) орқали Тошкент ва Хоразмда шофиъийлик мазҳаби кенг тарқалган эди[17].

Таъкидлаш лозимки, Марказий Осиёдаги Ислом фиқҳи тарихи бўйича изланишлар чегараси асосан IX–XIII асрлар, аниқроғи мўғуллар истилоси давригача танлаб олинаётган бўлиб, кейинги фиқҳ тараққиёти, темурийлар (1370–1500) ва хонликлар даври (XVI XX аср бошлари)да фиқҳ ривожи ҳанузгача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Ҳолбуки, бу даврларда Марказий Осиё фақиҳлари томонидан минтақавий ва бутун Ислом фиқҳи доирасида аҳамиятга

[15] Бу ҳақида тадқиқотлар бошланди. Қаранг: Асророва Л. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фиқҳи. – Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2014.

[16] Қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: “Тошкент ислом университети нашриёти”, 2002. – 256 б.; Комилов М. Мовароуннаҳр илмининг ривожи ва фақиҳ Алоуддин Самарқандий. – Т.: “Истиқлол”, 2006. – 207 б.; Қориев О.А. Фарғона фиқҳ мактаби. – Т.: “Фан”, 2007. – 80 б.; Ўша муаллиф. Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳонуддин Марғиноний. – Т.: “Фан”, 2009. – 256 б.

[17] Қаранг: Ирисов А. Қаффол Шоший // Маънавият юлдузлари (Марказий осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) / Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев. – Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр”, 2001. – Б. 84-86.; Бунёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097–1231). – Т.: “Ғ. Ғулом”, 1998. – Б. 157.

молик фиқҳий манбалар (асосан, фатво тўпламлари, шарҳлар, кичик ҳажмли рисолалар) ёзиб қолдиргани шубҳасиз.

Марказий Осиё фиқҳ тарихини ўрганишда тарихий-расмий ҳужжатлар (дипломатика соҳаси) ҳам салмоқли ўрин тутади. Бу борада аҳамиятга молик амир ва хонларнинг фармонлари, ёрлиқлари, қозихона ҳужжатлари (байъ, никоҳ, талоқ, тарика хатлари ва ҳоказо), вақфномалар, муфтийлар томонидан чиқарилган ривоят ҳужжатлари устида қатор илмий ишлар қилинган; гарчи мустақиллик йилларида архив соҳаси, ҳужжатшунослик бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш юзасидан амалий ишлар олиб борилаётган бўлса-да, бироқ тарихий-расмий ҳужжатларни исломшунослик ва Ислом ҳуқуқи соҳалари бўйича тадқиқ этиш етарли эмас ва буларга тегишли бирламчи манбалар бўлмиш ҳужжатларни ўрганиш долзарб илмий муаммолар қаторида турибди. Зотан, тарихни ўрганишда ёзма манбалар орасида энг ишонарлиси ва энг аҳамиятлиси тарихий ҳужжатлар ҳисобланади. Шу боис, Ислом ҳуқуқи тарихини тадқиқ этишда унга тегишли ҳужжатларнинг аҳамияти беқиёсдир. Муфтийлар томонидан чиқарилган ривоят ҳужжатларининг аҳамияти шундаки, уларда ҳанафийлик фиқҳининг энг кўп фойдаланган манбалари, улардаги аҳоли ўртасида амалда бўлган масалалари кабилар борасида тўлиқ ва ишончли маълумотлар берилади.

XVI асрдан бери, асосан, Марказий Осиё қозихоналарида амалда бўлган, қозихоналарнинг асосий китобларидан ҳисобланган “Жунг” тўпламлари ҳам дунё шарқшунослари ва исломшунослари назаридан четда қолиб келаётган ана шундай манбалардан биридир. Уларда олдинги даврларда битилган фиқҳий манбалардан иқтибослар мавзулар бўйича ўрин олган. Шунингдек, “Жунг”ларда халқ орасида кенг тарқалган ҳуқуқий масалалар, одамлардан тушган саволларга жавоб фатволар, муфтият ва қозихоналарда истеъмолда бўлган шаръий ривоятлардан кўчирмалар мавжуд. Бинобарин, “Жунг” номли фиқҳий тўпламлар Марказий Осиёда ҳана-

фийлик фиқҳининг амалиётда жорий бўлган томонларини ўрганишда аҳамияти жуда катта.

Тадқиқотчилар томонидан Марказий Осиё тарихининг диний контексти ҳозиргача илмий тадқиқ ва таҳлил этилгани йўқ. Дин ва унинг қонун-қоидалари асрлар давомида ягона мафкуравий, ахлоқий ва ҳуқуқий йўл кўрсаткич бўлганини унутмаслик зарур. Марказий Осиё аҳолисининг ахлоқ тарзи ва менталитетига уламолар томонидан шариат қонун-қоидалари билан бирга, маҳаллий расм-русум, урф одатлар ва анъаналар ҳам (урф, истеҳсон, маслаҳати мурсала тарзида) шарт қилиб қўйилганлиги ўз таъсирини ўтказган. Ўтган асрларда фиқҳнинг ижтимоий тартибга солувчи сифатидаги роли қандай бўлган; сиёсат аҳлининг хулқ-атвори диний нуқтаи назардан қандай баҳоланган; фақиҳларнинг фатволари ва фиқҳ бўйича кўрсатган фикрлари давлат институтлари вазифаларига қай даражада таъсир қилган; ва ниҳоят, сарой аъёнлари учун диний қонун-қоидалар ахлоқий мезонга айланмаганининг сабаби нима; шунингдек, уларнинг шахсий одатларини ва олиб борган сиёсатларини ҳамда диний ахлоқ ҳақидаги тасаввурларини оқлаш мақсадида “буюртма фатволар”ни ҳозирда қандай тадқиқ ва таҳлил этиш мумкин, деган саволларга жавоб бериш керак. Ҳозирги жараёнларни тушуниш учун ҳам бу борадаги тарихий ҳолатни оқилона ва аниқ таҳлил қилиш зарур бўлади. Шу эътибордан, маҳаллий исломшунослар ҳам йирик тадқиқотлар яратаётгани таҳсинга сазовор[18]. Бу хилдаги тадқиқотларни ҳам изчил ва энг замонавий методологик асосда давом эттириш мақсадга мувофиқ.

Бутун дунёда “Ислом энциклопедияси” тарзидаги жилд-жилд тўпламлар энг камида тўрт-беш мужаллад, айрим давлатларда (Туркия, Эрон) қирққа яқин жилдда нашр этилаётгани сир эмас. Бу хилдаги тўплам Ўзбекистонда кичик бир жилдда, ва ниҳоят 2004 йилга келиб иккита кичик рисола шаклида чоп этилган[19]. Исломшунос, шарқшунос, диний ула-

[18] Муминов А.К. Роль и место ханафитских улама в жизни городов Центрального Мавараннахра (II VII/VIII XIII в.): Дисс…докт. ист. наук. – Т.: ТИУ, 2003. – 304 с.; Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент: “Янги нашр”, 2010. – 744 с.

[19] Ислом энциклопедияси А-Ҳ / З.Ҳусниддинов таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – 320 б.

молар ва мутахассисларнинг илмий имкониятларини бу ишга ҳам йўналтириб, ислом энциклопедияларининг янгидан-янги йирик ҳажмли жилдларини яратиш ишини тезлатиш керак. Бу йўлда Россия исломшунос ва шарқшуносларининг услубини – ҳар бир жилд барча ҳарфларга бағишланиб, янги жилдларида ҳам шу тарзда давом эттирилса, нашр ишлари тезлашарди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тарихи, унинг Ўзбекистон билан боғлиқ равишда Ислом маърифати йўлида хизмат қилган дин арбоблари, мударрислар, имом-хатиблар ҳақида маълумот берувчи "Ўзбекистон уламолари" номли катта ҳажмли муҳим энциклопедик асар 2015 йилда чоп этилди[20]. Бу хилда ҳанафий фақиҳларининг ҳаёти ва ижодига, таржимаи ҳолларига бағишланган библиографик тўпламлар, ҳанафийлик фиққий манбаларига оид библиографик асарлар ҳам ўзбек тилида тайёрланмоқда. Бу борадаги ишлардан айримлари эълон қилина бошланди[21]. Уларни "Марказий Осиё шайхлари", "Марказий Осиё ҳанафийлари" шаклида давом эттириш мумкин, албатта. Шунингдек, ҳалигача исломий атамалар, хусусан, фиққий термин ва истилоҳларнинг изоҳли луғатлари нашр қилинмаганини эслатиш ўринли.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳанафий мазҳаби фиққига оид бирламчи маълумотлар берувчи тадқиқот яратилиши мақсадида ушбу китоб тайёрланди. Унда ҳанафий мазҳабининг келиб-чиқиши, машҳур фақиҳлари, усулий қоидалар, ўзига хос истилоҳ ва атамалар, рамзий ишоралар, шунингдек, мазҳаб доирасидаги машҳур асарлар, тахриж ва таржиҳ қилиш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилди. Мазкур китобда "эътиборли" ва "эътиборсиз" фиққий манбалар; усулул фиққа оид асарлар, машҳур фиққий матн китоблари, фатво тўпламлари; 255 нафар фақиҳнинг нисба, лақаб ва куняси; уларнинг қисқача таржимаи ҳоли; бир хил ном-

[20] Йўлдошхўжаев Ҳ., Қаюмова И. Ўзбекистон уламолари. – Т.: "Мовароуннаҳр", 2015. – 496 б.

[21] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фиққий йўналишлар ва китоблар. – Т.: "Шарқ", 2011. – 304 б.

даги мазҳабларга оид асарлар, шунингдек, бир хил исми шарифдаги турли мазҳабга мансуб фақиҳлар; айрим атамаларнинг бир-биридан фарқлари; ҳанафийликдаги ўлчов бирликларининг изоҳлари каби маълумотлар ёритилган. Шунингдек, фатво берган саҳобалар, Мадинаи мунаввaранинг етти нафар фақиҳи, Бухоройи шарифнинг етти нафар қозиси ҳақида ҳам тўхталди. Мазҳаббошиларнинг мазҳаб доирасидаги қарашлари, уларнинг ўз фикрларидан қайтиб, янги фиқҳий қарашга қўшилган фатволари, қиёс ва истеҳсон муносабатлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берилди. Ўқувчиларга осон бўлиши учун кўп маълумотлар бир тўпламда жамланди. Изоҳлар ва таҳлиллар зарур ўринлардагина илова қилинди. Бинобарин, китобдаги ҳар бир мавзу бўйича алоҳида таҳлил ва тадқиқлар олиб бориб, янги йирик тадқиқот ва илмий мақолалар яратиш мумкин.

Мазкур китобни тайёрлашда ўзларининг ёрдам ва маслаҳатларини аямаган Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходимлари т.ф.н. М. Исмоилов, т.ф.н. О. Қориев, С. Муҳаммадаминов, Ҳ. Лутфуллаев, Б. Умрзоқов, Б. Абдуллаев, шунингдек, Тошкент Ислом институти катта ўқитувчилари С. Масайитов ва Я. Раззоқов ҳамда Тошкент Ислом университети катта ўқитувчиси т.ф.н. Н. Насруллаевга муаллифлар миннатдорчилик изҳор қилади.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Алҳамду лиллаҳи роббил аъламин, вассолату вассаламу ъала хойри холқиҳи ва ъала алиҳи ва асҳабиҳи ажмаъин.

Ҳанафий мазҳаби Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг юрти Куфа шаҳрида вужудга келди. Ўша пайтда Куфа катта илмий марказ бўлиб, илм ва уламолар билан тўлиб тошганди. Унинг масжидлари фиқҳ ва ҳадис ҳалқалари билан гавжум эди[22].

Бу шаҳар илм-фан ривожига катта ҳисса қўшди. Чунки бу шаҳарга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бир қанча саҳобалари кўчиб келишганди. Хусусан, Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) саҳобаларга бошқа шаҳарларга боришга рухсат берганларидан кейин уларнинг кўпчилиги Куфага кўчиб келишди. Қолаверса, Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу)нинг халифалик даврларида бу шаҳар халифалик пойтахти бўлган[23].

Бу мазҳабнинг илк тамал тошларини ўрнатиш буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)га нисбат берилади. У зотни Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) Куфага муаллим ва Куфа амири бўлмиш Аммор ибн Ёсир (розияллоҳу анҳу)га вазир қилиб жўнатаётиб, бундай деган: “Мен сизларга Аммор ибн Ёсирни амир, Абдуллоҳ ибн Масъудни муаллим ҳолда вазир қилиб юбормоқдаман. Икковлари ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг Бадрда қатнашган улуғ саҳобаларидир. Абдуллоҳ ибн Масъудни байтул молингизга бошлиқ қилдим. Уларга эргашиб, илм ўрганинглар. Сизларни ўзимдан устун қўйганим учун Абдуллоҳ ибн Масъудни сизларга жўнатдим”[24].

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) бир қанча вақт Куфа аҳлига илм ўргатдилар. Мадинага қайтаётганда энг сара шогирдларини ўз ўринларига қолдирдилар. Улар Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан тарбия олиб, унинг илм булоғидан

[22] Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 52; Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Ҳусунут тақозий. – С. 10–11.

[23] Ибн Саъд. Табақоту Ибн Саъд. Ж–6. – С. 9.

[24] Ибн Саъд. Табақоту Ибн Саъд. Ж–6. – С. 7–8.

ичган эдилар. Улар Қуръон, суннат ва фиқҳ илми осмонида ёрқин юлдузга айланишганди. Улар саҳобаи киромлардан кейин Куфада илм, фиқҳ, фатво байроқларини кўтариб, фақиҳ бўлиб етишишган эдилар[25].

Ибн Масъуддан Куфада фиқҳ ўрганиб, унинг илмини мерос қилиб олган шогирдлари ичида Алқама[26], Ҳорис[27], Масруқ[28], Абу Майсара[29], Абийда[30], Асвад[31] (раҳимаҳумуллоҳ) бор эди.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан илм, фиқҳ ва ҳадисдан кўпроқ насибадор бўлган, қавмининг билимдони, у зот билан бирга доим юрган, илм ва амалда пешво, у зотдан кейин фатво бериш ўрнига ўтирган шогирди Алқама (раҳимаҳуллоҳ)дир. У ҳидоят ва улуғворликда Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)га энг ўхшаш фақиҳ, устозининг илмини ўзлаштирган шогирд эди. Ваҳоланки, ўша пайтда саҳобалар кўп бўлишига қарамасдан, инсонлар айнан ундан савол сўрашарди. У нафақат одамлар, балки устози Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)нинг ҳам наздида сиқа (ишончли) киши эди. Шунинг учун инсонлар ундан фатво сўрашарди. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) у ҳақида бундай деган эди: “Мен ниманики ўқитган ва ўргатган бўлсам, Алқама уни ўқир ва ўрганарди”[32].

---

[25] Заҳабий. Сияру аъломин нубало. Ж–4. – С. 56.

[26] Тўлиқ исми – Абу Шибл Алқама ибн Қайс ибн Абдуллоҳ Нахаий Куфий. У зот тобеинлардан бўлиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлик чоғида туғилган. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)га шогирд тушиб, илм ўрганади. У зот 61–71-йиллар оралиғида вафот этган.

[27] Тўлиқ исми – Ҳорис ибн Қайс Жаъфий Куфий. У Али ибн Абу Толиб ва Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳумо)дан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий олтмишинчи йиллардан олдин Муовия (розияллоҳу анҳу)нинг халифалик даврида вафот этган.

[28] Тўлиқ исми – Абу Ойша Масруқ ибн Аждаъ Абдурраҳмон ибн Молик Ҳамадоний Куфий. У хулофои рошидинлар ва бошқа саҳобалардан ҳадис ривоят қилган ва фатво олими бўлган. 62 ёки 63-йилда вафот этган.

[29] Тўлиқ исми – Абу Майсара Амр ибн Шураҳбил Ҳамадоний Куфий. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)нинг етук шогирдларидан. У Ойша, Али ва бошқа саҳобалардан ҳадис ривоят қилган ва фатво олими бўлган. 63-йилда вафот этган.

[30] Тўлиқ исми – Абу Амр Абийда ибн Амр Салмоний Муродий Куфий. У Макка фатҳ қилинган йили Яманда мусулмон бўлади. 72-йилда вафот этган.

[31] Тўлиқ исми – Абу Амр Асвад ибн Язид ибн Қайс Нахаий Куфий. У Алқаманинг акасининг ўғли бўлган, лекин Алқамадан ёши катта эди. У солиҳ, обид ва фақиҳ бўлган. Уммул муъминин Ойша (розияллоҳу анҳо) уни ҳурмат қилар ва у ҳақда бундай деди: “Ироқда бирор киши менга Асваддан кўра ҳурматлироқ эмас”. У зот 75-йил вафот этган.

[32] Заҳабий. Таърихул Ислом. Ж–5. – С. 192.

Алқама устози Абдуллоҳ ибн Масъуд билан бирга Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб ва бошқа саҳобалар (розияллоҳу анҳум)дан ҳам ҳадис ривоят қилган.

Саҳобалар асридан кейин Алқаманинг илмий фаолияти Куфа шаҳрида илмни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди. Ундан Куфанинг улуғ зотлари илм ўрганишди. Унинг шогирдлари ичида кўзга кўрингани ва машҳури “Куфа фақиҳларининг тили” деган номга сазовор бўлган Имом Масъуд Иброҳим Нахаий (розияллоҳу анҳу) эди.

Иброҳим Нахаий устози Алқаманинг йўлини тутди. Алқама эса, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га маҳкам эргашиши билан танилган Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)нинг изидан борган эди. Ҳатто инсонлар: “Алқамага Нахаийдан кўра кўпроқ эргашувчи бирор кишини кўрмаганмиз. Ибн Масъудга Алқамадан кўра кўпроқ эргашувчи бирор кишини кўрмаганмиз. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Ибн Масъуддан кўра кўпроқ эргашувчи бирор одамни билмаймиз”, дейишарди[33].

Иброҳим Нахаий вафотидан кейин унинг ўрнини Куфа муфтийси ва фиқҳда мурожаат қилинадиган зот Ҳаммод ибн Абу Сулаймон эгаллади. Нахаий ҳаётлик даврида шогирдларига бундай васият қилар эди: “Мендан кейин Ҳаммоднинг этагини маҳкам тутинглар. Зеро, у инсонлар мендан сўрайдиган масалаларнинг ҳаммасини ўрганиб бўлган”[34].

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) фиқҳни Ҳаммод ибн Абу Сулаймон (раҳимаҳуллоҳ)дан таълим олдилар. Устозининг вафотига қадар ўн саккиз йил мобайнида у зотнинг этагидан маҳкам тутдилар. Сўнгра марҳум устозининг ўрнига ўтириб, инсонларга илм ўргатдилар ва фатво бердилар.

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Ҳаммод ибн Абу Сулаймон (раҳимаҳуллоҳ)дан таҳсил олиш билан бирга бошқа устозлардан ҳам илм ўрганган. Ҳаммод ҳам ўз навбатида Иброҳим Нахаийдан ташқари бошқа шайхлардан сабоқ олган. Буни ҳам юқорида айтдик. Иброҳим эса, Абдуллоҳ ибн Масъуд (ро-

[33] Хатиб Бағдодий. Таъриху Бағдод. Ж–12. – С. 298; Заҳабий. Сияру аъломин нубало. Ж–4. – С. 55.
[34] Заҳабий. Сияру аъломин нубало. Ж–5. – С. 232.

зияллоҳу анҳу) илмининг меросхўри бўлган Алқама ибн Қайсдан илм олган. Демак, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) мазҳабининг асосий булоғи буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)нинг фиқҳи ва ривоят қилган асарларидир. Абу Ҳанифа мазҳабининг илдизлари Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан бошланади ва деярли барча асл (қоидалар) у зотга бориб тақалади.

Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг Ҳаммод, Иброҳим ва Алқамадан олган илм санадидан ташқари бошқа саҳобаи киромларнинг ҳам илмини ўрганган. Уларнинг аввалида Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб ва Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳум) туради[35].

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)нинг фатволари ва масалалари уфқларни тўлдириб юборган. Хусусан, ҳанафий мазҳабининг ўчоғи бўлган Куфа шаҳрида ҳам кенг тарқалган. Чунки Куфанинг биринчи муаллими Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) билан ҳамфикр бўлганлари боис у зот йўлларидан борардилар. Деярли ҳеч бир масалада у зотга хилоф сўз айтмасди. Имом Шаъбий (раҳимаҳуллоҳ) Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)нинг бундай деганларини ривоят қилади: “Борди-ю инсонлар бир водий ва дарани манзил тутсалар-у, Умар бошқасини танласа, мен, албатта у танлаган водий ва дарани макон тутган бўлардим”[36].

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) Куфага риҳлат қилгач, у ерни халифалик пойтахтига айлантирган эди. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шайхлари у зотдан фиқҳни ўрганиб, раъйларидан фойдаланишган.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) Али ибн Абу Толибнинг халифалик даврида Ироққа келганлар. Шунинг учун у зотнинг илмлари бу ерда ёйилган. Юқорида таъкидлангани дек, Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)нинг шогирди Ато ибн Абу Рабоҳ (раҳимаҳуллоҳ) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг катта устозларидан бири бўлган.

[35] Аҳмад ибн Насириддин Нақиб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. Ж–1. – С. 87.
[36] Аҳмад ибн Насириддин Нақиб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. Ж–1. – С. 88.

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Ҳижозга кўп борар эди. Ҳатто умавийлар халифалигининг охирги даврида аббосийлар давлати ташкил топгунга қадар маълум муддат Макка шаҳрида қўним топди. Ҳар бир сафарида буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос (разияллоҳу анҳумо)нинг илмини мерос қилиб олган шогирдларидан илм ўрганишга ҳаракат қилар эди[37].

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) бу буюк саҳобаи киромларнинг илмини шайхи Ҳаммод, унинг шайхи Иброҳим орқали ўрганган. Бу ҳақдаги маълумотни Саймарий ва Хатиб Бағдодий санадлари билан Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан ривоят қиладилар: “Мен амирул муъминин Абу Жаъфарнинг ҳузурига кирдим. У мендан:

– Эй, Абу Ҳанифа, илмни кимлардан ўргандингиз? – деб сўради.

– Ҳаммоддан, у Иброҳимдан, у эса, Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳум)нинг шогирдларидан.

– Етар, етар! Эй Абу Ҳанифа, истаган нарсамга ишонч ҳосил қилдим”[38].

Маълумки, Али (розияллоҳу анҳу) Куфада қисқа муддат яшадилар. Шу пайт у ерда турли фитна ва исёнлар содир бўлди. Бу ҳолат у зотнинг фиқҳларининг ёйилишига таъсир ўтказмади. Абу Ҳанифа ҳам Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)нинг шогирдларидан илмни одатий бўлмаган ҳолатда ўрганган. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)дан етиб келган илм эса, кўпинча Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) орқали бўлган.

Демак, Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) салафи солиҳларнинг одатларидек кўпгина саҳобаи киромларнинг илмларини ўрганган, уларнинг кўплаб раъйларидан таъсирланган. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу саҳобаларнинг бошида тўрт буюк саҳоба туради. Бироқ Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фиқҳига асосий таъсир кўрсатган зотлар – Ҳаммод, Иброҳим ва Алқама ибн Қайс Нахаий сана-

[37] Аҳмад ибн Насириддин Нақиб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. Ж–1. – С. 88.

[38] Саймарий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 34; Хатиб Бағдодий. Таъриху Бағдод. Ж–12. – С. 231.

ди билан етиб келган Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)нинг фиқҳидир. Уламолар орасида ушбу гап кенг ёйилган: “Абдуллоҳ ибн Масъуд фиқҳ уруғини сепган, Алқама суғорган, Иброҳим Нахаий ҳосилини йиғиштириб олган, Ҳаммод янчган, Абу Ҳанифа ун қилган, Абу Юсуф хамирини қорган, Муҳаммад нон қилиб пиширган. Қолган инсонлар эса, ўша нондан емоқдалар”[39].

Ҳанафий мазҳаби ривожланишнинг дастлабки босқичи Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ҳаётлик чоғларида таълим ва фатво беришлари, бошқаларга қараганда кўпроқ фиқҳни ўргатишлари билан бевосита боғлиқдир.

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фиқҳга бўлган иқтидорлари ва бор аҳамиятларини ижтиҳод ҳамда фиқҳни ўргатишга қаратганлари мазҳабларининг ривожланишига туртки бўлди. Ижтиҳодларида ўзининг фиқҳлари ва раъйларини намоён қиладиган ёрқин йўлни, шогирд ва талабаларга фиқҳни ўргатиш борасида эса ажойиб услубни танладилар. Натижада кўп фақиҳлар етишди. Шогирдлари у зотга ҳаётлик даврларида истинбот қилиш ва масалаларни ўрганишда шерик бўлишган, вафотларидан кейин ҳам шу ишларини давом эттиришди. Бу эса, ҳанафий мазҳабининг ривожланишига катта ёрдам берди.

Имоми Аъзам (раҳимаҳуллоҳ)нинг фатволари, райълари ва қавлларининг истинбот қилиниши уч босқичдан иборат. Имом Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) бу мазҳабнинг кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган. У зот аббосий давлатида бош қози бўлганидаги вилоятлар ва шаҳарларга ҳанафий мазҳабига мансуб уламоларни қози этиб тайинлаган. Кейинчалик усмонийлар халифалиги ушбу мазҳабни расмий деб эълон қилиб, ўзига тобе барча вилоятлар ва ҳудудларда шу мазҳаб асосида қозилик ва фатво ишларини амалга оширилишини таъминлаган[40].

[39] Имом Ҳаскафий. Ад-Дуррул мухтор. Ж–1. – С. 8.
[40] Аҳмад ибн Насириддин Нақиб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. Ж–1. – С. 10.

ИМОМ АБУ ҲАНИФА (РАҲИМАҲУЛЛОҲ)НИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Тўлиқ исми – Нўъмон ибн Собит Куфий. 80-ҳижрий йили Куфа шаҳрида туғилган. Асосан шу шаҳарда яшаб, 150/769 йили 70 ёшда Бағдодда вафот этган[41].

У зот йигитлик чоғида тижорат билан шуғулланган. Бир куни Имом Шаъбий[42] билан учрашади. У зот Абу Ҳанифадаги ақл-фаросатни кўргач, уни уламолар ҳузурига бориб, илм олишга тарғиб қилади. Ўсмир Имом Шаъбий насиҳатига амал қилиб, илм ўрганишга киришади. Йиллар ўтиб, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) етук аллома бўлиб етишади[43].

Ўша пайтда Куфа Ислом оламида илм марказларидан бири бўлган. Унинг масжидлари дарс ҳалқалари билан тўла эди. Кўплаб саҳобаи киромлар ва тобеинлар у ерда яшардилар. Шунинг учун Абу Ҳанифанинг бошқа ўлкаларга бориб, илм ўрганишга эҳтиёжи тушмаганидан Басра, Ҳижоздан бошқа шаҳарларга кам сафар қилган. У зотдан: “Фиқҳни қаердан ўргандингиз?” деб сўрашганида “Мен илм ва фиқҳ маркази (Куфа шаҳри)да яшаганман. Куфа аҳли билан бирга фақиҳ Ҳаммод ибн Абу Сулаймондан кўп йиллар сабоқ олдим”[44].

Имоми Аъзам (раҳимаҳуллоҳ) дастлаб калом илми билан шуғулланган. Аллом бидъатчилар ва адашган фирқа вакиллари билан кўп баҳслашганидан бу борада жуда машҳур бўлиб, бармоқ билан саналадиган даражага етади. Бу у зот ҳақидаги ривоятларда очиқ-ойдин келтирилган. Сўнгра бу одат саҳоба ва тобеинларнинг йўли эмаслигини билгач, калом илми билан шуғулланмай фиқҳ ўрганишга киришади. Бу илмда ҳам етук мартабага етишиб, имом бўладилар. Ин-

[41] Ибн Халкон. Вафаётул аъён. Ж–5. – С. 405; Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж–1. – С. 53–54.

[42] Тўлиқ исми – Абу Амр Омир ибн Шураҳбил ибн Абд Шаъбий Куфий. У зот тобеинлардан бўлиб, бир қанча саҳобаларни кўрган. У зот фақиҳ, муҳаддис, ҳофиз бўлган. У зотнинг қуйидаги сўзи намуна сифатида ривоят қилинган: “Шу кунгача қоғозга бирор нарса ёзмадим. Ким менга ҳадис айтса, уни дарҳол ёд олдим ва такрор айтишини ёқтирмас эдим”.

[43] Ҳайсамий. Ал-Хайротул ҳисон. – С. 37.

[44] Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 52.

сонлар у зотга эргашиб, айтганларига амал қиладиган бўлишди.

У зот бу ҳақда бундай деганлар: “Менга калом илми бўйича баҳслашиш маҳорати ато этилганди. Басрада бидъатчилар кўп эди. У ерга йигирма мартадан кўпроқ бориб, улар билан бу борада баҳслашганман. Басрада кўпинча бир йил ёки кўпроқ ё оз муддат яшар эдим. Ўшанда калом илмини энг улуғ илмлардан, деб ҳисоблардим. Сўнг маълум муддат ўтгач, тафаккур қила бошладим: “Салафи солиҳлар биздан кўра ҳақиқатларни яхшироқ билишарди. Шунга қарамай, улар баҳс-мунозарага берилмаган, балки ундан ўзларини тийишган. Шариат илмини ўрганиш ва ўргатишга киришишган ҳамда унга рағбат ва мунозара қилишган”. Шунинг учун ҳам калом илмини ташлаб, фиқҳ билан шуғулландим. Кейин қарасам, калом илми билан шуғулланувчиларнинг кўриниши солиҳларникига ўхшамас экан. Уларнинг қалби қаттиқ, тошбағир. Қуръон, ҳадис ва салафи солиҳларга эътиборсиз ҳамда хилоф эди. Агар калом илми яхши бўлганида, у зотлар бу илм билан шуғулланишарди. Аллоҳга шукр бўлсинки, шу туфайли калом илмини тарк этдим”[45].

22 ёшли Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ҳижрий 102 йили бутун борлиғи билан фиқҳ ўрганишга киришади. Ўша даврдаги Куфа фақиҳи Ҳаммод ибн Абу Сулаймон (раҳимаҳуллоҳ)нинг дарс ҳалқасига қатнаб, асосий илмларни у зотдан ўрганади. Устозидан ўн саккиз йил таълим олади. Жидду жаҳди, ҳаракатчанлиги, сабр ва матонати туфайли у зотнинг фиқҳ булоғидан истифода қилди.

Устози Ҳаммод (раҳимаҳуллоҳ) унга дарс ҳалқасида алоҳида жой ажратиб, уни бошқа шогирдларидан устун кўрар ва бундай дерди: “Менинг тўғримда – ҳалқа ўртасида Абу Ҳанифадан бошқаси ўтирмасин”. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шу даражага етдики, устозларининг хос шогирдига айланди. Устози бирор муҳим иш билан сафарга кета-

[45] Кардарий. Манокибу Абий Ҳанифата. – С. 137–138.

диган бўлса, дарс ҳалқасига уни бошлиқ қилиб қўярди. Бу эса у зотнинг вафотидан кейин Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг устоз бўлишига ишора эди[46].

Кўпчилик муҳаддислар: “Саҳобани кўрган инсон тобеинга айланади”, деганлар. Тобеин бўлиш учун маълум муддат саҳоба билан юриш ва ундан ҳадис ривоят қилиш шарт эмас. “Тадрибур ровий” асарида “Саҳоба билан бирга юрмаса-да, у билан учрашган киши тобеиндир”, дейилган. Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Анас (розияллоҳу анҳу) билан кўришган ва ундан ҳадис эшитган.

Алиюл Қорий “Ат-Табақот”да айтишича, Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг баъзи саҳобаларни кўргани собитдир. Аммо улардан ҳадис ривоят қилгани тўғрисида ихтилоф бор бўлса-да ривоят қилганлиги ҳақидаги хабарлар кучлидир. Ҳофиз Заҳабий “Тазкиратул ҳуффоз” асарида зикр қилишича, Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)ни Куфага келганларида бир неча марта кўрган.

Ҳофизларнинг охиргиси Жалолиддин Суютий айтишича, “Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) тобеинларданми?” деган савол Ҳофиз ибн Ҳажарга берилганида бундай жавоб берган: “Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) саҳобалардан бир қанчасини кўрган. Чунки у зот саксонинчи ҳижрий йилда туғилган. Ўша вақтда саҳобалардан Маккада Абдуллоҳ ибн Абу Авфо, Басрада Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳум) бор эди. Баъзи уламолар (Имом Абул Муъшир Абдулкарим Абдуссомад Табарий Муқрий Шофиъий) Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг саҳобалардан ривоят қилган ҳадисларини тўплаб китоб ёзган. Саҳобаларни кўриб, улардан ҳадис ривоят қилиш бахти Имом Абу Ҳанифага замондош бошқа уламоларга насиб этмаган. Масалан, Шомда Имом Авзоий, Куфада Саврий, Мадинада Имом Молик, Маккада Муслим ибн Холид Занжий, Мисрда Лайс ибн Саъд каби уламолар шулар жумласидандир”.

[46] Саймарий. Ахбору Абий Ҳанифата ва асҳобух. – С. 6. Хатиб Бағдодий. Таъриху Бағдод. Ж–5. – С. 236.

Ҳанафий уламолар табақотлари борасида биринчи бўлиб китоб ёзган аллома, имом, муҳаддис Абдулқодир ибн Абулвафо Қураший Ҳанафий Мисрий “ал-Жавоҳирул музийя” асарида бундай дейди: “Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ўзи саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Унайс, Абдуллоҳ ибн Жуз Забидий, Анас ибн Молик, Жобир ибн Абдуллоҳ, Маъқал ибн Ясор, Восила ибн Асқаъ, Ойша бинти Ажарада (розиялоҳу анҳу)млардан ҳадис эшитганини зикр қилган”.

Имом Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) Имом Абу Ҳанифадан ривоят қилади: “Мен (ҳижрий) тўқсон олтинчи йилда ўн олти ёшимда отам билан бирга ҳаж қилдим. Инсонлар бир шайхнинг атрофида тўпланиб олишганини кўриб, отамдан: “Бу шайх ким?” деб сўрадим. Отам: “Бу зот Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг саҳобаларидан. Исми Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Жуз”, деб айтди. “У кишининг ҳузурида нима борки, инсонлар унинг атрофида тўпланишган?” дедим. Отам айтди: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ҳадислар эшитган”. Отамга: “Мени у зот ҳузурига олиб боринг, мен ҳам у зотдан ҳадис эшитай”, дедим. Кейин у зот ҳузурига бордим. Инсонлар орасидан ўтиб, у зотга яқин бордим. Сўнг мен у зотдан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг:

من تفقَه في دين الله كفاه الله همَه ورزقه من حيث لا يحتسب

“Ким Аллоҳнинг динида фиқҳни ўрганса, Аллоҳ таоло у ўйламаган томондан ташвиши ва ризқига кифоя қилади” деганларини эшитдим.

Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) бир куни халифа Мансурнинг ҳузурига кирганида Амир Исо ибн Мусо айтади: “Бу зот бугун дунёнинг олимидир”. Имом Бухорийнинг устозларидан Маккий ибн Иброҳим Имом Абу Ҳанифани зикр қила туриб: “У зот ўз замонасининг улуғ олими эди”, деган. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) айтади: “Ҳадис тафсирида Абу Ҳанифадан кўра олимроқ бирор кишини кўрмадим”.

Язид ибн Ҳорун айтади: “Мингта уламо билан учрашиб, уларнинг кўпидан (ҳадис, илм) ёзиб олдим. Улар ичида беш-

тасини фиқҳ, парҳезкорлик ва илмда бошқалардан устун топдим. Уларнинг биринчиси Абу Ҳанифа эди”.

Ибн Муборак (раҳимаҳуллоҳ)нинг ривоят қилишича, Бағдод қозиси Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Аммора Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) мактубини қўлига олиб бундай деган: “Аллоҳга қасамки, фиқҳда сендан кўра етукроқ ва қисқароқ гапирадиган бирор кишини учратмадим. Сен шак-шубҳасиз ўз замонангдаги фақиҳларнинг саййидисан. Сен ҳақингда баъзиларнинг ёмон сўзлари ҳасаддан бошқа нарса эмас”.

Абдуллоҳ ибн Довуд Харибий айтади: “Мусулмонларга намозларида Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ҳақига дуойи хайр қилишлари вожибдир. Чунки у зот улар учун суннат ва фиқҳни муҳофаза қилди”.

Абдуллоҳ ибн Муборакдан ривоят қилинади: “Куфага бориб, уламоларидан “Шаҳарингизда энг олимроқ киши ким?” деб сўрадим. Уларнинг барчаси: “Имом Абу Ҳанифа”, деб жавоб беришди. Кейин улардан: “Энг кўп ибодат қиладиган ва энг кўп илм билан машғул бўладиган одам-чи?”, деб сўрадим. Ҳамма: “Имом Абу Ҳанифа”, деб айтишди. Яна улардан бир яхши хислат ҳақида сўрганимда, улар бир овоздан: “Бу борада ҳам Абу Ҳанифадан кўра устунроқ бирор одамни билмаймиз”, деб жавоб беришди.

Хатиб Бағдодий Муҳаммад ибн Бишрдан (ваф. 203 й.) ривоят қилади: “Мен Абу Ҳанифа ва Суфён (раҳимаҳумоллоҳ)дан илм ўрганиб юрардим. Абу Ҳанифа олдига борганимда: “Қаердан келдинг?” деди. “Суфён ҳузуридан” десам, у зот: ”Сен шундай кишининг олдидан келдингки, агар (Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)нинг икки катта шогирди) Алқама ва Асвад ҳозир бўлганида, албатта унга ўхшаш инсонга муҳтож бўлар эди”, деди. Суфён олдига борганимда: “Қаердан келдинг?” деб сўрарди. “Абу Ҳанифа ҳузуридан”, десам, у зот: “Ер юзи аҳлининг энг фақиҳроғи олдидан келибсан”, дерди.

Абдуллоҳ ибн Муборак айтади: “Агар Аллоҳ таоло менга Абу Ҳанифа ва Суфён орқали ёрдам бермаганида (яъни, мен-

га улардан илм ўрганишни насиб қилмаганида) бошқа инсонлар каби бўлиб қолар эдим”.

Ҳужр ибн Абдулжаббор айтишича, Қосим ибн Маан ибн Абдураҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Масъудга: “Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирдларидан бўлишга розимисиз?”, дейилди. У зот эса: “Бирор киши учун Абу Ҳанифа билан бирга ўтиришдан кўра манфаатлироқ илм мажлиси йўқ”, деди.

“Маноқибул қорий” асарида зикр қилинишича, Абу Ҳайён Тавҳидий айтади: “Подшолар сиёсат майдонида ҳазрат Умарга, фақиҳлар қиёс бобида Абу Ҳанифага, муҳаддислар ҳадис исноди бобида Аҳмад ибн Ҳанбалга муҳтождирлар”.

Асад ибн Амр айтади: “Абу Ҳанифа қирқ йил хуфтон намозига олган таҳорат билан бомдодни ўқиди. Кечаларни Қуръон тиловати билан йиғлаб ўтказар, ҳатто у зотнинг йиғисини қўшнилари ҳам эшитар эди. Вафот этган жойида, яъни ҳибсхонада етти минг марта Қуръони каримни хатм қилган”[47].

Мисъар (раҳимаҳуллоҳ) айтади: “Бир кеча масжидга кирсам, бир киши намоз ўқимоқда. У намозда қироатда давом этиб, бир ракатда Қуръонни хатм қилди. Қарасам, у Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) экан”.

АБУ ҲАНИФА (РАҲИМАҲУЛЛОҲ)НИНГ МАШҲУР УСТОЗЛАРИ

Абу Ҳанифа фиқҳни Куфа фақиҳи Ҳаммод ибн Абу Сулаймон (раҳимаҳуллоҳ)дан ўрганганди. Бундан ташқари кўплаб фақиҳ ва муҳаддислар суҳбатида бўлиб, улардан саҳоба ва тобеинларнинг илмларини ўзлаштирди. Зеро, кўп устозлар билан учрашиб, улардан дарс олиш салафи солиҳларнинг илм ўрганишдаги одатлари ҳисобланган.

У зотнинг устозлари адади 4000 та бўлган дейилади. Бу борада бундай шеър ҳам айтилган:

ثلاثة آلاف وألف شيوخه – وأصحابه مثل النجوم الثواقب

[47] Абдулҳай Лакнавий. Умдатур риоя. Ж–1. 164.

Устозлари тўрт мингта,
Шогирдлари бамисоли порлоқ юлдузлар[48].

Бу эҳтимол муболағадир, бироқ Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг устозлари нақадар кўплигига далолатдир. Табоқат жанрига оид китоблардаги маълумотлар сўзимизни қўллаб-қувватлайди.

Ҳаммоддан ташқари, у зотнинг катта устозларидан бири Ато ибн Абу Рабоҳ (раҳимаҳуллоҳ)дир. Зотан, Абу Ҳанифанинг ўзлари бундай деган: “Мен Ҳаммод ибн Абу Сулаймондан кўра фақиҳроқ ва Ато ибн Абу Рабоҳдан кўра барча илмларни ўзида жамлаган бирор кишини кўрмадим”[49].

Ато ибн Абу Рабоҳнинг баъзи шогирдлари бундай дейишган: “Устозимиз Ато ибн Абу Рабоҳ ҳузурига борганимизда талабаларнинг кўплигидан бир-бирларимиз орқасида ўтиришга тўғри келарди. Борди-ю, Абу Ҳанифа келса, у зот унга жой очиб, ўзига яқин ўринга ўтказар эди”[50].

Албатта, китобда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг барча устозлари ҳақида тўхталишнинг имкони йўқ. Шу боис у зотнинг фиқҳдаги асосий устозлари билан танишсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида зикр қилинганидек, Ҳаммод ибн Абу Сулаймон ўз даврининг етук уламоларидан бўлган. У зот Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу), Саид ибн Мусайяб, Ҳасан Басрий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ўз замонасида “Куфа фақиҳи” номи билан шуҳрат қозонган Иброҳим Нахаийдан фиқҳ илмини ўрганади. У Иброҳим Нахаийнинг шогирдлари ичида энг етуги, фақиҳроғи, қиёсни пухта билар ҳамда мунозара ва раъйни яхши тушунар эди[51]. Ҳатто, Иброҳим Нахаий ҳам шогирди Ҳаммоднинг фазлини эътироф этиб, шогирдларига: “Мендан кейин Ҳаммод этагини маҳкам тутинглар. Чунки у инсонлар сўрайдиган барча илмни мендан ўрганиб бўлган”, дер эди. Нахаийдан: “Сиздан сўнг кимдан фатво сўрайлик?” деб айтишганида: “Ҳаммод-

[48] Тамимий. Ат-Табақот ас-сунния. Ж–1. – С. 132. Али Қорий. Ал-Асмору ал-жанния. – С. 456.
[49] Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 79.
[50] Саймарий. Ахбору Абий Ҳанифата ва асҳобуҳу. – С. 83.
[51] Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж–2. – С. 151.

дан”, деб жавоб берди. У зот Ҳаммодни фатво беришга лойиқ, деб биларди. Ҳаммод устозининг дарс ҳалқасидан ҳечам ажрамасдан қатнашар эди. Иброҳим Нахаийга баъзи шогирдлари: “Ҳаммод фатво беришга ўтди”, дейишганда, у: “Ҳаммодни фатво беришдан тўсадиган бирор моне йўқ. Зеро унинг бир ўзи мендан сўраган саволларнинг ўндан бирини ҳам сизларнинг барчангиз сўрамагансизлар”, деб жавоб берган[52].

Ҳаммод (раҳимаҳуллоҳ) устози назарига тушиб, илмининг меросхўри бўлди. Ўзидаги илмларни келажак авлодларга мукаммал тарзда етказди. Устози вафотидан кейин унинг ўрнига ўтирди. Инсонлар ундан кўп манфаат олишди. Улар Ҳаммодни салафи солиҳларга муносиб олим деб ҳисоблашар эди.

Ҳаммод ибн Салама[53] айтади: “Иброҳим Нахаий вафот этгач, Куфа муфтийси ва инсонлар фиқҳда мурожаат қиладиган киши – Ҳаммод ибн Абу Сулаймон эди. Шу боис улар бошқа уламолар олдига боришга эҳтиёж сезишмади”[54].

Имом Абу Ҳанифа аксар илмларни шу зотдан олган, унинг ҳузурида фақиҳ бўлиб етишди. Устози вафот этгунга қадар 18 йил мобайнида ундан ажралмади[55].

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) айтади: “Устозим Ҳаммоддан ҳечам ажралмасдим. Унга жуда кўп савол берардим. Баъзан мендан ранжиб: “Эй Абу Ҳанифа, ёнбошим шишиб кетди, юрагим эзилди”, дер эди”[56].

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) яна бундай деган: “Устозим Ҳаммоддан ажралмадим. У зотдан керакли барча илмларни ўргандим. Ҳатто бир куни менга: “Эй Абу Ҳанифа, менинг бор илмимни сўриб олдинг-а?!” дедилар”[57]. Ҳаммод ибн Абу Сулаймон (раҳимаҳуллоҳ) ҳижрий 120 йилда вафот этди.

---

[52] Заҳабий. Сияру аъломин нубало. Ж–5. – С. 232; Ибн Абу Ҳотим. Ал-Жарҳ ват-таъдил. Ж–3. – С. 146.

[53] Тўлиқ исми – Абу Салама Ҳаммод ибн Салама ибн Динор Басрий бўлиб, араб тили билимдони, ажойиб нотиқ, муҳаддис, фақиҳ, қироат устози эди. У зот ҳижрий 167 йилда вафот этган.

[54] Саймарий. Ахбору Абий Ҳанифата. – С. 7; Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 64.

[55] Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 48-52; Тамимий. Ат-Табақоту ас-сунния. Ж–3. – С. 187.

[56] Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 53.

[57] Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 58.

АБУ ҲАНИФА (РАҲИМАҲУЛЛОҲ)НИНГ ФАТВО ВА ДАРС БЕРИШЛАРИ

Юқорида айтилганидек, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) устози Ҳаммоддан ажралмасдан илм ўргандилар. Устозлари ҳаётлик даврида кўпроқ илм ўрганишга ҳарис бўлгани ва устозини ҳурмат қилгани учун ўзи алоҳида дарс ҳалқасини ташкил қилмаган.

Ҳаммод ибн Абу Сулаймон вафот этгач, шогирдлари унинг ўғли Исмоилни отаси ўрнига дарс ҳалқасига бошлиқ этиб тайинламоқчи бўлишди. Бироқ Исмоил фиқҳни наҳв, шеър, тарихни билганчалик яхши билмас эди. Шунинг учун улар Ҳаммод ибн Абу Сулаймоннинг дарс ҳалқасига фақиҳ Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)ни бошлиқ этиб тайинлашди. Ўша пайтда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) камолот ёши – 40 да эди[58].

Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) етук аллома бўлиши билан бир қаторда закий, бой ва сахий эдилар. У зот фатво ва дарс беришни бошлади. Инсонлар ҳалол-ҳаромга доир илмларни бошқалардан кўра у зотдан кўпроқ ўрганишди. Шу боис Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фиқҳда илгарилаб, ўзиб кетганини кўпроқ кўрган Ҳаммод ибн Сулаймоннинг катта шогирдлари ҳам у зотнинг дарс ҳалқасига келиб, ёш шогирдлар билан бирга дарс тинглашарди. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) илм омонатини мукаммал тарзда елкаларига олиб, илм байроғини кўтардилар. Устозлари бош бўлган шогирдларга устозлик қилдилар. Илмни, фиқҳни ёйишда устозларига муносиб ўринбосар бўлдилар. У зотга илм талабида кўзлар термилар, одамлар муҳтож бўлар эди. Амирлар, обрўли кишилар у зотни иззат-икром қилишар, номини ҳокимлар ҳузурида айтишарди. Шу тарзда у зотнинг обрўси, шуҳрати ошиб борди. Ҳатто илмий ҳалқаларда: “Бу Абу Ҳанифанинг сўзи”, деб айтиладиган бўлди. У зотга шогирд бўлиш учун дунёнинг турли ўлкаларидан инсонлар оқиб кели-

[58] Мустафо Шакъа. Ал-Аиммату ал-арбаъа. Ж–1. – С. 61.

шарди. Шогирдлари кўпайиб, масжиддаги дарс ҳалқалари энг катта ҳалқага айланди. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шу тарзда 30 йил дарс бердилар. У зотнинг қўлида илмда пешво бўлган олимлар етишиб чиқиб, турли ўлкаларга кетишди. Шу шогирдлар туфайли Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фиқҳи дунё бўйлаб тарқалди[59].

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)га шундай неъмат ато этилган эдики, у киши кўпчилик замондошлари жавоб беришга қийналган масалаларни осонгина ҳал қилар, киши кечаю кундуз илм йўлида чарчамасдилар. Шунингдек, у зот жуда камгап, кўп сўзлашни ёқтирмасди. Бироқ ҳалол-ҳаромга оид бирор савол берилса, очилиб кетар ва денгиз каби оқарди. Фатво беришдан ниҳоятда қўрқар эди. Бу ҳақда: “Агар илм зое бўлиб қолишидан қўрқмаганимда, ҳеч кимга фатво бермасдим. Чунки фойдаси уларга, гуноҳи менга бўлади”, дер эди[60].

У зот ўттиз йил мобайнида дарс бериш, ўзгаларга манфаат етказиш билан яшадилар. Жуда кўплаб уламоларни тарбияладилар. У зот фиқҳда, янги чиққан масалаларни ечишда умматга беқиёс хизмат қилдилар. Назр ибн Шумайл[61] (раҳимаҳуллоҳ) бундай деган: “Инсонлар фиқҳдан ғафлатда қолган эдилар. Абу Ҳанифа фиқҳни очиб, баён қилиб, тушунтириб, уларни бу уйқудан уйғотди”[62].

Имом Шофиъий (раҳимаҳуллоҳ) бундай деган: “Ким фиқҳни ўрганмоқчи бўлса, Абу Ҳанифа ва шогирдларини маҳкам тутсин. Зеро, барча инсон фиқҳда Абу Ҳанифага боқимондадир”, “Абу Ҳанифа фиқҳ илми ато қилинган кишилардан эди”,[63]. Имом Заҳабий (раҳимаҳуллоҳ) айтади: “фиқҳ ва ундаги дақиқ масалаларда Абу Ҳанифанинг пешво эканида ҳеч қандай шак-шубаҳа йўқ”.

---

[59] Саймарий. Ахбору Абий Ҳанифата ва асҳобуҳу. – С. 7–8; Ҳайсамий. Ал-Хайротул ҳисон. – С. 40.

[60] Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 183. Солиҳий. Уқудул жимон. – С. 243.

[61] Тўлиқ исми – Абул Ҳасан Назр ибн Шумайл ибн Хараша Мозаний Басрий бўлиб, Марвнинг қозиси ва олими бўлган. У араб тили олими, адиб ва муҳаддис эди. У зот ҳижрий 203 йил вафот этган.

[62] Хатиб Бағдодий. Таъриху Бағдод. Ж–13. – С. 345.

[63] Хатиб Бағдодий. Таъриху Бағдод. Ж–13. – С. 346; Хоразмий. Жомеул масонид. Ж–1. 36.

Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) буюк хулқи, яхши хислати ва гўзал фазилатлари, шунингдек, пухта фиқҳий малакаси, юксак ақлий қуввати ҳамда илмий салоҳияти билан танилган.

Уламолар томонидан Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)га ҳаётлик даврида ҳам, вафотидан кейин ҳам жуда кўп мадҳлар айтилган. Машҳур муҳаддис Шўъба ибн Ҳажжож[64] (раҳимаҳуллоҳ) у зотнинг вафотини эшитгач, бир марта “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун” деб, бундай деган: “Куфа аҳлидан илм зиёси ўчди. Энди улар Абу Ҳанифачалик бирор кишини бошқа кўра олишмайди”.

Имом Молик ибн Анас (раҳимаҳуллоҳ)дан: “Сиз Абу Ҳанифани кўрганмисиз?” деб сўрашганда, бундай жавоб берган: “Ҳа, кўрганман. Агар у зотга бу устун тилладан деса, албатта, далилини келтирарди”.

Бу борада Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)ни жуда қаттиқ яхши кўрган, ҳурмат қилган ва у зотни доим яхшилик билан тилга олган аллома Абдуллоҳ ибн Муборак фазилатлари борасида бундай дейди: “Мусулмонлар имоми Абу Ҳанифа ислом диёрларини ўз осорлари, ҳадисдаги фиқҳи билан безади. У гўё саҳифадаги Забур оятлари кабидир. Унинг машриқда ҳам, мағрибда ҳам, Куфада ҳам ўхшаши йўқ”.

Олим, зоҳид Фузайл ибн Иёз (раҳимаҳуллоҳ) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)ни кенг қамровда мақтаб, унинг фиқҳи, яхшилиги ва тақвосини бундай баён қилган: “Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) фақиҳ, фиқҳ билан танилган, тақвода машҳур, бадавлат, одамларга фазл кўрсатувчи, кечаю кундуз илм ўрганувчи, тунларни ғанимат биладиган, сукутни одат қилган, камгап инсон эди. Агар ҳалол-ҳаром масаласида сўз борса, қайси бири ҳақ эканини тўғри айтувчи, султоннинг молидан ўзини четда тутувчи эди”.

Имом Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (раҳимаҳуллоҳ) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)ни бошқа фақиҳлардан устун эканини таъкидлаб: “Абу Ҳанифадан фақиҳроқ бирор кишини

[64] Тўлиқ исми – Абу Бистом Шуъба ибн Ҳажжож ибн Вард Басрий. Суфёни Саврий у зотни “Амирул муъминин фил ҳадис” деб сифатлаган.

билмайман”, “Инсонлар фиқҳ борасида Абу Ҳанифанинг боқимондаларидир”, “Кимки фиқҳни ўрганмоқчи бўлса, Абу Ҳанифага боқимонда бўлади”, “У фиқҳ ато қилинган кишилардан эди”, деб мақтаган.

Аҳмад ибн Ҳанбал (раҳимаҳуллоҳ) “Қуръон – махлуқ” деган ботил ақида кенг тарқалган пайтда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)ни эслаб, тасалли олган экан. Ўшанда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)ни қозиликка рози бўлмагани учун қийнашган эди. Аҳмад ибн Ҳанбал бундай деган: “Абу Ҳанифа илм, тақво, зуҳд, охиратни бу дунёдан устун қўйиш борасида шу даражага етгандики, ҳеч ким ундан ўзиб кетолмайди”.

АБУ ҲАНИФА (РАҲИМАҲУЛЛОҲ) ВАСФИДА АЙТИЛГАН ГАПЛАР

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ўз даврининг таниқли фақиҳларидан бири бўлиб, ўша пайтда ҳам, кейинги вақтларда ҳам, илми, фиқҳи, тақвоси ва тафаккурининг кенглиги билан эътироф қилинган. Шундай эътирофнинг энг машҳурлари қуйидагилар[65]:

Шаъроний: “У имомларнинг улуғи, мазҳаб тузишда энг пешқадам, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га санад жиҳатдан энг яқини бўлиб, энг улуғ тобеинларининг амалларига гувоҳдир”.

Абу Бакр Косоний: “Абу Ҳанифа саҳиҳ деган ҳадисга ҳеч ким таъна қила олмайди”. “У зот ҳадис мунаққидларидан бўлган. Унинг мазҳабида ҳадис муқаддам қилинади. Гарчи оҳад (битта санадли) ҳадис бўлса ҳам қиёсдан устун туради”.

Яҳё ибн Маин: “Абу Ҳанифа ҳадис борасида ишончли бўлиб, ёдлаган ҳадисинигина ривоят қилади, ёдламаганини айтмайди”.

Фузайл ибн Иёз: “Абу Ҳанифа фиқҳда таниқли, парҳезда машҳур, илмда буюк эди”.

Абу Нуайм: “Масалалар борасида чуқур денгиз мисоли эди”.

[65] Муҳаммад Абдуррашид Нўъмоний. Маконатул Имом Абу Ҳанифа фил ҳадис. – Байрут: “Ширкату дорил башоирил исломия”, 1428. – 216 б.

Заҳабий: “Бу имомга фиқҳ ва унинг энг нозик жиҳатлари ҳам таслимдир, бунга шак-шубҳа йўқ!” “У миллат фақиҳи, Ироқ олими бўлган имомдир”. “У ижтиҳод имомларининг улуғларидан, таниқли имомлардан. Фиқҳ борасида унга тўхталинган, одамлар бу борада унга боқимондадир”.

Мулла Алий Қори: “Абу Ҳанифа ҳақидаги яхши гумон шуки, у саҳиҳ ва заиф ҳадисларни тўла эгаллаган эди”.

Язид ибн Ҳорун: “Одамлар ичида Абу Ҳанифадан кўра ақллироқ, парҳезкорроқ, афзалроқ кимсани кўрмадим”.

Ибн Ҳажар: “У машҳур имом, у таниқли фақиҳ...”.

Ибнул Асир Жазарий: “Абу Ҳанифа сиймоси ва унинг исломдаги ўрнига ортиқча далил шарт эмас”.

Ибн Таймия: “Диндаги йўл бошчилиги билан танилган ислом имомларидан бири Абу Ҳанифадир”. “Абу Ҳанифа ва унинг асҳоби уммат орасидаги олимларнинг энг тўғри сўзлисидир”.

Ибн Абдулҳодий Ҳанбалий: “Абу Ҳанифа Ироқ фақиҳидир”.

Яҳё Қаттон: “Абу Ҳанифа гапига кўра яхши саналган нарсани, албатта оламиз”.

Абу Довуд: “Абу Ҳанифа имом эди!”

Халаф ибн Айюб: “Илм Аллоҳдан Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га, у зотдан саҳобаларга, улардан тобеинларга, сўнг Абу Ҳанифа ва унинг асҳобларига етиб келди. Шунга хоҳлаган кимса рози бўлсин, истамаганлар ўзи билади!”

Ибн Касир: “Бу Абу Ҳанифа мўътабар имомлардандир!”

Ибн Маин: “Вакиъ ибн Жарроҳ унинг барча ҳадисларини ёд олган эди. У Абу Ҳанифадан жуда кўп ҳадис эшитган бўлиб, унинг раъйига кўра фатво берарди”.

Замахшарий: “Ерга баланд тоғлар қозиқ бўлгани каби мусулмончиликка Абу Ҳанифа илмлари қозиқдир!”

Байҳақий: “Агар Абу Ҳанифа Жўъфий (нисбали кимса)нинг ҳадис ривоятидаги ишончсиз (жарҳ)лигини тасдиқламаганида, ҳадис ривоятларида ёмон ишлар содир бўларди”.

УЧ НАФАР МАЗҲАББОШИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Молик ибн Анас (713–795). Ҳанафийлик қарашларига энг яқин мазҳаб моликийдир. Чунки бу мазҳаб асосчиси Молик ибн Анас (раҳимаҳуллоҳ) ҳанафийлардан кўп истифода қилган. Бундан ташқари у зотнинг Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)га ихлоси жуда юқори бўлган. Абу Жаъфар Таҳовий (853–933) таъкидлашича, олтмиш мингга яқин масалада ҳанафийлик билан моликийлик ўртасида уйғунлик мавжуд. Ҳофизиддин Абул Баракот Насафий (1232–1310) айтишича, ҳанафийликда зарурат ўринларида кўпроқ моликийликка мурожаат қилинади[66]. Молик ибн Анасдан одамлар: “Абу Ҳанифани кўргансизми?” деб сўрашганда, у “Ҳа, агар ушбу устунни тилла деб моқчи бўлса, унга ҳужжат топа оладиган даражада эканини кўрдим”, деган[67].

Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (767–820). У 184/800 йили Ироққа сафар қилганида, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийга шогирд тушган. Илк ташрифи чоғидаёқ у Шайбонийдан китобларини сўраб олади ва унга илм аҳли учун китоблар совға қилиш яхшилиги ҳақида шеър ёзиб юборади. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний дарҳол унга жами китобларини ҳадя қилганини эълон билдиради[68]. Абдулкарим Самъоний (1113–1167) нақл қилишича, Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий бундай деган: “Менга икки кишининг – ҳадисда Ибн Уяйнанинг, фиқҳда эса Муҳаммад Шайбонийнинг ёрдами тегди. Илм ва молмулк борасида Имом Муҳаммадчалик ҳеч кимдан миннатдор бўлган эмасман!” Шофиъий яна бундай деган: “Агар фиқҳда Муҳаммад ибн Ҳасан, наҳвда Кисоий, шеърда Асмаийнинг тилларини билмаганимизда, уларни фаришта деб ўйлар эдик”[69]. Заҳабий (1274–1348) эса Шофиъийнинг (767–820) бундай деганини ёзган: “Қуръон Муҳаммад Шай-

[66] Ҳофизиддин Насафий. Ал-Мустасфо шарҳи Манзумат ан-Насафий. – ЎзР ФА ШИ № 1404. – В. 4[6]

[67] Ибн Жавзий. Мунтазам // Ал-Мактабат аш-шомила, 2006. 8/102.

[68] Ибн Жавзий. Мунтазам // Ал-Мактабат аш-шомила, 2006. 9/98.

[69] Самъоний. ал-Ансоб // Ал-Мактабат аш-шомила, 2006. 3/484.

бонийнинг тилида нозил қилинган десам, унинг фасоҳати сабабли айтган бўламан. Мен ундан бир туяга юк бўлгудек китоб олганман”[70]. Шунга кўра, “Одобул муфтиййин вал мустафтиййин” (Фатво берувчи ва сўровчилар одоби) асарида фатво беришда ҳанафийликка энг яқин мазҳаб шофиъийлик экани эътироф қилинган[71].

Аҳмад ибн Ҳанбал (780–855). У ёшлик пайтида Абу Юсуфдан уч йилча сабоқ олган, ҳадис эшитган ва у зотдан уч жавон тўлгудек маълумотлар ёзиб олган[72]. Хатиб Бағдодий нақл қилишича, Аҳмад ибн Ҳанбалдан шогирдлари: “Бу ажойиб (дақиқ) масалаларни қаердан одингиз?” деб сўрашганида: “Муҳаммад ибн Ҳасан китобларидан”, дея у зотнинг асарларини кўп ўқиганидан фахрланган экан[73]. Абдулкарим Самъоний (1113–1167) эса Аҳмад ибн Ҳанбалнинг бундай деганини нақл қилган: “Бир масалада бу уч одамнинг иттифоқи бўлса, унинг хилофига қулоқ солинмасин. Улар: Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан. Абу Ҳанифа уларнинг ичида қиёсга энг ўткири, Абу Юсуф одамлар орасида асар (ҳадис)ларга энг пешқадами, Муҳаммад эса араб тилига энг кучлисидир”[74].

АБУ ҲАНИФА (РАҲИМАҲУЛЛОҲ)НИНГ КИТОБЛАРИ

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) даврида китоб ёзиш ва тадвин қилиш унча урф бўлмаган. Шу боис у зотнинг ўзи китоб ёзмаган. Балки илм йўлида хизмат қилиб, инсонларга ижтиҳод, фатво ва дарс бериш билан манфаат етказган.

Аммо табақот, тарожум ва бошқа манбаларда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг китоблари ҳақида маълумотлар учрайди. Жумладан, “Китобус салот”, “Китобур раҳн” (Гаров китоби), “Китоб фиш шурут (Шартлар ҳақида китоб)”, “Китоб фил фароиз” каби китоблар[75].

[70] Заҳабий. Тарихул Ислом // Ал-Мактабат аш-шомила, 2006. 3/406.

[71] Одобул муфтиййин вал мустафтиййин. ШИ Шарқ қўлёзмалар маркази фонди, № 9060/XI. – В. 400[b].

[72] Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий. Фавоид фий улумил фиқҳ // Эъло ас-сунан. XIX жуз. – Байрут: “Дорул фикр”, 2001. – Б. 9364.

[73] Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод // Ал-Мактабат аш-шомила, 2006. 11/183-184.

[74] Самъоний. ал-Ансоб // Ал-Мактабат аш-шомила, 2006. 3/484.

[75] Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 394; Хоразмий. Жомеул масонид. Ж–1. – С. 34.

Бундан ташқари, бир қанча китобларнинг нисбати у зотга берилади: “Ал-Фиқҳ ал-акбар”, “Ал-Олим вал мутааллим” “Рисолатун ила Усмон Баттий” номли китоблар. Шунингдек, баъзи шогирдларига атаб ёзилган “Ал-Васоя” китоби ҳам мавъизалар ва ақоид илмига оид рисолалардир[76].

Шундан кўриниб турибдики, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)-га нисбат бериладиган аксар китобларни ўзлари бевосита ёзган эмас. Балки дарслари, сўзлари, раъйлари бўлиб, шогирдлари кейинчалик уларни жамлаб, китоб ҳолига келтири, у зотга нисбат беришган.

Демак, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг даврида китоб ёзиш, рисолалар битиш ҳали кенг тус олмаган эди. Шунинг учун у зот умрини таълим бериш ва фиқҳ ўргатишга сарфлаган. Унинг ақида – каломга бағишланган матн рисоласи “Ал-Фиқҳ ал-акбар” (Катта фиқҳ), баъзи шогирдларига қилган васият (насиҳат)лари ва Усмон Баттийга (VIII аср) ёзган мактуби сақланиб қолган. Яна кўплаб ақидага оид китоблар Абу Ҳанифага нисбат қилинади. Унинг дарслари давомида ривоят қилган ҳадислари асосида бир неча муснадлар тузилган. У зот фиқҳ борасида бирорта асар ёзмаган бўлса-да, лекин фиқҳ илмини шакллантирган, уни боб ва мавзуларга ажратган илк фақиҳ сифатида тарихда қолган. У фиқҳни оғзаки нақл қилишдан ёзма шаклга ўтиш борасида фаол ташкилотчи бўлган фақиҳлардан биринчисидир[77].

ИМОМ АБУ ҲАНИФА (РАҲИМАҲУЛЛОҲ) МАЗҲАБИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ҳижрий 120 йилда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) устози Ҳаммод (раҳимаҳуллоҳ) вафот этгач, унинг ўрнига ўтиришга муносиб деб топилади. Ҳанафий мазҳабининг пайдо бўлиши шу пайтдан бошланади. Шундай қилиб, у зот қирқ ёшда бу илм омонатини елкаларига олган. Бу эса, ақл қуввати пишиб етиладиган, камолот ёши бўлиб, илм беришга муносиб пайтдир.

[76] Карл Брокельман. Таъриху адабил арабий. Ж–3. – С. 237; Абу Заҳро. Абу Ҳанифата ҳаётуҳу ва асруҳу. – С. 166.

[77] Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фиқҳий йўналишлар ва китоблар. – Т.: “Шарқ”, 2011. – Б. 109.

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) масалаларни бўлишда ва истинбот қилишда равшан йўлни тутган эдилар. Бизларга у кишидан фиқҳ ва ижтиҳодда танлаган йўлини белгилаб берадиган ўзларининг сўзи етиб келган. У зот шундай деганлар: “Бирор масалага Қуръони каримдан ечим топсам, олдим. Тополмасам, Расуллуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига мурожаат қилдим. Агар Қуръондан ҳам, суннатдан ҳам топа олмасам, саҳобалар сўзидан истаганимни танладим. Сўнг уларга таяниб бошқа сўзга юрмадим. Кейин масала Иброҳим, Шаъбий, Ҳасан, Ибн Сийрин, Саид ибн Мусайябга бориб тақалса, мен ҳам улар ижтиҳод қилгани каби ижтиҳод қилдим”[78].

У зот илм омонатини адо этишда шундай гўзал йўл тутдиларки, талабаларни ўзларига қарата олдилар. Улар сўзларини иштиёқ билан тўғри қабул қилишди. Ваҳоланки, шогирдлар ичида фатво бериш ва қозиликка ҳақли кишилар ҳам бор эди[79].

Бундан ташқари, у зот дарс беришнинг энг афзал ва фиқҳий масалаларга ечим топишнинг энг манфаатли йўлини танладилар. У ҳам бўлса, фақатгина шогирдларга дарс бериб, ёздириш эмас, балки улар билан масалаларни муноқаша қилар, фикр алмашарди. Дарс ҳалқаси талабалар ўртасида машваратга айланарди. Унда масалалар муноқаша қилинар, ҳар бир шогирд ўз фикрини эркин билдирар эди. Агар ихтилофга боришса, ҳар ким фикрининг далилини келтирарди. Шу билан бирор тўхтамга келишиларди. Масалаларни ёзиб борадиган киши буларни ҳам киритиб қўяр, сўнг уни устозга кўрсатарди. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) масалаларни текширмасдан ўтказиб юборишга рухсат бермасди[80].

Катта шогирдлар доимо дарс ҳалқасига қатнашарди. Ривоят қилинишича, Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ)нинг уйидагиларидан бири вафот этганида ҳам, у зот кафанлаш ва дафн

[78] Саймарий. Ахбору Абий Ҳанифата ва асҳобуҳу. – С. 10; Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 80.

[79] Хатиб Бағдодий. Таъриху Бағдод. Ж–14. – С. 247.

[80] Кардарий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 57.

қилишга бир кишини вакил қилиб, дарс ҳалқасига илм ўрганиш учун борган[81].

Сабаби – у зотнинг Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг дарс ҳалқасида бўлишга, бошқа шогирдлар билан фикр алмашишга ҳарис бўлганидандир. Ҳатто, бир куни Куфа шаҳрига Ибн Исҳоқ (раҳимаҳуллоҳ) келганида Абу Юсуф ҳалқани қўйиб, у зот ҳузурига сияр ва мағозийлар илмларини ўрганиш учун борганида Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) унга танбеҳ берган. Шунингдек, дарсларни ўрганиб бўлдим, дея алоҳида илм ҳалқаси очмоқчи бўлганида, Абу Ҳанифа у жавоб бера олмайдиган савол юборади.

Бир куни Абу Юсуф қаттиқ бетоб бўлиб қолганида Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) бундай деганлар: “Мен ўзимдан кейин сени муносиб деб биламан. Агар сенга бирор кориҳол бўлса, сен билан жуда кўп илм йўқ бўлиб кетади”[82].

Буларнинг барчаси уни дарс ҳалқасига қайтариш учун бўлган. Абу Ҳанифа Абу Юсуфга ижтиҳодни ўрганиши, масалаларни ечишда ҳисса қўшиши ва мазҳабнинг қоидаларини яхши ўзлаштиришини кўзлаб, ҳадялар бериб турарди.

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) баъзи масалаларни ечишда ҳамма шогирдлари келишини кутишга ундарди. Саймарий (раҳимаҳуллоҳ) ривоят қилади: “Абу Ҳанифанинг шогирдлари масалага шўнғиб кетишар эди. Агар ҳалқага Офия[83] келмаган бўлса, У зот: “Офия келмагунча масалани ўртага ташламай туринглар”, дерди. У келиб, қолганлар билан ҳам, мувофиқ фикр бўлса, Абу Ҳанифа: “Буни ёзиб қўйинглар”, дер эди. Борди-ю бошқалар билан мувофиқ фикр бўлмаса: “Ёзманглар”, дерди”[84].

Илмий муноқаша ва фикрлар алмашинуви бор жойда масалаларни истинбот қилиш ва ижтиҳод қилишга тажриба ва малака ҳосил бўлади. Шунинг учун Абу Ҳанифа (раҳимаҳул-

[81] Зоҳид Кавсарий. Ҳуснут тақозий. – С. 9.

[82] Саймарий. Ахбору Абий Ҳанифата ва асҳобуҳу. – С. 490.

[83] Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирди. Тўлиқ исми – Офия ибн Язид ибн Қайс Куфийдир. Халифа Маҳдий уни Бағдоднинг шарқий томонига қозиликка тайинлаган. У зот 160-йилда вафот этган.

[84] Саймарий. Ахбору Абий Ҳанифата ва асҳобуҳу. – С. 149–150; Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж–2. – С. 284.

лоҳ) дарсида бунга алоҳида эътибор қаратар ва шогирдларини шунга ўргатарди. Баъзан бир масала борасидаги муноқаша узоқ давом этиб, сўровчи ва жавоб берувчи, хато гапирган ва тўғри топганлар орасида овозлар баланд бўлиб кетарди. Устоз бундай ҳолатда шогирдларига эркинлик бериб қўяр, тинчлантирмас, овозларини баланд кўтаришларидан қайтармасди. Чунки бу ҳолни шогирдларининг илм олишлари ва фиқҳни ўрганишларига ёрдам беради, деб ҳисоблар эди. Шундай муноқашалардан бири бўлаётганда дарс ҳалқаси олдидан Суфён ибн Уяйна (раҳимаҳуллоҳ) шогирдлари билан ўтиб қолишади. Шунда Ибн Уяйна Абу Ҳанифага қарата: “Масжидда овоз кўтаришларидан қайтармайсизми?” деганида у зот: “Уларни ўз ҳолига қўйинг, улар шу орқали фақиҳ бўлиб етишади”, деб жавоб беради[85].

Тўғри, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) бирор масалани шарҳламоқчи бўлганида шогирдлар жим бўлишарди. “Агар Абу Ҳанифа шогирдлари тортишаётган масалага ойдинлик киритса, гўё мажлисда ҳеч ким йўқдек жим бўлиб қолишарди. Ваҳоланки, ўша мажлисда фиқҳ ва маърифат имомлари ҳозир эди”[86].

Ким у зотнинг дарсларига қатнашадиган бўлса, эътироз билдириш ёки “Хато айтяпсиз”, дейиш ҳуқуқига эга эди. Шунга кўра бир ёш йигит келиб, савол берганда, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) жавоб берсалар: “Эй Абу Ҳанифа, хато айтдингиз!” деган. Сўнг яна бошқа савол бериб, жавоб ортидан: “Эй Абу Ҳанифа, хато айтдингиз!” деган. Бу ҳолатни кўрган баъзи кишилар мажлисларга қарата: “Бу нимаси?! Устозларингизни ҳурмат қилмайсизларми?! Бир йигитча келиб, икки марта у зотга: “Хато айтдингиз”, деса-ю, сизлар жим туришингизни қаранг-а?!”, деганида, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ): “Йўқ, мен ўзим уларни шунга ўргатганман”, дея жавоб беради[87].

[85] Заҳабий. Маноқибу Абий Ҳанифата ва соҳибайҳи. – С. 35.
[86] Маккий. Маноқибу Абу Ҳанифа. – С. 418–419.
[87] Али Қорий. Ал-Асмор ал-жанния. – С. 497; Кардарий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 273.

АБУ ҲАНИФА (РАҲИМАҲУЛЛОҲ)НИНГ ДАРС МАЖЛИСЛАРИДАГИ МУНОҚАШАЛАРИ

1. Умумий дарс мажлиси. Бунда катта шогирдлари қатнашар эди. Асосий дарслар шундай бўларди. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Нумайр (раҳимаҳуллоҳ) бундай деган: “Қачон Абу Ҳанифа дарс беришга киришса, шогирдлари Қосим ибн Маън[88], Офия ибн Язид, Довуд Тоий[89] ва Зуфар ибн Ҳузайл каби катта шогирдлари ёнида ўтиришарди. Бир масалани ўртага ташлашар, овозлари баландлаб кетар ва у ҳақда сўзлари кўпайиб кетар эди. Қачон Абу Ҳанифа сўз бошласа, ҳаммалари жим бўлишарди. У сўзини тугатмагунча ҳеч ким гапирмасди. Гапини тугатиб бўлгач, шогирдлари бу масала ҳақида устозларидан эшитганларини ўзлаштиришга киришишарди. Бир масалани пухта ўргангач, навбатдагисига ўтишарди[90].

2. Хос мажлислари. Бунда баъзи шогирдлари қатнашар эди. Бу ҳақда Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа Имом Зуфар ва Абу Юсуф (раҳимаҳумоллоҳлар) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ҳузурида муноқаша қилишганини ривоят қилган: “Бир куни Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ўнг томонида Абу Юсуф, чап тарафида эса Зуфар бир масала борасида тортишишар эди. Абу Юсуф нима айтса, уни Зуфар рад этар, аксинча Зуфар нима деса, уни Абу Юсуф рад этарди. Бу ҳолат пешин вақтигача давом этди. Муаззин азон айтганда Абу Ҳанифа қўлларини Зуфар сонига қўйиб: “Абу Юсуф бор шаҳарда бошлиқ бўлишни тама қилма”, деб масалани Абу Юсуфнинг гапига мувофиқ ечдилар”[91].

У зот “Тама қилма”, деган сўзлари билан Имом Абу Юсуфни шижоатлантириб, Имом Зуфарни қизиқтирмоқдалар. Ваҳоланки, юқорида айтилганидек, Имом Зуфарнинг фазли ва унинг имом эканини эътироф этганлар.

[88] Тўлиқ исми – Абу Абдуллоҳ Қосим ибн Маан ибн Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Масъуд Ҳузалий Куфий. Куфа қозилигига тайинланган.У зот 175 йилда вафот этган.

[89] Тўлиқ исми – Абу Сулаймон Довуд ибн Нусайр Тоий Куфийдир. У зот 160 ёки 162 йилда вафот этган.

[90] Солиҳий. Уқудул жинон. – С. 295; Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 408.

[91] Ибн Халкун. Вафаётул аъён. Ж–6. – С. 383; Кардарий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 396.

3. Янада хос мажлислари. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) билан баъзи шогирдлари ўртасида бўлар эди. Холид ибн Субайҳ (раҳимаҳуллоҳ) айтади: “Бир куни Абу Ҳанифа хуфтон намозидан чиқаётиб Имом Зуфар билан бир масала ҳақида гаплашиб туриб қолишди. Бу борада атрофлича тўхталиб, қиёс қилишар эди. Ҳатто, бу ҳолат бомдод намозига қадар давом этди. Бомдодга азон айтилгач, масжидга қайтиб киришди. Намоз ўқиб бўлгач, яна ўша масала ҳақида суҳбатлашишди. Мажлис Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг сўзлари устун экани қарор топмагунча давом этди”[92].

Демак, у зотнинг дарсларида муноқашалар тартиб билан турлича бўлиб, ишонч ва идрок асосида ҳосил бўлган ҳамда диққат-эътибор билан амалга оширилганини кўрамиз.

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фиқҳни ўргатиш йўлида танлаган бу ноёб услуби шогирдларининг иқтидорини кучайтириш ва уларнинг илмий даражасини оширишга кўп ижобий таъсирини ўтказган. Ҳатто, уларнинг баъзилари устозидан дарс олаётганда ҳам фатво бериш ва қози бўлишга муносиб эди. Буни Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ҳам яхши биларди. Бир куни мана бундай деган: “Шогирдларим 36 нафар. Улардан 28 таси қози бўлишга, 6 таси фатво беришга салоҳиятлидир. Улар ичида 2 таси борки, у иккиси қозиларга ҳам, фатво соҳибларига ҳам тарбия беришади”, дея Абу Юсуф ва Зуфарга ишора қилган[93].

Баъзи шогирдлари бошқаларини комил инсон бўлиб етишишида ёрдам берди. Ораларида ҳадис илми бўйича кўзга кўринганлар, луғатда пешқадамлар ва қиёсда кучлилари бор эди. Уларнинг ҳар бири қайсидир соҳанинг билимдони экани билан ўзгалардан ажралиб турарди. Ҳар ким муноқаша пайтида масалаларни ечишга ўз ҳиссасини қўшди. Натижада, улар ижтиҳодий усулда ва мазҳабнинг қоидаларини белгилашда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)га

[92] Маккий. Манокибу Абий Ҳанифата. – С. 118.

[93] Саймарий. Ахбору Абий Ҳанифата ва асҳобуҳу. – С. 152; Хатиб Бағдодий. Таъриху Бағдод. Ж–14. – С. 247.

кўмакчи бўлишган. Шу боис Вакиъ ибн Жарроҳ (раҳимаҳуллоҳ) дарс ҳалқасининг бирида: “Абу Ҳанифа хато айтган”, деган кишини дарсдан чиқариб юбориб, бундай деган: “Абу Ҳанифанинг мажлисида Абу Юсуф ва Зуфар каби қиёсга уста зотлар, Яҳё ибн Абу Зоида[94], Ҳафс ибн Ғиёс[95], Ҳиббон[96], Мандал[97] каби ҳадис ҳофизлари, Қосим ибн Маан сингари араб тили билимдонлари, Фузайл ибн Иёз, Довуд Тоий каби зуҳд ва тақвода машҳур зотлар бор эди. Шундай экан, қандай қилиб, Абу Ҳанифа адашиши мумкин?! Атрофида бундай ҳамроҳлари бор киши хатога йўл қўймайди. Борди-ю янглишган тақдирда ҳам, улар ўша заҳоти уни тўғрилаб қўйишган бўларди”[98].

Ҳа, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг дарс мажлислари шундай ўтарди. Фиқҳ кенгашида кўплаб катта уламолар тўпланар эди. Унга эса Ислом фиқҳининг улкан устунларидан бири бўлган зот бошчилик қилар эди.

Шундай қилиб, ҳанафий мазҳаби ҳижрий 120 йилда у зотнинг бошчилигида намоён бўлиб, ҳижрий 150 йилгача, яъни вафот этгунларига қадар давом этди.

Бу мазҳаб шу муддат мобайнида у зотнинг ижтиҳодлари, фатво ва дарслари орқали ўзга юртларга ҳам кенг ёйилди. Натижада уламолар, толиби илмлар илмий ҳалқалари ва кенгашларда у ҳақда сўзлайдиган бўлишди. Зеро ҳаётлик чоғларидаёқ у зот ва шогирдларининг сўзлари инсонлар қалбига кириб борган эди.

Ҳа, у зот вафот этишлари билан илмлари тўхтаб қолмади, балки янада ривожланиб, кенг тарқалди. Бу албатта, Аллоҳ таолонинг фазлидан, шогирдлари ҳамда талабалари шарофатидандир. Зотан улар устоз илмини ёйиш ва мазҳабини ривожлантириш йўлида катта жонбозлик кўр-

[94] Тўлиқ исми – Абу Саид Яҳё ибн Закариё ибн Абу Зоида Маймун Куфийдир. У зот Мадоинда қози бўлган. Ўша ерда 183–198 йиллар оралиғида вафот этган.

[95] Тўлиқ исми – Абу Амр Ҳафс ибн Ғиёс ибн Талқ Нахаий Куфий. Бағдод ва Куфада қози бўлган. 194-196 йиллар оралиғида вафот этган.

[96] Тўлиқ исми – Абу Али Ҳиббон ибн Али Анзий Куфийдир. 171 ёки 172 йилда вафот этган.

[97] Тўлиқ исми – Абу Абдуллоҳ Мандал ибн Али Анзий Куфийдир. 167 ёки 168 йилда вафот этган.

[98] Хоразмий. Жомеул масонид. Ж–1. – С. 33; Карадарий. Манокибу Абий Ҳанифата. – С. 101.

сатишди. Улар ичида ўзга юртдан келиб, бир муддат илм ўрганиб, устози мазҳабини маҳкам тутиб, сўнгра юртига қайтиб кетганлар ҳам, у зот вафотига қадар этагидан доим тутганлар ҳам бор эди.

АБУ ҲАНИФА (РАҲИМАҲУЛЛОҲ)НИНГ МАШҲУР ШОГИРДЛАРИ

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) устозига ўринбосар бўлганидан, то умрининг охирига қадар шогирдларга илм ва фиқҳ ўргатдилар. У зотдан беҳисоб муҳаддис ва фақиҳлар дарс олди. У зотга бошқа имомларга бўлмаган даражада кўплаб асҳоблар ва шогирдлар насиб этди[99].

Тадқиқотчилар у зотнинг шогирдлари 800 нафардан ошишини айтишса-да, энг асосий ва машҳурлари ўттиз олти нафардир. Улардан 28 нафари қозиликка лаёқатли, 6 нафари фатво беришга муносиб, 2 нафари эса – Абу Юсуф ҳамда Зуфар қози ва фатво арбоби эдилар. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ўзи шогирдларини шу тартибда баён қилгани нақл қилинади[100]. Бу рўйхатга Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний киритилмаган. Чунки у Абу Ҳанифадан уч йилдан сал кўпроқ сабоқ олди, устози вафот этганда ўн саккиз яшар эди. Бунда қозилик учун керак бўладиган билимни олиб улгурмаганди. Албатта шунга қарамай, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг барча фиқҳий ва қозиликка алоқадор фикрлари Шайбоний асарларида ўз аксини топган.

Вакиъ ибн Жарроҳ (746–812) бундай деди: “Абу Ҳанифа қандай ҳам хато гапирарди?! Ахир, унинг ёнида ҳадисларни ёд билган Абу Юсуф, қиёсда Зуфар, чуқур илм (табаҳҳур)да Ҳафс ибн Ғиёс, араб тилида Муҳаммад ибн Ҳасан, зуҳд ва парҳезкорликда Довуд Тоийдек зотлар бор-ку!”

Тўрт мужтаҳид имом Зуфар, Абу Юсуф, Муҳаммад ва Ҳасан ибн Зиёд (раҳимаҳумуллоҳ) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) нинг фиқҳини китоб қилиб, мазҳабини бошқа ўлкаларда ҳам кенг ёйишга биқиёс ҳисса қўшишган..

[99] Заҳабий. Маноқибу Абий Ҳанифата ва соҳибайҳи. – С. 20.
[100] Табсират лил муфтий. ШИ Шарқ қўлёзмалақўлёзмалари маркази фонди, № 6553/I. – В. 7[б].

Булар ичида Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасанларнинг ҳиссаси аҳамиятга моликдир. Улар Аллоҳ таолонинг фазли билан ҳанафий мазҳаби масалаларини тадвин қилиб, ёйиш ва ривожланишга киришишди. Шунинг учун мазҳабда "Соҳибайн" унвонига сазовор бўлишди. Бу борада Зуфар ибн Ҳузайл ва Ҳасан ибн Зиёд ҳам кўп иш қилишди. Қуйида ушбу тўрт имомнинг таржимаи ҳоли билан қисқача танишамиз.

ИМОМ АБУ ЮСУФ (РАҲИМАҲУЛЛОҲ)

Тўлиқ исми – Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим ибн Ҳабиб Ансорий, ҳижрий 113 йилда туғилган. У зот фақиҳ, тафсир илмлари, ғазотлар ва араблар тарихи билимдони эди. Аббосийлар халифаси Ҳорун Рашид у зотни ниҳоятда ҳурмат қилар, иззат-икром кўрсатарди. У ўз замонасида мағрибу машриққа "Қозул қузот (бош қози)" этиб тайинланган эди. Усулул фиқҳ бўйича биринчи китоб ёзган ва фиқҳий масалаларни имло қилдирган зотдир. Ибн Самоа айтади: "Абу Юсуф қозиликка тайинлангач, ҳар куни юз ракат намоз ўқирди"[101].

Абу Юсуф дастлаб, Ибн Абу Лайло (раҳимаҳуллоҳ)га шогирд тушган. Сўнг Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан фиқҳни ўрганган. Абу Ҳанифа вафотига қадар у зот этагини маҳкам тутган. Бу ҳақда унинг ўзи бундай деган: "Мен илм ўрганиш учун Ибн Абу Лайло ҳузурига борардим. У киши мени ҳурмат қиларди. У бирор масалада ҳукм чиқаришга қийналса, Абу Ҳанифанинг сўзини олар эди. Мен Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ҳалқасига боришни жуда истардим. Бироқ Ибн Абу Лайлодан ҳаё қилганимдан бора олмасдим. Бир куни у билан ўртамизда кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Бу Ибн Абу Лайлога оғир botди. Мен эса, вазиятдан фойдаланиб, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг олдига бориб, у зот этагидан маҳкам тутдим"[102].

Яна бундай деган: "Мен Абу Ҳанифага ўн етти йил шогирд бўлдим. Ҳатто, Рамазон ва Қурбон ҳайитларида ҳам

[101] Абдулҳай Лакнавий. Умдатур риоя. Ж–1. – С. 102.

[102] Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 471; Кардарий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 394.

ундан ҳечам ажрамадим. Фақат касаллигим сабабли бирга бўлолмаган баъзи вақтларим бундан мустасно”[103]. Шунингдек, Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) дарслардаги муноқаша қилинган масалаларни ёзиб борар, сўнг устозига кўрсатар эди.

Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Абу Юсуфнинг фазли ва илмини эътироф қилар эрди. У оғир касал бўлганида: “Мабодо бу йигит вафот этса, ер юзидаги энг илмли инсон вафот этган бўлади”, деган экан. Яна бундай деган: “Мени ҳеч ким Абу Юсуфчалик маҳкам тутган эмас”, “У шогирдларим ичида барча илмларни ўзида жам қилганидир”[104].

Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) айтади: “Аъмаш мендан бир нечта масала ҳақида сўради. Унинг саволларига жавоб бердим. Кейин: “Бу жавобларни қаердан олдинг?” деди. “Сиз менга ривоят қилиб берган ҳадисдан олдим”, деб ўша ҳадисни эслатдим. У: “Эй Яъқуб, мен бу ҳадисни ота-онанг турмуш қурмасдан олдин ёд олгандим, лекин ҳозиргача унинг таъвилини билмас эдим”, деди.

Абу Юсуфдан икки буюк имом – Муҳаммад ибн Ҳасан ва Аҳмад ибн Ҳанбал (раҳимаҳумуллоҳ) ҳам илм ўрганишган. Имом Аҳмад айтади: “Дастлаб, ҳадис талабида Абу Юсуф ҳузурига борганман. Ундан кейин ҳам кўплаб инсонлардан ҳадис ёзиб олганман”[105].

Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) ҳижрий 182 йили Бағдодда вафот этган. У зот учта аббосий халифалари – Маҳдий, Ҳодий ва Ҳорун Рашид даврларида бош қози бўлган. Ривоят қилинишича, вафот этаётганида, бундай деган: “Мен умрим бўйи берган фатволаримнинг ҳаммасидан қайтдим. Фақат Аллоҳнинг Китоби ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатларига мувофиқ келадигани бундан мустасно”[106].

У зотнинг китоблари:

1. Китобул осор.

2. Ихтилофу Аби Ҳанифа ва Ибн Абу Лайло.

[103] Саймарий. Ахбору Абий Ҳанифата. – С. 93.

[104] Кардарий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 397.

[105] Хатиб Бағдодий. Таъриху Бағдод. Ж–14. – С. 255; Заҳабий. Сияру аъломин нубало. Ж–8. – С. 471.

[106] Аҳмад ибн Насириддин Нақиб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. Ж–1. – С. 64.

3. Ал-Харож.

4. Ар-Радду ала сиярил Авзоий[107].

Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) ҳанафий мазҳабини ривожлантириш борасида қуйидаги босқичда фаолият олиб борган.

1. Тадрис. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) мазҳабининг мустаҳкам асосларини тадрис ва мудораса йўли билан ўрнатиб, унинг ривожи учун ўзгалардан ажраб турадиган фақиҳ авлодларни тарбиялаган. Юқорида айтилганидек, ҳанафий мазҳабнинг ёйилишига дарс беришнинг таъсири кучли бўлган. Шу боис устоз вафотидан сўнг шогирдлар илмий фаолиятдан тўхтамай устози ишини давом эттиришган.

Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) устозининг ҳаётлик чоғидаёқ юксак илмий салоҳиятга эришган. У масалалар муноқашасида иштирок этиб, усул (қоидалар)ни ёзиб борарди. Устоз вафотидан кейин муҳим вазифани зиммасига олиб, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг Муҳаммад ибн Ҳасан, Ҳасан ибн Зиёд каби қолган шогирдларига фиқҳдан дарс берди. Сўнгра барчалари кўплаб юртларда бу мазҳабни ёя бошлашди[108].

Ўзга юртдан келиб, Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ)дан илм олиб, сўнгра юртига бориб, уни ёйган олимлар қаторида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Абу Муҳаммад Ҳусайн ибн Ҳафс Исфаҳоний (ваф. 212 й.) Абу Юсуфдан фиқҳни ўрганиб, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг мазҳабини Исфаҳонга олиб борган ва у ерда фатво берган.

2. Муҳаммад ибн Холид Ҳанзалий Абу Юсуфдан дарс олган. Сўнг Астрободда яшаб, у ерда илм тарқатган. У Астрободда биринчи бўлиб, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) мазҳаби бўйича инсонларга фиқҳни ўргатган кишидир[109].

2. Қозилик. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) то вафотига қадар аббосийлар давлатида узоқ муддат бош қози бўлиб

[107] Бағдодий. Ҳадийятул орифин. Ж–2. – С. 536.

[108] Хатиб Бағдодий. Таъриху Бағдод. Ж–14. – С. 242; Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж–1. – С. 75-76.

[109] Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж–3. – С. 2.

фаолият юритган. Машриқу мағрибдаги ҳар бир қози унинг маслаҳати билан тайинланар, мазҳабни ёйиш ва унинг нуфузи йўлида ҳанафий уламолардан истаганини қози этиб тайинлар эди[110].

У зот шогирдлари қози бўлишига қизиқарди. Муҳаммад ибн Ҳасан (раҳимаҳуллоҳ)ни қаршилик кўрсатишига қарамай Раққа шаҳрига қозиликка тавсия қилгани сўзимизнинг яққол мисолидир. Зеро, у зот Имом Муҳаммадни фақиҳ бўлгани учун Абу Ҳанифа фиқҳини қозилик орқали ёйишда бошқалардан кўра афзал билган[111].

3. Тадвин. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ)нинг "Китобул осор", "Ихтилофу Абу Ҳанифата ва Ибн Аби Лайло", "Ал-Харож" ва "Ар-Радду ала сиярил Авзоий" номли китоблари бизгача етиб келган.

У зотни "Абу Ҳанифа мазҳаби бўйича илк китоб ёзган, масалаларни имло қилган ва Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) илмини ер юзига тарқатган киши», дейилади[112].

Бундан ташқари, Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) муҳаддис бўлгани учун ҳанафий фиқҳини ҳадис билан қувватлади. Одатда муҳаддис бошқа муҳаддислар ва ҳадис ривоятлари билан кўпроқ алоқада бўлади. Бу борада у зотдан қуйидаги сўз нақл қилинган: "Абу Ҳанифадан таълим олиш учун у зот ҳузурига тез-тез қатнаб турардим. Лекин бу мени шайхлардан ҳадис эшитишдан тўсмас эди". Абу Юсуф Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан илм олишидан олдин ҳам, кейин ҳам ҳадис тинглар эди. У зот ҳадис ҳофизи экани билан танилган. Муҳаддиснинг ҳузурига бориб, 50–60 та ҳадис ёдлар, сўнг уларни инсонларга имло қилиб берарди[113].

Жарҳ ва таъдил имоми Яҳё ибн Маин (раҳимаҳуллоҳ) Абу Юсуф тўғрисида бундай деган: "Асҳобур раъй ичида Абу Юсуфдан кўра ҳадис илмида собитлироқ, ҳифзи кучлироқ, ривояти саҳиҳроқ бирор кишини кўрмадим. Абу Юсуф ҳадис

[110] Ибн Қутлубғо. Тожут тарожум. – С. 316; Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж–3. – С. 2.
[111] Заҳабий. Маноқибу Абий Ҳанифата ва соҳибайҳи. – С. 88.
[112] Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаовид ал-баҳийя. – С. 225; Кардарий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 395.
[113] Ибн Абдулбарр. Ал-Интиқоу. – С. 172.

асҳобларини яхши кўрар ва уларга ҳадис имло қилдирар эди”[114].

Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) устози ҳаётлик даврида ҳам илм мажлисларидаги раъйларни ҳадислар ва осорлар билан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилар эди. Бу ҳақда Муҳаммад ибн Шайбоний (раҳимаҳуллоҳ) бундай ривоят қилади: Абу Юсуфнинг бундай деганини эшитганман: “Биз Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) билан баъзи масалалар ҳақида суҳбатлашардик. Қачон устозимиз бир сўз айтсалар ва шогирдлар ҳам унга қўшилса, уни қўллаб-қувватлайдиган ҳадис ё осар бормикин, деб Куфа шайхларининг олдига борар эдим. Кўпинча бу борада иккита ёки учта ҳадис топиб, уларни Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)га айтсам, у зот баъзиларини қабул қилар, айримларини рад этар эди. “Кейин бу саҳиҳ эмас, бу маъруф (машҳур) эмас”, дер эди. Ҳақиқатда, ушбу ҳадисларнинг ҳукми у зотнинг айтганларига тўғри келарди. “Буларни қаердан биласиз?” деб сўраганимда: “Мен Куфа аҳлининг илмини биламан”, деб жавоб берган[115].

ИМОМ МУҲАММАД ИБН ҲАСАН (РАҲИМАҲУЛЛОҲ)

Тўлиқ исми – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Фарқад Шайбоний бўлиб, ҳижрий 133 йилда Восит шаҳрида дунёга келган. Отаси Шом қўшинида хизмат қилган. Имом Муҳаммад Куфада ўсиб улғайган, кейин Бағдодга кўчиб ўтган. У зот 189 йили Рай шаҳрида вафот этган[116].

Заковатли Муҳаммад, фиқҳда пешво, араб тили, наҳв ва ҳисоб фанлари бўйича етук даражага етади. Бу ҳақда ўзи бундай деган: “Отам ўзидан кейин 30 минг дирҳам мерос қолдирди. Шундан 15 мингини наҳв ва шеър ўрганишга, қолган 15 мингини ҳадис ва фиқҳ ўрганишга сарфладим”[117].

[114] Хатиб Бағдодий. Таъриху Бағдод. Ж–14. 255; Заҳабий. Маноқибу Абий Ҳанифата ва соҳибайҳи. – С. 65.

[115] Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 409–410; Ҳайтамий. Ал-Хайроту ал-ҳисон. – С. 91.

[116] Ибн Халкун. Вафаётул аъён. Ж–4. – С. 184–185; Заҳабий. Маноқибу Абий Ҳанифата ва соҳибайҳи. – С. 79.

[117] Саймарий. Ахбору Абий Ҳанифата. – С. 125; Ибн Қутлубғо. Тожут тарожум. – С. 238.

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)га умрининг охирги йилларида шогирд тушади. Айтилишича, у зот дастлаб илм ўрганиш учун Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ҳузурига келганида, “Қуръонни ёд ол”, дейди. Етти кунда Қуръони каримни тўлиқ ёдлаб, яна келади. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан кейин Имом Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ)дан илм ўрганди. Фиқҳни пухта ўзлаштириб, камол топади. Шомда Имом Авзоий ва Имом Молик каби уламолардан ҳадис эшитди. Имом Шофиъийнинг айтишича, Имом Муҳаммад бундай деган: “Мен Имом Молик ҳузурида уч йил туриб, ундан етти юз ҳадис эшитдим”.

Имом Муҳаммаддан эса Имом Шофиъий, Абу Убайдуллоҳ Қосим ибн Салом, Ҳишом ибн Убайдуллоҳ Розий, Абу Сулаймон Жузжоний, Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Меҳрон, Али ибн Муҳаммад ибн Меҳрон, Али ибн Муслим Тусий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган[118].

Имом Шофиъий Имом Муҳаммад этагидан маҳкам тутиб, ундан илм ўрганди ва кўплаб истифодалар олди. Имом Шофиъий бундай дейди: “Менга уламолар ичида фиқҳ борасида энг кўп яхшилик қилган киши Муҳаммад ибн Ҳасандир”; “Мен бирорта фақиҳ билан Имом Муҳаммадчалик кўп суҳбатда бўлмаганман. У зот катта уламолар ҳам баён қилишдан ожиз қоладиган фиқҳ ва унинг усулларини яхши билар эди. Агар Имом Муҳаммад сўзласа, эшитган одам Қуръон унинг тилида нозил бўлганми, деб ўйлаб қолади. Бирор ҳарфни олдин ҳам келтирмас, кейин ҳам айтмасди. Гапининг ҳар бир бўлаги ўз ўрнида келарди. Бу унинг фасоҳатли эканидандир. Ундан кўра ақлли, Қуръонни, носих-мансух оятларини, ҳалол-ҳаром ҳукмларини яхшироқ биладиган бирор кишини кўрмадим. У қалб ва кўзларни қувонтирар эди. Мен бир туяга юк бўладиган илмни у зотдан ёзиб олдим. Мободо ақли даражасида гапирса, тушунмас эдик. Шу боис, у зот бизнинг ақлимиз даражасида гапирар эди”[119].

[118] Абдулҳай Лакнавий. Умдатур риоя. Ж–1. – С. 199.

[119] Заҳабий. Маноқибу Абий Ҳанифата ва соҳибайҳ. – С. 80-81; Қурайши. Ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж–3. – С. 123–124.

Аҳмад ибн Ҳанбал (раҳимаҳуллоҳ)дан: “Қаердан шунча нозик масалаларни олдингиз?” деб сўрашганда: “Муҳаммад ибн Ҳасан китобларидан”, деб жавоб берган. Имом Муҳаммад халифа Ҳорун Рашид даврида қозиликка тайинланган. Ҳанафий фиқҳини ёзиб, жамлаган[120].

Имом Муҳаммад Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ёш шогирдлари ичида ёш бўлишига қарамай, устозининг мазҳаби ривожи учун бошқаларга нисбатан кўп хизмат қилган.

Тадвин. У зотнинг қилган муҳим хизматларидан бири, устозлари Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф (раҳимаҳумоллоҳ)нинг фиқҳини ривоят қилиб, уларга кўпгина маълумотларни қўшиб, ҳанафий мазҳабида “Зоҳирур ривоя” деб танилган қимматли китобларига киритган. Улар қуйидагилар:

1. “Ал-Мабсут” (“Ал-Асл”).
2. “Ал-Жомеъ ас-сағир”.
3. “Ал-Жомеъ ал-кабир”.
4. “Ас-Сияр ас-сағир”.
5. “Ас-Сияр ал-кабир”.
6. “Аз-Зиёдот”.

Ушбу манбалар ҳанафий мазҳабининг асослари бўлиб, улардан кейин ёзилган китоблар шулар ичидаги маълумотлар атрофида айланади.

У зотнинг “Китобул осор”, “Ал-Амолий”, “Ал-Ҳужжа ала аҳлил Мадина” ва “Зиёдотуз зиёдот” номли китоблари ҳам мавжуд[121].

Имом Муҳаммад (раҳимаҳуллоҳ) мазкур асарларда ҳанафий мазҳабига оид тарқоқ фиқҳни жамлаб, тартиблаган. Шу орқали ҳанафий фиқҳини сақлаб, кейинги авлодга нақл қилган.

[120] Ибн Қутлубғо. Тожут тарожум. – С. 238; Тошкўпризода. Табақотул фуқоҳо. – С. 19.

[121] Бағдодий. Ҳадийятул орифин. Ж–2. – С. 8; Карл Брокельман. Таъриху адабил арабий. Ж–3. – С. 249.

ИМОМ МОЛИК (РАҲИМАҲУЛЛОҲ) ФИҚҲИДАН ИСТИФОДА ҚИЛИШИ

Имом Муҳаммад ибн Ҳасан (раҳимаҳуллоҳ) Мадинага сафар қилиб, у ерда Ҳижоз аҳлининг фиқҳини ўзлаштирди ва Ироқ аҳли фиқҳига қўшди. Имом Молик (раҳимаҳуллоҳ)дан бир муддат фиқҳ ва ҳадис ўрганди. У зотнинг "Ал-Муватто" китобини ўзидан эшитиб, ривоят қилди. Бу асарнинг Имом Муҳаммад қилган ривояти машҳурдир[122].

Имом Шофиъий (раҳимаҳуллоҳ) бундай деган: "Муҳаммад ибн Ҳасан: "Имом Молик ҳузурида 3 йилдан ортиқ туриб, у зотдан 700 та ҳадис эшитдим". Агар Имом Муҳаммад Имом Моликдан ҳадис ривоят қилсалар, у зотнинг одамлар кўплигидан инсонлар кўплигидан бўш жой топилмайди. Агар Имом Моликдан бошқа одамдан ҳадис ривоят қилсалар, бунчалик кўп келишмас эди"[123].

Тадрис. Бундан ташқари у зот уламолар одати бўлган тадрис (дарс бериш)дан четда қолмадилар. Балки ҳанафий мазҳабининг раъйларини ёйиш учун дарс беришни энг асосий йўл ва фойдали восита, деб ҳисобларди.

Имом Муҳаммад ҳадис ўргатиш мақсадида дарс ҳалқасини ташкил қилган эди. Хатиб Бағдодий Исмоил ибн Ҳаммод (раҳимаҳуллоҳ)дан ривоят қилади: "Куфада Муҳаммад ибн Ҳасаннинг йигирма ёшидаёқ дарс ҳалқаси бўлар эди"[124].

Бу, у зотнинг ҳали ўзлари уламолардан таҳсил олаётганларидаги ҳолат эди. Энди, у зотнинг устозлардан илмни пухта ўрганиб, фиқҳда етук билимдон бўлиб етишган ҳолатини тасаввур қилинг-а!? Бу, у зот нақадар салоҳиятли ва зукко эканликларига далолатдир.

У кишининг дарсларига қатнашиб, китобларини ривоят қилганлар ичида Абу Сулаймон Жузжоний[125], Ҳишом ибн

[122] Абдулҳай Лакнавий. Ат-Таълиқ ал-мумажжад. – С. 35–36.

[123] Кардарий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 433; Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж–3. – С. 123.

[124] Бағдодий. Таъриху Бағдод. Ж–2. – С. 173.

[125] Тўлиқ исми – Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний. У Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаддан китобларни ва амолийларни ривоят қилган. Ҳижрий иккинчи асрдан кейин вафот этган.

Убайдуллоҳ Розий[126], Муалло ибн Мансур Розий[127], Абу Ҳафс Кабир Бухорий[128], Ибн Маъбад[129], Ибн Аббон[130], Ибн Самоа[131] ва бошқалар бор эди.

Қозилик. Шунингдек, у зот дастлаб, Ҳорун Рашид (раҳимаҳуллоҳ) даврида Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) ҳаётлик чоғида Раққа шаҳрига қози, кейинчалик аббосийлар мамлакатининг бош қозиси бўлган.

У зотнинг қози бўлишлари илм ва тажрибаларига ўзгача манфаат қўшди. Ўрганган фиқҳларини амалиёт билан боғладилар. Фақатгина қуруқ назария ва тасаввур билан чекланмади. Бу эса ҳанафий мазҳабининг кенг кўламда ёйилишига туртки бўлди.

Шунингдек, у зот инсонлар тажрибасидан истифода этиб, уларга фиқҳни воқеликка мос келадиган мисоллар билан содда ва равон шаклда тушунтирар эди. Шу мақсадда баъзан бўёқчиларнинг олдига бориб, улардан қилаётган ишлари ва шунга боғлиқ масалаларни сўрарди[132].

Хуллас, Имом Муҳаммад ибн Ҳасан (раҳимаҳуллоҳ) ҳанафий фиқҳини китоб ёзиб тарқатган асосий кишидир. Устозлари Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф, шунингдек, Зуфар ва Ҳасан ибн Зиёд (раҳимаҳуллоҳ)ларнинг баъзи раъйларини ўз асарларида жамлаган. У зотнинг қимматли китоблари ҳанафий мазҳабининг ўсиши, ривожланиши ва ер юзига тарқалишида муҳим роль ўйнади.

---

[126] Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаддан фиқҳ илмини ўрганган. Имом Муҳаммад Рай шаҳрида унинг уйида вафот этган. У зот 201-йилда вафот этган.

[127] Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаддан китоблар ва амолийни ривоят қилган. Бағдодда яшаган ва 211-йилда вафот этган.

[128] Тўлиқ исми – Абу Ҳафс Кабир Аҳмад ибн Ҳафс Бухорий. 217 йилда вафот этган.

[129] Тўлиқ исми – Абул Ҳасан Али ибн Маъбад ибн Шаддод Раққий. Мисрда яшаган. Хоссатан, Имом Муҳаммаднинг шогирди бўлиб, ундан “Ал-Жомеъ ал-кабир” ва “Ал-Жомеъ ассағир”ни ривоят қилган. 218-йилда вафот этган.

[130] Тўлиқ исми – Қози Исо ибн Аббон ибн Садақа. Унинг “Китобул ҳажжа”, “Исботул қиёс” ва “Хабарул воҳид” номли китоблари бор. У зот 221-йили вафот этган.

[131] Тўлиқ исми – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Самоа ибн Убайдуллоҳ Тамимий. У Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаддан “ан-Наводир” китобларини ёзиб олган ва бошқа китоб ва амолийни ривоят қилган. Унинг “Адабул қозий” ва “Ал-Маҳозиру вас-сижиллот” номли китоблари бор. У 233-йили вафот этган.

[132] Кардарий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 424.

ИМОМ ЗУФАР ИБН ҲУЗАЙЛ (РАҲИМАҲУЛЛОҲ)

Бу зот – Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг тўртта шогирдларининг энг каттасидир. Тўлиқ исми – Абу Зуҳайл Зуфар ибн Ҳузайл ибн Қайс Анбарий. У зот ҳижрий 110 йили туғилган. Имом Зуфар фиқҳда бамисоли денгиз, ақлли, фаросатли, тақводор инсон эди. Илм, ибодат, фиқҳ, ҳадисни ўзида жамлаган эди. У Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг қўлларида фиқҳни ўрганди. Узоқ муддат у зотдан сабоқ олди.

У зотнинг ўзи бундай деган: “Йигирма йилдан ортиқ Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан таълим олдим. Инсонларга у зотдан кўра кўп насиҳат қиладиган, уларга ҳамдард бўладиган бирор кишини кўрмадим”[133]. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) Имом Зуфарни бошқалардан афзал кўрар, ҳурмат қиларди. Бир куни: “Бу Зуфар ибн Ҳузайл мусулмонлар имомларининг пешвоси, шараф, насаб, илмда буюк арбобдир”, деган[134].

Вакиъ ибн Жарроҳ[135] (раҳимаҳуллоҳ) буюк олим бўлишига қарамай, Имом Зуфар зиёратига кўп борар ва у кишига: “Биз учун сизни Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ўринбосари қилган Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин”, дер эди. Яна бундай дер эди: “Мен Имом Зуфарнинг дарс ҳалқасидан олган манфаатимни бошқа ҳеч кимнинг ҳалқасидан олмаганман”[136]. Яҳё ибн Кулсум айтади: “Вакиъ умрининг охирида илм ўрганиш учун эрталаб Имом Зуфар олдига, тушдан кейин Абу Юсуф ҳузурига борар эди. Сўнг Абу Юсуфнинг олдига боришни тарк этиб, доимий равишда Имом Зуфарнинг олдига борар эди”.

Имом Зуфар (раҳимаҳуллоҳ) устози вафотидан кейин у зотнинг дарс ҳалқасига бошлиқ бўлади. Бу у зотнинг ҳанафий мазҳаби ривожига бўлган хизматларининг энг биринчиси эди.

---

[133] Маккий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 410; Солиҳий. Уқудул жимон. – С. 208.

[134] Қураший. Ал-Жавоҳир ал-Музийя. Ж–2. – С. 207; Тамимий. Ат-Табақот ас-суннния. Ж–3 – С. 254–255.

[135] Тўлиқ исми – Абу Суфён Вакиъ ибн Жарроҳ ибн Малиҳ Куфий. У зот Ироқ муҳаддисидир. 197 йилда вафот этган.

[136] Кардарий. Маноқибу Абий ҳанифата. – С. 458; Али Қорий. Ал-Асмор ал-жаннийя. – С. 581.

Имом Зуфар Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан таълим олгач, Басрага келади. У ерда Усмон Баттийнинг фиқҳи тарқалганди. У Басра фақиҳи ва раиси эди. Имом Зуфар унинг дарс ҳалқасига қатнаб, у айтган масалаларни тингларди. Унинг бирор фиқҳий қоидасидан воқиф бўлса, унинг шу қоидага кўра истинбот қилган фаръий масалаларини текширар эди. Қачон улар ўзларининг фиқҳий қоидасига амал қилишни тарк этганидан хабар топса, ўз қавлига амал қилишни ва нима сабабдан ўзларининг фиқҳий қоидасига амал қилмаганини баён қилишни талаб қиларди. Усмон Баттийнинг шогирдлари Имом Зуфарнинг бу сўзини маъқул топишди. Сўнг Имом Зуфар бу борада Усмон Баттийнинг қоидасидан кўра ҳам яхшироқ фиқҳий қоида бор эканини айтиб, ўзининг ҳужжат ва далилларини келтиради ҳамда Усмон Баттийдан ҳам шогирдларининг гувоҳлигида шу қавлга қайтишини талаб қилади. Сўнг уларга: “Бу Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг қавлидир”, дейди. Шу воқеадан бир неча кун ўтгач, Басра уламоларининг дарс ҳалқасига Имом Зуфар бошчилик қила бошлайди. Усмон Баттий эса ёлғиз қолади. Имом Зуфар (раҳимаҳуллоҳ) Басра қозилигига тайинланади.

Одатда қўшни шаҳар ва вилоятлар мусобақалашганидек Басра аҳли ҳам куфаликлар билан ўзаро мусобақалашар эди. Дастлаб, басраликлар ҳанафий мазҳабига эътироз билдиришар эди. Имом Зуфар басраликларни Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг мазҳабига даъват қилиб, Басрада уни ҳикмат билан ёйди.

Саймарий (раҳимаҳуллоҳ) Ҳилол ибн Яҳёдан қуйидагиларни ривоят қилади: “Юсуф ибн Холид Самтий Басрадан Куфага келиб, Абу Ҳанифадан фиқҳни ўрганган эди. Сўнг Басрага қайтмоқчи бўлганда, Абу Ҳанифа унга бундай деди: “Агар Басрага борадиган бўлсанг, илмда пешқадам кишилар олдига боряпсан. Зинҳор масжиднинг бирорта устуни ёнида ўтириб, дарс ҳалқасини ташкил қилиб: “Абу Ҳанифа бундай деган”, “Абу Ҳанифа бундай деган”, дейишга шошилмагин. Агар шундай қилсанг, кўп ўтмасдан сени масжиддан чиқариб юборишади”. Сўнг Юсуф ибн Холид Басрага келиб, ўзи-

дан ажабланади. Басра масжидида бир устун ёнида ўтириб: “Абу Ҳанифа бундай деган”, дея дарс беришни бошлаганида басраликлар уни масжиддан чиқариб юборишади. Сўнг Имом Зуфар Басрага келгунича ҳеч ким у ерда Абу Ҳанифа номини тилга олмади. У зот келгач, Басранинг катта устозлари ҳузурига бориб, уларнинг сўзига улар билмайдиган ҳужжатлар келтирар эди. Бу эса уларга ёқиб тушарди. Сўнг: “Бундан ҳам яхшироқ қавл бор”, деб, уни далиллари билан келтирар ва ҳеч кимга уни Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг сўзи эканини айтмас эди. Абу Ҳанифанинг сўзлари басралик катта уламолар қалбига ўрнашиб, манзур бўлгач, Имом Зуфар: “Бу Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг сўзи”, дейди. Улар: “Ким айтган бўлса ҳам, яхши сўзлар экан”, дейишди. Улар кўп ўтмасдан улар у зотнинг қавлларини қабул қилишди”[137].

Имом Зуфар (раҳимаҳуллоҳ) устози Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан сўнг кўп яшамади. 8 йилдан сўнг ҳижрий 158-йили Басрада вафот этди.

ИМОМ ҲАСАН ИБН ЗИЁД (РАҲИМАҲУЛЛОҲ)

Имом Ҳасан ибн Зиёд (раҳимаҳуллоҳ)нинг тўлиқ исми – Абу Али Ҳасан ибн Зиёд Луълуъий. У зот асли Куфадан бўлиб, Бағдодда яшаган. Раъйда моҳир, закий, суннатни яхши кўриб, унга эргашувчи олим эди. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ривоятларини яхши биларди[138].

У зот бир муддат Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) қўлида таълим олган. У зот вафот этгач, аввалига Имом Зуфар, сўнг Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ)дан илм ўрганган. бу ҳақда у зотнинг ўзи бундай деган: “Мен қирқ йил шам ёнида ухламасдан тонг оттирдим”. Яҳё ибн Одам (раҳимаҳуллоҳ) Имом Ҳасан ибн Зиёдни мадҳ этиб, бундай деган: “Ҳасан ибн Зиёддан фақиҳроқ бирор кишини кўрмадим”. У зот ҳижрий 204-йили 80 ёшдан ошиб вафот этган. Ўзидан кейин ҳадис ва фиқҳ борасида кўплаб китоблар қолдирган[139].

[137] Саймарий. Ахбору Абий Ҳанифата ва асҳобуҳу. – С. 104.
[138] Заҳабий. Сияру аъломин нубало. Ж–9. – С. 544; Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж–2. – С. 56.
[139] Саймарий. Ахбору Абий Ҳанифата ва асҳобуҳу. – С. 133.

Ҳасан ибн Зиёд (раҳимаҳуллоҳ) узоқ умр кўрди. Қозиликка тайинланган бўлса-да, фаолият кўрсатмади. Дарс ва фатво беришни танлади. У зот вақтларини бундай тартиб асосида тақсимлаган эди: Куннинг аввалида бомдод намозидан қайтгач, то завол пайтигача шогирдлари иштирокида фиқҳий масалалар билан машғул бўлар эди. Пешиндан кейин то асргача турли фатво масалаларидан дарс берарди. Асрдан кейин усул ҳақида муноқашалар қилар, шомдан хуфтонгача турли чигал масалаларда шогирдлари билан баҳс олиб борар, хуфтондан сўнг кечанинг учдан биригача васият ва шунга ўхшаш масалалардан дарс берар эди. У зот илмда ҳечам сустлашиб қолмади. У зотнинг бир жорияси бўлиб, қачон таҳорат, овқатланиш ва шу каби нарсалар билан машғул бўлса, ўша жория масалаларни ўқиб бериб турарди[140].

У зотнинг шогирдларидан бири Салжий[141] бўлиб, у Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фиқҳини очиб бериб, унга ҳужжат келтирган, иллатларини зоҳир қилиб, ҳадис билан қувватлаган ва қалбларга ёқимли қилиб кўрсатувчи номига сазовор бўлган[142].

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (699–767) яшаган пайт тобеинлар ва табаа тобеинлар даври эди. Илму ирфон камолга етган, фиқҳ соҳаси ривожланган, мужтаҳидларнинг илмий фаолияти замони эди. Бу вақтда Ҳасан Басрий (642–728), Ибн Абу Лайло (693–765), Абу Ҳанифа (699–767), Абдураҳмон Авзоий (707–774), Суфён Саврий (716–778), Муовия ибн Убайдуллоҳ ибн Ясор (718–786), Лайс ибн Саъд (713–791), Молик ибн Анас (713–795), Суфён ибн Уяйна (725–814), Яҳё ибн Одам (ваф. 203/818), Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (767–820), Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Роҳавайҳ (778–853), Абу Савр Иброҳим ибн Холид Калбий (ваф. 240/854), Аҳмад ибн Ҳан-

[140] Кардарий. Маноқибу Абий Ҳанифата. – С. 488.

[141] Тўлиқ исми – Муҳаммад ибн Шужоъ Салжий. Унинг “Ал-Музораба”, “Ал-Маносик” ва “Китобун наводир” номли асарлари бор. Ҳижрий 266-йилда вафот этган.

[142] Ибн Надим. Ал-Фиҳрист. – С. 256.

бал (780–855), Довуд ибн Али Исфаҳоний Зоҳирий (816–884), Абу Бакр Аҳмад ибн Амр ибн Набил (822–900), Абу Жаъфар Табарий (839–923), Ибн Айюб Аббадоний (823–925), Абу Бакр Аҳмад ибн Комил Шажарий (ваф. 350/961) ва Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810–870) каби мужтаҳидлар ўз фиқҳий мактабларини яратаётган эдилар. Уларнинг ҳар бири тўрт асосий манба – Қуръон, ҳадис, ижмо ва қиёс ёрдамида масалаларни ижтиҳод қилар ҳамда ҳукмларни истинбот этардилар. Улар бу борада на усулда ва на фуруъда бировга тақлид қилмасдилар. Ҳар бирининг юзлаб-минглаб шогирдлари бор эди. Бироқ улардан фақат тўрт нафарининггина асос солган мактаби катта ва йирик мазҳаб сифатида амалда қолди.

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг мактаби ривожланишига қози, муфтий, имом сифатида йирик мансабларда фаолият юритган шогирдлари – Абул Ҳузайл Зуфар ибн Ҳузайл Анборий Басрий (728–775), Қосим ибн Маън (ваф. 175/791), Абдуллоҳ ибн Муборак (736–797), Абу Исмат Нуҳ ибн Абу Марям (ваф. 173/789), Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Куфий Ансорий (731–798), Ибн Абу Зоида Яҳё ибн Закариё (737–798), Асад ибн Амр (ваф. 188/804), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (749–805), Ҳафс ибн Ғиёс Куфий (735–810), Вакиъ ибн Жарроҳ (746–812), Абу Мутиъ Балхий (ваф. 199/814) ва Ҳасан ибн Зиёд Лўълуъий (734–819) каби ижтиҳодда мустақил бўлишга лаёқати бўлишса-да, у билан маслакдош бўлиб қолган фақиҳлар ўзларининг беқиёс ҳиссаларини қўшдилар.

Ибн Халдун (1332–1406) фикрича, ҳанафий мазҳабининг кўпроқ ёйилишига Юбу Юсуфнинг халифа Ҳорун Рашид (786–809) даврида қозул қузот – қозилар қозиси ёки қозикалон лавозимида узоқ муддат фаолият юритгани сабаб бўлди. Шу даврда бутун Ислом олами у зотнинг маслаҳати билан иш кўрарди. Ундан кейин қози бўлган Асад ибн Амр Куфий (ваф. 190/805) ҳам Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг катта шогирдларидан бири эди. Умуман олганда, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг катта шогирдларидан ўн тўрт нафари қозул қузот ва оддий қози бўлганларидан бу мазҳаб кенг тарқалган.

Бағдодда бир неча аср давомида шайхул ислом ва қозул қузотлар ҳанафий олимларидан тайинланган. Шундай қилиб, Ислом мамлакатларининг маркази Ироқ, хусусан, унинг пойтахи Бағдод ҳанафий мазҳабнинг ҳам марказига айланганди. Зотан, ҳанафийлик шу диёрда пайдо бўлган ва ривожланган эди.

Кейинчалик Абу Ҳанифа шогирдлари воситасида етишган мазҳаб вакиллари турли диёрларга тарқаб кетишди. Улар кўпроқ ўша вақтнинг илм ва сиёсат марказларидан бўлмиш шаҳарларга боришди. Қадимий Андалусия моликий мазҳабнинг маркази бўлгани каби ҳанафий мазҳабнинг ҳам асосан иккита йирик маркази мавжуд: улар Бағдод ҳанафийлиги ва Мовароуннаҳр ҳанафийлигидир.

Шимолий Африкада Асад ибн Фурот (759–828) қози бўлгандан бошлаб ҳанафий мазҳаби ҳам ривожлана бошлаган. Сўнг 400/1009 йилдан моликийлик расман эътироф қилингани боис, у ерда ҳанафий мазҳаби тарқалиши сусайган.

Мисрда 164/780 йили илк бор ҳанафий мазҳабига мансуб олим Исмоил ибн Ясаъ Куфий (ваф. 167/784) қози қилиб тайинланган. Натижада ҳанафий мазҳаби у ерда ҳам ривожлана тарқалган. Ҳанафий мазҳаби ривожи шиа эътиқодига мансуб фотимийлар (909–1171) даврида тўхтаган бўлса-да, Султон Салоҳиддин Айюбий (1169–1193) мадрасаларда ҳанафий мазҳаб фиқҳидан дарс берилишини жорий қилди. 932/1525 йили усмонийлар (1281–1924) Мисрни эгаллагач, сўнг у ерда ҳанафийлар ҳам кўпайди. Усмонийлар таъсирида бўлган Шомда ҳам ҳанафий мазҳаби ривожланган.

Хуросонга ҳанафий мазҳаби Балхда йигирма йилдан кўпроқ қози бўлган Умар (Амр) ибн Маймун Балхий (ваф. 171/788) орқали кириб келган бўлса, Мовароуннаҳрга Муҳаммад Шайбонийнинг икки нафар шогирди – Абу Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/815) ва Абу Ҳафс Кабир (767–831) орқали тарқалди. Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Мубораknинг (736–797) шогирдлари орқали ҳам ушбу мазҳаб кириб келди. Абдулазиз ибн Холид ибн Зиёд Термизий (VIII аср) эса Абу Ҳанифадан сабоқ олиб, бир муддат Термиз ва Чағо-

ниёнда қози бўлганида, ҳанафий мазҳабининг тарқалишига ҳисса қўшган[143].

Мазкур тўрт нафар фақиҳдан ташқари, бўлган Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг асли мовароуннаҳрлик шогирдлари ҳамда уларнинг издошлари бор эди. Уларнинг кейинчалик Мовароуннаҳрга келиб яшашлари ёки бу юрт билан борди-келди қилиб туришлари натижасида ҳанафий мазҳаби бу диёрда ҳам тез тарқалишига замин тайёрлади, дейиш мумкин. Асли Бухородан бўлган Шурайк ибн Абдуллоҳ ибн Синон Нахаий Куфий (713–794), 40 йиллар чамаси Абу Ҳанифага ҳамроҳлик қилган Абу Иброҳим Муҳаммад ибн Қосим Асадий (ваф. 207/822), Абу Ҳафс Кабирнинг (767–831) устозларидан бири, Бухорода истиқомат қилган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Фазл ибн Атийя Марвазий (ваф. 180/796), Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг (810–870) устозларидан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салом Бойкандий (778–840), Абу Юсуфнинг шогирди бўлиб, кейин Мовароуннаҳрда қозилик қилган Мужоҳид ибн Амр (VIII аср), Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг яна бир шогирди Абу Убайд Исҳоқ ибн Бишр Бухорий (ваф. 206/821), Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбонийнинг шогирди, Абу Ҳанифа лақабли дабусиялик ҳадис ровийси Усмон ибн Ҳумайд (VIII аср) ҳамда Самарқандда қозилик қилган Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалий Марвазий (777–852), Хоразмдан бориб Абу Ҳанифага шогирд тушган ва Басрада яшаб қолган Муғийра ибн Мусо Хоразмий (VIII аср) кабилар ҳанафий мазҳабининг Мовароуннаҳрда ривожланиши ва тарқалишига ўзларининг ҳиссаларини қўшганлар.

Булардан бироз кейинроқ Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг эътиқодий қарашларини ҳам ривожлантириб, ақидада мотуридия мазҳаби ўлароқ Мовароуннаҳрда ҳанафийликнинг мустаҳкам ўрин олишига ҳисса қўшди. Бу ўлкада ҳанафийлик бир неча аср мобайнида кучли томир отиб, бутун дунёга ҳанафий-

[143] Абдулқодир ибн Абилвафо Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музиъа фий табақот ал-ҳанафийя / Таҳқиқ Муҳаммад Абдуллоҳ Шариф. – Байрут: Дорол кутубил илмийя, 2005. – Б. 293.

ликнинг буюк имомлари ва фақиҳлари ҳамда энг йирик ва муҳим манбаларини тақдим қилди. Мовароуннаҳр ҳанафийлиги бутун атрофга – Хуросон (Афғонистон ва шимолий-шарқий Эрон), Шарқий Туркистон (Хитой, Мўғулистон), Кавказ, Қозон (Россия) тарафларга ҳам кенг ёйилди. Мўғуллар истилоси (XIII асрнинг биринчи чораги)дан сўнг бу ўлкалардаги фақиҳлар ҳар тарафга тарқаб кетдилар, кўпроқ усмонийлар (1281–1924) давлатига тобе шаҳарларга – Рум диёрига тўпландилар: истило натижасида сўниб бораётган фиқҳ ўша шаҳарларда янги ривожланишга юз тутди. Усмонийлар салтанати ҳудудларида 92 та фатво китобининг тартиб қилинганидан[144], ҳанафийликнинг мазҳаб нақадар ривожланганини билиш мумкин. Усмонийлар давлатининг қозилари, шайхул Исломлари фақат ҳанафийлардан тайинланди. Айтиш лозимки, Усмонлилар салтанати ҳудудларига ҳанафийлик Мовароуннаҳр орқали тарқалди, мазкур ҳудуддаги ҳанафийлар айнан Бағдод мактабини ҳам Мовароуннаҳр орқали ўргандилар.

Мўғуллар истилосидан кейин Мовароуннаҳр ва Хуросондаги фақиҳлар бир неча аср, айниқса, Темурийлар (1370–1500) даврида қизғин фаолият олиб борган. Темурийлар давлати ҳуқуқи ҳанафийлик мазҳабига асосланган эди. Ҳанафийликда “Мухтасарул Виқоя” ва унинг бир неча шарҳи, “Жомеъул фусулайн”, “Аш-Шарифийя”, “Ал-Кифоя”, “Жавоҳирул фиқҳ”, “Ат-Талвиҳ”, “Фатовойи Баззозийя”, “Жомеъул музмарот” каби фиқҳий манбалар вужудга келди.

Темурийлардан кейин Хуросонда шиалар давлати вужудга келди, Мовароуннаҳрда эса Шайбонийлар (1500–1598) ҳукмронлик қилди. Шайбонийлар даврида турғунлик даврини бошдан кечираётган ҳанафийлик фиқҳида бир неча шуҳратли фиқҳий китоблар (масалан, “Мухтасарул Виқоя”нинг бир неча шарҳи), фатволар (масалан, “Фатовойи Шайбонийя”, “Фатовойи Алийя”, “Фатовойи Самарқандийя”, “Фатовойи Нақшбандийя” каби асарлар) яратилди.

[144] Hayriddin Karaman. Baslangictan Zamanimiza Kadar Islam Hukuk tarihi. – Istanbul, 2004. – S. 262.

Учта хонликка бўлиниб кетган Марказий Осиёда кейинги уч аср давомида илм-фан ва маданиятнинг барча қирралари каби фиқҳда ҳам сўниш кузатилди. Уламолар янги-янги фатво китоблар ёзишдан кўра, аввалги фатволарга кўпроқ суяниб қолдилар. Бу даврда мўътабар фиқҳий манбаларга ҳам шарҳ ёзилмаган. Шундай бўлса-да, амир Шоҳмурод (1785–1800) ва унинг ўғли амир Ҳайдар (1800–1826) даврида, Бобурийлар (1526–1858) сулоласи вакили Аврангзеб Оламгир (1659–1707) бошчилигида "Фатовойи Оламгирия" каби, йирик ҳажмли "Фатовойи аҳли Бухоро" номли фатво тўплами яратилди. Кўпроқ амалий аҳамиятга эга фиқҳий масалалар тўпламидан иборат бир қанча "Жунг"лар (ҳар хил нарсалар тўплами) тасниф қилинди.

Бобурийларга қўшилиб, Мовароуннаҳрдан борган ҳанафий уламолар Ҳинд диёрида ҳанафийлик ривожланишига буюк ҳисса қўшдилар. Усмонлилар орқали Синд (Покистон) ҳудудларида ҳам ҳанафийлик томир отиб улгурган эди. Ҳинд ва Синд диёрида Шоҳ Валийуллоҳ Деҳлавий (1703–1762) ҳанафий мазҳаби ривожланишининг яловбардори бўлиб майдонга чиққан. Бу ерда ҳанафийлик фиқҳи, айниқса, ҳадиссшунослик ва тафсир соҳалари билан бирга ривожланди.

Бугунги кунда Туркия, Болқон, Болгария, Босния, Юнонистон, Югославия, Албания, Украина, Кавказ (черкаслар), Қозон, Уфа, Урал, Сибирия, Ўрта Осиё, Чин, Манжурия, Япония, Афғонистон, Хуросон, Булужистон, Сиям, Ҳинд, Кашмир, Покистон халқларининг аксарияти ҳанафий мазҳабидадир. Қрим, Озарбайжон, Доғистонда кўпроқ, Яман, Адан, Ҳижоз, Миср ва Фаластинда озроқ, Сурия ва Тунисда эса ундан ҳам оз ҳанафийлар мавжуд[145]. Бугунги кунда Ҳиндистон, Покистон ва Туркияда яшовчи ҳанафий уламолар ўзларининг илмий салоҳияти, муҳим асарлари ила бутун дунёга ҳанафийликни кўз-кўз қилмоқдалар. Шулардан, Ўрта Осиё халқлари асрлар давомида ҳанафий мазҳабидан бошқа мазҳабни

[145] Hayriddin Karaman. Baslangictan Zamanimiza Kadar Islam Hakak tarihi. – Istanbul, 2004. – S. 232.; Аҳмад Саид Ҳавво. Ал-Мадхал ала мазҳаб ал-Имом Аби Ҳанифа ан-Нўъмон. – Жидда: Дорул андасулил хазро, 2002. – Б. 112.

(Имом Қаффол Шоший Шофиъий (903–976) ва унинг ҳаёти давридаги қисқа муддатли Шошни ҳамда XII аср охирларида Хоразмнинг айрим шаҳарларини истисно қилганда) кўрмаган, қабул қилмаган, аралаштирмасдан ҳозиргача соф ҳолда асраб келмоқда.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИНИНГ МОВАРОУННАҲРГА КИРИБ КЕЛИШИ

Мовароуннаҳрга Ислом дини кириб келганидан сўнг жуда кўпчилик Куфага бориб, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг таълимоти билан танишди ва сафарининг самараси ўлароқ унинг сўзлари ва фатволарини ўз юртига олиб келди. Шу тариқа Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудлари Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг таъсирида шаклланган алоҳида таълимотни қабул қилди. Мазкур бўлимда ҳанафий мазҳабининг Марказий Осиёда тарқалиши борасида алоҳида ва муфассалроқ сўз юритилади.

Ҳанафий мазҳаби тарқалиши жараёнига дастлаб, Балх ва Рай[146] шаҳарларида асос солинди. 142/759–60 йилдаёқ Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирдларидан бири Абу Бакр ибн Абдуллоҳ Умар ибн Аҳмад ибн Довуд (ваф. 171/787–788 й.) Балх шаҳри қозиси бўлган. Ҳатто унинг вафотидан кейин ҳам ҳанафийлар у ерда ўз таъсирини сақлаб турди.

Балх муҳим тижорат йўли бўйида барпо қилинган Афғонистоннинг шимолида жойлашган вилоятдир. Бағдодга илм олиш мақсадида келганлар Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан дарс олишди. Кейин ўз юртларига қайтиб бориб, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг мазҳабларини ёйганлар. Ҳақиқатда манбаларда шахсан Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ўзидан ёки шогирдларидан таълим олган балхлик кўплаб уламолар ҳақида баҳс юритилади. Жумладан, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Сулаймон ибн Зиёд (ваф. ҳ. II ярми), Абу Умар Муҳаммад ибн Маймун ибн Баҳр ибн Саъд ибн Раммоҳ (ваф. 171/787 й.), Абу Муҳаммад ибн Салим ибн Солим Балхий (ваф. 194/809 й.), Абу Мутеъ Ҳакам ибн Абдул-

[146] Эроннинг шимолида ва Теҳрон шаҳрининг яқинида жойлашган шаҳар.

лоҳ Балхий (ваф. 199/814 й.) ва Абу Муоз Холид ибн Сулаймон Балхий (ваф. 199/814 й.). Бу уламолар Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг мазҳабларини Хуросонда, хусусан Балхда тарқатган.

Ҳанафий мазҳаби бўйича етишиб чиққан ушбу уламолар юқори лавозимларга тайинланган. Булардан бири Абу Мутеъ Ҳакам Балхий Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг дўсти ва етук шогирди бўлиб, “ал-Фиқҳ ал-авсат” асарини у зотдан ривоят қилган. У йигирма йилдан ортиқ Балх қозиси бўлган Абу Умар Муҳаммад ибн Маймун ибн Баҳр ибн Саъд ибн Раммоҳдан (ваф. 171/787 й.) кейин ўн олти йил қозилик қилган ва ҳанафий фиқҳини таълим бериб, ёйган. Абу Мутеъ Балхий устози Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг эътиқодий масалаларга бағишланган “Китабул олим вал-мутааллим (Устоз ва шогирд)” асарини Абу Муқотил Самарқандийдан ривоят қилган.

Балхдан кейин ҳанафий мазҳаби кенг тарқалган ҳудуд Рай шаҳридир. Аббосий халифалари Ҳорун (786–809) ва Маъмун (813–833) Табаристонда фаолиятларини жадаллаштирган зайдийлар[147] ва шиаларга[148] қарши ўлароқ ўлкаларда қозилик мансабига ҳанафий уламоларни тайинлаш орқали ҳанафийларни қўллаб-қувватлаган. Бунга мисол аббосий халифалари Рай шаҳрига Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирди марвлик Фазл ибн Ғоним Хузоийни (ваф. 236/850), ундан сўнг Абу Мутеъ Балхийнинг шогирди Муҳаммад ибн Муқотил Розийни (ваф. 248/862 й.) қозиликка тайинлаган. Мазкур сиёсий қўллаб-қувватлаш натижасида Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирдлари ва тарафдорлари устозларининг эътиқодий ва фиқҳий қарашларини бутун Хуросонда ёйдилар.

Дастлаб Балхда қабул қилинган ҳанафий мазҳаби қисқа вақтда ўлкадаги бошқа шаҳарларда ҳам ёйилди. Бу шаҳарларда етишиб чиққан ҳанафий уламолари давлат томонидан қозилик ва бошқа юқори лавозимларга тайинлана бош-

[147] Шиаларнинг бир гуруҳи бўлиб, Зайд ибн Али ибн Ҳусайнни имом деб эътиқод қилади.

[148] “Шиа” сўзи тарафдор маъносини англатади. Уларнинг эътиқодига кўра, Али (розияллоҳу анҳу)га Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) васият қилганлар ва шунга кўра Али (розияллоҳу анҳу) у зотнинг ўринбосаридир.

ланиши ҳанафийларнинг ўлкада изчил тарзда кучайишини таъминлади. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)га таклиф этилган қозилик мансабини рад этишига қарамасдан, унинг шогирдлари қози, муфтий ва мударрисликка рози бўлишлари муҳим роль ўйнади. Ҳақиқатда, у зотнинг шогирдларидан 28 таси қози, 6 таси муфтий ва 2 таси эса таълим даргоҳида бош мударрис бўлишган. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирдлари бу шаклда фаолият юритишлари у зотнинг қарашларини бошқа ўлкаларда ёйилишига ёрдамчи бўлган. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг хуросонлик ва мовароуннаҳрлик жуда кўплаб шогирдлари нуфузли лавозимларга тайинланиши ҳанафий мазҳабининг ёйилишига катта ёрдам берган.

Бағдодга бориб Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбонийдан таълим олган шогирдлари устозларининг йўлини Балх ва Райдан ташқари, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларда ҳам тарқатишга ҳаракат қилдилар. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан таълим олган ва у зотнинг мазҳабини Самарқандда ёйган уламолар – Абу Муқотил Ҳафс ибн Салим Фаззорий, Наср ибн Абу Абдулмалик Атакий, Шарик ибн Абу Муқотил, Маъруф ибн Абу Ҳасан, Юнус ибн Собиҳ ва Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалийлардир. Булар орасида энг машҳури шубҳасиз, Абу Муқотил Самарқандийдир.

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шогирдларининг Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларидан бири – Самарқандда олиб борган, таълим ва қозилик фаолиятлари узоқ вақт давом этди. 150/767 ва 300/912 йиллар оралиғида тахминан – бир ярим аср мобайнида Самарқандда муҳим ривожланишлар қайд этилди ва натижада мазкур ўлкада Самарқанд калом мактаби каби муҳим йўналишлар пайдо бўлди. Бошқа шаҳарларда бўлгани каби Самарқандда ҳам қозилик мансабларига ҳанафий уламолари тайинланди. Самарқандда қозиликка тайинланган ҳанафий уламолари қуйидагилар:

1. Муқотил ибн Ҳайён (ваф. 150/767 йилдан сўнг) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг дўсти бўлиб, Самарқандда тайинланган илк ҳанафий қозидир. У қозилик фаолияти би-

лан биргаликда талабаларга дарс берган ва Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг мазҳабини Самарқандда ёйилишига ҳаракат қилган. У Ҳорис ибн Сурайж[149] воқеасида ҳам катта роль ўйнаган;

2. Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалий (203–209/818–824) ҳам Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирди бўлиб, Муқотилдан сўнг Самарқанд қозиси бўлган. У Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан ташқари моликий мазҳаб асосчиси Молик ибн Анас (712–795) ва Абдуллоҳ ибн Муборак каби уламолардан ҳам таълим олган ҳамда Ҳайсам ибн Жунайд Қозий ва Абу Ҳафс Санжидизкий каби жуда кўплаб самарқандлик шогирдларга таълим берган;

3. Абу Усмон Салим ибн Абу Муқотил Фаззорий Самарқандий (ваф. 211/826 й.) ҳам Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Муборак, Муҳаммад ибн Ҳасан, Ҳаммод ибн Салама, Шарик ибн Абдуллоҳ каби муҳаддис ва уламолардан таълим олган. У ҳам ўз навбатида Аҳмад ибн Наср Атакий каби жуда кўплаб шогирдларга таълим берган. Узоқ муддат Самарқанд қозиси бўлган Абу Усмон ушбу мансабда 211/826 йилда вафот этгунга қадар фаолият кўрсатган. Унинг жанозасини сомонийлар амири Аҳмад ибн Асад ўқиган[150].

4. Умар ибн Абу Муқотил Фаззорий Самарқандий (ваф. 214/834 й.) 211/826 йилда акаси Абу Усмон Салимдан кейин унинг ўрнига қозиликка тайинланган. У Абдуллоҳ ибн Муборак ва Яҳё ибн Убайд каби уламолардан таълим олган. Ундан эса Аҳмад ибн Наср Атакий, Қози Абу Ҳафс Умар ибн Яқуб Санжидизакий ва Аҳмад ибн Ҳишом Иштиҳоний каби кўплаб шогирдлари таълим олган. Абу Ҳафс 219/834 йилда вафот этгунга қадар етти йил қозиликда фаолият юритган. Унинг жанозасини сомонийлар амири Нуҳ ибн Асад (942–954) ўқиган[151];

5. Абу Ҳафс Умар ибн Яқуб Санжидизакий Самарқандий (ваф. 240/854 й.) Умар ибн Абу Муқотилнинг вафотидан

[149] Мовароуннаҳрда вужудга келган муржиийлар қўзғолони бошлиғи.

[150] Насафий Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад. Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Фарёбий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: "Мактабатул Кавсар", 1991. – С. 101-102 .

[151] Насафий. Ал-Қанд. – С. 334.

кейин 214/819 йили устозининг ўрнига қозиликка тайинланади. У зот Абу Муқотилнинг икки ўғли ва Али ибн Исҳоқ каби ҳанафий уламоларидан таълим олган. Умар ибн Яқуб устозлари каби қозилик билан бирга, таълим фаолиятини ҳам юритган. Ҳанафий мазҳаби қозиси Муҳаммад ибн Жиннаҳ Санжидизакий каби кўплаб уламоларга устозлик қилган Абу Ҳафс Умар ибн Яъқуб 240/854 йилда Самарқандда вафот этган. Унинг жанозасини сомонийлар амири Аҳмад ибн Асад ўқиган;

6. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аслам ибн Абдуллоҳ ибн Муғирий (ваф. 286/881 й.) Умар ибн Яъқубдан сўнг унинг ўрнига қозиликка тайинланган. У Абу Сулаймон Жузжоний ва муржиийлардан бўлган Шаддод ибн Ҳакимдан фиқҳ илмини ўрганган. Абу Муин Насафий Абу Абдуллоҳнинг сомонийлар амири Наср ибн Аҳмад даврида қозилик қилганини ва 286/881 йил рабиул аввал ойида вафот этганини хабар беради[152]. Лекин унинг неча йил қозилик қилгани маълум эмас;

7. Абу Наср Иёдий (ваф. 279/892 йилдан кейин). Манбаларга кўра, Муҳаммад ибн Асламнинг вафотидан кейин Самарқанд қозиси ким бўлгани маълум эмас. Эҳтимол, бу лавозимга Абу Наср Иёдий тайинланган бўлиши мумкин. Чунки Абу Наср Иёдий йигирма ёшидаёқ таълим бериш фаолиятларини бошлагани ва қозилик қилгани манбаларда зикр этилган.

Юқорида баён қилинганидек, сомонийлар давлатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши даврларида Самарқанд қозилари бутунлай ҳанафий уламоларидан тайинланган. Қозилик лавозимига тайинланган уламолар расмий ишлари билан бирга, қизғин илмий фаолиятлар олиб бориб, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг мазҳабини тарқатишга ҳаракат қилганлар. Булардан ташқари, расмий мансабда бўлмаган бошқа уламолар ҳам кенг кўламда илмий фаолиятлар олиб борган. Бу хусусда Абу Муин Насафий бундай дейди: “Марв, Балх ва бошқа бутун Хуросон ва Мавароуннаҳр ўлкасидаги Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) тарафдорла-

[152] Насафий Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Табсиратул-адилла фи усулиддин / Ҳ.Отай нашрга тайёрлаган. 2 жилдли. – Анқара: 1993. Ж–1. – С. 358.

ри эътиқодий ва фиқҳий масалаларда у зотнинг мазҳабида бўлганлар”[153].

Ибн Яҳёнинг “Шарҳу жумали усулид дин” асарида шунга ўхшаш маълумот келтирилган: “Янги мусулмон бўлган бир киши мусулмонларнинг етмиш уч фирқага бўлинганини кўрди. Шу сабабдан қадарий-мўътазилийларнинг вакилидан инсоннинг феъллари ҳақидаги эътиқодларини сўради. Қадарий-мўътазилий айтди: “Кўнглимга келган ишни қиламан ва ҳар бир нарсага кучим етади”. Янги мусулмон бўлган киши: “Мен бу мазҳабга кирмайман. Чунки бу эътиқодга кўра, Аллоҳдаги қудрат менда ҳам бўлади”, дея бу сўз динга мос эмаслигини айтади. Қадарий эса: “Агар менинг сўзимни қабул этмасанг, аҳли сунна вал жамоа мазҳабига кир”, деди. У киши эса етмиш уч фирқанинг ҳар бири билан учрашиб, уларнинг бу мавзудаги қарашларини сўрар эди. Ҳеч бирининг қараши унга маъқул келмади. Ҳар бир фирқа вакиллари: “Агар бизнинг мазҳабимизга кирмасанг, аҳли сунна вал жамоа мазҳабига кир”, деб жавоб берарди. У эса аҳли сунна вал жамоа кимлар эканини сўраганида аҳлул аҳво (адашган фирқа вакиллари) унга: “Улар ҳар бир шаҳарда аҳли сунна вал жамоа номи билан танилишган. Улар Самарқандда Дорул жузжония ва Дорул иёдия мактабига мансублар, Бухорода Абу Ҳафс издошлари ва Балхда Нусайр ибн Яҳёнинг тарафдорларидир”, деб жавоб берар эди[154]”.

Юқоридаги Ибн Яҳё келтирган маълумотидан Самарқандда ҳанафий мазҳабининг Дорул жузжония ва Дорул иёдия икки мактаби кенг кўламда фаолият кўрсатгани маълум бўлади. III/IX асрда Самарқандда ҳанафийларнинг энг муҳим таълим маркази Дорул жузжония бўлган. Бунда Абу Мансур Мотуридий, у зотнинг устозлари ва шогирдлари фаолият юритган. Дорул иёдия – Абу Аҳмад Иёдий ва Абу Бакр Иёдий каби уламолар фаолият юритган таълим маркази бўлган. Ўша вақтда Хуросон, Сурия, Ироқ ва Онадўли каби ўлкалардан талабалар Самарқандга илм таҳсил қилиш учун келганлар.

[153] Абул Муин Насафий. Табсира. Ж–1. – С. 356.
[154] Ибн Яҳё. Шарҳу жумали усулид-дин. – С. 120а–121а.

Дорул жузжония Самарқандда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг мазҳабида фаолият кўрсатган муҳим илмий марказ бўлган. IV/X аср ўрталарига қадар аҳли раъй (ҳанафий мазҳаби) йўналишида, ундан сўнг асҳобул ҳадис (шофиъий мазҳаби) йўналишида фаолият кўрсатган бу марказдан Абу Мансур Мотуридий ва кўплаб уламолар етишиб чиққан.

Дорул жузжония илм даргоҳи ҳижрий III асрда Абу Муқотил Самарқандий томонидан қурилгани эҳтимол қилинади. Ундан кейин бу мактабни Абу Сулаймон Жузжоний ва Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Сабиҳ Жузжоний ривожлантирган. Абу Муқотил Самарқандий Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ёнида таълим олгандан сўнг Самарқандга қайтиб келиб, устозининг мазҳабини ёйди. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг эътиқодий қарашлари баён қилинган “Китабул олим вал мутааллим” номли асарини Самарқандга олиб келди ва у ерда илмий фаолият юритди. Мазкур асар устоз ва шогирд ўртасида диалог шаклида ёзилган.

Бир ривоятга кўра, халифа Маъмун (813–833) Хуросонда бўлган вақтда муҳим бир масала ўртага чиқади. Бу сабабдан халифа Маъмун Хуросон уламоларини тўплайди. Лекин уларнинг бирортаси масалани ҳал қилолмайди. У ерда ҳозир бўлган уламолар бу масала фақат Абу Муқотил Самарқандий ёки Абу Ҳанифа Балхий ҳал этишини айтади. Кейин халифа ушбу масалани Абу Муқотилга ҳавола этади. Манбаларда бу масаланинг нима экани ҳақида батафсил зикр қилинган. Ушбу воқеа минтақада Абу Муқотилнинг катта таъсири бўлганини тасдиқлайди.

Ибн Яҳёнинг берган маълумотига кўра, Дорул жузжония таълим маркази уламоларнинг устозлик шажараси қуйидагича: Абу Ҳанифа (ваф. 150/767 й.) – Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф. 189/804 й.) – Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/816 й.) – Фақиҳ Имом Абу Абдуллоҳ ибн Жузжоний – Шайх Фақиҳ Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний (ваф. 250/864 й.) – Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёдий (ваф. 275/888 й.) – Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944 й.).

Мазкур устозлар силсиласида учта “Жузжоний”[155] нисбалик уламо мавжуд. Ушбу жиҳатдан мазкур таълим даргоҳи “Дорул жузжония” номи билан танилган бўлиши мумкин. Абу Наср Иёдийдан бошқа барча устозлар ўзларини бутунлай илмий фаолиятга бағишлаганлар. Абу Наср Иёдий эса юқорида айтиб ўтилганидек, илмий фаолият билан бирга қозилик қилган ҳамда вақти-вақти билан сафарларга чиққан. Дорул жузжония мактабини яқиндан таниш учун унда раҳбарлик қилган устозларни даврий жиҳатдан ўрганиш тўғри бўлади.

1. Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/816 й.) Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбонийнинг шогирди бўлган. У ҳанафий мазҳабининг асосий китобларини юқорида зикр қилинган икки устозидан ривоят қилган. Ҳақиқатдан ҳам, Имом Муҳаммаднинг “Ал-Асл (Ал-Мабсут)” номли асарини энг ишончли нусхаси унинг ривоят қилган нусхаси деб қабул қилинган. Тақво ва раъй соҳиби бўлган Абу Сулаймон Жузжоний халифа Маъмуннинг қозилик таклифини ўзини асабий бир киши экани сабабидан рад этади. Юқорида келган силсилага кўра, Абу Сулаймон Жузжоний Дорул жузжония марказининг биринчи устози бўлгани маълум бўлади.

2. Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Субайҳ Жузжоний (ваф. 250/864 й.) Абу Сулаймон Жузжонийдан кейин Дорул жузжонияга бошлиқ бўлган. Абу Бакр Жузжоний ҳам Имом Муҳаммаднинг шогирдларидан бўлиб, Абу Сулаймон Жузжонийдан ҳам дарс олган. Фиқҳ ва калом фанининг етук билимдони Абу Бакр Жузжоний Абу Наср Иёдий ва Абу Мансур Мотуридий каби шогирдлар етиштириб чиқарди. У барча илм соҳаларида чўққига етган бўлиб, “Ал-Фарқ ват-тамйиз” каби қимматли асарлар ёзиб қолдирган. Абул Муин Насафийнинг айтишича, Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжонийнинг асарларини кўрган оддий одам ҳам унинг буюклигини фаҳмлаши мумкин. Манбаларда Исҳоқ Жузжонийнинг вафоти санаси келтирилмаган. Абу Мансур Мотуридий

[155] Бугунги Афғонистон ҳудудида жойлашган вилоят бўлиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрни боғлайдиган йўл устида жойлашган.

унинг шогирди бўлганига кўра, ҳижрий III аср ўрталарига қадар яшаган бўлиши мумкин.

3. Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёдий (ваф. 275/888 й.). Абу Бакр Жузжонийдан кейин Дорул жузжонияга энг етук шогирди Абу Наср Аҳмад Иёдий бошлиқ бўлади. Зийрак, ақлли, сабрли, фаҳм-фаросатли аллома Абу Наср Иёдий йигирма ёшидаёқ таълим маркази ва уламоларнинг бошлиғи бўлган. Усул ва фуруъ илмида ўз даврининг имоми деб қабул қилинган. У Самарқандда бўлган чоғида мухолиф кишилар билан жуда кўплаб тортишувларда иштирок этди ва ўз қарашларини муваффақиятли шаклда ҳимоя қилди. Абул Муин Насафий алломанинг Аллоҳнинг сифатлари хусусида китоби мавжудлигини зикр қилган. Мазкур асарда мўътазилий ва нажжорийларнинг қарашларини танқид қилгани ҳамда аҳлул ҳақ (аҳли сунна вал жамоа)нинг қарашларини тўғрилиги борасида келтирган далилларига қараб, алломанинг қанчалик чуқур илм соҳиби бўлгани билинади[156].

Абу Насрдан олдин Дорул жузжония таълим марказига раҳбарлик қилган уламолар расмий лавозимлардан узоқ бўлган ва Самарқанд чеккасида қурилган ғозийлар работида (ғарибхона, карвонсаройда) фаолият кўрсатганлар. Абу Наср Иёдий эса устозларидан фарқли равишда сомонийлар амири Наср ибн Аҳмад (913–942) билан яқин алоқада бўлган. Абу Насрнинг бу хатти-ҳаракати сомонийлар сиёсатига таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Чунки 263/876 йилда сомонийлар тоҳирийларга боғлиқ бўлмаган мустақил давлат қурди. Сомонийлар расман аббосийлар давлатига бўйсунса-да, ички ишларида тўлақонли мустақил давлат эди. Эҳтимол сомонийлар давлатининг биринчи амири Наср ибн Аҳмад ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Абу Наср Аҳмад Иёдийдан фойдаланган бўлиши мумкин.

4. Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий; Абу Наср Иёдийдан кейин Дорул жузжонияга энг севикли ва тиришқоқ шогирди Абу Мансур Мотуридий бош-

[156] Абул Муин Насафий. Табсира. Ж–1. – С. 356.

чилик қилади. Бир муддат Абу Аҳмад Иёдий ҳам бош устозлик қилган бўлса-да, Абу Аҳмад Иёдий раҳбарлик даврида унинг асл устози Мотуридий бўлган. Зеро, Абу Наср шаҳид бўлганида унинг ўғли Абу Аҳмад ҳали ёш бола эди. Мотуридий эса бу вақтда таҳсилни тамомлаган эди ва умрининг охиригача мазкур даргоҳда устозлик қилади. Устозининг муҳаббати ва ишончини қозонган Абу Мансур Мотуридий келгунича устози Абу Наср Иёдий дарсни бошламас, узоқдан унинг келаётганини кўрганида, уни кутиб олар эди[157].

Ибн Яҳёнинг берган маълумотига кўра, Абу Насрдан кейин Дорул жузжонияда Абу Мансур Мотуридий дарс бера бошлади. Мотуридий у ерда дарс бераркан, Абу Насрнинг ўғли Абу Аҳмад Иёдий асирликдан қутулиб, Самарқандга қайтади ва отаси шаҳид бўлишидан олдин ушбу таълим марказига ўзини бошчилик этишини васият қилганини айтади. Шу сабабдан Абу Мансур Мотуридий, Абул Қосим Самарқандий ва бошқа уламолар Дорул жузжонияда тўпланиб устозларининг сўзини эътиборга олиб, Абу Аҳмад Иёдийни отасининг ўрнига бош устозликка тайинлайди ва унга ҳурмат кўрсатади. Дастлаб таълимни Мотуридийдан олган Абу Аҳмад Иёдий у ердаги бошқа уламолардан ҳам таълим олиб, қисқа муддатда фақиҳлик мартабасига етишади. У расман марказнинг бошлиғи бўлса-да, Абу Мансур Мотуридийни устоз деб биларди ва жуда ҳурмат қилар эди. Чунки Абу Мансур Мотуридий илм, фикр ва мазҳаблар борасида ўша вақтнинг энг етук олими эди.

Абу Аҳмад Иёдий устози Абу Мансур Мотуридийнинг соясида Дорул жузжонияда бир муддат бош устозлик қилди ва кейин Дорул иёдияга ўтиб кетган. Абу Мансур Мотуридий эса умрининг охирига қадар кўплаб шогирдларга бу марказда дарс берди. Абу Мансур Мотуридий Абул Ҳасан Али ибн Саид Рустуфағний билан бирга кўплаб шогирдларига Имом Муҳаммаднинг “Ал-Мабсут” асаридан дарс бераркан, тахминан юз ёш атрофида вафот этади[158].

[157] Абул Муин Насафий. Табсира. Ж–1. – С. 359.
[158] Ибн Яҳё. Шарҳу жумали усулид дин. – С. 162 б.

Абу Мансур Мотуридийдан кейин унинг қарашларини Абул Ҳасан Али ибн Саид Рустуфағний, Абу Салама Самарқандий ва Ибн Яҳё каби уламолар баён қилиб беришди. Мазкур уч уламодан Рустуфағний Мотуридийнинг шогирди бўлган, қолган иккиси Мотуридийнинг етук шогирдидан таълим олган. Абу Салама Абу Аҳмад Иёдийдан ва Ибн Яҳё эса Рустуфағнийдан таълим олган. Бу шахслар Абу Мансур Мотуридий каби халқ орасида содда ҳаёт кечирган. Муташобеҳ оят ва ҳадисларнинг таъвилини зарурий деб билиб, ақлдан фойдаланишни зарурлигини ҳимоя қиладилар. Бу жиҳатдан Рустуфағний, Абу Салама ва Ибн Яҳё Мотуридийнинг илк издошлари ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Дорул жузжония мактабида Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фикрлари ва услубини айнан ўзлаштирган ва давом эттирган ҳанафий уламолар майдонга келган. Бу мактабнинг энг машҳур вакили шубҳасиз Абу Мансур Мотуридийдир.

Дорул иёдия мактаби (IV–V/XI XI аср ораси) қачон қурилгани ҳақида манбаларда бирор бир маълумот учратилмади. Лекин тадқиқот давомида шундай фикрга борилдики, эҳтимол Дорул иёдия ҳижрий IV аср бошларида устозларининг психологик ҳужумларидан қутулишни истаган Абу Аҳмад Иёдий томонидан Дорул жузжонияга муқобил тарзда Самарқандда қурилган бўлиши мумкин. Абу Мансур Мотуридий яшаган даврда ҳанафийлар орасида ўртага чиққан Дорул иёдия мактаби вакиллари муташобеҳот (маъноси ноаниқ оят ва ҳадис)ларнинг таъвил қилишга ва ақлдан далил сиифатида фойдаланишга қарши чиқдилар. Дорул иёдия мактаби вакиллари ушбу икки нуктада аҳли райдан айрилиб, аҳли ҳадис томонга мойил бўлдилар. Булардан аҳли ҳадисга мойил бўлган Дорул иёдия мактаби вакилларининг етакчиси Абу Аҳмад Иёдий экани маълум бўлади.

Абу Аҳмад Иёдий Мотуридийнинг устози Абу Наср Иёдийнинг ўғли бўлиб, Дорул жузжонияда Имом Мотуридийдан таълим олди ва қисқа муддатда фақиҳ бўлиб етишди. Абул Муин Насафий, Қураший ва Лакнавий каби уламолар Абу Аҳ-

мад ҳақида яхши фикр билдирмаган. Ҳосирий нақл этган бир ривоятга кўра, Ҳаким Самарқандий бир кун Абу Аҳмадни зиёфат бериш учун уйига чақиради. Абу Аҳмад бу чорловни қабул қилиб, у ерга борганида Ҳаким Самарқандий ундан бир киши таҳорат олган сув билан иккинчи марта таҳорат қилиш мумкинми, деб сўрайди. У: "Жоиз эмас", деб айтади. Бу сабабдан Ҳаким Самарқандий: "Илм ҳам шундай бўлади, дунёвий нарсага восита бўлиш учун фойданилса, охиратда бирор фойдаси бўлмайди. Сен бу илмни бойлик ва бошлиқлик каби дунёвий ишларга восита қилмоқдасан. Илмингни бадалини дунёда олдинг", дейди. Абу Аҳмад дарҳол ўрнидан туради ва ҳозирланган дастурхондан бирор нарса емасдан, у ердан кетади[159].

Агар бу ривоят тўғри бўлса, Абу Аҳмад илк йилларда мадҳ этилган, кейинги йилларда танқид қилинган. Чунки у навқирон ёшидаёқ машҳур эканини мансаб ва шуҳрат орқасидан қувишига олиб келган бўлиши мумкин. Муҳим мансабда бўлгани ва обрўли отанинг фарзанди бўлганига қарамасдан, нуфузли уламоларнинг танқид қилиши унинг "Дорул жузжония"даги устозлари тарафидан қувилганига ишора қилади. Бу ва шунга ўхшаш сабаблар туфайли Абу Аҳмад Иёдий "Дорул жузжония"дан бошқа бир ерда "Дорул иёдия" номли илмий марказ очиб, унга кўчиб ўтади. Бошқача қилиб айтганда, у диний ва дунёвий қарашлари жиҳатидан бошқа фикрда бўлган устози Мотуридийнинг руҳий босимидан қутулишни ўйлаган бўлиши мумкин.

Бундан маълум бўладики, шундан сўнг Самарқандда Дорул иёдия мактаби вакилларининг фаолиятлари сомонийлар давлати тугагунга қадар давом этган. Бу гуруҳга сомоний амирлари билан алоқалари яхши бўлган Ҳаким Самарқандий ва Абу Бакр Иёдий каби уламоларни киритиш мумкин. Ҳақиқатда сомоний амири томонидан ёздирилган Ҳаким Самарқандийнинг "Ас-Савод ал-аъзам" асарининг охирида ўша даврдаги самарқандлик уламолар зикр этилишига қарамасдан, Имом Мотуридий зикр этилмаган. Ҳолбуки, Имом

[159] Ал-Ҳосирий. – С. 277 б.

Мотуридий Ҳаким Самарқандийнинг дарс олишдаги шериги ёки устози бўлганига доир бир қанча ривоятлар бор.

Абу Бакр Иёдий Абу Аҳмад Иёдийнинг укаси бўлиб, унинг калом илмига оид “Масоилул ашарил иёдия” номли асари бор. Бу асарни турк тадқиқотчиси Шукру Ўзен таҳқиқ ва тадқиқ этиб, туркчага таржима қилган ва нашр эттирган. Алоуддавла томонидан баъзи расмий лавозимга тайинланган Абу Бакр Иёдий Мотурийдан сўнг, Абу Саламадан олдин 361/971 йилда вафот этган. Имом Мотуридийнинг замондоши ва Самарқанднинг нуфузли уламоларидан бири бўлган Абу Бакр Иёдий халқнинг муҳаббатига сазовор бўлган эътиборли киши эди.

“Шарҳу жумали усулид дин (Дин асосларининг қисқача шарҳи)” асарида келган бир ривоятга кўра Абу Бакр Иёдий вафот этганида фақиҳ Абдуссамад ибн Аҳмад Арбинажий (ваф. 369/979 й.) Мотуридийнинг у ҳақдаги ушбу сўзини нақл этади: “Диний илмлар ва ҳукмлар ўргатиш хусусида бу умматнинг уламолари ўтган пайғамбарлар кабидир. Ўтмишда бир пайғамбар даври сўнгида чуқур таҳлил этилиш керак бўлган масала ўртага чиқса, у масалани ҳал қиладиган бирор бир олим қолмаганида янги бир пайғамбар жўнатилгани каби, бу умматнинг ичида ҳар бир асрда вафот этган фақиҳлар ўрнига янги уламолар келади. Бу ҳол қиёматгача давом этади. Аллоҳ инсонларни йўл кўрсатувчилардан маҳрум этмайди”.

Ҳовий асарида келган бир ривоятга кўра, Абу Бакр Иёдий: бир кишининг Аҳли сунна вал жамоа мазҳабида эканини қандай билиш мумкин, деган саволига бундай жавоб беради: “Унинг илми Аллоҳ таолонинг китоби, Расулининг суннати ва салафи солиҳларнинг сўзларига мувофиқ келса, у аҳли сунна вал жамоа мазҳабидандир”[160]. Шу сабабдан Ибн Яҳё Абу Бакр Иёдийни аҳли сунна вал жамоанинг байроқдори бўлган, дея эслайди. Мазкур барча ривоятлар Абу Бакр Иёдийнинг Самарқанд ҳанафийлари ичида алоҳида ўрин эгаллаганини кўрсатади.

[160] Ал-Ҳосирий. – В. 252 б–253 а.

Абу Бакр Иёдийнинг баъзи эътиқодий масалаларни ўз ичига олган “Масоилул ашрил иёдия (Иёдийларга оид ўнта масала)” номли асарини вафотидан озгина олдин ёзади ва халқ уни ўқиб ўрганиб бидъатлардан, хусусан, мўътазилийларнинг ботил эътиқодларидан узоқ бўлсин дея Самарқанд кўчаларида эълон қилдирган[161]. Бу асарда баён қилинган ўнта масала – ўша давр Самарқанд ҳанафийларининг асосий тамойиллари деб қабул қилинган ва буларга ишонмайдиганларни эса “Соҳибуш шарр вал бидъа (*ёмонлик ва бидъат соҳиблари*)” дея баҳоланган.

АБУ ҲАНИФА (РАҲИМАҲУЛЛОҲ) ВА ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИГА ҚИЛИНГАН ТАЪНАЛАР

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ва ҳанафий мазҳабига таъна қиладиганлар бу мазҳабни асосан учта нарсада айблайди[162]. Уларнинг барчаси ҳанафий мазҳаби вакилларини “Аҳли раъй”, мазкур мазҳабни эса “Раъй мактаби” деб аташдан келиб чиққан:

– “Абу Ҳанифа ҳадисни билмайди. Унинг мазҳаби фақат раъй ва қиёсга (айниқса, истеҳсонга) асосланган”;

– “Абу Ҳанифа ва асҳоблари ҳадисга хилоф равишда раъй ва қиёсни оладилар, ҳадисни эса тарк қиладилар”;

– “Ҳанафий мазҳабини қувватлаш ва масалаларини далиллаш учун келтирган ҳадисларининг ҳаммаси заифдир”.

Мазкур таъналарга ҳанафий мазҳабини ёқлаб чиқувчи тадқиқотчилар қуйидагича жавоб берганлар:

Биринчи жавоб. Абу Муҳаммад Ҳасан Ромаҳурмузийнинг (ваф. 360/970) айтишича, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) яшаган даврларда Куфа шаҳрининг ўзида тўрт минг нафар киши ҳадис илми билан, тўрт юз нафар кимса эса фиқҳ билан машғул бўлган[163]. Ҳеч бир шаҳарда бунчалик кўп ҳадис билан шуғулланган уламоларни учратиш мумкин эмасди.

[161] Абул Муин Насафий. Табсира. Ж–1. – С. 357.

[162] Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий. Фавоид фий улумил фиқҳ // Эълоус сунан. XIX жуз. – Байрут: Дорул фикр, 2001. – Б. 9101–9106.

[163] Қаранг: Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Тақаддума “Насбур-раъя” // Жамолиддин Зайлаъий. Насбур-раъя ли-аҳодисил ҳидоя”. I жилд. – Ҳиндистон, 1357. – Б. 35.

Шундай шаҳарда ўсиб-улғайган фақиҳга нисбатан ҳадис билмайди, дейиш тўғри эмас. Ибн Шоҳин (909–995), Дорақутний (919–995), Абул Муайяд Хоразмий (1197–1257) каби муҳаддислар Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ривоят қилган ҳадислардан иборат муснадни тузган. Шунингдек, Абу Юсуф ва Муҳаммаднинг "ал-Асор" (Асарлар) асарлари, хусусан, ҳанафий мазҳабининг энг эътиборли манбаларидан бири "Ал-Ҳидоя"да келтирилган ҳадисларнинг тахрижларига бағишланган қуйидаги асарларнинг ўзиёқ "Абу Ҳанифа ҳадис билмайди", деган таънанинг нотўғрилигини исботлайди:

Ҳофиз Абдулқодир Қурашийнинг "Ал-Иноя фий тахрижи аҳодисил ҳидоя", Ҳофиз Алоуддин Али ибн Усмон Мординийнинг "Ал-Кифоя фий маърифати аҳодисил ҳидоя", Жамолиддин Абдуллоҳ Зайлаийнинг "Насбур раъя ли аҳодисил ҳидоя", Ҳофиз Қосим ибн Қутлубғо Ҳанафийнинг "Мунийятул алмаий", Муслиҳиддин Мустафо Сурурийнинг "Ат-Танбеҳ ъала аҳодисил ҳидоя" ва Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалонийнинг "Ад-Дироя фий талхиси аҳодисил ҳидоя" асарлари.

Иккинчи жавоб. Мужтаҳид ўлароқ саҳиҳ ҳадисни кўра ва била туриб, унга хилоф равишда фатво бериш айрим ҳолларда ҳадисни ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмаган фикр билан чиройли ва гўзал таъвил қилинганидан келиб чиққан. Гоҳида ҳадиснинг саҳиҳлиги аниқ бўлмагани учун ёки бошқа саҳиҳ ҳадис унга қарши келганида ёхуд ундан кучлироқ бошқа далил чиққани учун ҳам ҳадис тарк этилади. Гоҳо ҳадис саҳиҳ бўлса ҳам, унинг ҳукми бекор (мансух) қилингани равшан бўлиб қолади. Бу нарсалар ижтиҳоддаги ихтилоф бўлиб, унга асло ҳадисга мухолиф бўлди, дейилмайди. Заҳабийнинг (1274–1348) айтишига қараганда, Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (767–820) бундай деган: "Муҳаммад ибн Ҳасаннинг китобларига 60 динор сарфладим. Кейин роса ҳаракат қилиб (тадаббур билан), унинг келтирган ҳар бир масаласи ёнига ҳадис ёзиб чиқдим!"[164].

[164] Заҳабий. Тарихул Ислом // Ал-Мактабат аш-шомила, 2006. 3/406.

Учинчи жавоб. Ҳанафий мазҳаби далиллари заиф ҳадисларга асосланади, дейиш ҳам тўғри эмас. Ҳадисларнинг саҳиҳ ва заифлигини белгилашнинг ўзи ижтиҳодий иш ва муҳаддисларнинг ўз илмига яраша ишлаб чиққан назарияларидир. Бу эса замон ва макон ҳамда шахсларга боғлиқ иш ҳисобланади. Абу Ҳанифа саҳиҳ деб билган ҳадис, бошқалар наздида заиф бўлиши ёки аксинча ҳолатни ҳам кўриш мумкин. Муқаллидларнинг келтирган далиллари, бирон масалага айтган жавоблари мужтаҳиднинг далили ёки жавоби эканини билдирмайди. Шунинг учун мужтаҳиднинг фикри ва ғояси қаердан келиб чиққанини излаш керак бўлади. “Абу Ҳанифа фалон масалада саҳиҳ ҳадисга хилоф фатво берибди”, дейдиганлардан ўша ҳадиснинг саҳиҳ эканини қаердан билгани сўралса, “Фалон муҳаддис саҳиҳ деган”, деб жавоб беришди. Ҳолбуки, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ўзининг гапига далил сифатида “саҳиҳ” деб ривоят қилган ҳадис мавжуд! Шу ерда: “Нима учун Абу Ҳанифага ишонмай, ундан анча кейин ўтган муҳаддисга ишониш керак?! Нима учун Абу Ҳанифа тобеин ва ижтиҳод даврининг олими бўла туриб, ҳадиснинг саҳиҳ ёки заифлиги борасида замондоши ёки ўзидан кейин ўтган кимсага эргашиши керак?! Абу Ҳанифа даврида саҳиҳ бўлган ҳадис кейинги даврда яшаган муҳаддисгача ровийлар сабабидан заиф бўлиб етиб келиши мумкин-ку!” деган савол ўртага ташланган. Ҳанафий мазҳаби масалалари далилларига бағишланган асарлар – Абу Жаъфар Таҳовийнинг (853–933) “Шарҳу маонил асор” (Осарлар маъноларининг шарҳи) ва “Мушкулул асор” (Осорлар мушкули), Ибн Ҳумомнинг (1386–1456) “Фатҳул қадир шарҳул ҳидоя”, Али Қорининг (ваф. 1014/1605) “Шарҳун ниқоя”, Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавийнинг (1892–1975) “Эълоус сунан” (Суннатларни олий қилиш) каби асарлар ҳанафийлик фатволари асло заиф ҳадисларга асосланмаганини исботлайди.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ ФИҚҲИ ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШ

Фиқҳ тарихини ўрганиш, унинг ривожланиш босқичларини кўриб чиқиш, тараққиёт ва таназзул даврларини белгилашда Ислом фиқҳини даврлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотчилар ислом фиқҳи тарихи олти босқичдан иборат, деб белгилаганлар[165].

1. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даври. Ушбу даврдаги фиқҳ иккига – Макка ва Мадина даврига бўлиб ўрганилади.

2. Катта саҳобалар даври. У хулафойи рошидин давридаги фиқҳга оиддир.

3. Кичик саҳобалар ва катта тобеинлар даври. У ҳижратнинг биринчи асри (VII) охиригача давом этади.

4. Фиқҳий мазҳаблар пайдо бўлган ва фиқҳнинг мавзуларга ажратилиб, бир тартибга солинган вақтдаги фиқҳ. Бу II/VIII асрнинг бошланишидан IV/X аср ўрталаригача давом этган. Бунинг аввали 120/737 йилларда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фатво бериш ва дарс бериш даврига тўғри келади. Охирини эса IV/X аср деб белгиланиши Аббосийлар даврининг заифлашиш вақтига тўғри келади. Бу фиқҳ авжига чиққан вақт, Ислом фиқҳининг асослари шаклланиб улгурган давр.

5. Мазҳаблар далилланиши, таржиҳ масалалари ишлаб чиқилган давр. Буни баъзилар мазҳабларга таассуб қилиш даври, ҳам дейдилар. Бу давр IV/X аср ўрталаридан то VII/XIII аср ўрталаригача, аниқроғи, аббосийлар (749–1258) халифалиги қулаган 656/1258 йилгача бўлган. Бу ҳар бир мазҳаб ўз тахриж, таржиҳ усулларини ишлаб чиққан, ҳар бир мазҳабнинг ўз уламолари шаклланиб, мазҳабнинг ҳамма жиҳатлари тўла намоён бўлган даврдир. Мазҳабий таассублар кучлилигидан қиёсий мазҳабшунослик шаклланган, тез-тез мазҳабларо мунозаралар бўлиб турган.

[165] Аҳмад Саид Ҳавво. Ал-Мадхал ала мазҳабил Имом Аби Ҳанифата ан-Нўъмон. – Жидда: Дорул андалус ал-хазро, 2002. – Б. 101–105.

6. Тақлид даври. VII/XIII аср ўрталаридан бугунги кунларгача бўлган давр. Барча мазҳаблар доирасида сусайиш ва пасайишлар кузатилади. Бу даврнинг аввали турғунлик бўлса, охири музлаш билан тугайди. Шу билан бирга, кўп уламолар етишиб чиққан, кўплаб фатво тўпламлари ёзилган.

Мустафо Зарқо еттинчи даврни ҳам қўшган бўлиб, у Усмонийлар (1281–1924) даврида 1869–1876 йиллар давомида уламолар ҳайъати томонидан яратилган "Мажаллатул аҳком ал-адлийя"дан кейинги фиқҳнинг давлат қонунчиликларида қўлланилиш вақти, деб белгилаган. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний эса Ислом фиқҳи тарихини олти даврга бўлиб, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), саҳобалар, тобеинлар, мужтаҳидлар, мухаррижлар ва муқаллидлар даврларига ажратган[166]. Баъзилар тақлид даврини ҳадис асри тугаган IV/X аср ўрталаридан бошлашни маъқул кўрадилар[167].

Манноул Қаттон эса мана шу даврлаштиришни аббосийлар (749–1258) халифалиги қулаган вақт 656/1258 йилдан бугунги кунгача бўлган давр, дея бешга тақсим қилади. У яна ислом фиқҳини алоҳида беш даврга бўлади. Унинг фикрича, фиқҳ тарихи Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва хулафойи рошидинлар, ислом фиқҳининг таъсис этилиши ва умавийлар, фиқҳнинг мазҳабларга бўлиниб, қарор топиши даври, ижтиҳод эшиклари ёпилган тақлид даври ва ижтиҳод эшикларини очиш учун уринишлар бўлган фиқҳий уйғониш даврига бўлинади[168].

Хайриддин Караман эса Ислом фиқҳи тарихини Пайғамбар (с.а.в.), саҳобалар, умавийлар (661–750), аббосийлар (749–1258), тўрт мазҳаб ва, умуман, мазҳаблар шаклланган давр, салжуқийлар (1038–1194), мўғул босқинидан "Мажаллатул аҳкомил адлийя"гача ва ундан кейинги даврларга бўлиб кўриб чиққан[169]. Бу ислом фиқҳи

[166] Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: "Тошкент ислом университети", 2002. – Б. 55.

[167] Мустафо Саид Ханн. Диросат таърихийя лил фиқҳ ва усулиҳи. – Дамашқ: Аш-Ширкат ал-муттаҳида лит тавзиъ, 1984. – Б. 113.

[168] Маттоъ Қаттон. Таърих ат-ташриъ ал-исломий. Ат-Ташриъ ва-л-фиқҳ. – Риёз: Мактабатул маориф, 1996. – Б. 23–24.

[169] Hayriddin Karaman. Baslangictan zamanimiza kadar Islam Hukuki tarihi. – Istanbul, 2004. – 383 s.

тарихини сиёсий-ижтимоий тарихга кўра даврлаштириш экани ўз-ўзидан маълум.

Ислом фиқҳи тадқиқотчиларидан Мустафо Зарқо ўзининг “ал-Мадхалул фиқҳил омм” (“Умумуий фиқҳга кириш”) асарида ислом фиқҳини қуйидагича бўлиб ўрганган[170]:

1) пайғамбар асри;

2) саҳобалар даври;

3) биринчи ҳижрий асрнинг ўрталаридан иккинчи аср бошларигача (50–100/670–719). Бу даврда фиқҳ илми расман бошқа илмлардан ажралиб чиқиб, фиқҳий мактаб ва мазҳаблар юзага кела бошлади;

4) иккинчи ҳижрий аср бошидан тўртинчи аср ўрталарига-ча (101–350/720–962). Бу даврда мазҳаблар юзага келиб, тўртта йирик фиқҳий йўналишда илмий фаолият олиб борилди;

5) тўртинчи ҳижрий аср ўрталаридан еттинчи аср ўрталари-гача (351–650/963–1253). Бу даврда тўртта мазҳаб доирасида жуда кенг миқёсда илмий ишлар амалга оширилди, етук фақиҳлар етишиб чиқди;

6) еттинчи ҳижрий аср ўрталаридан “мажалла” тузилгунга қадар (651–1286/1254–1870). Фиқҳий сўниш юзага келган, мазҳаб доирасидагина изланишлар бўлган;

7) мажалладан то иккинчи жаҳон урушигача (1287–1359/1871–1941). Фиқҳий масалалар замонавий қонунчилик кўринишида ўз фаолиятини бошлаган. Ўзига хос фуқаролик, жиноят кодекслари ишлаб чиқилган;

8) Иккинчи жаҳон урушидан то бугунги кунгача. Сиёсий жиҳатдан фиқҳга кучли эҳтиёж туғилган, исломий давлатлар ўз қонунчиликларини фиқҳ асосида шакллантирган давр. Замонавий илм-фан, шақршунослик ва исломшуносликда фиқҳ тарихи ва назариялари кўриб чиқилган.

Булар умумий Ислом фиқҳи бўйича даврлаштиришлар бўлиб, мазҳабларнинг ўз ривожланиш тарихи, ўзига хос хусусиятлари, сиёсий-ижтимоий ва маданий таъсирларидан келиб

[170] Мустафо Аҳмад Зарқо. Ал-Мадхал ал-фиқҳий ал-ом. 1 жуз. – Дамашқ: Дорул қалам, 1998. – Б. 165-256.

чиқиб ўзгариши мумкин. Тадқиқотчилардан Иброҳим Муҳаммад “Ал-Мазҳаб инд Ҳанафийя” (Ҳанафийларда мазҳаб) асарида мазҳаб тарихини 3 га ажратиб кўрсатган:

– пайдо бўлиш ва юзага келиш даври. Унда мазҳаб муассиси ва яқин шогирдлари томонидан мазҳаб таъсис қилинган, унинг қоидалари, фиқҳий асослари ишлаб чиқилган. Бу давр Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фатво бериш ва шогирд тайёрлаш давридан бошлаб тўрт нафар шогирднинг охиргиси – Ҳасан ибн Зиёд вафот этган 204/809 йилгача давом этган;

– кенгайиш, ўсиш ва тарқалиш даври. Ҳасан ибн Зиёд вафотидан Ҳофизиддин Абул Баракот Насафий (1232–1310) вафотигача давом этади;

– қарор топиш даври. Бу Абул Баракот Насафий вафотидан то бугунги кунимизгача бўлган давр ҳисобланади.

Аҳмад Саид Ҳавво ушбу таснифдаги иккинчи босқични тақлид ва турғунлик даври, деб номлайди ҳамда мазкур таснифга қаноатланмасдан, ҳанафий мазҳаб фиқҳини унда ёзилган китобларига қараб олти босқичга бўлиб ўрганишни таклиф қилади[171]:

– Мазҳаб пайдо бўлиш ва ҳанафий мазҳаб фиқҳининг тартибга келиш даври. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шогирдлари давридан III/IX аср охиригача давом этади. Бу даврда ҳанафий мазҳаби фиқҳидаги айрим мавзулар ва усулул фиқҳ масалаларининг баъзи томонлари ишлаб чиқилган. Кейинчалик ҳанафийлик мазҳабига асос бўлган муҳим асарлар ёзилган.

– IV/X асрдан бошланиб бир аср давом этган давр. Унда ишончли фиқҳий манбалар – Абу Жаъфар Таҳовийнинг (853–933) “ал-Мухтасар”, Ҳоким Шаҳиднинг (ваф.334/945) “Ал-Кофий” (Кифоя қилувчи), Абу Лайс Самарқандийнинг (ваф. 393/1003) “Хизонатул фиқҳ” (Фиқҳ хазинаси) каби асарлар ёзилган. Бу даврда мазҳаб фиқҳини далиллашга қаратилган манбалар ҳам битила бошлаган. Таҳовийнинг “Шарҳи

[171] Аҳмад Саид Ҳавво. Ал-Мадхал ала мазҳаб ал-Имом Аби Ҳанифата ан-Нўъмон. – Жидда: Дорул андалусил хазро, 2002. – Б. 104–109.

маонил асор”, “Мушкулул асор” номли асарлари шулар жумласидандир. Бу даврда ҳанафий мазҳаб тарихида икки фиққий мактаб – Бағдод ва Самарқанд (аниқроғи, Мовароуннаҳр) фиқҳ мактаби вужудга келган. Яна мазкур даврда фатово ва навозил масалалари тўпланган;

– V/XI аср бошидан VII/XIII аср ўрталаригача бўлган давр. Фиққий шарҳлар, ҳажми катта асарлар битилган. “Ал-Мабсут” (Кенгайтирилган), “Ал-Муҳит” (Уммон), “Бадойеъ ас-санойеъ” (Бадиий санъатлар) каби асарларда масалалар тартибга солинган, далиллари тўла ишлаб чиқилган. Бу даврда мухтасар фиққий матн китоблари ҳам яратилди. Қудурийнинг (972–1037) “Мухтасарул қудурий”, Алоуддин Самарқандийнинг (ваф. 539/1145) “Туҳфатул фуқаҳо” (Фақиҳлар туҳфаси), Бурҳониддин Марғинонийнинг (1123–1197) “Бидоятул мубтадий” (Бошловчининг бошлаши) ва унинг шарҳи “Ал-Ҳидоя” каби асарлар шулар жумласидандир. Бу даврда фатво тўпламларини тайёрлаш кенг тус олди;

– VII/XIII асрдан бошлаб X/XVI аср ўрталаригача бўлган давр. Ҳанафий мазҳаби фиққнавислигида янги давр бўлиб кўзга ташланади. Ишончли матн китобларини ёзиш кенгайди. “Ал-Мухтор” (Ихтиёр қилинган), “ал-Виқоя” (Сақловчи), “Мажмаул баҳрайн” (Икки денгиз қўшилуви), “Канзуд дақоиқ” (Дақиқ илмлар хазинаси) каби асарлар ва шундай матн китобларини шарҳлаш, ҳошиялар, таълиқотлар ёзиш оммавий тус олди. Усулул фиққда ҳам янгича йўналиш – ҳанафийлик билан шофиъийликнинг орасини яқинлаштириш, қиёсий мазҳабшуносликка тегишли асарлар вужудга келди. Шундай асарлардан биринчиси Ибн Саотийнинг (ваф. 694/1294) “Бадиун низом” (Тартибли гўзаллик) асаридир. Бу даврда мазҳаб далилларини мустаҳкамлаш борасида ҳам янги асарлар яратилди. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг муснадлари, Зайлаийнинг (ваф. 743/1343) “Насбур раъя” (Байроқ ўрнатиш) каби асарлари шулар жумласидандир.

– X/XVI аср ўрталаридан XIII/XIX аср охиригача бўлган давр. Янгича фиққий матн китоблари ёзилган. Ҳалабийнинг

(ваф. 956/1594) “Мултақил абҳур” (Денгизлар учрашуви), Темуртошийнинг (ваф. 1004/1595) “Танвирул абсор” (Кўзларни нурлантириш), Шурунбулолийнинг (ваф. 1069/1659) “Нурул ийзоҳ” (Изоҳ нури) каби асарлар яратилган. Бу даврда кенг ва катта ҳажмли шарҳлар, жумладан, “Раддул муҳтор” (Ҳайратланарли раддия) каби асарлар яратилди. Уларда масалалар таҳқиқ этилган, янгича фикрлар билдирилган. Яна “Фатовойи Оламгирийя” каби ишончли фатво тўпламлари жамланган.

– XIII/XIX аср охиридан бугунги кунимизгача. Бу “Мажаллатул аҳкомил адлийя” (Адлия ҳукмлари мажалласи) тартибга солинганидан бошланган. Бу мажаллада сиёсий жиҳатдан муомала ва қозилик ишларида фиқҳни замонавий қонунчиликка мослаштиришга уринилади. Унда ибодат, вақф ва шахсий ҳолатлар қамраб олинмаган эди. Кейинчалик иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланиши натижасида ҳанафий мазҳаби фиқҳида ҳам расмий, қонуний жиҳатлар ишлаб чиқилди. Буни Фиқҳ академиялари, фиқҳни амалиёт билан боғлаш борасида ўтказилаётган фиқҳий анжуманларни ташкил этилганидан ҳам билса бўлади.

Мовароуннаҳр фиқҳ тарихини айрим олимлар уч асосий даврга бўладилар: 1) классик давр (VIII XIV асрлар); 2) постклассик давр (XV–XVI асрлар); 3) инқироз даври (XVII XIX асрлар). Лекин кейинги давр тадқиқотлари даврлаштиришни қуйидагича белгилаганлар: 1) шаклланиш даври (VIII асрнинг иккинчи ярми – IX); 2) ўтиш даври (X аср); 3) классик давр XI XII асрлар); постклассик давр (XIII XIV асрлар); Усмонийлар салтанати даври (XV–XX асрнинг боши). Мазкур даврлаштиришда охирги босқични айнан Ўрта Осиё ҳанафийлигида “хонликлар даври” деб белгилаш мумкин. А.Мўминов XIV асргача бўлган Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳаб фиқҳи тарихини тўрт даврга бўлиб ўрганишни таклиф қилади[172]:

1) шаклланиш ва ривожланиш даври (VIII аср охири – X аср);

2) классик давр (XI XII асрлар);

[172] Мўминов А. «Мовароуннаҳр» ҳанафий фиқҳи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – № 1. – Тошкент, 2001. – Б. 89–90.

3) постклассик давр (XIII аср боши – 1270 йиллар);
4) парокандалик даври (XIII аср охири – XIV аср).

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ ФИҚҲИНИНГ ҚИСМЛАРИ ВА ЁРДАМЧИ СОҲАЛАРИ

“Фиқҳ” сўзи луғатда “фаҳмламоқ”, “англамоқ” ва “тушунмоқ” каби маъноларда бўлиб, у оддий “фаҳмлаш” эмас, балки диққат билан чуқур англаб олиш, мукаммал ва муфассал тушунишдир. Шундай қилиб, “фақиҳ”, яъни фиқҳ олими шариат ҳумларини билиши, ёд олиши билан бирга, уларнинг барча сабаб ва ҳикматларини чуқур биладиган ҳамда шариат асосчисининг мақсадларини англаган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам шариат ҳукмларини содда услубда билган киши олим дейилса ҳам, фақиҳ ҳисобланмайди[173].

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг таърифига кўра фиқҳ: “Маърифатун нафс ма лаҳа ва ма алайҳа”дир. Яъни, фиқҳ ҳар бир кишининг (албатта, оқилу болиғ мусулмоннинг) ўз фойдасига ва зарарига бўлган нарсаларни (албатта шаръий ҳукмлардан) билиб олишидир. Муҳаммад ибн Идрис Шофиъийнинг (767–820) таърифига кўра эса “Ал-Илм бил аҳкомиш шаръийил амалийя мин адиллатиҳат тафсилийя” (“Тафсилий далиллардан амалий шаръий ҳукмларни билиш”) фиқҳ ҳисобланади[174].

“Мажаллатул аҳкомил адлийя”нинг биринчи моддаси фиқҳ таърифидан иборат бўлиб, унда фиққа: “Амалий шаръий ҳукмларни далиллари билан билиш” деб таъриф берилган. Бу ерда “аҳком”дан мурод шариатда буюрилган ёки қайтарилган нарсалар тушунилади, “амалий”дан эса эътиқодий ҳукмлар чиқиб кетиши билинади. Зотан, эътиқодий ҳукмлар бошқа илмнинг – калом илмининг мавзусидир. Мана шуни эътиборга олиб, Мустафо Зарқо фиқҳ учун: “Исломдаги шаръий амалий ҳукмлар мажмуаси”, деган умумий таърифни маъқул кўради[175].

[173] Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2002. – Б. 51.
[174] Саъдиддин Тафтазоний. Ат-Талвиҳ. – Қозон, 1910. – Б. 14–17.
[175] Мустафо Аҳмад Зарқо. Ал-Мадхал ал-фиқҳий ал-омм. I жилд. – Дамашқ: “Дорул қалам”, 1998. – Б. 66.

Ислом фиқҳи икки йирик тармоққа (икки қисмга) бўлинади. Улар **усулул фиқҳ** ва **фуруул фиқҳ** деб аталади.

1. Усулул фиқҳ – фиқҳ асослари. Шариатнинг асосий манбаларидан шаръий ҳукмларни ишлаб чиқишнинг қоидаларини ўрганадиган фанга "усулул фиқҳ" дейилади. Саййид Шариф Журжоний (1340–1414) "Таърифот" (Таърифлар) асарида келтирган усулул фиқҳ борасидаги таърифи ўта содда: "У фиқҳга етказадиган қоидаларни билишдир"[176]. Унинг мавзуси шаръий далиллар бўлиб, улардан қай тариқа амалий ҳукмларни чиқариш мумкинлиги тадқиқ ва таҳлил этилади. Мазкур фан соҳаси тилшунослик, калом, тафсир, ҳадис ва бошқа ақлий илмлар (жумладан, мантиқ, фалсафа, тарих, сиёсат ва жамиятшунослик)га мустаҳкам боғланган. Унинг мақсади мутахассисларда тўртта асосий исломий манбалар – Қуръони карим, суннат, ижмо ва қиёсдан шаръий ҳукмларни ишлаб чиқиш малакасини ҳосил қилишдир[177]. Ушбу тўрт асосий манбага ҳар бир мазҳаб ўзига хос қўшимча манбалар қўшганлар. Ибн Надим ўзининг "Ал-Фиҳрист" (Мундарижа) асарида хабар беришича, усулул фиқҳ борасида илк асар битган шахс Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ)дир[178]. Афсуски, у зотнинг бу борадаги асари бундан анча асрлар олдин йўқ бўлиб кетган. Бизгача етиб келган усулул фиқҳга оид асарга асосланиб, унинг илк таснифчиси сифатида Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (767–820) эътироф қилинади. Усулул фиқҳ соҳасида ҳанафий мазҳабида 50 ка яқин асарлар ҳамда 100 дан ортиқ шарҳ ва ҳошиялар битилгани маълум.

2. Фуруул фиқҳ – фиқҳ шохобчалари. Ҳар бир мазҳабнинг ўз усулул фиқҳида белгилаб берилган қоидаларига кўра ишлаб чиқилган амалий ҳукмлар мажмуаси фуруул фиқҳ дейилади. Унда мужтаҳидлар, тахриж асҳоблари шаръий далил ва мазҳаб масдар (манба)ларидан ҳукмлар ишлаб чиқарган бўлади; ҳукмлар мажмуалари, фатво тўпламлари йиғила-

[176] Саййид Шариф Журжоний. Китобут таърифот. – Истанбул: "Ҳусайния", 1300. – Б. 18.

[177] Ал-Мавсуъат ал-фиқҳийя. Ишроф Икола. V жилд. – ал-Кувайт: "Вазоратул авқоф ваш шуунил исломийя", 1406/1986. – Б. 61.

[178] Абул Фараж Муҳаммад ибн Надим. Китобул фиҳрист лин Надим / Таҳқиқ: Ризо Тажаддуд. I жуз. – Миср, 1971. – Б. 256.

ди ва ўрганувчиларга осонлаштириш мақсадида матнлар тузилади; ишлаб чиқилган ҳукмларнинг асослилиги, халқчиллиги, замон ва макон нуқтаи назаридан фойдалилиги таҳлил этилади; бошқа мазҳаблар билан қиёсий ўрганилади; янги ҳодисаларга замонавий фатволар изланади ва ҳоказо.

Ислом фиқҳи ўз ривожланиш йўлида бир қанча қўшимча соҳалар юзага келишига сабаб бўлган. Фиқҳнинг усул ва фуру қисми муфассал ва мукаммал бўлиши учун бир неча қўшимча соҳаларга суяниб келган. Уларни қуйидаги турларга бўлиб кўрсатиш мумкин:

Аҳком илми – фиқҳий масалаларнинг далилларини кўрсатиш ва ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш билан шуғулланадиган фан соҳаси бўлиб, мазҳаб соҳибларининг ҳар бир фиқҳий қарашига оят ёки ҳадисдан далил келтириш, фақиҳ фатвосини исботлаш билан шуғулланади. Бу соҳада яратилган манбалар мазҳаб қарашларини оят ва ҳадис билан исботлашни мақсад қилган бўлади. Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбонийнинг “Ал-Асор” (Асарлар) номли китоблари шу хилдаги манбаларнинг биринчисидир. Кейинчалик Абу Жаъфар Таҳовийнинг (853–933) “Шарҳу маонил асор” (Асарлар маъноларини шарҳлаш) ҳамда “Мушкулул асор” (Асарларнинг мушкул ўринлари) номли китоблари, Абдуллоҳ Субазмунийнинг (872–952) “Кашфул асор” (Асарлар кашфи) асари, шунингдек, Шамсиддин Дийрийнинг “ал-Масоил ашшарифа фий адиллати мазҳаб Имом Аби Ҳанифа” (Имом Абу Ҳанифа мазҳаби далилларидаги шарофатли масалалар), Али Қорий (ваф. 1014/1605) қаламига мансуб “Шарҳу мухтасарил виқоя (Шарҳун ниқоя)”, Абдулҳақк Деҳлавийнинг (1552–1642) “ат-Тибён фий адиллати мазҳаби Имом Аби Ҳанифа ан-Нўъмон” (Имом Абу Ҳанифа Нўъмон мазҳабининг далиллари ҳақида баён этиш), Муҳаммад Муртазо Забидийнинг (ваф. 1205/1790) “Уқудул жавоҳирил мунифа” (Юксак жавоҳирлар маржони), Заҳир Аҳсан Нимавий (тахминан 1861–1930) қаламига мансуб “Асорус сунан” (Суннатларнинг асарлари), Ашраф Али Таҳонавий (1863–1943) қаламига мансуб “Эҳёус сунан” (Суннатларни ти-

рилтириш) ҳамда “Жомеул асор” (Асарлар тўплами), Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий (1892–1975) қаламига мансуб йигирма икки жилдли “Эълоус сунан” (Суннатларни олий қилиш) номли китоблар мазкур соҳадаги эътиборли манбалар бўлиб қолди.

Хилоф илми – қиёсий ҳуқуқшунослик (мазҳабшунослик) бўлиб, ҳозирда кўпроқ **фиқҳи муқорин** деб аталмоқда. У шариат манбаларидан чиқариб олинган ҳукмни мухолифлар ҳужумидан сақлаш мақсадида шаръий далиллардан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб берувчи фан. У усулул фиқҳнинг энг асосий шўъбаларидан бири ҳисобланади. Хилоф олими мунозарали мавзу бўйича мухолиф томоннинг барча далил ва ҳужжатларини эшитгандан кейин масалаларни қиёсий услубда ўрганади. Унинг далилларини асосий усул қоидаларига таянган ҳолда текширгандан сўнг, уларнинг асоссизлигини кўрсатиб бериб, ўз мазҳабида чиқарилган ҳукмнинг тўғрилигини исботлайди. Айни пайтда ўз мазҳабига қаратилган шак-шубҳани талқин этади[179]. Ушбу фан соҳаси кўпроқ назарий аҳамиятга эга бўлгани боис **назар илми** деб ҳам аталади. Хилоф илмининг асосчиси сифатида Абу Зайд Дабусий Бухорий (978–1039) тан олинган. Абу Зайд Дабусийнинг “Таъсисун назар” (Қарашларни асослаш) ва “Тақвимул адилла” (Далилларни баҳолаш) асарлари, шунингдек, Абу Лайс Самарқандийнинг (ваф. 393/1003) “Мухталафур ривоя” (Ривоят ихтилофи) асари, Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) қаламига мансуб 2669 байтдан иборат “Манзума фил хилоф” (Хилоф ҳақида манзума) асари ва унга ёзилган шарҳлар, Разийюддин Сарахсийга (ваф. 571/1175) тегишли “Ат-Тариқатур ризавия” (Рози бўладиган йўл) асар ва унинг шарҳлари ҳамда Абул Маҳомид Ҳасирий Бухорий (1151–1238) қаламига мансуб “Ат-Тариқатул ҳасирийя фий илмил хилоф байнаш Шофиъия вал ҳанафийя” (Шофиъий ва ҳанафийлар орасидаги хилоф илмига ба-

[179] Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Абу Зайд Дабусий – илм ул-хилоф (қиёсий ҳуқуқшунослик) фанининг асосчиси // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти, 3/2003. – Б. 9.

ғишланган Ҳасирийнинг услуби) каби асарлар хилоф илми бўйича ҳанафийликда эътироф қилинган манбалардир.

Жадал илми – мунозара услубларини ўрганадиган фан бўлиб, фақиҳлар ва турли мазҳаблар тарафдорлари орасида юз бериб турадиган мунозараларнинг одоб ва қоидаларини кўрсатиб беради. Жадал илми фиқҳ учун зарур бўлиб, айрим масалаларнинг қабул қилиниши ёки рад этилиши ёхуд шубҳа остига олиниши жадал ва мунозара орқали юз беради[180]. Шу боисдан бу илмни **мунозара илми** деб ҳам аталади. Ҳанафий мазҳабида жадал илмига асос солган фақиҳ "Усулул паздавий" асарининг муаллифи Фахрул ислом Паздавий (1009–1089) ҳамда "Ал-Иршод" (Йўлланма) соҳиби Рукниддин Омидий (ваф. 615/1218) ҳисобланадилар. Жадал илми бўйича ҳанафий мазҳабида Абу Мансур Мотуридийнинг (ваф.333/944) "Китобул жадал", Абу Ҳафс Насафийнинг (1068–1142) "Ал-Фусул" (Фасллар) китоблари эътиборли манбалар бўлиб келган.

Шурут илми – ҳуқуқий шартномалар ва уларни тузишни ўргатадиган фан соҳаси. Шартномаларни қонуний расмийлаштириш бўйича ишлаб чиқилган, аниқ бир ўзгармас низомга солинган қоидалар мажмуаси "шурут" бўлиб, бу кенг маънода фиқҳда келтириладиган барча турдаги ақдлар, келишувлар, васиқалар, вақф ва бошқа турдаги қози ҳужжатларини расмийлаштириш қонун-қоидаларидир. Шурут илми таркибига кўпроқ амалий аҳамиятга эга бўлган **маҳзар ва сижилл** (кўплиги **"маҳозир ва сижиллот"**) – баённома, қайд ва рўйхат, реестр, архив ҳужжатларини тузиш ҳақидаги фан ҳам кириб кетади. Усмонийлар (1281–1924) даврида мазкур соҳани умумий ном остида **илмус сукук** ҳам дейилган.

Шурут илми атама ва назария сифатида илк бор Муҳаммад Шайбонийнинг "ас-Сияр ал-кабир" асарида тилга олинган. Ҳанафий мазҳабидаги шурут илмига оид энг йирик ва эътиборли асар Абу Жаъфар Таҳовий (853–933) қаламига мансуб бўлиб, унинг икки асари – "ал-Жомеъ ал-кабир фиш

[180] Саййид Шариф Журжоний. Китобут таърифот. – Истанбул: "Ҳусайния", 1300. – Б. 51.

шурут” (Шурут ҳақида катта тўплам) ва “ал-Жомеъ ас-сағир фиш шурут” (Шурут ҳақида кичик тўплам) ушбу мавзуга бағишланган. Бундан ташқари, ҳанафий мазҳабида Хассоф (757–875) ёзган “Китобуш шурут ал-кабир” (Шурут ҳақида катта китоб) ҳамда “Китобуш шурутис сағир” (Шурут ҳақида кичик китоб), Абу Наср Самарқандий (ваф. 550/1155) қаламига мансуб “Китобуш шурут валвасоиқ” (Васиқалар ва шартномалар китоби) номли асарларни кўрсатиш мумкин.

Фароиз илми – мерос тақсимотига, мерос ҳуқуқига бағишланган фиқҳнинг алоҳида йўналиши бўлиб, унда вафот этган кимсанинг мол-мулкини меросхўрларга оят, ҳадис ва фуруий фиқҳга асосланган ҳолда шаръий йўл билан тақсимлашнинг назарий ва амалий томонлари ўрганилади. Меросни тўғри тақсимлаш фарз бўлгани учун у шундай ном билан аталган. Бу фанни ўрганишга кўпроқ тарғиб қилингани боис “Илмнинг ярми” дея мадҳ этилган. Унинг мукаммаллиги риёзиёт билан боғлиқ бўлгани учун арифметика ва алгебра фанларини ҳам яхши ўзлаштириш талаб этилади. Шунга кўра, алгебра фанининг отаси Муҳаммад Хоразмий (783–850) қаламига мансуб машҳур “Ал-Жабр вал муқобала” асарининг асосий қисми фароиз илмига бағишланган эди.

Абу Жаъфар Таҳовийнинг (853–933) фароизга бағишланган алоҳида асаридан кейин Нажмиддин Зоҳидий (ваф. 658/1260), Ибн Туркмоний (1282–1344), Заҳириддин Темуртоший (ваф. 1004/1596), Муҳаммад Биркилий (1523–1573) кабиларнинг китоб ва рисолалари шуҳрат қозонди. Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197) қаламига мансуб дейиладиган “Фароизи Усмонийя”, Маҳмуд Замахшарий (1075–1144) қаламига мансуб “Ар-Роиз фил фароиз” (Фароиз илмида машқ қилдирувчи) асарлари ҳам шу жумладандир. Булар орасида Абу Тоҳир Сирожиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сижовандий (XIII аср) ёзган “Ал-Фароиз ас-сирожийя” асари ўрта асрларда жуда машҳур бўлган ва мадрасаларда асосий дарсликлардан бири ҳисобланган. Унинг ўнга яқин шарҳлари бўлса-да, Саййид Шариф Журжонийнинг (1340–1414) “Шарифийя” номли шарҳи кўпроқ шуҳрат қо-

зонган. Мазкур шарҳга ҳам ўндан ортиқ ҳошиялар битилган. Улардан Шамсиддин Маҳмуд Бухорий Калобозий (ваф. 700/1300) битган “Завъус сирож” (Чироқ зиёси) номли ҳошияси машҳурдир.

Шунингдек, фароиз илми мавзуси китоб (боб) ҳолида фатоволар (масалан, “Фатовойи Оламгирийя”) ва фиқҳий матнлар (масалан, “Канзуд дақоиқ”) таркибига ҳам киритилган.

Адабул қазо – ҳукм юритиш одоблари мавзусига бағишланган соҳа бўлиб, унда қози қандай бўлиши, ўзини қанақа тутиши кераклиги, ҳукмни қандай юритиши, бошқа қозилар ва аҳоли билан муомаласи, қозихонанинг қаерда бўлиши, қандай бўлиши, қози ва қозихона ишчилари фаолияти каби масалалар таҳлил этилади. Бу борадаги илк асарни Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) таълиф қилган бўлиб, “Адабул Қози” деб аталган. Уни Бишр ибн Валид Марисий (ваф. 218/833) ҳамда Муҳаммад ибн Симоа (747–847) каби шогирдлари ёзиб олиб, ривоят қилганлар. Шундан сўнг бу соҳадаги Абу Ҳозим Абдулҳамид ибн Абдулазиз Ҳанафий (ваф. 292/905) асари пайдо бўлди, кейинчалик эса Хассоф (797–875), Жассос (918–980), Ҳиндувоний (ваф. 362/973), Қудурий (972–1037), Шайхул ислом Сўғдий (ваф. 461/1069), Шамсул аимма Ҳаловоний (ваф.456/1063) ва Сарахсий (1009–1090), Ҳусомуш шаҳид (1090–1151), Хоҳарзода (ваф.483/1090), Қозихон (ваф. 592/1195) каби ҳанафий олимларининг асар ва шарҳлари шуҳрат қозонган.

Шунингдек, ҳанафий мазҳаб фиқҳида “Адабул қазо” йўналишида яратилган иккита фиқҳий манба – Бурҳониддин Марғинонийнинг невараси Абул Фатҳ Имодиддин Абдурраҳим ибн Абу Бакр (XIII аср) қаламига мансуб 651/1254 йили ёзилган “Фусули имодий”, яъни “Фусулул аҳком ли усулил аҳком” (Ҳукмларнинг асослари учун ҳукмларни ажратиш) ҳамда Алоуддин Абул Ҳасан Али ибн Халил Тароблусий (ваф. 844/1440) қаламига мансуб “Муинул ҳукком”, тўлиқ номи “Муинул ҳукком фий мо ятараддаду байнал хасмайн минал аҳком” (Икки даъвогар орасида ҳукмлардан тараддудланган нарсалари борасида ҳокимларга ёрдамчи) асарлари алоҳида эътиборга лойиқ.

“Адабул қазо” соҳасига муфтийларнинг фатво бериш одоблари, фатвонавислик қоидалари, сўровчиларнинг одоблари борасида битилган “Одобул муфтий вал мустафтий” (Фатво берувчи ва фатво сўровчининг одоби), “Табсиратул муфтий” (Муфтийга кўрсатма) каби асарларни ҳам киритиш мумкин.

Ҳиял илми – шаръий тақиқланмаган, балки шариатга мувофиқ бўлган барча тадбирлар, воситалар, йўл-йўриқлардан ҳалол мақсадларга эришиш учун ишлаб чиқилган ҳийлалардан (**“ҳийлаи шаръия”**) фойдаланишнинг назарий томонларини ўрганадиган фиқҳга тегишли соҳа. У ҳанафий мазҳабига кўра ҳам ҳаромни ҳалол қиладиган ёки аксинча бўладиган ҳолатларда умуман дуруст эмас. Ҳийлаи шаръия шариат ҳукмларини суиистеъмол қилишдан чиқиб кетиш йўлларини ўргатадиган соҳа бўлгани учун унга **“ал-махориж”** (чиқиш ўринлари) деган ном ҳам берилган. Шаръий ҳийлаларни илк бор Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф тўплагани ҳақида гап бор бўлса-да, уни тадқиқотчи Абу Заҳра мутлақо инкор қилади.

Муҳаммад Шайбонийдан “ал-Ҳиял вал махориж” (Ҳийлалар ва чиқиш ўринлари) номли асарни унинг шогирди Абу Ҳафс Кабир Бухорий (767–831) ривоят қилган бўлиб, Ҳоким Шаҳид Марвазий (ваф. 334/945) унинг мухтасар шаклини ёзган. Шаръий ҳийлаларга бағишланган мазкур мухтасарни Шамсул аимма Сарахсий (1009–1090) шарҳлаган. Муҳаммад Шайбонийнинг мазкур асарини Ж.Шахт 1930 йилда Лейпцигда нашр эттирган. Шаръий ҳийлаларга бағишланган асарларнинг энг йириги икки жилдли Хассофнинг (797–875) асари ҳисобланади.

Сирожиддин Ўшийнинг (ваф. 575/1179) “Фатовойи Сирожийя”, Ибн Нужаймнинг (1519–1563) “Ал-Ашбоҳ ван назоир” (Назиралар ва ўхшашликлар) ёки “Фатовойи Оламгирийя” каби асарларда ҳийлаи шаръияга алоҳида боблар ажратилган.

Сияр илми – халқаро исломий ҳуқуққа бағишланган фан соҳаси. У оят, ҳадис, уламолар фатвосига ҳамда ахлоқ ва

ақидага асосланган боис бу орада ҳар бир мазҳабнинг ўзига хос қараш ва фикрлари бўлиши тайин. Шунинг учун ҳанафий мазҳабида ҳам бу соҳа анча ривожланган эди. Сияр илмида мусулмон давлатлари билан бошқа давлатлар ўртасидаги муносабатлар, тинчлик ва уруш масалалари, мусулмон жамиятининг бошқа дин вакиллари билан муносабатлари, мусулмонларнинг миллий, урфий, илмий савияларидан келиб чиқиб, уларнинг ҳуқуқий ҳолатлари кабилар ўрганилади.

Ҳанафий мазҳабида сияр илмига бағишланган илк фиқҳий манба Муҳаммад Шайбонийнинг катта-кичик "Ас-Сияр" асарларидир. Шамсул аимма Сарахсий (1009–1090) Имом Муҳаммаднинг "Ас-Сиярул кабир" асарига муфассал шарҳ битган. Сияр илмига бағишланган боблар ҳар бир эътиборли фиқҳий манбаларга киритилган бўлиб, баъзиларида бу мавзу "Жиҳод китоби" деб аталган.

Ислом тарихида "сияр" атамаси Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва саҳоба ҳамда тобеинларнинг жангу жадаллари, юришлари, аниқроғи, ҳаётлари фаолиятига бағишланган асарларга нисбатан ҳам ишлатилади.

Эҳтисоб илми – давлат бошқаруви сиёсатини юритиш, шаҳар маданияти, аҳоли барча қатламларининг ўз вазифаларини тўғри ва қонуний адо этиши, давлат бошлиқларининг сиёсатни қандай олиб боришлари, фуқароларнинг шаръий амалларни бажаришларининг назорати – муҳтасиблик, назоратчилик кабиларни таҳқиқ қилувчи фиқҳнинг бир соҳаси. Шунинг учун у умумий маънода **аҳкоми султония** деб ҳам номланади. Ҳозирги кунда уни **сиёсати шаръийя** деб ҳам атамоқдалар. Бу бобда ҳанафий мазҳабидаги энг эътиборли фиқҳий манба "Нисобул эҳтисоб" (Муҳтасиблик нисоби) деб номланган. 64 бобдан иборат ушбу асар Калкуттада оз ададда нашр этилган. Уни Мисрда Қозиул қузот бўлиб, Иззиддин ибн Аваз номи билан шуҳрат қозонган Умар ибн Муҳаммад ибн Аваз Шомий Ҳанафий (ваф. 696/1296) таълиф қилган. Шу номдаги яна бир асар Аҳмад Назиф (ваф. 1275/1858) қаламига мансуб. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг

(1440–1505) “Маёминул иктисоб фий қавоидил эҳтисоб” (Назоратчилик қоидаларида касб қилишнинг мубораклиги) асари ҳам шу мавзуга бағишланган. Шунингдек, Али ибн Муҳаммад Али Хоразмийнинг (XVI аср) Шайбонийхонга (1500–1510) бағишлаб ёзган “Фавоид” (Фойдалар) номли асарида ҳам муҳтасиблик ҳақида жуда муҳим маълумотлар келтирилган. 878/1473 йилда ёзиб тугатилган Тўғон Муҳаммадий Мисрий Ҳанафий (XV аср) қаламига мансуб “Ал-Муқаддимату ас-султонийя фий сиёсатиш шаръийя” (Шаръий сиёсат борасида султонликка тақдимот) асари ҳам шу мавзуга оиддир.

Фиқҳий қоидалар илми – мазҳаб доирасидаги ва умумфиқҳий қоидалар истинбот этиш; уларни таҳлил ва тадқиқ қилиш ҳамда улар орқали фаръий масалалар ишлаб чиқиш ёки кўрсатиб беришга бағишланган фуруул фиқҳнинг бир соҳаси. Улар умумий ном остида **“қавоиди фиқҳийя”** ёки **“қавоиди куллийя”** деб номланади. Ҳанафий мазҳабида илк фиқҳий қоидалар Муҳаммад Шайбоний ва Абу Юсуфнинг китобларида сочилган ҳолда учрайди. Улардан ўн еттитасини биринчи марта Абу Тоҳир Даббос (X аср) ишлаб чиққан. Унинг замондоши Абул Ҳасан Кархий (873–952) эса мазкур қоидаларни кўпайтириб 37 ёки 39 тага етказган. Кейинчалик Ибн Нужайм Мисрий (1519–1563) ўзининг “Ал-Ашбоҳ ванназоир” (Назиралар ва ўхшашликлар) асарида 44 та қоидани зикр қилиб шарҳлаган. XVIII асрга келиб Абу Саид Муҳаммад Ходимий (1701–1763) “Мажомиул ҳақоиқ” (Ҳақиқатлар мажмуалари) асарида ҳанафий мазҳабидаги фиқҳий қоидаларни 154 та қоидада жамлашга ҳаракат қилган. Усмонийлар (1281–1924) даврида 1869–1876 йиллар давомида уламолар ҳайъати томонидан яратилган “Мажаллатул аҳком ал-адлийя”да ҳанафийликдаги асосий 99 та фиқҳий қоида қайд этилган. Унинг ўнга яқин шарҳлари ҳам мавжуд. Шом муфтийси Маҳмуд ибн Ҳамза Ҳамзовий (1821–1887) ўзининг “Ал-Фароидул баҳийя фил қавоид вал фавоидил фиққийя” (Фиқҳий фойдалар ва қоидалар борасида қимматбаҳо дурдоналар) номли асарида 251 та

фиқҳий қоидани тўплашга муваффақ бўлган. Уни фиқҳий мавзуларга бўлиб, тартиб берган. Бу ҳанафий мазҳабидаги фиқҳий қоидаларни энг кўп тўплаган муҳим манба бўлиб, Дамашқда 1986 йилда нашр этилган.

XIX асрда Бухорода яшаган домлалардан бири Мулла Раҳимбобо Шофуркомий фиқҳни (ал-машруот) учга бўлиб кўрсатган: **ибодот**, **муомалот** ва **уқубот**[181].

Ибодот қисми бешта: намоз, закот, рўза, ҳаж ва жиҳод.

Муомалот қисми ҳам бешта: мол олди-бердиси, никоҳ (талоқ ҳам бирга), омонатлар, тарикалар (мерос тақсимоти), қозилик ишлари.

Уқубот қисми ҳам бешта: қасос, зино, ўғирлик, ичкилик ва туҳмат ҳадлари (яъни, жиноятга жазолар).

Тадқиқотчи Мустафо Аҳмад Зарқо эса ислом фиқҳини қуйидаги қисмларга бўлиб кўрсатган[182]:

1) намоз, рўза каби **ибодат**га тааллуқли ҳукмлар;

2) никоҳ, талоқ, васият, мерос каби **инсоний ҳуқуқ**ка бағишланган **шахсий ҳолатлар**;

3) одамларнинг бир-бирига бўлган муомалалари, касб-кори, муносабатларига бағишланган **муомалалар** қисми. Бу **фуқаролик ҳуқуқи** ҳам деб аталади;

4) давлатнинг фуқаро билан муносабатлари, бир-бирига бўлган мажбуриятларига бағишланган **аҳкоми султония** ёки **сиёсати шаръийя** қисми;

5) одамлар орасидаги ички низомлар, жазолаш ва мукофатлашга бағишланган қисм – **уқубатлар**;

6) давлатнинг бошқа давлатлар билан алоқаси, уруш, сулҳ муомалаларига бағишланган **сияр** қисми, у **умумий давлат ҳуқуқи** деб аталади;

7) одоб-ахлоққа, инсоний маданиятга бағишланган **ахлоқ** қисми.

Ҳанафий мазҳаби бўйича ёзилган тафсир, ҳадис, каломга оид асарлар ҳам ушбу мазҳаб вакиллари учун аҳамиятли бў-

[181] Қаранг: ЎзР ФА ШИ-1, № 9060. – В. 42[а].

[182] Мустафо Аҳмад Зарқо. Ал-Мадхал ал-фиқҳий ал-омм. I жилд. – Дамашқ: "Дорул қалам", 1998. – Б. 66–67.

либ келган. Мазкур мазҳабдаги қонун-қоида ва меъёрларнинг кўпчилиги тафсир, ҳадис ва каломга оид асарларга суянгани боис ҳанафий олимлар бу соҳаларда ҳам баракали ижод қилиб келганлар. Жумладан, тафсир соҳасида Абу Мансур Мотуридийнинг (ваф. 333/944) “Таъвилоту аҳлис сунна” (Аҳли сунна таъвиллари) ёки “Таъвилотул Қуръон” (Қуръон таъвиллари), Абу Лайс Самарқандийнинг (ваф. 393/1003) “Баҳрул улум” (Илмлар денгизи), Абу Ҳафс Насафийнинг (1068–1142) “Ат-Тайсиру фит тафсир” (Тафсир соҳасида осонлаштириш), Абул Баракот Насафийнинг (1232–1310) “Мадорикут танзил” (Қуръон маънолари) каби асарлари, шунингдек, ҳукм оятларига бағишланган асарлар – Жассоснинг (918–980) “Аҳкомул Қуръон” (Қуръон ҳукмлари), Мулла Жеван Ҳиндий Ҳанафийнинг (1636–1717) “Ат-Тафсиротил аҳмадия” (Аҳмаднинг тафсирлари) каби манбаларни зикр қилиш мумкин.

Ҳадис соҳасида эса фиқҳий манбалардаги ҳадисларнинг тахрижлари – ҳадис ровийлари ва манбаларини кўрсатилган асарларни, шунингдек, ҳадис китобларига ёзган ҳанафий олимларининг шарҳларини кўрсатиш мумкин. Улардан энг аҳамиятлилари “ал-Ҳидоя”да келтирилган ҳадислар тахрижига бағишланган Жамолиддин Зайлаийнинг (ваф. 743/1343) “Насбур раъя” (Байроқ тикиш, ўрнатиш) ва “Ал-Ихтиёр”да келтирилган ҳадислар тахрижига бағишланган Ибн Қутлубғонинг (1399–1474) асарларидир. Ҳадис китобларига ёзилган шарҳлар ичида эса “Саҳиҳул Бухорий”га битилган Бадриддин Айнийнинг (1361–1451) “Умдатул қорий” (Ўқувчининг суянчиғи), Али Қорининг (ваф. 1014/1605) “Мишкотул масобиҳ” (Чироғлар токчаси)га ёзган “Мирқотул мафотиҳ” (Калитлар нарвони) асарлари ҳисобланади.

Калом соҳасида эса илк бор Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ўзи қалам тебратган, у зотнинг фиқҳий асарлари йўқ, балки барча асарлари ақоид илмига тегишли. Уларнинг энг машҳури “Ал-Фиқҳ ал-акбар” (Энг катта фиқҳ) деб аталади. Абу Ҳанифа дин асослари бўлмиш эътиқод илмига

энг зарур фиқҳ деб қараган. Бинобарин, унинг мазҳабига эргашганларнинг қарийб барчаси ақида борасида унинг йўлини тутдилар. Ушбу йўлни Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944) илмий равишда ўрганиб, таҳлил қилиб, ривожлантирди ва шу асосда ўзининг мотуридия ақидавий мазҳабини яратди. Мотуридия ақидасига оид асарларнинг ҳаммаси билвосита ёки бевосита ҳанафий мазҳаби қарашларини ифода этади. Бу соҳада Абул Муин Насафийнинг (ваф. 508/1114) “Баҳрул калом” (Калом денгизи), “Ат-Тамҳид ли қавоидит тавҳид” (Тавҳид қоидаларини енгиллатиш), Абу Ҳафс Насафийнинг (1068–1142) “Ал-Ақоидун насафийя” (Насафий ақидалари) каби асарлари асрлар давомида асосий манбалар бўлиб келди.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДА ФИҚҲИЙ ДАЛИЛЛАР

Фиқҳ далиллар баён қилинганда ҳар бир ҳукм қуйидаги далилларнинг бири билан ҳужжатланган бўлмоғи лозимлиги таъкидланади.

1) Қуръони карим;
2) суннати набавия;
3) ижмо;
4) қиёс;
5) истеҳсон;
6) ал-Масолиҳ ал-мурсала;
7) урф ва таомул;
8) шаръу ман қоблана;
9) саҳобалар ва тобеинлар мазҳаби;
10) саддуз заройеъ;
11) истисҳоб.

Ушбу қисмлардан аввалги бештаси ҳанафий мазҳабида доимий қўлланиб келади.

ИЖМО ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

“Ижмо” (الإجماع) луғатда “азму қарор, иттифоқ” маъноларида бўлиб, фиқҳий истилоҳда “Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан кейинги бирор асрда мусулмон мужтаҳидларининг шаръий ҳукмга қилган иттифоқи”дир. Демак, бу борада авомлар иттифоқи, фиқҳий усул қоидалардан бехабар мутакаллим ва муҳаддислар келишувининг эътибори йўқ[183]. Шунингдек, шаръий ҳукмдан бошқада – луғавий, ақлий нарсалар, дунёвий ва маиший ишлардаги келишувда “ижмо” бўлмайди.

Ҳанафий мазҳабининг усулул фиқҳга оид асарларида ижмо қуйидаги турларга бўлиниши зикр этилган:

• саҳобаларнинг якдиллик билан бирор ҳукмга иттифоқлари;

• баъзи саҳобаларнинг бир ҳукмга келишуви, айримлари эса бирор фикр билдирмай жим туришлари;

• саҳобалардан кейинги даврлардаги мужтаҳидларнинг барчаси саҳобалар томонидан бирорта фикр айтилмаган ҳукмга келишувлари;

• саҳобаларнинг бирови айтган ҳукмга кейинги давр мужтаҳидларининг иттифоқ билан қўшилишлари.

Ижмонинг мазкур турларидан биринчиси Қуръон ояти ва мутавотир ҳадис, учинчиси машҳур ҳадис, тўртинчиси оҳод саҳиҳ ҳадис даражасидадир.

Кейинги давр тадқиқотчилари ижмони **очиқ-равшан** ва **сукутий** турларга ажратиб ўрганишни мақбул санаганлар.

ҚИЁС ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

“Қиёс” (القياس) луғатда “ўлчамоқ, таққосламоқ, солиштирмоқ” маъноларида бўлиб, истилоҳда эса оят, ҳадис ва ижмодан далили бўлмаган ишнинг ҳукмини уларда далили бор ишнинг ҳукмига солиштириш, таққослаш, тенг-

[183] Низомиддин Шоший. Усулуш Шоший маъа аҳсанил ҳавоший. – Деҳли: “Мужтабоий”. – Б. 79.

лаштиришга айтилади. Демак, шаръий ҳукми бўйича далили бор воқеа ёки нарсага далили йўқ воқеа ёки нарсани тенглаштириш “қиёс” дейилади. Бу ерда ҳукмни янгитдан пайдо қилинмайди, балки бор ҳукмни мужтаҳид томонидан топилади.

Қиёс саҳиҳ-тўғри бўлиши учун қуйидаги шартлар бўлиши керак:

• оят ва ҳадисга тескари бўлмаслиги;

• оят ва ҳадисдан олинган ҳукмларни ўзгартирмаслиги;

• қиёс қилинаётган ҳукмнинг маъноси аниқ, тушунарли ва ақлга мувофиқ бўлиши, тааббудий (иллатини ақл билан билиб бўлмайдиган) иш бўлмаслиги;

• қиёс луғавий ёки бошқа нарсадан эмас, балки шаръий ҳукмдан чиқарилиши;

• оят ва ҳадиснинг ҳукми бекор (мансух) бўлмаган бўлиши;

• оят ёки ҳадиснинг ҳукми бировга хосланган бўлмаслиги;

• оят ва ҳадиснинг ҳукми қиёс қилинаётган нарсанинг далили бўлмаслиги;

• оят ва ҳадиснинг ҳукми қиёс қилинаётган нарсадан аввал содир бўлган бўлиши;

• оят ва ҳадисда ҳукм келишига сабаб бўлган барча нарсалар қиёс қилинаётган ҳодиса ёки нарсага ҳукм қилишга ҳам сабаб бўлиши керак.

ИСТЕҲСОН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

“Истеҳсон” (الإستحسان) луғатда “бир нарсани яхши деб ҳисоблаш” бўлиб, истилоҳда мужтаҳиднинг очиқ-равшан қиёсдан махфий қиёсга, куллий ҳукмдан жузъий ҳукмга ўтишлигидир. Демак, истеҳсон аслида қиёс услуби бўлиб, қиёсни ривожлантириш учун ишлаб чиқилган. У муайян муаммо бўйича қарор қабул қилиш жараёнида икки ёки ундан кўп талқинлардан жамият ва мамлакат учун энг фойдали йўлни танлаш, мантиқли ва кучли фикрдан янада мантиқлироқ ва кучлироқ фикрга ўтиш имкониятидир.

Истеҳсонни ҳанафийлар ҳамда ҳанбалийлар қўллашни маъқул кўрганлар, холос. Шофиъийлар истеҳсонни қабул қилмасликни айтсалар ҳам, айрим ҳолатларда уни амалда қўллаб келганлар. Истеҳсон қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

• очиқ-равшан қиёсни тузатиш учун;

• қиёс оят ва ҳадисга зид келиб қолгани учун;

• икки қиёс бир-бирига зид келиб қолгани учун;

• қиёс урфга зид келиб қолса, маконга ва замонга қараб танлаш учун.

"Кашшофу истилоҳотил фунун валулум" асарида айтилишича, истеҳсон бошқа далиллар ёрдамида ишлаб чиқарилгани боис ўша далил асосидаги, масалан, насс (оят ва ҳадис); ижмо; урф; зарурат; махфий қиёс; маслаҳат (манфаат) ёрдамидаги истеҳсон деган турларга ажратиб ўрганилади[184].

МАСЛАҲАТУЛ МУРСАЛА

"Маслаҳатул мурсала" (المصلحة المرسلة) луғатда "бўш қўйилган, эркин манфаатлар" маъносида бўлиб, бирор ишни қилиш ёки қилмаслик борасида тайинли далил бўлмаган, лекин шариатнинг умумий қонун-қоидаларига зид келмайдиган, шариат мақсадларига мувофиқ келувчи умумманфаатга хизмат қиладиган нарсадир. Маслаҳатул мурсалани шофиъийликдан бошқа мазҳаб вакиллари инобатга олиб, шаръий ҳужжат сифатида амалда қўллаб келадилар. Мактаб, мадрасалар қуриш, жиноятчилар учун қамоқхоналар барпо этиш, ҳукуматда девонхоналар тузиш кабилар маслаҳатул мурсала гуруҳига киради. Маслаҳатул мурсаланинг ҳужжат сифатида олиниши учун қуйидаги шартлар ишлаб чиқилган:

• манфаат бўлиши бекорлиги ҳақида оят ва ҳадисдан далили бўлмаслиги керак;

[184] Муҳаммад Али Таҳонавий. Кашшофу истилоҳотил фунун вал улум / Таҳқиқ: Али Даҳруж. I жуз. – Байрут: "Мактабату Лубнон", 1996. – Б. 147.

• манфаат аниқ бўлиши керак, “фойдаси бўлиши мумкин”, “бўлса керак” деган ишда масолиҳул мурсала қоидаси қўлланмайди;

• манфаат умумий, оммавий бўлиши лозим;

• манфаатли, фойдали иш ақл-идрокли одамлар томонидан қўллаб-қувватланган бўлиши керак;

• манфаат ва маслаҳат шариатнинг мақсадларига мувофиқ бўлмоғи лозим.

УРФ-ТАОМИЛ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

“Урф” (العُرف) луғатда “танилган нарса” маъносида бўлиб, истилоҳда одамлар, умуман, жамият ўрганиб, ҳаммага таниш бўлиб қолган, соғлом табиат қабул қиладиган иш ёки сўздир. Демак, урф-одат **феълий-амалий** ва **қавлий-сўзга** оид турларга бўлинади. Амалиётда бирор ишга ўрганиб қолинса, амалий урф; сўзни асл луғавий маъносида эмас, балки ўзларича бошқа бир маънода тушунишга ўрганиб қолишлари қавлий урфга мисол бўлади. Умумий маънода урф учга бўлинади[185]:

1) оммавий урф-одат;

2) хос урф-одат;

3) шаръий урф-одат.

“Хос урф-одат” деганда маълум бир тоифанинг ёки битта шаҳар аҳлининг ўзаро ишлатадиган гап-сўзлари ёки одатларидир. Шариат буни эътиборга олмайди. “Шаръий урф-одат” эса намоз, рўза ёки ҳажнинг луғавий маъноси эътиборга олинмасдан унинг махсус шаръий истилоҳдаги маъноси ишлатилишидир. У ўз-ўзидан эътиборлидир. Бу ерда шариат эътиборга оладиган урф-одат оммавий турдагиси ҳисобланади[186]. Оммавий урф-одат қиёсга мухолиф бўлса-да, эътиборга олинаверади.

Урфни шариат эътиборга олиш ёки олмаслик жиҳатидан иккига ажратилади: **саҳиҳ урф** ва **фосид урф**. Саҳиҳ урф

[185] Ибн Обидин. Ал-Урфу фиш-шаръ // Расоилу Ибн Обидин. 2-жуз. – Истанбул, 1320/1902. – Б. 114.

[186] Ибн Нужайм Мисрий. Ал-Ашбоҳ ван назоир. – Миср: “Водин Нил”, 1298/1881. – Б. 46.

одамлар орасида кенг тарқалган иш ёки сўз ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилмайдиган, аниқроғи шариатга – оят, ҳадис ва ижмога зид келмайдиган бўлади. Фосид урф эса бунинг акси бўлиб, шариат бундай урфни асло эътиборга олмайди. Шунинг учун, одатда, фатво берувчи ўз замонасидаги шариатга тўғри келадиган оммавий урфга эътибор бермасдан фатво бера олмайди.

ШАРЪУ МАН ҚОБЛАНА ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

“Шаръу ман қоблана” (شرع من قبلنا) луғатда “биздан олдингиларнинг шариати” деган маънода бўлиб, аввалги пайғамбарлар ва уларнинг умматларига жорий қилинган шариатлари тушунилади. Шаръу ман қоблана асосан икки қисмга бўлинади:

• аввалги шариатларнинг Қуръон ва ҳадисда зикри келмаган ҳукмлари;

• аввалги шариатларнинг Қуръон ва ҳадисда зикри келган ҳукмлари.

Биринчи қисмдаги ҳукмларни мусулмонлар ўз шариатларига киритмаслигига барча уламолар иттифоқ қилганлар. Иккинчи тоифадаги ҳукмларни эса мазмун-моҳиятига кўра уч турга ажратилади:

• Ислом дини орқали бекор (мансух) қилинган ҳукмлар;

• Ислом динида иқрор қилинган, тасдиқланган ҳукмлар;

• Қуръон ёки ҳадисда айтилган, лекин инкор ҳам, иқрор ҳам қилинмаган ҳукмлар.

Ҳукми бекор бўлган ҳукмлар далил сифатида олинмаслигига, иқрор қилинганларини эса далил сифатида олинишига шак-шубҳа йўқ. Учинчиси борасида уламолар бир-бирлари билан ихтилоф қилганлар. Ҳанафий мазҳабида ушбу учинчи тур эътиборга олинади.

САҲОБАНИНГ ГАПИ ҲУЖЖАТ ЭКАНИ

Саҳобалар – Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан кўришган, у зотга имон келтирган кишилар. Илмда камолга етганлиги; араб тилини мукаммал билишлари; тақводорлиги ва адолатли экани; ҳадисларнинг ворид бўлиш сабабларини ҳаммадан кўра яхши билишлари; шариатнинг мақсадларини чуқур англашлари туфайли уларнинг гаплари, диний ижтиҳодлари ҳанафий, моликий ва ҳанбалий мазҳабларида ҳужжат бўла олади. Ҳужжат қилиб олиниши учун саҳобанинг гапидан бошқа оят, ҳадис ва ижмодан биронта ҳукм топилмаган бўлиши керак. Шундай ҳолатда саҳобанинг гапи мужтаҳиднинг қиёсидан устун туради. Бу ўринда билиш керак бўлган нарса бор: саҳобаларнинг гаплари агар раъй ва ижтиҳодга алоқадар бўлмаган нарса борасида ёхуд саҳобалар ижмоси бўлса, жами мазҳабларда уларнинг гаплари ҳужжат ҳисобланади.

САДДУЗ ЗАРОЙЕЪ

“Саддуз заройеъ” (سدّ الذرايع) луғатда “воситаларни тўсиш” маъносида. Истилоҳда эса шариатда ман қилинган нарсани қилишга олиб борадиган воситаларни тўсиш, ман этишдир. Демак, гуноҳга олиб борадиган восита, сабаб ҳам гуноҳ ҳисобланади. Масалан, номаҳрамга ҳирс билан тикилиб қараш, у билан узоқ вақт холи қолиш зинога сабаб бўлиши мумкинлигидан ман қилинган. Саддуз заройеъ моликий ва ҳанбалий мазҳабларида усулул фиқҳнинг асосий манбаларидан ҳисобланади. Уни шофиъий ва ҳанафий мазҳаби вакиллари ҳам гоҳида ҳукм чиқаришда ишлатадилар. Бу ерда тилга олинган воситанинг ўзи ҳамма вақт ҳам ёмон бўлавермайди, гоҳида фойдали нарса бўлиб чиқади. Бундай ҳолатда ғолиби эътиборга олинади. Масалан, пичоқ ясаб, у билан одам ўлдириш мумкин. Лекин инсониятга пичоқдан яхши мақсадда кўпроқ фойдаланади. Демак, умумий ҳолатда пичоқ ясаш гуноҳ бўлмайди.

ИСТИСҲОБ

“Истисҳоб” (الإستصحاب) луғатда “суҳбатни талаб қилиш, дўст қилиб олмоқ” маъноларида. Фиққий истилоҳда эса аввал мавжуд бўлгани боис бир нарсани ўзгартирувчи бўлмаса, уни кейин ҳам бор деб ҳукм чиқаришдир. Ибн Нужайм Ҳанафий (1519–1563) истисҳобнинг энг яхши таърифи бундай деган: “Бўлиб ўтгани аниқ бир ишни бошқа (кейинги) вақтда ҳам бўлган, деб ҳукм чиқаришдир”[187]. Масалан, бир нарса аслида бор эди, унинг йўқ бўлгани ҳақида шубҳага борилса, у шубҳа ўтмайди ва уни бор деб ҳукм қилинади. Истисҳобни ҳанафийларнинг мутааххирин уламолари қабул қилганлар, қолган уч мазҳабда истисҳоб усулул фиққнинг асосий манбаларидан бири. Умуман, истисҳоб йўли билан ҳанафий фиққида ҳам қуйидаги қоидалар ишлаб чиқилган:

1) аслида барча нарсалар мубоҳдир;

2) аслида зимма таклиф ва ҳақлардан холидир;

3) ишончли нарса шак-шубҳа билан йўқ бўлмайди;

4) бир ишни қилганлик ёки қилмаганлигига гумон қилса, қилмаган деб ҳукм берилади;

5) бир нарсанинг оз ёки кўплиги борасида гумон қилинса, озлиги олинади;

6) бўлиб ўтган ҳодисани энг яқин вақтда содир бўлган, дейилади;

7) аслида гап-сўзлар ҳақиқатга йўйилади, мажозга эмас.

Ҳанафий фақиҳлари, жумладан, Абу Зайд Дабусий (978–1039), Шамсул аимма Сарахсий (1009–1090) ва Фахрул Ислом Паздавий (1009–1089), бошқа мазҳаб вакилларидан фарқли равишда, истисҳобни далил қилишда иккита шарт қўйганлар[188]:

• истисҳоб бир нарсани даф қилиш (нафий) учун далил бўлади, исбот қилиш учун далил бўлмайди. Аслида бор нарсани ҳимоя қилиш учун истисҳоб ишлатилади;

[187] Ибн Нужайм Мисрий. Рисола фил Истисҳоб // ар-Расоил аз-Зайния. ЎзР ФА ШИ-1, № 3187. – В. 173[б].

[188] Ибн Нужайм Мисрий. Ал-Ашбоҳ ван назоир. – Миср: “Водин Нил”, 1298. – Б. 37.

• Истисҳоб орқали фақатгина салбий ҳақ собит бўлади, ижобий ҳақ собит бўлмайди, яъни у салбий ҳақ фойдасига ишлайди, ижобий ҳақ фойдасига эмас. Масалан, бедарак кетган одамнинг мол-мулкига тегилмайди, лекин бировдан унга мол-мулк ҳам тегмайди.

Умуман, истисҳоб билан чиқарилган ҳукмлар ҳанафий мазҳабида кўп эмас. Жумладан, Ибн Нужайм Ҳанафий (1519–1563) “Истисҳоб ҳақида рисола” асарида ҳанафийлик мазҳабининг энг эътиборли китобларида (“Ал-Ҳидоя”, “Ан-Ниҳоя”, “Ат-Татимма”, “Мунийятул муфтий”, “Аз-Захира”, “Ал-Баззозия”, “Жомеул фусулайн”, “Ал-Ийзоҳ”, “Аз-Заҳирия”, “Ҳошиятул Камол”, “Ат-Таҳрир”, “Ал-Аттобия”, “Ал-Канз”) келтирилган истисҳоб масалаларини бирма-бир санаган[189]. Унда қайд қилинишича, “ал-Ҳидоя”нинг “Меросхўрларга ҳукм чиқариш” фаслида истисҳоб масалаларидан иккитаси келтирилган:

Насроний вафот қилганидан сўнг унинг хотини эрининг вафотидан кейин мусулмон бўлганини айтиб келса, меросхўрлари эри вафотидан аввал мусулмон бўлганини айтсалар, меросхўрларининг гапи инобатга олинади.

Мусулмон вафот қилганидан сўнг унинг насроний хотини эри вафотидан аввал мусулмон бўлганини айтиб келса, меросхўрлари эса эри вафотидан кейин мусулмон бўлганини айтсалар, меросхўрларнинг гапи инобатга олинади.

Бу икки суратда ҳам аёл мерос талаб қилмоқда. Салбий ҳақ собит бўлиши, ижобий ҳақ собит бўлмаслиги ҳақидаги истисҳоб қоидасидан келиб чиқиб, аёлга мерос берилмаслиги учун меросхўрлар гапи инобатга олинган[190].

[189] Ибн Нужайм Мисрий. Рисола фил Истисҳоб // ар-Расоил аз-Зайния. ЎзР ФА ШИ-1, № 3187. – В. 173б–179а.

[190] Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя. 3-жилд. – Деҳли: “Форуқий”, 1910. – Б. 132.

МУЖТАҲИД ВА ФАҚИҲЛАР ТАБАҚАСИ

Ҳанафий мазҳабидаги фақиҳлар бошқа мазҳаб уламолари каби битта даражада эмас. Уларнинг орасида мутлақ мужтаҳид, муқаллидлар ва ҳоказолар бор. Ҳанафий мазҳабидаги фақиҳларнинг табақаларини ўрганган киши бу борада бир неча хил таснифлаш усули борлигини англайди. Ҳанафий уламолари буни очиқ гапирган ёки китобларида унга ишора қилиб ўтган.

Бу тақсимотларнинг баъзисида фақиҳларнинг яшаган даври эътиборга олинган. Уламоларнинг табақасини аниқлашда нозик илмий меъёрлар ва мезонларга асосланмаган таснифлаш мавзуни тўлиқ ёритиб бера олмайди. Шундай таснифлашга мисол қилиб Ҳанноий[191] табақотини келтириш мумкин. У “Табақотул ҳанафия” китобида уламоларни йигирма бир табақага бўлган. Ушбу йигирма битта табақани бир-биридан ажратадиган сифат ёки маълум белгиларни баён қилмаган. Кафавий[192] ҳам “Катоибу аъломил ахёр” китобида таржимаи ҳоли келтирилган ҳанафий олимларини йигирма икки табақага таснифлаган ва ҳар бирини “Кутайба (китобча)” деб номлаган. Бу каби таснифлар мавзуни тўлиқ баён қилмайди. Чунки улар илмий меъёр ва мезонларга асосланмаган. Уларда худди муҳаддислардаги каби замон кетма-кетлигига риоя қилинган, холос. Бу асарлар муаллифларининг мақсади уламоларнинг ҳаётини баён қилиш бўлган.

Баъзи олимлар эса, уламоларни фақиҳлар наздидаги илмий қудрати, ижтиҳоди ва тахриж салоҳиятига кўра табақалаган. Бу ерда айни мана шу услуб назарда тутилган. Чунки уламоларни таснифлашдан мақсад қозилар, муфтийлар ва Ислом фиқҳида тадқиқот олиб борадиганлар ва

[191] Тўлиқ исми – Али ибн Амруллоҳ ибн Абдулқодир Ҳанноий. У Қайнолий Зода номи билан машҳур бўлган. У туркий қавмга мансуб бўлиб, тарих ва ҳадис билан шуғулланган. Дамашқ ва бошқа жойларга қозиликка тайинланган. Унинг машҳур асарларидан бири “Табақотул ҳанафийя”дир. 979 йил Адирнада вафот этган.

[192] Тўлиқ исми – Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий. У Туркиянинг Кафаҳа шаҳридан бўлиб, таълимни у ерда олади. 990 йил Истанбулда вафот этади. Унинг “Шарҳу одобил қозий” ва “Катоибу аъломил ахёр мин фуқоҳои мазҳабин Нуъмонил мухтор” номли китоблари бор.

бошқалар учун ҳанафий мазҳабидаги фақиҳларнинг қарама-қарши сўзлари ва турли ривоятлар ўртасини ажратиш ҳақида маълумот беришдир.

Ҳанафий мазҳаби бўйича фатво берувчи киши кимнинг гапига кўра фатво бераётганини яхши билиши, сўзи олинаётган фақиҳнинг насл-насаби, илм-маърифати, фиқҳий салоҳияти ҳамда ҳанафий мазҳабидаги ўрни каби маълумотларни яхши билмоғи даркор. Шундагина фатво берувчи саҳиҳни заифдан, устун ҳукмни кучсизидан (рожиҳни маржуҳдан) ажрата олади. Демак, ҳанафий мазҳабидаги мужтаҳид ёки фақиҳларни бундай табақаларга бўлиб ўрганилади[193]:

Биринчи табақа. Мутлақ ижтиҳод соҳиблари табақаси. Улар Қуръон, суннат ва бошқа шаръий далиллардан бевосита ҳукм чиқарадилар, ижтиҳодларида бошқа бировнинг фикрига эргашмайдилар. Булар тўртта мазҳаб соҳиблари кабилар бўлиб, ҳар қайсилари ўз мазҳабидаги асосий қоидалар муассислари, ҳукмларни Қуръон, суннат, саҳобалар сўзлари ҳамда ижмо ёрдамида бошқа бировга тақлид қилмасдан, эргашмасдан ўзлари истинбот қила оладиган фақиҳлардир.

Иккинчи табақа. Мазҳаб ичидаги мужтаҳидлар табақаси. Улар Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ишлаб чиққан қоидалар асосида далиллардан ҳукмлар чиқара олишга қодир фақиҳлар. Улар баъзи фаръий ҳукмларда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)га мухолиф бўлсалар ҳам, аслида асосий қоидаларда у зотга эргашадилар. Абу Юсуф, Муҳаммад Шайбоний, Зуфар, Ҳасан ибн Зиёд, Абдуллоҳ ибн Муборак каби Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг бевосита шогирдлари ва Абдураҳмон ибн Абу Лайло бу табақага мансубдирлар.

Учинчи табақа. Мазҳаб соҳиби ва унинг шогирдларидан ривоят қилинмаган масалалар борасида мужтаҳидлар табақаси. Улар Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ва у зотнинг асҳобларидан далил келмаган масалаларда ҳанафий мазҳабининг усулий қоидаларига асосланиб ҳукмлар истинбот қи-

[193] Абдулқодир ибн Абилвафо Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музиъа фий табақот ал-ҳанафийя / Таҳқиқ Муҳаммад Абдуллоҳ Шариф. – Байрут: "Дорул кутубил илмийя", 2005. – Б. 295–296.

ладилар, лекин улар бирон бир масалада – усулда ҳам, фуруъда ҳам мазҳаб соҳиби ва унинг шогирдларига қарши бора олмайдилар.

Ушбу табақага мансуб фақиҳлар ҳанафий мазҳабининг ривожланишига беқиёс ҳисса қўшдилар: ривожланиш асосини ишлаб чиқдилар, тахриж ва таржиҳ қоидаларини белгилаб бердилар, фиққий қарашларни бир-бирига қандай қиёслаш кераклигини кўрсатиб бердилар, саҳиҳ ва заиф фикрларни ажратиш йўлларини белгилаб қўйдилар. Ушбу тоифага мансуб фақиҳлардан баъзилари қуйидагилар:

1) Абу Бакр Хассоф Аҳмад ибн Амр Шайбоний (797–875);

2) Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома Таҳовий (853–933);

3) Абул-Ҳасан Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн Кархий (873–952);

4) Фахрул ислом Али ибн Муҳаммад Паздавий (1009–1089);

5) Шамсул аимма Ҳаловоний (ваф. 456/1063);

6) Шамсул аимма Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий (1009–1090);

7) Фахриддин Қозихон (ваф. 592/1196).

Тўртинчи табақа. Тақлид қилувчилардан ташкил топган тахриж соҳиблари табақаси. Улар ижтиҳодга қодир эмаслар, лекин илмларининг чуқурлиги, дунёқарашларининг кенглиги сабабли мазҳаб соҳиби ва унинг шогирдларидан нақл қилинган кўп эҳтимолли ҳукмларни, бир неча тармоқли мужмал райларни ажратишга қодир бўладилар. Булар мазҳаб соҳиби ва унинг шогирдлари ишлаб чиққан усулий қоидалар ва фуруий фикрларга қараб бир тўхтамга келадилар ва ўзларининг қатъий фикрларини айта оладилар.

“Ал-Ҳидоя” асаридаги “Тахриж Кархий”, “Тахриж Розий”, “Тахрижул Журжоний” каби истилоҳлар шу маънога қаратилган.

Бешинчи табақа. Тақлид қилувчилардан иборат таржиҳ соҳиблари табақаси. Улар баъзи ривоятларни бошқаларидан афзал эканлигини “Бу авло!”, “Бу энг саҳиҳ ривоят!”, “Буниси

равшанроқ!”, “Бу қиёсга мувофиқроқ!”, “Бу одамлар учун фойдалироқ!” деб айта оладиган фақиҳлар бўлиб, Абул Ҳусайн Қудурий (972–1037), Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197) кабилардир.

Баъзи тадқиқотчилар мазкур табақага мансуб саналган Қудурий ва Марғинонийни олдинги – учинчи ёки тўртинчи табақага лойиқ дейдилар. Зотан, улар илмий савия ва фиқҳий маҳоратда Қозихондан (ваф. 592/1195) асло кам эмас.

Олтинчи табақа. Ривоятлардан зоҳири, нодири, заиф ёки саҳиҳи, кучли ёхуд кучсизини ажратишга қодир муқаллидлар табақаси. Фиқҳий матн соҳиблари шулар жумласидан бўлиб, улар ўз китобларида рад қилинган гапларни, заиф ривоятларни нақл қилмайдилар.

Еттинчи табақа. Юқоридагиларнинг биронтасига қодир бўлмаган муқаллидлар табақаси. Улар ориқ билан семизни ажрата олмайдилар, балки кечаси ўтин тергандек топганини йиғаверадилар. “Ушбу табақа фақиҳларига эргашганларнинг ҳолига вой!” дейилган.

МУЖТАҲИД ВА ФАҚИҲЛАР ТАБАҚАСИГА ТАНҚИД

Шуни таъкидлаш лозимки, баъзи тадқиқотчилар, жумладан, О.Қориев ҳам мазкур табақаларнинг биринчи ва иккинчисини ҳамда охирги иккисини бир табақа деб ҳисоблайди[194]. Бу Кафавийнинг (ваф. 990/1582) таснифлашига тўғри келади, унга Абдулҳай Лакнавий (1847–1886) ҳамда Қозизода Шариф Махдум ибн Абдурраҳим Бухорий қўшилганлар[195]. Фақиҳлар даражасини етти табақага бўлишни Ибн Камол Пошшо (ваф. 940/1534) таклиф қилган, Ибн Обидин (1783–1836) бунга қўшилган[196].

---

[194] Қориев А.О. Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин Марғиноний. – Тошкент: “Фан”, 2009. Б. 21–22; Ўша муаллиф. Ал-Марғиноний машҳур фиқҳшунос. – Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр”, 2000. – Б. 13–14.

[195] Абдулҳай Лакнавий. Ан-Нофеъ ал-кабир. – Ҳиндистон: “Алавий”, 1310/1893. – Б. 3; Қозизода Шариф махдум ибн Абдурраҳим ал-Бухорий. Рисола фий маноқибил аимма ал-арбаъа фил фиқҳ. – Қозон, 1909. – Б. 16.

[196] Ибн Камол Пошшо. Рисолаи Табақотул мужтаҳиддин. ЎзР ФА ШИ-1, № 11229/I. – В. 1[а-б]; Ўша манба. ЎзР ФА ШИ-1, № 9060. – В. 41[а].

Ибн Камол Пошшонинг фақиҳларни мазкур етти табақага ажратишига биринчи бўлиб, Шаҳобиддин Маржоний (1818-1889) ўзининг “Нозуратул ҳаққ” (Ҳақиқат дурбини) асарида кескин қарши чиқди. Унинг фикрича, биринчи ва иккинчи табақа бир хил – мутлақ мужтаҳидлар табақасидир. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирдлари – Муҳаммад Шайбоний, Абу Юсуф, Зуфар кабилар Шофиъий, Молик ва Ибн Ҳанбалдан гарчи ортиқ бўлмаса-да, лекин уларда ижтиҳод борасида кам эмас. Фақат улар устози Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ҳурматидан унинг мазҳабини ривожлантиришга бел боғлаганлар. Бинобарин, уларни бир табақа деб ҳисоблаш лозим. Учинчи табақани эса Маржоний: “Мазҳаб ичидаги мужтаҳидлар табақаси” деб ҳисоблаш керак, деган. Шунингдек, тўртинчи табақага мансуб дейилган Абу Бакр Жассос Розий (918–980) эса учинчи табақага мансуб Абул Ҳасан Кархий (873–952) ёки бошқаларидан билим, савия ва вақтда асло кам эмас. Демак, Маржонийнинг фикрига кўра, учинчи ва тўртинчи табақа бир хил. Унинг мазкур фикрига Кавсарий ва Абу Заҳра каби тадқиқотчилар қўшилганлар. Абу Заҳра еттинчи табақани “Нақл қилувчилар табақаси” деб атаган. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний эса мазкур табақаларни шариат бўйича мужтаҳидлар, мунтасаб, яъни нисбат берилган мужтаҳидлар, мазҳаб бўйича мужтаҳидлар, таржиҳ қилувчи мужтаҳидлар, истидлол қилувчилар ва муқаллидлар гуруҳларига ажратиб кўрсатган[197].

Демак, юқорида келтирилган, етти табақадан иборат таснифлаш Ибн Камол Пошшонинг ҳанафий мазҳабидаги фақиҳларнинг табақалари борасида илк уринишлардан ҳисобланади.

Ибн Камол Пошшонинг ушбу таснифлашга кўплаб ҳанафий уламолари қўшилганлар ва унга суянганлар. Жумладан:

– Тошкўпризода[198] (раҳимаҳуллоҳ) “Табақотул фуқаҳо” китобида;

[197] Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2002. – Б. 48–49.

[198] Тўлиқ исми –Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустафо ибн Халил Тошкўпризода. У Туркиянинг Бурса шаҳридан. 968 йил вафот этган.

– Кафавий (раҳимаҳуллоҳ) “Катоибу аъломил ахёр” китобида.

Лекин Кафавий биринчи ва охирги табақаларини олиб ташлаб фақиҳлар табақаларини бештага тақсим қилган. Ибн Камол (раҳимаҳуллоҳ) томонидан учинчи табақага мисол қилиб келтирилган фақиҳлар қаторига Кафавий “Муҳитул Бурҳоний” китобининг муаллифи Бурҳониддин Бухорий, “Хулоса” китобининг муаллифи Тоҳир ибн Аҳмад Бухорийларни[199] қўшган. Шунингдек, Ибн Камол (раҳимаҳуллоҳ) бешинчи табақага мисол қилиб келтирган фақиҳлар қаторига эса, Шамсул аимма Кардарий[200], Жамолиддин Ҳасирий (раҳимаҳуллоҳ)ларни қўшган;

– Тамимий[201] (раҳимаҳуллоҳ) “Ат-Табақотус суннийя” китобида. У бу тақсимотни жуда гўзал деб васфлаган;

– Зуҳрий[202] (раҳимаҳуллоҳ) “Ал-Жавоҳирун нафийса” китобида;

– Ибн Обидин “Раддул муҳтор”, “Шарҳу уқуди расмил муфтий” китобида;

Булардан ташқари бошқа бир қанча уламолар ҳам ушбу таснифлашга қўшилган.

Ҳанафий уламолардан бир гуруҳи Ибн Камол Пошшонинг бу таснифотини танқид қилганлар. Уларнинг бошида Шиҳобиддин Маржоний[203] туради. У “Нозуратул ҳақи фи фарзиятил ишаа ва ин лам яғибиш шафақ” китобида Тамимийнинг: “Бу жуда гўзал тақсимот” деган сўзига бундай муносабат билдиради: “У жуда гўзал бўлиши у ёқда турсин, тўғрилик даражасидан бир неча чақирим узоқдир. Чунки бу сўзлар кучсиз қарашлар,

[199] Тўлиқ исми – Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуррашид Бухорий. Унинг “Хулосатул фатово”, “Ан-Нисоб” ва “Ал-Воқеот” номли асарлари бор. 542 йил вафот этган.

[200] Тўлиқ исми – Шамсулаимма Муҳаммад ибн Абдуссаттор ибн Муҳаммад Имодий Кардарийдир. Хоразмдаги Кардар қишлоғига нисбатан ушбу нисбани олган. Қозихон ва Бурҳониддин Марғинонийлардан илм ўрганган. Унинг “Шарҳул мунтахабил ҳуссомий” номли асари бор. У 642 йил Бухорода вафот этган.

[201] Тўлиқ исми – Тақийюддин ибн Абдулқодир Тамимий Ғаззий. 1010 йил вафот этган.

[202] Тўлиқ исми – Умар ибн Умар Зуҳрий Қоҳирий. Унинг “Ад-Дуррул мунифату фи фиқҳи Аби Ҳанифата” ва “Ал-Жавоҳир ан-нафисату” номли асарлари бор. 1079 йил вафот этган.

[203] Тўлиқ исми – Шиҳобуддин Ҳорун ибн Баҳоуддин Маржоний. Асли Қозон шаҳридан. Самарқанд ва Бухорога сафар қилиб, шу ерда илм ўрганади. Унинг “Ҳошиятун алат тавзеҳ” ва “Нозуратул ҳақи фи фарзиятил ишои ва ин лам яғибиш шафақ” номли асарлари бор. У 1306 йил вафот этган.

беҳуда хаёллар, руҳи бўлмаган сўзлар, маъноси тўғри бўлмаган лафзлардан иборат бўлиб, бу даъвони олдин ҳеч ким қилмаган ва бу даъвога ҳеч қандай асос йўқ. Кейинги уламолар унинг бу сўзларини бирор далилсиз ва ҳужжатсиз оладиган бўлсалар, (аслида бу гап қабул қилинмаган) уларга қанчалар ёрдам бермайлик, кишиларни табақаларга тайин қилиш ва тартиблашдаги катта хатодан қутула олмайдилар”[204].

Бу борада Абдулҳай Лакнавий (раҳимаҳуллоҳ) Маржонийга эргашган. Баъзи асарларида ушбу тақсимотни келтиргандан сўнг бундай дейди: “Бу таснифга юқори табақадаги одамни пастки табақага қўшиб қўйиш жиҳатидан турли эътирозлар билдирилади. Бу эътирозларни фозил Шиҳобиддин Ҳорун ибн Баҳоуддин Маржоний Ҳанафий билдириб ўтган[205]”.

Муҳаммад Бахит ибн Ҳусайн Мутиий ҳам “Иршоду аҳлил миллати ила исботил аҳилла” номли асарида Ибн Камол Пошшонинг мазкур таснифига танқидий фикрни билдирган[206].

Зоҳид Кавсарий[207] ҳам “Ҳуснут тақози фи сийратил имом Аби Юсуф ал-қози” асарининг ҳошиясида Ибн Камол Пошшонинг бу таснифи борасида айтган сўзларини келтириб, бундай дейди: “Ибн Камол Пошшо, гарчи ундан кейинги уламолар унинг таснифини мақташган бўлса ҳам, фақиҳларни табақалашда ҳам, уларни таснифлашда ҳам тўғри йўл тутмаган”. Шайх Абдулҳай Лакнавий (раҳимаҳуллоҳ) Ибн Камолнинг қилган ишига тўхталиб ўтган. Унинг фикри танқидчи Шиҳоб Маржонийнинг “Нозуратул ҳақ” китобида келган сўзлар билан мувофиқ келади. Ким буни ўрганадиган бўлса, икки ишни – тақсимотлар тартиби ва тақсимотини бекорга

[204] Абдулҳай Лакнавий. Ан-Нофеъ ал-кабир. – С. 13.

[205] Абдулҳай Лакнавий. Ан Нофеъ ал-кабир. – С. 11.

[206] Муҳаммад Бахит ибн Ҳусайн Мутиий. Иршоду аҳлил миллати ила исботил аҳилла. – С. 365.

[207] Тўлиқ исми – Муҳаммад Зоҳид ибн Ҳасан ибн Али Кавсарий бўлиб, асли Кавказ шаҳарларидан жургуслик бўлиб, Истанбул қишлоқларидан бирида туғилган. Фотиҳ жомесида таълим олган. Сўнг бир нечта илмий марказларга мударрисликка тайинланган. Сўнг биринчи жаҳон уруши вақтида Туркиядан чиқиб, Миср ва Шомда яшайди. Кейинчалик Мисрда ўрнашади. 1371 йил Қоҳирада вафот этади. Унинг “Ал-Ишфоқу ала аҳкомит талоқ”, “Фиқҳу аҳлил Ироқ ва ҳадийсуҳум” ва “ал-Мадхалу ал-омму ли улумил Қуръон” номли жуда кўплаб асарлари бор.

чиқаради. У зотнинг таҳқиқлари билан иш ўз ўрнига тушди”. Шундан сўнг китобнинг охирида Маржонийнинг сўзларини келтирган[208].

Ибн Камол Пошшонинг бу таснифини шайх Абу Заҳро ҳам “Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ): Ҳаётуҳу ва асруҳу, ороуҳу ва фиқҳуҳу” китобида танқид қилиб ўтган.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан шу нарса маълум бўладики, Ибн Камол Пошшонинг тақсимотида табақаларнинг тақсимланиши ва тартибланиши сўнгра фақиҳларни юқорида зикр қилинган кўринишдек табақаларга бўлиниши мутлақ қабул қилинган ҳам эмас, мутлақ юз ўгирилган ҳам эмас. Унда қабул қилса бўладиган жойи ҳам, тўғирлаш керак бўлган жойи ҳам бор. Унда эътибор ва синчковлик кам бўлган жойлари ҳам, қайтадан ўйлаб кўриш ва мўътадил кўринишга келтириладиган жойлари ҳам бор. Шуни айтиб ўтиш керакки, фақиҳларни мана шу табақаларга бўлишда Ибн Камол Пошшо кенг қамровли бўлишни мақсад қилмаган. Балки, бир нечта фақиҳларни мисол тариқасида келтирган, холос[209].

Нима бўлганда ҳам, фақиҳларнинг даражасини белгилаш ва табақаларга тақсимлашдан олдин мазҳабдаги фақиҳларнинг табақотлари ва таржимаи ҳолларига оид ёзилган китобларга мурожаат қилиб, уларнинг ҳолатлари, сўзларини яхшилаб ўрганиш, улар ҳақида келган хабарларда уларнинг фойдалари ва зарарлари учун айтилган сўзларни текшириш керак. Хусусан, уларнинг шаънига айтилган мақтовлар ёки таъна сўзларни ўрганиш лозим. Қанчадан қанча олимлар борки, уларни мақташда ҳаддан ошилган, қанчадан қанча кейин келган олимлар борки, илмда олдинги олимлардан ўтиб кетган. Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда айтиладики: “Инсонларни ўз ўринларига қўйинглар”[210].

Муфтий Муҳаммад Тақий Усмоний ҳам бундай дейди: “Бу (Ибн Камол) тақсимотида зикр қилинган табақалар-

[208] Кавсарий. Ҳуснут тақози фи сийратил имом Аби Юсуф ал-Қози. – С. 102-115.
[209] Мутийъий. Иршоду аҳлил милла. – С. 398.
[210] Имом Муслим ривояти.

даги тартиб фақиҳларнинг қисмлари ва вазифаларига оид бўлиб, фақиҳларнинг ўзига тегишли эмас. Ўз навбатида бу тақсимот бири иккинчисининг ичига кириб кетадиган турлар ва мартабалардан иборат. Уларнинг орасида қарама-қаршилик йўқ. Шунинг учун бир фақиҳ улардан кўпи билан сифатланиши мумкин. Масалан, таҳриж эгаси ҳам бир фикрни бошқасидан устун кўрувчи таржиҳ эгаси бўлиши мумкин. Шунга кўра баъзи фақиҳларни бир табақада зикр қилиб бошқасида зикр қилмасликнинг зарари йўқ. Чунки икки тарафлама бу ва у сифат билан сифатланиш мумкиндир. Масалан, Имом Таҳовийни фақиҳ деб айтиш у зотни муҳаддис эмас, деган маънони билдирмайди. Қолганларини ҳам мана шунга қиёс қилаверинг!”[211]

Бу энг мақбул ёндашув ҳисобланади. Ибн Камол (раҳимаҳуллоҳ)нинг бу тақсимотида қилган иши бунга гувоҳлик беради. У зот Абул Ҳасан Кархий (раҳимаҳуллоҳ)ни учинчи табақада зикр қилиб, тўртинчи табақанинг охирида ҳам қайтадан зикр қилиб ўтган. Лекин бошқа фақиҳларни “Улар шунақа вазифани бажарадилар, бунақа вазифаларни қила олмайдилар”, деб сифатлаган. Бу сўзнинг маъноси у зотнинг наздида бу фақиҳлар ўша табақанинг аҳлидан ҳисобланади, ундан юқоридаги табақалар аҳлидан эмас.

ИЖТИҲОД ВА МУЖТАҲИД

“Ижтиҳод” сўзи луғатда “жидду жаҳд”дан олинган бўлиб, қайси ишда бўлмасин, бор куч-қувватни сарфлаш маъносини билдиради. Шаръий истилоҳда эса “фақиҳ-мужтаҳиднинг диний ҳукмларни билишга, асл манбалардан диний ҳукмларни чиқаришга бор куч ва салоҳиятини ишга солиши”дир. Ижтиҳод қилиш фарз амал бўлиб, ижтиҳод қилувчи фақиҳ агар бир нафар бўлса, фарзи айн, бир неча бўлса фарзи кифоя ҳисобланади.

[211] Шайх Муҳаммад Тақий. Усулул ифто ва одобуҳу. – С. 24–25.

Мужтаҳиддан қуйидагиларни мукаммал билиш талаб этилади[212]:

1. Қуръони карим. Қуръонга тегишли барча илмларни билиши лозим. Жумладан, бунга носих ва мансух; мутлақ ва муқайяд; муҳкам ва муташобиҳ; нузули сабаб – оятларнинг тушиш сабаблари; қироатлар тўғрисидаги билимлар киради. Хусусан, аҳком оятларини – ибодат, муомалот, уқубат ва жазо ҳамда оилавий муносабатлар, шунингдек, халқаро ҳуқуққа тегишли оятларни маънолари билан бирга тўла ёд билиши лозим.

2. Суннат илми. Ҳадиси шарифларнинг, хусусан, аҳком ҳадисларини тўла ёд билиши, ҳадисларнинг санадлари – саҳиҳ, ҳасан, заифлик жиҳатларини, ҳадисларнинг носих ва мансух томонларини; ҳадис ровийларининг таржимаи ҳолларини яхши билиши; ҳадисларнинг ҳар хил эҳтимолли маъноларидан хабардор бўлиши лозим. Саъдуддин Тафтазоний (1322–1392) фикрича, ҳозирда бу борада ҳадис илмида ишончли муҳаддисларнинг фикрларига суяниш яхшироқ[213].

3. Ўтган уламоларнинг гаплари, ижмо ва ихтилофлари ҳақидаги билим. Саҳоба ва тобеин ҳамда табаа тобеинларнинг фатволари, улар қилган ижмолар, бир-бирлари билан қилган ихтилофларни тўла билиши керак. Зотан, ижмога қарши фатво бериб бўлмаганидек, якка шахснинг гапига суяниб ҳам фатво чиқарилмайди.

4. Усулул фиқҳ илми. Оят, ҳадис ва ижмодан ҳукм олиш қонун-қоидаларини тўла ва мукаммал билиши лозим. Зотан, ижтиҳод мана шу қонун-қоидаларга биноан амалга оширилади.

5. Араб тили. Араб тилининг барча лаҳжа ва шеваларидан хабардор бўлиши; балоғат ва фасоҳатини мукаммал ҳис қилиши; бадиий ва шеърий санъатларидан тўла хабардор бўлиши; мумтоз (классик) ва ҳозирги араб тилшунослиги ҳақида

[212] Қаранг: Мулло Жеван Ҳиндий. Нурул-анвор би Қамарил ақмар. – Ҳиндистон: "Алавий", 1322. – Б. 210–212; Абдулваҳҳоб Халлоф. Усулул фиқҳ. – Т.: "Адолат", 1999. – Б. 136–141; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Усулул фиқҳ. – Т.: "Шарқ", 2010. – Б. 508–521; Абдулҳамид Турсун. Ижтиҳод нима? // Ҳидоят, 4/2008. – Б. 10–11.

[213] Саъдиддин Тафтазоний. Ат-Талвиҳ. – Қозон, 1910. – Б. 594.

тўла билимга эга бўлиши лозим. Зеро, шариатга асос бўлган манбалар араб тилида экани ўз-ўзидан маълум.

6. Қиёс илми. Қиёснинг турлари, эътиборга эга шартларини мукаммал ўзлаштирган бўлиши керак. Зотан, ижтиҳод тўла равишда қиёсга бино қилингандир. Оят, ҳадис ва ижмодан далил бўлмаган воқеа ва ҳодисалар борасида уларнинг ҳукмларини таққослаш орқали ҳукм чиқариш; одамларнинг ҳаёт тарзи, урф-одатларини чуқур билиш; янгидан пайдо бўлган ҳодисаларга тўғри баҳо бера олиш салоҳиятига эга бўлиши керак.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожуш шариа Бухорий (ваф. 747/1346) ўзининг "Ат-Тавзиҳ" асарида ижтиҳоднинг шарти уч нарсани – Қуръон, суннат ва қиёсни барча жиҳатлари (луғавий ва шаръий маънолари, қисмлари, матни ва санади, ишлатилиш томонлари) билан билишдир, деб қайд этган. Саъдиддин Тафтазоний (1322–1392) бу ерда қиёсга ижмо ҳам қўшилади, деб зикр қилади[214].

Мужтаҳидлик уч хил бўлиши айтилган:

- мустақил ва мутлақ мужтаҳид;
- мунтасиб ва мутлақ мужтаҳид;
- мазҳаб ичидаги мужтаҳид.

Мужтаҳид имомлардан муайян бировига ўзини нисбат қиладиганлар мунтасиб мужтаҳид бўлиб, улар ҳурмат ва эҳтиром юзасидангина ўз устозлари мазҳабида турадилар. Аслида эса улар илмда, фиқҳий салоҳиятда, ижтиҳодий малакада мустақил бўлиб, на мазҳабда ва на усул-шароитларда имомига тақлид қиладилар. Булар ҳанафий мазҳабида Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбоний, шофиъийликда Абу Иброҳим Музаний (791–878) ва Рабиъ ибн Сулаймон (790–884), моликийликда Ибн Қосим (750–806) ва Асбағ ибн Фараж (ваф. 225/840) кабилардир. Шунинг учун улар кўп масалаларда устозларига хилоф бўлганлар.

Мазҳаб ичидаги мужтаҳидлар эса муайян имомнинг мазҳабига боғланган бўлиб, ўша мазҳабдаги усулий қои-

[214] Убайдуллоҳ ибн Тожуш шариа Бухорий. Тавзиҳ маъат Талвиҳ. – Қозон, 1910. – Б. 594–595.

даларга асосланиб ҳукм чиқаришда мустақилдирлар. Бунинг учун ўз мазҳабини тўлиқ билиши, усулий қоидалардан батамом хабардорлиги, мазҳаби қабул қиладиган аҳкомий далилларни мукаммал эгаллаши, қиёс йўлларига кўзи ўткир бўлиши, тахриж ва истинбот қоидаларини эгаллаган бўлиши шарт. Ҳанафий мазҳабида бу табақага мансуб бўлишнинг энг кичик шарти Муҳаммад Шайбонийнинг "Ал-Мабсут (Кенгайтирилган)" асарини ёд билиши, дейилган[215]. Абу Саид Бирдаий (ваф. 317/930) Бағдодда зоҳирийлик мазҳабининг асосчиси Довуд Зоҳирий (816–884) билан мунозара қилиб, уни енгган ҳанафий олими бўлиб, у Бағдодга боришидан аввал Имом Муҳаммаднинг "Ал-Жомеъ ал-кабир (Катта тўплам)" асарини тўрт юз марта ўқиб чиққан эди[216].

Умуман олганда, айтиш мумкинки, жами фиқҳ масалаларини далиллари билан билган, қўшимча равишда дуруст истинбот қила олиш малакаси ҳам бўлган одам мужтаҳиддир. Агар истинбот қила олмаса, фақиҳдир. Агар масалаларни устози ва китобдан ўрганса, уларни далиллари билан билса, фиқҳ ўрганувчидир, далилсиз билса, муқаллиддир.

МУТАҚАДДИМИН, МУТАВАССИТИН ВА МУТААХХИРИНЛАР

Ҳанафий мазҳаби фиқҳида уламоларни даврлаштириш уч хил атама билан ҳам қўлланилади:

1) салаф ёки мутақаддимин. "Салаф" сўзи илгари яшаганлар, ўтмишдошлар маъносини англатса, "мутақаддимин" сўзи олдинда кетганлар маъносини билдиради. Бундан мазҳабнинг бирламчи – мужтаҳидлар даври билинади. Бу Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийгача бўлганлар, яна ҳам аниқроғи, мазҳаббоши ва у зотнинг бевосита шогирдлари тушунилади.

[215] Фахриддин Қозийхон. Фатовойи Қозийхон. – Лакнау: "Навол кишвар", 1906. – Б. 2.; Абдулҳай Лакнавий. Ан-Нофеъ ал-кабир. – Ҳиндистон: "Алавий", 1310/1893. – Б. 6.

[216] Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафия. – Қозон, 1902. – Б. 25.

2) халаф ёки мутавасситин. Бу “изидан эргашганлар, ворислар ва ўртадагилар” маъносини билдиради. Бундан Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан бошлаб Шамсул аимма Ҳаловоний (ваф.456/1063)гача бўлган фақиҳлар назарда тутилади. Яъни, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шогирдларидан кейинги фақиҳлардан то тахминан 450/1058–1059 йилларгача яшаган фақиҳлар ушбу “халаф” ва “мутавасситин” даврига кирадилар.

3) мутааххирин. “Кейингилар, охирда юрганлар” маъносини англатган бу истилоҳ Шамсул аимма Ҳаловоний (ваф. 456/1063)дан кейин Ҳофизиддин Абул Баракот Насафийгача (1232–1310) бўлган фақиҳларни қамраб олади. Демак, 450–700/1058–1300 йилларда яшаган фақиҳлар мутааххирин ҳисобланади.

Фақиҳларни мазкур учта даврга бўлиш фиқҳий фикр ва қарашларнинг кучига ҳам таъсир қилади, албатта. Салаф ёки мутақаддиминлар табақасининг фикрлари мазҳабнинг асосий фикрини билдиради, шу фикрлар натижасида халаф ёки мутавасситинларнинг ижтиҳод ва тахрижлари юзага чиқади. Мутааххиринлар даврида эса ҳанафий мазҳабининг энг кўзга кўринган фақиҳлари етишиб чиққан. Жумладан, “Мабсут” соҳиби Шумсулаимма Сарахсий (1009–1090), “Ҳидоя” соҳиби Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197), “Мухтор” соҳиби Абдуллоҳ ибн Маҳмуд Мусилий (1202–1284) кабилар.

Юқоридаги тақсимот қатъийликни билдирмасликни ҳам айтиш даркор. Мутақаддимин деганда Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбоний (раҳимаҳумуллоҳ) ва уларнинг бевосита шогирдларини, мутааххирин деганда эса мазкур учта имомдан сабоқ олмаганларни тушунадиганлар ҳам бор. Абу Жаъфар Таҳовий (853–933) ўз асарларида мутақаддимин сифатида мужтаҳидлар ва улардан олдингилар – табаа тобеин, тобеин ҳамда саҳобаларни назарда тутган эди. Аллома Саъдуддин Тафтазонийгача (1322–1392) салаф, ундан кейингиларни халаф, дейдиган тадқиқотчилар ҳам учрайди.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДА ФИҚҲИЙ ҚАВЛЛАРНИНГ КЎПЛИГИ

Ҳанафий мазҳабидаги қавллар (фиқҳий ҳукмлар) жуда кўп. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ва у зотнинг асҳобларидан ривоят қилинган қавллар орасида баъзи бир масалалар борасидаги ривоятга айни пайтда хилоф ривоят ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Чунончи, мазҳаб имомларининг бир-бирлари билан қилган ихтилофлари бунга мисол бўла олади. Жумладан:

• Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)га икки шогирди хилоф қилган бўлиши мумкин;

• Зуфар учовига ҳам хилоф қилган бўлиши мумкин;

• Соҳибайн – Абу Юсуф билан Муҳаммад Шайбоний ўзаро бир-бирларига хилоф қилган бўлиши мумкин;

• ҳатто Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ўзидан бир-бирига зид икки ривоят етиб келган бўлиши мумкин:

– шундай икки ривоятнинг биридан қайтгани (ружуъ) аниқ бўлиши ёки қайтгани аниқ бўлмаслиги мумкин;

– аниқланмаган икки ривоятнинг қайси бири аввал, қайси бири кейин айтилгани маълум бўлмаслиги мумкин;

– шундай ҳолат ҳар бир шогирд ривоятида юз берган бўлиши ҳам мумкин ва ҳоказо.

Бундай ҳолатларда бирон масала борасида етиб келган ривоятларнинг бировини таржиҳ қилишда кейинги давр фақиҳлари ҳам ўзаро ихтилофга боришгани табиий ҳол.

Ҳанафий мазҳабидаги фиқҳий қавлларнинг турли-туманлиги сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Ривоятдаги ҳар хиллик. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ўз қавлларини жамлаб китоб қилган эмас. Уларни шогирдлари мавзуларга ажратиб жамлаганлар. Шайбоний ўз китобларида устозларининг асосий сўзларини тўплагани тўғри, бироқ бу китоблар бир хил даражада эмас. Шайбоний китобларининг қиймати унинг китобини ривоят қилган шогирдларнинг салоҳияти билан ўлчанади. Демак, ровийлар сонининг

кўплиги, уларнинг билим савиясининг турлилиги ривоятлардаги ихтилофларга таъсир кўрсатади. Ушбу ривоятларнинг таржиҳи эса таржиҳ қилувчи уламолар ижтиҳоди билан белгиланади.

Тадқиқотчилар Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан нақл қилинган ривоятларнинг ихтилофи мавжудлигига бир қанча сабаблар кўрсатганлар.

Эшитишда янглишиш. Ровий “бўлади” сўзини “бўлмайди” деб эшитгани каби.

Айтган қавлидан қайтиш. Биринчи ровий мазҳаббошининг сўзидан қайтиш билиб, қайтган қавлини ривоят этади, бошқа ровий эса уни билмасдан аввалги қавлни нақл қилади.

Мазҳаббоши бир қавлни қиёсга, яна бирини истеҳсонга кўра айтган бўлиши мумкин. Ҳар икки ровий ўзи эшитган қавлни ривоят қилади.

Бир масалада жавобнинг ўзи икки хил бўлиши мумкин: бири ҳукм, иккинчиси эҳтиёт (фатво ва тақво). Ровийлар ўз эшитганларини ривоят қиладилар.

Мазҳаббошининг қавлларининг турличалиги. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) гоҳида бир масала борасида икки хил сўз айтган. Икки сўзнинг қай бири кейин айтилгани маълум. Бундай ҳолатда кейингиси аввалгисидан келиб чиққан бўлади ёки аввалги сўзидан имом қайтган бўлади. Бундай ҳолда кейингисига амал қилинаверади. Гоҳида эса айтилган икки сўзнинг қайси бири аввал, қай бири кейингиси экани билинмайди. Шу ерда таржиҳ соҳибларига эҳтиёж тушади: улар амалиёт учун икки қавлдан энг салоҳиятлисини танлаб беришлари керак бўлади.

Бу ерда қавллар турличалиги фиқҳий малаканинг камчилигини эмас, балки ҳақиқат талабидаги ихлоснинг юқорилигини билдиради. Ҳақиқат талабида бор имкониятлар ишга солиниб, изланишлар давом эттирилади ва энг муносиб қавл ҳукм сифатида айтилади. Баъзан қиёсга кўра билдирилган раъй вақт ўтиши билан унга зид саҳиҳ ҳадиснинг маълум бўлиб қолиши натижасида тарк қилинади. Баъзан

эса ҳукмга асос бўлган қиёснинг муқобилида унданда кучлироқ қиёс юзага чиқади ва аввалги қиёс тарк этилади. Шунингдек, бирон далилга суяниб айтилган сўз кучлироқ далил чиқиб қолиши сабабли тарк этилади. Гоҳида далиллар тахриж ва таржиҳ соҳиблари томонидан пухта ўрганилиб, далилларнинг кучлисига, амалиёт учун энг муносиб бўлганига ҳукм қилинади.

Қавлларнинг турлилиги билан ривоятларни бир-биридан фарқлаш керак: қавлларнинг турлилигида уларнинг ҳар қайсиси борасида мужтаҳиднинг насси-далили мавжуд, ривоятларнинг ҳар хиллигида эса ундай эмас. Қавлларнинг турлилиги мазҳаббошининг ўзидан бўлади, нақл қилувчилардан эмас, ривоятлар ҳар хиллиги эса нақл қилувчилардан бўлади.

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шогирдларининг ихтилофи. Ҳанафий мазҳаби фиқҳини ўрганувчи асосан Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шогирдларининг кўпгина жузъий масалалар ечимида у зотга хилоф қилганларини кўради. Ҳатто баъзи шогирдлари айрим усулий қоидаларда ҳам у зотга мухолиф бўлгани мушоҳада қилинади. Гоҳида эса бу шогирдлар бир-бирларига нисбатан ҳам ихтилофли ечимларни ўртага ташлаганлар. Шуни билиш керакки, ҳанафий мазҳабида Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шогирдларининг сўзлари ҳам у зотнинг сўзлари каби эътиборлидир. Зотан, ҳанафий мазҳаби мазҳаббоши ишлаб чиққан қоидалар асосида шаклланган фиқҳий мактаб аъзоларининг турли-туман сўзлари мажмуасидир. Мазҳаббошининг ҳар хил фикрлари билан шогирдлар фикрларининг турли-туманлиги қўшилиб фиқҳий қавлларнинг кўпайишига сабаб бўлган.

Тахриж қилувчиларнинг ихтилофи. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ва у зотнинг шогирдлари жорий ва келажакда вужудга келадиган барча масалаларга ижтиҳод асосида жавоб қилишмагани табиий. Улар асосан ўз даврида юзага келган ҳодисаларга нисбатан далиллардан истинбот қилиб ижтиҳод қилганлар. Бундан ташқари, баъзи юзага ке-

лиши эҳтимоли бўлган фаразий ҳодисаларга ҳам жавоб бериб кетганлар. Юзага келиши мумкин бўлган масалага нисбатан қиёс услубларини ишлаб чиққанлар. Кейинги замон фақиҳлари қайси замонда бўлишидан қатъи назар ўша қиёсни татбиқ қилаверишлари мумкин. Демак, тахриж соҳиблари табақасидаги фақиҳлар ушбу қоидага биноан мазҳаббоши ва у зотнинг шогирдлари даврида бўлмаган ҳодисага нисбатан ўз ҳукмларини айтишлари керак. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шогирдларидан кейинги фақиҳлар бу табақага мансуб ҳисобланадилар.

Тахриж соҳиблари янги ҳодисаларга янгидан-янги ҳукмлар чиқарар эканлар, баъзида зарурат юзасидан ёки урфнинг оммавий тус олиши натижасида олдингиларга хилоф равишда фатво беришларига тўғри келиши мумкин.

Тахриж соҳибларининг кўплиги, дунёқарашлари, билимларининг ҳар хиллиги уларнинг тахрижлари ва қиёсларининг ҳар хил бўлишига олиб келиши табиий. Демак, тахриж ва таржиҳ услуби мазҳаб уфқларини янада кенгайтириб юборади.

ТАХРИЖ ВА ТАРЖИҲ

Тахриж (чиқариш)дан мурод мазҳаб имомларидан фикрлар билдирилмаган воқеаларга ҳукмлар истинбот қилиш, ишлаб чиқишдир. У мазҳаб ичида қарор топган усулий қоидаларга кўра амалга оширилади. Демак, тахриж соҳиблари табақаси мазҳабга боғланган мужтаҳидлар табақаси ҳисобланади. Уларнинг истинбот қилган ҳукмлари “воқеот” (воқеалар) ёки “фатово” (фатволар) деб аталади. Тахриж уч хил йўл билан амалга оширилади[217]:

• усулга кўра фуруъни ишлаб чиқиш: усулга суянган фуруъ тахрижи.

Бу мазҳаб имомлари айтмаган ёки улар давридан кейин пайдо бўлган ҳодиса ва воқеаларга мазҳаб имомларининг

[217] Яъқуб ибн Абдулваҳҳоб Боҳисайн. Ат-Тахриж ъинд ал-фуқаҳо вал усулиййин. – Риёз: “Мактабатур рушд”, 1414. – Б. 13–14.

оят ва ҳадислардан ҳукм олишда ишлаб чиққан қоидалари асосида янги фатволар олишдир;

• фуруъдан усулни ишлаб чиқиш: фуруъдан топилган усул тахрижи.

Бу гоҳида мазҳаб имомлари ўз фатволарига асос сифатида кўрсатиб ўтмаган масалаларга асос бўлган оят ва ҳадисларни топишдир. Бунда мазҳаб доирасида қўлланилаётган масалаларга далиллар топилади;

• фуруъдан фуруъ чиқариш: фуруъга ўхшаган фуруъ тахрижи.

Бу фиқҳий масала ва фатволар асосида янги фатво ва ҳукмлар ишлаб чиқишдир. Ўтмишда битилган фиқҳий манбаларга қиёс қилиб, янги ва замонавий фатволар чиқаришдир.

Таржиҳ (равшанлаштириш)дан мурод эса мазҳаб имомларининг турли қавллари ва ҳар хил ривоятларидан афзалини аниқлаб, равшанлаштириб беришдир. Бу таржиҳ соҳибларининг ишлари бўлиб, улар ривоят ва фиқҳий қарашлардан энг кучлисини ва энг қулайини танлашга етадиган билимга эга фақиҳлардир. Лекин далил кўрсатилмаган ҳодисаларга ҳукмлар истинбот қилишга ёки далилли ҳукмларга мухолиф бўлишга уларнинг ҳуқуқлари йўқ. Улар фақат равшанни равшан эмасидан (рожиҳни маржуҳидан), кучлини заифидан, саҳиҳ ривоятни саҳиҳ бўлмаганидан ажратишга қодир.

ТАХРИЖ ҚИЛИНГАН МАСАЛАЛАР

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ва у зотнинг икки шогирди (Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад) айтмаган, балки тахриж уламолари томонидан айтилган фиқҳий масалаларга таржиҳ соҳибларининг эътиборлари қандайлигига ҳанафий мазҳабини ўрганувчилар алоҳида эътибор беришлари керак. Масалан, кўплаб фиқҳий манбаларда келтирилган айрим масалалар аслида Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ва икки шогирдининг сўзлари эмас, балки тахриж соҳиблари ишлаб чиққан

фатволар бўлиши мумкин. Гоҳида тахриж уламолари томонидан замон ва зарурат юзасидан мазҳаб имомлари чиқарган фатвога қарши ўлароқ фатво чиқарилган бўлади.

Тахриж соҳиблари ишлаб чиққан айрим масалалар қуйидагилар:

• Қуръони карим таълимига (тиловатига эмас, албатта) ёки имоматчиликка ҳақ олишнинг жоиз экани (“Мухтасарул виқоя”, “Канзуд дақоиқ”, “Ал-Ихтиёр”);

• ҳовузнинг тоза деб ҳукм қилиниши учун унинг камида ўн газга ўн газ бўлиши кераклиги (“Мухтасарул виқоя”, “Канзуд дақоиқ”, “Ал-Ихтиёр”);

• ташаҳҳуд ўқишда ишораи саббоба қилмаслик (“Хулосатул-фатово”, “Ат-Тажнис вал-мазид”, “Мухторотун-навозил”);

• жума намозининг баъзи шартлари топилишида шубҳа пайдо бўлганида жума намозидан сўнг эҳтиёт юзасидан пешин намозини ҳам ўқиб олиш (“Муҳитул Бурҳоний”, “Ал-Кофий”, “Ал-Қуня”, “Шарҳун Ниқоя”);

• вафот этган кимсанинг намоз ва рўзалари фидясини камбағалларга бериш ўрнига барча шартлари топилган ўринда давра қилиб (“ҳийлаи шаръий” ўлароқ) ўзида олиб қолиш (“Фатовойи Сирожийя”, “Ал-Ашбоҳ ванназоир”, “Фатовойи Оламгирийя”, «Ал-Ҳовий ал-қудсий»);

• қазо намозлари ўқишда қачонги ва қайси намознинг қазосини ўқиётганлигини тайин қилиб ният қилиш. Агар билмаса, охирги ёки аввалги намози эканини айтиш (“Раддул муҳтор”);

• савдо-сотиқда бай билвафо ёки байъи жоиз савдо турининг дуруст бўлиши. Унда бир киши ўз кўчмас мулкини сотади ва қачон пулни харидорга қайтариб берса, сотган ерини олишни шарт қилади. Бу ўринда сотувчи сотган мулкини ижарага олиб туриши мумкин. Бу савдо тури “байъи омонат”, “байъи муомала”, “байъи мукраҳ”, шофиъийларда “раҳни муъод” номлари билан ҳам аталган. (“Ал-Кофий”, “Ан-Ниҳоя”, “Мажмаул анҳур”, “Баҳрур роиқ”, “Фатовойи Баззозия”).

ТАРЖИҲ ҚИЛИШ ТУРЛАРИ

Мазҳаб имомлари иттифоқ қилган ривоятда таржиҳ. Агар мазҳаб имомлари бирон бир масалага иттифоқ қилиб ҳукм айтган бўлсалар ва у “Зоҳирур ривоя”даги ривоятлардан ҳисобланса, унга фатво берилади, ундан бошқа фикр билдирилмайди.

Мазҳаб имомлари ихтилоф қилишган ривоятда таржиҳ. Агар бир масала ҳукмида икки шогирди (соҳибайн) – Абу Юсуф ва Муҳаммаддан бирови имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) билан бирга бўлса, ўша ҳукм олинади. Зотан, шартлар мукаммал, тўғри далиллар топилган бўлиши аниқ.

Агар Абу Ҳанифа бир ҳукм, унинг икки соҳиби бошқача ҳукм билдирган бўлсалар, соҳибайннинг фикри олиниши мумкин. Уларнинг ихтилофлари вақт ўтганлиги сабабли бўлган бўлса; қозилик ва муомала ишларида бўлса; зироат, қозихонага эҳтиёж тушадиган ҳолатларда бўлса, икки соҳибининг қавлига фатво бериш керак бўлади. Зотан, одамларнинг ҳолати ўзгарган бўлиши, қозилик ишларини амалда бажарганлари учун икки соҳиби яхшироқ билиши мумкин.

Бундан бошқа масалаларда (мисол учун ибодат масалаларида) таржиҳ соҳиби бўлмиш мужтаҳид ихтиёрли: у ўз раъйига кўра афзал деб топган тараф фикрига фатво беради. Абдуллоҳ ибн Муборак (737–797) бу ҳолатларда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) қавли олинади, деган[218]. Чунки унинг қавли саҳоба ва тобеинлар раъйига кўра бўлган бўлиши мумкин, бинобарин, бундай масалаларда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг қавли кучли ҳисобланади.

Кўпчилик тадқиқотчилар ибодат масалаларининг барчасида Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) сўзига, тажрибаси кўп бўлгани учун қозиликка тегишли масалаларда Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) қавлига, фароиз – мерос тақсимотига тегишли

[218] Фахриддин Қозийхон. Фатовойи Қозийхон. – Лакнау: “Навол кишвар”, 1906. – Б. 2.; Муҳаммад Иброҳим Ҳафновий. Мусталаҳотул фуқаҳо вал усулиййун. – Қоҳира: “Дорус салом”, 2007. – Б. 24.

ҳукмларда Муҳаммад Шайбоний (раҳимаҳуллоҳ) сўзига фатво берилади, дейдилар.

Мазҳаббошининг сўзи бўлмаган ўринда таржиҳ. Агар Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)дан бирон масалага ҳукм ривоят қилинмаган бўлса, унинг ҳукмини шогирдлар билдирган бўлсалар, унда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг энг катта шогирди Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) қавлига фатво берилади. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) қавли бўлмаса, Муҳаммад Шайбоний (раҳимаҳуллоҳ) қавли эътиборлидир. Сўнг Зуфар ва Ҳасан ибн Зиёд қавлига фатво берилади. Ибн Обидин (1783–1836) фикрича, улар бу мартабада тенгдирлар[219]. "Фатовойи Сирожия"да айтилишича, мазкур шогирдлари тартибига амал қилиш далилларни кучли-кучсизини ажрата олмайдиган фатво берувчилар учундир. Агар далилларни таҳлил қила оладиган фатво соҳиби бўлса, кучли далилга суянган шахснинг қавлига фатво бериши лозим[220].

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ва у зотнинг шогирдларининг қавли бўлмаган ўринда таржиҳ. Агар бирон масала ҳукмида Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ва шогирдларининг зоҳир жавоби топилмаса, таржиҳ соҳиблари қуйидагича йўл тутадилар: [221]

1) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ва у зотнинг шогирдларини топмаган мутааххирин фақиҳлар бир қавлга иттифоқ қилган бўлсалар, шунга фатво берилади;

2) агар мутааххирин уламолар ихтилоф қилган бўлсалар, аксариятининг сўзлари олинади. Аниқроғи, Абу Ҳафс Кабир (767–831), Абу Жаъфар Ҳиндувоний (ваф. 362/973), Абу Лайс Самарқандий (ваф. 393/1003), Таҳовий (853–933) каби таниқли ва эътимодли фақиҳлар қўшилган сўзига фатво берилади;

3) агар мутааххирин уламолардан ҳам бирон бир фикр айтилмаган бўлса, таржиҳ соҳиби бўлган шахс масала ечимига чуқур назар ташлайди, уддасидан чиқиш учун бор имкони-

[219] Муҳаммад Амин ибн Умар ибн Обидин Димишқий. Шарҳул манзума уқуду расмил муфтий // Расоилу Ибн Обидин. – Истанбул: "Саҳҳофия", 1320. – Б. 25–26.

[220] Сирожиддин Ўший. Фатовойи Сирожийя. – Лакнау: "Навол кишвар", 1906. – Б. 157.

[221] Жамолиддин Аҳмад Ғазнавий. Ал-Ҳовий ал-қудсий. 2-жилд. – Байрут: "Дорун наводир", 2011. – Б. 562.

ятини ишга солади, оқибатини ўйлаган ҳолда бир ечимни ўртага қўяди.

“Хония”да келтирилишича, таржиҳ соҳиби бўлмаган, ижтиҳодга қудрати етмайдиган муфтий замонасининг энг фақиҳ одамидан сўрайди, жавобни унга ҳавола қилади; агар ўз юртида бундай одам топилмаса, бошқа шаҳардаги кучли фақиҳга мактуб йўллайди ва унинг жавобига кўра фатво беради[222].

“Зоҳири ривоя”да келган қавллар ҳар хил бўлганда таржиҳ. Одатда “Зоҳири ривоя”дан нақл қилинган иккита қавл бир неча суратда зикр этилган бўлади. Фатво берувчи муфтий уларнинг суратига қараб, қуйидагича фатво беради:

– икки қавл ҳам ҳеч қандай сифатсиз зикр қилинган бўлса, фатво бериш ихтиёрли бўлади. Муфтий икки ривоятдан хоҳлаганига фатво беради;

– икки қавлдан бировига “асаҳ”, “авло”, “айсар”, “Унга фалончи фатво берган”, “Уни фалончи олган” ёки “Бу фалончининг фатвоси” сифати берилган бўлиб, бошқасига ҳеч нарса дейилмаган бўлса ҳам ҳам фатво бериш ихтиёрли бўлади. Муфтий хоҳласа, муълама қўйилган ривоятга фатво беради, хоҳласа (далили кучлилигини кўрса), ҳеч қандай сифатсиз келтирилган ривоятга фатво беради. Бунда ўзидан олдинги муфтийлар бировини муълламалик ривоятни ихтиёр қилмаган бўлсалар ёки омма халқ уни амалда қўллаётган бўлмаса, шундай қилади;

– икки қавлдан бировига “саҳиҳ”, “алайҳил фатво”, “авжаҳ”, “Биҳи юфта (унга фатво берилади!)” сифати берилган бўлиб, бошқасига ҳеч нарса дейилмаган бўлса, фатво, албатта бу хилдаги муълламалик қавлга берилиши керак. Муфтий хоҳлаганини ихтиёр қила олмайди;

– икки қавлдан бирига “саҳиҳ” ёки “мухтор”, иккинчисига “асаҳҳ” ёки “фатво” сифати берилган бўлса, муфтий биринчи қавлга, яъни саҳиҳ ва мухтор қавлга фатво беради. Икковидан бировини танлай олмайди.

[222] Фахриддин Қозийхон. Фатовойи Қозийхон. – Лакнау: “Навол кишвар”, 1906. – Б. 2–3.

Фиқҳий манбаларга нисбатан таржиҳ. Агар фиқҳий матн китобларида бир масала келса, бошқа манбалар унинг зиддини ёзсалар, таржиҳ матндаги масалага бўлади. Бу ерда мўътабар, ҳанафий мазҳабида эътиборга олинган ишончли матн китоблари назарда тутилмоқда. Чунки уларда асосан асл мазҳаб қарашлари акс эттирилган бўлади, аксар ҳолатда зоҳири ривоядан нақл қилинади.

Кейинги давр фақиҳларининг қарашлари ёки муаллифнинг ўз фатволари зикр этилган матн китоблари, жумладан, Тимиртошийнинг (1533–1595) “Танвирул абсор” (Кўзларни нурлантириш), Мулла Хусравнинг (ваф. 885/1480) “Ғурарул аҳком” (Ҳукмларнинг энг яхшиси) каби асарлар “эътиборсиз фиқҳий манбалар” қаторига киритилгани боис, танқидий ёндашиш керак бўлади.

Эътиборли матн китобларида келган масала билан фатоволардаги фатво, шунингдек, матнларга ёзилган эътиборли шарҳлардаги масала билан фатоволардаги фатво қарама-қарши бўлиб қолса, матн ва шарҳлар устун қўйилади. Бу ҳолатларда масалага аниқ бир фатво муъламаси қўйилмаган бўлса шундай қилинади. Яъни, аввал фиқҳий матндаги масала олинади, шарҳдаги масала эса фатоводаги масаладан олдинга қўйилади. Лекин бу ерда билиш керак бўлган нарса бор: матнлардаги гапда саҳиҳлик муъламаси бўлмасдан шарҳ ёки фатоволардаги унга қарама-қарши фикрга саҳиҳлик муъламаси қўйилган бўлса, албатта сароҳатан (аниқ) саҳиҳлик сифати берилган қарашга фатво бериш лозим бўлади. Яъни, “тасҳиҳи илтизомий” (саҳиҳликка ишора қилинган гап)дан “тасҳиҳи сариҳий” (аниқ муълама билан ифодаланган гап) муқаддам қўйилади.

Сўфи Аллоҳёр (1663–1724) баъзи фиқҳий манбаларнинг мартабаларини бундай тартибда зикр қилган: “Хулосатул фатово”, “Қозихон”, “Муҳит”, “Захира”, “Мултақит”, “Хизона”, “Қуня”[223]. “Одобул муфтиййин вал мустафтиййин” номли асарда машҳур ва ишончли манбаларни бу тариқа саналган: “Ал-Ҳидоя”, “Ал-Кофий”, “Қозихон”, “Ал-Фусул” (Ал-Имодий), “Ху-

[223] Сўфи Аллоҳёр. Маслакул муттақин. – Тошкент: “Порцев”, 1333/1915. – Б. 36.

лоса”[224]. “Ҳидоятул муфтиййин”да эса фатво олиш учун китобларнинг тартибини бундай зикр қилинган: “Ал-Хулоса”, “Фатовойи Қозийхон”, “Ал-Муҳит”, “Аз-Захира”, “Хизонатул муфтиййин”, “Хизонатул фатово”, “Ал-Мултақит”, “Ал-Қуня”, “Ал-Фусул”, “Ал-Ҳидоя”, “Ал-Кофий”, “Ан-Ниҳоя”, “Ал-Кифоя”. Мавлоно Фасиҳуддин (ваф. 919/1513) фатво олиш учун энг афзал ва энг яхши китоб “Хулосатул фатово” эканини қайд қилган[225].

Истеҳсонга нисбатан таржиҳ. Агар икки қавлнинг бири истеҳсон, яна бири қиёсга кўра бўлса, истеҳсонга фатво берилади. Фақат ўн битта масалада қиёсга фатво берилган. Абу Ҳафс Нажмиддин Насафий (1068–1142) уларнинг сонини йигирма иккитага етказган.

Вақфга фойдалироқ қавлга таржиҳ. Агар икки масаладан бири вақфга фойдали, манфаатли бўлса, унга фатво берилади. Шунинг учун вақф ҳуқуқини кўпроқ ишлаб чиққан Абу Юсуфнинг қарашларига фатво берилади. Демак, унинг ҳукмларидан қуйидагиларни келтириш мумкин:[226]

• вақф қилувчи ўз вақфини мутаваллийга топшириб, қозихонада расмийлаштириши шарт эмас, ошкора вақф қилганини айтиши билан қонунан кучга киради ва вақф қилинган нарса унинг мулкидан чиқади;

• шериклардан бири шериклик ерда ўз ҳиссасини вақф қилиши мумкин;

• вақф қилувчи вақфдан келадиган ҳосилни ҳаётлик даврида ўзига, вафотидан сўнг эса фақирларга бўлишини шарт қилиши ёхуд мутаваллийлик ўзида ёки авлодларида қолишини шарт қилиши мумкин;

• вақф қилувчи хоҳлаган вақтда вақфни бошқа ер (нарса)га кўчиришни шарт қилиши мумкин;

• вақф ҳосилини бирор тоифа (авлодлар, фақирлар, муддаррис ёки талабалар)га муайян қилиб шарт қилиш мумкин.

[224] Одобул муфтиййин вал мустафтиййин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 9060/XI. – В. 400[b].

[225] Мир Рабиъ ибн Мир Ниёз хўжа Ҳусайний. Рисолатур Раҳмонийя. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 9060/XII. – В. 406[a].

[226] Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожуш шариа Бухорий. Мухтасарул Виқоя. – Қозон, 1911. – Б. 132.

Агар тайинланган тоифа топилмаса, ўз-ўзидан фақирларга берила бошлайди.

Замона аҳлига мувофиқроқ бўлган қавлга таржиҳ. Агар одамлар урфига яқин, уларга осонлик туғдирадиган бўлса, ўша қавл инобатга олинади. Жумладан, уч имом Қуръон таълимига ҳақ олишни жоиз кўрмаганлар, мутааххирин фақиҳлар эса вақт ўтиши билан инсонларда ихлос камайиб кетганлиги, ҳақ олмаслик диннинг зое бўлишига сабаб бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, зарурат юзасидан Қуръон таълимига ҳақ олиш жоизлигига фатво берганлар.

Замон ўтиши билан ҳукмлар ҳам ўзгаришига зарурат, урф, ҳолатлар ўзгариши сабаб бўлади. Бундай ўзгарган ҳукмларни чиқариш билан мазҳаб доирасида турилган ҳисобланади, ундан чиқиб кетилган, бўлмайди. Ана шундай фатволарга кўчанинг лойи кийимга тегиши афв этилиши; ҳунарманд бирор нарсани қилмасдан аввал ҳақ олиши; даласига сув оладиган одам олиш вақти, сув миқдорини айтмасдан ҳақ тўлаши; ҳаммомга кирувчи у ерда туриш муддати ва сувни ишлатиш миқдорини тайин қилмасдан ҳақ тўлаши; нонни ўлчамасдан қарз олиш ва бериш мумкинлиги кабилар киради.

Мўътабар икки китобда икки ривоятга ҳам саҳиҳлик муъламаси қўйилгандаги таржиҳ. Баъзида икки фиқҳий асарда бир-бирига зид икки ривоятга фатво муъламаси қўйилган бўлади. Шунда муфтий китобнинг мўътабарроғидаги фатвога амал қилади, эътиборсизроқ китоб қавли олинмайди.

Баъзида эса мазҳабда мўътабар ҳисобланган икки асарда бир-бирига зид икки ривоятга ҳам фатво берилган бўлади. Фатво берувчи муфтий бундай ҳолатда нима қилиши керак?

Агар икки ривоятнинг ҳар бирига бир хил лафз билан фатво берилган бўлса, масалан, икки ривоят ҳам “Ҳувас саҳиҳ!” (У саҳиҳдир!) ёки “Ҳувал асаҳҳу!” (У саҳиҳроқдир!) ёхуд “Алайҳил фатво!” (Фатво унгадир!) ё “Биҳи юфто!” (Унга фатво қилинган!) деб сифатланган бўлса, муфтий ўзи хоҳлаган ривоятни олади.

Агар муълама лафзлари ҳар хил бўлса, қуйидагича йўл тутилади:

Икки ривоятнинг бирига “фатво” лафзи қўйилган бўлса, унга амал қилинади. Зотан, “фатво” лафзи фақатгина саҳиҳ ривоятга қўйилган бўлади, лекин ҳар бир саҳиҳ ривоятга ҳам фатво берилавермайди. Чунки ривоятнинг ўзи саҳиҳ бўлгани билан замон ўзгариши ёки бошқа зарурат юзасидан унга фатво берилмаслиги мумкин. Демак, “фатво” лафзи билан сифатланган ривоят икки нарсани – фатвога, яъни амал қилишга изн бўлганини ҳамда ривоятнинг саҳиҳ эканини ифодалайди.

Агар икки ривоятга ҳам “фатво” лафзи қўйилган бўлса, “Биҳи юфто!”, “Алайҳил фатво!” каби чекланган, чекланиш маъносини ифолайдиганига амал қилинади. Чунки бу “Фатво фақат шунгагина бўлади” деган маънони ифодалайди. Икковидан ҳам кўра ижмони ифодалаб келгани учун “Алайҳи амалул уммат!” (Уммат амали унгадир!) муъламаси афзал.

Агар икки ривоятнинг бирига “асаҳ”, иккинчисида “саҳиҳ” лафзи билан муълама қўйилган бўлса, кўпчилик уламолар фикрича, “асаҳҳ” дейилган ривоятга фатво берилиши керак. Баъзи фақиҳлар “саҳиҳ” ривоятга фатво беришни маъқул кўрадилар. Чунки саҳиҳ фасоднинг муқобилида, асаҳҳ эса саҳиҳнинг муқобилида бўлиб, саҳиҳни олган афзал. Баъзилар кўпинча “асаҳҳ”нинг муқобилида шозз (кам учрайдиган, мақбул бўлмаган) ривоятни топганлари учун “саҳиҳ” лафзи билан муълама қўйилган ривоятни олган афзал, дейдилар. “Ғунятул мустамлий” (Илтимос қилувчи учун етарли)да икки улуғ фақиҳдан бири “асаҳҳ”, иккинчиси “саҳиҳ” деб фатво берган бўлсалар, “саҳиҳ” дейилган фатво олинади, дейилган. Чунки икки имом ҳам буни “саҳиҳ” деган бўлиб чиқади, демак, иттифоқ қилинган қавлни олган афзал.

Бир китобда икки ривоятга ҳам саҳиҳлик муъламаси қўйилганда таржиҳ. Агар бир китобнинг ўзида икки ривоятга ҳам саҳиҳлик муъламаси қўйилган бўлса, муъламани қўйган фақиҳларга қаралади ва илми юқори бўлган фақиҳ

қўйган муъламали ривоятга фатво берилади. Агар билими тенг икки фақиҳ икки ривоятнинг бирига “саҳиҳ”, яна бирига “асаҳҳ” муъламасини қўйган бўлсалар, муфтий ихтиёрлидир.

Агар бир фақиҳ томонидан икки ривоят ҳам саҳиҳликка қарор қилинган бўлса, у ҳолда “асаҳ” дейилган ривоят олинади.

Агар бир фақиҳ томонидан икки ривоятнинг бирига “асаҳҳ”, “саҳиҳ” ёки “аҳват”, “авло” каби муъламалардан бири қўйилиб, бошқасига ҳеч нарса қўйилмаган бўлса ҳам муфтий ихтиёрли, хоҳлаган ривоятни олиши мумкин. Чунки ўша муъламанинг ўзи бошқа ривоятнинг саҳиҳлигини ифодалайди. Бироқ бу ерда муълама қўйилган ривоятни олиш афзал ҳисобланади. Бирор китобда бир масала бўйича учта қавл муъламасиз кетма-кет келтирилган бўлса, аввалгиси ёки охиргисига таржиҳ қилинади, ўртада келтирилган қавл эътиборга олинмайди.

Бошқа мазҳаб фатвоси билан тенг келиб қолганда таржиҳ. Гоҳида ҳанафий мазҳабидаги фатво билан бошқа мазҳаб фатвоси тенг келиб қолади. Шу ҳолда икковини ҳам адо этиш мумкин бўлса, икковини ҳам бажаришга фатво берилади. Масалан, таҳоратни “бисмиллоҳ” билан бошлаш ҳанафий мазҳабида суннат, шофиъийликда фарз. Агар ҳанафий мазҳабидаги кимса “бисмиллоҳ”сиз таҳорат қилса, таҳорати дуруст бўлади, шофиъийликда дуруст бўлмайди. Лекин таҳоратни янгилаш мумкин, зотан, таҳорат устига таҳорат олиш нур устига нурдир. Бинобарин, фатво берувчи “бисмиллоҳ”сиз таҳорат қилган кимсага, янгидан таҳорат олишни буюради. Бироқ мазҳаблар орасини жам қилиш мумкин бўлмаса, ҳар ким ўз мазҳабига амал қилади. Жумладан, ҳанафий мазҳабида витр намозида қунутни рукудан аввал ўқилади, шофиъийликда эса рукудан кейин ўқилади.

Икки муфтийнинг фатвоси бир-бирига тескари келиб қолганда таржиҳ. Қози бир нарсага ҳукм қилса, муфтий унинг ҳукми нотўғрилигини айтса, авом қозининг ҳукмини олишга мажбур. Агар фатво берувчи далиллар билан бир нарсанинг ҳалоллиги ёки ҳаромлигига ёхуд дуруст ё дуруст

эмаслигига фатво берса, фатво сўровчи ўшани олади, гарчи иккинчи бир фатво берувчи унинг тескарисини айтса ҳам. “Ал-Қуня”да: “Агар ҳанафийлардан икки фатво берувчи бир ҳодиса бўйича икки хил фатво берса, омма ибодатлар борасида ҳаром ва нодуруст, муомала бобида эса ҳалол ва дуруст деганнинг фатвосини олади”, дейилган[227]. “Ал-Мултақит” (“Териб олувчи”)да: “Омма халқ анча олдин ўтиб кетган уламоларнинг гапларига эмас, балки ўз замонаси уламосининг қавлларига эргашишга мажбур. Чунки даврининг уламолари аввалгиларнинг фатволарини яхши билади, тўғри тушунади”, дейилган[228].

ФАТВО ВА ТАРЖИҲДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАР

Мазҳаб қарашлари акс эттирилган ривоятлар ва масалаларнинг баъзисида фатво аломатлари кўрсатилган бўлади. Уларни умумий тарзда “муълама” деб номланган. Тадқиқотчилар уларни аниқлаб, йигирма бештача шундай истилоҳларни тақдим қилганлар. Улар қуйидагилар:

1	وعليه الفتوى	Ва алайҳил фатво!	Фатво унгадир!
2	وبه يفتى	Ва биҳи юфто!	Унга фатво берилади!
3	وبه يعتمد	Ва биҳи юътамад!	Унга суянилади!
4	وبه نأخذ	Ва биҳи наъхузу!	Уни оламиз!
5	وهو الصحيح	Ва ҳувас саҳиҳу!	У тўғридир!
6	وهو الأصح	Ва ҳувал асаҳҳу!	У тўғрироқ!
7	وهو المختار	Ва ҳувал мухтор!	У танланган!
8	وهو الظاهر	Ва ҳуваз зоҳир!	У очиқ-ойдиндир!
9	وعليه الإعتماد	Ва алайҳил эътимод!	Суянч унгадир!

[227] Абур Ражо Мухтор ибн Маҳмуд Нажмиддин Зоҳидий. Қунятул Муня ли татмимил Ғуня. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 10860/I. – B. 67[a].

[228] Одобул муфтиййин вал-мустафтиййин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 9060/XI. – B. 401[b].

10	وعليه عمل اليوم	Ва алайҳи амалул явм!	Бугуннинг амали унгадир!
11	وعليه عمل الأمة	Ва алайҳи амалул уммати!	Уммат амали унгадир!
12	وعليه عمل الأئمة	Ва алайҳи амалул аимма!	Имомлар амали унгадир!
13	وهو فتوى مشائخنا	Ва ҳува фатво машойихино!	У машойихларимиз фатвосидир!
14	وعليه في زماننا	Ва алайҳи фий замонино!	Замонамизда (амал) унгадир!
15	وهو الأظهر	Ва ҳувал азҳару!	У равшанроқ!
16	وهو الأشبه	Ва ҳувал ашбаҳу!	У ўхшашроқ!
17	وهو الأحوط	Ва ҳувалаҳвату!	У эҳтиётлироқ!
18	وهو الأوجه	Ва ҳувал авжаҳу!	У йўналганроқ!
19	وهو الأرفق	Ва ҳувал арфақ!	У фойдалироқ!
20	وهو الإحتياط	Ва ҳувал эҳтиёт!	У эҳтиёт!
21	وهو الأولى	Ва ҳувал авло!	У авлодир!
22	وهو الأيسر	Ва ҳувал айсар!	У осонроқ!
23	وبه جرى العرف	Ва биҳи жарол урфу!	У билан урф жорий бўлган!
24	وهو المتعارف	Ва ҳувал мутаориф!	Уни умумэътироф қилган!
25	وبه أخذ علماؤنا	Ва биҳи ахаза уламоуно!	Уни уламоларимиз олган!

Ушбу фатво аломатлари орасида зикр этилган “ашбаҳ” (ўхшашроқ) атамаси “ушбу ривоят далилга энг ўхшаши, ақлга энг муносиби”, “авжаҳ” (йўналганроқ) атамаси эса “далилнинг далолати ушбу ривоятга бошқаларидан кўра энг кўп йўналган”, деган маъноларда қўлланилади. “Алайҳи амалул явм” атамасидаги “бугуннинг амали”дан мурод мутлақ замон бўлиб, қайси даврда айтилишидан

қатъи назар уни муфтий қабул қилиши керак бўлади. “Эҳтиёт”дан мақсад эса икки далилнинг кучлисига амал қилиш демакдир.

Хайриддин Рамлий (1585–1671) ўз фатво китобида муъламалардаги баъзи лафзлар баъзисидан таъкидлироқ, бошқасидан кучлироқ эканини баён қилган. “Фатво” лафзи ҳар қандай сийғада келса ҳам “саҳиҳ” ва “асаҳ” ёки “ашбаҳ”, “аҳват”, “азҳар” лафзларидан, “ва биҳи юфто!” атамаси “ал-Фатво алайҳи!”дан, “асаҳ” эса “саҳиҳ”дан, “аҳват” эса “эҳтиёт”дан таъкидлироқ ҳисобланади[229].

Сўфи Аллоҳёр (1663–1724) айтишича, “Ал-Азҳар” билан “Ал-Асаҳ”нинг орасидаги фарқ шуки, “Ал-Азҳар” муъламаси қўйилган ривоят машҳур бўлади, “Ал-Асаҳ”даги ривоятнинг далили эса кучли ҳисобланади. “Ас-Саҳиҳ” муъламаси қўйилса, демак, ундан бошқа ривоятлар тўғри эмаслигини билдиради[230].

“Ала” олд қўшимчаси (предлог) билан келган муълама “бо” олд қўшимчасидан муқаддам қўйилади. Шунга кўра “алайҳил фатво!” муъламаси “биҳи юфто!”дан кучли деб топилади. Мутлақ келтирилган муълама “фалончиники” каби қайд қилинган (муқайядлиси)дан муқаддам туради. Демак, “алайҳил амал!” муъламаси “фалончининг амали шунгадир!” сифатли масаладан олдинга қўйилади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, “Бил ижмо”, “Бил иттифоқ”, “Ҳувал қиёс” каби сифатлар гарчи фатво муъламаси бўлмаса-да, лекин икки масаланинг бировига таржиҳ қилишда аҳамиятли ҳисобланади[231].

---

[229] Хайриддин Рамлий. Фатовойи Хайрийя. II жуз. – Булоқ: “Матбаатул Кубро”, 1300/1883. – Б. 231.

[230] Сўфи Аллоҳёр. Маслакул муттақин. – Тошкент: “Порцев”, 1333/1915. – Б. 34–37.

[231] Мир Рабиъ ибн Мир Ниёз хўжа Ҳусайний. Рисолатур Раҳмонийя. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 9060/XII. – В. 406[a].

ЧИҚАРИЛГАН ФАТВО ВА ҲУКМНИНГ ИНОБАТГА ЎТИШ-ЎТМАСЛИГИ

Абу Зайд Дабусий (978–1039) фатво берувчи тўртта илмни – фиқҳ (усул ва фуруъ), асар (оят ва ҳадис), ижтиҳод (қиёс) ва тақво (зуҳд, тасаввуф)ни билмоғи шарт, деган эди. Фатво берувчи ва шу фатво бўйича ҳукм қилувчининг чиқарган фатво ва ҳукмларида қуйидагилар бўлиши шарт, дейилади, акс ҳолда инобатга ўтмайди:

1) фатво чиқарилаётган ва ҳукм қилинаётган ҳодиса тўла ва очиқ баён этилиши лозим;

2) агар даъвогарлар даъвоси бўлса, у билан бирга жавобгарлар жавоби ҳам кўрсатилиши керак;

3) фатво бўйича чиқарилган ҳукм аниқ бўлиши керак;

4) фатво чиқаришда суянилаётган фиқҳий манба аниқ кўрсатилиши керак;

5) чиқарилган фатво ижмога ва тўрт мазҳабнинг фиқҳий қарашларига зид бўлмаслиги лозим;

6) чиқарилган фатво фатво берувчининг ўз мазҳабига кўра бўлиши керак;

7) фатвога далил бўладиган бирламчи манбалар – оят, ҳадис ва ижмо фақат фатво сўровчи сўраган тақдирдагина кўрсатилади.

Муфтий фатвосининг инобатга олиниш ёки олинмаслиги қуйидаги ҳолатлардан биттасида бўлиши мумкин:

• одатда фатво берувчи (муфтий) ўз мазҳаби доирасида энг мақбул ва энг рожиҳ қарашга кўра фатво беради. Ҳанафий мазҳабида бу – зоҳири ривоя масалалари ёки фиқҳий матн китобларидаги мақбул саналган масала ёхуд шарҳ ва фатволардаги фатво олиниши лозим бўлган муъламага эга ҳукм (таржиҳ қилинган фатво) бўлиши мумкин. Бу ҳолатда фатво берувчининг чиқарган фатвоси албатта инобатга олиниши вожиб. Зотан, унинг бу ҳукми шариат ҳукми сифатида қаралади, унга эътироз билдириш ёхуд инобатга олмаслик шариатга хилофдир. Илм аҳлига, раҳбарга итоат қилиш оятда таъкидланган;

• мазҳаб ичида ихтилофли бўлган масалада бир ҳанафий фақиҳининг фиқҳий қараши бўйича фатво чиқарилса, унинг фатвосини бошқа муфтий ва қозилар инобатга олиши керак. Жумладан, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг қавлига эмас, Абу Юсуф ёки Муҳаммад Шайбоний ёхуд Зуфар қавлига кўра фатво чиқариши ихтилоф ва жанжалларга сабаб бўлмаслиги учун унга қўшилиш кераклигини билдиради. "Мухтасарул Виқоя"да бу алоҳида таъкидланган бўлиб, ихтилофли ривоятга асосланиб чиқарилган фатво "мужмаъ алайҳи"га, яъни "ижмо қилинган фикр"га айланади, дейилган[232]. Муҳаммад Шайбонийнинг "ал-Жомиъ ас-сағир" асарида "Фақиҳлар ихтилоф қилган нарса бўйича қози ҳукм қилса, бошқа қози ундан бошқа фикрни билса ҳам ўшани юритади", дейилган[233].

Шунинг учун муфтий томонидан ҳанафий мазҳабидаги бирор фиқҳий манбага асосланиб чиқарилган фатвога қарши чиқиш тўғри эмас, балки ҳар қандай ҳолатда уни қўллаб-қувватлаш керак бўлади. Зотан, ихтилофларга барҳам бериш, фитналарга йўл қўймаслик, аҳли илмлар ҳамда уларга эргашган омма иттифоқда, бирдамликда бўлиши шариат мақсадларидан биридир;

• ҳанафий мазҳаби фиқҳига оид манбаларда таъкидланишича, фатво берувчи кимса ўзи ҳанафий бўла туриб, агар ҳанафийликдан бошқа мазҳабга кўра фатво берса, унинг фатвоси юрмайди. Хоҳ у бошқа мазҳабга кўра фатво чиқараётганини билиб, қасддан шундай қилган бўлсин, хоҳ билмасдан шундай фатво чиқариб қўйган бўлсин, фарқи йўқ[234]. Абу Бакр Косоний (ваф. 587/1191) "Бадоеус саноеъ"да: "Ихтилофли ўринда барча фақиҳларнинг (ҳанафий мазҳабидаги) гапларидан ташқари ҳукмга фатво берса, жоиз эмас. Чунки у ҳақиқат эмас ва берилган фатво қатъиян ботил бўлади", де-

[232] Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожуш шариа Бухорий. Мухтасарул Виқоя. – Қозон, 1911. – Б. 145.

[233] Муҳаммад Шайбоний. Ал-Жомеъ ас-сағир. – Ҳиндистон: "Алавий", 1310. – Б. 122.

[234] Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдурашид Бухорий. Хулосатул фатово. IV жилд. – Лакнау: "Навол кишвар", 1329. – Б. 26; Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожуш шариа Бухорий. Мухтасарул Виқоя. – Қозон, 1911. – Б. 145; Камолиддин ибн Ҳумом. Фатҳул қадир. V жилд. – Миср: "Амирия", 1316. – Б. 487–492; Ибн Обидин. Раддул муҳтор. VIII жилд. – Байрут: "Дорул кутубил илмия", 2003. – Б. 97-98;

ган[235]. Зотан, мазҳаб доирасидаги бирор фиқҳий қарашга далил ва ҳужжатлар келтирилган бўлса, янги бир ижтиҳодга асло ўрин қолмайди[236];

• оят ёки машҳур ҳадисга хилоф равишда фатво бериш ҳам фатвонинг тўғри чиқарилмаганини билдиради ва у асло эътиборга олинмайди. Шунинг учун ҳанафий мазҳабининг энг ишончли фиқҳий манбаси бўлмиш "ал-Ҳидоя"да уч талоқ қилинган аёлни "ҳалола" қилмасдан эри қайта никоҳига олиш мумкинлиги ҳақида қози томонидан чиқарилган фатвонинг эътибори йўқлиги айтилган[237]. Чунки "Сиҳоҳи ситта"да келтирилган машҳур ҳадиси шарифда уч талоқ қилинган аёлдан бошқа эр бирга бўлиши кераклиги уқтирилган[238];

• авомнинг мазҳаби унга фатво берувчи кимсанинг мазҳабига кўра бўлиши кераклигини Ибн Обидин (1783–1836) таъкидлаган[239]. Шунга кўра, фатво берувчи идораларда эътироф этилган мазҳаб вакилларидан уламолар бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда бир мазҳабда тўғри келмаган масала ҳукмини бошқа мазҳаб вакилидан тўғри келтириб фатво чиқарилади. Зарурат юзасидан бошқа мазҳаб ҳукми бўйича фатво чиқариш жоизлиги фиқҳий манбаларда зикр қилинган. Жумладан, Хайриддин Рамлий (1585–1671) ҳанафий олими йўқ ерда шофиъий олими фатво бериб юборса, кейин ҳанафий олими уни инобатга олиши лозимлигини уқтирган[240].

---

[235] Абу Бакр ибн Масъуд Косоний. Бадоеъус саноеъ фий тартибиш шароеъ. VII жилд. – Байрут: "Дорул кутубил илмия". – Б. 4.

[236] Қаранг: Шайх Аҳмад ибн Муҳаммад Зарқо. Шарҳул қавоидил фиқҳийя. – Байрут: "Дорул қалам", 2001. Б. 147–150.

[237] Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя. I жилд. – Лакнау: "Юсуфий", 1316. – Б. 379.

[238] Мазкур маънодаги ҳадиси шарифнинг ровийлари ва ривоят йўллари кўп бўлиб, улардан энг муҳимларини қуйидагича баён қилиш мумкин: Бухорий 2/147, 3/460, 4/74 ва 132; Муслим 4/154, 155; Абу Довуд 2311; Насоий 2/80, 97, 98; Термизий 1/208, 209; Ибн Можа 1932; Доримий 2/161, 162; Байҳақий 7/373–375; Таёлисий 1437, 1473; Ибн Абу Шайба 1/7/40; Ибн Ҳиббон 4119–4122; Дорақутний 4021; Аҳмад 2/25, 62; 3/284; 6/34, 37, 38, 226, 229; Табароний "Авсат" 1/176/1–2; Молик 2/531/17; Ибн Жоруд 682, 683.

[239] Ибн Обидин. Радд ал-муҳтор ало Дурр ал-мухтор. 6-жилд. – Байрут: "Дорул кутубил илмия", 2003. – Б. 133.

[240] Хайриддин Рамлий. Фатовойи Хайрийя. II жуз. – Булоқ: "Матбаатул Кубро", 1300/1883. – Б. 5.; Ибн Обидин. Радд ал-муҳтор ало Дуррал-мухтор. 6-жилд. – Байрут: "Дорул кутубил илмия", 2003. – Б. 158.

• гоҳида, зарурат тақозосига кўра, ҳанафий мазҳабида ҳам, эътироф қилинган бошқа уч мазҳабда ҳам, шу пайтгача чиқарилган фатвога тескари фатво чиқаришга тўғри келади. Зотан, “Замонлар ўзгариши билан ҳукмлар ҳам ўзгариши мумкин”, “Зарурат ман қилинганларни мубоҳ (рухсат) қилади”, “Фуқароларнинг тасарруфи маслаҳатга боғлиқ” каби фиқҳий қоидалар мана шуни тақозо қилади. Бу ҳолатда ҳукм ўзгараётганининг сабаблари очиқ кўрсатилиши; қониқарли далиллар билан таъминланиши; давр уламоларининг унга қўшилганлиги ҳақидаги маълумотларнинг тақдим этилиши зарур. Акс ҳолда якка шахснинг ҳукми инобатга ўтмайди.

Ҳанафий мазҳаби китобларида келтирилган рамзлар:

Лаҳу (له) – (унинг учун, уники). Ҳу замиридан Абу Ҳанифа ирода қилинади.

Индаҳу (عنده) – (унинг наздида, унинг олдида). Мутлақ ўринларда қараш Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг наздида эканлигини билдиради. Агар ундан олдин бирон фақиҳнинг номи ўтган бўлса, ўша фақиҳнинг фикрий қараши зикр қилинаётган бўлади.

Анҳу (عنه) – (ундан, ўшандан). Абу Ҳанифа назарда тутилади.

“Индаҳу” билан “анҳу”нинг фарқи шуки, биринчиси Абу Ҳанифа мазҳабининг асосий фиқҳий қарашини ифодалайди, иккинчиси эса Абу Ҳанифадан қилинаётган бир ривоятни кўрсатади.

Лаҳумо, индаҳумо, анҳумо, мазҳабуҳумо (لهما، عندهما، عنهما، مذهبهما) – (икковиники, икковининг наздида, икковидан (ривоят), икковининг мазҳаби). Бу лафзлардаги ишорадан Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг икки шогирди Абу Юсуф ва Муҳаммад назарда тутилади.

Ал-Аиммат ас-салоса (الأئمة الثلاثة) – (уч имом). Булар Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф, Муҳаммад бўлиб, ҳанафий мазҳаби ичидаги бош имомлар назарда тутилади. Агар гап бошқа мазҳаблар фикри ҳақида кетаётган бўлса, у ҳолда Имом Молик, Имом Шофиъий ва Имом Аҳмад назарда тутилади.

Соҳибул мазҳаб (صاحب المذهب) – (мазҳаб эгаси). Бундан Абу Ҳанифа назарда тутилади.

Ас-Соний (الثانى) – (иккинчи). Бундан Абу Юсуф назарда тутилади.

Ас-Солис (الثالث) – (учинчи). Бундан Муҳаммад Шайбоний назарда тутилади.

Шайхони, шайхайн (شيخان، شيخين) – (икки шайх). Бундан Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф назарда тутилади. Абу Юсуф Муҳаммад Шайбонийнинг устози бўлгани учун шайхлар қаторига қўшилган.

Тарафони, тарафайн (طرفان، طرفين) – (икки тараф). Бундан Абу Ҳанифа ва Муҳаммад Шайбоний назарда тутилади.

Соҳибони, соҳибайн (صاحبان، صاحبين) – (икки соҳиб). Бундан Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбоний назарда тутилади.

Имом (الإمام) – (имом). Ҳанафий мазҳаби фиққи китобларида келса, мазҳаб соҳиби Имоми Аъзам Абу Ҳанифа тушунилади. Умумий усулул фиққга оид китобларда Фахриддин Розий (ваф. 656/1258), каломда Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944), наҳв ва балоғатга оид фанларда Абдулқоҳир Журжоний, ҳикмат ва мантиқда Абу Али ибн Сино тушунилган.

Имомус соний (الإمام الثانى) – (иккинчи имом). Бундан Абу Юсуф назарда тутилади.

Имомур раббоний (الإمام الربّانى) – (Раббоний имом). Бундан Муҳаммад Шайбоний назарда тутилади.

Ал-Машойих (المشائخ) – (машойихлар). Бундан Абу Ҳанифадан сабоқ олмаган фақиҳлар назарда тутилади.

Ал-Муҳақиқ (المحقق) – (таҳқиқ қилувчи). Бундан мутааххир ҳанафий уламоларининг истилоҳида “Фатҳул қадир” китобининг муаллифи Камолиддин ибн Ҳумом назарда тутилади.

Асҳоб, асҳобуно (الأصحاب، أصحابنا) – (суҳбатдошлар, асҳобларимиз). Бундан Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари назарда тутилади.

Уламоуно (علمائنا) – (бизнинг уламоларимиз). Бундан Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари назарда тутилади.

Ал-Уламо ас-салоса (العلماء الثلاثة) – (уч нафар олим). Бундан Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад назарда тутилади.

Ал-Омма (العامّة) – (умумфақиҳлар). Бундан Машойих фақиҳларнинг кўпчилиги назарда тутилади. Баъзида фақат Ироқ фақиҳлари назарда тутилади.

Қолу (قالوا) – (айтдилар). Бу сўз фақиҳлар ихтилоф қилган ривоят борасида ишлатилади.

Қийла (قيل) – (айтилди). Заиф ривоятга нисбатан ишлатилади.

УСУЛУЛ ФИҚҲ ВА ФУРУЪУЛ ФИҚҲДА ИШЛАТИЛАДИГАН ИСТИЛОҲЛАР

Ал-Фарз (الفرض) – (фарз). Қатъий ва шубҳасиз далил билан буюрилган, далилида ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган амал. Уни қилиш билан катта савоб олинади, узрсиз тарк этиш билан эса қаттиқ азобга дучор бўлади. Уни инкор этган ва енгил (истихфоф) санаган кимса кофир бўлади. Фарз бевосита Қуръони карим, кейин мутавотир ёки машҳур деб аталадиган ҳадиси шариф ҳамда ижмо ила исботланган бўлиши лозим. Фарз икки хил бўлади: **“фарзи айн”** ва **“фарзи кифоя”**. Фарзи айнни ҳар бир балоғатга етган, ақли-ҳуши жойида бўлган мусулмон бажариши шарт ҳисобланади. Фарзи кифоя эса барчага лозим, бироқ баъзи мусулмонлар бажариши билан бошқалардан соқит бўлади. Фарз яна моҳиятига кўра икки турга бўлинади: **“фарзи илмий”** ва **“фарзи амалий”**. Фарзи илмий илм аҳли иттифоқи билан қатъий белгилаб қўйилган ҳақиқий фарз бўлиб, илмга кўра ҳам, амалиётда ҳам фарз ҳисобланади. Фарзи амалий эса илмга кўра вожиб ўрнида бўлиб, амалиётга келганда фарз даражасидадир. Бу икки турни аксар ҳолатда **“фарзи қатъий”** ва **“фарзи зонний”** ҳам деб аталади.

Ал-Вожиб (الواجب) – (вожиб). Қатъий бўлмаган далил билан талаб қилинган амал. Унинг далили бор, лекин фарзлигига шубҳа бўлади. Бу далил оят, ҳадис ва ижмодан олинган бўлиши мумкин. Уни қилиш билан савоб олинади, узрсиз тарк қилиш билан гуноҳга қолади. Инкор қилган кимса кофир бўлмайди, балки фосиқ ҳисобланади. Фиқҳий

манбаларда “вожиб” атамаси мутлақ келтирилганда, фарз ҳам тушунилиши мумкин. Вожиб ҳам гоҳида **“вожиби айн”** ва **“вожиби кифоя”**га бўлинади. Оқилу болиғ ҳар бир мусулмон бажариши вожиб бўлгани вожиби айн бўлса, баъзилар қилиши сабабли бошқалардан масъулият кўтарилса, вожиби кифоя бўлади. Фарз билан суннат ўртасида алоҳида вожиб амали ва тушунчаси борлиги ҳанафий мазҳабига хос бўлиб, бошқа мазҳабларда бундай алоҳида амал тури йўқ.

Ас-суннат (السنة) – (суннат, муқаддас одат). Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёки хулафои рошидиннинг давомли қилган амаллари ёки таъкидлаб буюрганлари суннат ҳисобланади. Уни тарк қилиш билан маломатга қолиш мумкин. Суннат икки турга бўлинади: **“суннати ҳудо”** ва **“суннати завоид”**. Суннати ҳудо (ҳидоятга сабаб бўлмиш муқаддас одат) Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ибодат тарзида бажарган амалларидир. Мусулмонларга айнан шу турдаги суннатларни қилиш таъкидлангани учун уни **“суннати муаккада”** (таъкидланган суннат) ҳам дейилади. Суннати завоид (зиёда суннатлар) эса Пайғамбар (с.а.в.)нинг одатлари, инсоний феъл-атворлари асосида шакллантирилган. Суннати ҳудо ёхуд муаккада ўз навбатида **“суннати айн”** ва **“суннати кифоя”**га бўлинади. Суннат атамаси гоҳида вожибга ва гоҳида мустаҳабга нисбатан ҳам қўлланилади. Суннати ҳудони узрсиз тарк қилиш билан гуноҳ орттирилади; макруҳ бўлади; маломатга қолинади; енгил санаш (истихфоф) ва ҳақоратлаш билан куфрга кетилади. Суннати завоидни тарк қилиш билан макруҳлик содир бўлмайди; маломатга мустаҳиқ ҳисобланмайди.

Ал-мустаҳабб (المستحبّ) – (мустаҳаб, мақбул саналган). Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир марта қилиб, бошқа пайт бажармай қўйган амаллари “мустаҳаб” деб номланган. Шунингдек, саҳоба ва тобеинларнинг яхши кўриб бажарган ишлари ҳам “мустаҳаб” жумласига кириши мумкин. У суннати завоиддан пастроқ даражада бўлиб, адо

қилганга савоб берилади, тарк қилган эса маломат қилинмайди. Уни тарк қилиш доимо ҳам макруҳ ҳисобланавермайди, чунки бирор амалнинг макруҳ бўлиши учун махсус (алоҳида) далил бўлиши керак. Лекин мустаҳабни адо қилишга киришилгандан сўнг тарк қилиш ярамайди, уни охирига етказиш керак бўлади. Мустаҳабнинг номлари кўп, унинг **“мандуб”**, **“нафл”**, **“татаввуъ”**, **“адаб”**, **“фазилат”** каби номлари бор. Мустаҳаб – шариат соҳиби яхши кўргани ва далилини айтгани; мандуб – унинг фазилат ва савобини баён қилиб мақтагани; нафл – у орқали фарз ва вожибларга қўшимча савоб ато этилгани; татаввуъ – уни бажарган кимса хос буйруқ бўлмаса ҳам ўз ихтиёри билан адо этгани; фазилат – уни қилган одам фазилатли ҳисобланган; адаб – уни бажарувчи одобли бўлгани учун ҳам амал шу номлар билан аталган. Мустаҳаб атамаси гоҳида суннатга нисбатан ҳам ишлатилади.

Ал-ҳаром, ал-муҳаррам (الحرام، المحرّم) – (ҳаром). Оят, мутавотир ва машҳур ҳадис ёки ижмодаги аниқ далил билан қатъий тақиқланган амал. Уни тарк қилиб савобга эга бўлинади, уни бажарган одам катта гуноҳга қолади. Уни ҳалол санаган кимса кофир бўлади. Ҳаром ҳам ўз навбатида **“ҳаром ли айниҳи”** (айнан ўзи ҳаром) ва **“ҳаром ли ғайриҳи”** (бошқа сабаб билан ҳаром) каби турларга бўлинади. Баъзилар “ҳаром ли-ғайриҳи”ни инкор қилиш билан кофир бўлинмайди, десалар, айримлар ҳатто сағира гуноҳни ҳалол санаш билан ҳам куфрга кетилади, деб ҳисоблайдилар.

Макруҳи таҳримий (المكروه تحريمًا) – (ҳаромга яқин макруҳ). Шариат эҳтимолли, қатъий бўлмаган далил (яъни, бир неча эҳтимолли, бир неча таъвилли оятлар ёки оҳод деб аталадиган саҳиҳ ҳадислар) билан қатъий тарзда қайтарилган амал. Уни қилмаслик билан савобга, қилиш билан эса гуноҳга эга бўлинади. Ҳалол санаган одам кофир бўлмайди, лекин шафоатдан маҳрум бўлиб қолиши таъкидланган. Шу жиҳатдан у “вожиб”нинг қарама-қаршисида турадиган амал. Фиқҳий манбаларда “макруҳ” атамаси мутлақ келганда,

“макруҳи таҳримий” назарда тутилган бўлади. “Макруҳ” атамасини Муҳаммад Шайбоний гоҳида “ҳаром”нинг ўрнида ҳам ишлатган.

Макруҳи танзиҳий (المكروه تنزيهًا) – (ҳалолга яқин макруҳ). Шариат қатъий тарзда қайтармаган амал, лекин мулойимлик билан уни тарк қилиш авлолиги таъкидланган. Вожибнинг тарки – макруҳи таҳримий, суннатнинг тарки – макруҳи танзиҳий, дейдиган уламолар ҳам бор.

Ал-мустакраҳ (المستكره) – (макруҳ саналган). Уламолар макруҳ санаган амал. У макруҳи танзиҳий даражасидаги ва ундан гуноҳи камроқ бўлади. Уни одобсизлик, мурувватсизлик, инсонга зарари бор нарсаларга нисбатан уламоларимиз қўллайди. Масалан, қайноқ чой истеъмол қилиш, қўл ювганда қўлни силкитиш кабилар.

Ал-мубоҳ (المباح) – (мубоҳ, ижозат берилган). Қилиш ёки қилмаслик ихтиёри тенг берилган амал. Шунинг учун уни қилган кимсага савоб, қилмаган одамга гуноҳ бўлмайди. Умумий фиқҳий қоидага кўра, ҳаром бўлмаган ёки тақиқланмаган барча нарсалар мубоҳ ҳисобланади. Бироқ мубоҳни қилмаслик билан инсон ҳалокатга учрайдиган бўлса, уни бажариш вожибга айланиб қолади.

Ал-муфсид (المفسد) – (бузувчи). Шаръий амалларни бузувчи нарса. Шаръий амални бажаришни бошлагандан сўнг уни узрсиз, қасддан бузиш гуноҳ ҳисобланади. Унга тавба қилиши ва у бузилган амални қайта адо этиш лозим.

Ал-ботил (الباطل) – (ботил, пуч, беҳуда). Бирон амалнинг аслига зарар етказиш. Бундай ботил иш билан амал рукни умуман йўқ бўлиб кетади.

Ал-фосид (الفاسد) – (бузуқ). Бирон амалнинг васфига зарар етиши. Бу билан ўша амалнинг асли йўқ бўлиб кетмайди, балки агар фасод йўқолса, яна амал тўла давом этиши мумкин.

Ло баъса (لا بأس) – (зарари йўқ, ҳечқиси йўқ). Мубоҳ амалга нисбатан ишлатилади. Бу ибора бажариш жоиз, бироқ тарк қилиш афзал амалга қўлланади. Шунинг учун Шумсулаимма Сарахсий (1009–1090) уни қилиш билан

савобга эга бўлинмайди, деган. Гоҳида “ло баъса” мандубга нисбатан ҳам ишлатилади. Айрим ҳолларда суннати завоиднинг таркида “ло баъса” атамаси қўлланилади.

Яжузу (يجوز) – (жоиз бўлади). Бу билан амални бажариш мумкин, уни қилишда амал бузилиб кетмайди, саҳиҳ бўлаверади, деган маъно тушунилади. Демак, “жоиз бўлади” ёки “саҳиҳ бўлади” деган амалда макруҳлик ҳам қамраб олинган бўлади. Зотан, макруҳлик билан амал бузилиб кетмайди, дуруст бўлаверади, бироқ нуқсонли бўлади. Гоҳида бу билан мубоҳ, яъни шариат рухсат берган амал ҳам ирода қилинади. Айрим ҳолатларда эса вожиб амалга ҳам ишора қилиниши мумкин.

Янбағий (ينبغى) – (шуни қилиш керак, қилишга мажбур, қилмоқ зарур). Мутааххирин фақиҳлар уни мандуб амалларга нисбатан ишлатишади. Мутақаддиминлар эса мандубга ҳам, вожиб амалларга нисбатан ҳам ишлатганлар. Шунинг учун баъзи манбаларда “янбағий” мустаҳаб ва суннатдан юқори, вожибдан пастроқ амалга нисбатан қўлланилиши таъкидланган. Демак, **Ло янбағий** (қилмаслик зарур) атамаси шариат ман қилган амалга нисбатан қўлланилади.

Истисҳоб (استصحاب) – (ўзи билан олиб кетмоқ). Бирор ҳукмни аввалдаги ҳолидек кейинги даврда ҳам қолдирмоқ. Сабаби уни ўзгартирадиган муғаййир – ўзгартирувчи далил топилмаган бўлади. Шунга кўра, масалан, таҳорати бор одам таҳорати синганига шубҳа қилса, таҳорати синмаган, деб ҳукм қилинади.

Тамликотул арбаа (تمليكات أربعة) – (тўрт хил эгалик қилиш). Бир муайян нарсани бирор нарса эвази-бадалига берса “байъ” (савдо), эвазсиз берса “ҳиба” (совға), муайян нарсанинг мулк эгалик ҳуқуқини эмас, балки ундан фойдаланишни, манфаатини бирон нарса эвазига берса “ижара”, фойдаланишга эвазсиз берса “орият” (қарз)дир.

Хилофул авло (خلاف الأولى) – (авлонинг акси, мақбулга зид). Бирор амалдан қайтариш учун қўлланиладиган атама бў-

либ, асосан, макруҳи танзиҳий ва ундан ҳам пастроқ қайтариқларга нисбатан ишлатилади.

Ал-мужтаҳаду фиҳи (المجتهد فيه) – (унда ижтиҳод бор). Дуруст ижтиҳод қилиш мумкин бўлган ўрин: оят, ҳадис ва ижмога мухолиф бўлмаган, мазҳаб соҳиблари фатво бермаган масала. Агар мужтаҳиднинг раъйи бўлса, у борада янги ижтиҳод ярамайди, албатта.

Мафҳумул мухолафа (مفهوم المخالفة) – (тескари тушунча). Бирор далили бор ҳукмнинг тескарисидан далили йўқ ҳукмни чиқариш. Масалан, маст қилувчи нарсалар истеъмоли ножоиз, деган ҳукмдан маст қилмайдиган нарсалар истеъмоли жоиз эканини англаш. Ҳанафийлар мафҳуму мухолафани далил сифатида қўлламайдилар. Чунки ҳукмнинг тескарисидан ҳукм чиқариш учун унга алоҳида далил шарт, дейилади. Фақат баъзи ҳанафийлар уни қиёс билан чиқариладиган ривоятларда қўллаш мумкин, дейдилар. Мафҳумул мухолафа билан бирга **мафҳумул мувофақа** (мувофиқ тушунча) атамаси ҳам ишлатилади. Мафҳумул мувофақа, масалан, маст қилувчи нарсанинг ножоизлиги ҳақидаги ҳукмдан наша чекишнинг ҳам ножоизлигини фаҳмлашдир.

Ло хайра (لا خير) – (яхшилик йўқ). Кўпинча ҳаром амалга нисбатан ишлатилади. Чунончи, “Ал-ҳидоя”да шу хилда қўлланилган. “Салоти Масъудий”да: “Ло хайра” атамасини бажариш дуруст бўлмайдиган ишга нисбатан ишлатилади”, дейилган.

Ҳасан (الحسن) – (чиройли, яхши). Суннатдан пастроқ амалга нисбатан қўлланилади ва бундан мустаҳаб тушунилади. Муҳаммад Шайбоний уни суннатга нисбатан ҳам ишлатган.

Лайса лаҳу (ليس له) – (унинг учун эмас, унга эмас). Мақбул бўлмаган, мустаҳаб бўлмаган амалга нисбатан қўлланилади. Чунончи “Ал-ҳидоя”да ҳам шу маънода ишлатилган.

Аш-шубҳа (الشبهة) – (шубҳали). Асосан ҳаромга яқин амалга нисбатан ишлатилади. Бундан кўпинча макруҳи таҳримий назарда тутилган бўлади.

Ло уҳиббу лаҳу (لا أحبّ له) – (уни яхши кўрмайман). Кароҳиятга яқин ва ундан паст даражада турадиган амалга нисбатан қўлланилади. Жумладан, “ал-Муҳит” (Уммон) асарида шу хилда ишлатилган.

Умумул балво (عموم البلوى) – (синовнинг оммавийлиги). Бирор иш, аниқроғи, шариатда ман қилинган ишнинг оммавий тус олиб, илм ва амалда ниҳоят даражада тарқалиб кетиши бўлиб, шунинг натижасида ундан сақланиш мумкин бўлмай қолишидир. Бу ҳолатда ҳанафий мазҳабида ўша нарсанинг рухсат берилишига мажбур бўлинади. Оёқ кийимига нажосат тегса, уни ерга ишқаш билан пок бўлиши; кийимдаги қуриган манийни ишқаш билан тозаланиши; қушларнинг тезаги кийимга тушса ёхуд йўллардаги сувлар ва лойлар кийимга тегса, нажас қилмаслиги; кийимга игна бошларидек сийдик сачраши ёки ҳожатхонадаги пашша, чивинлар кийимга қўниши натижасида кийим нажас ҳисобланмаслиги кабиларга умумул балво қоидасига кўра фатво берилган.

ҲАНАФИЙ ФИҚҲИДАГИ КИТОБЛАР, УЛАРНИНГ МАРТАБАЛАРИ

Матн, шарҳ, фатво ва бошқа турли услубларда ёзилган ҳанафий мазҳабидаги китоблар қанчадан-қанча фиқҳга доир масалалар билан тўлган. Улар орасида мазҳабнинг мутақаддим имомлари Абу Ҳанифа ва у зотнинг мужтаҳид шогирдларидан ривоят қилинганлари, улардан кейин келган фақиҳлар истинбот қилган ҳукмлар, далили ёки олинган жойи кучли бўлгани, айтувчиси ёки ривоят қилувчисининг мартабаси юқори бўлгани учун мазҳабда амал қилиниб, бошқасидан устун қўйиладиган масалалар ҳамда шоз, кучсиз ва рад қилинган масалалар бор.

Масалаларнинг даражасида ҳар хиллик ва тафовут бўлганлиги боис ҳанафий мазҳабидаги мутааххир олимлар уларни бир неча қисмга бўлганлар. Натижада улар фиқҳий масалалар бир-бирига қарама-қарши бўлиб қол-

ганда муфтий бошқасидан қувватлироқ бўлган масалани олади[241].

Бу қисмларни номлашда табақа деган истилоҳни ишлатганлар. Олдинги баҳсдагидек, бу ўринда ҳам тақсимотлар бир неча хил бўлди. Қуйидаги ўринларда бу тақсимотлар ҳақида сўз юритилади.

Ҳанафий мазҳаби фиқҳидаги китобларнинг даражалари ривоят қуввати, келтирилган масалалар кучи жиҳатидан бир хил эмас. Улар уч мартабага бўлиниб ўрганилади ва "табақотул-масоил" деб ҳам аталади[242].

Бу тақсимотни ҳанафий мазҳабидаги кўп олимлар айтиб ўтганлар. Бу хусусда биринчи бўлиб баҳс юритган олим ҳижрий 979 йил вафот этган Ҳанноийдир. Ундан кейин унинг замондоши Кафавий[243], сўнг ўн биринчи асрнинг кўзга кўринган олимлари Ҳамавий[244] ва Пиризода[245], сўнг 1143 йил вафот этган Нобулисий[246] (раҳимаҳуллоҳ) ва улардан кейин келган баъзи ҳанафий олимлари уларга эргашдилар. Бу тақсимотга кўра ҳанафий мазҳабидаги масалалар уч табақада бўлади:

1. Усул ёки "Зоҳирур ривоя" масалалари. Бунда Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг машҳур олтита китоби – "Ал-Мабсут" ("Кенгайтирилган"), "Аз-Зиёдот" ("Зиёдалар"), "Ал-Жомиъ ас-сағир" ("Кичик тўплам"), "Ал-Жомиъ ал-кабир" ("Катта тўплам"), "Ас-Сияр ас-сағир" ("Кичик юришлар"), "Ас-Сияр ал-кабир" ("Катта юришлар")да келтирилган масалалар назарда тутилади. Янада аниқроқ қилиб айтганда, Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммаднинг саҳиҳ йўл билан (мутавотир ва машҳур тариқада ишончли кишилар томонидан) ривоят қилинган қавлларини қамраб олади. Ибн Обидин (1783–1836) фикрича, Зуфар ва Ҳасан ибн Зиёд каби

[241] Абдулҳай Лакнавий. Ан-Нофеъ ал-кабир. – С. 17.

[242] Муҳаммад Амин ибн Умар ибн Обидин Димишқий. Шарҳ ал-манзума Уқуду расм ал-муфтий // Расоилу Ибн Обидин. – Истанбул: "Саҳҳофия", 1320. – Б. 16–17.; Ўша муаллиф. Раддул муҳтор ало дуррил мухтор. 1-жилд. – Байрут: "Дорул кутубил илмия", 2003. – Б. 168–169.

[243] Кафавий. Катоибу аъломил ахёр. – 104-б–105-б.

[244] Ҳамавий. Итҳофул аҳбоб. – С. 7.

[245] Пиризода. Умдатул завил басоир. – 3 а.

[246] Ибн Обидин. Раддул муҳтор. Ж–1. – С.70; Ибн Обидин. Шарҳу расмил муфтий. – С. 53–54.

Абу Ҳанифа шогирдларининг айрим қарашлари ҳам ушбу масалалар табақа ва мартабасига киради.

Учта мартабанинг энг улуғи бўлган “Зоҳири ривоя” масалалари ҳанафий мазҳабининг асосини ташкил қилади. Унга хилоф бўлган масалаларнинг эътибори бўлмайди, фақат жуда оз, айрим масалаларда “Зоҳири ривоя”дагидан бошқача бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам қадимдан олимлар унга ихлос қўйишиб, уларни шарҳ қила бошладилар, унинг масалаларини тахриж қилдилар, улар асосида фаръий ривоятларни ишлаб чиқдилар. “Зоҳири ривоя” масалаларининг барчасини бир китобга жамлаш фикри ҳам туғилган: уни Ҳоким Шаҳид (ваф. 334/945) ўзининг “Ал-Кофий” (Кифоя қилувчи) асари билан амалга оширди.

Фиқҳий манбаларда “зоҳири ривоя” ўрнида гоҳо “зоҳири мазҳаб” ибораси ишлатилади.

Ушбу китобларда келган масалалар бошқа масалалардан икки сабабга кўра устун қўйилади:

1) бу китоблар мазҳабнинг аввалги имомлари – Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан “раҳимаҳумуллоҳ”нинг сўзлари ва раъйларидан иборат;

2) бу китоблар улардан саҳиҳ ривоят билан ривоят қилинган бўлиб, машҳурлик ёки мутавотирлик даражасига етади.

2. Наводир ёки “Зоҳирур ривоя”дан бошқа масалалар. Муҳаммад Шайбонийнинг олтита машҳур китобидан бошқа асарларида зикр қилинган ривоятлар назарда тутилади. Уларнинг ёзилган жойига ёки бағишланган кимсага кўра номланган: “Ал-Кайсониёт”, “Ал-Журжониёт”, “Ар-Раққиёт”, “Ал-Ҳоруниёт” каби китоблар шулар жумласидандир. Шунингдек, Абу Юсуфнинг “Ал-Амолий”, Ҳасан ибн Зиёднинг “Ал-Мужаррад” (бошланғич, дастлабки) каби асарлари, Ҳишом (ваф. 201/817), Муҳаммад ибн Рустам (ваф. 211/827), Муалло ибн Мансур (ваф. 211/827), Муҳаммад ибн Самоа (747–848) каби фақиҳларнинг муайян масалалардаги айрим ривоятлари ҳам ушбу табақа таркибига киради.

“Кайсониёт” – сўзи кайсониянинг кўплиги бўлиб Кайсон[247] ёки Кайсонийга нисбат берилган. Бу китоб ичидаги масалаларни Сулаймон Кайсоний[248] Имом Муҳаммаддан[249] ривоят қилган. Бошқа бир қавлга кўра, бу масалаларни Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний Кайсон деган жойда жамлагани учун шундай номланган[250]. Лекин Имом Тошкўпризода “Бу сўз тўғри эмас”, деганлар. Бошқа бир сўзга кўра, у “Каёниёт” кайёнга нисбат берилган бўлиб, Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (раҳимаҳуллоҳ) ушбу масалаларни ўша жойда яшайдиган киши учун ёзган[251].

“Ал-Ҳоруниёт” – аслида Ҳорунга нисбат берилган бўлиб, Имом Муҳаммад Ҳорун исмли киши учун жамлаган масалалардир. Бошқа бир қавлга кўра, Имом Муҳаммад ушбу китобни Ҳорун Рашид[252] замонида жамлаган малалалар.

“Ал-Журжониёт” – журжониёт сўзининг кўплиги бўлиб “Журжон”[253]га нисбат берилгандир. Бу китоб Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (раҳимаҳуллоҳ)нинг Журжон[254] шаҳрида турганларида жамлаган масалалари ёки журжонлик[255] шогирдларидан бири у зотдан ривоят қилган масалаларидир. Бошқа бир нақлга кўра, Имом Муҳаммад бу масалаларни Журжонда жамлаган ва уни журжонлик шогирдларидан бири ривоят қилган.

---

[247] Кайсон – бу эркак кишиларнинг исмларидан бўлиб Амр Сулаймон ибн Шуайб Кайсонийга нисбат берилади. У киши. Имом Муҳаммаднинг шогирдларидан бўлган (Қаранг: Мутарризий. Муғарраб. – С. 418.).

[248] У Сулаймон ибн Шуайб Кайсонийдир. Имом Муҳаммаднинг шогирдларидан бўлган. Имом Муҳаммаддан «ан-Наводир» китобини ривоят қилган. Ҳижрий 278 санада вафот этганлар. (Қаранг: Саймарий. Ахбору Абу Ҳанифа ва асҳобуҳу. – С. 157; Қураший. Ал-Жавоҳирул музийя. Ж–2. – С. 264).

[249] Ҳожи Халифа. Кашфуз Зунун. Ж–1. – С. 911; Маржоний. Нозуратул Ҳақ. – С. 49; Таҳтовий. Ҳошияту мароқил фалоҳ. – С. 15.

[250] Тошкўпризода. Мифтоҳус Саодат. Ж–2. – С. 263.

[251] Баркатий. Адабул муфтий. – С. 11.

[252] Таҳтовий. Ҳошияту мароқил фалоҳ. – С. 15.

[253] Журжон Рай шаҳридан етти марҳала узоқликдаги Табаристонга яқин жойдаги машҳур шаҳар. Муовия (розияллоҳу анҳу) даврида фатҳ қилинган. Журжон аҳли диндан қайтганларидан сўнг иккинчи марта Сулаймон ибн Абдумалик ибн Марвон даврида фатҳ қилинади (Қаранг: Ёқубий. Ал-Булдон. – С. 46; Қазвиний. Асорул билад. – С. 348).

[254] Тошкўпризода. Мифтоҳус саодат. Ж–2. – С. 263; Таҳтовий. Ҳошияту мароқил фалоҳ. – С. 15; Баркатий. Адабул муфтий. – С. 17.

[255] Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун. Ж–2. – С. 571; Маржоний. Нозуратул Ҳаққ. – С. 50.

“Ар-Раққиёт” сўзи “рақийятун”нинг кўплиги бўлиб “Раққа” номли жойга нисбат берилган. Бу китобдаги масалаларни Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (раҳимаҳуллоҳ) Раққа шаҳрига Ҳорун Рашид буйруғи билан қози бўлиб борганларида жамлаган[256]. Бошқа бир қавлга кўра, Ибн Самоа[257] (раҳимаҳуллоҳ) Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (раҳимаҳуллоҳ)дан Раққада ривоят қилган масалаларидир. Юқорида зикр қилинган икки фикрнинг ўртасида бир-бирига тескари келадиган жиҳат йўқ.

Наводир жанридаги асарларга қуйидагилар киради:

1. Наводиру Ҳишом.
2. Наводиру Ибн Рустам.
3. Наводиру Ибн Самоа.
4. Наводиру Довуд ибн Рашид.
5. Наводирул Муалло.
6. Наводиру Бишр.
7. Наводиру ибн Шужоъ Балхий Аби Наср.
8. Наводиру Аби Сулаймон.

Ушбу мартабадаги масалаларнинг ишончлилик даражаси аввалгисига нисбатан пастроқ бўлгани, ривоятларининг кучи камлиги боис, агар усул ва наводир масалалари бир-бирига қарама-қарши келиб қолса, усул масалалари олинади.

3. Фатово ёки навозил ёхуд воқеот масалалари. Бундан мутааххирин мужтаҳидлар – Абу Юсуф ва Муҳаммад ҳамда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг бошқа шогирдларининг шогирдлари ва улардан кейинги фақиҳлар томонидан бирор бир воқеа ёки ҳодисага билдирган фикрлари, берган фатволари назарда тутилади. Булар Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирдларидан ривоят қилинмаган, балки унинг шогирдларининг шогирдлари – Абу Исмат Балхий (ваф. 210/826), Ибн Рустам (ваф. 211/827), Муҳаммад ибн Самоа (747–848), Абу Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/815), Абу Ҳафс Кабир Бухорий (767–831) каби фақиҳ-

[256] Матризий. Ал-Муғарраб. – С. 195; Тошкўпризода. Мифтоҳус саодат. Ж–2. – С. 263. Таҳтовий. Ҳошияту мароқил фалоҳ. – С. 15; Баркатий. Адабул муфтий. – С. 11; Маржоний. Нозуратул Ҳаққ. – С. 50.

[257] Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун. Ж–1. – С. 911.

лар томонидан “Зоҳири ривоя” ва “наводир”да йўқ масалаларга чиқарган фатволардир.

Фатово жанри (нави)да бирор бир саволга жавоб сифатида берилган шаръий ҳукмлар – фатволар тўпланади. Воқеотда эса бирон та ҳодиса ёзилиб, унинг ҳукми қандайлиги ёзилган бўлади. Навозилда мазкур ҳодиса анча батафсилроқ ёзилади – қаерда, ким томонидан содир бўлгани, унга кимлар томонидан қандай фикрлар билдирилгани ва охирги ҳукм фатво битилади. Бироқ айтиш керакки, ҳамма вақт ҳам бу жанр (нав)лар бўйича зикр қилинган тартибга амал қилинавермаган.

Фиқҳий фатволар илк бор тўпланган китоб Абу Лайс Самарқандийнинг (ваф. 393/1003) “Ан-Навозил” (Бошга тушган нарсалар) номли асаридир. Шундан сўнг Нотифий (ваф. 446/1054) ва Садруш шаҳид (1090–1141) ўзининг “Ал-Воқеот” (Воқеалар) номли асарларини ёзган.

“Фатовойи Қозихон” (Қозихоннинг фатволари), “Хулосатул фатово” (Фатволар хулосаси) каби китобларда ҳам Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг чевара шогирдлари томонидан ривоят қилинган масалалар жам қилинган. Фақат уларда “Зоҳири ривоя” ва “наводир” ҳамда “навозил” масалалари ажратилмасдан зикр қилинган. Разийуддин Сарахсий (ваф. 571/1175) ўзининг “Ал-Муҳит” (Уммон) китобида уларни бирин-кетин келтирган.

Демак, фатволардан фойдаланишда зоҳири ривоя қайси, наводир ва навозил масалалари қайсилигини ажрата билиш, Абу Ҳанифа ва унинг икки соҳибининг фиқҳий қарашлари қайси, кейинги уламоларнинг фикрлари қайсилигини англаш лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқоридаги учта мартабадаги манбалар мужтаҳидлик даври деб аталадиган вақтларда битилган. Кейинги даврларда битилган фатово жанридаги асарларни бу таркибга қўшиш унчалик тўғри эмас. Чунки уларда ҳанафийликнинг ҳар хил фиқҳий қарашлари, юқорида келтирилган уч мартабадаги ривоятларни фарқламасдан аралаш келтирилган масалалар билан

бирга заиф ривоятлар ҳам учрайди. Уларни таниб олишнинг осон йўли, бу хилдаги фатоволарда фақат китоблардан нақллар келтирилади, иқтибос олинган китоб номлари тез-тез кўзга ташланади. Буларнинг энг машҳурларидан бири Бобурийлар сулоласи вакили Аврангзеб Оламгир (1658–1707) буюртмасига биноан тайёрланган "Фатовойи Оламгирийя" ("Фатовойи Ҳиндийя") номли фатво китобидир.

Валийуллоҳ Деҳлавий (1703–1762) "Иқдул жаййид" (Чиройли маржон) асарида ҳанафий мазҳаб китобларидаги масалаларнинг мартабаларини тўртга бўлишни таклиф қилган[258]. Бу тақсимот олдинги тақсимотдан фарқ қилмайди. Лекин бу тақсимот тўртта. Олдингиси эса, учта эди. Бунинг сабаби, юқоридаги тақсимотдаги мазҳаб уламоларининг тахрижларидан келиб чиққан охирги табақа иккига бўлинган: бири, барча мазҳаб уламолари қабул қилгани, иккинчиси қабул қилмагани.

Деҳлавий (раҳимаҳуллоҳ) бу тақсимотини баъзи асарларида келтириб ўтган[259]. Лакнавий (раҳимаҳуллоҳ) ундан ҳарфма-ҳарф нақл қилган[260]. Шунингдек, бошқа ҳанафий уламолар ҳам нақл қилган.

Шу нарса маълум бўладики, улар олдинги ва бундан кейинги тақсимотларда ишлатилган табақа ёки табақалар деган сўзнинг ўрнига қисм ва қисмлар деган сўзни ишлатдилар. Уларнинг маънолари бир хил экани маълум. Улар мартаба ва даражаси ҳар хил бўлган турлардир. Ҳар бир турдаги масалалар бир-бирига ўхшайди. Уларга қисмлар ёки табақалар деб ишлатиш тўғри бўлади[261].

1. Зоҳирул мазҳаб масалалари. Унинг ҳукми шуки, барча ҳолатларда, хоҳ мазҳаб усулига мувофиқ бўлсин, хоҳи хилоф қилинган бўлсин, инобатга олиниши керак. Шунинг учун "Ал-Ҳидоя" соҳиби уларни алоҳида кўрсатиб кетишга ҳаракат қилган.

[258] Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий. Иқдул жаййид // Ал-Мактабат аш-шомила, 2006. 1/19.
[259] Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий. Ақдул жаййид. – С. 52.
[260] Абдулҳай Лакнавий. Ан-Нофеъ ал-кабир. – С. 19.
[261] Аҳмад ибн Насириддин Нақиб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. Ж–1. – С. 206.

2. Абу Ҳанифа ва икки соҳибидан ривоят қилинган шозз (кучсиз) масалалар. Унинг ҳукми, мазҳаб усулига тўғри келсагина олинади. Шунинг учун “Ал-Ҳидоя” соҳиби далилга қараб уларни тўғрилашга ҳаракат қилган.

3. Мутааххирин уламолар тахриж қилган, барчаси иттифоқ қилган масалалар. Унинг ҳукми, барча ҳолатда унга фатво берилади.

4. Мутааххирин уламолар тахриж қилган, барча иттифоқ қилмаган масалалар. Унинг ҳукми, фатво берувчи текширади: мазҳаб усулига ва мужтаҳидлар ривоятига мувофиқ келса, олади, акс ҳолда тарк қилади.

Юқорида ўтган икки тақсимотни ўрганиш асносида шу нарсалар бўлдики, ҳанафий мазҳабидаги китоблар ўз ичига олган масалаларнинг кўпи Абу Ҳанифа ва у зотнинг мужтаҳид шогирдлари каби мазҳабнинг олдинги имомларидан ривоят қилинмаган. Бу масалаларнинг кўпи улардан кейин келган ҳанафий уламоларининг тахрижларидир. Улар орасида ишончсиз, санаднинг уларга етиб бориши тўғри бўлмайдиган шоз ривоятлар ҳам бор.

Тахриж эгалари бир даражада эмас. Хусусан, баъзи олимлар бу мартабага кирган бўлса-да, уларда бу мартабанинг сабаблари ва шартлари тўлиқ топилмайди. Улар ҳам бошқа олимлар каби баъзи ҳукмлар борасида келган ҳадислар ва осорларни билмасликлари ҳам мумкин. Шунингдек, улар мазҳабнинг аввалги имомларидан ривоят қилинган сўзларни ҳам билмасликлари ҳам мумкин. Натижада, баъзи ҳолларда ўз тахрижлари билан саҳиҳ ҳадис ёки осорга ёки мазҳабнинг аввалги имомларининг сўзларига қарши бўладиган ёки мазҳабнинг усул қоидаларига тўғри келмайдиган ҳукм чиқарадилар.

Шу сабабдан аллома Абдулҳай Лакнавий (раҳимаҳуллоҳ) ҳанафий мазҳабидаги олимларнинг китобларида келадиган масалаларни бошқа бир кўринишда беш табақага бўлган. Шулардан охирги табақадаги масалалар ҳанафий мазҳабида қабул қилинмайди ва амал ҳам қилинмайди. Улар қуйидагилар:

Биринчи табақа – оятлар, саҳиҳ ҳадислар ва осорларда ёки умматнинг ижмосидаги асосларга ёки уларнинг қиёсларига бино қилиниб, бири бирига қарама-қарши бўлмаган ва шариат қоидаларига мувофиқ бўлган масалалар. Мазкур табақадаги масалалар қабул қилинади, амал қилинади. У очиқ ва равшан бўлиб, баён этишга муҳтож бўлмайди.

Иккинчи табақа – шариат қоидалари туркумига кирадиган масалалар бўлиб, унга китоб ёки суннатдан бир далил далолат қилади. Бу далил кучли ва равшанлик борасида биринчи даражада бўлади. Шу билан бир қаторда, унга қарши бўладиган бошқа бир далил ҳам бўлиб, у собит бўлиш, далолат қилиш ва равшанлик борасида биринчи далилдан пастроқ бўлади. Мазкур табақадаги масалалар амал қилинади, унга қарши бўладиган нарсага қаралмайди. Чунки у далил жиҳатидан кучли ва қабул қилиш жиҳатидан энг муносибидир.

Учинчи табақа – далилга таянган масалалар бўлиб, шариатда унга асл қоида топилади. Шу билан бирга, бошқа кучли ва тўғри йўллар билан унга қарши бўладиган далиллар келган бўлади. Лекин аввалги далил иккинчи далилга қарши чиқиш ёки уни буткул йўқ қилиб юборишга кучи етмайди.

Мазкур табақадаги масалалар илм ва фиқҳда кенг билимга, ўта нозик масалаларда фикр юритадиган мазҳаб уламолари амал қилиш, ҳукм чиқариш ва фатво бериш ўринларида улардан энг тўғриси ва кучлисини танлаб олади. Ким бундай даражада бўлмаса, унга бу ваколат берилмайди.

Тўртинчи табақа – ақл ва қиёс билан далил олиш йўлига кўра ҳукм чиқарилган масалалар бўлиб, унга бошқа кучли, устун ва равшанроқ далил қарши чиқади. Мазкур табақадаги масалаларнинг ҳукми – заифини тарк қилиш ва кучли ва шаръий далилларга мувофиқ келадиганини олиш.

Бешинчи табақа – нақл, ақл ёки ижмодан бирор далил очиқ ва равшан ҳолда ёки ишора қилиш кўринишида бўлса ҳам далолат қилмаган масалалар. Бу масалани инсонларнинг баъзиси ўзининг табиий муҳитидан келиб чиқиб ёки шунга ўхшаш сабаблар билан ихтиро қилган бўлади. Аввалда барча

инсонлар наздида амал қилинадиган мубоҳ ишлардан бўлади. Баъзилар бу ҳукмни оладилар. Охири бориб, мазҳабдаги муҳим масалалардан деб ҳисоблана бошлайди.

Мазкур табақадаги масалаларнинг ҳукми – олинмайди ва амал қилинмайди. Бу ҳолат соф ва тўғри чашмадан сув ичадиганларга маълумдир[262].

АБУ ҲАНИФА ШОГИРДЛАРИНИНГ ФИҚҲИЙ АСАРЛАРИ

Абу Ҳанифага бир қанча асарлар нисбат берилиб, баъзи манбаларда уни ҳатто илк фиқҳ китоби ёзган фақиҳ сифатида кўрсатилса-да, у зотнинг фиқҳий асар таълиф қилгани маълум эмас. Чунки унинг даври тобеинлар замони бўлиб, ҳали диний илмларнинг барчаси тартибга солиб улгурилган эмас, диний фан соҳасининг ҳар бирида ҳам китоблар ёзиш йўлга қўйилмаган эди. Тўғри, ўша даврлардаёқ Мадина фуқаҳолари Абдуллоҳ ибн Умар (612–693), Ойша (613–678), Абдуллоҳ ибн Аббос (619–686), Ироқ фақиҳлари эса Али ибн Абу Толиб (600–661) ва Абдуллоҳ ибн Масъуд (590–653) каби улуғ саҳобаларнинг, Куфа уламолари Шурайҳ (ваф. 78/697) каби улуғ тобеиннинг қозилик даврида чиқарган фиқҳий фатволарини жамлашган эди[263]. Тобеинларнинг улуғларидан бўлмиш Иброҳим Нахаий (666–715), Ҳаммод Куфий (ваф. 120/738) ўз фатволарини тўплагани ҳам нақл қилинган. Лекин булар китоб ҳолида бўлмаган, китоб бўлиб тарқалган эмас эди. Баъзи мужтаҳидларгина булардан хабардор, ўз фатволарида улардан фойдаланар эди, холос. Илм шаҳрининг дарвозаси, дея мадҳ қилинган Али ибн Абу Толибнинг баъзи бир фиқҳий ҳукмлар ёзилган қоғозларни кўтариб юрганини одамлар кўришган эди.

Кейинчалик диний фанларнинг ҳам назарий, ҳам амалий қисмлари ишлаб чиқилди, китоблар ёзиш, фиқҳий қараш ва

[262] Абдулҳай Лакнавий. Ан-Нофеъ ал-кабир. – С. 21–23; Муфтий Тақий Усмоний. Усулул ифто ва одобуҳу. – С. 28.

[263] Муҳаммад Абу Заҳра. Абу Ҳанифа. Ҳаётуҳу ва асаруҳу, ароуҳу ва фиқҳуҳу. – Қоҳира: "Дорул фикрил арабий", 1977. – Б. 99–100.

фикрларни мавзуларга ажратиш бошланди. Биринчилардан бўлиб Молик ибн Анас (713–795) ўзининг “Муватто”, Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (767–820) ўзининг “Китобул Умм” (Она китоби), “ар-Рисола” асарларини ёзди, Куфада Абу Юсуф “Китобул Харож”ни таълиф қилди. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний эса ўз асарлари билан ҳанафий мазҳабини камолга етказди.

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирдлари таълиф қилган энг аҳамиятли асарлар икки қисмга – “Зоҳирур ривоя” ва “Зоҳирур ривоя” бўлмаган китобларга бўлинади.

“ЗОҲИРИ РИВОЯ” КИТОБЛАРИ

Муҳаммад Шайбоний қаламига мансуб олтита китоб ҳанафий мазҳабидаги энг эътиборли китоблар саналади, уларда келган масалаларга қарши фатво бериш мумкин эмас. Фақатгина зарурат юзасидан, замонлар алмашиши ёки урф-одатларнинг ўзгариши сабабли кейинги давр фақиҳларининг иттифоқлари билан ундаги айрим ҳукмлар амалдан қолдирилиб, бошқасига алмаштирилиши мумкин. “Зоҳири ривоя” деб ном олган эътиборли манбалар қуйидагилардир:

1) **“Ал-Мабсут” ёки “Ал-Асл”** (Кенгайтирилган). Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг илк ёзган китобларидан бўлгани учун ҳам “ал-Асл” маъносини олган бўлиб, унда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фатво берган масалалари тўпланган. Агар ўша масалага Абу Юсуф билан Муҳаммад хилоф қилишган бўлса, у ҳам зикр қилиб кетилган. Агар ҳеч қандай хилоф қайд этилмаган бўлса, бу уч имомнинг иттифоқ қилган масалалари ҳисобланади. Баъзи ўринларда Ибн Абу Лайлонинг (693–765) фикрлари ҳам зикр қилинган.

Муҳаммад Шайбонийдан ривоят қилинган “Ал-Мабсут”лар кўп. Уларнинг энг зоҳирроғи, энг машҳур нусхаси Абу Сулаймон Жузжонийга (ваф. 200/815) тегишли. Шайхул Ислом Абу Бакр Хоҳарзоданики (ваф. 483/1090) “Мабсути Шайхил Ислом” ёки “Катта Мабсут” дейилади. Шамсул аимма Сарахсий (1009–1090) ва устози Шамсул аимма Ҳало-

воний (ваф. 456/1063) нусхалари мавжуд. Зоҳири ривоя масалаларини жамлаб, Ҳоким Шаҳид (ваф. 334/945) “Китобул Кофий” асарини ёзган ва у ҳам “Ал-Асл” деб аталади. Унга Шумсул аимма Сарахсий ва Шайхул ислом Исбижобийлар (ваф. 535/1140) шарҳлар ёзишган.

“Ал-Мабсут” Қоҳирада 1954 йилда, сал кейинроқ Карочида 5 жилд қилиб нашр этилган. “Фасод” бўлими немис тилига таржима қилинган.

“Кашфуз зунун”да айтилишича, бир ғайридин олими “Ал-Мабсут”ни ўқиб мусулмон бўлади ва “Кичкина Муҳаммадингиз китоби шундай бўлса, катта Муҳаммадингиз китоби қандай экан?!” деган;

2) **“Ал-Жомиъ ас-сағир”** (Кичик тўплам). Бу китобда муаллиф Абу Юсуф воситаси билан Абу Ҳанифадан ривоят қилган масалаларни зикр этган. Шунинг учун ҳар бир боб “Муҳаммад Яъқубдан, у эса Абу Ҳанифадан ривоят қилди...” жумласи билан бошланади.

“Ал-Жомиъ ас-сағир” гарчи Муҳаммад Шайбонийнинг асари экани аниқ бўлса-да, аслида у тартибга солинмаган бўлган. Уни икки шахс – Абул Ҳасан ибн Аҳмад Заъфароний (X аср) ҳамда Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Муҳаммад Даббос (X аср) тартибга солиб, мавзулар бўйича бобларга ажратиб чиққани манбаларда зикр этилади.

“Ал-Жомиъ ас-сағир”да 1532 та масала баён этилган бўлиб, 170 масалада ихтилофлар кўрсатилган. Асарда қиёс ва истеҳсон масалалари йўқ, фақат икки масала – мерос масаласида улар кўрсатилган.

Абу Юсуф ушбу китобни ёзишни Муҳаммадга тавсия қилган. Абу Юсуф ҳатто сафарга чиққанида ҳам мазкур китобни ёнидан қўймаган. “Кимки ушбу китобни ўқимаса, фатво беришга ҳақи йўқ” деб уни мадҳ қилган.

Абу Жаъфар Таҳовий (853–933), Абу Бакр Жассос (918–980), Абу Лайс Самарқандий (ваф. 393/1003), Абулқосим Розий (ваф.474/1081), Шумсулаимма Сарахсий (1009–1090), Садрул Ислом Паздавий (ваф.493/1099), Абул Муин Насафий (ваф. 508/1114), Абу Бакр Балхий (553/1158), Абу Наср Аттобий

(ваф. 586/1190), Имом Қозихон (ваф. 592/1195) каби машҳур фақиҳлар унга шарҳлар битишган.

“Ал-Жомиъ ас-сағир” Мисрда “Амирия” матбаасида 1884 йили “Китобул харож” билан бирга нашр қилинган. Шунингдек, асар Ҳиндистонда беш карра тошбосмаларда нашрдан чиққан. Унинг немисча таржимаси ҳам мавжуд;

3) **“Ал-Жомиъ ал-кабир”** (Катта тўплам). Бу муаллифнинг энг аҳамиятли асарларидан бири бўлиб, унинг икки таҳрир варианти бор. Биринчи вариантини Абу Ҳафс Кабир (767–831) ва Абу Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/815) ҳамда Муҳаммад ибн Самоа каби шогирдлари ривоят қилганлар. Кейинчалик муаллиф бу асарга яна мурожаат қилиб, қайта ишлаган: баъзи боб ва мавзулар қўшган; жумлаларни таҳрир қилган, ихчамлаштирган. Бу вариантни шогирдлар яна қайта ривоят қилганлар.

“Ал-Жомиъ ал-кабир”да Муҳаммаднинг ўзи Абу Ҳанифадан ривоят қилган масалалари жамланган, унда Абу Юсуфдан қилинган ривоятлар учрамайди. Мазкур асар билан “Ал-Жомиъ ас-сағир” фиқҳий далиллардан холи, уларда оят ёки ҳадисдан фиқҳий масаланинг далили келтирилмайди. “Ал-Жомиъ ал-кабир” Қоҳира ва Ҳайдарободда 1937 йили нашр қилинган;

4) **“Ас-Сияр ас-сағир”**. Муаллиф мазкур асарида жиҳод ҳукмларини баён қилган, унда нима мумкин, нима жоиз эмас, сулҳ, дипломатик муомала, ўлжа ва жанг вақтида бўладиган бошқа масалаларнинг ҳукмлари зикр этилган. Бу масалаларни муаллиф Абу Юсуф воситаси орқали Абу Ҳанифадан ривоят қилган;

5) **“Ас-Сияр ал-кабир”**. Бу муаллифнинг охирги асарларидан бўлиб, унда Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ)нинг номи умуман тилга олинмаган. Агар унинг ривоятига эҳтиёж сезилса, “Ишончли одамнинг менга хабар қилишича, ...” деб унга ишора қилиб кетилган, холос.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг мазкур икки асари – “Ас-Сияр ас-сағир” ва “Ас-Сияр ал-кабир” инсоният тарихидаги давлатлараро қонунларнинг, дипломатик муносабат-

ларнинг назарий қоидалари ишлаб чиқилган, исломий халқаро ҳуқуққа оид илк асарлар ҳисобланади.

Муҳаммад Шайбоний мазкур асарида ҳар бир масалани оят ва ҳадисдан далиллар келтириб исботлаб кетади. Баъзи ўринларда қиёсий далиллар билан ўз фикрини қувватлайди.

“Ас-Сияр ал-кабир”га бир қанча шарҳлар ёзилган бўлиб, энг машҳур шарҳи Шумсул аимма Сарахсий (1009–1090) томонидан битилган. Мазкур шарҳ Ҳайдарободда 1916–17-йилларда 4 жилд, Қоҳирада 1957–60-йилларда 3 жилд, ва 1971 йили яна Қоҳирада 5 жилд ҳолида нашр қилинган. Асарнинг туркча ва французча таржималари ҳам чоп этилган;

6) **“Аз-Зиёдот”** (Зиёда масалалар). “Зоҳирур ривоя китоблари”га киритилган мазкур олтинчи асарни, гарчи баъзи тадқиқотчилар “наводир”дан ҳисобашса-да, лекин ривоятининг машҳурлиги жиҳатидан “Зоҳири ривоя китоблари”га киришга ҳақлидир.

“Аз-Зиёдот”да аввалги бешта асарда баён этилмаган масалалар тўпланган учун шу ном билан аталган. Муаллиф “Ал-Жомиъ ал-кабир”ни ёзганидан сўнг жуда кўп масалаларнинг ечими баён этилмай қолганини сезиб, мазкур китобни ёзишга жазм қилади. Кейинчалик яна баъзи масалалар чиқиб қолади, шунинг учун муаллиф томонидан яна етти бобдан (талоқ, савдо, намоз мавзуларига оид) иборат “Зиёдатуз зиёдот” (“Аз-Зиёдот”га зиёда масалалар) асари тасниф қилинган.

Ҳанафий олимлари мазкур китобга катта эътибор қаратганлар, унга шарҳлар битганлар, ихчамлаштирганлар, “Аз-Зиёдот” билан “Зиёдатуз зиёдот”ни бир асар сифатида кўрганлар. Қозихон (ваф. 592/1195), Абу Ҳафс Сирожиддин Ҳиндий (ваф. 773/1371), Фахрул Ислом Паздавий (1009–1089), Шамсул аимма Ҳаловоний (ваф. 456/1063), Абулқосим Аттобий (ваф. 586/1190) шарҳ ёзганлар. Ҳоким Шаҳиднинг (ваф. 334/945) ҳам шарҳи бор. Шамсул аимма Сарахсий (1009–1090) маҳбусликда ётганида “Зиёдатуз зиёдот”ни шогирдларига ёддан айтиб ёздирган.

Шумсулаимма Сарахсийнинг “ан-Нукот шарҳуз зиёдот”” (Нукталар) ва Абу Наср Зайниддин Аҳмад Аттобий Бухорийнинг (ваф. 586/1190) “Шарҳуз зиёдот” номли шарҳлари биргаликда Абул Вафо Афғоний томонидан 1958 йили Ҳайдарободда нашр этилган.

Абу Жаъфар Таҳовий (853–933) фикрига кўра, Муҳаммад Шайбонийнинг “сағир” сўзи билан тавсиф этилган китоблари Абу Юсуфдан ривоят қилинган асарларни ўз ичига олса, “кабир” сўзи билан сифатланган асарлар Абу Ҳанифа қарашларига асосланган. Ибн Нужайм Мисрий (1519–1563) эса “сағир” сўзи билан сифатланган асарлар Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф иттифоқ қилган масалаларни ўз ичига олишини айтган.

Шуни айтиш лозимки, тадқиқотчи Муҳаммад Абу Заҳра Шайбонийнинг “Китобул Асор” (Асарлар китоби), “Ал-Ҳужжату ала аҳлил Мадина” (Мадина аҳлига қарши ҳужжат) асарларини ҳам ишончли кишилар томонидан ривоят қилинганини инобатга олиб, “Зоҳирур ривоя” таркибига киришга ҳақли деб билади[264].

“ЗОҲИРИ РИВОЯ” БЎЛМАГАН КИТОБЛАР

Абу Ҳанифа шогирдларининг “Зоҳири ривоя”га кирган олтита манбадан бошқа асарлари “Зоҳири ривоя” бўлмаган китоблар таркибига киритилади. Ривоят қилиш жиҳатидан қуввати етарли бўлмаган бундай асарлар “наводир” масалалари деб ҳам аталади. Уларнинг энг машҳурлари қуйидагилар:

1) **“Китобул харож”** (Хирожга тааллуқли масалалар китоби). Абу Юсуфнинг халифа Ҳорун Рашидга (786–809) атаб ёзган рисоласи бўлиб, давлатнинг молиявий масалалари, давлат бошқаруви, ер ва сувдан фойдаланиш масалаларига бағишланган. Иқтисодий масалалар ва солиқ ҳукмлари оят, ҳадис ҳамда саҳобаларнинг фатволари асосида баён этилган.

[264] Тўйчибоев А. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг асосий асарлари. “Зоҳир ар-ривоя” // Баркамол авлод – келажак пойдевори II. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 64.

“Китобул харож” Булоқда 1884 йили, Қоҳирада 1933 йили нашр этилган. Асар итальян, француз, инглиз, турк тилларига таржима қилинган;

2) **“Китобул асор”** (Асарлар китоби). Бу Абу Юсуфнинг ўғли Юсуфнинг ўз отасидан нақл қилган асари бўлиб, Абу Юсуф устози Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ҳадислари ва саҳоба ҳамда тобеинлардан қилган ривоятлари тўпланган. Шунинг учун асарни “Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг муснади” дейиш тўғрироқ бўлади. У 39 бобда фиққий мавзуларга ажратиб чиқилган ва 1067 та ҳадис ривоят этилган. Абу Юсуфнинг “Китобул асор” асари Қоҳирада 1936 йили нашр қилинган;

3) **“Китобул асор”** (Асарлар китоби). Муҳаммад Шайбонийнинг Абу Ҳанифа ривоят қилган ҳадислари, саҳоба ва тобеинлардан қилган нақллари тўпланган ушбу асари Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг муснади ўлароқ муҳим аҳамиятга эга. 80 дан ортиқ фиққий мавзуларга ажратилиб тартиб берилган мазкур китоб Абу Юсуфнинг шу номли асарига ўхшаш.

Абу Юсуф ва Муҳаммаднинг “Китобул асор”и ҳанафий мазҳабининг фиққий қарашлари манбаларини ўрганишда, ундаги ҳар бир масаланинг оят ва ҳадисдан асли борлигини билишда ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу билан Абу Ҳанифа чиқарган ҳар бир фатвонинг исломдаги асл манбалардан асоси борлигини англатади.

Муҳаммад Шайбонийнинг “Китобул асор”ини Абдулҳай Лакнавий (1847–1886) 1883 йили нашр эттирган;

4) **“Ал-Ҳужжату ало аҳлил Мадина”** (Мадина аҳлига қарши ҳужжат). Муҳаммад Шайбоний Имом Моликдан “Ал-Муватто” асарини эшитиш ва ўрганиш учун Мадинаи мунаввара бориб уч йилча турган. У ерда Мадина уламоларидан ҳадислар тинглаган ва улар билан илмий мунозаралар қилган. Мадина уламолари фикрларига қарши ҳанафий мазҳабининг далил ва ҳужжатларини шу асосда тўплаб ушбу “Ал-Ҳужжа” асарини битган. Шунинг учун асар “Мадина аҳлига раддия” деб ҳам аталади. Мазкур асарнинг асосан

иккита муҳим аҳамияти борлиги маълум. Асарни Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (767–820) ўзининг “ал-Умм” асарида тўғри ва мустаҳкам санад билан ривоят қилиб, мунозарага киришган. У гоҳида ҳанафийлар ёнини олса, гоҳида Мадина уламолари фикрига қўшилган. Иккинчидан асардаги ҳар бир масала қиёс, ҳадис билан далилланган, унга Шофиъий фикрларини ҳам қўшилса, асар турли фиқҳий қарашларни ўзида тўплаган бўлиб хилоф илми соҳасида муҳим манба бўла олади. Шунингдек, далилли фикрлардан ҳар бир мазҳаб, ҳар бир фиқҳий йўналиш вакиллари истифода қилиши мумкин.

“Ал-Ҳужжату ало аҳлил Мадина” 1888 йили Лакнау шаҳрида, 1966 йили Ҳайдарободда нашр этилган;

5) **“Ихтилофу Абу Ҳанифата ва Ибни Аби Лайло”** (Абу Ҳанифа билан Ибн Абу Лайло орасидаги ихтилоф). Абу Юсуфнинг икки устози Абу Ҳанифа ва Ибн Абу Лайло ўртасидаги бир-бирига қарама-қарши фикрлари баён қилинган бўлиб, Абу Юсуф бу борада Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фикрларига мойиллик билдиради.

“Ихтилофу Абу Ҳанифата ва Ибни Аби Лайло” асари 1938 йили Қоҳирада Шофиъийнинг “Китобул Умм” китоби таркибида нашр этилган[265];

6) **“Ар-Радд ало сиярил Авзоий”** (Авзоийнинг “сияр” масалаларига раддия). Мазкур асарда Абу Юсуф сияр – жангу жадал, сулҳ, омонлик бериш каби масалаларда Авзоийга раддиялар бериб, бу борадаги Абу Ҳанифа қарашларига ён босади.

“Ар-Радду ала сиярил Авзоий” асари ҳам Қоҳирада 1938 йили Шофиъийнинг “Китобул Умм” китоби таркибида нашр этилган[266].

Юқорида зикр этилганлардан ташқари Муҳаммад Шайбонийнинг Сулаймон ибн Саид Кайсоний (IX аср) ривоят қилган “Кайсониёт”, муаллиф Журжон шаҳрида турганида ёзган “Журжониёт”, Ҳорун деган шогирдига атаб битган “Ҳо-

[265] Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий. Китоб ал-Умм. – Қоҳира, 1357. IV жилд. – Б. 87–150.

[266] Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий. Китоб ал-Умм. – Қоҳира, 1357/1938. IV жилд. – Б. 303–336.

руниёт”, Раққа шаҳрида қози бўлиб турганида чиқарган фатволари тўплами “Раққаёт” каби асарлари, Абу Юсуфнинг “Ал-Амолий” асари, Ҳасан ибн Зиёднинг (ваф. 204/819) “Ал-Мужаррад” (бошланғич, дастлабки) номли китоби “Зоҳири ривоя”га киритилмаган “наводир” жумласидаги манбалар, дейилади. Афсуски, ушбу нодир манбалар ҳозиргача топилиб, нашр қилинган эмас.

УСУЛУЛ ФИҚҲГА ОИД МАНБАЛАР

Ислом фиқҳининг асосий йўналиши бўлмиш усулул фиқҳ соҳасида ҳам ҳар бир мазҳабнинг ўзига хос эътиборли манбалари мавжуд. Ҳанафий мазҳабида эса усулул фиқҳга оид асосий манбалар қуйидагилардир[267]:

1) **“Маъхазуш шаройеъ”** (Шариатларнинг олинадиган жойи). Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944) қаламига мансуб асар, лекин ҳозиргача матни топилган эмас. Унинг усулул фиқҳга оид экани манбаларда қайд этилади. Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) ўзининг “Матлаун нужуми ва мажмаул улум” (Юлдузлар чиқиш жойи ва илмлар жамланмаси) деган қомусий асарининг усулул фиқҳга бағишланган қисмида мазкур “Маъхазуш шаройеъ”дан ўндан ортиқ ўринларда иқтибослар олади. Насафийнинг номи зикр этилган асарининг дунёда ягона қўлёзма нусхаси Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари маркази фондида сақланади, бу қўлёзма ҳам ҳалигача нашр этилган эмас. Абу Мансур Мотуридийнинг усулул фиқҳнинг ёрдамчи соҳаси бўлмиш жадал илмига бағишланган “Китобул жадал” асари ҳам бўлган;

2) **“Усулул Кархий”** (Кархий усули). Абул Ҳасан Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн Кархий (873–952) қаламига мансуб усулул фиқҳга оид асар бўлган. Лекин унинг тўлиқ матни бизгача етиб келмаган. Бироқ Кархийнинг фиқҳий қоидаларни ўзи-

[267] Қаранг: Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафийя. – Қозон, 1902. – 324 б; Ahmet Ozel. Hanefi fikih alimleri. – Ankara: Turkiye diyanet vakfi yayinlari, 2006. – 273 b; Нодир Набижон ўғли. Усулул фиқҳ ҳақида сабоқлар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашрёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – 140 б; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Усулул фиқҳ. – Т.: “Шарқ”, 2010. – 576 б.

да жамлаган рисолачаси етиб келган. Уммулқуро Ислом университетининг доктори Ҳусайн Халлод Жубурий унинг усулга оид фикрларини ҳанафий мазҳаби китобларидан териб-териб тўплаган ва “ал-Ақволул усулий лил Имом Абил Ҳасан Кархий” номи билан Маккада 1989 йили чоп эттирган;

3) **“Ал-Фусул фил усул”** (Асослар борасида фасллар). Абу Бакр Жассос (918–980) қаламига мансуб асар. Қуръон баҳслари – умум, хусус, амр, наҳий, насх мавзулари таҳлилидан сўнг суннат, ижмо, қиёс кабилар ҳақида муфассал тўхталинади. Усулул фиққа оид мазкур асар 1985 йилда Қувайтда Ажил Жосим Нашамий томонидан таҳқиқ қилиниб, нашр этилган;

4) **“Ал-Анвор фий усулил фиқҳ”** (Фиқҳ асосларидаги нурлар). Усулул фиққнинг ёрдамчи соҳаси бўлмиш хилоф илми асосчиси Абу Зайд Дабусий (978–1039) асари. Ҳозиргача топилиб, нашр қилинган эмас. Абул-Баракот Насафий (1232–1310) қаламига мансуб “Манорул анвор” (Нурлар машъаласи) Абу Зайд Дабусийнинг мазкур асари асосида ишланган бўлиши мумкин. Унинг хилоф илмига оид бошқа асарлари ҳам мавжуд ва улар нашр этилган;

5) **“Усулул Паздавий”** (Паздавийнинг усули). Али ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Мусо Паздавий (1009–1089) асари бўлиб, “Ал-Усул” (Асослар), “Канзул вусули ила маърифатил усул” (Усулни танишга етказувчи хазина), “Китобул кабир фий усулул фиқҳ” (Усулул фиққдаги катта китоб) номлари билан юритилади. Паздавийнинг мазкур асари ҳанафий мазҳабининг асос қоидаларини ўрганишда аҳамияти беқиёс. Унга ўндан ортиқ шарҳлар ёзилган бўлса-да, улардан фақат Абдулазиз Бухорий (ваф. 730/1330) қаламига мансуб “Кашфул асрор” (Сирлар кашфи) номли шарҳ Қоҳира ва Истанбулда нашр этилган;

6) **“Усул Сарахсий”** (Сарахсийнинг усули). Шумсулаимма Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Саҳл Сарахсий (1009–1090) асари. Мазкур асар Абу Бакр Жассоснинг (918–980) усулул фиққа оид китоби асосида ишлангани учун уни “Тамҳидул фусули фил усул” (Асослар ҳақидаги фаслларни осон-

лаштириш) деб ҳам аталган. Асар Абул Вафо Афғоний томонидан 1954 йили икки жилдда нашр эттирилган. Кейин Байрутда 1973 йили ва 1993 ҳамда 1997 йилларда қайта-қайта чоп қилинган;

7) **“Ат-Таҳсил”** (Ҳосил қилиш). Абу Ҳафс Насафийнинг (1068–1142) асари бўлиб, тўлиқ номи “Таҳсилу усулул фиқҳ ва тафсилул мақолоти фиҳа алал важҳ” (Усул алфиқҳни ўрганиш ва у ҳақда умумий қарашларнинг тафсилоти) дейилган. Асар ягона қўлёзма ҳолида муаллифнинг “Матлаун нужуми ва мажмаул улум” (Юлдузлар чиқиш жойи ва илмлар жамланмаси) деган қомусий асарининг таркибидан жой олган. Ҳажми 22 варақли мазкур усулул фиқҳга оид мухтасар матнда соҳага оид барча қонун-қоидаларни жамлашга ҳаракат қилинган. Унинг энг муҳим томони асарда Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944) номи 16 жойида тилга олиниб, унинг “Маъхазуш шаройеъ” (Шариатларнинг оладиган жойи) асаридан иқтибослар олинган. Шунингдек, мазкур асарнинг охирги фасли Абул Ҳасан Кархий ишлаб чиққан фиқҳий қоидаларга бағишланган. “ат-Таҳсил” шофиъийлик ва аҳли ҳадисларнинг усулий қоидалари ҳамда маҳаллий уламоларнинг усулул фиқҳга оид қарашларини ўрганишда ҳам аҳамияти катта[268];

8) **“Усулул фиқҳ”** (Фиқҳ асослари). Абу Муҳаммад Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Ҳусом Шаҳид Бухорий (1090–1141) асари. Ҳалигача нашр этилмаган, қўлёзмалари ҳам топилмаган. У кичик-кичик ҳажмли фасллардан тузилган ҳажман мухтасар қилинган рисола бўлган;

9) **“Мезонул усул фий натоижил уқул”** (Ақллар натижаларида асос тарозуси). Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулҳамид (Аҳмад) Усмандий Самарқандий (1096–1158) асари. Кичик ҳажмли бу рисола Закий Абдулбарр томонидан 1984 йилда Қатарда нашр этилган. Муаллифнинг усулул фиқҳга оид “Базлун назар” (Назар инъоми) номли

[268] Муҳаммадаминов С. Абу Ҳафс Насафийнинг усул ал-фиқҳга оид бир рисоласи // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – № 1. – Тошкент, 2007. – Б. 85–88.

асари ҳам бўлган. Шунингдек, баъзилар “Ал-Либоб” (Олтин шода) номли усулул фиқҳга бағишланган асарни ҳам унга нисбат қиладилар. “Мезонул усул” аҳкомлар ҳақидаги умумий қоидалардан сўнг тўрт асосий масдар, шаръу ман қаблана, саҳобий қавли каби қўшимча масдарлар, шунингдек, ҳукмлардаги таоруз, таржиҳ, насх қонун-қоидалари баён этилади. Китоб охирида ижтиҳод ва мужтаҳидлик ҳақида сўз юритилади;

10) **“Усулуш Шоший”** (Низомуддин Шошийнинг усулул фиқҳга оид асари). Низомиддин ибн Муҳаммадазиз Шоший (VII/XIII аср) қаламига мансуб асар бўлиб, муаллиф уни эллик ёшида ёзгани боис “Китобул хамсин” (Эллик ёш китоби), ибораларининг қисқалиги билан эса “Ал-Мухтасар фий усулил фиқҳ” деб ҳам номланган. Муаллиф Ҳастимом – Ҳазрати Имом Қаффол Шоший мақбарасига дафн этилган[269]. “Усулуш Шоший” ҳанафий мазҳаб усулул фиқҳига бағишланган асарлар ичида ўзининг мухтасар экани, содда ва равон тилда ёзилгани билан ажралиб туради. Унда ҳанафий мазҳабнинг усулий қоидаларини шофиъийлик мазҳаби усул қоидалари билан солиштирилиб, ҳар бир қоидани мисоллар билан тушунтирилган. Шунинг учун ҳам мазкур асар ўрта асрлар мадрасаларида дарслик сифатида ўқитиб келинган. “Усулуш Шоший” ва унинг шарҳлари тошбосмаларда бир неча марта нашр этилган;

11) **“Мунтахабул Ҳусомий”** (Ҳусомийнинг танланган нарсалари). Ҳусомиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар Ахсикатий (ваф. 624/1227) асари бўлиб, тўлиқ номи “Ал-Мунтахаб фий усулил мазҳаб” (Мазҳаб усули борасида танланган)дир. Асар қисқа ва ўқимишли бўлгани боис “Мухтасарул Ҳусомий” ҳам деб аталади. Асар Лакнауда уч марта, Деҳлида эса икки марта тошбосма шаклда нашр этилган. Унинг бир неча шарҳлари бор бўлиб, шулардан Абдулазиз Бухорий (ваф. 730/1330) қаламига мансуб “Ғоятут таҳқиқ” (Изланиш чўққиси) номли шарҳ Лакнауда 1871 ва 1876 йилларда нашр этилган;

[269] Аҳмадалиев А. “Усулуш Шоший” муаллифи // Ҳидоят, 2009/7. – Б. 30–31.

12) **“Ас-Сафва фий усулил фиққ”** (Фиққ асосларидаги мусаффолик). Нажмиддин Зоҳидий (ваф. 658/1260) асари. Қўлёзмалари топилган эмас, муаллифнинг “Ал-Мужтабо” (Танланган, сайланган) номли асарини ҳам усулул фиққға оид дейдиганлар бор;

13) **“Ал-Муғний фий усулил фиққ”** (Фиққ асосларида беҳожат қилувчи). Жалолиддин Умар ибн Муҳаммад Хўжандий Хаббозий (1232–1292) асари. Хаббозий асосан Дамашқда яшаб-ўтган. Бир муддат Хоразм ва Маккада ҳам яшаган. “Ал-Муғний” Сарахсий (1009–1090) ҳамда Паздавий (1009–1089) асарлари асосида яратилган матн. Асар Муҳаммад Мазҳар Бақо томонидан Маккада 1983 йилда нашр қилинган;

14) **“Бадиун низом”** (Низом гўзаллиги). Музаффаруддин Аҳмад ибн Али ибн Саотий (ваф. 694/1294) асари. Унинг тўлиқ номи “Бадиун низом ал-Жомиъ байна китобайил Баздавий вал Иҳком” (“ал-Иҳком” ва Баздавийнинг китоблари орасидаги тўпланган тартиб гўзаллиги) бўлса-да, “Ниҳоятул вусул ила илмил усул” (Усул илмига етишиш ниҳояси) деган номи ҳам бор. У ҳанафий усулчиси Али Паздавий (1009–1089) қаламига мансуб “Ал-Усул” (Асослар) ҳамда шофиъий усулчиси Сайфиддин Али Омидий (1156–1233) қаламига мансуб “Ал-Иҳком” (Мустаҳкам) асарлари асосида тартиб берилган. Омидий шофиъий бўлгани учун “Бадиун низом”ни ҳанафий олимлари ҳам, шофиъий фақиҳлари ҳам шарҳ қилганлар. “Бадун низом”га ўндан ортиқ шарҳ ва ҳошиялар битилган. Чунки у мутакаллимлар, аҳли ҳадислар ва аҳли раъйларнинг усулий қоидаларини яқинлаштирган китоб сифатида муҳим аҳамиятга эга;

15) **“Манорул анвор”** (Нурлар машъаласи). Ҳофизиддин Абул Баракот Насафий (1232–1310) китоби. Паздавий ва Сарахсийнинг (1009–1090) усулул фиққға оид асарларининг қисқартирилган, ихчамлаштирилган варианти. Буни муаллиф асарига ёзган ўзининг шарҳи муқаддимасида алоҳида таъкидлаган. У тошбосмаларда бир неча марта нашр этил-

ган. “Ал-Манор”нинг бир қанча шарҳлари бўлиб, улардан энг машҳурлари муаллифнинг шарҳи “Кашфул-асрор” (Булоқ, 1316), Мулла Жеван Ҳанафий Ҳиндий (1636–1717) ёзган “Нурул анвор” (охирги нашри Абдулҳалим Лакнавий (1823–1868) қаламига мансуб “Қамарул ақмар” номли ҳошия билан бирга Байрутда 1985 йили нашр этилди) номли асарлари ҳисобланади;

16) **“Ат-Танқиҳ”** (Поклаш, тозалаш, урчитиш). Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожуш шариа Бухорий (ваф. 747/1346) асари бўлиб, у учта манба – “Усулул Баздавий”, “Усулу Ибнил Ҳожиб”, “Маҳсулур Розий” асосида яратилган. Унинг ҳам бир қанча шарҳлари бор. Улардан энг машҳурини муаллифнинг ўзи “Ат-Тавзиҳ фий ҳалли ғавомизит танқиҳ” (“Ат-Танқиҳ”нинг муаммоларини ҳал қилишда равшанлаштириш) номи билан таълиф қилган. Мазкур шарҳ бир неча марта нашр этилган бўлиб, охирги нашри 1995 йили Байрутда амалга оширилган. “Ат-Тавзиҳ”га изоҳлар битган Саъддуддин Тафтазонийнинг (1322–1392) “Ат-Талвиҳ фий кашфи ҳақоиқит танқиҳ” (“Ат-Танқиҳ” ҳақиқатларини очишда эслатма) номли асари ўрта асрларда жуда шуҳрат қозонган эди;

17) **“Ат-Таҳрир”** (Таҳрир этиш). Камолиддин ибн Ҳуммомнинг (1386–1456) асари бўлиб, муаллиф уни ҳанафий ва шофиъий мазҳаби фақиҳларининг усулий қарашлари ҳамда мутакаллимларнинг қоидалари, мантиқ илмига асосланган фикрлар асосида яратган. Асар муқаддима ва учта мақоладан иборат. Матн Қоҳирада 1932 йили нашр этилган. “Ат-Таҳрир”нинг шарҳлари орасидан иккитаси чоп қилинган. Шулардан энг машҳури муаллифнинг шогирдларидан бири Ибн Амир Ҳож (1422–1474) қаламига мансуб бўлиб, “Ат-Тақрир ват таҳбир шарҳут таҳрир” (“Ат-Таҳрир”нинг шарҳида безатиш ва билдириш) деб номланган. Шарҳ икки жилдда 1898 ҳижрий йили Мисрнинг “Матбаатул Кубро ал-Амирия” нашриётида чоп қилинган;

18) **“Мирқотул вусул ила илмил усул”** (Усул илмига етишув зинаси). Мулла Хусрав Муҳаммад ибн Фиромурз

ибн Али Румий (ваф. 885/1480) қаламига мансуб асар бўлиб, муаллифнинг ўзи унга “Миръотул усул” (Асослар ойнаси) номли шарҳ битган. Мазкур асарни уламолар усулул фиқҳга оид эътиборли манбалардан бири сифатида эътироф қилганлар. Асар шарҳи билан бирга Истанбулда ўн мартадан кўпроқ нашр этилган. Бундан ташқари, Мулла Хусравнинг “Усулул Баздавий”га ёзган шарҳи, “Ат-Талвиҳ”га битган ҳошияси ҳам шуҳрат қозонган;

19) **“Мусалламус субут”** (Мустаҳкамликка бўйсиндирилган). Аллома Муҳиббуллоҳ ибн Абдушукур Баҳорий Ҳанафий (ваф. 1119/1708) асари. Асарнинг ёзилиш йили 1109/1698 бўлиб, абжад ҳисобида унинг номидан чиқарилган. Китобда ҳанафий билан шофиъий мазҳаби усулий қоидалари қиёсий таҳлил этилган. У муқаддима, 3 та кириш мақола, 4 та асл мақсад ва хотима каби бўлимларга ажратилган. 1908 йили Мисрда матни нашр этилган. Унинг энг машҳур шарҳи Абдулали Ансорий Ҳиндийнинг (ваф. 1225/1810) “Фавойиҳур раҳамут” (Меҳр-шафқат ҳидлари) номли асари бўлиб, у бир неча марта нашр қилинган;

20) **“Мажомиул ҳақоиқ”** (Ҳақиқатлар мажмуаси). Абу Саид Муҳаммад Ходимий (1701–1763) қаламига мансуб кичик ҳажмли асар. “Мажомиул ҳақоиқ” муқаддима, тўртта боб ҳамда фасл, рукн, татимма ва хотима каби қисмларга бўлинган. Асарнинг муҳим томони унда ҳанафий мазҳабидаги фиқҳий қоидалардан 154 таси “қавоиди куллия” ёки “қавоиди аксария” номи остида зикр этилганидир. Асар Миср ва Қозонда тошбосмаларда чоп қилинган.

Усулул фиқҳга бағишланган алоҳида асарлардан ташқари фуруъул фиқҳга оид айрим асарлар таркибида ҳам мазкур мавзу қамраб олинган. Жумладан, Жамолиддин Аҳмад Ғазнавий (ваф. 600/1203) қаламига мансуб “Ал-Ҳовий ал-қудсий” (Муқаддас асровчи) асарида усулул фиқҳга оид қисм мавжуд[270].

[270] Жамолиддин Аҳмад Ғазнавий. Ал-Ҳовий ал-қудсий. 2 жилд. – Байрут: “Дорун наводир”, 2011.

МЎЪТАБАР ФИҚҲИЙ МАТНЛАР

Ҳар бир мазҳабнинг ўзига хос фиққий матн китоблари бор. Фиққий матн ҳанафий мазҳабида эътибор топиши учун ўз соҳасига моҳир имомлар, илм, фиқҳ ва зуҳдда танилган, ривоятда ишончли фақиҳлар томонидан ёзилиши, унда заиф ривоятлар, маржуҳ (кучсиз) қавллар учрамаслиги, ихтилофларнинг барчаси зикр этилавермаслиги, ўқилиши осон, далил ва ҳужжатлари зикр этилмаслиги, энг асосийси, қисқа иборалар, мухтасар рисоласимон асарлар бўлиши керак. Аксар ҳолатда фиққий матнларда мазҳабнинг энг асосий ривоятлари, "Зоҳири ривоя" масалалари акс этган бўлади. Баъзи матнларда Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг қарашлари кўпроқ зикр этилади. Мутақаддимин уламолар тахрижлари, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг қавлига шогирдлари томонидан қилинган зид равишдаги ривоятлар оз бўлса ҳам учраб туради[271]. Мазҳаб доирасида Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг барча қарашлари олинмаганлиги боис айрим фиққий матнларда фатво берилмаслиги ҳам мумкин.

Фиққий матн китобларидан энг аҳамиятлиларини зикр қилинади:

"Мухтасарут Таҳовий". Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салама Аздий Таҳовий (853–933) асари. Шуҳрат қозонган фиққий матн китобларидан бири бўлмиш ушбу асар Қоҳирада 1950 йили Абул Вафо Афғоний томонидан нашр этилган[272].

"Мухтасарул Ҳоким аш-шаҳид". Абул Фазл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий Балхий Ҳоким Шаҳид (855–945) асари. У Бухорода қози, кейинчалик Хуросонда вазир ҳам бўлган. Унинг ёзган "Ал-Кофий" (Кифоя қилувчи) асари усул китобларининг энг машҳур ва энг эътимодлиларидан бирига айланган. У 334/945 йил сажда қила-

[271] Абдулҳай Лакнавий. Муқаддимату Умдатир риоя. – Лакнау: "Юсуфий", 1327. – Б. 10.
[272] Ahmet Ozel. Hanefi fikih alimleri. – Ankara: Turkiye Diyanet vakfi, 2007. – S. 26.

ётганида қатл этилган. Афсуски, ушбу фиқҳий матн китобининг ҳатто қўлёзма нусхалари ҳам топилган эмас.

“Мухтасарул Кархий”. Абул Ҳасан Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн ибн Даллол Кархий (873–952) асари. Абу Наср Исбижобий (ваф. 480/1087) ва Рукниддин Кирмоний (1064–1148) каби уламолар томонидан шарҳ этилган ушбу фиқҳий матн китоби ҳозиргача нашр қилинган эмас.

“Хизонатул фиқҳ”. Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (ваф. 393/1003) асари. У 42 та мустақил китоб, 54 та боб, 45 та матлаб ва 5 та масаладан ташкил топган. Ҳар бир мавзу аввалида умумий тушунчалар берилган. Асарга фароиз ва масжид одоблари китоби ҳам киритилган. “Алфозул куфр” деб номланган алоҳида боб мавжуд. Асар Салоҳиддин Ноҳий томонидан 1966 йили Бағдодда муаллифнинг “Уюнул масоил” китоби билан бирга нашр этилган.

“Бидоятул-мубтадий”. Бурҳониддин Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Фарғоний Риштоний Марғиноний (1123–1197) асари. “Бидоятул мубтадий” (Фиқҳни ўрганишни бошловчилар учун бошланғич қўлланма) номли мазкур асарни муаллиф ёшлик вақтида ҳажми кичик, расмий жиҳатдан катта эътиборга эга китоб бўлишини кўзлаб ёзган. У Бағдод сафари чоғида Абул Ҳусайн Қудурийнинг (972–1037) “Мухтасарул Қудурий”нинг асаридан таъсирланиб, унга асосланиб таълиф эта бошлаган[273].

Бурҳониддин Марғиноний “Бидоятул мубтадий”ни ёзиш сабабини унинг муқаддимасида қуйидагича зикр қилади: “Менда фиқҳ соҳасида ҳар хил навдан баён қилинган, ҳажми кичик, расмий жиҳати эса юксак бир китоб ёзсам, деган хаёл хотирамдан ўтарди. Иттифоқо, саёҳатим асносида, мўжизликда ғоят гўзал ва ажойиб, қисқа китобни – Қудурийга мансуб “Ал-Мухтасар”ни топдим! Замонанинг улуғлари, каттаю кичиги “Ал-Жомиъ ас-сағир”ни ёд олишга рағбат кўрсатаётганларини ҳам кўрдим! Шу икковини жамлашга, иккисидан четга чиқмасликка қасд қилдим, фақат баъзида зарурат тала-

[273] Қориев О.А. Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин Марғиноний. – Тошкент: “Фан”, 2009. – Б. 115.

бида чекиниш мумкин. Уни “Бидоятул мубтадий” деб номладим. Унинг боблари тартибини Имом Муҳаммад ибн Ҳасан ихтиёр қилганини табаррук санаб – “ал-Жомиъ ас-сағир” тартибида бўлишини хоҳладим...”. “Бидоятул мубтадий” қисқа сўзбоши билан бошланиб, мавзулар 58 та китобга ажратилган ҳолда баён этилади.

“Туҳфатул фуқоҳо”. Бу асарнинг муаллифи Алоуддин Самарқандийдир (ваф. 539/1144). Бу китоб кенг матндан иборат бўлиб, муаллиф енгил услуб ва равшан иборалар билан фиқҳий масалаларни баён қилган. Бу нарса ўқувчида сўзларни тушуниш ва мақсадга етишга осон бўлишга таъминлаган. Муаллиф асарини “Мухтасарул Қудурий” китоби асосида ёзган. “Мухтасарул Қудурий”да қолиб кетган баъзи масалаларни келтирган ва мушкул жойларини кучли далиллар билан изоҳлаган. Буни муаллиф асарнинг муқаддимасида айтиб ўтган.

“Ал-Фиқҳун нофеъ”. Бу асар муаллифи Носируддин Абул Қосим Самарқандийдир[274] (ваф. 556 й.). Бу китоб ҳанафий фиқҳи борасида батафсил ёзилган матндир. Таҳорат китоби билан бошланиб, хунаса китоби билан тугаган. Муаллиф фиқҳий масалаларга Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар билан далил келтиришга эътибор қаратади. Шу билан бирга, саҳобаларнинг осорлари ва қиёсга таянган. Кўпгина масалаларда Абу Ҳанифа билан шогирдлари Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан ва Зуфар ибн Ҳузайлларнинг райларини қиёслайди. Баъзи ўринларда ҳанафийлар ва шофиийлар раъйларни қиёслайди, айрим ўринларда эса ҳанафийлар билан моликийларнинг раъйларни қиёслаб далилларини келтиради. Муаллиф кўпинча Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг райини қўллаб-қувватлаб, далилларини батафсил келтиради. Бир қанча уламолар ушбу китоб ҳақида яхши сўзларни айтишган. Жумладан, Ромиший бундай дейди: “Бу китоб ўз номига мувофиқ манфаатли асардир”.

[274] Тўлиқ исми – Носируддин Абул Қосим Муҳаммад ибн Юсуф Ҳусайний Самарқандий бўлиб, ўз даврида Мовароуннҳарнинг буюк фақиҳларидан бўлиб, замонасининг мужтаҳиди бўлган. У зотнинг “Хулосатул муфтий”, “ал-Фиқҳун нофеъ” ва “ал-Мултақит фил фатово” номли асарлари бор.

“Ан-Ниқоя” (“Ан-Нуқоя”, “Ниқоятур ривоя”, “Ниқоятул Виқоя” ёки “Мухтасарул Виқоя”). Садруш шариа ал-асғар Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубий Бухорий (ваф. 747/1347) қаламига мансуб ушбу асар фиқҳий матн китоблари ичида ўзининг қисқалиги, мўъжазлиги билан ажралиб тургани учун “Мухтасарул Виқоя” номи билан танилган. Муаллиф уни бобоси Маҳмуд ибн Аҳмад Маҳбубий (ваф. 630/1232) “Ал-Ҳидоя”ни қисқартириб тартиб берган “Ал-Виқоя” асосида яратган. Шундай қилиб, “Ал-Виқоя” қисқалиги билан “Ал-Ҳидоя”нинг мағзи, “Ан-Ниқоя” эса “Ал-Виқоя”нинг мағзи ҳисобланади. Муаллиф ўз мухтасари муқаддимасида бундай ёзади: “Кимки “Ал-Ҳидоя” масалалари ўзида ҳозир бўлишини яхши кўрса, унга “Ал-Виқоя”ни ёд олиш лозим бўлади. Кимники вақт шошилтирса, диққат-эътибор тизгинини ушбу мухтасарни ёдлашга бурсин”[275].

“Мухтасарул виқоя” асрлар давомида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитиб келинган, унга нисбатан уламо ва фақиҳларнинг эътибори юксак даражада бўлган. Шу боисдан унга ўндан ортиқ шарҳлар битилган. Унинг энг биринчи шарҳи сифатида муаллифнинг ўзини кўрсатиш мумкин. У “Ал-Виқоя”ни шарҳ қилиш асносида ўзининг мухтасарини ҳам шарҳлаб кетишга муяссар бўлган ва буни “Шарҳул Виқоя” муқаддимасида алоҳида таъкидлаган[276].

Жалолиддин Даввоний (1427–1502) “Мухтасарул Виқоя”га ёзган шарҳида асардаги барча масалалар ишончли ва эътироф қилингани, фатво берилмаган масалалар унда йўқ эканини алоҳида қайд этган[277].

“Мавоҳибур Раҳмон”. Бу асар муаллифи Иброҳим ибн Мусо ибн Абу Бакр Тароблусий (ваф. 922/1516) унинг тўлиқ

[275] Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожуш шариъа. Мухтасарул Виқоя фий масоилил Ҳидоя. – Қозон, 1911. – Б. 3.

[276] Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожуш шариъа. Шарҳул виқоя маъа умдатир риоя. – Лакнау: “Юсуфий”, 1327. – Б. 50. Шуни айтиш керакки, А.Ш.Жузжоний “Шарҳул виқоя”дан кейин “Мухтасарул виқоя” яратилган, деб янглишган. Аслида, “Шарҳул виқоя”да “Мухтасар” ҳам шарҳлаб кетилган. Қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002. – Б. 198–199.

[277] Мир Рабиъ ибн Мир Ниёз хўжа Ҳусайний. Рисолат ар-Раҳмонийя. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 9060/XII. – В. 406[b].

номи “Мавоҳибур Раҳмон фий мазҳаби Аби Ҳанифата ан-Нуъмон” (Абу Ҳанифа Нўъмоннинг мазҳабида Раҳмоннинг туҳфалари) ҳисобланади. Бу асар нашр қилинмаган. Муаллиф асарда фиқҳ бобларининг кўпчилигини зикр қилган. Муаллиф асарни ёзишда “Мажмаул баҳрайн” соҳиби Ибн Соатийнинг услубидан фойдаланган. Бу асар ҳам “Мажмаул баҳрайн” каби мазҳабда қимматли фойдали китобдир.

Иброҳим Тароблусий ўзининг “Мавоҳибур Раҳмон” асарига “Ал-Бурҳон шарҳу мавоҳибир Раҳмони фи мазҳаби Аби Ҳанифата ан-Нуъмон” номли шарҳ ёзади. Аллома Баннурий ушбу китоб ҳақида шундай дейди: “Мавоҳибур Раҳмон” асарининг шарҳи “Ал-Бурҳон” яхши китоб бўлиб, ҳанафий мазҳабига саҳиҳ ҳадисларни далил қилиб келтиради”.

“Мултақил-абҳур”. Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Ҳалабий (ваф. 956/1594) асари. Мазкур фиқҳий матннинг ёзилиш сабабларини муаллиф қуйидагича баён қилади: “Мендан фойдаланувчи толиблардан баъзиси уларга атаб, “Мухтасарул Қудурий”, “Ал-Мухтор”, “Ал-Канз” ва “Ал-Виқоя” масалаларини қамраб оладиган бир китобни осон иборалар ила жамлашимни сўрашди, мен қабул айладим. Унга “Ал-Мажмаъ”даги эҳтиёж тушадиган баъзи масалаларни ва озгина “Ал-Ҳидоя”дан ҳам қўшдим. Имомларимиз орасидаги хилофларни очиқ баён этдим ва уларнинг энг равшан (аржаҳ) гапларини муқаддам, бошқасини кейин зикр қилдим”. Тилга олинган олтита асар асосида яратилгани учун муаллиф китобини “Мултақил абҳур” (Денгизлар учрашуви) деб номлаган.

“Мултақиил абҳур” ҳажми кичик, иборалари равон ва қисқа бўлгани учун унга бир қанча шарҳлар битилган, матн ва баъзи шарҳлари нашр қилинган.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДАГИ ТЎРТТА МЎЪТАБАР ФИҚҲИЙ МАТН

Мутааххирин уламолар наздида тўртта мўътабар фиқҳий матн китоблари бор бўлиб, улар “Мухтасарул Қудурий”, “Виқоятур ривоя”, “Канзуд дақоиқ” ва “ал-Мухтор лил фатво” бўлиб, “мутуни арбаа” (тўртта матн) номи билан юритилади. “Ал-Мухтор”нинг ўрнига “Мажмаул баҳрайн”ни ҳам қўшадиганлар бор. “Мутуни салоса” (учта матн) дейилганда эса аввалги учтаси назарда тутилади[278].

1) **“Мухтасарул Қудурий”.** Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурий Бағдодий (972–1037) асари бўлиб, у ҳанафий мазҳабидаги фиқҳий матн китоблари ичида энг эътиборлиси ва ўрни юксагидир. Ҳожи Халифа (1609–1657) айтишига қараганда, ҳанафийликда “Китоб” деб фиқҳий манба айтилса, ушбу асар назарда тутилган бўлади. У таниқли фақиҳлар орасида шуҳрат қозонган, эътибор топган энг қулай матн китоби ҳисобланади. Унда 12000 фиқҳий масала зикр қилинган.

“Мухтасарул Қудурий”нинг эътибори ва шуҳрати шу даражага етганки, уни вабо кунлари ўқилса, вабо йўқолади, деб табаррук санашган.

Абу Али Шоший бундай деган: “Кимки ушбу “Мухтасарул Қудурий”ни ёд олса, асҳобларимизнинг энг ҳифзлироғи бўлади. Ким “Мухтасарул Қудурий”ни тушунса, асҳобларимизнинг энг фаҳмлироғи бўлади”.

“Мухтасарул Қудурий”нинг машҳурлиги, эътибори сабабли унга жуда кўп шарҳлар, ҳошиялар битилган, уни назмга солишган.

2) **“Ал-Виқоя”.** Ушбу асарнинг тўлиқ номи “Виқоятур-ривоя фий масойилил Ҳидоя” (“Ҳидоя” масалаларида ривоятларни асровчи) бўлиб, у “Мухтасарул виқоя” соҳибининг бобоси Бурҳонуш шариа (баъзилар буни ҳам “Тожуш шариа” дейдилар) Маҳмуд ибн Садруш шариа Аҳмад Маҳбубий (ваф.

[278] Абдулҳай Лакнавий. Муқаддимату Умдатир риоя”. – Лакнау: “Юсуфий”, 1327. – Б. 10.

630/1232) қаламига мансубдир. У Бухородан чиққан етук ҳанафий мазҳаб фақиҳларидандир. Кафавийнинг (ваф. 990/1582) айтишига қараганда, бу асар “Ал-Ҳидоя”, “Ал-Фатово”, “Ал-Воқеот” масалаларидан танлаб олиб ёзилган. Муаллиф Маҳмуд ибн Аҳмад Маҳбубий унинг невараси Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубий учун озгина-озгинадан ёзар, невараси эса ҳар бир ёзилган қисмни ёд олар эди. Китоб тугаганда невараси уни тўлиқ ёд олган. Бу ҳақда Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубий ушбу асарга ёзган “Шарҳул Виқоя” асарида бундуй дейди: “Бу бобом ва устозим Маҳмуд ибн Садруш шарианинг менинг ёдлашим учун ёзган “Виқоятур ривоя фий масойилил ҳидоя” асарининг ёпиқ ўринларини очиш мақсадида ёзилган шарҳдир. Муаллиф соҳиб уни бир сабоқ-бир сабоқ қилиб ёзар, мен эса ёдлаш майдонида бир чопиш-бир чопиш қилиб юрар эдим. Ҳатто китоб ёзилишининг тугаши билан менинг ёд олишим тўғри келди...”[279].

Асрлар давомида “Ал-Виқоя”га уламолар ва толиби илмларнинг ихлослари юксак бўлган. Шунинг учун унинг шарҳлари, унга бағишланган ҳошиялар, у асосида битилган манзумалар жуда кўп.

3) **“Канзуд дақоиқ”**. Ҳофизиддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий (1232–1310) қаламига мансуб ушбу китобнинг тўлиқ номи “Канзуд дақоиқ фий илмил фуруъ” (Фуру илмида нозик масалалар хазинаси) бўлиб, фиққий матн китоблари орасида ўзига хос ўринга эга.

“Канзуд дақоиқ” муаллифнинг “Ал-Вофий фил фуруъ” (Фуруъул фиқҳ борасида вафо қилувчи) асаридан қисқартириб олинган матн бўлиб, муаллиф толиби илмларнинг кенг ва катта ҳажмли китобларни ўқишдан зерикишлари, инсон табиати қисқа битилган китобларга рағбатли эканлиги сабабли ушбу китобини ёзаётганини айтган ва асари қийин, мушкул ўринлардан холилигини, унга “Фатово” ҳамда “Воқеот” масалалари билан зийнат берилганлигини қайд қилган[280].

[279] Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорий. Шарҳул Виқоя // Ҳошиясида Умдатир-риоя”. – Лакнау: “Юсуфий”, 1327. – Б. 50.

[280] Абу-л-Баракот Насафий. Канзуд дақоиқ. – Бумбай: “Фатҳул карим”, 1305. – Б. 3.

“Канзуд дақоиқ”да бошқа фиқҳий матн китобларида учрамаган мавзулар, жумладан, фароиз кабилар ҳам бор.

“Канзуд дақоиқ” асари асрлар давомида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитиб келинган. Шунинг учун унга ўнлаб шарҳ, ҳошиялар битилган. Бундай шарҳ ва ҳошияларнинг кўплиги бу асарнинг нақадар машҳурлиги ва ҳанафий мазҳабида мўътабар манба эканлигидан далолат беради[281]. Унинг шарҳлари орасида “Табйинул ҳақоиқ” (Ҳақиқатларни баён қилиш), “Рамзул ҳақойиқ” (Ҳақиқатлар рамзи), “Баҳрур роиқ” (Ширин денгиз), “Наҳрул фоиқ” (Тўла анҳор) кабилар шуҳрат қозонган. “Канзуд дақоиқ” баъзи фиқҳий асарларда қисқартирилиб, “Ал-Канз” деб юритилади.

4) **“Ал-Мухтор”.** Абул Фазл Мажидиддин Абдуллоҳ ибн Маҳмуд Мусилийнинг (1202–1284) “ал-Мухтор фий фуруил ҳанафия” (Ҳанафийлик фурусидаги ихтиёр қилинган ривоятлар) ёки “Ал-Мухтор лил фатво” (Фатво учун ихтиёр қилинган ривоятлар) номли асари. Муаллиф ўз асарини ўзи “Ал-Ихтиёр ли таълилил Мухтор” номи билан шарҳлаган бўлиб, матн тузишда фақат Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фиқҳий қарашларини ихтиёр этгани сабабли шу номни танлаганини зикр қилади.

5) **“Мажмаул баҳрайн”**. Тўлиқ номи “Мажмаул баҳрайн ва мултақан наҳрайн фий фуруил ҳанафийя” (Ҳанафийлик фурусидаги икки анҳор учрашуви ва икки денгиз қўшилуви). Уни Музаффариддин Аҳмад ибн Али ибн Саълаб ибн Саотий Бағдодий Баълабаккий Ҳанафий (ваф. 694/1294) ёзган.

“Мажмаул баҳрайн” Абул Ҳусайн Қудурийнинг (972–1037) “Мухтасар” ҳамда Абу Ҳафс Насафийнинг (1068–1142) “Манзума” асарлари асосида тартиб берилган ҳанафий мазҳабидаги мўътабар фиқҳий матн китоби ҳисобланади. “Кашфуз зунун”да Ҳожи Халифа (1609–1657) унинг ғоят қисқалигидан ёд олиш осонлигини, мушкул ўринларини ечиш қулайлигини, озгина сўзлар билан кўпгина маъноларни ифодалаганини ёзади ва унда ишлатилган ўзига хос бир услубни қу-

[281] Юсупов Ж. Абул Баракот Насафийнинг “Канзу-дақоиқ” асарига ёзилган шарҳлар // Тошкент Ислом университетининг Илмий-таҳлилий Ахбороти. – Тошкент, 2008. – № 4. – Б. 40–42.

йидагича тушунтиради: “Муаллиф, агар Имоми Аъзамнинг гапига унинг икки соҳиби хилоф қилганини билдирмоқчи бўлса, ривоятни жумлаи исмия билан, агар Абу Юсуф икки зотга хилоф қилган бўлса, ривоятни келаси замондаги жумлаи феълия билан, агар Муҳаммад икки зотга хилоф қилган бўлса, ўша ривоятни ўтган замондаги жумлаи феълия билан келтирган”.

Содда, мўъжаз, ёдлашга осон бўлганлиги учун унга аҳли илмлар катта эътибор бериб, унга ўнлаб шарҳлар ёзганлар. Муаллифнинг Фотима номли қизи отасидан илм ўрганиб, отасининг ушбу “Мажмаул баҳрайн” асарига чиройли таълиқот (қўшимча изоҳлар) битган.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДАГИ ЭНГ АҲАМИЯТЛИ ФИҚҲИЙ МАНБАЛАР

1) **“Ал-Кофий”** (Кифоя қилувчи). Ҳокимуш шаҳид асари бўлиб, унда Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Зоҳирур ривоя китоблари” деб аталадиган олтита машҳур асаридаги ривоятлар тўпланган. Муаллиф Шайбонийнинг “Ал-Мабсут” асарини такрорий келтирилган масалалар кўп бўлгани учун кам ўқиётганларини кўриб, такрорларини келтирмасдан мухтасар бир асар ёзишни кўзлаган. Шунинг учун ушбу асар ҳанафий мазҳабининг асоси деб ҳам аталади.

2) **“Ал-Мунтақо”** (Тозаланган). Ҳокимуш шаҳид асари бўлиб, “Зоҳирур ривоя”дан бошқа “наводир” масалаларини ўзида жамлаган. Шу боисдан ҳам эътибор жиҳатдан Шайбонийнинг асарларидан кейинги ўринда туради.

3) **“Ал-Мабсут”** (Кенгайтирилган). Шамсул аимма Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий (1009–1090) қаламига мансуб ушбу асар Ҳокимуш шаҳиднинг “Ал-Кофий” номли китобига ёзилган шарҳ ҳисобланади. 15 жилдли ушбу эътиборга молик китобни Шамсул аимма Сарахсий Ўзгандда, зиндонга тушган пайтда, зиндон тепасида йиғилган шогирдларига айтиб туриб ёздирган. Китобнинг “Аш-Шурут” қисмига келганида у зиндондан озод бўлган

ва асарнинг қолган қисмини Фарғонада 477/1084 йилда ёзиб тугатган[282].

Ибн Обидин (1783–1836) “Ал-Кофий”нинг энг кучли шарҳи сифатида Шумсул аимма Сарахсийнинг “Ал-Мабсут” асарини зикр қилиб, у эътимодли китоблардан эканлигини, унинг хилофига амал қилиш жоиз эмаслигини, унга тенг келадиган асар йўқлигини қайд этган[283].

Шумсулаимма Сарахсийнинг (1009–1090) “Ал-Мабсут” асари ҳақида қуйидагича шеър ҳам тўқилган:

“Мабсутус Сарахсий”ни ўқиш сенга лозим,
У денгиздир, масалалари эса ноёб дурдона.
Унинг ривоятларидан ўзгасига суянма, жоним
Толибга рағбатли мукофот – ундан жавоб ягона!

Шумсул аимма Сарахсий толиби илмларнинг ҳиммати камлиги, ихтилофли масалаларга ўралашиб қолганлиги учун фиқҳдан юз ўгиришётганини кўргани; фиқҳ маъноларини шарҳлашда баъзи мутакаллимлар фалсафий гапларни чўзишга одатланиб қолаётгани; айрим мударрислар эса тагида асл фиқҳ йўқ нукталарни сўзлаётгани китобини ёзишга сабаб бўлганини қайд қилган. Муаллиф шарҳлашда асосий мавзудан четлашмаган, ҳар бир бобдаги ишонарли маълумотларни зикр қилган ҳолда “Ал-Кофий”ни шарҳлаш энг тўғри йўл деб билади.

Ҳанафий мазҳабида “Ал-Мабсут” деб номланган асарлар кўп бўлиб, Шайхул ислом Хоҳарзоданинг (ваф. 483/1090) асари “Мабсути кабир” дейилади. Шунингдек, Шамсул аимма Ҳаловоний (ваф. 456/1063), Шамсул аимма Сарахсий (1009–1090), Абул Уср Паздавий (ваф. 484/1091), Абул Юср Паздавий (ваф. 493/1099), Носируддин Самарқандий (ваф. 556/1160), Абу Лайс Самарқандийларнинг (ваф. 393/1003) “Ал-Мабсут” номли асарлари бор.

---

[282] Қаранг: Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафийя. – Қозон, 1902. – Б. 193–194.; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фиқҳий йўналишлар ва китоблар. – Т.: “Шарқ”, 2011. – Б. 153.

[283] Муҳаммад Амин ибн Умар ибн Обидин Димишқий. Шарҳул манзума Уқуду расмил муфтий // Расоилу Ибн Обидин. – Истанбул: “Саҳҳофия”, 1320. – Б. 20–21.

Фиқҳий манбаларда “Ал-Мабсут” асари мутлақ келганда “Мабсутус Сарахсий” тушунилади. Имодуддин Тарсусий (ваф. 727/1326): “Бу китобнинг хилофига амал қилинмайди, унгагина суянилади, ундаги масалалардан ўзгасига фатво берилмайди”, деган[284]. Шумсул аимма Сарахсийнинг “Ал-Мабсут” асари Қоҳирада 1906–1912 йилларда 30 жилд қилиб нашр этилган.

4) **“Бадоеус саноеъ фий тартибиш шароеъ”** (Шариат тартибидаги бадиий санъатлар). Фиқҳга оид ушбу машҳур асар муаллифи Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Маликул уламо Алоуддин Косонийдир. “Бадоеус саноеъ” Алоуддин Самарқандий (ваф. 539/1145) ёзган “Туҳфатул фуқаҳо” (Фақиҳларга туҳфа) асари шарҳидир. Абу Бакр Алоуддин Косоний 587/1191 йили ражаб ойида Ҳалабда вафот қилган. Ҳалаб ташқарисида рафиқаси, Алоуддин Самарқандийнинг қизи, олима, фақиҳа Фотима ёнига дафн қилинган.

“Бадоеус саноеъ” ўз тартиботи ва услуби билан ажралиб туради. Айтиш керакки, муаллифгача бу тартибда фиқҳий асар ёзилмаганди. Устози Алоуддин Самарқандийнинг “Туҳфатул фуқаҳо”сига ёзилган шарҳ дейилса-да, аслида, мустақил кўриниш олган. Муаллиф унинг шарҳ эканига ишора ҳам қилмаган. Унда “Туҳфатул фуқаҳо”нинг матнини сўзма-сўз келтириб шарҳ қилиш услубига эргашилмаган. Абу Бакр Косоний ўз китобида “Туҳфатул фуқаҳо”нинг тартибига риоя қилмасдан, боб ва фаслларни янгидан тартибга солган.

“Бадоеус саноеъ”да ҳар бир мавзуга оид ҳанафий мазҳаби мужтаҳидлари ва фақиҳлари қарашлари зикр этилгандан сўнг, шофиъий ва моликий мазҳаби фиқҳий қарашлари ҳам айтиб ўтилади. Қувватли қараш таржиҳ этилгандан сўнг, ақлий ва нақлий далиллар келтирилади. Шу сабабли бўлса керак, бошқа мазҳабларда ҳам ҳанафий мазҳабнинг энг мўътабар фиқҳий манбаси сифатида “Бадоеус саноеъ” эътироф қилинган.

[284] Ибн Обидин. Раддул муҳтор ала Дуррил мухтор. 1-жилд. – Байрут: “Дорул кутубил илмия”, 2003. – Б. 169–170.

“Бадоеус саноеъ” илк бор 1909–1910 йили Қоҳирада 7 жилд қилиб нашр этилган. Ушбу нашр асосидаги офсет нашри 1974 ва 1982 йилларда такроран Байрутда чоп қилинган. 1974 йили асарда келтирилган ҳадислар тахрижи билан Қоҳирада 10 жилд қилиб нашр қилинган.

5) **“Ал-Ҳидоя шарҳул бидоятил мубтадий”** (“Бидоятул мубтадий шарҳи ҳидоя). Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197) асари. “Ал-Ҳидоя” умумий ҳисобда 57 та китоб, 168 та боб ва 153 та фаслдан иборат. Асар ёзилганидан буён мадрасаларда ҳанафий мазҳаб фиқҳидан асосий дарслик сифатида ўқилгани, унинг фиқҳ тарихи ривожида муҳим аҳамияти борлигини билдиради. Шунинг учун унинг қўлёзмалари ва тошбосма нашрлари жуда кўп. Ўрта асрларда ҳанафий мазҳабига оид кўпгина асарлар унинг таъсирида ёзилган. “Ал-Ҳидоя”нинг юздан ортиқ шарҳ ва ҳошиялари мавжуд.

6) **“Ал-Биноя фий шарҳул ҳидоя”** (“ал-Ҳидоя”нинг шарҳида бино қилувчи). Бадриддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад Айнийнинг (1361–1451) 90 ёшга яқинлашиб қолганида “Ал-Ҳидоя”га ёзган шарҳи. Муаллиф ҳадисшунослик соҳасида “Саҳиҳул Бухорий”га “Умдатул қори” номи билан ёзган шарҳи билан танилган. “Ал-Биноя” Лакнауда 1876 ҳижрий йили 6 жилдда нашр этилган. 1980 йилда эса Байрутда 10 жилд қилиб қайта нашр қилинди.

7) **“Фатҳул қадир”** (Қудратли ғалаба). Камолиддин ибн Ҳумом Муҳаммад ибн Абдулвоҳид Севосий Искандарий (1388–1457) асари. У “Ал-Ҳидоя”нинг энг зўр шарҳи ҳисобланади. Лекин муаллиф уни тугата олмаган, “Ваколат китоби”га келганда вафот этган. Уни Шамсиддин Аҳмад Қозизода (ваф. 988/1580) тамомига етказади ва ўзининг тўлдирмасини “Натоижул афкор фий кашфир румуз вал асрор” (Сирлар ва рамзлар кашфида фикр натижалари) деб номлайди.

8) **“Табйинул ҳақоиқ”** (Ҳақиқатларни баён қилиш). Абу Муҳаммад (Абу Умар) Фахриддин Усмон ибн Али ибн Муҳсин Зайлаий (ваф. 743/1343) асари бўлиб, “Канзуд дақоиқ”қа

ёзилган энг яхши шарҳлардан бири. Шориҳ “Канзуд дақоиқ”-ни фиқҳдаги энг гўзал мухтасар матнлардан бири деб билган ва унга ўртача шарҳ қилишни мақсад қилган. Шориҳ матннинг ўзини шарҳлашга, ундан чеккага чиқмасликка ҳаракат қилган, мазҳаб фақиҳларининг барча фикрларига, масалаларнинг далилларига батафсил тўхталмаган. Далилларнинг битта-иккитаси билан кифояланган. “Табйинул ҳақоиқ” Лакнауда 1884, Қоҳирада 1885 ва Булоқда 1895–97-йилларда 6–7 жилд қилиб нашр этилган. “Баҳрур роиқ”да “шориҳ” дейилганда, мана шу аз-Зайлаий назарда тутилган.

9) **“Ал-Баҳрур роиқ шарҳи канзид дақоиқ”** (“Канзуд дақоиқ” шарҳидаги тоза-шаффоф денгиз). Зайниддин (Зайнул обидин) ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Нужайм Мисрий (1519–1563) асари. Муаллиф китобини тугатишга умри етмаган. Унда ўзидан олдин битилган “Табйинул ҳақоиқ”-дан унумли фойдаланилган. Унинг “Ижораи фосида” қисмидан бошлаб Муҳаммад ибн Ҳусайн Турий (ваф. 1004/1595) давом эттирган.

“Ал-Баҳрур роиқ” ҳошиясида Ибн Обидиннинг (1783–1836) “Минҳатул Холиқ” (Яратувчининг мукофоти) асари билан бирга 1893 ҳижрий йили Қоҳирада 8 жилд қилиб нашр этилган. Асар охирги марта 1997 йили Байрутда 9 жилд қилиб чоп қилинган.

10) **“Раддул муҳтор алад дуррил мухтор”** (“Дуррул мухтор”га ҳайратланарли раддия). “Ибн Обидин ҳошияси” номи билан ҳам танилган ушбу асар муаллифи Ибн Обидин куняси билан шуҳрат қозонган Муҳаммад Амин ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Абдураҳим ибн Нажмиддин ибн Муҳаммад Салоҳиддин Димишқий (1783–1836) бўлиб, Муҳаммад ибн Али Ҳаскафийнинг (1616–1677) “Ад-Дуррул мухтор” (Ихтиёр қилинган дур) номли шарҳига ёзилган ҳошия ҳисобланади. Мазкур шарҳ эса Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Темуртошийнинг (1533–1595) “Танвирул абсор” (Кўзларни нурлантириш) номли фиқҳий матн китобига битилган.

МАШҲУР ФАТВО ТЎПЛАМЛАРИ

Ҳар бир мазҳабнинг қанча фақиҳи, муфтийси бўлса, уларнинг ҳаммаси ўзларининг фатво тўпламларини тузган дейилса, муболаға бўлмаса керак. Бинобарин, ҳанафий мазҳабидаги таниқли ва обрўли уламоларининг барчаси фатво тўпламлари тузган. Уларни бирма-бир зикр қилишнинг иложи йўқ. Бу ерда улардан айримларини зикр қилинади:

1) **“Фатовойи Абил Лайс”** (Абу Лайс фатволари). Абу Лайс Фақиҳ Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Самарқандийнинг (ваф. 393/1003) фатволар тўплами. Муаллиф асар муқаддимасида ўнга яқин фақиҳларнинг номларини тилга олиб, ўзининг “Уюнул масоил” (Масалалар булоғи) ҳамда “Ан-Навозил” (Бошга тушган нарсалар) асарларида уларнинг фатволаридан фойдаланганини баён этган. Муаллиф фикрича, ҳодиса ва воқеалар тўхтамай содир бўлиб турганидан, янги-янги фатволарга эҳтиёж тушади. Бу икки асардаги умуман, барча фатво тўпламларидаги фатволар ҳамма ҳодиса ва воқеаларга жавоб бера олмайди. Бинобарин, янги-янги фатво тўпламларига эҳтиёж сезаверади. Абу Лайс Самарқандий мазкур фатво тўпламида мана шундай янги ва тез-тез содир бўлиб турадиган воқеа ва ҳодисаларга жавоб тарзидаги фатволарни тўплашга ҳаракат қилган. Асар фалончига бундай савол тушди, у бундай деб фатво берди, тарзида тузилган. Ҳар бир масалага муаллиф: “Фақиҳ бундай дейди”, деб ўз фикрини билдириб кетган. Асарга фатво бериш ва олиш одоблари, жоҳил ҳамда бидъатчиларга раддия, ҳикоялар ва тарихий воқеалар каби боблар ҳам илова қилинган. Ҳикоя ва тарих бобида ҳанафий олимларининг ҳаётидан олинган лавҳалар, ҳанафий олимларининг номлари, вафоти ва таваллуд саналари ҳақидаги маълумотлар киритилган.

2) **“Назмул фиқҳ”** (Фиқҳ тартиби). Абу Али Ҳасан ибн Яҳё ибн Али ибн Абдуллоҳ Зиндависатий Бухорий Мубтағий Ҳанафийнинг (ваф. 400/1010) асари. Китоб мухтасар ҳолдаги фатво тўплами бўлиб, фатволар тартибли, “фалон масала

мана шунча”, “фалончи бу масаланинг шунча эканини айтган” тарзида рақам, сонлар билан баён этган. Масалан, таҳоратнинг суннати шунча, имомга эргашишнинг турлари бунча, закот шунча одамга фарз бўлади ва ҳоказо тарзда тузилганки, уни ўқиш ҳам, тушуниш ҳам анча осон. Афсуски, асар нашр этилмаган, Тошкент давлат Шарқшунослик институти қўлёзмалар маркази фондида унинг 1805–1806 йилларда кўчирилган битта қўлёзма нусхаси сақланади.

3) **“Хизонатул фатово”** (Фатволар хазинаси). Фахруддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорий (ваф. 522/1128) асари бўлиб, у Заҳириддин Кабир Али ибн Абдулазиз Марғинонийнинг (ваф. 506/1112) шогирди эканини асарининг “Закот китоби”да алоҳида тилга олган. Асар муқаддимасида муаллиф аввал ёзган “Мажмаул фатово” (Фатволар мажмуаси) асарини ҳамда олдин ўтган фақиҳларнинг 20 га яқин фатво тўпламларини тилга олиб, улардан истифода этган ҳолда, катта-ю кичикнинг ёд олиши ва ўқиши учун қисқа фатво тўплами тузаётганини билдирган. Асар одатдагидек “Китобут таҳорат”дан бошланган ва “Китобул Ҳиял” ҳамда “Адабул муфтий” билан тугаган. Мазкур фатво тўплами ҳам нашр этилмаган. Қози Жакан ал-Ҳиндий (ваф. 920/1514) қаламига мансуб “Хизонатул фатово” номли асар бор. Ифтихориддин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуррашид Бухорий (ваф. 542/1148) қаламига мансуб “Хизонатул фатово” номли асар VII жилд қилиб Деҳли ва Қоҳирада нашр этилган бўлиб, аслида у муаллифнинг “Хизонатул воқеот” асари бўлса керак.

4) **“Фатовойи Валволижийя”** (Валволижийнинг фатволари). Абул Фатҳ Абдуррашид ибн Абу Ҳанифа ибн Абдурраззоқ ибн Абдуллоҳ Валволижий (1075–1145) асари. Ҳусомиддин Садруш шаҳидни (1090–1151) муқаддимада тилга олиб, унинг фатволаридан энг муҳимларини олиб, қайта ишлаб янги фатво тўплами тузганини қайд этади. Асар “Намоз китоби”дан бошланган бўлиб, унга таҳорат масалалари ҳам киритилган. Мазкур фатво тўплами яна бир ҳанафий олими Абул Макорим Исҳоқ ибн Абу Бакр Валволижий (ваф. 710/1310)га ҳам нисбат қилинади.

5) **“Хулосатул фатово”** (Фатволар хулосаси). Ифтихориддин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуррашид Бухорий (ваф. 542/1148) асари. Муаллиф муқаддимада ўзининг “Хизонатул воқеот” (Воқеалар хазинаси) ҳамда “Китобун Нисоб” асарлари асосида қисқартириб тузганини ёзади. Асарнинг ҳар бир китоб (боб)и аввалида шу китобдаги фасллар ва жинс (мавзу)ларни баён қилиб чиққан. Мазкур фатво тўплами 4 жилд (жуз)дан иборат бўлиб, биринчи жилдда 6 та, иккинчи ва учинчи жилдда 3 тадан, тўртинчи жилдда эса 35 китоб мавжуд. “Хулосатул фатово” Ҳиндистонда нашр этилган.

6) **“Ан-Нутаф фил фатово”** (Фатволар ҳақида қатралар). Шайхул Ислом Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн Сўғдий (ваф. 461/1069) асари. Мухтасар, қисқа иборалар билан тузилган, фатво тўпламларидан кўра фиққий матнларга ўхшаб кетадиган фатво тўплами. Унда ҳанафий фақиҳларининг фатволари нақл қилингани боис фатво тўпламлари қаторидан саналади. Асар икки жилд қилиб нашр этилган.

7) **“Фатовойи Кубро” ва “Фатовойи Суғро”** (Катта ва кичик фатволар). Абу Муҳаммад Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Ҳусомуш шаҳид Бухорий (1090–1141) тузган катта-кичик фатволар тўплами. Мазкур икки асарни хоразмлик фақиҳ Жамолул аимма Нажмиддин Юсуф ибн Аҳмад Хоразмий Хосий (ваф. 634/1237) янада қисқартириб, қайта ишлаган. Буларнинг ҳеч қайсиси нашр этилган эмас. Улардан биттадан нусха Тошкент давлат Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари маркази фондида сақланади.

8) **“Фатовойи Сирожийя”** (Сирожиддин фатволари). Абул Ҳасан Сирожиддин Али ибн Усмон Ўший Мотуридий Фарғоний (ваф. 575/1179) қаламига мансуб фатво тўплами. Кичик ҳажмли ушбу асарда бошқа китобларда учрамайдиган масалаларни қамраб олишга ҳаракат қилинган. Мазкур фатво тўплами 53 та китобдан иборат, ҳар бир китоб бир неча боб ва фасллардан таркиб топган. Ҳар бир китоб аввалида унинг боблари мундарижаси билдириб ўтилган. Унда

мерос тақсимоти, ҳийлаи шаръийлар ҳақидаги мавзу билан бирга, муфтий ва фатво сўровчининг одоби ҳақидаги китоб ҳам киритилган. “Адабул муфтий” китобда илм ва фиқҳнинг фазилати, ҳанафий мазҳабидаги машҳур фақиҳлар ҳаётидан олинган лавҳалар, улар айтган дурдона фикрлар ҳам илова қилинган. Асар “Фатовойи Қозихон” билан бирга Калкутта ва Лакнауда нашр этилган. Яна “Фатовойи Сирожийя” номли асар “Фароизи Сирожийя”нинг муаллифи Абу Тоҳир Сирожиддин Сижовандийга (ваф. 596/1200) ҳамда Қориул Ҳидоя лақаби билан шуҳрат қозонган Абу Ҳафс Сирожиддин Умар ибн Али Киноний Ҳусайний Қоҳирийга (ваф. 829/1426) ҳам нисбат қилинган.

9) **“Жавоҳирул Фатово”** (Фатволар жавоҳири). Рукниддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Абул Мафохир ибн Абдуррашид ибн Наср Кирмоний (ваф. 577/1182) асари. Муаллиф китобини ёзишда устози Рукниддин Абул Фазл Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Кирмонийнинг (1064–1148) тартибга солинмаган, паришон ҳолда сақланган фатволар тўпламини асос қилиб олган. Иш жараёнида муаллиф ўз даврининг кўзга кўринган фақиҳларидан бири Қозул қузот Жалолиддин (ёки Жамолиддин) Мутаҳҳар ибн Ҳусайн ибн Саъд ибн Али ибн Бундор Яздий (ваф. 591/1194) билан маслаҳатлашиб турган. Шунинг учун асарнинг ҳар бир китобидаги аввалги боблари уларнинг фатволарига ажратилган. Мазкур фатво тўпламида ҳар бир китоб асосан олтита бобдан ташкил қилинган. Биринчи бобда Рукниддин Абул Фазл Кирмоний, иккинчи бобда Жамолиддин Яздий, учинчи бобда Ато ибн Ҳамза Саъдий (XI аср), тўртинчи бобда Нажмиддин Абу Ҳафс Умар Насафий (1068–1142), бешинчи бобда Маждуш шариа Абу Муҳаммад Сулаймон ибн Ҳасан Кирмоний, олтинчи бобда мутааххирин уламоларнинг фатволари ҳар бирининг номлари келтирилган ҳолда баён этилган. Агар китоб мавзуси ва ҳажми катта бўлса, боблар ҳам кўпайган ва уламоларнинг фатволари исмлари келтирилган ҳолда зикр этиб кетилаверган. Асар, анъанага кўра, “Таҳорат китоби”дан бошланган, у эътиқодлар ҳақидаги китоб билан тугаган, энг

муҳими, асар Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг маноқиби ҳақидаги боб билан якунланган. Мазкур фатво тўплами нашр этилмаган. Унинг Темурийлар даврининг машҳур қозиларидан бири Ихтиёриддин ибн Ғиёсиддин Ҳиравий 1484 йилда китобат қилган ноёб қўёзма нусхаси (ва яна учта нусхаси) Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари маркази фондида сақланади.

10) **“Фатовойи Аттобийя”** (Аттобийнинг фатволари). Ушбу фатво тўпламининг бошқа номлари “Жавомеул фиқҳ” (Фиқҳ тўпламлари) ва “Жомеул фиқҳ” (Фиқҳ тўплами) ҳам деб аталади. Унинг муаллифи Зайниддин Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар Аттобий Бухорий (ваф. 586/1190). “Кашфуз зунун” (Гумонларни очиш)да унинг тўрт жилддан иборат экани айтилган. Муаллиф асари муқаддимасида ҳодиса ва воқеаларда эҳтиёж тушадиган масалаларни йиғишга ҳаракат қилганини баён этган ва 30 нафарга яқин ҳанафий фақиҳларининг номларини тилга олиб, уларнинг фатволаридан фойдаланганини, истифода асносида уларнинг фақат номлари ёки нисбаларини зикр қилиб кетганини қайд қилган. Мазкур фатво тўплами ҳам ҳанузгача нашр этилмаган.

11) **“Фатовойи Қозихон”** (Қозихоннинг фатволари). Уни манбаларда “Фатовойи Хония” ёки қисқача “ал-Хония” номлари билан ҳам зикр этилади. Унинг муаллифи Фахриддин Қозихон Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд Ўзгандийдир (ваф. 592/1196). Унда воқеъликда кўп содир бўладиган масалалар тўпланган. Асар “Фатовойи Сирожия” ҳамда “Фатовойи Оламгирия” билан биргаликда нашр этилган. Асарнинг муқаддима қисмида фатво олиш одоблари, расм-русумларига тўхтаб ўтилган.

12) **“Фатовойи Динорий”** (Динорийнинг фатволари). Абу Наср Алоуддин Абдулкарим ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Аббос Динорий (1123–1197) асари бўлиб, Динор Астробод яқинидаги шаҳарча номига нисбатдир. Мазкур асар ҳанафий мазҳаб фиқҳидаги энг қадимий форс тилидаги фатво тўпламларидан биридир. Асарда муаллиф “Навозил” ва “Воқеот” масалаларини форс тилида жамлашга кириш-

ганини ва унга “Ужубатул фатово” деб ном қўйганини қайд қилган. Аввалига асар муаллифга келган саволларга жавоблар тарзида, китоб, боб ва фаслларга ажратилмасдан тузилган. Кейинчалик уни 40 та китоб ва ички жинсларга ажратиб, муаллифнинг ўзи уни “Ал-Мутажонис мин Ужубатул фатово” (Ажабланарли фатволардан ҳамжинслари) деб номлаган. Мазкур фатво тўплами “суила” (сўралди), “ужиба” (жавоб берилди) тарзида савол-жавоб шаклида тартибга солинган. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари маркази фондида мазкур фатво тўпламининг учта нусхаси бўлиб, (иккитаси XVI асрда кўчирилган) муаллиф номи негадир Алоуддин Абу Бакр Ҳусайн ибн Ҳасан Ахсикатий Самарқандий Динорий деб берилган.

13) **“Фатовойи Темуртоший”** (Темуртошийнинг фатволари). Абул Аббос Заҳириддин Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад Темуртоший Хоразмий (ваф. 601/1205) асари. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари маркази фондида унинг қўлёзма нусхаси мавжуд. Мазкур фатво тўплами ҳам нашр қилинмаган.

14) **“Захиратул фатово”** (Фатволар захираси). Бурҳониддин Садрул Ислом Маҳмуд Бухорий (1156–1219) асари бўлиб, “Захиратул бурҳония фил фатово” номи билан ҳам юритилади. Муаллиф буни ўзининг катта ҳажмли “Муҳитул Бурҳоний” асаридан қисқартириб тузган, бунинг ўзи ҳам икки жилддан иборат. Муаллиф ушбу асарида наводир масалалари ва ундан кейинги эътиборли фатволарни тўплашга ҳаракат қилган. Мазкур фатво тўплами нашр этилмаган, Тошкент давлат Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари маркази фондида унинг темурийлар даврида ёзилган ноёб нусхалари мавжуд.

15) **“Татимматул фатово”** (Фатволар тугалланмаси). Бурҳониддин Садрул ислом Маҳмуд Бухорий (1156–1219) асари. Уни “Тамматул фатово” ҳам дейилади. Асар фиқҳ соҳасида муҳим бўлган бўлимлар: таҳорат, намоз, закот, ҳаж, никоҳ, талоқ, байъ ва зиёратул қубурга оид фатволар мажмуасидан иборат. “Кашфуз зунун”да айтилишича, мазкур

асар аслида Ҳусомуш шаҳид (1090–1141) қаламига мансуб бўлиб, мавзуларга, китоб ва бобларга ажратилмаган бўлган. У кейинчалик номаълум кимса томонидан чала тартибга солинган. Садрул Ислом уни бирма-бир тузатиб, тартибга солган, янги мавзулар ва масалалар қўшиб қайта ишлаган. Мазкур фатво тўплами нашр қилинмаган.

16) **“Фатовойи Заҳирия”** (Заҳириддиннинг фатволари). Заҳириддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар Бухорий (ваф. 619/1222) асари. У Бухорода муҳтасиблик қилган таниқли ҳанафий олимидир. У Заҳириддин Абул Маҳосин Ҳасан ибн Али Марғинонийнинг (XII аср) шогирдларидан бўлиб, унинг ҳам фатво тўплами мавжуд. Бироқ Заҳириддин Бухорийнинг фатво тўплами машҳурроқ ва “Фатовойи Заҳирия” номи билан шуҳрат топган. Унда Заҳириддин Марғиноний ва унинг отаси Заҳириддин Кабир номи билан танилган Али ибн Абдулазиз Марғиноний (ваф. 506/1112) номлари ҳурмат билан тилга олинган. “Фатовойи Заҳирия”нинг муқаддимаси илмнинг фазилати ҳақидаги иборалар билан бошланган: “Илмнинг фазилати махфий бўлмаган фазилатдир, жаҳолатнинг разолати эса инкор қилинмайди. Илмли киши олий даражаларга эришади. Жаҳолат билан эса пасткашликнинг жарликларига тушиб кетилади. Илмнинг навлари ва синфлар жуда кўп. Уларнинг ичида энг кўп учрайдиганлари иложсиз фиққа муҳтож бўлади. Аллоҳ фиқҳ билан қадрли қилган кимсага кўп яхшилик берган бўлади...”. Асардаги ҳар бир китоб аввалида бу китоб нечта боб ёки фаслдан иборат экани, уларнинг номлари бирма-бир зикр қилинган. Китоблар гоҳида қисм, нав ва муқаттаот номли бўлимларга ҳам ажратилган. Фатво тўплами “Фароиз китоби” билан тугаган.

17) **“Ятиматуд даҳр фий фатово аҳлил аср”** (Аср аҳолисининг фатволарида замона ягонаси). Алоуддин Абдурраҳим ибн Умар ибн Абдуллоҳ (Муҳаммад) Таржумоний (ваф. 645/1247) асари. Мазкур фатво тўплами 33 китобдан иборат бўлиб, савол-жавоб тарзида тузилган. Муаллиф асар муқаддимасида ўз отаси Умар ибн Муҳаммад Таржумоний ва бошқа ўндан ортиқ таниқли ҳанафий фақиҳларининг

номларини тилга олиб, уларнинг фатволаридан фойдаланганини баён этади. Айниқса, “Воқеот” масалаларидан кўпроқ фойдаланганини зикр қилган. Фиқҳий масалалар кимлардан сўралгани, улар қандай жавоб берганлари ёзилгандан сўнг муаллиф ўз фикрини ҳам бериб кетган ва жавобларга ўзининг муносабатини ҳам билдирган. Мазкур фатво тўплами нашр қилинмаган. Фиқҳий манбаларда уни қисқача “Ятима” ёки “Ятиматул фатово” ҳам дейилади. Мазкур асарни хоразмлик Алоуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Хоразмий Таржумоний Маккий (1197–1257) ҳам нисбат берилган.

18) **“Фатовойи Таторхония”** (Таторхоннинг фатволари). Фаридиддин Олим ибн Аъло Ҳанафий (ваф. 786/1384) асари бўлиб, Ферузшоҳ Туғлуқ (1351–1388) даврида унинг ташвиқоти билан битилган ва унинг амирларидан бири Таторхонга бағишланган. Мазкур фатво тўплами 777/1375–1376 йилда ёзиб тугатилган бўлиб, уни “Зодул мусофир” (Мусофир озуқаси) ёки “Зодус сафар” ҳам дейилади. “Ал-Ҳидоя” каби китоб ва бобларга бўлинган бўлиб, унда “Муҳитул Бурҳоний”, “Захиратул Бурҳония”, “Фатовойи Қозихон”, “Фатовойи Заҳирия” китобларидаги масалаларни тўплашга ҳаракат қилинган.

19) **“Фатовойи Баззозия”** (Баззознинг фатволари). Муҳаммад ибн Муҳаммад Кардарий Баззозий Хоразмий (ваф. 827/1424) қаламига мансуб ушбу фатволар тўпламининг яна бир номи “Жомеул важиз” (Мўъжаз тўмлам) ва “Фатовойи Кардарий” (Кардарийнинг фатволари)дир. Муаллиф уни 812/1409 йилда ёзиб тугатган, унда воқеот ва фатово жанрларида келтирилган масалаларнинг энг муҳимларини 52 та китобда жамлашга ҳаракат қилган. Бошқа мазҳаб фикрлари ва мазҳаб масалаларининг далилларига тўхталиб ўтирмаган. Қозон, Булоқ ва Қоҳирада нашр этилган.

20) **“Фатовойи Шайбоний”** (Шайбонийнинг фатволари). Али ибн Муҳаммад Али ибн Али ибн Маҳмуд Мухторий Кубровий Хоразмий (XVI аср) асари бўлиб, муаллиф уни Шайбонийхонга (1500–1510) бағишлаб 1496 йилларда ёза бош-

лаган. Ҳанафий мазҳаб фиқҳига оид ушбу фатво асари араб тилида ёзилган бўлиб, 43 та китобга бўлинган. Асарнинг Тошкент давлат Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари маркази фондида 15 га яқин нусхалари бор ва улар илмий тавсиф этилган. Улардан иккита нусха автограф эканлиги тахмин этилган. “Фатовойи Шайбоний” асарининг 960/1553 йилда Муҳаммад Темур номли котиб кўчирган нусхасида муаллиф шу йили Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмад (1544–1552) саройига борганлиги қайд этилади (СВР. VIII, 5858). Демак, у XVI асрнинг 50-йиллар охирида вафот этган. Муаллиф кейинчалик “Фатовойи Шайбоний”нинг қисқа вариантини ёзади, у “Фатовойи Алия” (Алининг фатволари) деб аталган бўлиб, Убайдуллоҳхонга (1487–1540) бағишлаган.

21) **“Фатовойи Зайния”** (Зайниддиннинг фатволари). Зайниддин (Зайнул обидин) ибн Нужайм Мисрий (1519–1563) асари бўлиб, у машҳур “Баҳрур роиқ”нинг муаллифи ҳамдир. Мазкур фатво тўпламини унинг ўғли Аҳмад тартибга солган. Асар “Фатовойи Ғиёсия” (Ғиёсиддиннинг фатволари) билан биргаликда Булоқда 1322 йилда нашр этилган.

22) **“Фатовойи Хайрия”** (Хайрли фатволар). Хайриддин ибн Аҳмад ибн Али Айюбий Рамлий (1585–1671) асари бўлиб, тўла номи “Фатовойи Хайрия фий нафъил барийя” деб аталган. Икки жилдли ушбу фатво тўплами муаллифнинг ўғли ва шогирди томонидан тартибга солинган. Асар Булоқ, Истанбул ва Қоҳирада бир неча мартадан нашр этилган.

23) **“Фатовойи Оламгирия”** (Оламгирнинг фатволари). Унинг яна бир номи “Фатавойи Ҳиндия” бўлиб, Бобурийлар (1526–1858) сулоласи вакили Аврангзеб Оламгир (1659–1707) буйруғига биноан бир гуруҳ салоҳиятли фақиҳлар томонидан ёзилган ва унинг шахсий назорати остида тугатилган[285]. Мазкур йирик ҳажмли фатво тўплами 1663–1670 йиллар (айримлар фикрича, 1682–1690 йилларда Низомиддин Бурҳонпурий (Шайх Низом) раҳбарлигида 40

[285] Муҳаммад Мустаъидхон Соқий. Маъосири Оламгирий (Оламгирнинг хайрли ишлари) / Форс тилидан таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи: И.Низомиддинов. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2013. – Б. 414–415.

нафарга яқин олимлар гуруҳи томонидан тайёрланган. Тўпламни яратишда тўрт гуруҳга бўлиниб ишланган: аввалги тўртдан бирига Шайх Важиҳиддин, иккинчи қисмига Шайх Жалолиддин, учинчи қисмига Қози Муҳаммад Ҳасан, охирги бўлагига Мулла Ҳамид Жунпурий бошчилик қилган ва Шайх Низом раҳбарлиги ва муҳаррирлигида муваффақиятли тугатилган. Кейин эса 500 нафар маҳаллий уламоларнинг назаридан ўтказилган.

“Фатовойи Оламгирия” қозилик ишларини бажариш ва давлатни бошқариш учун асосий қонун ўрнида ишлатилган. Мазкур асар урду тилига ҳам таржима этилган бўлиб, у 1889 йилда Лакнауда нашр этилган. “Фатовойи Оламгирия” Ҳиндистонда, Байрутда бир неча марта нашр қилинган.

24) **“Уқудуд дуррия ли танқиҳил Фатовойи Ҳомидия”** (Ҳомиднинг фатволарини поклаш учун дурли маржон). Ибн Обидин (1783–1836) “Фатово Ҳомидия” асаридаги масалаларни саралаб танлаб олган . “Фатово Ҳомидий” асари Ҳомид ибн Али ибн Иброҳим Имодий Димишқий (1692–1757) қаламига мансуб. Муаллиф 1725–1742 йилларда 18 йил Шомда қозилик қилган вақтда тушган саволларга жавобан ёзилган “Фатовойи Ҳомидия” асарининг тузатилган қайта ишланган варианти ҳисобланади. “Уқудуд дуррийя” Булоқ ва Қоҳирада нашр этилган.

25) **“Мажмуатул фатово”** (Фатволар тўплами). Абдулҳай ибн Абдулҳалим Лакнавий (1847–1886) асари. Мазкур фатво тўплами муаллифи муфтий бўлиб турганида тушган саволларга жавоб сифатида тузилган бўлиб, савол арабча бўлса араб тилида, урдуча бўлса урду тилида, форсча бўлса форс тилида фатво берилган. Айрим фатволарнинг аниқлиги учун бошқа уламо ва фақиҳлардан тақризлар олингани мазкур фатво тўпламининг аҳамиятини оширади. Фатволар машҳур ҳанафий олимлари ва уларнинг асарлари асосида ёзилган бўлиб, аксар ўринларда ҳар бирининг Қуръон ва ҳадисдан далиллари ҳам келтирилган. Уч жуз қилиниб алоҳида ва қисқартирилиб “Хулосатул фатово” ҳошиясида Ҳиндистонда нашр этилган.

ФИҚҲИЙ МАНЗУМАЛАР

1. “**Манзуматул Хилофийёт”.** Бу китоб фиқҳий манзумаларнинг энг машҳури бўлиб, муаллифи Нажмуддин Умар Насафийдир. Муаллиф ушбу манзумада Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Муҳаммад, Зуфар, Шофиъий, Молик каби имомларнинг хилофларини зикр қилган. Ушбу манзума 2669 та байтдан иборат бўлиб, ўнта бобдан ташкил топган. Биринчи боб Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг қавли ҳақида, иккинчиси Абу Юсуф қавли ҳақида, учинчи боб Муҳаммаднинг қавли ҳақида, тўртинчи боб Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфнинг ихтилофлари ҳақида, бешинчи боб Абу Ҳанифа ва Муҳаммадларнинг ихтилофлари ҳақида, олтинчи боб Абу Юсуф ва Муҳаммадлар ихтилофлари ҳақида, еттинчи боб мазкур уч уламонинг ёлғиз айтган қавли ҳақида, саккизинчи боб Имом Зуфар қавли ҳақида, тўққизинчи боб Имом Шофиъий қавли ҳақида ва ўнинчи боб Имом Молик қавли ҳақида. Ушбу манзумага ўндан ортиқ шарҳлар битилган. Асар матни нашр қилинмаган.

2. “**Ламъатул бадр”.** Бу асар муаллифи Абу Наср Масъуд ибн Абу Бакр ибн Ҳусайн Санжарий Фароҳийдир (ваф. 640/1242). Бу асар ҳам нашр қилинмаган. Фароҳий ушбу манзумасида “Ал-Жомеъ ас-сағир” китобидаги фиқҳий масалаларни назмий услубда баён қилган.

3. “**Мустаҳсанут тароиқ”.** Бу манзума муаллифи Ибн Фасиҳ номи билан машҳур бўлган Абу Толиб Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад Ҳамадоний Куфийдир (ваф. 755/1354). Ибнул Фасиҳ ушбу манзумасида Ҳофизуддин Насафийнинг “Канзуд дақоиқ” матнини назмий услубда баён қилган. Ушбу манзумага Али ибн Ғоним ал-Мақдисий (ваф. 1004/1595) “Авзаҳу рамз ала назмил Канз” номли шарҳ ёзганлар.

4. “**Қайдуш шароид ва назмул фароид”.** Бу манзума Ибн Ваҳбон номи билан машҳур бўлган Шайх Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад ибн Ваҳбон Димашқий (ваф. 768/1366) ёзган мустақил асар. Ушбу манзумада ҳанафий фиқҳига оид ўттиз олтита китобдаги муҳим нодир масалалар жамланган

бўлиб, тўрт юз байтдан иборат. “Ал-Ҳидоя” асарининг тартибидек тартибланган ва ҳанафий фиқҳида шуҳрат қозонган.

Ибн Ваҳбон ўзининг “Қайдуш шароид” манзумасига “Иқдул қалоид” номли икки жилдли шарҳ ёзган. Бундан ташқари, Ибн Ваҳбоннинг мазкур манзумасига бир қанча уламолар шарҳ ёзганлар.

5. “**Дуррул-муҳтадий ва зухрул-муқтадий”.** Бу манзума муаллифи Сирожуддин Абу Бакр ибн Али ибн Мусо аз-Зубайдий ал-Ҳомилий (ваф. 769/1367) бўлиб, асар нашр қилинмаган. Ал-Ҳомилий ушбу манзумасида Бурҳониддин Марғинонийнинг “Бидоятул-мубтадий” асарини 4250 байт билан назмий услубда баён қилган.

6. “**Ал-Фароидус сания”.** Бу манзума муаллифи Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Аҳмад Кавокибий Ҳалабий (ваф. 1096/1658) бўлиб, тошбосмаларда нашр қилинган. Муаллиф ушбу манзумада “Мухтасарул-виқоя” матнини назмий услубда баён қилган. Мутақаддим уламоларнинг китобларидан ҳам баъзи бир қўшимчаларни киритган. Манзумада фиқҳий масалаларнинг далиллари зикр қилинмаган. Баъзи ўринларда ҳанафий имомлар ўртасидаги хилофлар зикр қилинган.

7. “**Хулосатут танвир ва захиратул муҳтож вал фақир”.** Ушбу манзума муаллифи Мусо ибн Асъад ибн Яҳё Димашқий Муҳосиний (ваф. 1173/1759). Ушбу манзума Темиртошийнинг “Танвирул абсор” китоби асосида ёзилган. Ҳалабийнинг “Мултақил абҳур” асарида келган айрим масалаларни ҳам келтириб ўтган. Ушбу манзума нашр қилинмаган.

8. “**Туҳфатут туллоб”.** Ушбу манзума муаллифи Абу Бакр Мулло ибн Муҳаммад ибн Умар Аҳсоий (ваф. 1270/1853). Бу асар Ҳомилийнинг “Дуррул муҳтадий” манзумасининг қайта ишланган варианти бўлиб, унда келган хилофларнинг кўпини, такрор ва нодир масалаларни зикр қилмасдан, 2050 байтда баён қилган. “Дуррул муҳтадий”нинг баъзи лафзларини ўзгартирилган, муҳим масалалар қўшилган, умумий масалалар қисқартирилган ва фатво бериладиган масалалар танлаб олинган.

9. **“Ал-Фатовоун назм”.** Бу манзума муллифи Ибн Ҳамза Муҳаммад ибн Насиб ибн Ҳусайн Ҳусайний Димашқий (ваф. 1305/1887) ҳисобланади. Ушбу манзума ҳанафий мазҳабидаги фатво китобларининг бири. Ибн Ҳамза турли фиқҳий масалаларни мўъжаз ва мухтасар суратда савол ва жавоб шаклида назмий услубда баён қилган. Муаллиф биринчи байтда саволни зикр қилиб, иккинчи байтда жавобни келтирган. Кўпинча жавоб биттта байтдан зиёда бўлмаган. Манзуманинг ҳошиясида мурожаат қилинадиган манбаларга ишора қилган. Муаллиф манзумада фиқҳий масалаларнинг далилларини зикр қилмайди. Ушбу манзума ҳанафий мазҳабидаги фатво масалалари жамланган нодир китоблардан ҳисобланади.

10. **“Ҳамидул асор”.** Ушбу манзума муаллифи Муҳаммад ибн Муниб ибн Маҳмуд ибн Мустафо Жаъфарий (ваф. 1343/1924) бўлиб, ражаз вазнида ёзилган. Муаллиф унда Темуртошийнинг “Танвирул абсор” асарининг матнини назмий услубда баён қилган. “Танвирул абсор”даги баъзи масалаларни қисқартирган ёки нодир масалаларни ҳазф қилган, кўп содир бўладиган фиқҳий масаларни кенгроқ баён қилган.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДАГИ МАШҲУР МАТН КИТОБЛАРНИНГ ШАРҲЛАРИ

Ҳанафий мазҳабида “Мухтасарул Қудурий”, “Ал-Ҳидоя”, “Виқоятур ривоя” ва у асосда яратилган “Мухтасарул виқоя”, “Канзуд дақоиқ”, “Ал-Мухтор”, “Мажмаул баҳрайн” ва “Мултақил абҳур” асарлари мўътабар ва эътимодли матн китоблари ҳисобланади. Шунинг учун мазкур китобларнинг шарҳлари алоҳида зикр қилинди. Ҳанафий фиқҳини ўрганувчи уларни билиши керак. Бу ерда зикр қилинган шарҳ ва ҳошиялар мазкур матн китобларининг энг машҳурлари ҳисобланади. Тадқиқотчилар изланишлар ва тадқиқ этишлари асосида уларнинг сонини янада кўпайтиришлари мумкин, албатта.

“МУХТАСАРУЛ ҚУДУРИЙ” АСАРИНИНГ ШАРҲЛАРИ

1. Абу Наср Ақтаъ номи билан машҳур бўлган Имом Аҳмад ибн Муҳаммад (ваф. 474/1081) “Мухтасарул қудурий” асарига икки жилдли шарҳ ёзган.

2. Имом Нажмуддин Мухтор ибн Маҳмуд Зоҳидий Ҳанафий (ваф. 658/1259) “Мухтасарул қудурий” асарига уч жилдли шарҳ ёзган ва у “Ал-Мужтабо” деб аталади.

3. Ҳаддодий Ибодий номи билан Машҳур бўлган Имом Абу Бакр ибн Али (ваф. 800/1397) “Ас-Сирожул ваҳҳож” номли уч жилдлик шарҳ ёзган. Мазкур шарҳ асосида “Ал-Баҳр аззоҳир” номли китоб ҳам ёзилган. Муаллиф ўз асарини қисқартириб, “Ал-Жавҳаратун найййра” номли иккинчи қисқача шарҳ ёзган ва у тошбосмаларда нашр этилган.

4. Муҳаммад ибн Иброҳим Розий (ваф. 615/1218) “Ан-Нурий фий шарҳи мухтасарил Қудурий” номли шарҳ ёзган.

5. Юсуф ибн Умар ибн Юсуф Суфий Кодурий Баззор (ваф. 832/1428) “Ал-Музмарот шарҳу мухтасарил қудурий” ёки “Жомеул музмарот вал мушкилот” номли шарҳ ёзган.

6. Абул Маолий Абдуррабб ибн Мансур Ғазнавий (ваф. 500/1106) “Мултамасул ихвон” номли икки жилдли шарҳ ёзган.

7. Ибнул Муҳаддис номи билан машҳур бўлган Иброҳим ибн Абдурраззоқ ибн Халаф Русъаний (ваф. 695/1295) “Мухтасарул Қудурий” асарига шарҳ ёзган, лекин бу шарҳ тўлиқ эмас.

8. Муҳаммад ибн Расул Муқоний (ваф. 664/1265) “Мухтасарул Қудурий” асарига “Ал-Баён” номли шарҳ ёзган.

9. Маҳмуд ибн Аҳмад Қунавий (ваф. 770/1368) “Мухтасарул қудурий” асарига “Ат-Тақрид” номли тўрт жилдлик шарҳ ёзган.

10. Жалолуддин Абу Саъд Мутаҳҳир Ҳусайн Яздий (ваф. 591/1194) “Ал-Лубоб фий шарҳил китоб лил Майдоний” номли икки жилдли шарҳ ёзган. Муаллиф Майдоний “Мухтасарул қудурий” асарининг мужмал жойларини батафсил баён қилган, мутлақ ўринларини қайдлаган ва маъноларини

қисқача шарҳлаган. Шу билан бирга, керакли қўшимчалар киритган, мазҳабда фатво бериладиган ва эътимодли қавллар ва ривоятларга ишора қилган.

11.Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Абдулкарим Мусилий (ваф. 628/1230) “Мухтасарул Қудурий” асарига шарҳ ёзган, лекин у тўлиқ эмас.

12. Ибн Ҳож Ҳасан номи билан машҳур бўлган Муҳаммад Шоҳ ибн Муҳаммад (ваф. 939/1532) “Мухтасарул Қудурий” асарига шарҳ ёзган.

13. Ҳисомуддин Али ибн Аҳмад Маккий Розий (ваф. 598/1201) “Мухтасарул Қудурий” асарига “Хулосатуд далоил фий танқиҳил масоил” номли манфаатли мухтасар шарҳ ёзган. Мазкур асар “Мухтасарул қудурий”га ўртача ҳажмдаги шарҳдир. Ушбу шарҳга Ибн Субайҳ Аҳмад ибн Усмон Туркмоний (ваф. 744/1343) учта таълиқот ёзган.

14. Шумсул аимма Аҳмад ибн Музаффаруддин Розий Кардарий (ваф. 642/1244) “Мухтасарул Қудурий” асарининг мушкул ўринларини очиб берадиган шарҳ ёзган.

15. Ибн Баззозий номи билан машҳур бўлган Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Кардарий (ваф. 827/1423) “Мухтасарул Қудурий” асарига шарҳ ёзган.

“КАНЗУД ДАҚОИҚ” АСАРИНИНГ ШАРҲЛАРИ

“Канзуд дақоиқ”қа юздан ортиқ шарҳлар ва ҳошиялар ёзилган. Улардан энг машҳурлари қуйидагилардир:

1. **“Шарҳу канзид дақоиқ”.** Хаттоб ибн Абул Қосим Қора Ҳисорий (ваф. 730/1329) “Канзуд дақоиқ” асарига шарҳ ёзган. Бу мазкур матн китобга битилган илк шарҳлардан бири ҳисобланади.

2. “**Табйинул ҳақоиқ”.** Ушбу шарҳ муаллифи Имом Фахриддин Абу Муҳаммад Усмон ибн Али Зайлаий (ваф. 743/1342) “Канзуд дақоиқ” асарида келган лафзларни таҳлил қилган, ҳукмларининг далилларини баён қилган ҳамда баъзи фаръий масалаларни қўшимча қилган. Ибн Нужайм (раҳимаҳуллоҳ) уни “Канзуд дақоиқ” асарининг энг яхши шарҳи, деб билган. Лакнавий ва бошқа уламолар эса мўъта-

мад ва мақбул шарҳ, деб сифатлаганлар. Мазкур шарҳни қисқартирилиб, мухтасар вариантлари ҳам яратилган. “Табйинул ҳақоиқ”нинг тошбосма ва замонавий нашрлари мавжуд.

3. **“Шарҳу канзид дақоиқ”.** Шайх Қивомуддин Абул футуҳ Масъуд ибн Иброҳим Кирмоний (ваф. 748/1347) “Канзуд дақоиқ” асарига шарҳ ёзган.

4. **“Баҳрур роиқ”.** Ушбу шарҳ муаллифи Ибн Нужайм муқаддимада ҳанафий уламолари “Канзуд дақоиқ” асарига бир нечта шарҳлар ёзгани ва ушбу шарҳларнинг ичида яхшиси Зайлаийнинг “Табйинул ҳақоиқ” номли китоби эканини зикр қилган. Шу билан бирга “Табйинул ҳақоиқ” асарида хилофли масалаларни кўп зикр қилиниб, маъно ва мазмунини аниқ ифодалаб бермагани сабабидан яна битта шарҳ ёзишга эҳтиёж сезганини айтиб ўтган. Лекин муаллиф Ибн Нужайм (раҳимаҳуллоҳ) ижара китобининг фосид ижара бобига етганида вафот этади. Ундан кейин аллома Турий Қодирий ижара китобидан бошлаб, ушбу шарҳни охирига етказади. Мазкур шарҳга “Минҳатул-Холиқ” номи билан Ибн Обидин (раҳимаҳуллоҳ) ҳошия ёзган. Асарнинг тошбосма ва замонавий нашрлари мавжуд.

5. **“Шарҳу канзид дақоиқ”.** Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Зиё Маккий (ваф. 858/1454) ҳам “Канзуд дақоиқ” асарига шарҳ ёзган.

6. **“Шарҳу канзид дақоиқ”.** Қози Зайнуддин Абдурраҳим ибн Маҳмуд ибн Айний (ваф. 864/1459) “Канзуд дақоиқ” асарига шарҳ ёзган.

7. **“Шарҳу канзид дақоиқ”.** Ибн Шеҳна Ҳалабий номи билан машҳур бўлган Қози Абдулбарр ибн Муҳаммад (ваф. 921/1515) “Канзуд дақоиқ” асарига шарҳ ёзган.

8. **“Шарҳу канзид дақоиқ”.** Шом диёрининг муфтийси Ибн Султон Қутбуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар Солиҳий Ҳанафий Димашқий (ваф. 950/1543) ҳам “Канзуд дақоиқ” асарига шарҳ ёзган. Унинг шарҳига шогирди Шайх Муҳаммад Буҳанасий (ваф. 987/1579) таълиқотлар ёзган.

9. **“Шарҳу канзид дақоиқ”.** Мулла Мискин номи билан машҳур бўлган Муиниддин Ҳиравий (ваф. 954/1547) “Канзуд дақоиқ” асарига шарҳ ёзган.

10. **“Ан-Наҳрул фоиқ”.** Ушбу шарҳ муаллифи Ибн Нужайм Умар (ваф. 1005/1596) қозилик китобидан бир қозининг иккинчи қозига мактуб ёзиш бобигача шарҳлашга муваффақ бўлади, охирига етказолмайди. Асарнинг замонавий нашри мавжуд.

11. **“Рамзул ҳақоиқ”**. Ушбу шарҳ муаллифи Абдулбоқий ибн Абдурраҳмон ибн Али Мақдисий Мисрий (ваф. 1087/1676) бўлиб, Ширунбулолийнинг шогирди бўлган.

12. **“Рамзул ҳақоиқ”.** Ушбу шарҳ муаллифи машҳур олим Бадриддин Айний “Канзуд дақоиқ”ни ўртача ҳажмда шарҳлаган. Бу шарҳ тошбосмада нашр қилинган.

13. **“Шарҳу канзид дақоиқ”.** Ибн Ғоним Мақдисий номи билан машҳур бўлган Али ибн Муҳаммад (ваф. 1004/1595) ҳам “Канзуд дақоиқ” асарига шарҳ ёзган. Лекин ушбу шарҳ тўлиқ эмас.

14. **“Ал-Фароид фи ҳаллил масоил вал қавоид”.** Ушбу шарҳ муаллифи Болий Зода номи билан машҳур бўлган Мустафо ибн Болий бўлиб, “Канзуд дақоиқ” асарига номли шарҳ ёзган. Ушбу шарҳ “Муродхония” номи билан машҳур бўлган. Муаллиф ушбу шарҳни 1036/1626 йилда Туркиянинг Урфа вилоятида ёзиб тугатган.

“АЛ-МУХТОР” КИТОБИНИНГ ШАРҲЛАРИ

1. **“Ал-Ихтиёр ли таълилил Мухтор”.** Ушбу асар муаллифнинг ўзи томонидан “Ал-Мухтор лил фатво” асарининг матнига ёзилган қисқача шарҳдир. Муаллиф “Ал-Ихтиёр” асарида фиқҳий масалаларнинг иллатларини ва маъноларини баёнига ишора қилади. Фиқҳий масалаларнинг мисолларини ва асосларини баён этиб, эҳтиёж тушадиган ва суяниладиган фаръий масалаларни ҳам зикр қилади. Барча дуч келиши мумкин бўлган масалалар ва фатвода эҳтиёж тушадиган ривоятларни ҳам қўшимча тарзда зикр қилган. Ушбу китоб мутааххир ула-

моларнинг наздида мўътабар бўлган тўртта фиқҳий матн китобларидан бирининг шарҳидир. Абдулҳай Лакнавий “Ал-Мухтор” ва “Ал-Ихтиёр” китоблари ҳақида бундай дейди: “Иккиси ҳам фақиҳлар наздида мўътабар китоблардир”.

2. **“Тавжиҳул мухтор”.** Ушбу шарҳ муаллифи Жамол Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад Мусилий Ҳанафий бўлиб, ёзган шарҳни матн муаллифининг шахсан ўзига бир неча марта ўқиб беради. Охирги марта 652 йил жумодул уло ойида (1254 йил июнь) ўқиб беради. Ушбу шарҳда зоҳирия, имомия ва бошқа фирқаларнинг хилофлари ҳам зикр қилинган.

3. **“Шарҳул мухтор”.** Тожуддин Абу Абдуллоҳ ибн Али Бухорий (ваф. 799/1396) “Ал-Мухтор” асарининг масалаларини назмий услубда баён қилган.

4. **“Шарҳул-Мухтор”.** Шайхул Ислом Шамсуддин Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Али Шозалий Шибрисий Ҳанафий (ваф. 847/1443) “Ал-Мухтор” асарига шарҳ ёзган.

5. **“Шарҳу китобил фароиз фил мухтор”.** Зайнуддин Абу Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абу Бакр Айний Ҳанафий (ваф. 893/1487) шарҳлайди.

“МАЖМАУЛ БАҲРАЙН” АСАРИНИНГ ШАРҲЛАРИ

1. **“Ал-Манбаъ фий шарҳил Мажмаъ”.** Ушбу шарҳ муаллифи Дамашқ қозиси Шиҳобуддин Абул Аббос Аҳмад ибн Иброҳим Айнтобий (ваф. 767/1365). Бу шарҳ олти жилддир. Муаллиф ҳанафий, моликий, шофиъий ва ҳанбалий мазҳаб уламолари ўртасидаги хилофларни баён қилишга эътибор қаратган. Шунинг учун бу асар қиёсий фиқҳшуносликда ҳам муҳим китоблардан ҳисобланади. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари мавжуд. У икки жилддан иборат. Лекин нашр қилинмаган.

2. **“Шарҳул Мажмаил байҳрайн”.** Шамсиддин Муҳаммад ибн Юсуф Қунавий (ваф. 788/1386) ўн жузли шарҳ ёзади. Сўнг уни шориҳнинг ўзи олти жузли қилиб қисқартиради.

3. **“Ал-Мустажмаъ”.** Ушбу шарҳ муаллифи Миср қозиси, машҳур олим Бадруддин Маҳмуд ибн Аҳмад Айний (ваф. 855/1451) бўлиб, унинг шарҳи нашр қилинмаган.

4. **“Ал-Машраъ фий шарҳил Мажмаъ”**. Ушбу шарҳ муаллифи Абул Бақо Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Зиё Маккий (ваф. 854/1450) бўлиб, унинг шарҳи беш жилддан иборат бўлган.

5. **“Мухтасарул Мажмаъ”.** Шайх Бурҳонуддин Иброҳим ибн Абдуллоҳ Тароблусий Ҳанафий (ваф. 899/1493) “Мажмаъул баҳрайн” асарини қисқартирган, яъни мухтасар қилган.

6. **“Шарҳул мажмаил байҳрайн”.** Сулаймон ибн Али Қаромоний (ваф. 924/1518) “Мажмаул баҳрайн”га шарҳ ёзган.

7. **“Қурратул айн би Мажмаил баҳрайн”**. Ушбу шарҳ муаллифи Абу Мавоҳиб Аҳмад ибн Абурруҳ Ийсо ибн Халафдир. Ушбу шарҳ 944/1537 йилда ёзиб тугатилган.

8. **“Ташнифул мусмаъ фий шарҳил Мажмаъ”.** Ушбу шарҳ муаллифи Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шаъбон Тароблусий Мағрибий (ваф. 1020/1611). Ушбу шарҳ икки жилддан иборат.

“МУЛТАҚИЛ АБҲУР” АСАРИНИНГ ШАРҲЛАРИ

1. Ҳожи Али Ҳалабий (ваф. 967/1559) “Мултақил абҳур” асарига шарҳ ёзган. Шарҳ муаллифи матн соҳибининг шогирди бўлади.

2. **“Мажмаул анҳур ала Мултақил абҳур”.** Ушбу шарҳ муаллифи Шайх Нуриддин Али Боқоний Қодирийдир. Муаллиф ушбу шарҳни ёзишда “Ал-Ҳидоя”, унинг шарҳлари ва ҳанафий мазҳабига оид бир нечта асосий китобларга суянади. Унинг тошбосма ва замонавий нашрлари мавжуд.

3. **“Шарҳу мултақил абҳур”.** Ийший номи билан машҳур бўлган Мавлоно Муҳаммад Сайравий (ваф. 1016/1607) “Мултақил абҳур” асарига шарҳ ёзган.

4. **“Сакбул анҳур ала фароизи мултақил абҳур”.** Дамашқдаги Бани Умайя жоме масжидининг имоми Шайхул Ислом Алоуддин Али ибн Муҳаммад ибн Носируддин Тароблусий Ҳанафий (ваф. 1032/1622) “Мултақил абҳур” асарининг фароиз – мерос тақсимоти қисмига шарҳ ёзган.

5. **“Изҳору фароидил абҳур ва ийзоҳу фароидил анҳур”.** Ушбу шарҳ муаллифи Шайх Халил ибн Расул ибн Абдул Мўъмин Синубийдир (ваф. 1034/1624). Ушбу шарҳ икки жилдли кенг шарҳдир.

6. **“Ал-Фароид”.** Ушбу шарҳ муаллифи Исмоил Афанди Сиявосийдир (ваф. 1047/1637). Ушбу шарҳ тўрт жилддан иборат.

7. **“Ал-Мунтаҳал”.** Ушбу шарҳ муаллифи Шоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абус Сауд Сиддиқий Ҳанафийдир. Ушбу шарҳ 1077/1666 йилда ёзиб тугатилган.

8. **“Шарҳу мултақил абҳур”.** Қозизода Маданий номи билан машҳур бўлган Шайх Муҳаммад Солиҳ (ваф. 1078/1667) “Мултақил абҳур” асарининг ибодат қисмларига шарҳ ёзган.

9. **“Ад-Дуррул мунтақо фий шарҳил Мултақо”.** Ушбу шарҳ муаллифи аллома Алоуддин Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али Ҳаскафий Димашқий (ваф. 1088/1677) ҳисобланади.

10. **“Шарҳу мултақил абҳур”.** Мавлоно Мустафо ибн Умар ибн Шайх Муҳаммад (ваф. 1093/1682) “Мултақил абҳур” асарига шарҳ ёзган.

11. **“Шарҳу мултақил абҳур”.** Қустантиния қозиси, “Саййид Ҳалабий” номи билан машҳур бўлган Саййид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳалабий (ваф. 1104/1692) шарҳ ёзган.

12. **“Шарҳу мултақил-абҳур”.** Шайх Усмон Ваҳдатий Адранавий (ваф. 1135/1722) жуда кенг шарҳ ёзган.

“АЛ-ҲИДОЯ” АСАРИНИНГ ШАРҲЛАРИ

Бурҳониддин Марғиноний (раҳимаҳуллоҳ)нинг дунёга машҳур “Ал-Ҳидоя” асарига 80 дан ортиқ шарҳ ва ҳошиялар ёзилгани маълум. Улардан айримларини аввалроқ зикр қилинган бўлса ҳам, бу ерда яна такрор эслатиб ўтиш зарар қилмайди. Улардан энг кўп фойдаланиладиганлари қуйидагилардир:

1. **“Ал-Фавоид”.** Ушбу шарҳ муаллифи Ҳамидуддин Али ибн Муҳаммад ибн Али аз-Зарир Бухорий (ваф. 667/1268) ҳи-

собланади. Айтилишича, ушбу асар “Ал-Ҳидоя” асарига ёзилган энг биринчи шарҳдир.

2. **“Ниҳоятул-кифоя фий дироятил-Ҳидоя”.** Ушбу шарҳ муаллифи Тожуш шариа Умар ибн Садруш шариа Убайдуллоҳ Маҳбубий Ҳанафий (ваф. 672/1273) бўлиб, машҳур фиққий матн –“Мухтасарул виқоя” муаллифининг бобоси бўлади.

3. **“Такмилатул Фавоид”.** Ушбу шарҳ муаллифи Жалолуддин Абу Муҳаммад Умар ибн Муҳаммад ибн Умар Хаббозий (ваф. 691/1291) бўлиб, шарҳда ҳанафий мазҳаб имомлари ўртасидаги ихтилофларни ва фиққий масалаларнинг далилларини зикр қилган. Баъзан ҳанафий мазҳабидан бошқа уламоларнинг раъйларини ҳам келтириб ўтган. Тадқиқотчилар ушбу асарни “ал-Ҳидоя”нинг машҳур ҳошияларидан, деб айтганлар.

4. **“Ан-Ниҳоя”.** Ушбу шарҳ муаллифи Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Али ибн Ҳажжож ибн Али Сиғноқий Ҳанафий (ваф. 710/1310) бўлиб, шарҳини ҳижрий 700 йили рабиул аввал ойида (1300 ноябрь) тугатган. Сиғноқий ушбу шарҳнинг охирига фароиз масалаларини киритади. Сиғноқийнинг ушбу шарҳини Жамолуддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Сирож Қунавий (ваф. 770/1368) қисқартириб, бир жилдли “Хулосатун ниҳоя фий фавоидил Ҳидоя” номли мухтасар ёзади. “Ан-Ниҳоя” ҳозиргача нашр қилинган эмас.

5. **“Ал-Ғояту”.** Бир неча жилдли ушбу шарҳ муаллифи Шайх Имом Абулаббос Аҳмад ибн Иброҳим Саружий Ҳанафий (ваф. 710/1310). Лекин у зот шарҳни “Китобул Аймон” бўлимини ёзиб, охиригача етказмасдан вафот этади. Кейинчалик уни Қози Саъдуддин Муҳаммад Диравий (ваф. 867/1462) “Китобул Аймон”дан “Китобул муртад” бобигача ёзиб, охирига етказади.

6. **“Ал-Кифоя”.** Ушбу шарҳ муаллифи Саййид Жалолуддин ибн Шамсиддин Гурлоний Хоразмийдир. У зот Ҳисомуддин Сиғноқий ва Абдулазиз Бухорий (ваф. 730/1329) кабилардан таълим олган. Мазкур шарҳ тошбосмаларда нашр қилинган.

7. **“Меърожуд дироя”.** Ушбу шарҳ муаллифи Шайх Қивомуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Кокий (ваф. 749/1348) бўлиб, муаллиф уни йигирма бир йил давомида ёзиб 745/1344 йили Муҳаррам ойида тугатади.

8. **“Ғоятул баён ва нодиратул акрон.** Ушбу шарҳ муаллифи Шайх Қивомуддин Амир Котиб ибн Амир Умар Атқоний Ҳанафийдир (ваф. 758/1356). Ушбу шарҳ уч жилддан иборат. Муаллиф асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида бундай дейди: “Ҳижрий 721 йил Мисрда мендан мусаффо қалб соҳиби бўлган бир киши “Ал-Ҳидоя” асарига шарҳ ёзишимни илтимос қилди. Мен унга айтдимки: “Сизга “Ал-Ҳидоя”нинг “Ан-Ниҳоя” номли шарҳи кифоя қилади, унда масалалар етарлича баён қилинган”. У айтди: “Унда салаф уламолардан ривоят қилинган қисқача нақллар бор, холос”. Мен айтдим: “Мен кичкина одамман, ҳидоя катталарнинг китоби”. У айтди: “Биз сизнинг ҳолатингизни биламиз. Чунки Усулга ёзган шарҳингизда сизнинг сўзларингизга гувоҳ бўлганмиз”. Кейин “Ал-Ҳидоя” асарининг мушкул жойларини баён қилиш мақсадида шарҳ ёзишга киришдим. Ўша вақтда ёшим ўттиздан ошган эди. Шарҳни 721 йили Рабиул охир ойида Қоҳирада ёзишни бошладим”. Шориҳ шарҳнинг баъзи қисмини Ироқ, Эрон, Дамашқ, аксар қисмларини эса Бағдодда ёзган. Шарҳ 747 йил Зулқаъда ойида (1347 февраль) Дамашқда тугатади. Яъни йигирма олти йилу етти ойда ёзиб тугатади. Шарҳ тўла нашр қилинмаган.

9. **“Ат-Тавшеҳ”.** Ушбу шарҳ муаллифи Шайх Сирожуддин Умар ибн Исҳоқ Ғазнавий Ҳиндий (ваф. 773/1371) бўлиб, “Ал-Ҳидоя” асарига иккита шарҳ ёзган. Биринчиси катта шарҳ бўлиб, уни “Ат-Тавшеҳ” деб номлаган. Иккинчиси кичкина шарҳ бўлиб, у олти жилддан иборат бўлган.

10. **“Ал-Иноя”.** Ушбу шарҳ муаллифи Бобартий ушбу асарни ёзишда “Ал-Ҳидоя” асарининг бир нечта шарҳларидан фойдаланган. Жумладан, Сиғноқийнинг “Ан-Ниҳоя” ва бошқа шарҳлардан истифода қилган. Бобартий ушбу шарҳни

“Ал-Ҳидоя” асаридан дарс бериш асносида ёзган. У ушбу шарҳни ёзишда кўпинча Марғинонийнинг услубини қўллаган, яъни устун қавлни биринчи келтирган сўнг мухолифларнинг раъйини далили билан бирга зикр қилган, сўнг биринчи қавлни далилларини зикр қилган. Шу билан бирга, кўпинча мухолифнинг далилларига ҳам жавоб берган. Ушбу асар “Ал-Ҳидоя”нинг энг афзал шарҳларидан бири бўлиб, ҳанафий мазҳабида муҳим китоблардан ҳисобланади. Ушбу шарҳга Муҳақиқ Мавло Саъдуллоҳ ибн Исо Муфтий (ваф. 945/1538) таълиқот ёзади. Шарҳ ва таълиқот биргаликда нашр қилинган.

11. **“Ал-Биноя”.** Ушбу шарҳ муаллифи Бадриддин Айний талабаларга “Ал-Ҳидоя” асаридан дарс бераётган чоғда музораба китобидан ёзиб бошлаган. Ўша вақтда Бадриддин Айнийнинг ёши тўқсондан ўтган эди. Муаллиф масалаларнинг далилларини келтиришга катта эътибор қаратган. Хусусан, суннатдан ҳужжат келтиришга қаттиқ аҳамият қаратган. Шу билан бирга, ҳадисларнинг манбалари ва даражаларини баён қилган. Ушбу асар “Ал-Ҳидоя”нинг энг муҳим ва машҳур шарҳларидан ҳисобланади.

12. **“Фатҳул қадир”.** Ушбу асар Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” китобига муфассал таълиқот ҳисобланади. Ибнул Ҳумом ушбу асарни “Қориул Ҳидоя” (Ҳидояни ўқувчи) номи билан машҳур бўлган Сирожуддин Умар ибн Али Форисга (ваф. 829/1425) ва бошқа уламоларга “Ал-Ҳидоя” китобидан дарс бериш чоғида ёзган. Муаллиф фиқҳий масалаларнинг далилларини келтиришга, хусусан, ҳадислар ва осорлардан ҳужжат келтиришга катта эътибор қаратган. Ушбу асар “Ал-Ҳидоя” китобининг энг батафсил ҳошия ва шарҳларидан бири ҳисобланади. Ваколат китобига етиб борганида Ибнул Ҳумом вафот этади кейин Қозизода “Фатҳул қадир” асарини “Натоижул афкор” такмиласида охирига еткизади. Шарҳ мазкур такмила билан биргаликда нашр қилинган.

“ВИҚОЯТУР РИВОЯ” АСАРИНИНГ ШАРҲЛАРИ

Бурҳонуддин Маҳмуд ибн Садруш шариа Маҳбубийнинг “Виқоятур ривоя фи масоилил Ҳидоя” асарига уламолар бир қанча шарҳлар ёзганлар. Абдулҳай Лакнавий (раҳимаҳуллоҳ) “Умдатур ривоя” номли асари муқаддимасида йигирматадан ортиқ шарҳ ёзилганини зикр қилган:

1. **“Шарҳул Виқоя”.** “Виқоятур ривоя” асари муаллифининг набираси, машҳур “Мухтасарул Виқоя”нинг эгаси Садруш шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорий (ваф. 747 й.) бобосининг асарига шарҳ ёзган. Ушбу шарҳ бир неча асрлардан буён юртимиз мадрасаларида дарслик сифатида ўқитиб келинган.

2. **“Шарҳул Виқоя”.** Қора Хўжа номи билан машҳур бўлган Али Алоуддин Асвад Румий ибн Умар (ваф. 800/1397) Азниқ мадрасасида мударрислик қилган вақтида “Виқоятур ривоя”га икки жилддан иборат шарҳ ёзган.

3. **“Шарҳул Виқоя”.** Ушбу асар муаллифи Ибн Малик лақаби билан танилган Муҳаммад ибн Абдуллатиф ибн Абдулазиз Кирмоний (ваф. 854/1450) бўлиб, ўз ўғли Муҳаммад билан биргаликда ёзганлари маълум. Муқаддимада ёзилишича, отаси “Ал-Виқоя”га шарҳ ёзади, сўнг унинг вафотидан кейин ушбу шарҳ ўғирланади. Сўнг Муҳаммад енг шимариб, отаси ёзган қоралама нусхаларни тўплайди ва уларга баъзи нарсаларни қўшади. Ниҳоят китоб ушбу ҳолатга етиб келади.

4. **“Шарҳул Виқоя”.** Мусаннифак номи билан машҳур бўлган Али ибн Маждуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Масъуд ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Имом Фахриддин Бистомий Ҳиравий Розий (1426–1470) “Ал-Виқоя” асарига шарҳ ёзган.

5. Саййид Шариф Журжоний номи билан машҳур бўлган Зайнуддин Али ибн Муҳаммад ибн Али Ҳусайний (1339–1413) “Ал-Виқоя” асарига шарҳ ёзган.

6. Ибн Камол Пошшо номи билан машҳур бўлган Аҳмад ибн Сулаймон ибн Камол Румий (ваф. 940/1533) “Ал-Виқоя”

асарининг матнида ўзгартиришлар киритган ҳолда бир мухтасар ёзиб, уни “Ал-Ислоҳ” деб номлайди. Сўнг унга “Ал-Ийзоҳ” номли шарҳ ёзади.

7. Юсуф ибн Ҳусайн Кирмосиний (ваф. 900/1494) “Ал-Виқоя” асарига “Ал-Ҳимоя” номли шарҳ ёзган.

8. Шайхзода Румий номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муслиҳиддин Қужирий (ваф. 950/1543) “Ал-Виқоя” асарига шарҳ ёзган.

9. Шамсиддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Хатиб ибн Муҳаммад Хатиб ибн Иброҳим Хатиб Темуртоший Ғаззий (ваф. 1004/1595) “Ал-Виқоя” асарининг бир қисмига шарҳ ёзган.

10. Ибн Шеҳна номи билан машҳур бўлган Абул Барокат Абдулбарр ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳанафий (ваф. 921/1515) “Ар-Рамзу ила таҳқиқил виқоя” номли шарҳ ёзган.

“АЛ-ВИҚОЯ” ВА “ШАРҲУЛ ВИҚОЯ” АСАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

1. Юсуф ибн Давлат ўғли Боликирисий 867/1462 йили “Ал-Виқоя” асарини туркий тилда назмий шаклда баён қилади.

2. “Ал-Виқоя” асарини Вазир Пошшо Румий (ваф. 988/1580) туркий тилда назмий шаклда баён қилган.

3. Абдуллоҳ Сирҳиндий 1086/1675 йилда “Шарҳул Виқоя” асарини форсий тилга таржима қилади.

4. Важиҳуддин Кокуривий (ваф. 1305/1887) “Шарҳул Виқоя” асарининг ибодат қисмини форсчага таржима қилади.

5. Ҳайдарободий (ваф. 1338/1919) “Шарҳул Виқоя” асарига урду тилида “Нурул ҳидоя шарҳул Виқоя” номли шарҳ ёзади.

“ШАРҲУЛ ВИҚОЯ” АСАРИНИНГ ҲОШИЯЛАРИ

“Шарҳул Виқоя” асарига кўплаб уламолар ҳошиялар ёзишган. Абдулҳай Лакнавий (раҳимаҳуллоҳ) “Умдатур риоя” номли асарида олтмишдан ортиқ ҳошия ёзилганини зикр қилганлар. Қуйида улардан айримларини келтириб ўтамиз:

1. Мусаннифак номи билан машҳур бўлган Али ибн Маждуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Масъуд ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Имом Фахриддин Бистомий Ҳиравий Розий (1426–1470) “Шарҳул Виқоя” асарига ҳошия ёзган.

1. Юсуф ибн Жунайд Туқотий Чалабий (ваф. 905/1499) “Шарҳул Виқоя” асарига “Захиратул уқбо” номли ҳошия ёзган. Ушбу ҳошия талабалар ўртасида қўлма-қўл бўлиб, фойданалиб келинмоқда. Баъзи ҳанафий уламолар ушбу ҳошияни “Шарҳул Виқоя”нинг барча ҳошияларини ўзида жамлаган, деб айтган.

2. Ҳасан Чалабий ибн Шамсуддин Муҳаммад Шоҳ ибн Шамсуддин Муҳаммад ибн Ҳамза Румий Фаннорий (1436–1481) томонидан ёзилган ҳошия.

3. Мавло Аҳмад ал-Хаёлий (ваф. 860/1455) “Шарҳул Виқоя” асарига ҳошия ёзган.

4. Мавло Хусрав ва Мулло Хусрав Румий номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Фаромуз (ваф. 885/1480) “Шарҳул Виқоя” асарига ҳошия ёзган.

5. Яъқуб Пошшо ибн Хузарийбек ибн Жалолиддин Румий (ваф. 891/1486) “Шарҳул Виқоя” асарига ҳошия ёзган.

6. Хатибзода Румий номи билан машҳур бўлган Мавло Муҳйиддин Муҳаммад (ваф. 901/1495) “Шарҳул Виқоя” асарига ҳошия ёзган, лекин у тугал эмас.

7. Ҳусомзода номи билан машҳур бўлган Муслиҳиддин Мустафо ибн Ҳисомуддин (ваф. 1010/1601) “Шарҳул Виқоя” асарига ҳошия ёзган.

8. Муҳйиддин Муҳаммад Шоҳ ибн Али ибн Юсуф Болий ибн Шамсиддин Муҳаммад ибн Ҳамза Фаннорий (ваф. 929/1522) “Шарҳул Виқоя” асарининг аввалги қисмларига ҳошия ёзган.

9. Муҳйиддин Чалабий Муҳаммад ибн Али ибн Юсуф Фаннорий (ваф. 954/1547) “Шарҳул Виқоя” асарининг аввалги қисмларига ҳошия ёзган.

10. Арабзода Румий номи билан машҳур бўлган Мавло Муҳаммад ибн Муҳаммад (ваф. 969/1561) ёзган ҳошияси ҳам бор.

11. Қозизода Румий номи билан машҳур бўлган Мавло Шамсиддин Аҳмад ибн Мавло Бадриддин (ваф. 988/1580) “Шарҳул Виқоя” асарининг аввалги қисмларига ҳошия ёзган.

12. Шайхул Ислом Аҳмад ибн Яҳё ибн Муҳаммад ибн Саъдуддин Тафтозоний (ваф. 916/1510) ёзган ҳошияси.

13. Мавло Исомуддин Иброҳим ибн Муҳаммад Исфироийний (ваф. 944/1537) ёзган ҳошияси.

14. Абдулҳай Лакнавий “Шарҳул Виқоя” асарига дастлаб “Ҳуснул вилоя фи таҳшияти шарҳил виқоя” номли ҳошия ёзади. Сўнг “Ас-Сиоя фий кашфи мо фий шарҳил Виқоя” номли ҳошия ёзади, лекин охирига етмайди. Сўнг “Умдатур риоя” номли учинчи ҳошияни ёзади. Лекин у ҳам аввалги икки жилди билан ёзилиб, қолган учинчи ва тўртинчи жилдлари тугалланмай қолади. Алломанинг укаси Абдулҳамид Лакнавий (ваф. 1353/1934) “Зубдатун ниҳоя фи таҳшияти шарҳил Виқоя” номи билан такмила қилиб, “Умдатур риоя”ни охирига етказган. Мазкур учта асар ҳам нашр қилинган.

“Ан-Ниқоя” ёки “Мухтасарул виқоя” асарининг шарҳлари. “Мухтасарул виқоя”га илк бор муаллифнинг ўзи шарҳ битган дейиш мумкин. У “Шарҳул Виқоя”ни ёзар экан, унда “Мухтасарул виқоя”даги мужмал ўринларни ҳам изоҳлаб кетади. Бу “Шарҳул виқоя”нинг муқаддима қисмида алоҳида таъкидланган. “Мухтасарул Виқоя” Марказий Осиё мадрасаларида фиқҳ фанидан асосий дарслик сифатида ўқитилгани боис унга ҳам ўндан ортиқ шарҳлар ва таржималар амалга оширилган.

1. “Камолуд дироя фий шарҳин ниқоя”. Муаллифи Шайх Тақийяддин Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Шумунний (ваф. 872/1467) номли шарҳ бор бўлиб, нашр қилинмаган.

2. Абдулвоҳид ибн Муҳаммад “Мухтасарул Виқоя” асарига шарҳ ёзган. Ушбу шарҳни 806 йил жумодул уло ойининг охирида (1403 йил декабрь) ёзиб тугатган.

3. Мусаннифак номи билан машҳур бўлган Али ибн Маждуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Масъуд ибн Маҳмуд

ибн Муҳаммад ибн Имом Фахриддин Бистомий Ҳиравий Розий (1426–1470) “Мухтасарул Виқоя” асарига шарҳ ёзган.

4. “Шарҳун Ниқоя”. Ушбу асар муаллифи Маҳмуд ибн Илёс Румийдир (ваф. 851/1447). Ушбу асар “Ан-Ниқоя” номи билан машҳур бўлган “Мухтасарул Виқоя” асарининг мўъжаз шарҳидир. Ҳожи Халифа ушбу асарни фойдали шарҳ, деб тавсифлайди. Асар “Мухтасарул Виқоя”га битилган шарҳлар орасида шуҳрат қозонган. У тошбосмаларда бир неча марта нашр қилинган.

5. Шайх Қосим ибн Қутлубуғо Ҳанафий (ваф. 879/1474) “Мухтасарул Виқоя” асарига шарҳ ёзган, лекин у шарҳ тўлиқ эмас.

6. Мавлоно Нуриддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад Жомий (ваф. 898/1492) “Мухтасарул Виқоя” асарига форсча шарҳ ёзган.

7. Абул Макорим ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад[286] “Мухтасарул Виқоя” асарига шарҳ ёзган. Уни 907/1501 йилда ёзиб тугатган.

8. Абдул Али Биржандий (ваф. 932/1525) “Мухтасарул Виқоя” асарига шарҳ ёзган.

9. Шамсиддин Муҳаммад Қўҳистоний (ваф. 962/1554) “Мухтасарул Виқоя” асарига “Жомеур румуз” номли шарҳ ёзган. Муаллиф ушбу шарҳни 941/1534 йилда ёзиб тугатган. Бу шарҳ Марказий Осиёда шуҳрат қозонган.

10. Мавлоно Нуриддин Али ибн Султон Муҳаммад Қорий Ҳиравий (ваф. 1014/1606) “Мухтасарул Виқоя” асарига “Фатҳу бобил иноя” номли шарҳ ёзган. Али Қори ушбу шарҳни Макка шаҳрида 1003/1594 йили ёзиб тугатади. Мазкур шарҳнинг тошбосма ва замонавий нашрлари мавжуд.

[286] У зот Заҳириддин Муҳамммад Бобур (1483–1530 йиллар) даврида Самарқандда таниқли фақиҳлардан бири бўлган. Шайбонийхон (1500–1510 йилларда Мовароуннаҳр хони бўлган) Самарқандни эгаллаган пайтда уни қатл эттирган. Мавлавий Абулмакоримнинг яккаю ягона асари “Мухтасарул виқоя”га ёзган уч жузли шарҳидир.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДАГИ “ЭЪТИБОРСИЗ” ФИҚҲИЙ МАНБАЛАР

Ҳанафий мазҳаби уламолари мазкур мазҳаб фиқҳидаги китобларнинг даражаларини ривоят қуввати, келтирилган масалалар кучи ҳамда муаллифнинг илмий салоҳияти жиҳатидан келиб чиқиб, белгилашган. Уларни ўрганишнинг икки хил усули ишлаб чиқилган. Биринчисида Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (699–767) шогирдлари ва уларнинг шогирдлари битган асарлар, аниқроғи, XII асргача ёзилган фиқҳий манбалар қамраб олинади. Улар уч мартабага бўлиб ўрганилади ва “табақотул масоил” деб аталади[287].

“Табақотул масоил” сифатида зикр этилган фиқҳий манбалардан кейин ҳам XII–XIX асрларда ҳанафий мазҳабида қанчадан-қанча фиқҳий асарлар яратилгани аниқ. Ушбу даврларда ёзилган фиқҳий манбаларни ҳанафий уламолари “эътиборли” ва “эътиборсиз” (“мўътабар” ва “ғайри мўътабар” ёки “мўътамад” ва “ғайри мўътамад”)га бўлиб ўрганадилар. Фиқҳий манбаларни мана шу тарзда иккига бўлиш ўта нисбий бўлгани боис бир қатор баҳсларга сабаб бўлади.

Ҳанафий мазҳабининг тадқиқотчи олимлари фиқҳий манбалар орасида “эътиборсиз” китоблар ҳам борлигини айтадилар ва улардангина фатво олиш, фақат улардаги фатво бўйича ҳукм чиқариш тўғри эмас, деб таъкидлайдилар. Шуни таъкидлаш лозимки, бу ерда уларни мутлақ эътибордан соқит қилиш, умуман фойдаланишга яроқсиз, деб топиш маъносида эмас, балки муайян масалаларда улардан фойдаланишда эҳтиёт бўлиш, бундай китобларга танқидий ёндашиб иш кўриш кўзда тутилади. Фиқҳий манбаларга бу тарзда ёндошув Мовароуннаҳрда, асосан, X асрдан бошлаб кузатилади. Абу Лайс Самарқандийдан (ваф. 393/1003): “Сиз Иброҳим ибн Рустам Марвазийнинг китоби, Хассофнинг “Адабул қози” асари, Ҳишом ривоят этган “Ал-Мужаррад” (бошланғич, дастлабки) ва “Ан-Навозил” китобларини эъти-

[287] Муҳаммад Амин ибн Умар ибн Обидин Димишқий. Шарҳул манзума Уқуди расмил муфтий // Расоилу Ибн Обидин. – Истанбул: “Саҳҳофия”, 1320. – Б. 16–17.

борли санайсиз. Улардан биз фатво олишимиз жоизми?" деб сўралганида, у бундай жавоб берган экан: "Тўғри, улар эътиборли, мақбул, марғуб ва саҳиҳ манбалардир. Бироқ тушунилмайдиган, одамларга оғир келадиган нарсаларга фатво бериш керак эмас, деб ҳисоблайман. Мен шуҳрат қозонган, зоҳир бўлган ва ишончлилиги равшан бўлган масалаларнигина "Ан-Навозил" китобимга киритганман"[288]. XV асрга келиб фиқҳий манбаларга танқидий қараш шаклланиб бўлган эди. Чунончи, "Ал-Ҳидоя"нинг машҳур шориҳларидан бири Камолиддин ибн Ҳумом (1386–1456) ўзининг "Фатҳул қадир" асарида бундай таъкидлаган: "Машҳур фақиҳларнинг кенг тарқалган, қўлдан-қўлга ўтиб юрадиган шуҳратли асарлардан фатво олиш керак. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг мутавотир ёки машҳур саналган асарлари каби манбалардан фойдаланиш лозим. Бизнинг диёримиз ва асримизда шуҳрат топмаган, наводир ҳисобланган манбалардан нақл қилиш жоиз эмас. Лекин "Ал-Ҳидоя", "Ал-Мабсут" каби таниқли асарларда наводир масалалари келтирилса, улардан фатво олиш мумкин"[289].

Демак, фатво олинадиган манбалар ишончли, улардаги фиқҳий қарашлар эса асосли бўлиши керак, деб ҳисобланган. Агар "эътиборсиз" манбадан фатво олинса, уни қувватлайдиган ишончли манба ҳам кўрсатилиши шарт бўлган[290].

Ҳанафий уламолари фиқҳий манбанинг "эътиборсиз" бўлишига қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатганлар:

Фиқҳий манбанинг ўта даражада мухтасар (қисқа) бўлиши. Фиқҳий манбанинг муаллифи гарчи илмда, диёнатда таниқли шахс ҳамда бошқа асарлари жуда машҳур ва ишончли бўлса-да, китоби ўта қисқа услубда ёзилган бўлса, фатво олишда "эътиборсиз" ҳисобланган. Чунки ўқувчи ўта қисқа ёзилган асардан муаллиф истаган маънони илғаб олиши қийин кечади. Бинобарин, унгагина суяниб қолиш фатво бе-

[288] Абу Лайс Самарқандий. Фатовойи Фақиҳ Абул Лайс. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 6394. – В. 510[a].; Шоҳ Валийуллоҳ ад-Деҳлавий. Иқдул жайиид // Ал-Мактабат аш-шомила, 2006. 1/20.

[289] Камолиддин ибн Ҳумом. Фатҳ ал-қадир. V жуз. – Булоқ: "Матбааи амирия", 1310. – Б. 456-457.

[290] Абдулҳай Лакнавий. Муқаддимату Умдатир риоя". – Лакнау: "Юсуфий", 1327. – Б. 11.

рувчини тўғри йўлдан чалғитиши мумкин. Умар ибн Нужаймнинг (ваф. 1005/1597) “Наҳрул фоиқ фи шарҳи канзуд дақоиқ” асари, Муҳаммад ибн Али Ҳаскафийнинг (1616–1677) “Дуррул мухтор шарҳи танвирил абсор” асари, Бадриддин Айнийнинг (1361–1451) “Рамзул ҳақоиқ шарҳу канзид дақоиқ” асари ҳамда Ибн Обидин (1783–1836) фикрича, Ибн Нужайм Мисрий (1519–1563) қаламига мансуб “Ал-Ашбоҳ ван назоир” асари шундай асарлар сирасига киради.

Таъкидлаш лозимки, “Дуррул мухтор” билан “Ал-Ашбоҳ ван назоир” китоблари фиқҳий масала ва қоидаларни ёритган, уларни шарҳлаган “эътиборли” манба сифатида ўндан ортиқ шарҳлар битилган. Ибн Обидиннинг ўзи ҳам бу икки китобга ҳошия боғлаган бўлиб, улар нашр қилинган[291]. “Эътиборсиз” манбага битилган шарҳ ва ҳошияларда шу китобдаги масалалар хатоси тўғриланиши, изоҳланиб батафсил тушунтирилиши, масаланинг қаердан олингани – манбаси кўрсатилиши мумкин. Китоб шундай шарҳ ва ҳошияси туфайли “эътиборли” манбага айланади.

Муаллифнинг таржимаи ҳоли ва фиқҳий савиясидан бехабарлик. Гоҳида бирор бир фиқҳий манбани фатво олишда “эътиборсиз” саналадиган китоблар жумласига киритилишига муаллифнинг ҳоли ҳам сабаб бўлади. Уламолар фиқҳий манбанинг эътибор топиши учун муаллифнинг таниқли фақиҳлардан таълим олиб, машҳур фақиҳ бўлиши лозим, деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун Шамсиддин Қўҳистонийнинг (ваф. 962/1554) “Жомиур румуз” (Рамзлар тўплами) ҳамда Абул Макорим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандийнинг (ваф. 907/1501) “Шарҳун ниқоя” асарлари “эътиборсиз” деб топилган. Хусусан, “Кашфуз зунун”да айтилишича, Мавлоно Асомиддин Исфароиний (1468–1538) “Жомиур румуз”га нисбатан танқидий фикр билдирган[292]. Муҳаммад Шариф Садри Зиё (1867–1932) унинг бу фикрларини “ҳиқду ҳасаддан холи эмас” деб баҳолаган[293]. Чунки “Жомиур румуз”

[291] Муҳаммад Амин ибн Умар ибн Обидин. Раддул муҳтор ҳошияту алад Дуррил мухтор. XIV жилд. – Байрут: “Дорул кутубил илмийя”, 2003.

[292] Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. II жуз. – Байрут: “Дору иҳё туросил кутубил арабий”, 1941. – Б. 1972; Абдулҳай Лакнавий. Муқаддимату Умдатир риоя”. – Лакнау: “Юсуфий”, 1327. – Б. 11.

[293] Садри Зиё. Мажмуаи Шарифжон махдум. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 2193. В. 429(б).

соҳиби Шамсиддин Қўҳистоний билан Асомиддин Исфароиний Ҳирот ва Бухорода бир даврда истиқомат қилганлар. Ўша вақтда уларнинг оралари бузилган бўлиши мумкин. Зотан, уламоларнинг ёмонлаши оқибатида Убайдуллахон (1487–1540) Исфароинийни Бухородан чиқариб юборгани маълум[294]. Кейинги давр уламолари, жумладан, Али Қорий (ваф. 1014/1616) ҳам Исфароинийнинг "Жомиур румуз" ва унинг эгаси ҳақидаги гапини такрорлаган, холос.

Муаллифнинг таржимаи ҳоли ўрганилиб, унинг фақиҳлиги тасдиқланса, китобида заиф фиқҳий қарашлар илгари сурилмагани ва фиқҳдаги адолати маълум бўлса, кейинчалик ҳам китоби "эътиборли" бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳрда яратилган тазкира ва тарихий асарларда "Жомиур румуз" соҳибини Бухорода бир неча йиллар давомида садр-муфтий бўлгани, Бухоронинг энг эътиборли қабристонига дафн этилгани, таниқли фақиҳлиги, китоби ҳам жуда кўп фиқҳий ривоятларни ўзида жамлагани, улардан фойдаланиш лозимлиги каби сабабларга кўра мазкур китоб Мовароуннаҳрда охирги тўрт аср давомида уламолар ва талабалар орасида энг кўп фойдаланилган ва "эътиборли" манбалардан санаб келинган[295].

Муаллифнинг эътиқодига қараб ажратиш. Фиқҳий манбанинг эътибордан қолишига муаллифининг эътиқоди ҳам сабаб бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда эътиқоди мўътазилийликка ёки шиаликка мойил кимсалар амалиётда ҳанафий мазҳабида бўлиши ва ҳанафий мазҳабига мувофиқ фиқҳий китоб ёзган бўлиши мумкин. Бунга мисол сифатида Мовароуннаҳрда шуҳрат қозонган "Қуня" (Эгалик қилиш) китобининг соҳибини келтириш мумкин. Унинг муаллифи

[294] Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб / Таржимон ҳамда сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Исмоил Бекжон. – Т.: "А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр.", 1993. – Б. 173.

[295] Мир Рабиъ ибн Мир Ниёз хўжа Ҳусайний. Рисолатур раҳмонийя. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 9060/XII. – В. 406 [a]. Зайниддин Восифий (1485-1532) Шамсиддин Қўҳистонийни "Абу Ҳанифаи соний" деб тилга олади ва йилига 30 минг хоний (тилло) маош олишини қайд этади. Қаранг: Зайн ад-дин Васифи. Бадаи' ал-вакаи'. Том II. / Критический текст, введение и указатели А.Н.Болдыпева. – Москва: Изд.восточной литературы, 1961. – С. 369, 955, 1327. Ҳасанхожа Нисорий (1516–1597) "Музаккири аҳбоб"да уни "фиқҳда катта шуҳрати бор", деб қабри Хожаи Бузругвор (Баҳоуддин Нақшбанд) мақбараси ёнида эканини қайд этади. Қаранг: Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб / Таржимон ҳамда сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Исмоил Бекжон. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1993. – Б. 150–151.

Нажмиддин Зоҳидий Хоразмий (ваф. 658/1260) мўътазилий эди. Бироқ у ҳанафий мазҳабида шуҳрат қозонган фиқҳий манбалар соҳибидир. Ҳанафий фиққи устувор бўлган минтақаларда кенг тарқалгани, деярли кўплаб эътиборли фиққий асарларда ундан фойдаланилгани ва иқтибослар келтирилганига қарамай, бу асар ҳанафий уламолари томонидан номарғуб ва далиллари заиф деб ҳисобланган[296]. Шунингдек, мўътазилийлик ва шиаликнинг фиққий қарашлари аралаштириб юборилгани боис “Жомиул мутафарриқот” (Фарқли нарсалар тўплами) номли китоб ҳам “эътиборсиз” деб топилган[297].

Эътиқоди мўътазилийликка ёки шиаликка мойил бўлгани билан асарларида ҳанафий мазҳабининг эътиборли китобларидан фойдаланган бўлса, мазҳабда рад қилинмаган фатволар чиқарган бўлса, эътиқодига қаралмаслиги мумкин. Зотан, фиққ амалиётга боғлиқ бўлиб, эътиқодга алоқаси йўқ, деб қаралади. “Эътиборсиз” манбалар қаторида саналган “Ал-Қуня” (Эгалик қилиш) китоби Мовароуннаҳрда энг мўътабар манбалардан экани қайд этилган, ҳатто фиққ “Ал-Қуня” билан хатм бўлгани айтилган[298]. Асли мўътазилийлик эътиқодида бўлган Маҳмуд аз-Замахшарийнинг (1075–1144) ҳанафийлик билан шофиъийликнинг қиёсий ҳуқуқшунослигига бағишланган “Руусул масоил” (Масалалар боши) номли асари ҳам шу кабидир.

Олимлар орасида кенг тарқалмаган фиққий манба. Агар бирон та фиққий манба бир юрт олимлари орасида тарқалмаган, ишончлилигига умумэътироф қилмаган манба бўлса, ундай манбадан ҳам фатво олиш “эътиборсиз” ҳисобланади. Чунки маълум бир даврда кўпчилик билмаган ёки етиб келмаган ёхуд йўқолиб кетган фиққий манбанинг ишончлилиги мунозарали бўлиши шубҳасиз. Шу маънода, араб тадқиқотчилари Ибн Амир Ҳож (1422–1474) ва Ибн Нужайм Мисрий (1519–1563) “Муҳитул Бурҳоний” асарини ўз

[296] Қориев О. Ўрта аср қўлёзма манбаларида кўрсаткичлар масаласи // Тошкент ислом университети Илмий-таҳлилий Ахбороти. 2010, 2-сон. – Б. 8.

[297] Мир Рабиъ ибн Мир Ниёз хўжа Ҳусайний. Рисолат ар-Раҳмонийя. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 9060/XII. – В. 406[b].

[298] Ўша асар. – В. 406[a] –406[b].

диёрларида топилмаслигини айтганлар. Лекин бир юртда кенг тарқалмаган манба бошқа юртда шуҳрат қозонган бўлиши мумкин. Маълум бир вақтда эътироф қилинмаган асар вақт ўтиши билан кенг шуҳратга эришиши мумкин. Бинобарин, Абдулҳай Лакнавий (1847–1886) эътирофича, араб диёрларида кенг тарқалмаган “Муҳитул Бурҳоний” Ҳиндистон ва Хуросон диёрларида кенг тарқалгани учун “эътиборли”дир[299].

Уламолар орасида кенг тарқалмаган, умумэътироф қилинмаган бирор китобдан фатво олишда ниҳоятда эҳтиёт ва ҳушёр бўлиш кераклигини Бухорода бўлиб ўтган бир воқеа ҳам тасдиқлайди. Амир Музаффар (1860–1885) даврида саройда доимий ўтказиб туриладиган уламолар мунозарасида бир фиқҳий масала борасида ихтилоф юз беради. Барча олимларга Домла Мирзо Абдураҳмон аълам (ваф. 1284/1867) қарши чиқади ва “Муҳитул Бурҳоний”дан далил келтиради. Амир Музаффар эртагача “Муҳитул Бурҳоний”-ни келтиришни амр қилиб, мунозарани тугатади. Аълам уйига бориб, мазкур фиқҳий манбани қараб кўрса, унда ўзи айтган масала йўқ, балки унда рақибларининг қарашлари ёқланган экан. Аълам қўрқув ва уятдан тадбир ўйлаб топади: “Муҳитул Бурҳоний”нинг бир варағини кесиб олади ва бошқа шундай варақка масалани ўзининг муддаосига кўра ўзгартириб, хаттотнинг равишига айнан ўхшатиб қайта кўчиради ва билинмайдиган қилиб ёпиштиради. Эрталаб амир бошлиқ уламолар даврасида фиқҳий манбани ўртага қўяди. Аълам далил сифатида келтирган масала унда борлигини кўриб, барча унга тан беради. Ҳеч ким ўзгартирилганини сезмайди. Ажабланарлиси, ҳеч кимда бошқа “Муҳитул Бурҳоний” йўқ эди, бошқа нусхалари билан солиштириб кўришнинг ҳам имкони бўлмаган[300].

[299] Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафийя. – Қозон, 1902. – Б. 234–235 ва 255.

[300] Вохидов Ш., Чориев З. Садр-и Зия и его библиотека. –Т: Янги аср авлоди, 2007. – Б. CIV-CVI. Таъкидлаш лозимки, мазкур воқеанинг аслида бўлгани бошқа манбаларда учрамайди. Бухоро уламолари “Муҳити Бурҳоний” йўқ бўлса-да, ундаги масалани бошқа манбалар билан солиштириб кўриши мумкин эди. Ривоятга ишонилса, уларнинг бундай қилмаганлиги, аълам-нинг гапини тасдиқлаб, унга ишониб қўяверишлари, бу даврга келиб, Бухорода фиқҳий салоҳият пасайиб кетганини билдиради.

Заиф қарашлар кўп нақл қилинган фиқҳий манба. Тадқиқотчилар агар бирон асарда заиф қарашлар нақл қилинса, унга суянилмайди, фақат ундангина иқтибос келтириш ярамайди, деб ҳисоблайдилар. Муҳаммад Биркилийнинг (1523–1573) эътирофича, Абу Бакр ибн Али Ҳаддодийнинг (ваф. 800/1397) “Ас-Сирожул ваҳҳож” (Ёрқин чироқ), Фахриддин Яҳё Румийнинг (ваф. 864/1459) “Муштамилул аҳком” (Ҳукмларни қамраб олувчи) ҳамда Фазлуллоҳ Муҳаммад ибн Айюбнинг (ваф. 666/1268) “Фатовойи суфия” (Сўфийлик фатволари) асарлари ана шундай фиқҳий манбалар сирасига киради[301].

Шунингдек, “эътиборсиз” китоблар жумласига Нажмиддин Зоҳидийнинг (ваф. 658/1260) “Ал-Ҳовий”, Ибн Нужаймнинг (1519-1563) “Фатово”, Муҳаммад ибн Ҳусайн Турийнинг (ваф. 1138/1726) “Фатово”, Лутфуллоҳ Насафийнинг (ваф. 749/1349) “Фиқҳи Кайдоний” каби асарлари ҳам киритилган[302].

“Фиқҳи Кайдоний” Моваруннаҳрда асрлар давомида энг кўп ўқилган китоблар сирасидан бўлиб келган, мадрасаларнинг бошланғич босқичларида таълим берилган бўлса-да, унда ҳанафий мазҳабининг асосий ва “эътиборли” фиқҳий манбаларида келтирилган масалалардан фарқли фатволар келтирилган. Рисоланинг ўзида ҳам бунга ишора бор. Жумладан, “Намоздаги ҳаромлар баёни” бобида келтирилган ҳаром амаллар “Ал-Муҳит”да макруҳлар жумласидан саналгани қайд этилган[303]. “Жомеур румуз” ҳам заиф нақллар, жумладан, қизил кийим кийишнинг зарари йўқлиги ҳақидаги ривоят сабабли “эътиборсиз” манбалар жумласига кириб қолган[304].

[301] Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. II жуз. – Байрут: “Дору иҳё туросил кутубил арабий”, 1941. – Б. 1631, 1692 ва 1225.

[302] Абдулҳай Лакнавий. Муқаддимату Умдатир риоя”. – Лакнау: “Юсуфий”, 1327. – Б. 12.

[303] Лутфуллоҳ Насафий. Фиқҳи Кайдоний (матн, таржима) / Нашрга тайёрловчилар: Н.Насруллаев, З.Исломов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 52.

[304] Шамсиддин Қўҳистоний. Жомеур румуз. III жуз. – Қозон, 1902. – Б. 304. Таъкидлаш лозимки, “Жомеур румуз” ёзилган пайтда муаллиф Ҳиротда бўлган. У ерга 1510 йили шиалар ҳужум қилади. Шу вақтда муаллиф китобини оққа кўчира олмайди, китоб тарқалиши бир неча йиллар чўзилиб кетади. Бу “Жомеур румуз”нинг муқаддимасида таъкидланган. Маълумки, шиалар қизил кийимни мақбул санайдилар, қизил салла ўрайдилар. Шунинг учун муаллиф қизил кийим кийишнинг зарари йўқ, деган масалани киритишга мажбур бўлган бўлиши мумкин.

Қўлёзмани чоп этиш асносида кўп хатолар қилинган фиқҳий манба. Қўлёзма манбани илмий-танқидий ўрганмасдан, тадқиқ этилмасдан нашр этилиши ёки уни қасддан бузиб чоп этилиши нашрий манбанинг эътибордан соқит бўлиб қолишига олиб келади. Бунда манбани бошқа нусхалар билан солиштириш, эътиборли фиқҳий нашрлар билан қиёсий ўрганиш керак бўлади.

Тошкентда бир неча йил нашр этилган "Ал-Ислоҳ" журналининг 1916 йил 6-сонида Домла Абдуллоҳ муфтий мударрис Хўжандийнинг "Иттилоъ" мақоласи эълон қилинган[305]. Унда айтилишича, Ҳиндистоннинг "Навол Кишвар матбааси"да 1329 ҳижрий йилда нашр этилган "Хулосатул фатово"нинг жуда кўп жойида ўзгартиришлар юз берган. Мақола эгаси ёзади: "...Аксар янги босма бўлган китобларға эътимод қилмасдан қадимаи мўътамад ва мусаҳҳаҳ қаламий мазҳаб китобларига мурожаат қилиб, имтиҳон этсалар (яхши бўлади)! Хусусан, Ҳиндистон матбаалари, чунончи, мазкур "Хулоса" ва ғайриҳо мақруа (ва бошқа ўқилаётган) китоблардан ва "Ҳидоя" ва "Шарҳи Виқоя" ва "Қозийхон", ало ҳозал қиёс (шунга ўхшаш) ғайри мазҳаб нуссох ва куттоб (аҳли сунна мазҳабида бўлмаган бошқа нусха кўчирувчилар ва котиблар)лардан бўлган тағйирот (ўзгартириш) ва таҳрифот (бузиш) ва мулҳақот (қўшимча қўшиш)лар бордур!" Мақолада шунга ўхшаш бир қанча огоҳлантиришлар батафсил баён этилган ва "Хулоса"нинг таҳрифот ва мулҳақотлари" номи остида ҳанафий мазҳабининг мазкур мўътабар манбасининг Ҳиндистон нашридаги ўзгартиришлар бирма-бир келтирилган. Унинг қўлёзма нусхалари билан солиштириб чиқилган. Умуман, мақоланинг давоми яна борлиги ваъда қилинса-да, афсуски, журналнинг кейинги нашрларида чоп этилмаган.

Хуллас, ҳанафий мазҳаби фиқҳида битилган китобларнинг даражасини белгилаш, муаллифларнинг бир-бирларига бўлган шахсий муносабатлари, хусусан, бир юрт ҳанафийларининг ўзга диёрдаги ҳанафий уламолар ва уларнинг асар-

[305] "Ал-Ислоҳ" журнали, 2-жилд. 1916 йил. 6-сон. – Б. 173–176.

ларига бўлган муносабатлари натижасида фиқҳий манбаларни “эътиборли” ва “эътиборсиз”га ажратиш ҳоллари кузатилади. Бу билан биз Мовароуннаҳрда битилган фиқҳий манбаларга ўзга юрт олимлари қандай қараганлари, қандай муносабатда бўлганларини билиб олишимиз мумкин. Шу тариқада мовароуннаҳрлик уламоларнинг бошқа диёрларда битилган ҳанафий мазҳабига оид асарларга бўлган муносабатларини ҳам белгилаш керак бўлади. Бир юрт олимлари томонидан “эътиборсиз” манба деб зикр қилинган китоб ўша юртнинг ўзида ёки муайян диёрда “эътиборли” ва “шуҳратли” китоб бўлиши мумкинлигини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Муаллифларнинг бир-бирига бўлган ғайирлиги ҳам бир-бирининг асарларини ёмонотлиққа чиқаришга сабаб бўлган.

Юқоридаги “эътиборсиз”га ажратиш ҳақида кўрсатилган сабаблар нисбий бўлиб, умумий маънода “эътиборсиз” деб топилган фиқҳий манбалардаги ривоятлар “эътиборли” китоблардаги ривоятлар билан мувофиқ бўлса, албатта, улар ишончли ҳисобланган ва улардан фатво олиб амал қилинаверган. Шунинг учун кўпгина фиқҳий манбаларда кўрамизки, юқорида санаб ўтилган, “эътиборсиз” деб топилган китобларнинг барчасидан, кези келганда, “мўътабар” манбалар қаторида иқтибослар олинаверган, ривоятларидан фойдаланаверилган.

“Эътиборсиз” саналган манбаларда маҳаллий уламоларнинг фатволари келтирилиши, минтақавий фиқҳ мактабларининг фикрлари, бошқа юртда кўрилмаган нодир масалаларга жавоблар ҳам учраши мумкин. Шунингдек, фиқҳий манбаларнинг ҳар бирида муаллифнинг қайсидир маънода ўз қарашлари ҳам илгари сурилган бўлади. Чунончи, ҳанафий мазҳабидаги “эътиборли” манбалардан бири “Раддул муҳтор”да “Жомиур румуз” ва “Фиқҳи Кайдоний” асарларини “эътиборсиз” манбалар қаторида саналади, лекин шу билан бирга, унинг ўзида, аксар ўринларида бу икки манбадан иқтибос ва ҳаволалар олинган. “Фатовойи Оламгирия”-

да эса “эътиборсиз” саналган Абулмакоримнинг “Шарҳун ниқоя”сидан кўплаб ўринларда истифода қилингани маълум.

“ЖУНГ” ТЎПЛАМЛАРИ

Луғавий маъноси “шеър ва бошқа нарсалар ёзиладиган катта оқ қоғоз; чакалакзор, жунгли” бўлган “Жунг” XVI XX аср бошларида Марказий Осиёда муфтий, қози ва фақиҳлар томонидан тузиб келинган фиқҳий масалалар тўпламларидир. Уларда олдинги даврларда битилган фиқҳий манбалардан иқтибослар мавзулар бўйича ўрин олган бўлади. Гоҳида мавзуларга ажратиш учун “Мухтасарул виқоя” билан бирга кўчирилган: бунда унинг бир варақ матни ҳошиясида ва бир-икки қўшимча варақларда шу матн мавзусига оид иқтибосларни турли-туман фиқҳий манбалардан олиб келтирилган. “Жунг”лар Марказий Осиё фақиҳларининг ижод маҳсуллари бўлиб, “Жунги ривоёт”, “Жунги Мухтасар”, “Жунги маҳзарот”, “Жунги фатово” ва бошқа номлар билан аталиб келган. Улардан бир нусха Марказий Осиёдаги ҳар бир қозихона кутубхонасидан ўрин олган.

“Жунг”ларда халқ орасида кенг тарқалган ҳуқуқий масалалар, одамлардан тушган саволларга жавоб фатволар, муфтият ва қозихоналарда амалда бўлган шаръий ривоятлардан кўчирмалар ўрин олган. Бинобарин, Марказий Осиёда ҳанафий фиқҳининг амалиётда жорий бўлган томонларини ўрганишда “Жунг” номли фиқҳий тўпламларнинг аҳамияти жуда катта. Хусусан, “Жунг”ларда акс этган, асл нусхалари бизгача етиб келмаган, XVI–XVIII асрларда тузилган шаръий ривоятлар матнлари муҳим. Умуман, XVI–XX аср Ўрта Осиё хонликларида фиқҳ ривожини ўрганишда “Жунг” тўпламларининг аҳамияти беқиёс.

“Жунг” тўпламларидан иккитаси Бухорода нашр этилган[306]. Улардан бири 1325/1907 йили чоп қилинган “Жунги фатово ва маҳзарот” номли китоб бўлиб, китоб хотимасида

[306] Жунги фатово ва маҳзарот. – Бухоро, 1907. – 495 б; Жунг маъа Мухтасарул виқоя. – Бухоро, 1909. – 766 б;

Мулла Назруллоҳ Бухорий (ваф. 1334/1916) томонидан Мулло мир Ҳусомиддин судур муфтий[307] нусхаси асосида нашрга тайёрлангани қайд этилган. Мазкур нашр исломий ҳуқуқнинг муомалот қисмига бағишланган. Унда шаръий ривоятлардан кўчирмалар, маҳзар ва васиқаларнинг нусхалари келтирилган бўлиб, никоҳ масалаларидан бошланиб, талоқ, ижара, ширкат, ваколат, кафолат, вақф каби ҳуқуқий нормаларни расмийлаштириш қонун-қоидалари кўрсатиб берилган.

“Жунг”нинг иккинчи нашри 1909 йилда Бухорода чоп қилинган. Тўплам Мавлавий Иноятуллоҳ Қозикалон Бухорий (1780–1857) ва унинг ўғли Бухорода судур муфтий бўлган Порсо хўжа нусхалари ҳисобланади. Мазкур “Жунг”ни Бухоронинг машҳур қориси Абдурраҳим Таробий (ваф. 1322/1905) китобат қилган. Нашрнинг титул варағига қозикалоннинг учта, судур муфтийнинг битта муҳри туширилган. Мазкур “Жунг”да қозикалон ва судур муфтийга мурожаат қилинган масалалар, улар ва бошқа муфтийлар томонидан тузилган шаръий ривоятларнинг кўчирма нусхалари, мавзулар бўйича танлаб олинган фиқҳий манбалардан иқтибослар ўз аксини топган бўлиб, “Мухтасарул виқоя” билан бир жилдда нашр этилган.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари маркази фондида 30 дан ортиқ “Жунг” тўпламлари нусхалари сақланади. Улардан тўрттаси алоҳида китоб сифатида, қолганлари “Мухтасарул виқоя” билан бирга китобат қилинган. Шулардан, Субҳонқулихон (1680–1702) даврида муфтий бўлган Мир Ҳабибуллоҳ ибн Жалолиддин Ҳусайний; XVII асрда ўзининг “Фатовойи Аминия” номли асари билан шуҳрат қозонган Муҳаммад Амин ибн Убайдуллоҳ Мўминободий; 1045/1635 йили Абдулвадуд ибн Иброҳим Яссавий; XIX аср биринчи ярмида яшаган хоразмлик адиб Муҳаммад Юсуф Рожий; Самарқанд аълами бўлган Мавлавий Боқий Фарғоний Конибодомий; Бухоро қозикалони Бад-

[307] Бу муфтий 1861–62-йилларда муфтийлик қилгани унинг ривоят фатволари остига қўйган муҳридан маълум.

риддин ибн Садриддин Бухорийнинг ўзи ва отасининг нусхалари; Амир Музаффархон (1860–1885) даврида Нурота қозиси бўлган Мирмуҳаммад Сафий кабилар тузган нусхаларнинг аҳамияти катта.

ШАРЪИЙ РИВОЯТЛАРНИ НАҚЛ ҚИЛИШ

Шаръий ривоятлар ва мужтаҳидларнинг фатволарини нақл қилиш уч хил йўл билан амалга оширилади:

• Мужтаҳиддан фатво берувчигача муттасил етиб келган санад билан бўлади. Бунда фатво берувчи шахс устозидан, у устозларидан таълимий силсила орқали нақл қилган бўлади. Абу Юсуф, Муҳаммад ва унинг шогирдларининг таълиф қилган асарларининг ривояти ижозатнома-шаҳодатнома билан тасдиқланган бўлиши керак.

• Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбоний сингари мужтаҳидларнинг машҳур ва оммага кенг тарқалган асарларидан бевосита, махсус ижозатномасиз фатво олиш мумкин. Чунки бундай асарлар мутавотир, яъни ёлғонга чиқариш мумкин бўлмаган хабар кабидир. Шунинг учун “ан-Наводир” табақасидаги асарлардан бу равишда фатво олинмайди. Чунки улар кенг тарқалмаган. Бироқ “Ал-Ҳидоя”, “Ал-Мабсут” каби ишончли манбаларда наводир масалалари зикр қилинган бўлса, албатта улар нақл қилинаверади.

• Бошқа манбаларда мужтаҳидларнинг фатволари зикр қилинган бўлса, ўша манбанинг ишончлилик даражасига қараш лозим. Умумэътироф қилган ишончли манбада келтирилган ривоят ва фатвони албатта манбаси кўрсатилган ҳолда олиниши керак. Умумэътироф қилмаган, ишончли бўлмаган, кўпчилик билмайдиган фиқҳий манбадан агар фатво олинадиган бўлса, ёнида ундаги фатвони тасдиқлайдиган бошқа фиқҳий манба ҳам кўрсатилиши шарт. Акс ҳолда, шаръий ривоят дуруст бўлмайди.

ШАРЪИЙ РИВОЯТ ҲУЖЖАТЛАРИ

Муфтий, аълам, мударрис ва айрим ҳолларда қозилар томонидан муҳр уриладиган, даъвогар ёки жавобгарнинг саволига фиқҳий манбалардан иқтибослар олинган ҳолда жавоб бериладиган ҳужжат “Шаръий ривоят” деб аталади. Шаръий ривоятлар тузилиши бундай: бир саҳифанинг чап тарафига даъвогар ёки жавобгарнинг саволига асос бўлган ҳодиса тахминий номлар ва рақамлар остида батафсил ёзилади. Сўнг савол қўйилади, у “бўладими ёки йўқми?” тарзида бўлади. Ҳодисадан келиб чиқиб саволлар бир нечта бўлиши мумкин. Савол тагида жавоб фатвосини берувчи шахснинг бир оғиз – “бошад” ёки “набошад” (“бўлади” ёки “бўлмайди”) деган жавоби ёзилиб, муҳри урилади. Муҳрлар сони биттадан тортиб, то ўндан ортиқ бўлиши мумкин. Саҳифанинг ўнг тарафида эса асосий матнга нисбатан қиялатиб, ушбу жавоб фатвога асос бўлган фиқҳий масала – фиқҳий манбалардан олинган иқтибослар, манбаси кўрсатилган ҳолда, ёзилади. Иқтибос манбанинг айнан ўзидан олинган бўлса, “мин нафсиҳи” (ўзидан) деган жумла кўрсатилади, айрим ҳолларда фатво берувчининг қўлида бўлган манба қўлёзмасининг варақлари ҳам кўрсатилиши мумкин. Иқтибос олинган фиқҳий манбалар битта ёки ўндан ортиқ бўлиши мумкин.

Шаръий ривоятларда доимо қўлланиладиган намуна (шаблон) жумлалар мавжуд. Шаръий ривоятларни мана шу жумлалардан ажратиб олиш мумкин. Ривоят аввалида араб ёзувининг тавқиъ хатида “Таяммунан би зикриҳил аъла! Ма қавлу аимматул ислам, розияллоҳу таъала анҳум”: (Аллоҳ таолонинг олий исмидан баракот истаган ҳолда! Ислом имомларининг гап (ҳукм)лари қандай? Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин) жумласи албатта қайд этилади. “Дар ин масалаки” (Бу масала борасида...) жумласидан сўнг, айтганимиздек, “казо, казо” (шундай, шундай) каби тахминий ном ва рақамлар билан савол берувчининг ҳодисаси ёзилади. Воқеа ёзилаётганда ёки ундан сўнг “дар ин шароита ё не” (шу ша-

роитдами ёки йўқми), “дар ин шариат” (бу шариатда) каби жумлалар киритилади. Савол охирида “Баййину, тужару!” (Баён қилиб берсангиз, савоб оласиз) жумласи қўйилади. Шаръий ривоятнинг мазкур қисмига қараб унинг тили белгиланади. Фатво берувчининг муҳри бўлмаган шаръий ривоят ишончли бўлмайди.

Шаръий ривоят ҳужжатлари қозихона фаолиятини ўрганишда, муфтий ва аълamларнинг ижоди, кутубхонаси ва илмий фаолиятини тадқиқ этишда, ислом фиқҳининг амалиётда жорий бўлган қисмини ўрганишда, ижтимоий ҳаётда ва сиёсат майдонида фиқҳнинг ўрнини билишда аҳамияти жуда муҳим.

ФИҚҲИЙ МАНБАЛАРДАГИ ҲАДИСЛАР МАСАЛАСИ

Тадқиқотчилар орасида фиқҳий манбалар гарчи ўз соҳасида “эътиборли” саналса-да, уларнинг аксариятининг соҳиблари муҳаддис бўлмаганлари учун уларда ривоят қилинган ҳадисларни танқидий қабул қилиш керак, деган қарашлар ҳам бор. Фиқҳий манбаларда машҳур ва эътиборли ҳадис китобларидаги ривоят қилинган ҳадислар келтирилган бўлса, албатта, олинади. Бироқ баъзи фиқҳий асарларда ўта заиф ҳадислар билан бир қаторда мавзуъ-тўқима ҳадиссимон гаплар ҳадис деб келтирилганки, уларни асло қабул қилиб ҳам, ривоят қилиб ҳам бўлмайди, дейилган.

Жумладан, Али Қорий (ваф. 1014/1605) “Тазкиратул Мавзуот” (Мавзу ҳадислар тазкираси) асарида “Кимки Рамазон ойининг охирги жумасида бир фарзни қазо қилса, умри давомидаги етмиш йиллик қазолари ўрнига ўтади” деган гапнинг мутлақо асоси йўқлигини, “ал-Ҳидоя”нинг шарҳларидан “Ан-Ниҳоя” кабиларда келтирилган бу гапнинг исноди йўқлиги боис унга суяниб бўлмаслигини таъкидлаган[308].

Шунингдек, ўта заиф ва тўқима ҳадислар кўп зикр этилгани ва шуларга асосланиб фиқҳий масалалар айтилгани боис “Муштамилул аҳком” (Ҳукмларни қамраб олувчи), “Канзул ибод” (Бандалар хазинаси), “Муфидул мустафид”

[308] Али Қорий. Тазкиратул Мавзуъот. – Истанбул: “Саҳҳофия”, 1310. – Б. 86.

(Фойда олувчига фойда берувчи), “Матолибул мўминин” (Мўминларнинг матлаблари), “Хизонатур ривоёт” (Ривоятлар хазинаси), “Ширъатул ислом” (Ислом йўли), “Фатовойи суфийя” (Сўфийлик фатволари) каби китоблардаги ҳадис дейилганларни эҳтиёт бўлиб ривоят қилиш керак бўлади[309].

Фиқҳий манбалардаги ҳадиси шарифлар муаллифнинг ўз юртида ёки ўз қарашига кўра саҳиҳ ҳисобланган сабабли ривоят қилинаётган бўлишини назардан қочирмаслик кераклиги маълум. Чунки ҳадиснинг саҳиҳ, заиф ва мавзуълик даражаси уни ривоят қилувчиларнинг таржимаи ҳоли, илмий салоҳияти, эътиқоди, даврнинг унга бўлган муносабати билан ҳам боғлиқ. Шунингдек, ҳадисшунослардан айримлари мавзуъ деган ҳадис бошқа ҳадисшунослар томонидан заиф ёки ўта заиф деб топилиши мумкин. Бу ҳолатда уни ривоят қилиш жоиз бўлади.

ФИҚҲИЙ МАНБАЛАРДАГИ МАСАЛАЛАРНИ ТАНЛАШ

Ҳанафий мазҳабидаги фиқҳий манбалардан фатво олувчи қуйидагиларни билиши лозим:

1) фиқҳий манбанинг қиймати, ҳанафий мазҳабидаги ўрнини;

2) фиқҳий манба муаллифининг уламолар орасидаги эътиборини;

3) манбада келтирилган масаланинг ишончлилик даражасини;

4) масаланинг Зоҳири ривоя ёки наводир ёхуд фатво эканини;

5) масаланинг тахриж уламолари тарафидан янги ишлаб чиқилганини;

6) масаланинг тахриж уламолари томонидан қабул этилганини;

7) масаланинг таржиҳ уламолари томонидан қандай эътиборга олинганини.

Баъзи фойдаланувчилар фиқҳий манбаларда келтирилган масалаларни фарқлай олмаслиги сабабли ҳанафий мазҳаби-

[309] Абдулҳай Лакнавий. Ан-Нофеъ ал-кабир. – Ҳиндистон: “Алавий”, 1310. – Б. 12.

нинг фиқҳий ҳукми; Абу Ҳанифа ва унинг икки соҳиби наздидаги фиқҳий қараш; тахриж уламолари томонидан ишлаб чиқилган фиқҳий масала; таржиҳ соҳибларининг қилган эътиборлари қандайлигини англамай қолишлари мумкин. Масалан, кўплаб фиқҳий манбаларда келтирилган ҳовузнинг тоза деб ҳукм қилиниши учун унинг айнан ўн газга ўн газ бўлиши кераклиги ёки ташаҳҳудда ишораи саббоба қилмаслик ҳақидаги масалалар аслида Абу Ҳанифа ва икки шогирдининг фиқҳий қарашлари эмас, балки тахриж соҳиблари ишлаб чиққан фатволардир.

Абдулҳай Лакнавий (1847–1886) ҳанафий мазҳабининг фиқҳий манбаларида келтирилган масалаларни беш қисмга бўлинишини зикр қилган[310]:

Шариатнинг асли бўлмиш оят ва ҳадисга, шунингдек, ижмо ва қиёсга асосан чиқарилган масалалар. Уларнинг хилофига шариатда ошкора ва махфий нарса топилмайди. Шунинг учун уларни шак-шубҳасиз қабул қилиш керак.

Шариат аслига киритилган масалалар. Уларга баъзи оятлар, айрим ҳадисларнинг ҳукми ишора қилган бўлади. Шу билан бирга, уларнинг хилофига бошқа оят ёки ҳадислардан ишоралар бўлиши ҳам мумкин. Лекин уларга қарши далиллар заиф бўлгани боис уларни ҳам қабул қилиш керак.

Шариат аслига киритилган масалалар. Лекин уларнинг хилофига кучли далиллар топилиши мумкин. Шунинг учун бундай масалаларнинг далилларини текшириш ва кучлисини қабул қилиш керак.

Қиёс билан чиқарилган масалалар. Ҳар қандай қиёсий масаланинг хилофига қиёсий жавоб бўлиши мумкинлиги эътиборидан кучли ва аъло қиёсий масалани ихтиёр қилиб, кучсиз ва адно қиёсни тарк қилиш керак.

Ҳеч қандай далилга эга бўлмаган, оят, ҳадис, ижмо, қиёс билан ҳужжатланмаган, мутааххирин уламоларнинг ўйлаб чиқарган масалалари. Уларни ташлаш, эътиборга олмаслик керак.

[310] Абдулҳай Лакнавий. Ан-Нофеъ ал-кабир. – Ҳиндистон: “Алавий”, 1310. – Б. 9.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИГА ОИД КИТОБЛАРДАГИ ЎЗИГА ХОС РАМЗИЙ ИШОРАЛАР

Фиқҳий манбаларнинг ҳар бирида ўзига хос махсус рамз ва истилоҳлар мавжуд. Баъзиларида бундай махсус истилоҳ ва шартли қисқартма ишоралар кўпроқ. Уларни шориҳлар, тадқиқотчилар ўрганиб, муаллифнинг мақсадини англаб олганлар.

Ҳанафий мазҳабида шартли қисқартмаларни илк бор Шайхул Ислом Сўғдий (ваф. 461/1068) ўзининг "Ан-Нутаф фил фатово" (Фатволар ҳақида қатралар) асарида қўллаган. "Кашфуз зунун"да мазкур асарнинг баъзи қўлёзма нусхаларида бундай қисқартмалар ўрнига сўзлар тўлдириб кетилгани қайд этилади. Шунинг учун бўлса керакки, "Ан-Нутаф"нинг замонавий нашрида бу нарса кўрсатилган эмас.

Тадқиқотчи Илҳом Бекмирзаев айтишича, бундай қисқартмаларни илк бор Ҳусомиддин Садруш шаҳид (1090–1137) қаламига мансуб "Ал-Фатово ал-кубро" (Катта фатволар) номли асарида учратиш мумкин. Унда муаллифнинг "Ал-Воқеот" (Воқеалар) асаридан олинган фатволар "вов" ҳарфи остида, машҳур фақиҳ Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Каморий (ваф. 381/992) фатволари эса "бе" ҳарфи остида тартиб берилган[311]. Садруш шаҳиднинг "Ал-Фатово ассуғро" (Кичик фатволар) асарида бундай қисқартмалар нисбатан кўпроқ ишлатилган.

Фойдаланилган барча асар ёки муаллиф номларини қисқартма шаклда ҳарфлар билан ифодалаб бериш ҳанафий фақиҳи Нажмиддин Зоҳидий Хоразмий (ваф. 658/1260) томонидан кенг йўлга қўйилди. У "Қуня" (эгалик қилиш) асарининг аввалида шундай қисқартмаларни кўрсатиб ўтади ва "фиҳрист" деб атайди. Шунга асосланиб тадқиқотчи Одил Қориев уни "кўрсаткич" деб номлайди[312].

[311] Бекмирзаев И. Ҳусомиддин Садр шаҳид мероси ёхуд садрлар оиласи // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти, 2/2005. – Б. 18.

[312] Қориев О. Ўрта аср қўлёзма манбаларида кўрсаткичлар масаласи // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 2/2010. – Б. 4–8.

Бизнингча, бундай услубни “шартли қисқартмалар” деб тушунмоқ керак.

Нажмиддин Зоҳидий ишлаб чиққан бу услуб кейинчалик барча мазҳаб фақиҳлари томонидан қўлланила бошлади. Жумладан, шофиъийлардан Юсуф Ардабилий (ваф. 779/1378), ҳанбалийлардан Ибн Муфлиҳ (1348–1401), зайдийлардан Аҳмад ибн Яҳё Яманий (ваф. 840/1437) кабилар биринчилардан бўлиб ўз асарларида китоб ва шахс номларини қисқартириб баён этганлар.

Айрим муаллифлар айнан ўзининг фикрини ифодаламоқчи бўлса, ўз фикри эканини билдириш учун ҳам шартли қисқартмадан фойдаланган. Жумладан, Қивомиддин Амир Котиб ибн Амир Умар Умайд Итқоний Ҳанафий (ваф. 759/1358) “Ал-Ҳидоя”га ёзган шарҳи “Ғоятул баён ва нодиратул ақрон”да ана шундай услуб қўллаган ва ўз фикрларини “мим” (م) ҳарфи билан қайд қилиб чиққан. Буни мазкур асарнинг бир қўлёзма нусхасининг илк варағида кўрсатилган[313].

“АН-НУТАФ”ДАГИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Шайул Ислом Абулҳасан Али ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Саъдий Сўғдий (ваф. 461/1068) ўзининг “Ан-Нутаф фил фатово” (Фатволар ҳақида қатралар) асарида илк бор шартли қисқартмалар қўллаган. Ушбу рамзлар унинг айрим қўлёзма нусхалари ва нашрида кўрсатилмаган бўлиши мумкин:

ة	Абу Ҳанифа
ص	Асҳобуҳу
ح	Муҳаммад Шайбоний
ف	Абу Юсуф
م	Молик ибн Анас

[313] ЎзР ФА ШИ, № 5965.

ش	Шофиъий
عي	Авзоий
ز	Зуфар
ن	Суфён Саврий
ث	Абу Савр
ل	Аҳмад ибн Ҳанбал
بتي	Усмон Баттий
ع	Абу Абдуллоҳ

“ФАТОВОЙИ СУҒРО”ДА КЕЛТИРИЛГАН ҚИСҚАРТМАЛАР

Ҳанафий мазҳаби тарихида “Садуш шаҳид” ва “Ҳусомуш шаҳид” лақаблари билан танилган Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Бухорий (1090–1151) ўзининг “Фатовойи суғро” асарида ҳам айрим фиҳрист-қисқартмаларни ишлатган бўлиб, улар асарда фойдаланилган манбаларга ишора қилади. Юқорида айтилганидек, бундай қисқартмалар, оз бўлса-да, ҳанафийликда илк бор қўлланилган дейиш мумкин:

ن	“Ан-Навозил”
ع	“Ал-Уюн”
و	“Ал-Воқеот”
ب	“Фатовойи Абу Бакр ибн Фазл Бухорий”
س	“Фатовойи аҳли Самарқанд”

“АТ-ТАЖНИС ВАЛ МАЗИД”ДАГИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ат-Тажнис вал мазид” (Ўхшатиш ва зиёда қилиш) асари ҳам ҳанафийлик мазҳабида эътиборли манбалардан бўлиб келган. Ушбу фиқҳий асарда муаллиф, асосан, истифода этган асарларнинг номларига рамзий ишоралар қўйиб кетган:

ن	“Навозили Абул Лайс Самарқандий
ع	“Уюнул масоил”
و	“Воқеоти ан-Нотифий
ت	“Фатовойи Абу Бакр ибн Фазл Бухорий”
س	“Фатовойи аиммати Самарқанд”
ز	“Аз-Завоид”
ج	“Ажносун Нотифий
غر	“Ғарибур ривоят ли Аби Шужоъ
نس	“Фатовойи Нажмиддин Абу Ҳафс Умар Насафий”
شر	“Шарҳул кутубил мабсута”
فت	“Фатовойи суғрои Садриш шаҳид
م	“Ал-Мутафарриқот”

“ҚУНЯ”ДАГИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Мухтор ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Абурражо Нажмиддин Зоҳидий Ғазминийнинг (ваф. 658/1260) тўла номи “Қунятул муня ли татмимил Ғуня” (Етарлиликни тўлдириш учун истак-мақсадга эгалик қилиш) бўлган ҳанафий мазҳаби фиқҳига оид асари шуҳрат қозонган. У яна “Қуня”, “Қунятул

муня”, “Қунятул фатово”, “Ал-Фатово аз-Зоҳидий” номлари билан юритилади. Мазкур манбада шахс ва асар номлари қисқартирилиб, шартли белгилар билан бериш илк бор кенг йўлга қўйилди. Қисқартмалар берилишининг маълум бир қоидаси йўқ, китоб номининг бош ҳарфи ёки уларда иштирок этган ҳарфлардан ташкил топган бўлиши мумкин. Ҳар бир фиқҳий масала қайд этилишидан аввал ўша шартли қисқартмалар қўйилган бўлиб, бу масала ушбу кўрсатилган рамз остидаги китобда келтирилган ёки фақиҳ томонидан фатво берилганига ишорадир. “Қуня”нинг Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари маркази фондида йигирмадан ортиқ қўлёзма нусхалари бўлиб, мазкур шартли қисқартмалар бир-биридан фарқли бўлиши ҳам мумкин. Қуйида ушбу қисқартмалардан намуналар берилди[314]:

Рақам	Қисқартма ҳарф	Аломат
1	اصغر	“Ал-Жомеъ ал-асғар”
2	بخ	“Бурҳонул фатово ан-нажжория”
3	بق	Баққолий
4	بو	Вабарий
5	بم	Бурҳон соҳиби Муҳит
6	بس	Бурҳонус Самарқандий
7	بط	Баҳри Муҳит
8	بت	Бурҳон Таржумоний
9	بر	Бадри Зоҳир
10	بز	Баздавий

[314] Нажмиддин Зоҳидий. Қуня. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 8113. – В. 01^{6}–02^{6}.

11	بخ	Бакр Хоҳарзода
12	بص	Бурҳониддин Садр
13	بف	Абу Бакр Фазл
14	بك	Бурҳониддин Кофий
15	ت	“Воқеоти кубро Нотифий
16	تج	Тожиддин аху Ҳисомиддин Шаҳид
17	تح	“Туҳфа”
18	ث	Абу Лайс ёки Ғиёсий
19	ثو	Саврий
20	جت	“Жамъут тафориқ Баққолий
21	جس	“Ажносун Нотифий
22	جص	“Ал-Жомеус сағир”
23	جع	“Жомеул улум”
24	جك	“Жомеул кабир”
25	جن	“Жамъун Нажжорий”
26	جه	Абу Ҳафс Ҳиндувоний
27	حك	“Жомеъул кабир”
28	حم	Абу Ҳомид
29	حل	Ҳаловоний
30	خج	Хўжандий
31	خع	“Хулосаи Иззий”

32	خو	Хамирул Вабарий
33	خك	“Хизонатул Акмал”
34	ذ	“Захира”
35	ر	“Равза”
36	ز	“Зиёдот”
37	سيج	Исбижобий
38	سى	Сайфул аимма ас-Соилий
39	سم	Исмоилул Мутакаллим
40	س	Самарқандий
41	شب	“Шарҳи Бакр Хоҳарзода”
42	شجك	“Шарҳул Жомеъил кабир”
43	شح	Шумсул аимма Ҳалвоний
44	شد	“Шарҳул Иршод”
45	شذ	“Шарҳи Абу Зарр”
46	شر	“Шарҳ аимма Ўзжандий”
47	شبز	“Шарҳул Паздавий”
48	شس	“Шарҳус Сарахсий”
49	شقخ	“Шарҳул Қозихон”
50	شص	“Шарҳус Соғий”
51	شط	“Шарҳут Таҳовий”
52	شظ	“Шарҳуз Заҳир”

53	شظت	“Шарҳу Заҳир Темуртоший”
54	شع	Шарафул аимма Ақилий
55	شق	“Шарҳул Ақтаъ”
56	شبق	“Шарҳул Баққолий”
57	شمر	Шарафул аимма Кибарий
58	شز	“Шарҳуз Зиёдот”
59	ше	Шиҳобиддин Аможий
60	صغر	“Ал-Фатово ас-суғро”
61	صш	“Шарҳ ал-Қози ас-Садр”
62	صق	Садрул қузот
63	صبق	“Салотул Баққолий”
64	ص	“Асл”
65	صج	“Салотул Жолий”
66	صهب	Садруш шаҳид Бухорий
67	صب	“Салот Бурҳону аимма”
68	صح	Садри Ҳисом
69	ضح	Зиёул аимма Ҳижжий ёки “ал-Ийзоҳ”
70	ط	“Муҳит”
71	طح	Таҳовий
72	ظت	Заҳирут Темуртоший
73	ظمر	Заҳир Марғиноний

74	عت	Ало Тожирий
75	عتج	Ало Таржумоний
76	عح	Ало Ҳиммоний
77	عخ	Ало Хайётий
78	عس	Ало Саъдий
79	ع	“Уйун”
80	عك	Айнул аимма Каробисий
81	عن	Умар Насафий ёки Қози Абу Али Насафий
82	عف	Умар Ҳофиз
83	على	Алоуддин Зоҳидий
84	عط	Ато ибн Ҳамза Саъдий
85	عحح	Абдурраҳим Ҳанасий
86	عجت	Икки нафар Ало – Ало ал-аимма ал-Ҳиммоний ва Алоул аимма Тожирий
87	فب	“Фатовойи Бурҳон”
88	فت	“Фатовойи Аттобий”
89	فث	“Фатовойи Абул Лайс”
90	فنج	“Фатовойи Нажжорийя”
91	فتخ	“Фатовойи Хоҳарзода”
92	فس	“Ал-Фатово Самарқандий”
93	فص	“Фатовойи Соъид”
94	فع	“Фатово ал-Аср”

95	فض	“Фатово ал-Фазлий”
96	فبك	“Фатово Абул Фазл Кирмоний”
97	فن	“Фатово Насафий”
98	فجر	Фақиҳ Абу Жаъфар
99	قب	Қози Бадиъ
100	قح	Қози Ҳаллол Бухорий
101	قخ	Қозихон
102	قص	Қози Садр
103	قظ	Қози Заҳир
104	قع	Қози Абдулжаббор
105	قد	Қудурий
106	قعمر	Қози Ало Марвазий
107	قضمر	Қози қузотул мутакаллим
108	قس	Қози Абул Юср
109	كب	Камол Байёъий
110	كخ	Рукниддин Хазоний
111	كص	Рукн Сайёд
112	ك	“Кифоя”
113	كن	Рукниддин Войҳоний
114	مت	Маждул аимма Таржумоний
115	مج	Маждул аимма Соҳибит Тажрид”

116	مح	“Миҳан”
117	مل	“Амолий”
118	م	“Мунтақо”
119	من	Маждул аимма Бухорий
120	مجخ	Маждул аимма Хайётий
121	نج	Нажмул аимма Ҳакимий
122	نظ	“Назмуз Зиндависий”
123	نمر	Нурул аимма Мансуроний
124	ن	“Навозил”
125	نخ	Аимма Бухорий
126	وب	“Воқеоти Бурҳоний”
127	وح	“Воқеоти Ҳусомиддин Шаҳид”
128	و	“Воқеоти кубро”
129	يب	Юсуф ал-Аимма Билолий
130	يت	Юсуф ал-Аимма Таржумоний Сағир
131	يف	“Ятиматуд даҳр фий фатовоил аср”
132	ه	“Ал-Ҳидоя”

“АЛ-МУХТОР”НИНГ ҚИСҚАРТМАЛАРИ

Абул Фазл Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Маждиддин Мусилий (1202–1284) ўзининг “Китобул Мухтор фий фуруил ҳанафия” (Ҳанафий фуруил-фиқҳида ихтиёр қилинган китоб) асарида қуйидаги фиҳрист-қисқартмаларни ишлатган:

Рамз	Мақсад
س	Абу Юсуф
م	Муҳаммад Шайбоний
سم	Абу Юсуф ва Муҳаммад
ز	Зуфар
ف	Имом Шофиъий

“АЛ-ВОФИЙ”НИНГ ҚИСҚАРТМАЛАРИ

Ҳофизиддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий (1232–1310) ўзининг “Китобул Вофий фил фуруъ” (Фуруул фиқҳда вафо қилувчи) асарида қуйидаги фиҳрист-қисқартмаларни ишлатган:

Рамз	Мақсад
ح	Абу Ҳанифа
س	Абу Юсуф
م	Муҳаммад Шайбоний
ز	Зуфар
ف	Имом Шофиъий
ك	Имом Молик
و	Ривояту асҳобино (Асҳобларимиз ривояти)

“ЖАВОҲИРУЛ ФИҚҲ”НИНГ ҚИСҚАРТМАЛАРИ

Тоҳир ибн Салом (Ислом) ибн Қосим ибн Аҳмад Ансорий Хоразмий (ваф. 771/1370) хоразмлик мутасаввиф фақиҳ бўлиб, Саъди Намадпўш лақаби билан танилган. У ҳаж зиёратидан қайтиб келаётиб, Румда шошилинч равишда “Жа-

воҳирул фиққ” (Фиққ жавоҳирлари) мухтасар матн асарини ёзади. Шу сабабли у асарининг асосий манбаларини қисқартириб кўрсатиб кетишига интилган. Лекин муаллиф Мисрга борганида, ўз асарини кенгайтириш фикри туғилади. Бу ерда унинг вақти кўп бўлган, шекилли, кейинги фойдаланган манбалари номларини қисқартирмасдан баён этган.

Рамз	Мақсад
هد	“Ал-Ҳидоя”
نه	“Ан-Ниҳоя”
جص	“Жомеъ ас-сағир”
كا	“Ал-Кофий”
تف	“Туҳфатул фуқаҳо”
خف	“Хулосатул фатово”
قن	“Қунятул муфтий”
مم	“Мунийятул муфтий”
مغ	“Муқаддимату Ғазнавий”
مص	“Мунийятул мусоллий”

“ЖОМИУЛ ФУСУЛАЙН”ДАГИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Қози Самована лақаби билан машҳур Бадриддин Маҳмуд ибн Исроил ибн Абдулазиз Ҳанафий (ваф. 823/1420) ҳанафий мазҳабидаги икки мўътабар манба – Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшанийнинг (тахм. 1180–1240) “Фусули Уструшаний” ҳамда Имодиддин Абул Фатҳ Абдурраҳим Самарқандийнинг (ваф. 651/1254) “Фусули Имодий” асарлари асосида “Китобу “Жомиул фусулайн” (Икки “Фусул” тўмлами) китобини яратган. Мазкур икки асарда такрор келган ўринларни қисқартирган, зарурат бўлмаган масалаларни

қолдириб кетган. Муаллиф асарини ўн ойда битказар экан (1411 йилда), фойдаланган ва иқтибос олинган асарлар номларини ва баъзи ибораларни қисқартириб, қисқартма кўрсаткич-фиҳрист тузган. У китоби аввалида мазкур қисқартмаларни келтирган:

Т.р.	Рамзий қисқартма	Мақсад
1	بز	Фахрул Ислом Баздавий
2	بس	“Ал-Мабсут”
3	بق	“Адабул Қози лил Хассоф
4	ت	“Аз-Зиёдот”
5	تت	“Зиёдатуз Зиёдот”
6	ج	“Ал-Жомиъ ал-кабир”
7	جز	“Важиз ал-Муҳит Сарахсий
8	جغ	“Ал-Жомиъ ас-сағир”
9	جف	“Жомиъ ал-фатово”
10	حم	Ал-Ҳоким аш-шаҳид
11	خذمت	Қозийхон
12	خا	Хассоф
13	خص	“Хулосатул муфтиййин”
14	ز	Абу Бакр Розий Жассос
15	سجز	Абу Сулаймон Жузжоний
16	سك	“Ас-Сияр ал-кабир”

17	شت	“Шарҳуз Зиёдот”
18	شج	“Шарҳул Жомиъ ал-кабир”
19	شجع	“Шарҳул Жомиъ ас-сағир”
20	شطح	“Шурут Таҳовий”
21	ص	“Ал-Фатово ас-суғро лис Садриш шаҳид
22	صر	Судрулислом Абул Юср
23	ض	Баъзул Машойих
24	ضح	“Ат-Тавзиҳ”
25	ط	“Ал-Муҳитлу Бурҳоний”
26	طى	Таҳовий
27	ظه	Заҳириддин Марғиноний
28	عت	“Китобуд даъво вал баййинот”
29	عدة	“Уддатул муфтиййин” лин Насафий
30	عن	Ал-Уюн ли Абил Лайс Самарқандий
31	قه	Тариқату баъзил Машойих
32	كح	“Китобул ҳиял лил Хассоф
33	مع	“Мухтасаруз Зиёдот” лил Ҳоким аш-шаҳид
34	مح	Шумсулаимма Ҳалвоний
35	مخم	“Мухтасарул Ҳоким Шаҳид
36	مسع	Масоилу ибн Симоа
37	مضع	Мавзиъу охар

38	مس	Масоилу Нажмиддин Насафий
39	مقی	Мухтасарул Қудурий
40	میفرموده اند که	Мухтасарул Кофий
41	می	Ал-Мунтақий лил Ҳоким аш-шаҳид
42	ن	Ан-Навозилу ли Абил Лайс Самарқандий
43	نفیس	Китобун Нафис ли Ибн ал-Жавзий
44	نة	Хизонатул фатово ли Соҳибил Ҳидоя
45	وقر	Воқеоту ли Абил Юср Баздавий

“АЛ-ҲИДОЯ”НИНГ МАХСУС РАМЗИЙ ИШОРАЛАРИ

Бурҳониддин Марғинонийнинг (1118–1196) “Ал-Ҳидоя” (Ҳидоят) асари ҳанафий мазҳабидаги энг кўп ўрганилган, шарҳланган манбалардан бири ҳисобланади. Ундаги ўзига хос атамалар, рамз ва ишораларни ўрганиб, қуйидагича таҳлил қилинган[315]:

Қола (قال) – (айтди, деди). Муаллиф ўзини назарда тутган бўлади. Аслида у бу ўринда “Заиф банда деди, Аллоҳ уни афв айласин” деган, кейинчалик шогирдлари “Қола розияллоҳу анҳу” (Аллоҳ ундан рози бўлсин, у деди) деб ўзгартиришган. “ал-Абдуз заиф” деган ибора келса, муаллифнинг ўзи ёзгани бўлиб, уни шогирдлари ҳам ўзгартирмай кетганлар. Бу ерда муаллиф ўзини камтарона тутиб, “қулту” (قلت) – “мен дедим” деган эмас.

Машойихуно (مشائخنا) – (машойихларимиз). Бундан Мовароуннаҳр уламолари – асосан, Самарқанд ва Бухоро фақиҳлари назарда тутилган.

[315] Маҳмуд Афанди Ҳамзовий. Мисбоҳуд дироя фий истилоҳил Ҳидоя. – Дамашқ: “Маориф”, 1303. – 4 б.

Ал-Машойих (المشائخ) – (машойихлар). Умумий истилоҳдаги каби Абу Ҳанифадан сабоқ олмаган фақиҳлар назарда тутилади.

Диёруно (ديارنا) – (диёримиз). Мовароуннаҳр ўлкаси, Ўрта Осиё шаҳарлари назарда тутилади.

Ал-Асл (الأصل) – (асл китоб). Бундан Муҳаммад Шайбонийнинг “Ал-Мабсут” асари назарда тутилади. Умумий истилоҳда ҳам худди шундай.

Ал-Мухтасар (المختصر) – (мухтасар китоб). Бундан Абул Ҳусайн Қудурий (972–1037)нинг “Мухтасарул қудурий” асари назарда тутилади. “Ал-Ҳидоя”да “Мухтасарул Қудурий”нинг масалалари “Ал-Жомеъ ас-сағир”дан аввал келтирилган. Агар мазкур икки асардаги иборалар орасида қандайдир қарама-қаршилик учраган бўлса, унда албатта “Ал-Жомеъ ас-сағир” ибораси келтирилган.

Ал-Китоб (الكتاب) – (китоб). Бундан Муҳаммад Шайбонийнинг “Ал-Жомиъ ас-сағир” асари назарда тутилади. Баъзида “Мухтасарул Қудурий” ҳам ирода қилинади. “Ал-Жомиъ ас-сағир” масалалари “Мухтасарул қудурий”дан кейин келтирилган.

Бимо талавно (بما تلونا) – (тиловат қилган нарсамиз). Олдинроқ эслатилган оят назарда тутилади.

Бимо равайно (بما روينا) – (ривоят қилган нарсамиз). Олдинроқ далил сифатида келтирилган ҳадиси шарифга ишора қилинади.

Бимо закарно, бимо байянно (بما ذكرنا، بما بينا) – (зикр қилган нарсамиз, баён қилган нарсамиз). Олдинроқ зикр қилинган ва баён этилган ақлий далилга ишора қилинади.

Лимо байянно (لما بينا) – (баён қилган нарсамиз боис). Муаллиф бу билан оят, ҳадис ва ақлий далилларига ишора қилади. «Ал-Иноя»да айтилишича, бу билан муаллиф ўзининг шарҳ ва изоҳларига ишора қилган.

Лимо закарно (لما ذكرنا) – (зикр қилган нарсамиз боис). Муаллиф бу билан юқорида келтирган далилларининг барчасига ишора қилиши мумкин. «Ал-Иноя»да айтилишича, бу билан муаллиф ақлий далилларга ишора қилган.

Лимо қаддамно (لما قدمنا) – (олдин айтиб ўтган нарсамизга кўра). Муаллиф бу билан матнга – "Ал-Бидоя" матнига ишора қилган.

Ал-Асар (الأثر) – (асар, белги, хабар). Саҳобийнинг сўзига шундай дейилади. Унга нисбатан ҳам "лимо равайно" ишлатилиши мумкин.

Ал-Фиқҳ (الفقه) – (фиқҳ, тушунча). Муаллиф "фиқҳ"ни ақлий далилга нисбатан қўллаган. Фиқҳ – амалий ҳукмларни муфассал, очиқ далиллардан билиш, фақиҳ шу далилларни биладиган киши.

Қолу (قالوا) – (айтдилар). Умумий истилоҳдаги каби фақиҳлар ихтилоф қилган ривоят борасида истеъмол қилган. Ибн Ҳумом (1386–1456) айтишича, "Ал-Ҳидоя" соҳиби "қолу"ни ихтилофли, шу билан бирга заиф қавлга нисбатан ишлатган.

Ҳазал ҳадису маҳмулун ало казо (هذا الحديث محمول على كذا) – (Ушбу ҳадис мана шунга йўйилган). Аҳли ҳадис далил қилган ҳадисга нисбатан қўлланилади. Агар муаллиф "наҳмилуҳу" (уни биз йўямиз, унга биз мансуб деб қараймиз) деса, аҳли ҳадис эмас, балки ўзи ва фақиҳлар далил қилган ҳадис тушунилади. Агар "фалончи ҳадисни шунга ҳамл қилган" деса, аҳли ҳадис далил қилмасдан фақат ўша кимса далил сифатида олганини билдиради.

Ан фалонин (عن فلان) – (фалончидан). Бу билан ўша одамдан қилинган ривоят тушинилади.

Инда фалонин (عند فلان) – (фалончи наздида). Бу билан ўша одамнинг мазҳаби, асосий қабул қилган фиқҳий қараши тушунилади.

«Ат-Тахрижу казо» (التخريج كذا) – (Тахриж шундайдир). Бу ерда оят, ҳадислардан масала ишлаб чиқиш назарда тутилган бўлиб, ушбу ибора билан келтирилган масалани муаллифнинг ўзи тахриж қилган бўлади. Бошқа фақиҳларнинг тахрижлари ўз номлари билан келтирилган.

Бошқа асарлардаги қисқартма ва рамзий ишоралар. Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Ҳалабий (ваф. 956/1594) ўзининг "Мултақил абҳур" асарини "Мухтасарул қудурий", "Ал-Мухтор", "Канзуд дақоиқ", "Ал-Виқоя" каби фиқ-

ҳий манбалар асосида тартиб бергани учун уларнинг ҳар бирига мувофиқ қисқартмалар ишлатган. Муаллиф юқорида номи тилга олинган манбалардаги ихтилофли ривоятни келтирмоқчи бўлса, “қийла” ёки “қолу” деб ишлатган. Агар тасния (иккилик) лафзини ишлатса, Абу Юсуф ва Муҳаммад назарда тутилган бўлади. Масалан, “хилофан лаҳумо”, “қолаа”, “индаҳумо” каби. Бироқ Муҳаммад Шайбоний номи зикр қилингандан сўнг тасния (иккилик) лафзи ишлатилса, унда шайхайн – Абу Ҳанифа билан Абу Юсуф назарда тутилган.

Зайнул Обидин ибн Нужайм Мисрий (1519–1563) “Баҳрур роиқ” асарида “Аш-Шориҳ” лафзи билан “Канзуд дақоиқ”нинг шориҳларидан бири Усмон ибн Али Зайлаийни (ваф. 743/1343) назарда тутган.

Муҳаммад Алоуддин ибн Али Ҳаскафий (1616–1677) “Дуррул мухтор” асарида “шайхуно” лафзи билан ўз устози Хайриддин Рамлийни (1585–1671) назарда тутган.

Ҳанафий фақиҳи Музаффариддин Аҳмад ибн Али ибн Саълаб Баълабаккий Бағдодий (ваф. 694/1294) ўзининг “Мажмаул баҳрайн” номли фиқҳий матн китобида ҳам ўзига хос ишоралар қўллаган. Жумладан, у фақат Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг қавлига далолат қилмоқчи бўлса, гапни эга (жумлаи исмия) билан бошлаган; Абу Юсуфнинг фикрига ишора эса жумла келаси замон феъли (жумлаи феълияи музория) билан бошланган; Муҳаммад Шайбоний фикри ўтган замон феъли (жумлаи феълия мозия) билан гапни бошланган; Зуфар фикрини ифодалаган ўтган замон эса учинчи шахс кўплик “нун” ҳарфи (мозавия ва нуни жамоъа) ёки кўпликнинг “вов”и билан ифодалаган.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИДАГИ ФИҚҲИЙ АТАМАЛАР ЛУҒАТЛАРИ

Барча мазҳаблар фиқҳий истилоҳларининг изоҳларига бағишланган ўзига хос луғатлар битилган. Ҳанафий мазҳабидаги ана шундай изоҳли луғатлардан тўрттаси машҳур:

1) **“Тилбатут талаба”** (Талабанинг истаги). Нажмиддин Абу Ҳафс Умар Насафий (1068–1142) асари. У фиқҳ бобларига

кўра тартибланган. Фиқҳий манбаларда учрайдиган сўз ва ибораларнинг луғавий маънолари, сўнг фиқҳда қўлланиладиган маъноси тушунтирилади. Бунда оят ва ҳадислардан ҳам фойдаланилган[316]. Асар 1311 ҳижрий йили Истанбулда, 1995 ва 1999 милодий йилларда Байрутда нашр этилган.

2) **“Ал-Муғриб фий тартибил мўъриб”** (Алифболи тартибдаги ҳайратга солувчи). Абул Фатҳ Носир ибн Абдуссайийид Мутарризий Хоразмий (1144–1220) асари. Алифбо тартибида тузилган бу луғат Абу Бакр Розий Жассос (918–980), Шумсул аимма Ҳаловоний (ваф. 456/1063), Абул Ҳасан Каркхий (873–952), Абул Ҳусайн Қудурий (972–1037) ва Ҳоким Шаҳид (ваф. 334/945) каби фақиҳларнинг ҳанафий мазҳабида мўътабар китобларда келтирилган истилоҳлар асосида тузилган. Муаллиф китоби аввалида луғатнинг юзага келиш сабаби, ундан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақида сўз юритган. Ҳалабда икки жилдда нашр этилган.

3) **“Анисул фуқаҳо фий таърифотил алфозил мутадовила байнал фуқаҳо”** (Фақиҳлар орасида кенг тарқалган лафзлар таърифида фақиҳларга суҳбатдош). Қосим Қўнавий (ваф. 978/1570) асари. Бу ҳам фиқҳий боблар мавзусига кўра тартиб берилган. Унда муаллиф тўрт мазҳаб фикрлари, ихтилофли масалаларда фақиҳларнинг қарашларини ҳам беришга ҳаракат қилган. Жиддада нашр этилган.

4) **“Ал-Ҳудуд вал Аҳкомил фиқҳия”** (Сарҳадлар ва фиқҳий ҳукмлар). Байрутда нашр этилган ушбу асар муаллифи Али ибн Маждуддин Мусаннифак (1370–1400) бўлиб, унда шаръий ҳаддларнинг таърифлари, айрим фиқҳий сўзларнинг маънолари, машҳур китобларнинг лақаблари, фиқҳий боблар номларининг бир қанча маънолари кабилар ҳақида сўз юритилган.

Яна бир неча фиқҳий истилоҳларга бағишланган, ҳозиргача қўлёзма ҳолида сақланиб келаётган асарлар мавжуд. Жумладан, Муҳйиддин Абдулқодир ибн Муҳаммад Қураший Ҳанафий (1297–1373) қаламига мансуб фиқҳий атамаларнинг изоҳли луғати бор. У “Таҳзибул асмо” (Исмларни поклаш) деб

[316] Муҳаммадиев Ф. Насафлик олимнинг фиқҳий қомуси // Ҳидоят, 2009/5. – Б. 30.

аталади. Унда “Ал-Ҳидоя” ҳамда “Хулосатул фатово”даги фиқҳий атамаларга изоҳлар берилган. Мазкур асар Нававийнинг (1233–1277) “Таҳзибул асмо вал луғот” асари асосида, худди шунга ўхшатиб тузилган. “Таҳзибул асмо”нинг муаллиф дастхати Истанбулда Бани Жомиъ кутубхонасида 872/III тартиб рақами билан сақланади. Шунингдек, Акмалуддин Муҳаммад Бобартий Ҳанафий (1314–1384) ҳам шу хилда асар тартиб берган. Ибн Нужайм Мисрий (1519–1563) ўзининг “Рисола фил ҳудуд” (Ҳадлар ҳақида рисола) асарида жиноятлар, вақф мулкчилигига оид фиқҳий истилоҳларни шарҳлаган. Шунингдек, Муҳаммад ибн Муҳаммад Кардарий Баззозийнинг (ваф. 827/1424) “Мухтасар фий баёни таърифотил аҳком” (Ҳукмлар таърифлари баёнидаги қисқартма), Муҳаммад Солиҳ Турун Қайсарий (ваф. 1302/1885)нинг “Таърифотул аҳкомиш шаръийя” (Шаръий ҳукмлар таърифи) каби асарларида ҳам ҳанафий мазҳаби фиқҳидаги истилоҳларга изоҳлар берилган.

Исломий илм ва фанлардаги истилоҳий атамалар изоҳига бағишланган асарларда ҳам ҳанафий фиқҳидаги истилоҳлар изоҳига кенг ўрин ажратилган. Саййид Шариф Журжонийнинг (1340–1413) “Китобут таърифот” (Таърифлар китоби) ёки “Таърифотул фунун” (Фанлар таърифи) асари, Муҳаммад Оққирмонийнинг (ваф. 1174/1760) “Таърифотул фунун ва тарожимул мусаннифун” (Фанлар таърифи ва мусаннифлар таржимаи ҳоли) асари, Ҳакимул умма Муҳаммад Ашраф Али Таҳонавийнинг (1863–1943) “Кашшофу истилоҳотил фунун” (Фанлар истилоҳлари очқичи) номли асарлари кабилар шулар жумласидандир.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИГА ОИД ТАРОЖИМ ВА ТАБАҚОТ КИТОБЛАР

Абу Ҳанифа ва бошқа ҳанафий олимининг маноқиби ёки таржимаи ҳолига оид асарлар жуда кўп. Биргина Абу Ҳанифа ҳақида 10 дан ортиқ асарлар битилган[317]. Умумий ҳанафий олимлари ҳақидаги катта-кичик асарларнинг сони эса 40 га яқин бўлиб, уларнинг энг машҳурлари қуйидагилар:

[317] Матибаева Р. Абу Ҳанифа манақиблари // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий Ахбороти. 2/2008. – Б. 34–37.

1) **“Ахбору Аби Ҳанифа ва асҳобиҳи”** (Абу Ҳанифа ва унинг шогирдларининг хабарлари). Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Али ибн Муҳаммад Саймарий (962–1044) асари. Абу Ҳанифа маноқиби берилгандан сўнг катта шогирдларининг, сўнг муаллиф давригача ўтган бошқа машҳур ҳанафий олимларининг таржимаи ҳоллари берилган. Абул Вафо Афғоний томонидан 1985 йили Ҳиндистонда нашр этилган.

2) **“Ал-Жавоҳирул музиъа фий табоқотил ҳанафия”** (Ҳанафийлар табақотида зиё берувчи жавоҳирлар). Муҳйиддин Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абул Вафо Қураший (1297–1373) китоби. Икки, уч ва беш жуз қилиб ҳам, бир жилдда ҳам Ҳайдаробод, Қоҳирада нашр этилган. Унда 3000 нафарга яқин ҳанафий олимлар ҳақида маълумотлар берилган. Китобга муаллифнинг “Ал-Китобул жомеъ” номли асари ҳам илова қилинган бўлиб, унда Абу Ҳанифа таржимаи ҳолидан айрим қизиқарли лавҳалар, ҳанафий мазҳабидаги асарлар, баъзи ҳанафий олимларининг лақаб ва кунялари ҳақидаги маълумотлар берилган.

Иброҳим Ҳалабий (ваф. 956/1594) “Ал-Жавоҳирул музия”нинг мухтасар шаклини яратган бўлиб, нашр этилмаган.

3) **“Назмул жумон фий табақоти асҳоби имом ан-Нўъмон”** (Имом Нўъмоннинг асҳоблари табақасида дурдона тартиб). Ибн Дўқмоқ куняси билан танилган таниқли муаррих Соримиддин Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Ойдемир ибн Дўқмоқ Қоҳирий (1349–1407) китоби. Китоб 3 жилддан иборат, қўлёзма нусхалари Туркия кутубхоналарида сақланади. Ушбу асарда шофиъийликка нисбатан асоссиз таъналар қилингани учун муаллиф шофиъий қозиси томонидан жазоланган.

4) **“Мирқотул вафия фий табақотил Ҳанафия”** (Ҳанафийлар табақаларида вафо қилувчи нарвон). Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Умар Ферузободий (1329–1415) асари. Муаллиф шофиъий бўлса-да, ҳанафийлар табақоти ҳақидаги мазкур китобни битган, лекин ҳалигача нашр қилинмаган.

5) **“Катоибул аъломил ахёр мин фуқаҳои мазҳабин Нўъмонил мухтор”** (Ихтиёр қилинган Нўъмоннинг мазҳаби фақиҳларидан яхши таниқлилари ҳақида ёзишмалар). Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий (1519–1582) тўплами. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, асосий қисм 22 катибадан иборат. Унда 544 нафар ҳанафий фақиҳлари таржимаи ҳоллари, асарлари ҳақида маълумотлар, чиқарган айрим фатволари тўғрисида сўз юритилади. “Катоибул аъломил ахёр”нинг 40 га яқин қўлёзмалари дунё қўлёзма фондларида мавжуд бўлса-да, ҳануз нашр этилмаган.

6) **“Табақотус санийя фий тарожимил ҳанафия”** (Ҳанафийларнинг таржимаи ҳолларида ҳашаматли табақот). Тақийуддин ибн Абдулқодир Тамимий (1544–1601) китоби. X/XVI асргача бўлган ҳанафий олимлари табақотига оид энг йирик асарлардан бири. Асар тўрт жилд қилиб 1983–1989 йилларда Риёзда нашр этилган.

7) **“Тожут тарожим”** (Таржимаи ҳоллар тожи). Қосим ибн Қутлубғо (1399–1474) асари. Кичик ҳажмли бўлиб, унда кунялари билан шуҳрат қозонган фақиҳлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Лейпцигда 1862 йили, 1962 йили Бағдодда нашр этилган.

8) **“Табақотул фуқаҳо ал-ҳанафия”** (Ҳанафий фақиҳлар табақалари). Шамсиддин Аҳмад ибн Сулаймон ибн Камолпошшо (ваф. 940/1534) асари. Асарнинг қўлёзма нусхалари дунё қўлёзма фондларида сақланади, лекин нашр этилмаган.

9) **“Ал-Ғурафул алийя фий тарожим мутааххирил ҳанафия”** (Кейинги давр ҳанафийлари таржимаи ҳолларида олий дарчалар). Ибн Тулун куняси билан танилган Шамсиддин Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад ибн Тулун Димашқий Солиҳий Ҳанафий (1475–1546) асари. Китоб нашр қилинмаган.

10) **“Шақоиқун нўъмония фий уламои давлатил Усмония”** (Усмонийлар давлати уламолари ҳақида). Абул Хайр Исомиддин Аҳмад ибн Муслиҳиддин Мустафо Тошкўпризода (1495–1561) асари. Уч жуз бўлган ушбу асарда усмо-

нийлар (1281–1924) давлати ҳудудида муаллиф давригача яшаган уламолар ҳақида сўз юритилган бўлиб, асосан, ҳанафий олимларининг таржимаи ҳоллари берилгани билан аҳамиятли. Асар Истанбулда бир неча марта нашр этилган.

11) **“Табақотул ҳанафия”** (Ҳанафийлар табақалари). Қинолизода ва Ибн Ҳиноли номлари билан танилган Али Афанди ибн Исрофил (Амруллоҳ) ибн Абдулқодир Ҳумайдий Румий (1512–1571) асари. Мазкур асар Тошкўпризодага нисбат қилиниб, Мўсулда 1954 ва 1961 йилларда нашр этилган.

12) **“Ал-Асморул жания фий асмоил ҳанафия”** (Ҳанафийларнинг исмларида сархил мевалар). Али Қорий (ваф. 1014/1605) китоби бўлиб, 1913 ҳижрий йили Ҳайдарободда, охирги марта 2002 йили нашр этилган. Мазкур асар “Ал-Жавоҳир ал-музиъа” ва бошқа табақот жанридаги манбалардан фойдаланиб тузилган. Унинг учдан бир қисми Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фаолиятига ажратилган. Унда 940 нафарга яқин ҳанафий олимлари ҳақидаги маълумотлар қамраб олинган. Асарнинг муҳим жиҳатларидан бири, унда 55 нафар фақиҳа аёл олималар тўғрисидаги маълумотлардир.

13) **“Табақотул ҳанафия”** (Ҳанафийлар табақалари). Сўлакзода (Сўлоқзода) номи билан танилган Халил ибн Муҳаммад Румий (ваф. 1095/1684) асари. Туркияда Валиюддин афанди кутубхонасида бир қўлёзма нусхаси сақланади.

14) **“Маҳоммул фуқаҳо фий табақотил ҳанафия”** (Ҳанафийлар табақаларида фақиҳларнинг муҳимлари). Муҳаммад (Маҳмуд) Комий ибн Иброҳим ибн Аҳмад Адирнавий (1649–1723) асари. Қарийб 70 варақли ушбу рисолада фақиҳлар исми алифбо тартибида жойлаштирилган. Бир қўлёзма нусхаси Тунисда Аҳмадия кутубхонасида сақланса-да, лекин ҳозиргача нашр этилмаган.

15) **“Ал-Фавоидул баҳийя фий тарожимил ҳанафия”** (Ҳанафийларнинг таржимаи ҳолларида қимматбаҳо фойдалар). Абдулҳай ибн Абдулҳалим Лакнавий (1847–1886) қаламига мансуб. Унда 524 нафар машҳур ҳанафий олимлари ҳақида сўз юритилади. Асарнинг муҳим томонларидан бири унда иккита илова берилган бўлиб, уларда ноаниқ

нисба, куня ва лақаблар ҳамда бу борадаги ҳар хил фойдали маълумотлар келтирилган. Асарга муаллиф “Таълиқотус санийя” (Мақтовли қўшимчалар) номли ҳошия ҳам битган. Унда ҳанафий олимлари билан бир қаторда, бошқа мазҳаб олимлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Асар бир неча марта нашр этилган.

АБУ ҲАНИФА ЖАВОБИНИ АЙТМАГАН МАСАЛАЛАР

Тадқиқотчилар ҳанафийлик мазҳабининг шўро-маслаҳат билан тузилганлигини эътироф қиладилар. Абу Ҳанифа даврасида шогирдлар ҳар бир масалани ойлаб муҳокама қилишар, кейингина ёзиб қўйишар эди. У бир куни Абу Юсуфга бундай деган: “Эй, Яъқуб! Мендан эшитган ҳар бир нарсани ёзиб олаверма! Мен бугун бирор фикр билдирсам, эртага уни тарк қилишим мумкин. Абу Ҳанифа ўзининг билими ўткирлиги, фиқҳдаги маҳорати билан бирга, баъзи масалалар ечимини беришдан ўзини тийган. Бу унинг ниҳоятда тақводорлигини, фатво беришда ўта эҳтиётқорлигини билдиради. Масалаларнинг жавоби эса кейинчалик унинг шогирдлари томонидан берилган, албатта. Бундан ҳар бир фақиҳ фатво беришга журъат қилавермаслиги, берилган саволга асло таваккалига жавоб бериб бўлмаслиги англашилади. Манбаларда Абу Ҳанифа жавоб бермаган масалаларни унинг “таваққуф қилган” масалалари сифатида зикр қилинган.

Абу Ҳанифа жавобида таваққуф қилган масалалар қуйидагилар[318]:

1) “Даҳр” (узоқ муддат) сўзининг маъноси. Абу Юсуф ва Муҳаммад: Агар “даҳр” сўзи “накра” (ноаниқ) бўлса, яъни “ал (аниқлик)” артиклисиз келса, олти ой муддатни, “ал (аниқлик)” артикли билан “маърифа” (аниқ) бўлиб келса, абадийликни билдиради, деганлар;

2) фақат ахлат ва нажосат ейдиган, аммо гўшти ҳалол ҳайвоннинг ҳукми. Ҳанафий мазҳаби бўйича бу масала ўша ҳайвонни уч (товуқ), етти (қўй, қўчқор, эчки) ва ўн кун (мол ва

[318] Шамсиддин Қўҳистоний. Жомиур румуз. II жилд. – Қозон, 1902. – Б. 707.; Ибн Обидин. Раддул муҳтор. V жилд. – Истанбул: “Омира”, 1307. – Б. 608.

туя) давомида боғлаб, ҳалол нарса билан боқиш кераклиги ва шу билан покиза ҳалол бўлиши ила ҳал қилинган;

3) ит қандай вақтда овга ўргатилган ҳисобланиши ва унинг ови қачон ҳалол бўлиши. Бу масала ит овлаган нарсасини кетма-кет уч карра ўзи емасдан эгасига олиб келиши билан белгиланиб, ҳал этилган;

4) хатна қилиш вақти. Боланинг тоқати етган пайт ёки беш, етти, ўн ва ўн икки ёшлари, деб белгиланган;

5) икки жинсий аъзосидан ҳам бавл қиладиган хунасаи мушкул (гермофродит) ҳукми. Абу Юсуф ва Муҳаммад аксари эътиборга олинади, деган;

6) эшак ичган сувнинг поклиги ҳукми. У "машкук", яъни шак-шубҳа қилинган сув, деб олинган: ундан бошқа сув бўлмаса, аввал таҳорат, кейин эса таяммум қилиниб, намоз ўқишга рухсат берилган;

7) фаришталар билан пайғамбарлардан қай бири афзал? Кейинчалик Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг калом илмига асосланган Мотуридия мутакаллимлари томонидан башариятнинг хослари фаришталардан афзал эканининг муқаррарлиги қайд этилган;

8) мушрикларнинг гўдаклари вафот қилса, жаннатий ёки дўзахий бўлиши масаласи. Муҳаммад Шайбоний: "Аллоҳ бандани гуноҳсиз азобламайди", деган;

9) масжид деворларига нақш солиш мумкинми? Бунга "Агар бирор шахс ўз пулидан ишлатадиган бўлса ёки бузилган деворни ислоҳ қилиш учун бўлса, жоиз" деб жавоб берилган;

10) жинни одамнинг ибодат қилиши лозим эмас. Агар у шу ҳолатида ибодат қилса, унга савоб ёзиладими? Кейинги давр уламолари "унга савоб берилади", деганлар.

МУЖТАҲИДНИНГ ЎЗ СЎЗИДАН ҚАЙТГАНИ

Ҳар бир мужтаҳид бирор далилга суяниб фатво берганидан сўнг, ўша фатвосини бошқа кучли далил чиқиб қолгани боис биринчи фатвони ўзгартириши мумкин. Жумладан, шофиъий мазҳабининг асосчиси Муҳаммад ибн Идрис Шо-

фиъий (767–820) ўзининг бутунбошли мазҳаб қарашларини ўзгартиргани маълум. Шунинг учун унинг мазҳаби “қадим” ва “жадид”га бўлиб ўрганилади. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг илмдаги тақвосининг ҳам буюклиги шундаки, у баъзи масалаларга фатво берганидан сўнг далилларнинг кучлилиги ёки халққа манфаати кўплиги боис ўша фатвосидан қайтган жиҳатлар ҳам бор. Абу Ҳанифа умри тугашига уч ёки етти кун қолганида, баъзи фатволаридан қайтиб, шогирдлари фатвосига қўшилган. Улардан қуйидагилар манбаларда эслаб ўтилган:

От гўштининг ҳалол-ҳаромлиги борасидаги ҳукм. Аввалига Абу Ҳанифа от гўштини макруҳи таҳримий ёки ҳаром, деган. Айтишларича, умрининг тугашига уч кун қолганида ўша фикридан қайтиб, шогирдлари Муҳаммад Шайбоний ва Абу Юсуф қарашларини, яъни ҳалол эканини тўғри деб баҳолаган (“Мажмаул анҳур”, “Дуррул мухтор”, “Маслакул муттақин”).

Агар бирор ишнинг содир бўлишига боғлаб назр қилса, ўша иш содир бўлганидан сўнг ўша назрига амал қилиши лозим. Бу Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фиққий қараши. Имомайн эса ихтиёрли дейишган: хоҳласа, ўша назрини амалга оширади ёки қасамига каффорат беради. Абу Ҳанифа ҳам ихтиёрли бўлишига қўшилган (“Мабсутус Сарахсий”, “Фатҳул қадир”, “Баҳрур роиқ”, “Ал-Ашбоҳ ван назоир”).

Гуноҳ ишни қилишга қасам ичса ёки назр қилса, Абу Ҳанифа наздида қасами қасам ва назри назр бўлмайди. Бироқ Абу Ҳанифа умридан етти кун қолганида, гуноҳ ишни қилмайди, балки унга каффорат лозим бўлади, деган гапга қўшилган (“Фатҳул қадир”).

Абу Ҳанифа жавроб (пайпоқ) фақат теридан бўлса ёки унга теридан наъл қопланган бўлсагина масҳ тортиш мумкин, деган. Имомайн эса қалин, сув ўтказмайдиган, ўзи мустақил тура оладиган жавробга масҳ тортиш мумкин, деганлар. Абу Ҳанифа умридан уч ёки етти кун қолганида, шогирдлари гапига қўшилган (“Жавҳаратун найййра”).

Агар валий (ота-она ва қариндошлари) розилигисиз қиз бола маҳр олмасдан ёки озгина маҳрга кўниб, турмуш қуриб кетса, валийлари унинг маҳрини талаб қилиши ёки келин-куёв орасини ажратиши мумкин. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фиқҳий қараши шундай бўлган. Имомайн эса маҳр валийнинг эмас, балки қизнинг ҳақи бўлгани боис келин-куёв орасини ажрата олмайди, деган қарашда бўлганлар. Абу Ҳанифа умридан етти кун қолганда, шогирдлари гапига қўшилган *(“Табйинул ҳақоиқ”, “Фатҳул қадир”)*.

Набийзут-тамр (Хурмо шарбати)дан бошқа сув бўлмаса, ҳадиси шарифда келгани боис, Абу Ҳанифа наздида унга таҳорат қилиш мумкин. Абу Юсуф унга таҳорат қилмайди, балки таяммум қилади, деган. Муҳаммад Шайбоний эса аввал таҳорат қилади, сўнг эҳтиёт юзасидан таяммум қилади, деб фатво берган. Абу Ҳанифа вафотидан олдин Абу Юсуф қарашининг тўғрилигига қўшилган *(“Мажмаул анҳур”)*.

Шунингдек, Муҳаммад Шайбоний ҳам умрининг охирида ўз фатвосидан қайтиб, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг бир гапига қўшилган. Гап шундаки, ҳанафийлик мазҳабида балоғатга етган қиз валийсидан сўраб ўтирмасдан, турмуш қуришга ихтиёри бор. Бошқа мазҳабларда валий бўлиши никоҳнинг шартларидан бири, деб қаралган. Шайбоний ҳам валийни никоҳнинг шартларидан бири сифатида қараган. “Жавҳаратун найййра”да келишича, кейинчалик Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг қараши кучли далилларга асосланган сабабли унинг фатвосига қўшилган.

ИМОМ ЗУФАРНИНГ ФАТВО БЕРИЛГАН ЙИГИРМАТА МАСАЛАСИ

Ҳанафий мазҳабида қиёс бўйича энг моҳир, таниқли аллома имом Зуфарнинг қавл (фиқҳий қараш)ларидан бир нечтасига тахриж ва таржиҳ уламолари фатво берганлар. Бу масалаларнинг сонини еттита, тўққизта, ўн бешта, ўн еттита ва йигирмата деб ҳар хил зикр қилинган. Уларни тадқиқотчилар қуйидагича баён қилганлар[319]:

[319] Мустафо Болийзода. Ал-Фароид шарҳ “Канзуд дақоиқ”. ЎзР ФА ШИ-1, № 7891. – В. 329[б]–330[а].; Ибн Обидин. Раддул муҳтор. V жилд. – Байрут: “Дорул кутубил илмия”, 2003. – Б. 330–332.

1) эри ғойиб бўлган хотиннинг эридан нафақа олаётган ёки олмаётгани борасидаги гапини қози инобатга олади ва эрига нафақа тўлашни буюради, хотин эри номидан қарз олиб яшайди;

2) туришга қодир бўлмаган одам намозини одатда ташаҳҳудда ўтирган каби ўтириб ўқийди;

3) нафл намоз ўқувчи ўтириб намоз ўқишни хоҳласа, ташаҳҳудда ўтирган каби ўтириб ўқийди;

4) подшоҳ олдигача ҳаракат қилиб чиқиб келган кимса бирор нарса борасида ўзи зомин бўлади;

5) хусумат вақтида вакил бирор нарсани олишга қурби етмайди, олиш учун алоҳида ваколатнома керак бўлади;

6) харидор уйнинг саҳнини кўриши инобатга ўтмайди, уйнинг ичкариларини кўрган бўлиши керак;

7) харидор кийимнинг ташини кўриши инобатга ўтмайди, астарини ҳам кўрган бўлиши керак;

8) кафил бўлган одам кафолатни қозихонада топширишни шарт қилган бўлса, фақат ўша жойдагина топшира олади, бошқа жойда топширмайди;

9) сотиб олинган нарса (мабиъ) айбли чиқса, олувчи уни нуқсонли ҳолда сотиб олганини очиқ далиллар билан баён этиши керак;

10) шафеъ (ҳақдор, имтиёзга эга қўшни) сотилаётган кўчмас мулкни ўзи олишига гувоҳ келтирганидан сўнг олишни бир ой кечиктириши савдони ботил қилади;

11) товон тўловчи одам нарсани эскисининг ўрнига янгиси билан тўласа, қабул этишга мажбур қилинмайди;

12) нарса топиб олган кимса, эгасига топшириш вақтигача унга бирор нарса сарф қилса, кейин топшириш арафасида ўша нарса ҳалокатга учраса, сарфлагани соқит бўлади (бекорга кетган бўлади);

13) ким хотинига: “Сен иккининг ичида бир талоқсан” деса ва шу гапи билан зарбни – кўпайтиришни ирода қилган бўлса, икки талоқ юзага келади;

14) биров қулига: “Агар ўлсам ёки ўлдирилсам, сен озодсан” деса, қул “мудаббар”га айланади;

15) муайян вақтни ошкора айтмасдан, фақат ният қилиб, “муваққат никоҳ” қилинса, дуруст бўлади;

16) дирҳам ва динорларни вақф қилиш мумкин;

17) қоп-қоронғи кечада ўз уйида ўзининг хотини деб ўйлаб, билмасдан бошқага яқинлик қилиб қўйса, ҳад (дарра) урилмайди. Агар кундузи шундай ҳолат юз берса, унга ҳад урилади;

18) бирор кимсага ҳеч нарса бермасликка қасам ичган одам унинг маъмурига бир нарса берса, қасами бузилмайди;

19) таҳорат қилиб юрса, вақт чиқиб кетишидан қўрққан кимсага таяммум қилиб намоз ўқиши жоиз;

20) зарурат вақтида уй ҳайвонларининг тезаги тозалигига ҳукм қилинади.

Имом Зуфарнинг фиқҳий қарашларига фатво берилган масалаларни Аҳмад Ҳамавий Ҳанафий (ваф. 1098/1687) ўз манзумасида ўн бешта эканини баён қилган. Улар қаторига мана бу учта масала ҳам киритилган: ерга даъволик қилувчи унинг тўрт тараф чегараларини очиқ баён қилмоғи даркор; эшитувга асосланган нарсада кўр одамнинг гувоҳлиги қабул этилади; мол-мулкнинг учдан бири васият қилинса-ю, унинг учдан икки қисми ҳалокатга учраса, қолган учдан бири ўзига қолаверади. Лекин мазкур манзумага шарҳ ёзган Абдулғани Нобилисий (1640–1731) зикр қилинган учта масалада мазҳаб уламолари уч нафар имомнинг (Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад) қарашларини инобатга олганларини қайд қилган. Мустафо Болийзода (ваф. 1069/1658) эса Имом Зуфар гапига фатво берилган масалалар тўққизта эканини айтиб, улар қаторига Макка фақирларига назр қилган кимса, назрини фақат маккалик фақирларга сарфлай олади, деган масалани ҳам қўшган. Имом Зуфарнинг ҳанафий мазҳабида қабул қилинган ва қабул қилинмаган масалаларига бағишлаб Абдуллатиф ибн Абдурраҳмон Иҳсоий (1853–1920) бир китоб ёзган ва у нашр этилган[320].

[320] Абдуллатиф ибн Абдурраҳмон. Василатуз зафар фил масоил аллатий йуфта фиҳв би қавли Зуфар. – Байрут: “Дору Хизр”, 2001. – 151 б.

ҚИЁС МАСАЛАЛАРИ

Ҳанафий мазҳабида қиёсга катта эътибор берилган. Қиёс эса икки хил бўлади. Равшан қиёс ва махфий қиёс. Равшан қиёсни оддий қилиб “қиёс”, махфийсини эса “истеҳсон” атамаси билан номлашган. Бурҳониддин Марғиноний “Мухторотун навозил” (Бошга тушган нарсаларнинг ихтиёр қилинганлари) асарида истеҳсонни “одамлар учун ишларнинг осони ва яхшисини талаб этиш” деб изоҳлаган. Ушбу атаманинг истилоҳдаги маъносини қуйидагича ифодалаган: “У икки қиёснинг бири, фақат далил аниқ-равшан ва таъсири заиф бўлса, “қиёс” дейилади. Агар [далил] махфий-яширин бўлса ва таъсири кучли бўлса, “истеҳсон” дейилади. Икковидаги таржиҳ таъсирга қараб бўлади, махфийлик ва очиқликка қараб эмас... Баъзи ўринларда қиёснинг таъсири кучли бўлади, шунда у олинади. Гоҳида истеҳсон таъсири кучли бўлади, шунда унга таржиҳ қилинади”[321]. Мазҳаб аҳли, одатда, амалиётда таъсири кучли бўлгани учун кўпроқ махфий қиёсга – истеҳсонга фатво беришган. Бироқ бир қанча масалаларда истеҳсонни қўйиб ҳақиқий қиёсга фатво берганлар. Шунинг учун ҳамма вақт ҳам истеҳсон олинмайди, истеҳсон олинмаган ўринлар эса жуда озчиликни ташкил қилади. Уларнинг сонини ҳанафий муфассири, мутакаллими ва фақиҳи Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) йигирма иккита эканини зикр қилган[322]. Истеҳсон ва қиёснинг қайси бири олиниши уларнинг далиллари кучлилиги, мантиқий жиҳатдан пухталиги, инсоний ҳуқуққа кўпроқ мақбуллиги билан белгиланади.

1. Агар намозда суранинг ўртасида келадиган сажда оятини қироат қилса, сажда қилмасдан, сажда нияти билан руку қилса, қиёсга кўра жоиз, истеҳсонга кўра жоиз эмас. Бу ерда қиёс олинган.

[321] Бурҳониддин Марғиноний. Мухторот ан-навозил. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 5748. – В. 102[а].

[322] Абу Ҳафс Насафий. Матлаун нужум ва мажмаул улум. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 1462. – В. 177[а]–177[б]. Мазкур манбани кўриб, ундан ушбу маълумотларни олишда ёрдам берган ЎзР ФА ШИ илмий ходими С.Муҳаммадаминовга миннатдорчилик билдирамиз.

2. Агар биров хотинига: “Туғсанг, талоқсан” деганида, хотин: “Мен туғдим” деса ва эр эса буни инкор қилса, қиёсга кўра эрнинг гапи тасдиқ қилинмайди, истеҳсонга кўра тасдиқ қилинади. Бу ерда ҳам қиёсга фатво берилади.

3. Икки шерик сотиб олган ҳовлилари устида низолашиб қолдилар. Ҳар қайсиси бир йилдан ўша ҳовлида яшашга келишиб олишди. Бирови ҳовлини гаровга қўйди. Гаровни топширишда, қиёсга кўра гаровни топширганга эмас, икковига топширилади. Истеҳсонда эса гаровга қўйган кимсага топширса бўлади. Бу ерда ҳам қиёс олинади.

4. Матони ўлчашда сотувчи билан олувчи ўртасида ихтилоф чиқди. Икковининг ҳам ҳужжати йўқ эди. Қиёсга кўра, бу ерда сотувчининг гапи гап бўлади. Истеҳсонга кўра, олувчининг гапи ўтиши керак. Фатво эса истеҳсонга эмас, қиёсга берилган. Муҳаммад Шайбонийнинг “Ал-Жомеъ ал-кабир” асарида шундай дейилган.

5. Зино устида тутилган кимсанинг уйланмагани тўғрисида тўртта гувоҳ чиқди, уни уйланган деб иккита гувоҳ пайдо бўлди. Қози уни уйланган деб топиб, тошбўрон қилишга ҳукм қилди. Кейин маълум бўлдики, ўша икки гувоҳ қул экан. Тошбўрон қилинган кимса ўлмасдан қолган, қаттиқ жароҳат олган. Қиёсга кўра, йигитнинг уйланмагани аниқ бўлгани боис уни яна юз дарра урилади, истеҳсонга кўра урилмайди. Бу ўринда ҳам қиёс олинади, бу “Ал-Жомеъ ал-кабир”да айтилган.

6. Тўрт нафар кимса бировнинг зино қилганига гувоҳлик бердилар. Қози уни юз дарра уришга ҳукм қилди. Ҳали юз дарра тўла уриб бўлинмасдан икки кимса унинг уйланганига гувоҳлик бериб қолди. Муҳаммад Шайбоний ва Абу Юсуф кўрсатган қиёсга кўра, уни тошбўрон қилинади, истеҳсонга кўра, тошбўрон этилмайди. Бу ерда ҳам қиёс олинади.

7. Абу Юсуфнинг гапига қараганда, маҳри мисл (урфдаги маҳр)ни гаровга қўйса бўлади. Мутъа маҳри (фақат бош-оёқ сарподан иборат маҳр)ни гаровга қўйиб бўлмайди. Муҳаммад Шайбоний эса, истеҳсонга кўра, мутъа маҳрини гаровга қўйса бўлади, деган. Бу ерда қиёс олинади, яъни Абу Юсуфнинг гапига фатво берилади.

8. “Аз-Зиёдот”да келганки, бир кишининг ўғлининг чўриси туғди ёки ўғли ўз никоҳига олиб, ундан бола кўрди. Ота ўғлининг ушбу умму валади (чўриси)ни сотиб юборди. Қиёсга кўра пул отага тегади, истеҳсонга кўра, пул ўғилники бўлади. Бу ерда қиёс олинади.

9. Биров чўрисини кўрсатиб: “Бу менинг қизим” ёки қулини кўрсатиб: “Бу менинг ўғлим” деса, шу гапни айтиши биланоқ чўри ёки қул озод бўлиб кетади. Бу қиёсга кўрадир, истеҳсонга кўра озод бўлмайди. Шу ҳолатда истеҳсон эмас, қиёс олинади.

10. Яна “Аз-Зиёдот”да келишича, бир киши йўлга чуқур қазиди, устини ёпиб қўймади ёки белги қўймади. Биров келиб унга йиқилди. У йиқилаётиб, бировни тортди, у эса бошқасини тортди. Хуллас, ҳаммаси бир-бировининг устига тушиб ҳалок бўлдилар. Чуқурни қазиган кимса биринчи йиқилганнинг дияти (хун пули)ни тўлайди. Биринчи йиқилган ўз навбатида тортгани учун иккинчи йиқилганнинг, иккинчиси учинчисининг хун пулини тўлайдилар. Хун пулини тўлаш қариндошларига лозим бўлади, албатта. Бу қиёсга кўрадир, истеҳсонга кўра эса ҳеч нарса тўланмайди. Бу ерда ҳам қиёсга кўра фатво берилади.

11. Биров йўлга чуқур қазиганда, бошқа биров унга келиб йиқилса, у йиқилаётиб, бировни тортса, у эса бошқасини тортса, хуллас, ҳаммаси бир-бировининг устига тушиб ҳалок бўлган суратда биринчининг дияти (хун пули) учга бўлинади. Биринчи бўлакни қазиган тўлайди, иккинчи бўлакни ўртадаги (иккинчи) тортган тўлайди. Учинчи бўлак бекор. Иккинчининг дияти иккига тақсимланиб, бир қисмини биринчи тўлайди, қолган қисми бекор. Учинчининг диятининг ҳаммаси иккинчига бўлади. Абул Ҳасан Кархий (873–952), Абу Бакр Розий (918–980), Абу Абдуллоҳ Жузжоний (ваф. 398/1007) шундай деганлар. Бу Муҳаммад Шайбонийнинг қиёсига кўра чиқарилган фатводир.

12. Хориждан келган кимса хусумат ишини ҳал қилиш учун бировни вакил қилди, сўнг ўзи дорул ҳарбга – ўз юртига кетиб қолди. Вакили мусулмонлар юртида қолди. Вакил

қилувчи жавобгар шахс саналарди, шунинг учун қиёсга кўра, ваколат ботил бўлади, вакил жавоб бермайди. Истеҳсонга кўра, ваколат тугатилган деб ҳисобланмайди, вакил жавоб бераверади. Бу ерда қиёс олинади. Вакил қилувчи даъвогар шахс ҳисобланса, қиёсга кўра ҳам ваколат ботил бўлмайди.

13. Бир кимса бировга кийим ҳиба (совға) қилди. У эса эвазига шу заҳоти бирор дирҳам (нарса) берса, истеҳсонга кўра, жоиз эмас. Чунки совға холис бўлиши керак. Агар икки ақд билан (яъни, орадан бир оз вақт ўтиб ва бошқа ўринда) бирор нарса берса, истеҳсонга кўра жоиз. Бу ерда қиёс олиниб, икки ҳолатда ҳам совғалар олди-бердиси жоиз ҳисобланади.

14. Қул баҳосининг ярмини биров тўлаб, қолган ярмини қулнинг ўзи тўлаган савдо, қиёсга кўра, дуруст эмас. Истеҳсонга кўра эса дуруст. Чунки қул хизмат қилиб, ишлаб топиб пулини бериши мумкин. Бу ерда қиёс олинади. Сабаби, қулни сотиб олган кимса, қулни ишлатмаслиги ҳам мумкин, кейинчалик тўла ўзи сотиб олишни кўзлаётган бўлиши ҳам мумкин.

15. Мукотаб қул (ишлаб пул топиб, озод қилинишига шартлашилган қул) унда қарзи бор хўжасининг нарсасини ўғирлади. Сўнг мукотаб қарзини тўлашга ожиз бўлиб қолди. Шунда хўжайини ундан қарзини талаб қилса, қарзи учун қул сотилади. Сўнг ўғрилиги учун, қиёсга кўра, қўли кесилади. Сабаби, у бошқа бировнинг қулига айланди. Истеҳсонда бу масала кўриб чиқилмаган. Бу ерда ҳам қиёсга фатво берилган.

16. Биров гўдак қулни ўғирласа, Абу Ҳанифа ва Муҳаммад Шайбоний, қиёсга кўра, ўғрининг қўли кесилади, деганлар. Чунки гўдак бўлса-да, у бировнинг мулки ҳисобланади. Абу Юсуф, истеҳсонга кўра, ўғрининг қўли кесилмайди, дейди.

17. Боғдаги мева сотиб олинса, ҳосилнинг ҳажми жуда катта бўлиб, териб олиб кетиш вақти шарт қилинмаса, Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфнинг қиёсига кўра жоиз эмас. Чунки боғни бировнинг эгаллаб ўтираверишига эгасига мақбул бўлмайди. Муҳаммад Шайбоний, истеҳсонга кўра, жоиз бўлишини айтган. Фатво бу ерда ҳам қиёсга қараб чиқарилади.

18. Савдода бировга вакил бўлган кимса унинг кўрсатмасисиз баҳони пасайтирса ёки ибро қилса (кечиб юборса) ёхуд рози бўлса, кечиктирса, иқола қилса (савдони бузса), бошқа бировга ҳавола қилса, дуруст бўлади ва қиёсга кўра вакил қилувчи зомин (товонини тўловчи) бўлади. Бу Абу Ҳанифа ва Муҳаммад Шайбоний фатвосига кўрадир. Абу Юсуф истеҳсонга кўра дуруст эмас, деган. Фатво берувчи бу ерда қиёсга кўра фатво беради.

19. Бир инсон омма йўлига чуқур қазиб қўйди, сўнг бошқа инсон келиб ўшани янада чуқурроқ қазиди. Биров унга келиб йиқилиб ҳалок бўлди. Қиёсга кўра, чуқурни биринчи қазиган кимса дият (хун пули) тўлайди. Истеҳсонга кўра эса иккала қазувчи зомин (товонини тўловчи) бўлади. Бу ерда ҳам истеҳсонга эмас, қиёсга амал қилинади.

20. Ҳовли савдосига вакил қилинган кимса ҳовлини ижарага олган кишидан сотиб олди. Кейинчалик харидор ижарага берувчини мазкур ҳовлини олишдан тўсди. Шундай қилиб, орадан бир қанча вақт ўтди, вакил ҳовлини сотиб олиш фикрдан қайтди. Ижаранинг ҳақини вакил тўлаши лозим. У ҳақни вакил қилувчидан ундириб олади. Бу қиёсга кўрадир, фатво шунга берилган.

21. Мевани маълум миқдордаги чақа пуллар эвазига сотиб олиши қиёсга кўра, жоиздир. Абу Юсуф шундай деган. Муҳаммад Шайбоний эса истеҳсонга кўра, жоиз эмас, деган. Чунки катта, майда пуллар кўп ҳолларда истеъмол қилинмайди. Бу ҳолда қиёсга амал қилинади.

22. “Ал-Жомеъ ал-кабир”да келишича, биров ҳур ёки чўрилиги билинмаган аёлга уйланди. Ундан бир неча фарзандлар ҳам кўрди. Кейинчалик аёл бировга ўзининг чўри эканини айтди, уни ўша кимса ҳам тасдиқлади. Лекин эр буни инкор қилди. Эр уни шу вақтгача ражъий (қайтиш мумкин бўлган) талоқ қилган эди. Қиёсга кўра эри унинг чўри эканини хоҳ билган, хоҳ билмаган ҳолатда аёл уч ҳайз кўргунча эр гапидан қайтиши мумкин бўлади. “Аз-Зиёдот”да аёлнинг чўри эканини билса, эр аёлининг икки ҳайзигача гапидан қайтиши мумкин, билмаган ҳолатда эса уч ҳайзгача

қайтиш мумкин бўлади, дейилган. Истеҳсонга кўра эрнинг билиш-билмаслиги орасидаги нозик фарқни ажратилган. Лекин фақиҳлар истеҳсонга эмас, қиёсга фатво берганлар.

ФИҚҲИЙ ҚОИДАЛАР

Ҳар бир мазҳабнинг ўзига хос фиқҳий қоидалари бўлади. Фиқҳий қоидалар лафзларининг қисқалиги, лўнда ва қатъий иборалари, ихчамлиги, тугал маънога эгалиги билан ажралиб туради. Улар сажъ вазнида мақол ва маталлар каби тузилади. Улар битта ёки бир неча фаръий масалаларни ўзида қамраб олади. Баъзи қоидалар барча мазҳабларда умумий қоида сифатида эътироф қилинади. Демак, мазҳаб доирасидаги ва умумфиқҳий қоидаларни истинбот этиш; уларни таҳлил ва тадқиқ қилиш ҳамда улар орқали фаръий масалалар ишлаб чиқиш ёки кўрсатиб беришга бағишланган фуруул фиқҳнинг бир соҳаси ***«фиқҳий қоидалар илми»*** ҳисобланади. Улар умумий ном остида ***“қавоиди фиқҳия”*** ё ***“қавоиди куллия”*** ёки ***«куллиёти фиқҳия»*** ёхуд ***«усули куллия»*** деб номланади. Усулчи олимлар айрим ҳолларда фиқҳий қоидаларга нисбатан ***«қиёс»*** сўзини ҳам қўллайдилар. Уни умумий маънода ***«фиқҳий тамойиллар»*** деб ҳам аташ мумкин.

Манбаларда фиқҳий қоидалар фиқҳ илмининг руҳи, дейилган. Фиқҳий қоидаларни ёдлаб, тушунган одам фиқҳий ҳукмларни тамоман ёдлаган ва тушунган бўлиб чиқади. Ислом шариатидан керагича воқиф бўлади, ҳатто *ижтиҳод* ва *истинбот* қилиш малакасидан насиба олади. Мазкур фиқҳий қоидаларни билган, фаҳмлаган кимса маҳкамаларда ҳукм қиладиган, минбарларда фатво берадиган бўлса, басиратли олимга айланади. Зоҳирда бир-бирига қарама-қарши бўлган масалалар кўндаланг бўлганда, ҳайратда қолмайди. Фиқҳ илмини муфассал ўрганиш учун бутун умрини сарфлашга ҳожат қолмайди. Фиқҳий қоидаларни чуқур ўзлаштирган кимса шариатнинг инсон ҳаётидаги ўрни нақадар зарурий эканини билади. Бир сўз билан айтганда, фиқҳий қоидаларни ўзлаштирган одам ҳақиқатда «фақиҳ» номига сазовор бўлади!

Ҳанафий фиққидаги қоидалар ҳақида кўплаб китоблар битилган[323]. Ҳанафий мазҳабида илк фиққий қоидалар Муҳаммад Шайбоний (раҳимаҳуллоҳ) ва Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ)нинг китобларида тарқоқ ҳолда учрайди. Улардан 17 тасини биринчи марта X асрнинг таниқли ҳанафий олими Абу Тоҳир Даббос (раҳимаҳуллоҳ) ишлаб чиққан. Унинг замондоши Абул Ҳасан Кархий (раҳимаҳуллоҳ) эса мазкур қоидаларни кўпайтириб 37 ёки 39 тага етказган. Кейинчалик, XVI асрда Ибн Нужайм Мисрий (раҳимаҳуллоҳ) ўзининг "Ал-Ашбоҳ ван назоир" («Назиралар ва ўхшашликлар») асарида 44 та қоидани зикр қилиб шарҳлаган. XVIII асрга келиб Абу Саид Муҳаммад Ходимий (раҳимаҳуллоҳ) "Мажомиул ҳақоиқ" («Ҳақиқатлар мажмуалари») асарида ҳанафий мазҳабидаги фиққий қоидаларни 154 та қоидада жамлашга ҳаракат қилган. Усмонийлар давлати (1281–1924) даврида 1869–1876 йиллар давомида уламолар ҳайъати томонидан яратилган қонунлар мажмуаси – "Мажаллатул аҳкомил адлия"да ҳанафийликдаги асосий 99 та фиққий қоида қайд этилган. Унинг ўнга яқин шарҳлари ҳам мавжуд. XIX аср охирида Шом муфтийси Маҳмуд ибн Ҳамза Ҳамзовий (раҳимаҳуллоҳ) ўзларининг "ал-Фароидил баҳийя фил қавоид вал фавоидил фиққийя" («фиққий фойдалар ва қоидалар борасида қимматбаҳо дурдоналар») номли асарларида 251 та фиққий қоидани тўплашга муваффақ бўлганлар. У фиққий мавзуларга бўлиб, тартиб берилган. Бу ҳанафий мазҳабидаги фиққий қоидаларни энг кўп тўплаган муҳим манба бўлиб, Дамашқда 1986 йилда нашр этилган. Туркий дунёни фиққий қоидалар билан XX аср бошида Мусо Жоруллоҳ (раҳимаҳуллоҳ) «Қавоиди фиққия» асари билан таништиришга ҳаракат қилган. Шу тариқа, ҳанафий фиққидаги қоидалар ҳақида кўплаб китоблар битилган.

[323] Зайниддин ибн Нужайм Ҳанафий. ал-Ашбоҳ ван-назоир маъа шарҳуҳу ал-Ҳамавий. – Ҳиндистон: "Мустафоий", 1283. – 448 б; Шайх Аҳмад ибн Шайх Муҳаммад Зарқо. Шарҳул қавоидил фиққийя. – Дамашқ: Дорул қалам, 2001. – 509 б; Абул Ҳасан Кархий. Рисолатун фил усул аллатий алайҳо мадору фуруил ҳанафия. – Миср: "Матбаатул адабия". – Б. 80–87.; Абу Саид Ходимий. Мажомиул ҳақоиқ. – Қозон, 1912. – 52 б.; Муҳаммад Амин Эҳсон Мужаддидий Баракатий. Қавоидул фиққ. – Байрут: "Дорун нашр". – Б. 47-143; Маҳмуд Афанди Ҳамзовий. Ан-Нурул ломеъ фий усулил Жомеъ. – Дамашқ: "Маориф", 1303. – 20 б; Мусо Жоруллоҳ. Қавоиди фиққийя. – Қозон: "Ўрнак", 1910. – 232 б.

“Мажаллатул аҳкомил адлия”да ҳанафийликдаги асосий 99 та фиқҳий қоида зикр қилинган бўлиб, улардан айримлари маъно жиҳатдан такрор бўлса-да, алоҳида-алоҳида олиб қаралганда, бир-биридан фарқлари борлиги маълум бўлади. Уларни айрим мисоллар ва изоҳлар билан келтирилади:

الأمور بمقاصدها

1. **«Ишлар мақсадларига боғликдир!»**

Мисоллар: 1) бир кимса тарнов тагига сув тўплаш учун челак қўйган. Агар уни бошқа жойга олиб бориб тўкиш ёки ҳеч қандай сабабсиз қўйган бўлса, челакдаги сув уники ҳисобланмайди. Агар уни тўплаб, ўзи ёки ҳайвонлари ичиш мақсадида қўйган бўлса, челакдаги сув унинг мулки ҳисобланади; 2) бир кимса тўрни сувга ҳеч мақсадсиз ташлаб қўйган бўлса, унга илинган балиқ уники бўлмайди, агар уни балиқ овлаш учун ташлаб қўйган бўлса, илинган балиқ унинг мулки ҳисобланади; 3) йўқолган нарсани биров эгасига қайтариш учун топиб олса, бу мол унинг қўлида омонат ҳисобланади, агар уни ўзи ишлатиш мақсадида олса, у ғасб (босқинчилик) қилган бўлади.

العبرة في العقود للمقاصد والمعاني لا للألفاظ والمباني

2. **«Битимларда мақсадлар ва маънолар эътиборлидир, лафзлар ва ҳарфлар эмас!»**

Мисоллар: 1) бир одам бировга муайян нарсани сотиб олишни васият қилди. Модомики бу одам тирик экан, ушбу васият ваколат бўлиб ҳисобланади. Агар уни ўлганидан кейин сотиб олишга васият қилса, унда у ҳақиқатда васият бўлади; 2) агар нақд пулларни фойдаланиб туриш (орият)га олса, у қарз ҳисобланади; 3) бир одам бировга «Сенга ушбу ҳовлини муайян муддатга фойдаланишга бердим», деса, у ижара ҳисобланади.

اليقين لا يزول بالشكّ

3. **«Аниқ бор нарса шак-шубҳа билан йўқолмайди!»**

Мисоллар: 1) бировнинг бировда қарзи борлигини билган одам бу ҳақда гувоҳлик бериши мумкин, гарчи ўша биров қарзини тўлаганлик эҳтимоли бор бўлса ҳам; 2) бир киши бировда қарзи борлигини даъво қилиб, ҳужжат келтирди. У ҳам ушбу қарзни тўлаганлик ҳақида ҳужжат кўрсатди. Қарз борлиги ҳақидаги ҳужжат то қарз тўланганлик ҳақидаги ҳужжатнинг бошқалигини исбот қилмагунча қабул қилинмайди; 3) таҳорати бор кимса уни сингани борасида шубҳага борса, таҳорат синмаган, деб ҳукм қилинади.

الأصل بقاء ما كان على ما كان

4. **«Ўтган нарсанинг бўлиб ўтган ҳолида қолиши аслдир!»**

Мисоллар: 1) хотин эри нафақа бермаганлигини, эр эса нафақа берганини даъво қилди. Шунда аёлнинг гапи қасам билан қабул қилинади. Чунки нафақа зиммада қолган. Унинг қолмаганлигига қуруқ даъво эмас, далил-ҳужжат керак; 2) хотин идда ўтмаганини даъво қилди. Унинг гапи қасам билан эътиборга олинади ва унга идда нафақаси тайинланади. Чунки аслида идда боқийдир; 3) қарздор қарзини узганини, харидор пулини тўлаганини, ижарадор ижара пулини берганини даъво қилсалар, лекин буни қарз берувчи, сотувчи, ижарага қўювчи инкор қилса, қарз берувчи, сотувчи ва ижарага қўювчиларнинг гапи инобатга олинади. Чунки аслида қарз, нарх пули, ижара ҳақи зиммада турибди. Унинг берилганлигини далил-ҳужжат билан аниқ исботлаш керак бўлади.

القديم يترك على قِدمه

5. **«Қадимги нарса эскилигича ўз ҳолига тарк этилади!»**

Бирор нарса ва ҳолатнинг аввали ва бошланишини биладиган одам топилмаган ҳолатда, у «қадим» ҳисобланади. Мисоллар: 1) бировнинг ўзга бир кимсанинг ҳовлисига чиқиб турган бостирмаси бор экан ёки бировнинг ҳовлисидан ўтадиган ариқ, канализацияси бор. Ушбу нарсаларни

ким қургани, қачон қурилганини билмайдилар, бу ҳолатда эгаси рухсатисиз қўшни ҳовлидагилар бостирма ёки ариқни буза олмайдилар; 2) бировнинг қўшниси ҳовлисидан ўтадиган йўлаги бор, ушбу йўлак қадимдан бери келаётган бўлса, ўз ҳолича қолади. Агар уни ўзгартирмоқчи бўлсалар, қўшнидан розилик олиниши лозим.

الضرر لا يكون قديما

6. **«Зарар қадимий бўлмайди!»**

Зарарнинг эскиси ҳам, янгиси ҳам зарар сифатида бартараф қилинади. Мисоллар: 1) бировнинг уйидан катта кўчага оқиб ётган оқава сувлари бор, уни эскидан шундай бўлиб келаётган бўлса ҳам бартараф қилинади ва эгасини кўчага оқава сув оқизишдан қайтарилади; 2) қўшнининг деразаси ҳамсояси ҳовлиси ва уйи томонга қаратилган, бундан ҳамсоя аёллари хижолатга қоладиган бўлса, ушбу дераза эскидан келаётган бўлса ҳам ёпиб ташлашга буюрилади.

الأصل براءة الذمّة

7. **«Асл зимманинг холи бўлиши!»**

Аслини олганда, инсоннинг зиммаси таклиф ва ҳуқуқлардан холи ва озод ҳисобланади. Мисоллар: 1) омонатга олинган нарсани эгасига топширганликни даъво қилинса, ушбу сўз инобатга олинади. Чунки аслида омонатлар топшириладиган нарсалардир; 2) қарз қанчалиги борасида берувчи ва олувчи ихтилоф қилиб қолсалар, қарз олувчининг гапи инобатга олинади. Қарз берувчининг гапи эса шунга ҳужжати бўлсагина инобатга олинади; 3) бировнинг молини ҳалокатга учратган кимсанинг ушбу мол миқдори борасидаги гапи инобатга олинади, эгасининг гапи эса аниқ ҳужжат келтирмагунча инобатга олинмайди.

الأصل فى الصفات العارضة العدم

8. **«Ташқи белгилардаги асл йўқликдир!»**

Вақтинча бўладиган, бирор нарсанинг асли ва асоси ҳисобланмайдиган сифатлар йўқ, деб ҳисобланади. Мисоллар: 1) бир кимса бировга бир нарса бериб, сўнг уни қайтариб олишни хоҳлади. Олувчи уни сотиб олганини ёки совға сифатида берилганини даъво қилди. Бу ерда берувчининг гапи инобатга олинади; 2) аёл гўдакнинг оғзига кўкрагини тутди, бола оғзига олган бўлди-ю, сут эмгани аниқ билинмай қолди. Шунда бола сут эммаган ёки аёл гўдакнинг сут эмизувчи онаси ҳисобланмаган, деб ҳукм қилинади.

ما ثبت بزمان يحكم ببقائه ما لم يقم الدليل على خلافه

9. **«Бирор замонда собит бўлган нарса, модомики унинг хилофига далил мавжуд бўлмас экан, унинг борлигига ҳукм қилинади!»**

Мисоллар: 1) муайян бир нарсанинг жавобгар қўлида қолганини айтилса, ҳужжат билан у қабул қилинади, акс ҳолда, бу даъво қабул қилинмайди; 2) ўлган кимсанинг зиммасида қарзи борлигини даъво қилган одам бунга гувоҳ келтирса, ушбу даъво мақбул ҳисобланади.

الأصل إضافة الحادث الى أقرب أوقاته

10. **«Юз берган воқеани энг яқин замонга нисбат бериш аслдир!»**

Мисоллар: 1) хотин ўз эри уни ўлим тўшагида ётганида талоқ қилганини, шунинг учун ундан мерос олиши кераклигини айтди, меросхўрлар эса буни инкор қилиб, эри хотинини анча аввал соғ-саломат юрган вақтида талоқ қилганини айтдилар. Бу ерда хотиннинг гапи инобатга олинади. Меросхўрларнинг сўзи қуруқ гапдан иборат бўлиб қолгани учун инобатга олинмайди; 2) ўлган кимсанинг насроний хотини эри ўлимидан аввал мусулмон бўлганини, шунга биноан эридан мерос олабилишини даъво қилди. Меросхўрлар буни инкор қилиб, эри ўлимидан кейин ушбу насроний хотин имон келтирганини айтдилар. Бу ерда меросхўрларнинг гапи инобатга олинади ва хотин меросдан маҳрум қили-

нади; 3) бир инсон сотиб олган нарсада айб бор, деб эгасига қайтармоқчи бўлди. Сотувчи ушбу айб мол сотилганидан сўнг пайдо бўлган, деди. Агар харидор айб молни сотиб олишдан олдин содир бўлганига далил келтира олмаса, сотувчининг гапи инобатга олинади.

الأصل في الكلام الحقيقة

11. **«Гап-сўзлардаги асл – ҳақиқатдир!»**

Гап-сўзларда уларнинг ҳақиқий маъноси инобатга олинади, мажозий маъноларига далил бўлсагина мурожаат қилинади. Мисоллар: 1) биров ўзининг болаларининг болаларига вақф қолдирса, қизларининг болалари ҳам бунга киради. Чунки қизининг боласи ҳам унга боласининг боласи ҳисобланади; 2) бирор нарсани еб-ичиш, кириб-чиқиш ва ухлаш борасида қасам ичса-ю, уни вакилига қилдирса, уни вакил қилган дейилади, бу билан қасам ичувчининг қасами бузилмайди.

لا عبرة بالدلالة في مقابلة التصريح

12. **«Очиқ-ойдин сўз қаршисидаги далолат эътибор қилинмайди!»**

Бирорта гап очиқ-ойдин ва маъноси аниқ ифодаланиб турганида, унинг бирор нарсага далолат қилиб ёки ишора қилиб турганига эътибор қаратилмайди. Мисоллар: 1) вақф назоратчиларнинг умумий таомилига қараб тасарруф қилинаверади, бироқ вақф шартлари ёзилган вақфнома бўлса, таомилга эмас, вақфномада кўрсатилган шартларга кўра тасарруф қилинади; 2) харидор пулни тўламасдан олдин сотувчининг олдида сотилган нарсани олди, буни сотувчи рад қилмади. Сукут аломати ризо бўлгани боис харидорга молни олиш дуруст. Шундан сўнг сотувчи сотилган нарсани қайтариб беришни талаб қила олмайди, балки сотувчи пулни беришни харидордан талаб қила олади. Бироқ харидор нарсани олишдан аввал сотувчи олишни ошкора ман қилса, харидор пулни бермагунча нарсани ололмайди.

لا مساغ للاجتهاد في مورد النصّ

13. **«Насс** (Қуръон ва суннат) **келган жойда ижтиҳодга рухсат йўқ!»**

Бу ерда мазҳаб доирасида ижтиҳод қилиниб, якдиллик билан қабул қилинган, оят ва ҳадислардан аниқ далили бор ҳукмларни ўзгартиришга ҳожат йўқлиги тушунилади.

ما ثبت على خلاف القياس فغيره لا يقاس عليه

14. **«Қиёсга хилоф равишда собит бўлган ҳукмга бошқа масала қиёс қилинмайди!»**

Қиёсга хилоф равишда оят ва ҳадис билан собит бўлган ҳукмга бошқа масала қиёс қилинмайди. Қиёс қилиш учун алоҳида далиллар зарур бўлади. Мисол: ўғрининг қўли кесилишига далил бор, унга кафан ўғрисини қиёс қилинмайди.

الاجتهاد لا ينقض بمثله

15. **«Ижтиҳод ўзига ўхшаш ижтиҳод билан бузилмайди!»**

Ижтиҳод натижасида чиқарилган ҳукмни бошқа ижтиҳод бекор қила олмайди, бир қозининг чиқарган ҳукмини бошқа қози бекор қилмайди.

المشقة تجلب التيسير

16. **«Машаққат осонликни жалб қилади!»**

Шариатда осонликни жалб қилиш мумкин бўлган ўринларда осонлик қабул қилинади. Бироқ асли машаққатли бўлган амалларда осонлик жалб қилинмайди. Мисоллар: 1) сафарда рўза тутилмайди, тўрт ракатли фарзлар икки ракатдан қилиб ўқилади; 2) зарурат бўлган ўринда табибнинг бегона аёлнинг маълум бир аъзоларига қараши мумкин бўлади; 3) яқин қариндошлар узоқ сафарда бўлсалар, узоқ қариндошлар тенги топилган қизни узатиб юборишлари жоиз.

اذا ضاق الأمر اتّسع

17. **«Қачон иш тор келса, кенгайтирилади!»**

Мисоллар: 1) ўғри ва фисқу фасод тарқатувчиларга уларнинг ёмонлигини даф қилиш, уларни йўқ қилиш мақсадида имкон даражасида қарши курашилади; 2) камбағалдан пул олишда бойигунча кутиб турилади (Банкротга учраган одамдан катта миқдордаги қарзини қайтаришга мажбур қилинмайди).

لا ضَرَر ولا ضِرار

18. **«Зарар бериш ҳам, зарарга зарар билан жавоб қилиш ҳам йўқ!»**

Мисоллар: 1) одамларнинг молларини асраш мақсадида ўғрилар тутиб қамалади; 2) ёмон қўшнининг зараридан сақланиш мақсадида шуфъа ҳақи жорий қилинади; 3) бирор нарсани босқинчилик қилиб тортиб олинса, унга жавобан ўзбошимчалик билан босқинчининг нарсаси зўрлик билан тортиб олинмайди.

الضرر يزال

19. **«Зарар кетказилади!»**

Мисоллар: 1) бирор таомни бир шаҳарда қарз олинса-ю, бошқа шаҳарда қарз қайтарилганда, у ерда таом қиммат бўлса, қарз берилган шаҳардаги қийматга кўра қарз тўланади; 2) биров алданиб қолиб, зарар кўрса, уни алдовчидан ундириб олинади.

الضرورات تبيح المحظورات

20. **«Заруратлар тақиқланган нарсаларни мубоҳ қилади!»**

Мисоллар: 1) ейишга бошқа нарса топилмай қолса, ўлиб қолмайдиган миқдорда чўчқа гўштини ейиш мумкин; 2) майит кафансиз кўмилган бўлса, қабрдан кавлаб олинмайди;

3) мажбур қилинганда, бировнинг молини ҳалокатга учратиш мумкин.

الضرورات تقدر بقدرها

21. **«Заруратлар ўз миқдорига қараб белгиланади!»**

Мисолар: 1) ейишга бошқа нарса топилмай қолганида, ҳалолни топишга имкон бўлгунча миқдорда ҳаромни истеъмол қилиш мумкин; 2) табиб касалнинг уят жойларига заруърат миқдорида, фақат керакли ўринларига қараши мумкин; 3) фақат аёллар кўриши мумкин бўлган ўринларда уларнинг биттаси ёки иккитасининг гувоҳлиги инобатга ўтаверади.

ما جاز لعذر بطل بزواله

22. **«Узр билан жоиз бўлган нарса, унинг кетиши билан бекор бўлади!»**

Узр сабабли жоиз бўлиб турган нарса узр кетиши билан яна ножоизга айланади. Мисол: хотинига яқинлашмайман, деб қасам ичган кимса қасамини бузиш учун унга яқинлашмоқчи бўлганида касал бўлиб қолса, гап билан қасамини бузганини айтса, жоиз бўлади. Агар қасамда тилга олинган яқинлик қилмаслик муддатидан олдин тузалса, жинсий алоқа билангина қасамини бузиш шарт қилинади.

اذا زال المانع عاد الممنوع

23. **«Қачон ман қилувчи кетса, ман қилинган нарса қайтади!»**

Агар бирор нарсага монелик қилиб турган нарса кетса, ўша ман қилинган нарса қайтади. Мисоллар: 1) совға қилинган нарсага бирор муттасил бўладиган нарса қўшилса, совғани қайтариб олиб бўлмайди. Агар ўша қўшилган нарса йўқолса, совғани қайтариб олиш мумкин бўлади; 2) ижарага олинган ҳовли бузилса, бузилгандан кейинги муддат учун ижара пулини тўлаш лозим эмас. Бироқ ҳовли ижара муд-

дати ичида янгидан қурилса, ижара ўз кучида қолаверади; 3) хотин уришиб, ўз айби билан уйдан чиқиб кетса, эри унга нафақа бериши лозим эмас. Бироқ хотин айбини тан олиб, қайтиб келса, эрга хотинининг нафақаси вожиб бўлади.

الضرر لا يُزال بمثله

24. **«Зарар ўхшаши билан кетказилмайди!»**

Зарар ўзига ўхшаш зарар билан ҳам, ўзидан кучлироқ зарар билан ҳам кетказилмайди. Зарарни кичикроқ, нисбатан кучсизроқ зарар билан даф қилиниши мумкин. Мисоллар: 1) ҳомиладор аёл туғишга қийналса ёки туға олмаётган бўлса, бола она қорнида қимирлаб, тириклиги маълум бўлиб турса, болани ўлдириб, қиймалаб чиқариб олиш ман қилинади. Чунки она бу билан туғолмай ўлиб қолиши мумкин; 2) харидор сотиб олган нарсада эски айбини топса, молни қайтариб бериб, пулини олиши мумкин ёки пулдан айб миқдорича қайтариб олиши мумкин.

يتحمل الضرر الخاص لدفع الضرر العام

25. **«Умумий зарарни даф қилиш учун хос зарарга чидайди!»**

Мисоллар: 1) темирчи устахонасини газмол сотувчилар растаси орасига қуришга рухсат этилмайди; 2) дарё ёки катта анҳор, ёхуд катта йўлларни бировнинг мулки орасидан ўтказиш мумкин; 3) ёнғин ҳамма жойга ўтиб кетмаслиги учун қўшни, ҳамсоянинг ери ёки мулки бузилиши мумкин.

الضرر الأشدّ يُزال بالضرر الأخف

26. **«Кучли зарар енгил зарар билан кетказилади!»**

Мисоллар: 1) ота-оналар ва фарзандлар нафақаси бадавлат ўғиллар ва оталарнинг молидан берилади; 2) зиммасига нафақа вожиб бўлган кимса нафақа тўлашдан бош тортса, уни ҳибс қилиш ва бунга мажбурлаш мумкин; 3) ижарадор ерга бирор дарахт ўтқазса, ижара муддати тугагандан

сўнг дарахтни қўпориб олишга буюрилади. Агар бу ерга зарар етказадиган бўлса, ер эгасини дарахтни сотиб олишга мажбур қилинади.

اذا تعارض مفسدتان روعى أعظمهما ضررًا بارتكاب أخفهما

27. **«Қачон икки фисқу фасод ўзаро тўқнашса, енгилроғини қилиш билан икковидан зарари каттароғи тарк этилади!»**

Икки ёмон нарса бирга келса, зарари кучсизроғини қилишга мажбур бўлинса ҳам зарари кучлироғини кетказишга ҳаракат қилинади. Мисоллар: 1) азон айтиш, имоматчилик қилиш, Қуръон таълим беришга маош олиш мумкин; 2) золим подшоҳга қарши чиқишда жуда катта зарарлар бўлгани боис унга итоат қилинади; 3) ўлган аёлнинг қорнида тирик боласи қолгани маълум бўлса, қорнини ёриб, тирик бола қутқарилади.

يُختار أهون الشرّين

28. **«Икки ёмон нарсадан енгил-осонроғи танланади!»**

Икки ёмон ишдан бирини танлашга мажбур бўлиб қолинса, улардан енгилроғи ва осонроғи танланади.

درء المفاسد أولى من جلب المصالح

29. **«Ёмон ишларни тарк этиш яхшиликларни жалб қилишдан авлодир!»**

Мисоллар: 1) кўп қаватли уйларда турувчиларнинг бир-бирига зарар келтиришига йўл қўйилмайди. Гарчи ўша иш зарар келтирувчига фойдали бўлса ҳам; 2) тегирмон ёки тутун қўшниларга зарар етказадиган бўлса, ҳамсояга ўз ерида тегирмон ёки катта ошхона ёхуд тандир қуриб олишга рухсат берилмайди; 3) бадбўй ҳиди бутун маҳаллани қамраб оладиган бўлса, жўжа боқишга рухсат берилмайди; 4) бир-бирови билан урушган икки мусулмонни яраштириш учун ёлғон ишлатишга рухсат берилади.

الضرر يُدفع بقدر الإمكان

30. **«Зарар имкони борича даф қилинади!»**

Зарарнинг ҳаммасини кетказишнинг иложи бўлса, ҳаммаси кетказилади. Агар бунинг имкони бўлмаса, иложи борича кетказишга ҳаракат қилинади. Мисол: агар ўлдирилган кимсанинг яқин қариндошларидан бири қасос олмасдан қотилни афв қилса, қотилдан хун пули тўлатиб, уни ўлимдан сақлаб қолинади.

الحاجة تنزّل منزلة الضرورة عامّة كانت او خاصّة

31. **«Эҳтиёж хоҳ умумий бўлсин, хоҳ хос бўлсин зарурат ўрнига қўйилади!»**

Мисоллар: 1) ижара, одамларнинг унга ҳожатлари ва эҳтиёжлари бўлгани боис, жоиз ҳисобланади; 2) ҳунармандлар ҳали ишламаган нарсалари учун ҳақ олишларига рухсат берилади. Чунки одамларнинг ҳунарманд хизматига эҳтиёжлари катта; 3) бировнинг ҳали ўлиш-ўлмаслиги номаълум бўлса ҳам, васият қилиши ва бу васият инобатга олиниши мумкин.

الاضطرار لا يُبطل حق الغير

32. **«Мажбурият бошқанинг ҳақини йўққа чиқармайди!»**

Хоҳ табиий, хоҳ нотабиий мажбурият бировнинг ҳақини йўқ қила олмайди. Мисоллар: 1) очликни даф қилиш учун бировнинг молидан олиб ейиш мумкин, бироқ кейинчалик мол эгасининг ҳақи тўлиқ қоплаб берилади; 2) ижарага экин экилса-ю, ижара муддати тугаганида экин пишиб етилмаган бўлса, то ҳосил йиғиб-териб олингунча экинга тегилмайди. Лекин муддат узайгани боис шу муддат учун ҳам ер эгасига ижара ҳақи тўланади; 3) бола эмизувчи доянинг шартнома муддати тугаса-ю, бола ҳали таом емайдиган ва доясидан бошқа бировни эммайдиган бўлса, ўша доя яна эмизиб туришга мажбур қилинади. Лекин унинг иш ҳақи берилади.

ما حرم أخذه حرم إعطاؤه

33. **«Олиш ҳаром бўлган нарсани бериш ҳам ҳаром бўлади!»**

Мисоллар: 1) пора олиш ҳаром бўлгани каби, уни бериш ҳам ҳаромдир; 2) фолбин, қўшиқчи, қўшмачиларнинг топгани гуноҳ бўлгани каби уларга пул бериш ҳам ҳаром бўлади.

ما حرم فعله حرم طلبه

34. **«Қилиш ҳаром бўлган нарсани талаб қилиш ҳам ҳаром бўлади!»**

Ҳаром ёки макруҳ ишларга индамай туриш ҳаром ва макруҳ бўлгани каби, ҳаром ёки макруҳ нарсани талаб қилиш ҳам ҳаром ёки макруҳ бўлади. Мисоллар: 1) пора бериш ҳаром бўлгани боис «Пора бер!», деб талаб қилиш ҳам ҳаромдир; 2) ўғирлик ҳаром бўлгани учун бировдан ўғирликни талаб қилиш ҳам ҳаромдир.

العادة مُحَكّمة

35. **«Одат ҳакам ўрнидадир!»**

Бирорта шаръий ҳукмни исботлаш мақсадида, қачонки хилофига далил бўлмаса, умумий ёки хос одатлар ҳакам қилиниши мумкин. Мисоллар: 1) айниб исроф бўлиш хавфи борлиги боис боғбон дарахт остига тушган меваларни боғ эгаси рухсатисиз сотиб юбориши мумкин; 2) бозорда ишлатиладиган тарози шаръий муомалаларда ҳам оғирлик ўлчови деб эътиборга олинаверади; 3) қасам ичувчи одатдаги нарсаларга қараб қасам ичса, ноодатий ишни қилгани учун қасами бузилмайди.

استعمال الناس حجّة يجب العمل بها

36. **«Одамларнинг истеъмоли амал қилиш вожиб бўладиган ҳужжатдир!»**

Одамларнинг бирор нарсани кўп ишлатишлари, уларнинг таомили амал қилиш лозим бўладиган ҳужжат ва далил ҳисобланади. Амалиётда жорий бўлиб келган урф-одат шаръий ҳукм сифатида инобатга олиниши даркор.

المُمْتنِع عادة كالمُمْتنِع حقيقة

37. **«Одатда имконсиз бўлган нарса ҳақиқатда ҳам имконсиз каби ҳисобланади!»**

Мисоллар: 1) камбағаллиги билан танилган кимса бировда жудда катта маблағи борлигини даъво қилса, даъвосига қулоқ тутилмайди; 2) мутавалли ёки васий вақфга ёки етимга ўзининг катта миқдордаги молини сарфлаганини айтса, даъвоси инобатга олинмайди.

لا ينكر تغيّر الأحكام بتغيّر الأزمان

38. **«Замонлар ўзгариши билан ҳукмлар ҳам ўзгариши инкор қилинмайди!»**

Мисоллар: 1) адолат нодир бўлиб қолган замонда гувоҳликка одамларнинг ичида энг оз гуноҳ қилувчиси танланади; 2) сиёсат учун ҳар хил жарима турлари ишлаб чиқилиши, қамоқхоналар барпо этилиши мумкин.

الحقيقة تترك بدلالة العادة

39. **«Урф-одат далолати сабабли лафзнинг ҳақиқий маъноси тарк этилади!»**

Мисоллар: 1) «Бош емайман!» деб қасам ичган одам чумчуқ бошини еса, қасами бузилмайди. Чунки одатда чумчуқ боши ейилмайди ва гўшт бозорларида сотилмайди; 2) «Фалон жойга қадам босмайман!» деса, ўша ерга оёқларининг қадамини босмасдан кириб борса ҳам қасами бузилган ҳисобланади. Чунки одатда бу сўз айнан қадам босиш маъносида эмас, балки кириш маъносида ишлатилади.

إنما تعتبر العادة اذا اطردت أو غلبت

40. **«Одат қачон доимий ёки ғолиб бўлсагина эътиборга олинади!»**

Урф-одатлар доимий ва изчил бўлса ёки бошқа ишлардан кўра у ғолиб ва кучли бўлса, шаръан ҳам эътиборга олиниши мумкин. Агар бир неча одатлар тенг бўлса ёки кучсиз одатлар бўлса, эътиборга олинмайди. Мисол: савдода нархнаво шу юртда ҳукмрон бўлган ва доимий истеъмолда бўлган, ривож топган пул билан белгиланади. Масалан, савдо "минг"га келишилган бўлса, у ўзбек бозорларида сўмга келишилган, деб эътиборга олинади, "доллар" назарда тутилган эди, дейилмайди. Агар бир неча пулнинг ишлатилиши тенг бўлса, савдода уларнинг қайси бири эътиборга олинаётгани аниқ белгиланиши керак, акс ҳолда савдо бузилади.

العبرة للغالب الشائع لا للنادر

41. **«Эътибор ғолиб ва кенг тарқалганига бўлади, нодирга эмас!»**

Бирор нарса кенг тарқалган ва аксар ҳолларда бўладиган бўлса, уни шаръан эътиборга олиш мақбул ҳисобланади. Унинг айрим ҳолларда бўлмай қолиши эътиборга олинмайди. Мисоллар: 1) бугунги кунда қозиларга ишончсизлик кучли бўлгани боис қози ишни ўзи билганига қараб ҳукм чиқармайди, балки аниқ маълумотлар ва гувоҳларга кўра иш юритади; 2) ҳайздан кесилиш эллик беш ёш деб белгиланади. Чунки аксар аёллар бу ёшга келиб ҳайз кўришдан тўхтайдилар; 3) бугунги кунда имоматчилик, диний таълим ишларини маош олмасдан холис адо қилиш жуда камайиб кетгани боис буларга ҳақ олишни жоиз деб фатво берилади.

المعروف عرفا كالمشروط شرطا

42. **«Урфда танилган нарса шартлашилган нарса кабидир!»**

Мисоллар: 1) агар савдога (масалан, от савдосида) эгар ёки арқон ҳам киргани борасида сотувчи билан харидор тор-

тишиб қолса, урфга қаралади; 2) ҳунармандга бир муддат шогирд тушганидан сўнг ота-она билан уста таълим ҳақи борасида келишмай қолсалар, урфга қаралади; 3) ҳаммол юкни уловга юклаб бериши ёки уйга киритиб қўйиши борасида юк эгаси билан ҳаммол тортишиб қолсалар, урфга мурожаат қилинади.

المعروف بين التجّار كالمشروط بينهم

43. **«Савдогарлар орасида танилган нарса ораларида шартлашилган нарса кабидир!»**

Савдогарлар орасида шариатга зид бўлмаган бирорта иш кенг тарқалган бўлса, уни шаръан ҳам қабул қилинаверади.

التعيين بالعرف كالتعيين بالنصّ

44. **«Урф билан танилган нарса насс** (Қуръон ва суннат) **билан танилган кабидир!»**

Мисоллар: 1) ҳовлини ёки дўконни ким яшашини ёки қандай иш қилишини келишмаган ҳолда ижарага берилса, хоҳлаган одам яшайверади, дўконни бузилишига сабаб бўладиган темирчилик каби ишлардан бошқа иш қилиниши мумкин; 2) баззозлик растасидан дўконни ижарага олинса, қўшниларига озор берадиган темирчилик каби иш қилинмайди.

اذا تعارض المانع والمقتضى يقدّم المانع

45. **«Ман қилувчи ва тақозо этилувчи бир-бирига қарама-қарши келиб қолса, ман қилувчи муқаддам қўйилади!»**

Ман қилувчи ва тақозо этилувчи ишга рўпара келинганда, ман қилувчини қилинади, тақозо қилинувчи адо қилинмайди. Мисоллар: 1) кўп қаватли уйларда яшовчилар ўзларига қанчалик зарур иш бўлса-да, бир-бирларига зарар етказадиган ишни қила олмайдилар; 2) агар ҳалол савдога шариатда ҳаром қилинган чўчқа ёки ароқни қўшиб соти-

ладиган бўлса, савдо ботил бўлади; 3) совға савдо билан дуруст бўлмайди.

التابع تابع

46. «Тобе эргашувчидир!»

Мисоллар: 1) ер сотилганда унда кўкариб турган дов-дарахтлар ҳам савдога қўшилган, деб ҳисобланади; 2) сигир сотилганда елинида тўлиб турган сути ҳам савдога ўз-ўзидан қўшилган бўлади; 3) ҳовли сотилганда эса унинг томи ҳам савдога киритилади.

التابع لا يفرد بالحكم ما لم يَصِر مقصودا

47. **«Модомики мақсадга айланмаган бўлса, тобе ҳукмда алоҳида қилиб олинмайди!»**

Бирор нарсанинг таркибий қисми ҳисобланган, унга қарам бўлган нарсага алоҳида ҳукм қилинмайди. Бироқ ўша таркибий қисм ҳам мақсад қилинган бўлса, унга алоҳида ҳукм қилиниши мумкин. Мисоллар: 1) сигирнинг қорнидаги боласини ёки елинида турган сутни алоҳида сотилмайди; 2) босқинчилик йўли билан бўғоз сигирни тортиб олинган бўлса-ю, ғасб қилувчининг қўлига тушганидан сўнг у туғса, сўнг ғасб қилувчининг айби билан бузоқ ўлдирилса, уни алоҳида тўлаб берилади.

من ملك شيئا ملك ما هو من ضروراته

48. **«Кимки бирор нарсага молик бўлса, унинг зарурати бўлган нарсаларга ҳам эгалик қилади!»**

Мисоллар: 1) ер сотиб олган кимса, ўша ерни суғорадиган ариқларга ҳам эгалик қилади; 2) ҳовли сотиб олган одам, унга кириб-чиқиладиган йўлакларга ҳам эгалик қилади.

إذا سقط الأصل سقط الفرع

49. **«Қачон асл нарса соқит бўлса, унинг фаръи ҳам соқит бўлади!»**

Агар асл нарса соқит бўлса, унинг фарлари ва қўшимчалари ҳам кетади. Аксида эса ундай бўлмайди. Мисоллар: 1) қарз берувчи қарздордан қарзини кечса, унга кафил бўлган кимсанинг ҳам кафолати бекор қилинади; 2) «Мана бу идишдаги сувни шу бугун ичаман», деб қасам ичилса-ю, идишдаги сув кун охирга етмасдан тўкиб ташланган бўлса, қасами ботил бўлади.

الساقط لا يعود كما أنّ المعدوم لا يعود

50. **«Йўқолган нарса қайтмаганидек соқит бўлган нарса ҳам қайтмайди»**

Мисоллар: 1) гаровга нарса олган кимса, гаровни ўзи ушлаб туришдан бош тортса, гаровдаги нарсадан бутунлай маҳрум бўлади; 2) қарздан кечилганини қарздор қабул қилган бўлса, кейин қарз берувчи қарзни даъво қила олмайди; 3) васият қилинган кимса ҳамда шуфъа ва қасос ҳақи бор кимсалар ўз ҳақларини кечсалар, ҳақ соқит бўлиб, ундан бутунлай айриладилар.

اذا بطل الشئ بطل ما فى ضمنه

51. **«Бир нарса ботил бўлса, унинг зимнидаги нарса ҳам бекор бўлади!»**

Мисоллар: 1) бир инсон бировга иқрор қилса ёки ўз ҳақидан кечса, бу иқрор ва ҳақдан кечиш савдо ёки сулҳ борасида бўлса-ю, ўша савдо ва сулҳ бузилган деб топилса, иқрор ва кечиш ҳам бўлмаган деб ҳисобланади; 2) сотишга мажбурланган сотувчидан бирор нарса сотиб олинса, мажбурлаш йўқотилса, савдо бузилган, деб ҳисобланиши мумкин.

اذا بطل الأصل يُصار الى البدل

52. **«Қачон асл бекор бўлса, бадалга юрилади!»**

Бирорта нарса йўқолса, унинг ўрнини босувчи нарсага юрилади. Мисоллар: 1) қарзга берилган нарсанинг айнан ўзи қайтариб берилиши мумкин бўлмаса, унга ўхшаган нар-

са ёки унинг қиймати бериб адо қилинади; 2) босқинчилик билан тортиб олинган нарса яроқсиз ҳолга келтирилса, унинг ўхшаши ёки қиймати берилади.

يغتفر في التابع ما لا يغتفر في المتبوع

53. **«Эргаштирувчида кечирилмаган нарса эргашувчида кечирилади!»**

Мисоллар: 1) ерни экиш асбоблари ила вақф қилинади, унга асбоблар тобе қилиб киритилади. Чунки асбоблар эргаштирувчи (ер)нинг эҳтиёжларидан ҳисобланади; 2) харидор сотилган нарсани олиш учун сотувчини ўзининг номидан олишга вакил қилса, тўғри бўлмайди. Чунки битта одам ҳам топширувчи, ҳам олувчи бўла олмайди.

يغتفر في البقاء ما لا يغتفر في الابتداء

54. **«Бошланишда кечирилмаган нарса иш давомида кечирилади!»**

Бирор ишнинг бошланишида айб кечирилмаса-да, ишнинг ўртасида ёки охирида кечирилиши мумкин. Мисоллар: 1) шерикликдаги нарсанинг бир қисмини ижарага қўйиб бўлмайди. Унинг барча қисмини ижарага бериш мумкин. Агар шерикликдаги нарсанинг ҳаммасини ижарага қўйилганидан сўнг ҳиссадорларнинг баъзиси шартномани бузса, ҳиссанинг қолган қисмида ижара саҳиҳ бўлиб, боқий қолаверади; 2) турмушга чиқаётган аёл никоҳ вақтида маҳрдан кечиши мумкин эмас. Бироқ маҳр белгиланиб, никоҳдан сўнг аёл маҳрдан тамоман ёки бир қисмини кечиши мумкин; 3) икки одам муайян нарх белгиламасдан савдони келишсалар, жоиз эмас. Муайян нарх белгиланиб, савдо бўлганидан сўнг сотувчи харидордан пулни кечса жоиз; 4) меросхўрлар ўзларига тегадиган мерос ҳиссасини аниқ билмасларидан олдин, масалан, кичик укаси фойдасига ўз ҳиссаларидан кечишлари мумкин эмас.

البقاء أسهل من الابتداء

55. **«Бошлашдан давом эттириш осонроқ!»**

Бирор нарсанинг бошланишида ҳукм қилгандан, ишнинг қолган қисмида, унинг давомида ҳукм чиқариш осон кечади.

لا يتمّ التبرّع إلا بالقبض

56. **«Инъом этиш фақат қўлга олиш билангина тугал бўлади!»**

Совғалар, садақалар, уни оладиган одам қўлига тўлиқ олиши билан тугал бўлади. Мисоллар: 1) бўлакларга бўлинадиган нарсаларнинг бир қисмини ҳадя қилишда, тўлиқ қўлга олиш маъноси бўлмагани учун бундай ҳадялар жоиз эмас. Масалан, сутдаги ёғни, зиғирдаги мойни, буғдойдаги унни ҳадя қилиб бўлмайди; 2) ҳадяни лойиқ одамга берилади, жинни ёки ёш гўдакка қилинган ҳадя комил бўлмайди. Уларнинг васийлари қабул қилиб олишлари мумкин.

التصرّف على الرعية منوط بالمصلحة

57. **«Раиятни тасарруф қилиш маслаҳатга боғлиқ!»**

Халқни, оммани тасарруф қилиш маслаҳатга, яхшиликка, одамларга қилинадиган фойдаларга боғлиқ ҳолда олиб борилиши шарт. Мисоллар: 1) подшоҳ ҳеч кими йўқ кимсани ўлдирганни кечирса, афв тўғри ҳисобланмайди, жазо ҳам соқит бўлмайди; 2) вақф қилувчининг шартларидан ташқари вазифаларни вақф учун тайин қилиш мумкин эмас.

الولاية الخاصّة أقوى من الولاية العامّة

58. **«Махсус эгалик умумий эгаликдан кўра кучлироқдир!»**

Мисоллар: 1) мутаваллийси бор бўлган вақфларга қози эгалик қилиб, уни тасарруф қила олмайди; 2) сағирларнинг васийси бўла туриб, қози унинг мол-мулкини тасарруф қила олмайди.

إعمال الكلام أولى من إهماله

59. **«Гапни амалга ошириш уни эътиборсиз қолдиришдан яхшироқ!»**

Мисоллар: 1) биров хотинини «Сен талоқсан, талоқсан, талоқсан!» деса, уч талоқ қилинган деб ҳисобланади; 2) биров гарданида муайян қарз борлигини эътироф қилса, сўнг қарзга яна қўшимчаси борлигини иқрор қилса, айтилган қарзни қўшимчалари билан бор, деб ҳукм қилинади; 3) болаларига васият қилса, ўзининг пушти камаридан бўлган болаларини назарда тутган, деб ҳисобланади. Агар бундай қилинмаса, боласи деб чақирилганларнинг ҳаммаси васиятга киритилиши керак бўлиб қолади.

اذا تعذرت الحقيقة يُصار إلى المجاز

60. **«Қачон ҳақиқат узрли бўлиб қолса, мажозга юрилади!»**

Мисоллар: 1) биров: «Бу қозонни емайман» ёки «Бу дарахтни емайман» деса, қозон ва дарахт эмас унда пишган нарса назарда тутилган, деб ҳисобланади; 2) «Бу уйга қадам босмайман!» деса, айнан қадам босиш эмас, унга кириш тушунилади ва уйга уловда кирса ҳам қасами бузилган бўлади.

إذا تعذر إعمال الكلام يُهمل

61. **«Қачон гапни амалга ошириш узрли бўлса, уни эътиборсиз қолдирилади!»**

Мисоллар: 1) биров кафил бўлса, ўзи нимага кафил бўлганини билмаган бўлса, кафолати тўғри бўлмайди; 2) «Мана бу ҳовлини фалончига беринглар» деса-ю, бу гапи васият эканини ҳам, аслида ўша ҳовли фалончиники эканини айтмаган бўлса, бу гапга эътибор берилмайди; 3) биров аъзосини кесиб ташлашганини даъво қилса-ю, бироқ ўша аъзо жойида турган бўлса, унинг даъвосига қулоқ солинмайди.

ذكر بعض ما لا يتجزأ كذكر كله

62. **«Бўлакларга бўлинмайдиган нарсанинг баъзисини зикр қилиш ҳаммасини зикр қилиш кабидир!»**

Мисоллар: 1) биров хотинининг учдан бири ёки ярмини талоқ қилса, тўлиқ бир талоқ қилган бўлади; 2) шуфъа ҳақининг ярмини топширса, ҳамма ҳақдан кечган бўлади; 3) қасоснинг тўртдан бири ёки бешдан бирини афв қилса, ҳаммаси соқит бўлади.

المطلق يجري على إطلاقه ما لم يقم دليل التقييد نصّا أو دلالة

63. **«Сароҳатан ёки далолатан қайдлайдиган далил бўлмаса, мутлақ далилга мутлақлигича амал қилинади!»**

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда келган мутлақ ҳукмни сароҳатан ёки далолатан қайдловчи далили бўлмаса, мутлақлигича қабул қилиш керак. Масалан, «Мен учун ҳовли сотиб ол», дейилса, у дарҳол сотиб олса, бўлади, бир йил ўтганидан кейин сотиб олганининг фойдаси йўқ. Мисол: бировни бозорда савдо қилишга вакил қилса, савдода ҳеч нарсани қайд қилинмаган бўлса, ўша вакил бозорда нақдга ва насияга, пулга ва матога ўзи хоҳлаган нарсани олиб-сотиши мумкин.

الوصف في الحاضر لغوٌ

64. **«Ҳозирда (кўриниб турган нарса)ни сифатлаш бекордир!»**

Бирор нарса ҳозир бўлиб турганда уни сифатлашнинг кераги йўқ, шундоқ ҳам унинг ўзига қараб тушунса, билиб олса бўлади. Мисол: сотувчи от сотаётганида олдида турган оқ отни савдо қилса-ю, «Сенга бу қора отни сотдим», деб юборса, харидор ҳам қабул қилса, савдо тўғри бўлади.

السؤال معاد في الجواب

65. **«Савол жавобга оиддир!»**

Берилган саволга қайтарилган жавоб ҳукм бўлиб ҳи-

собланади. Мисоллар: 1) «Хотинингни талоқ қилдингми?», деган саволга «Ҳа!» деб жавоб берилса, хотини талоқ бўлади; 2) «Фалончи ушбу уйга кирса, унга битта зиёфат лозим», дейилса, ўша кимса «Яхши, розиман!» деганидан сўнг уйга кирса, айтилган зиёфатни бериш унга вожиб бўлиб қолади.

لا ينسب الى ساكت قول لكن السكوت في معرض الحاجة بيان

66. **«Сукут қилувчига гапни нисбат қилинмайди, лекин ҳожат бўлган вақтда сукут баён ўрнида бўлади!»**

Мисоллар: 1) сотувчи харидорнинг сотилган нарсани олаётганини кўриб туриб индамаслиги унинг олишига ижозат берганини билдиради; 2) бировнинг мол-мулкига унинг кўз олдида талафот етказилса, унинг сукути бунга ижозат берганини билдирмайди; 3) қизни ўзининг тенгига турмушга берилмаётган бўлса, унинг сукути бунга ижозат берганини билдирмайди.

دليل الشئ في الأمور الباطنة يقوم مقامه

67. **«Ботиний ишларда нарсанинг далили унинг ўрнига ўтади!»**

Мисоллар: 1) харидор сотиб олган нарсасида айб кўрса-ю, уни даволаса ёки тузатса, ўша айбга рози бўлганини англатади; 2) даъвогар узоқ муддат давомида даъво қилмаса, масалан, вақфда 36 йил, бошқа ишларда 15 йил даъво қилмаса, шундан кейинги даъвоси инобатга олинмайди; 3) танага жароҳат етказадиган ўткир нарса билан бировни ўлдириб қўйиши унинг шу ишни қасддан қилганини билдиради.

الكتاب كالخطاب

68. **«Мактуб хитоб кабидир!»**

Бировга атаб ёзилган ёзув худди ўша кимсага хитоб қилганга ўхшайди. Қози олдида эса бу имзо ёки муҳр билан тас-

диқланган бўлсагина инобатга олинади. Мисоллар: 1) хотинига: «Сен талоқсан» деб ёзиб юборса, ўша ёзувни хотини ўқиса ҳам, ўқимаса ҳам ёзган заҳоти талоқ бўлади; 2) бировни бир ишга вакил қилиб юборса, ўша кимса ёзувни ўқиши биланоқ вакилга айланади; 3) фалончидан қарзи борлигини ёки ундан кечишини ёзилган бўлса, бу қарзга иқрор ёки ундан кечган ҳисобланади.

الإشارة المعهودة للأخرس كالبيان باللسان

69. **«Соқов кимсанинг одатдаги маълум ишораси тил билан баён қилиш кабидир!»**

Соқов одамнинг никоҳ, талоқ, савдо-сотиқ, ижара, совға, гаров, иқрор, инкор, қасам кабиларда одатида қиладиган ишорасига қараб фикри инобатга олинади. Гувоҳликда эса бу инобатга ўтмайди, у бирор нарсани ёзиб ҳам тасдиқлаши керак бўлади.

يقبل قول المترجم مطلقا

70. **«Таржимоннинг гапи мутлақо қабул қилинади!»**

Даъво, ҳужжат келтириш, ҳадларни ижро қилишда таржимонларнинг таржима қилиб турган гаплари инобатга олинади. Бироқ ҳадларни ижро қилишда таржимон эркак бўлиши шарт қилинади, аёл таржимон инобатга олинмайди. Шунингдек, ҳоким ёки қози таржима қилинаётган тилни билмаслиги шарт, акс ҳолда таржимонга ҳожат йўқ.

لا عبرة بالظنّ البيّن خطؤه

71. **«Хатоси очиқ-ойдин бўлган гумоннинг эътибори йўқ!»**

Мисоллар: 1) муфтий фатво бергани учун талоқ бўлган, деб юрганида, талоқ тушмагани аниқ маълум бўлса, талоқ тушмаган деб ҳисобланади; 2) бировдан қарз олган, деган гумон билан унга қарзи берилса, сўнг қарзи йўқлиги маълум бўлиб қолса, берилган маблағ қайтариб олинади; 3) би-

ровнинг мол-мулкини ўзиники деб ўйлаб, ишлатиб юборса, уни тўлаб беради.

لا حجّة مع الاحتمال

72. **«Эҳтимол билан бирга ҳужжат йўқ!»**

Бирор нарсага эҳтимоли бўла туриб, ҳужжат сифатида қабул қилинмайди. Мисоллар: 1) ўлим тўшагида ётганида, бировдан қарзи борлигини иқрор қилса ёки меросдан бировни маҳрум қилса, ушбу иқрори ёки маҳрум қилиши инобатга олинмайди. Чунки у меросдан бировларни қасддан маҳрум қилишни ўйлаб шу гапларни айтган бўлиши мумкин; 2) вакил ўзининг молини вакил қилувчи учун сотиб олса ёки вакил вакил қилувчисининг молини ўзи учун сотиб олса, буни қабул қилинмайди. Чунки у ўзига фойда бўлиши учун шу ишларни қилган бўлиши мумкин.

لا عبرة للتوهّم

73. **«Тахмин-шубҳанинг эътибори йўқ!»**

Мисоллар: 1) меросхўрлар «Биздан бошқа меросхўр йўқ», дейишса, уларнинг гапи инобатга олинади. Булардан бошқа меросхўрлар бўлиши ҳақидаги тахминнинг эътибори йўқ; 2) кўчмас мулкка ҳозир ва ғойиб шафеъ бор. Ҳозир бўлган шафеълик ҳақини талаб қилса, ғойиб шафеънинг келиб шафеълик қилиши кутиб ўтирилмайди. Чунки унинг шафеълик ҳақини талаб қилиш-қилмаслиги аниқ маълум эмас; 3) бировга музораба тариқасида маблағ берган бўлса, унинг ҳаромдан касб қилиши аниқ маълум бўлмаса, фойдадан олинаверади.

الثابت بالبرهان كالثابت بالعيان

74. **«Ҳужжат билан тасдиқланган нарса кўз билан кўриб собит бўлган кабидир!».**

Даъвогар ёки жавобгарнинг ҳужжат ва далил билан қилган кўрсатмаси худди қозининг ўз кўзи билан кўрганидек

ишончли ҳисобланади. Бироқ у ҳис-туйғулар ва мушоҳадалар билан тасдиқлангандек бўлиши керак. Бировнинг қўлини чопилгани айтилса-ю, ўша қўл жойида турган бўлса, қанча ҳужжат-далил келтирилса ҳам улар қабул этилмайди.

البيّنة على المدّعي واليمين على من أنكر

75. **«Даъвогарга ҳужжат-далил, инкор қилганга қасам лозим!»**

Ушбу қоида саҳиҳ ҳадиси шариф матнидан олинган. Даъвогарнинг тарафи заиф бўлиб, унга кучли ҳужжат – далил керак бўлади. Жавобгар эса аслида мажбуриятлардан покдир, унга заиф ҳужжат – қасам ҳам кифоя қилаверади.

البيّنة لإثبات خلاف الظاهر واليمين لإبقاء الأصل

76. **«Ҳужжат-далил зоҳирнинг аксини исботлаш учун, қасам эса асл нарсани ўз ўрнида қолдириш учундир!»**

Зоҳирнинг (барчага маълум нарса) хилофини тасдиқлаш учун ҳужжат талаб қилинади. Аслида бор нарсани ўз ўрнида қолдириш учун эса қасам ичдирилади.

البيّنة حجّة متعدّية والإقرار حجّة قاصرة

77. **«Далил келтириш** (бошқага ҳам) **таъсир этувчи ҳужжатдир, иқрор эса** (фақат ўзига тегишли бўлган) **қосир ҳужжатдир!»**

Ҳужжат биров учун ҳам кўрсатилиши мумкин, иқрор эса фақат ўзи учун бўла олади. Мисол: даъвогарнинг даъвоси бўлмаса ҳам ёки жанжал бўлмаса ҳам иқрор дуруст бўлади.

المرء مؤاخذ بإقراره

78. **«Инсон ўз иқрори сабабли жазога тортилади!»**

Иқрор қилувчи кимса оқилу болиғ бўлиши шарт ва иқрор ўз ихтиёри ила бўлмоғи керак. Шу шартлар топилса, унинг иқрорига биноан уни жазога мустаҳиқ қилинади. Ёш боланинг ва жиннининг иқрори қабул қилинмайди. Ақлан ва

шаръан муҳол (имконсиз) бўлган нарсани иқрор қилса, иқрори бекордир.

لا حجّة مع التناقض ولكن لا يختلّ معه حكم الحاكم

79. **«Қарама-қаршилик бўлган ўринда ҳужжат бўлмайди, лекин у билан ҳокимнинг ҳукмига халал етмайди!»**

Гувоҳлар ўз гувоҳликларига қарши гап айтсалар, масалан, гувоҳликларидан қайтсалар, бу билан ҳукм қилинмайди. Бироқ қози ўз ҳукмини чиқарганидан сўнг гувоҳлар сўзларидан қайтсалар, у эътиборга олинмайди, аммо улар жавобгарга товон тўлайдилар. Мисоллар: 1) биров бир ҳовлини ижарага олганини айтса-ю, сўнг уни ўз мулки эканини даъво қилса, даъвоси қабул қилинмайди. Бироқ уни ижарага олганимдан сўнг сотиб олган эдим деса, ҳужжат талаб қилинади; 2) гувоҳлар ўз гувоҳликларидан қайтсалар, агар ҳоким-қозининг мажлисида қайтсалар ҳам, ундан кейин ташқарида қайтсалар ҳам гаплари тингланмайди.

قد يثبت الفرع مع عدم ثبوت الأصل

80. **«Гоҳида асл нарса собит бўлмаса ҳам унинг фаръи собит бўлаверади!»**

Фаръисиз асл бўлишига мисол шуки, кафили бўлмаса ҳам қарздор бўлиш мумкин. Гоҳида эса асл нарса бўлмаса ҳам унинг фаръи топилиши мумкин. Мисоллар: 1) биров: «Фалончига мен кафилман» деган бўлса, ўша фалончи олган қарзини инкор қилса, қарз берган одам кафилга мурожаат қилса, кафилга уни адо этиш лозим бўлади; 2) эр хулуънинг бадалига талоқни даъво қилса, хотин уни инкор этган бўлса ҳам талоқ бўлган ҳисобланади, хулуъ эвазига мол лозим бўлмайди; 3) икки хотинининг биттасига талоқ тушгани борасида шубҳа пайдо бўлса, кейин бир хотини вафот қилиб қолса, тирик қолганга талоқ тушган деб ҳисобланади. Эрнинг: «Мен ўлган хотинимнинг талоқ бўлишини истаган

эдим», деган гапи инобатга олинмайди, бироқ шу гапи сабабли эр меросдан маҳрум бўлади.

المعلق بالشرط يجب ثبوته عند ثبوت الشرط

81. **«Шартга боғланган нарса шарт пайдо бўлиши биланоқ юзага чиқиши вожиб бўлади!»**

Мисоллар: 1) «Фалончи келса, хотиним талоқ!», деса, ўша фалончи келиши биланоқ хотини талоқ бўлади; 2) «Фалон ишни қилсам, зиёфат бераман!» деган одам ўша ишни қилганидан сўнг зиёфат бериши лозим бўлади.

يلزم مراعاة الشرط بقدر الإمكان

82. **«Имкон қадар шартга риоя қилиш лозим бўлади!»**

Бирор нарсага шартлашилган бўлса, ўша шарт шаръан жоиз амал бўлса, унга қўлдан келганча амал қилиш вожиб ҳисобланади. Шаръан ножоиз саналадиган шартномаларга эса амал қилинмасдан, унинг ножоизлигини билинган заҳоти тўхтатиш зарурдир.

المواعد بصور التعليق تكون لازمة

83. **«Таълиқ суратидаги ваъдалар лозим бўлади!»**

Бирор нарсага боғлиқ ҳолда қилинган ваъдаларга вафо қилиш лозим бўлади. Мисоллар: 1) «Мана бу нарсани фалончига сотавер, агар у пулини бермаса, мен бераман» дейилса, ушбу гапга ишониб, нарса сотилганидан сўнг ўша фалончи пулини бермаса, ваъда қилган кимса пулини бериши лозим бўлади; 2) «Фалончи қарзини бермаса, мен бераман», деган ваъда берилса, агар ўша фалончи қарзини бермаса, ваъдага мувофиқ қарз тўланиши керак.

الخراج بالضمان

84. **«Фойда зоминликнинг муқобилидадир!»**

Масалан, ҳовлини ижарага олган одам ҳовлини таъмирлайдиган бўлса, ижара ҳақидан камайтириши мумкин.

الأجر والضمان لا يجتمعان

85. **«Ижара ҳақи ва товон пуллари бирга жамланмайди!»**

Мисоллар: 1) биров эшакка юк ортишга келишиб, ижарага олса, унга келишилган миқдордан кўпроқ юк ортиб эшакни ўлдириб қўйса, эшакнинг қийматини тўлайди, ижара ҳақини тўламайди; 2) машинани ижарага олиб миниб юрган одам уни авария қилиб ёки ёндириб юбориб, мутлақо яроқсиз ҳолга келтириб қўйса, машинани тўлаб беради, ижара пулини тўламайди.

الغُرم بالغنم

86. **«Зоминлик манфаатнинг муқобилида бўлади!»**

Зоминлик қўлга киритилган фойдага мувофиқ белгиланади. Ким қанча фойда олса, шунга қараб тўловни амалга оширади.

Мисоллар: 1) тарозибон, ҳаммол кабиларнинг ҳақи шериклар орасида тенг тақсимланади ёки шериклик нисбатига кўра тақсимланади. Чунки фойда уларга оиддир; 2) савдо ҳужжатлари, эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш йўлидаги ҳақларни харидор – сотиб олувчи тўлайди. Масалан, бирор кўчмас мулкни сотиб олаётган одам уни расмийлаштириш учун кетадиган ҳақларни ўзи тўлайди.

النعمة بقدر النقمة والنقمة بقدر النعمة

87. **«Неъмат офат миқдори билан, офат эса неъмат миқдори ила ўлчанади!»**

Мазкур қоида юқоридаги икки қоиданинг такроридан иборат. Зарарга қараб фойда, фойдага қараб зарар белгиланиши ушбу қоидада ўз аксини топган.

يضاف الفعل الى الفاعل لا الى الآمر ما لم يكن مجبرا

88. **«Модомики мажбур қилмаган бўлмаса феълнинг нисбати қилувчига берилади, буюрувчига берилмайди!»**

Бирорта ишни уни бажарувчи қилган, деб ҳукм қилинади. Уни буюрган қилган, деб ҳукм қилинмайди. Агар бажарувчини мажбур қилмаган бўлса, буюрувчи у ишни қилмаган ҳисобланади. Агар буюрувчи уни мажбур қилган бўлса, у ҳолда айбдор буюрувчи бўлади. Масалан, биров бир инсонни “фалончининг мол-мулкини талафотга етказ”, ёки “фалончини уриб майиб қил” ёки “ўлдир”, деб буюрган бўлса, ўша ишни қилувчи айбдор бўлади, у товон тўлайди ёки қасос ундан олинади. Ишни буюрган кимса айбдор бўлмайди. Чунки ишни қилувчининг ақли-ҳуши бор. Ким нима буюрса, қилиб кетавериши керак эмас. Агар буюрувчи уни зўрлаган, мажбур қилган бўлсагина буюрувчи айбдор бўлади.

اذا اجتمع المباشر والمتسبب يضاف الحكم الى المباشر

89. **«Агар ишда бажарувчи ва унга сабаб бўлувчи жам бўлсалар, ҳукмнинг нисбати ишни қилувчисига берилади!»**

Бирор ишнинг ва ҳодисанинг юз беришига биров сабабчи бўлса, бироқ ўша ишни бошқа биров қилса, қилган одам айбдор ҳисобланади. Ишга ёки ҳодисага сабабчи бўлган кимса айбдор бўлмайди. Бу қоида аввалги қоиданинг аниқлаштирилган варианти.

Мисоллар: 1) бир одам омма ўтадиган йўлга расмий рухсат олмасдан чуқур қазиб қўйибди. Ўша чуқурга биров бошқа бировни итариб юборди. Чуқурга тушиб кетган кимса ўлиб қолди. Шунда айбдор уни итарган кимса бўлади, чуқур қазиган одам эмас. Агар бирорта ҳайвоннинг оёғи тойиб, чуқурга тушиб ўлса ёки майиб бўлса, товонни рухсатсиз чуқур қазиган одам тўлайди; 2) биров ақли бор болага пичоқни ушлаб туришга берса, у пичоқ билан ўзини ўлдирса, берган одам айбдор ҳисобланмайди. Бироқ пичоқ боланинг қўлидан тушиб, устига йиқилиб ўлса, пичоқни унга берган одам айбдор бўлади; 3) бирор одам ўғрига бировнинг мол-

мулки қаерда турганини кўрсатса, ўғри ўша молни ўғирласа, товонни ўғри тўлайди, унинг қўли кесилади.

الجواز الشرعي ينافى الضمان

90. **«Шаръий жоизлик зоминликни ман қилади!»**

Шаръий жиҳатдан ёки расмий жиҳатдан жоиз саналган ишни (мубоҳ амални) қилиш сабабли товон тўланмайди.

Мисоллар: 1) бир одам ўз шахсий томорқасида чуқур қазиб қўйган бўлса, унга биров келиб тушиб кетиб ҳалок бўлса, томорқа эгаси айбдор саналмайди; 2) гаровда турган нарса гаровга олган одамнинг ихтиёрисиз ўша ҳалок бўлса, унга зомин бўлмайди; 3) омонат сақловчи берган одамнинг айтган жойида, келишилган ҳолатда сақлаётганида ўғри уриб кетса, уни тўлаб бермайди.

المباشر ضامن وان لم يتعمّد

91. **«Гарчи қасддан қилмаган бўлса ҳам иш бажарувчи зоминдир!»**

Ишни ўз ихтиёри ила қилгани боис у талафот етказишни қасд қилмаган бўлса ҳам, талафот етказилган нарсанинг товонини тўлаб беради.

Мисоллар: 1) бир киши бировнинг мол-мулкини ўзиники деб ўйлаб ишлатиб юборса, эгасига товонини тўлаб беради; 2) ухлаётган одам думалаб бировнинг нарсасини синдириб қўйса ҳам унинг товонини тўлайди; 3) ақли йўқ ёш бола бировнинг нарсасини бузиб қўйса ҳам унинг товонини тўлайди.

المتسبب لا يضمن الا بالتعمّد

92. **«Сабабкор товон тўламайди, фақат қасддан қилсагина товон тўлайди!"**

Зарарга сабаб бўлувчи товон тўламайди, балки товонни ўша зарарни бевосита етказган кимса тўлайди. Агар қасддан ўша зарарга сабабчи бўлса, товон тўлайди. Масалан, бола-

нинг қўлига қасддан пичоқ берса, бола ўзини ўлдириб қўйса; молни ёки бирор ҳайвонни ҳуркитиб, қувлаб юборса-ю, ўша ҳайвон қўшнининг экинини пайҳон қилса, пичоқни берувчи ёки ҳайвонни ҳуркитиб юборувчи товон тўлайди.

جناية العجماء جُبار

93. **“Тилсиз жониворнинг жинояти бекордир!”**

Мазкур қоида ҳам саҳиҳ ҳадиси шариф матнидан олинган. Агар жонивор бирор кимсага оёқлари билан зарар етказса ёки экинни пайҳон қилса, унга ҳукм қилинмайди, унинг эгаси товон тўламайди. Бироқ уни ҳайдаб бораётган, эгаси қасддан шу ишни қилса, унда товон тўлайди. Агар жонивор бирор нарсага талафот етказаётганини унинг эгаси кўриб қолса-ю, уни бу ишдан қайтармаса ҳам товон тўлайди. Агар икки кимса молларини бир жойга боғласалар, улар бир-бирларини сузиб ёки арқонларига ўралиб, бир-бирини ўлдириб қўйсалар, товон тўланмайди.

الأمر بالتصرّف في ملك الغير باطل

94. **“Бошқанинг мулкидаги тасарруф борасидаги буйруқ ботил-пучдир!”**

Бошқанинг мулкини тасарруф қилиш ботил бўлиб, ҳеч қандай ҳукм амалга оширилмайди. Яъни, масалан, бировнинг молини унинг рухсатисиз сотиб юборилса, ўша мол сотилмаган, деб ҳисобланади.

لا يجوز لأحد أن يتصرف فى ملك الغير بلا إذنه

95. **«Бошқа бировнинг мулкини унинг ижозатисиз тасарруф қилиш ҳеч кимга жоиз бўлмайди!»**

Бу қоида юқоридаги қоиданинг кенгайтирилган варианти. Ижозат аниқ сўз билан бўлиши мумкин ёки далолат ва ишора қилинган бўлиши мумкин. Бундай ижозат берилган бўлса, товон тўланмайди. Акс ҳолда, ижозатсиз бирор иш амалга оширилса, ўшанга жавобгар бўлади.

لا يجوز لأحد أن يأخذ مال أحد بلا سبب شرعي

96. **«Бировнинг молини шаръий сабабсиз олиш ҳеч кимга жоиз бўлмайди!»**

Бировнинг молини, хоҳ бегона бўлсин, хоҳ ўз қариндоши (ота-онаси, фарзанди, эри) бўлсин, унинг рухсатисиз ёки шаръий сабабсиз жиддий ёки ҳазиллашиб ҳам олиш жоиз эмас. Шаръий сабабга масалан, хотинига эри нафақа тўламасдан қочиб кетган бўлса, хотини қози рухсати билан эрининг мол-мулкидан нафақасига ишлатиб туриши киради. Қозининг рухсатини олмаган бўлса, эрининг рухсатисиз унинг мол-мулкидан ишлатолмайди.

تبدل سبب الملك قائم مقام تبدل الذات

97. **«Мулк сабабининг ўзгариши зот ўзгаришининг ўрнига ўтади!»**

Мисоллар: 1) агар бировдан бир нарса сотиб олган кимса уни бошқага сотди. Шунда сотилган нарсанинг биринчи сотувчиси қўлида бўлган вақтдаги айби маълум бўлиб қолди. Бу айб учун сотилган нарса биринчи сотувчисига қайтарилмайди, балки иккинчи сотувчи товон тўлайди; 2) биров бошқа бировга бир нарсани совға қилди. Сўнг ўша нарсани ўзи сотиб олди. Сотиб олувчи: «Мен бу нарсани сенга совға қилиб берган эдим, совғамни қайтариб олаяпман», деб пулини бермаслиги мумкин эмас.

من استعجل الشئ قبل آوانه عُوقب بحرمانه

98. **«Кимки бирор нарсани ўз вақтидан олдин шошилиб қилса, ундан маҳрум қилиш билан жазо берилади!»**

Мисоллар: 1) хотинига мерос тегмасликни кўзлаб, ўлим тўшагида ётганида хотинини талоқ қилса, хотинига мерос берилади; 2) хотин эрини ёқтирмагани боис, ундан ажралишни кўзлаб, диндан қайтиб (муртад) бўлса ҳам, эридан ажратилмайди ва бошқага турмушга чиқишга рухсат берилмайди.

من سعى في نقض ما تمّ من جهته فسعيه مردود عليه

99. **«Кимки ўзи томонидан тугал бўлган нарсани бузишга ҳаракат қилса, унинг саъй-ҳаракати рад қилинади!»**

Биров ўз ихтиёри ила бирор ишни тугал қилса, тўлиқ адо қилса, сўнг уни ўзи бузишга ҳаракат қилса, унга рухсат берилмайди. Мисоллар: 1) биров қайсидир ишга ўзи иқрор бўлса, сўнг бу иқрори хато эканини айтса, энди гапи тингланмайди; 2) биров мерос мулкни тақсимлашга ўзи ҳаракат қилса, тақсимлангандан кейин ушбу мол-мулк фақат ўзига тегишли эканини айтса, даъвоси-гапи эшитилмайди; 3) хотинини талоқ қилган кимсанинг: «Мен хотинимни талоқ қилмоқчи эмас эдим», деган гапига қулоқ солинмайди; 4) биров халққа фойдали нарса ихтиро қилса ёки бино қурса ва уни халқ учун қилганини айтса, ундан сўнг ўша ихтиросини бузишга ёки биносини вайрон қилишга рухсат берилмайди.

Юқорида мисоллари ва айрим кичик изоҳлари билан келтирилган фиқҳий қоидалар “Мажаллатул аҳкомил адлия”да қайд қилинган. Ҳанафий мазҳабида улардан ташқари ҳам кўплаб фиқҳий қоидалар мавжудлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Шулардан айримлари қуйидагилардир.

1. Кейинги ижозат ўтган ваколат кабидир.

2. Нарсаларнинг асли мубоҳликдир.

3. Битимлардаги асл нарса битим тузувчиларнинг розилигидир. Унинг натижаси эса шартномада кўрсатилган нарсага кўра бўлади.

4. Ишончли одамнинг сўзи қасами билан ҳам тасдиқ қилинади.

5. Қозининг буйруғи билан қилинган тасарруф мулк эгасининг кўрсатмаси билан қилингандек бўлади.

6. Ботил ижозатни қабул қилмайди.

7. Исломий юртларда шаръий ҳукмларни билмаслик узр ҳисобланмайди.

8. Қозининг хатоси давлат мулкидан қопланади.

9. Хиёнат бўлинмайди.

10. Шариатнинг асосий қоидаларига хилоф бўлган барча шартлар ботилдир.

11. Ҳар бир молик ўз қўли остидагиларга нафақа бериши лозимдир.

12. Бировнинг изнисиз унинг ҳақини адо қилиб юбориши ўзича қилинган садақадир.

13. Бировнинг қўлидаги нарса фақатгина ҳақиқий исботланган даъво билангина олиниши мумкин.

14. Адоси вожиб бўлган нарсанинг вафоси ҳам вожиб бўлади.

15. Вакил билан асил бир шахс кабидир.

16. Ишончли одамнинг гапи далил-ҳужжатсиз ҳам эътиборга олинади.

17. Бир жинсдаги мақсади бир бўлган икки иш бир-бирига киритилади.

18. Ижмога мухолиф ишга қилинган ҳукм инобатга олинмайди.

19. Мажбурланган одамнинг иқрори бекордир.

20. Гумоннинг ғолиби эҳтиёткорлик вақтида аниқлик ўрнидадир.

21. Қасамлар зоҳирдаги талаффузга боғлиқ бўлади.

22. Урфга асосланган ҳукм нассга асосланган каби бўлади, лекин далил бор жойда урф эътиборга олинмайди.

23. Умумий урф эътиборга олинади, махсус (хос) урф эмас.

24. Ҳадлар (жазолар) шубҳалар ила соқит қилинади.

25. Вақф қилувчининг шартига шариат ҳукми каби амал қилинади.

26. Ҳар бир қарз манфаат келтирса, у рибодир.

27. Имкони борича мусулмоннинг куфрига фатво берилмайди.

28. Бажариш ҳаром бўлган нарсани талаб қилиш ҳам ҳаром.

29. Мутлақ далилга (мутлақлиги) кўра, муқайяд далилга қайдига кўра амал қилинади!

30. Кимки бир ишни қилган ёки қилмагани борасида шубҳага борса, қилмаган деб ҳукм этилади.

31. Фарзанд дин юзасидан отасига, озодлик борасида онасига эргашади.

32. Зоминлик ўзига ўхшаши билан бўлади.

33. Бадалнинг ҳукми алмаштирилганнинг ҳукмини олади.

34. Банданинг ҳақи шариат ҳақидан муқаддам қилинади.

35. Асл собит бўлмаса ҳам фаръ собит бўлиши мумкин.

36. Олувчининг гапи олинган нарсанинг миқдорича бўлади.

37. Шартсиз бериш ва тарк қилиш жоиз бўлган ҳар бир нарса шарт билан лозим бўлади.

38. Золимнинг илдизига ҳақ берилмайди.

39. Бир неча шартлар билан юзага келган шартнома битта шартнинг топилмагани сабабли бутунлай бекор қилинади.

40. Ҳукм ўз иллати (сабаби) атрофида айланади.

41. Юқоридаги фиққий қоидаларни яхши ўзлаштириш билан мусулмоннинг фиққий салоҳиятини оширади, шариат ҳукмларини чуқур ва теран англашга ёрдам беради. Бутун бошли фиққни фиққий манбаларни осонлик билан ўзлаштиришига боис бўлади. Демак, толиби илмлар, илмга қизиқувчилар мазкур қоидаларни ўзлаштириши, ўрганиши муҳим илмий талаблардан биридир.

ТЎРТ НАФАР АБОДИЛА

Саҳобалар ичида 300 нафарга яқин Абдуллоҳ исмли шахслар бўлиб, фиқҳ соҳасида машҳур бўлган тўрт нафар Абдуллоҳни “ал-Абодила ал-арбаа” номи билан юритилади. Улар ҳанафий олимлар фикри бўйича қуйидагилардир[324]:

1. Абдуллоҳ ибн Зубайр (622–692);
2. Абдуллоҳ ибн Умар (612–693);
3. Абдуллоҳ ибн Аббос (619–686);
4. Абдуллоҳ ибн Масъуд (590–653).

[324] Мулло Жеван Ҳиндий Ҳанафий. Нурул анвор би Қамарил ақмор. – Ҳиндистон: “Алавий”, 1322. – Б. 150; Абдулҳай Лакнавий. Муқаддимату Умдатир риоя”. – Лакнау: “Юсуфий”, 1327. – Б. 17–18.

Муҳаддис олимлар назарида эса Абодилаларнинг охиргиси Абдуллоҳ ибн Масъуд эмас, балки Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (616–684)дир.

Абодиланинг фикри сифатида бир масала айтилса, демак, уларнинг иттифоқлари билан чиқарилган фатво назарда тутилган бўлади.

ЕТТИ НАФАР ФАҚИҲ САҲОБА

Саҳобаларнинг умумий сони ҳақида тадқиқотчилар фикр билдирганлар. Улар 30 минг нафардан 90 минг нафаргача дейилган бўлса-да, барчалари фиқҳий салоҳиятда тенг бўлмаганлар. Фатво бериш билан шуғулланган ёки фавто берган саҳобалар сони 140 нафар атрофида, холос. Улар тўрт нарсани – имоматчилик, омонат сақлаш, маслаҳат ва насиҳат қилиш ҳамда фатво беришни бир-бирларига ҳавола қилишни одат қилган эдилар. Абдурраҳмон ибн Абу Лайло (693–765): “Бу масжидда бир юз йигирма нафар саҳоба билан учрашганман. Уларнинг ҳар қайсисидан бирор ҳадис ёки фатво сўралса, уни биродари яхши билишини айтиб, унга юборар эди”, деган эди. Бинобарин, саҳобаларнинг етти нафари энг кўп фатво берган, фатволари жамланган. Масалан, Абу Бакр Муҳаммад ибн Мусо ибн Яъқуб ибн Маъмун Ҳошимий (IX аср) саҳоба Абдуллоҳ ибн Аббоснинг фатволарини йигирма жилдли китобда тўплаган.

Энг машҳур етти нафар фақиҳ саҳобалар қуйидагилардир:

1. Умар ибн Хаттоб (585–644);
2. Абдуллоҳ ибн Масъуд (590–653);
3. Али ибн Абу Толиб (600–661);
4. Абдуллоҳ ибн Умар (612–693);
5. Ойша бинти Абу Бакр Сиддиқ (613–678);
6. Зайд ибн Собит (615–665);
7. Абдуллоҳ ибн Аббос (619–686).

Саҳобалар берган фатвоси миқдорига қараб, кўп фатво берувчилар, ўртача фатво берувчилар ва оз фатво берувчилар сифатида тақсимлаб ўрганилади. Ўртача фатво берувчилардан саҳоба Абу Ҳурайранинг (602–679) фатвола-

рини Шайхул Ислом Тақийуддин Субкий (1284–1355) тўплаб, бир рисола тузган.

МАДИНАНИНГ ЕТТИ БУЮК ФАҚИҲИ

Мадинаи мунавварада саҳоба ва тобеинлар даврида етти нафар фақиҳ ўзларининг фиқҳий билимлари, фиқҳ соҳасидаги маҳоратлари ва фатволари билан ажралиб турганлар. Шунинг учун уларни “Фуқаҳои сабъа” деб юритилади. Улар қуйидагилардир:

Саид ибн Мусайяб ибн Ҳазн Абу Муҳаммад Махзумий Қураший (636–713). Отасининг исмини Мусаййиб ҳам дейилган. У тобеин бўлиб, саҳобаларнинг энг улуғларидан сабоқ олган, ўзининг тақвоси ва билими билан ўша даврда танилган энг машҳур фақиҳдир.

Абу Абдуллоҳ Урва ибн Зубайр ибн Аввом Асадий Қураший (643–712). Тобеинларнинг улуғларидан бири, саховатли кимса бўлган. Фитналарга аралашмасдан, бир муддат Басрада сўнг етти йил Мисрда яшаган. Умрининг охирида Мадинага қайтиб келган.

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд Ҳузалий (ваф. 98/716). Мадина муфтийси бўлган бу зот умавийлар халифаси Умар ибн Абдулазизнинг (681–720) тарбиячиларидан бири эди. Ҳадисшуносликда ишончли ровий, деб топилган, умрининг охирида кўзи кўр бўлиб қолган. Басрада вафот этган.

Абу Зайд Хорижа ибн Зайд ибн Собит ибн Заҳҳок Ансорий (650–717). Бани Нажжор қабиласидан, тобеинлардан бири. Усмон ибн Аффон (577–656) даврида туғилиб-ўсган. Ҳадис ривоятида ҳам ишончли.

Сулаймон ибн Ясор Ҳилолий Маданий (654–725). Мўминлар онаси Маймуна (розияллоҳу анҳо)нинг хизматкорларидан бири. Усмон ибн Аффон (577–656) даврида туғилган, Саид ибн Мусаййиб (636–713) уни ўзидан кўра олимроқ эканини эътироф қилган. Отаси форслардан бўлган, ҳадис ривоятида ҳам ишончли.

Абу Муҳаммад Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ (657–725). Ишончли фақиҳ, ўзининг парҳезкорлиги билан ҳам танилган тобеинларнинг улуғларидан бири. Ҳаж зиёратига боришда Қадийд деган жойда вафот қилган. Умри охирларида кўзлари кўрмай қолган.

Мадинанинг етти буюк фақиҳларидан ушбу олти нафари иттифоқ билан белгиланган бўлиб, еттинчиси ҳақида уч хил қараш бор[325].

1. Абу Бакр ибн Абдурраҳмон ибн Ҳорис ибн Ҳишом ибн Муғира Махзумий Қураший (ваф. 94/713). Ибодатни кўп қилганлиги сабабли унга "Қурайш роҳиби" дер эдилар. Кўзи кўр бўлган. Куняси билан танилгани учун исми номаълумлигича қолган. Умар ибн Хаттоб (584–644) даврида туғилиб-ўсган.

2. Абу Салама ибн Абдурраҳмон ибн Авф Зуҳрий Маданий (655–722). Тобеинларнинг улуғларидан, Мадинада қози бўлган. Исми аниқ эмас, Абдуллоҳ, Исмоил, деганлар ҳам бор. Баъзилар уни 94/713 йили вафот этган, деганлар. Унинг еттинчи фақиҳ эканини муҳаддис ал-Ҳоким (933–1014) таъкидлаган.

3. Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб (ваф. 106/725). Тобеинларнинг улуғларидан бири, ҳадис ривоятида ҳам ишончли. Бир мажлисда умавий халифалардан Сулаймон ибн Абдулмалик (715–717) уни ҳурмат қилиб ўз тахтига ўтқазган эди. Унинг Мадинанинг еттинчи фақиҳи эканини Абдуллоҳ ибн Муборак (737–797) айтган.

Камолиддин Муҳаммад Дамирий (1341–1405) "Ҳаётул ҳайвон" асарида: мазкур етти нафар Мадинанинг буюк фақиҳлари исмларини бир қоғозга ёзиб, буғдой ва шунга ўхшаш донларнинг ичига солиб қўйилса, уларга қурт, куя, мита тушмайди; агар уларнинг номларини ёзиб, оғриётган бошга осилса ёки ўқиб дам солинса, бош оғриғи кетади", деган[326].

[325] Абдулҳай Лакнавий. Муқаддимату Умдатир риоя. – Лакнау: "Юсуфий", 1327. – Б. 42.
[326] Камолиддин Дамирий. Ҳаётул-ҳайвон таржимаси. II жилд. – Қозон, 1900. – Б. 93.

ЎН ТЎРТ НАФАР ҚОЗИ

Абу Ҳанифа Имом Аъзамнинг шогирдлари ичида ўн тўрт нафари қозул қузот ва оддий қозилар бўлганлар. Ҳанафий мазҳабининг ривожланиши ва тарқалишида мана шу қозиларнинг ҳиссаси катта бўлгани шубҳасиз. Улар қуйидагилардир:

1. Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Ансорий (731–798). У 166/782 йилдан бошлаб Бағдодда ўн олти йил бош қози бўлиб турган. У ислом тарихида илк қозул қузот бўлган ҳанафий олимидир.

2. Асад ибн Амр ибн Омир ибн Абдуллоҳ Қушайрий Бужалий (ваф. 188/804). Абу Ҳанифага илк бор устоз дея мактуб ёзган ҳанафий олими. Восит шаҳрида бир муддат қози бўлган, Абу Юсуфдан сўнг Бағдод қозилигини эгаллаган. Ҳорун Рашид (786–809) билан биргаликда ҳаж зиёратига борган.

3. Ҳасан ибн Зиёд Луълуъий Куфий (ваф. 204/819). У 194/809 йилда Куфага қози этиб сайланган, лекин озгина муддат ишлаб, истеъфога чиққан.

4) Абу Исмат Нуҳ ибн Зайд ибн Жаъуна Марвазий (ваф. 173/790). Халифа Мансур (754–775) даврида Марвга қози этиб тайинланган. Узоқ муддат қозилик қилган, у қози этиб сайланганидан сўнг Абу Ҳанифа унга ваъз-насиҳатлар қилиб мактуб йўллаган.

5. Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Дуррож Нахаъий Куфий (ваф. 182/799). Куфада уч йилча, кейин Бағдодда қозилик қилган Имом Абу Ҳанифа шогирдларидан бири. Унинг тўрт ўғли бўлган, тўртови ҳам қозилик қилган.

6. Офия ибн Язид Авдий (ваф. 170/787). Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг эътиборли шогирдларидан бири. Бағдодда қозул аскар бўлган. Абу Абдурраҳмон Насоий (830–915) уни: “ҳадис ривоятида ишончли”, деган.

7. Али ибн Забён Абасий (ваф. 192/808). Қармисин деган жойда вафот этган Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг бу шо-

гирди асли куфалик бўлиб, Бағдодда етти йилча қозул қузот бўлган.

8. Али ибн Ҳармала Куфий (ваф. 199/815). Бағдодда Ҳорун Рашид (786–809) даврида қозул қузот бўлган. Аввал Абу Ҳанифа, кейин Абу Юсуфдан сабоқ олган.

9. Абу Зайд Ҳаммод ибн Далил (VIII аср). Мадоин шаҳрида қозилик қилган. Ибн Ҳиббон (885–965) уни ишончли, деган, Абу Довуд эса ундан битта ҳадис ривоят қилган.

10. Абу Абдуллоҳ Қосим ибн Маън ибн Абдурраҳмон Ҳузалий Куфий (ваф. 175/792). Куфада қозилик қилган. Муҳаддислар уни "ишончли" деб, ундан ҳадислар ривоят қилганлар.

11. Яҳё ибн Закариё ибн Абу Зоида (738–800). У Ҳорун Рашид (786–809) даврида Мадинада қози бўлган, тўрт ойча Мадоинда ҳам қозилик қилган. У Куфада фиқҳ соҳасида биринчи китоб ёзган олим сифатида ҳам танилган.

Муаррих Абдулқодир ибн Абул Вафо Қураший (1297–1373) ўз асарида "Ўн икки нафар қози" дея мана шу ўн бир нафарининг номини санаган, холос[327]. Лекин ўз вақтида Абу Ҳанифадан дарс олиб, унинг мазҳабига амал қиладиган, кейинчалик қозилик вазифаларида ишлаган қуйидаги олимлар ҳам бўлгани маълум:

1. Абу Ҳонеъ Нўъмон ибн Абдуссалом ибн Ҳабиб Тамимий Найсобурий (ваф. 183/800). Исфаҳонда бир муддат қози бўлган. Абу Ҳанифа, Суфён Саврий (716–778) ҳамда Зуфардан (728–775) таълим олган.

2. Абу Али Умар (Амр) ибн Маймун ибн Баҳр Балхий (ваф. 171/788). Балхда йигирма йилдан кўпроқ қози бўлган. Унинг ўғли ҳам Нишопурда қозилик қилган. Муҳаммад ибн Исо Термизий (824–892) ундан битта ҳадис ривоят қилган.

3. Абдулазиз ибн Холид ибн Зиёд Термизий (VIII аср). Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирдларидан бири, Термизда бир муддат қозилик қилган. Ишончли ровий сифатида Муҳаммад ибн Исо Термизий (824–892) ва Абу Абдурраҳмон Насоий (830–915) ундан ҳадис ривоят қилганлар.

[327] Абдулқодир ибн Абилвафо Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музиъа фий табақот ал-ҳанафийя / Таҳқиқ Муҳаммад Абдуллоҳ Шариф. – Байрут: Дорул-кутубил илмийя", 2005. – Б. 147.

БУХОРОНИНГ ЕТТИ БУЮК ҚОЗИСИ

Бухорода қозикалонлик қилиб донг таратган, ўзларининг илму маърифати, тақвоси, парҳезкорлиги ва адолати билан бошқа қозилардан ажралиб турган етти нафар қози ўтгани маълум. Улар қозилик ишларида ноҳақликка йўл қўймагани, халқ орасида ўзларининг обрўси ила танилганлар. Мазкур етти нафар қози турли даврларда ўтган бўлса-да, бироқ қабрлари бир жойда – Бухородаги “Чор Бакр” мажмуасининг шарқий тарафида унга яқин масофада бўлган. Ушбу қабристон халқ орасида “Мазороти қузоти сабъа” етти қози мозори номи билан шуҳрат топган, одамлар у ерда дуолар мустажоб бўлишига ишонганлар. Бухоронинг ушбу етти нафар қозиси қуйидагилардир[328]:

Абу Зайд Убайдуллоҳ (Абдуллоҳ) ибн Умар ибн Исо Дабусий Бухорий (978–1039). У хилоф илмининг асосчиси, ўзининг “Таъсисун назар” ва “Тақвимул адилла” каби асарлари билан шуҳрат қозонган.

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр (Умар) ибн Сулаймон Шуъабий (Шаъбий) Уструшаний (ваф. 400/1010 ёки 404/1013). У Абу Зайд Дабусий (978–1039) ва Шамсул аимма Ҳалованийнинг (ваф. 456/1063) устози сифатида зикр этилади. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мўйи мубораклари унинг мақбарасида узоқ вақт сақланиб келган экан. Абу Жаъфар Шуъабий Уструшанийнинг “Жомиул кабир” ва “Аз-Зиёдот”га ёзган шарҳлари ҳамда мустақил фиқҳий асари “Кифоятуш Шуъабий” номли китоби мавжуд.

Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Мустамлий Бухорий (ваф. 434/1043). У Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Яъқуб Калободийнинг (ваф. 384/994) шогирди бўлиб, устозининг тасаввуфга оид машҳур асари “Ат-Таарруф ли мазҳабит тасаввуф”ни шарҳлаган.

[328] Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий Муин ал-фуқаро. Тарихи Муллозода / Сўз боши, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, Б.Аминов. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2009. – Б. 64–66; Носириддин Ҳанафий Бухорий. Туҳфатуз зоирин. – Бухоро, 1910. – Б. 18; Ўша муаллиф. Ҳодий аз-зоирин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 2193/II. – В. 22[а].

Заҳириддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар Бухорий (ваф. 619/1222). У Бухорода қози ва муҳтасиб сифатида танилган. Яна “Фатовойи Заҳирия” ва “Ал-Фавоидуз заҳирийя”нинг муаллифи ҳисобланади.

“Туҳфатуз зоирин”да Заҳириддин Бухорийнинг отаси сифатида Аҳмад ибн Умар Шерозий номи билан келтирилади. Бизнингча, бу Аҳмад ибн Амр ибн Мусо ибн Абдуллоҳ Бухорийдир (тахминан ваф. 396/1006). У Абу Наср Ироқий нисбаси билан шуҳрат қозонган, Самарқанд ва Бухорода қозилик қилган.

Бадиъуддин Бухорий. Уни “Тарихи Муллозода”да Заҳириддин Бухорийнинг отаси сифатида келтирилади. У “Фатовойи Бадиъуддин” ёки “Фатовойи Бухоро” деб номланган асарнинг муаллифи.

“Туҳфатуз зоирин” ва “Тарихи Муллозода”да Қози Имом Завзан, деб келтирилган. Бизнингча, бу XIV асрда яшаган, Имодул Ислом лақаби билан танилган ҳанафий фақиҳи, Бухорода қозилик қилган Абдурраҳим ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Садидий Завзанийдир. У Абу Жаъфар Таҳовий (853–933)нинг “Шарҳу маониил осор” асарини ривоят қилиб, ўқитгани билан танилган. Шунингдек, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Сулаймон Завзаний (ваф. 370/980) ҳам бор. У Хуросон ва Мовароуннаҳрда адолатли қози бўлгани билан шуҳрат қозонган. Уни шофиъийлик мазҳаби вакили сифатида шофиъийлар табақот китобларида зикр этилади.

БИР ХИЛ ИСМЛИ ҲАНАФИЙ ВА ШОФИЪИЙ ФАҚИҲЛАР

Фахриддин Розий. Бу номдаги ҳанафий ва шофиъий олими бор. Ҳанафийси Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассос (918–981) бўлиб, “Аҳкомул Қуръон” (Қуръон ҳукмлари) асарининг муаллифи. Шунингдек, Фахриддин Розий номи билан яна бир ҳанафий олими – Абул Фазоил Муҳаммад ибн Умар (ваф. 656/1258) бўлгани маълум. Шофиъий олими Фах-

риддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳасан Қураший Бакрий Табаристоний Розий Хоразмий Шофиъий (1150–1210) эса анча машҳурроқ.

Заъфароний. Бу нисба билан икки нафар ҳанафий олими танилган: 1) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдус (ваф. 394/1004) бўлиб, ҳанафий мазҳаби олимларидан; 2) Ҳасан ибн Аҳмад ибн Молик Абу Абдуллоҳ Заъфароний ишончли таниқли ҳанафийлардан. Имом Муҳаммаднинг "Ал-Жомеъ ас-сағир" асарини қайтадан чиройли тарзда тартиб берган. Унинг яна "Китобул Узоҳий" номли асари бўлган. Шофиъийси эса Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Сабоҳ (ваф. 249/864) бўлиб, ҳадис ривоятида ишончли одам сифатида танилган. Ундан муҳаддислар Абу Довуд (817–889) ва Термизий (824–892) ҳадис ривоят қилганлар.

Шоший. Бу нисба билан ҳанафий ва шофиъий олими шуҳрат топган. Булар Мударрис Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Ҳанафий (ваф. 344/955) ва Ҳазрати Имом Қаффол Шоший Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Шофиъийдир (904–976).

Байҳақий. Бу нисба билан ҳанафий ва шофиъий фақиҳлари танилган. Абул Қосим Исмоил ибн Ҳусайн (Ҳасан) ибн Абдуллоҳ Байҳақий (939–1011) ҳанафий мазҳабли фақиҳ. Абул Қосим Байҳақийнинг "Ал-Кифоятул фуқаҳо", "Ал-Хилофиёт", "Ал-Мужаррад фил фуруъ" (Шохобчадаги бошланғич) каби асарлари ва Муҳаммад Шайбонийнинг "Ал-Асл" ҳамда "Аз-Зиёдот" масалаларини жамълаб ёзган "Аш-Шомил" каби асарлари бўлган. Машҳур ҳадис тўпламлари – катта-кичик "Сунан"лар соҳиби Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али Байҳақий (994–1066) шофиъий мазҳабли муҳаддисдир. У фиқҳда ҳам мужтаҳид даражасига етгани, манбаларда зикр этилади.

Ибн Хузайма. Бу нисба билан ҳанафий ва шофиъий фақиҳлари танилган. Ҳанафий фақиҳи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Хузайма Қалосий (ваф. 314/927) бўлиб, унинг "Ихтиёрот фил мазҳаб" (Мазҳабдаги ихтиёр қилинганлар) номли асари бўлган. Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма

(838–924) шофиъий мазҳаб фақиҳи ва муҳаддиси. Саҳиҳ ҳадислар тўпламидан ташқари 140 га яқин асарлар ёзган.

Каробисий. Бу нисба билан ҳанафий ва шофиъий фақиҳи машҳур бўлган. Абул Музаффар Жамолул Ислом Асъад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Каробисий Найсобурий (ваф. 570/1174) ҳанафий фақиҳи бўлиб, фиқҳда “Ал-Фуруқ” (Фарқлар) ва “Ал-Мужаз” (Қисқача) номли асарлари бўлган. Каробисий нисбали яна бир олим Шофиъийнинг шогирдларидан бўлиб, у Абу Али Ҳусайн ибн Алидир (ваф. 248/862).

Кархий. Абул Ҳасан Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн ибн Даллол Кархий (873–952) машҳур ҳанафий олими. Шофиъий фақиҳи эса Ибн Ратбий куняси ила шуҳрат қозонган бўлиб, у Аҳмад ибн Салома ибн Абдуллоҳ Кархийдир (1068–1133).

Имомул ҳарамайн. Бу лақаб билан гарчи Муҳаммад Ғаззолийнинг (1058–1111) устози Абул Маолий Абдулмалик Жувайний (1028–1085) шуҳрат қозонган бўлса-да, ҳанафийлардан Қози Абул Музаффар Юсуф ибн Иброҳим ибн Муҳаммад Журжоний ҳам танилган.

Ибнул Боқилоний. Ҳасан ибн Маолий ибн Масъуд (1172–1240) ҳанафий олими бўлса, Абу Бакр Муҳаммад ибн Таййиб (950–1013) эса шофиъий мазҳабли, ашъарий мутакаллимидир.

Сибғий. Бўёқчилик касби билан шуғулланган ҳанафий ва шофиъий мазҳабли икки нафар фақиҳ ўтган. Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Юсуф Самарқандий (ваф. 526/1132) ҳанафий фақиҳи бўлса, икки нафар шофиъий олими бор: улар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Найсобурий (ваф. 344/955) ва Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Айюб Найсобурий (872–957)дирлар.

Абдус Саййид. Бир неча ҳанафий фақиҳлари бор: Ибнуз Зайтуний куняси билан танилган Абдуссаййид ибн Али (ваф. 542/1148), Абдуссаййид Хатибий ва “Ал-Муғриб” соҳибининг отаси Абдус Саййид Хоразмий (XII аср) кабилар. Кўпроқ Ибнус Саббоғ куняси билан танилган бир нафар шофиъий фақиҳи бор: Абу Наср Абдуссаййид ибн Муҳаммад

ибн Абдулвоҳид (1010–1084) “Аш-Шомил” асарининг муаллифи.

БИР ХИЛ НОМДАГИ ҲАР ХИЛ МАЗҲАБ ФИҚҲИГА ОИД АСАРЛАР

“Ал-Жомиъ ал-кабир” ва “Ал-Жомиъ ас-сағир”. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг машҳур асарларининг номи. Шу номлар билан Муҳаммад ибн Идрис Шофиъийнинг шогирди Абу Иброҳим Исмоил ибн Яҳё Музаний (791–878) ҳам шофиъийлик фиқҳига оид асарлар битган.

“Уюнул масоил”. Бу номда ҳанафийлик ва шофиъийликда иккитадан асар ёзилган. Энг машҳури Абу Лайс Самарқандий (ваф. 393/1003) қаламига мансуб фатволар тўплами. Унга Алоуддин Усмандий Самарқандий (1096-1158) шарҳ битган. Яна бир шу номдаги асарни Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Аҳмад Балхий (ваф. 319/931) ёзган, у тўққиз жуз бўлган. Шофиъийликда эса Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Саҳл Форисий (ваф. 305/917) шу номда асар битган, уни Ибн Дақиқ Ийд (1228–1302) шарҳлаган. Яна бир шофиъий олимларидан Муҳйиддин Нававий (1233–1277) шу номда ўзининг фатво асарини тузган.

“Ал-Баҳр” ва “Ал-Васит” ва “Ал-Важиз”. Ҳанафийлик мазҳаби фиқҳига оид мазкур учта асарни Разиюддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Сарахсий (ваф. 571/1175) ёзган. Маълумки, муаллиф “Ал-Муҳит” китобининг ҳам муаллифидир. Мазкур учта номдаги асарни шофиъийлик мазҳабида уч нафар муаллиф тасниф қилган. Шофиъийликдаги ҳажми катта китоб “Ал-Баҳр” бўлиб, муаллифи Абдулвоҳид Рўёний (1025–1108) ҳисобланади. “Ал-Васит” эса Муҳаммад Ғаззолий (1058–1111) қаламига мансуб шофиъийлик мазҳаби фиқҳига оид асар. “Ал-Важиз” номли шофиъийликка асосланган асарни Абдулкарим Рофиъий (1162–1226) тасниф қилган. Ғаззолий (1058–1111)нинг ҳам шу номли асари бор.

“Аш-Шомил”. Абул Қосим Исмоил ибн Ҳусайн (Ҳасан) ибн Абдуллоҳ Байҳақий (939–1011) ҳанафий мазҳаб фақиҳи бўлиб, Муҳаммад Шайбонийнинг “Ал-Асл” ҳамда “Аз-Зиёдот” масалаларини жамлаб, “Аш-Шомил”ни ёзган. Ибн Саббоғ Абу Наср Абдус Саййид ибн Муҳаммад ибн Абдулвоҳид (1010–1084) эса шофиъийликдаги “Аш-Шомил” асарининг муаллифи. Моликийлик фиқҳидаги “Аш-Шомил”ни Баҳром ибн Абдуллоҳ Дамирий (1334–1402) битган.

“Ан-Ниҳоя”. Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Али Сиғноқий (ваф. 711/1311) шу номда Бурҳониддин Марғинонийнинг машҳур “Ал-Ҳидоя” асарига шарҳ битган. Мулла Араб Муҳаммад ибн Умар Ҳанафий (ваф. 938/1532) шу номда фиқҳга оид асар ёзган. Шофиъийликда Имомул ҳарамайн Абул Маолий Абдулмалик Жувайний (1028–1085), ҳанбалийликда эса Шарафуддин Абдурраҳмон ибн Разин Ғассоний (656/1258), моликийликда эса Абу Бакр Муҳаммад Тартуший (1059–1126) ўз мазҳабларида “Ан-Ниҳоя” номли китоблар битганлар.

“Аз-Захира”. Ҳанафийликда Бурҳонул аимма Маҳмуд Бухорий (ваф. 611/1215) “Захиратул фатово” ёки “Захиратул бурҳония” асарини тасниф қилган. Шу номда моликийликда Шаҳобиддин Аҳмад Қарофий (ваф. 684/1285) олти жилдли, шофиъийликда Абу Али Ҳасан Банданижий (ваф. 425/1034) “Аз-Захира” номли асарлар ёзганлар.

“Ал-Кофий”. Ҳанафий фиқҳида шу номда иккита китоб ёзилган бўлиб, муаллифлари Ҳокимуш шаҳид Марвазий (ваф. 334/945) ва Абул Баракот Ҳофизиддин Насафийдир(1232–1310). Ҳанбалийликда Муваффақуддин ибн Қудома (1146–1223), шофиъийликда иккита Зубайр ибн Аҳмад Зубайрий (ваф. 317/929) ва Абул фатҳ Наср Мақдисий (987–1096) асарлари, моликийликда Ибн Абдулбаррнинг (978–1071) асари ҳам шу номдадир.

“Ал-Ҳидоя”. Ҳанафийликда Бурҳониддин Марғинонийнинг (1123–1197) машҳур асари. Ҳанбалийликда Абул Хаттоб (1041–1116), шофиъийликда Абул Ҳасан Мансур Та-

мимий (ваф. 306/918) кабиларнинг фиқҳга оид “Ал-Ҳидоя” номли китоблари бор.

“Ал-Мунтақо”. Ҳокимуш шаҳид Марвазий (ваф. 334/945) ва Ибн Абдулҳаққ (1270–1344) ҳамда Мустафо Искадорийнинг (ваф. 1093/1682) ҳанафийлик фиқҳига оид шу номли асарлари бор. Моликийликда эса Абулвалид Божий (1012–1081), шофиъийликда эса беш жилдли Камолиддин Нашоий (1292–1356), ҳанбалийликда эса Ибн Таймия (1194–1254) кабиларнинг шу номли асарлари бор.

“Ал-Кифоя”. Ҳанафийликда Саййид Жалолиддин ибн Саййид Шамсиддин ибн Саййид Муртазо Гурланий Хоразмий (вафоти 768/1367) қаламига мансуб Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарига ёзилган ҳамда Абул Қосим Исмоил ибн Ҳусайн (Ҳасан) ибн Абдуллоҳ Байҳақий (939–1011) қаламига мансуб Қудурийнинг (972–1037) машҳур мухтасарига ёзилган шарҳлар номи. Шофиъийликда эса Муинуддин Жожурмий (ваф. 613/1216), ҳанбалийликда Абу Яълонинг (990–1066) шу номдаги асарлари мавжуд.

ФИҚҲГА ОИД БАЪЗИ СЎЗЛАРНИНГ БИР-БИРИДАН ФАРҚЛАРИ

Истеҳсон, истинбот, райъ. Истеҳсон – бирор нарсани далилга асосан яхши деб ҳисобламоқ. У равшан қиёсга хилоф бўлиб, ўта иқтидорли фақиҳгина оят ёки ҳадисдан далили борлигини сеза олади. Истинбот эса шаръий далилдан ҳар хил далолат ва эҳтимоллари орасидан бир ҳукмни танлаб олиб чиқариш. Райъ эса оятнинг ҳукми борасида фақиҳ қалбига келган ва шариатда мақбул саналган фикрий илҳомдир.

Фарз, вожиб. Фарз қатъий далил – Қуръон, ҳадис ва ижмодаги ҳужжат билан қилинган буйруқ. Вожиб эса фарзчалик қатъий бўлмаган ҳукм.

Ҳаром, макруҳ. Ҳаром қатъий далил билан қайтарилган буйруқ, макруҳ эса қатъий бўлмаган, лекин очиқ ва аниқ далил билан қайтарилган бўлади. Далилнинг қатъийлигига қараб эмас, балки унинг очиқ ва аниқлигининг кучига қараб “макруҳ” икки турга бўлинади.

Суннат, нафл. Суннат Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг доимий севиб бажарган ишига кўра шакллантирилган, нафл эса бир марта ихтиёрий қилинган амал. Суннатни тарк қилган инсон маломатга қолиши мумкин, нафлни бажармаган кимсага гуноҳ ва айб йўқ.

Ғусл, масҳ. Ғуслда сув билан ювилади, сув юритилади, масҳда эса намланган қўл суртилади, холос.

Сабаб, шарт, моне. Шарт луғатда аломат маъносида бўлиб, истилоҳда унинг йўқлиги билан амалнинг бўлмаслиги, у бўлса амал ҳам бўлишини билдиради. Сабаб – амал унинг борлиги билан вужудга келади, йўқлиги билан амал йўқ бўлади. Сабаб билан шарт ўртасидаги фарқ шуки, шарт бўлгани билан амал ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Моне эса унинг борлиги билан амал йўқ бўлади, йўқлиги билан амал вужудга келади, бу шартнинг аксидир.

Сабаб, иллат. Агар ҳукм ва васф орасидаги муносабатга ақл етса, иллат дейилади. Агар ҳукмга фаҳм етса-ю, васфи, яъни нимага шу ҳукм берилгани тушунарли бўлмаса, сабабдир. Демак, ҳар бир иллат “сабаб” бўла олади, ҳар бир сабаб эса иллат бўла олмайди.

Саҳиҳ, ботил, фосид. Саҳиҳ бир нарсанинг шаръий шарт-шароитлари тўлиқ бўлиши, ўша нарса юзага чиққанда эса шаръий самаралари ҳосил бўлишидир. Ботил бир нарсанинг асли ва асосига тубдан нуқсон етишидир. Фосидда эса нуқсон ўша нарсанинг асли ва асосига эмас, баъзи сифатларига етган бўлади. Демак, ботил тамоман йўққа чиқаради, ҳеч қандай асар қолдирмайди. Фосидда эса бузуқ бўлади, унинг оқибатида келиб чиқадиган баъзи бир нарсалар ҳисобга олинади.

Тафсир, таъвил. Тафсир оятнинг зоҳирий маъносини шарҳлаш бўлса, таъвил унинг ботиний маъноларини изоҳлашдир. Ўликдан тирик чиқаради, деган маънодаги оятни тухумдан товуқ чиқаради, деб тушуниш “афсир, кофирдан мусулмон ёки жоҳилдан олим туғилади, деб фаҳмлаш таъвилдир.

Маний, мазий, вадий. Шаҳват билан отилиб чиққан уруғлик маний дейилади. Закар таранглашган вақтда чиққан суюқ сарғиш сув мазий дейилади. Сийдик ортидан келадиган оқ қуюқ сув вадий дейилади.

Ҳайз, нифос, истиҳоза. Аёлларнинг фаржидан вақти-вақти билан қон келади: ҳайз қиз балоғатга етганидан бошлаб то 50–55 ёшларгача ҳар ой ёки узоқроқ муддатдан мунтазам келиб турадиган қон. Нифос эса бола туққанидан сўнг то қирқ кунгача келиши мумкин бўлган қон. Бундан бошқа ҳолатларда келадиган қон истиҳозадир. Ҳайзнинг ози уч кун, кўпи ўн кун. Нифоснинг ози чегараланмаган, кўпи эса қирқ кун. Ҳайз билан қизнинг балоғатга етгани билинади, нифос билан эмас. Ҳайз каффорат рўзасининг кетма-кетлигини бузмайди, нифос эса бузади. Ҳайз билан идда тугайди, нифос билан эса тугамайди. Ҳайз билан талоқнинг яхши-ёмони ажратилади, нифос билан ажратилмайди. Ҳайз ва нифос аёллардаги табиий келадиган қон, истиҳоза эса ички касаллик ва организм фаолияти бузилиши сабабли келадиган қон.

Азон, иқомат. Азон намозга тайёргарлик кўриш учун қилинадиган эълон, иқомат эса намозга киришиш кераклиги ҳақидаги эслатма. Азон секин, шошилмасдан айтилади, иқомат тез-тез айтилади.

Саждаи саҳв, саждаи тиловат, саждаи шукр. Саждаи саҳв намознинг охирида қилинадиган икки саждадир. Саждаи тиловат намоз ичидаги қироат орасида қилинадиган битта саждадир. Битта намозда саждаи саҳв бир марта қилинади, саждаи тиловат эса бир неча марта қилиниши мумкин. Саждаи саҳв ўтириб қилинади, унда ташаҳҳуд ўқилади ва салом берилади, саждаи тиловат эса тикка турганда бир марта сажда қилиб олиниб, яна тикка турилади, унда ташаҳҳуд ўқилмайди. Саждаи шукр намозда қилинмайди, у вожиб ҳам эмас: шукрона учун бир марта қилинадиган сажда, холос.

Шарт, рукн. Рукн бир нарсанинг вужуди унга боғлиқ бўлган ва ўзи ўша амалдан бир бўлак бўлган нарсадир. Шарт эса

ҳукмнинг мавжуд бўлиши унга боғлиқ бўлган ва ўша ҳукмнинг ҳақиқатидан бир бўлак бўлмаган нарсадир. Шарт бирор амалдан олдин бўлиши керак бўлган нарса, рукн эса амал ичида лозим бўлган нарса. Шарт амал бошланишидан то охиригача туради, рукн эса бошқа рукнга алмашиши мумкин. Шарт амал моҳиятини билдирмайди, рукндан эса амал моҳияти билинади.

Ҳамд, мадҳ. Мадҳ бирон кимса ёки нарсани қандайдир мақсадни кўзлаб яхши сифатлар билан мақташ, ҳамд эса фақат муҳаббат, таъзим ва самимият билан бўладиган ихтиёрий мақтов.

Сомиъ, мустамиъ. Диққат билан жим ва тек туриб эшитувчи мустамиъ бўлса, бирон нарсага машғул бўла туриб ҳам эшитаётган кимса сомиъдир.

Ҳожат, зарурат. Ҳожат билан бирон нарса камолга етади, зарурат эса зарарни даф қилиш учун юзага келади.

Хато, нисён. Инсоннинг бир нарсани унутиши нисён бўлиб, масалан, Рамазонда рўзадорлиги эсида йўқ ҳолатда ейиш ёки ичишни қасд қилиб еб-ичишдир. Бу билан рўза очилмайди. Хато эса рўзадорлиги эсида бор, ейиш-ичишни қасд қилмаган: тасодифан ичига таом ёки сув кириб кетишидир. Бу билан рўза очилади.

Қазо, адо. Буйруқнинг айнан ўзини бажариш адо, унга ўхшашини қилиш қазо дейилади. Демак, буюрилган ишни бажариш адо бўлса, уни ўз вақтида қилмасдан, кейинроқ адо этиш қазо бўлади. Адо фарз, вожиб, суннат ва нафл бўлиб шаклланган бўлса, қазо фақат вожиб амал ҳисобланади. Адо ва қазонинг ҳар қайсиси ўз навбатида комил (мукаммал) ва қосир (нуқсонли) турларга бўлинади.

Забҳ, наҳр. Забҳ бўйни калта ҳайвонлар – қўй, мол ва паррандаларни сўйиш бўлиб, бўйни узун жониворлар – туя, туяқуш, ўрдак кабиларни сўйиш наҳр дейилади. Наҳр бўйнининг пастки қисмидан, тана (кўкрак)га яқин жойидан сўйиш, забҳ эса бунинг акси – бўйнининг юқори қисмдан, ияги остидан сўйишдир. Туяни забҳ қилиш макруҳ, мол ва қўй-

ларни эса наҳр қилиб сўйиш макруҳ. Туяни тикка турғизиб наҳр қилинади, мол ва қўйларни эса ётқизиб забҳ этилади.

Ҳадя, садақа. Муҳаббат ва самимият учун бериладиган нарса ҳадя, беришда қурбат-ибодат қасди бўлса садақа. Ҳадянинг ҳукми фақат мустаҳаб бўлади, садақа эса вожиб ва нафл турларга бўлинади. Ҳадя берилса, ҳар кимга уни қабул қилиш лозим бўлади, вожиб садақани фақат фақирлар қабул қила олади, бойлар ололмайдилар; нафл садақани эса ҳар ким хоҳласа, қабул қилиши мумкин, ихтиёрли.

Диёнат, қазо. Шариат назари бўйича гуноҳ бўлмаган иш диёнат бўлса, қазо шариат буйруғи, мутахассис (қози, ҳоким)нинг ҳукми ҳисобланади.

Ҳадас, хубс. Инсон баданидан чиққан таҳоратни синдирадиган нарсалар ҳадас дейилса, баданга четдан тегадиган нажосатлар хубс деб аталади.

Тоҳир, таҳур. Ўзи пок сув тоҳир ҳисобланади. Ўзи ҳам пок, бошқани ҳам поклай оладиган сув таҳур дейилади.

Истинжо, истибро, истинқо. Инсоннинг жинсий аъзоларидан чиқадиган нарсаларни умумий (сув, латта, қоғоз, кесак билан) тозалаш истинжодир. Кўпинча, гумон ғолиб бўлганда, қолган сийдик томчиларини чиқаришга уриниш истибродир. Сув билан истинжо қилгандан сўнг латта билан суртиш истинқодир.

Ламс, масс. Қўл ёки бошқа нарсалар билан силаш ламс бўлса, фақат қўл билан силашга масс дейилади.

Мустаҳаб, нафл, таттаввуъ. Мустаҳаб бўлган амалга ҳужжат-далил бўлади. Таттаввуъда эса муайян далил йўқ, уни банда ихтиёрий амалга оширади. Нафл эса умумийдир, яъни мустаҳабга нисбатан ҳам, таттаввуъга нисбатан ҳам ишлатилаверади.

Руку, сужуд. Иккала қўли билан тиззаларини ушлаб эгилиш рукуъ бўлса, етти аъзо – пешона-бурун, икки қўл, икки тизза ва икки оёқ билан ерга ётиш сужуд бўлади.

Жаноза, жиноза. Ўлган ўлик-маййитга жаноза дейилади, жиноза эса унинг тобутидир. Шунинг учун “Салоти жаноза” (“Жаноза намози”) дейилади.

Мискин, фақир. Ҳеч нарсаси йўқ одам мискин, озиқ-овқати бор-у, кам таъминланган бўлса фақирдир.

Ҳадд, таъзир. Шариат томонидан белгиланган жазо ҳадд бўлса, қози ва ҳокимлар тарафидан белгиланган жазо таъзир дейилади. Ҳадда 40–100 дарра урилади, таъзирда 3–39 дарра урилади. Ҳадда шариатнинг қатъий кўрсатмаси бор, таъзирда эса қози ва ҳокимлар ихтиёри бўлади.

Зиммий, мустаъмин. Ислом диёрида мусулмонлар билан келишиб яшаётган ғайри муслим зиммий деб аталади. Мустаъмин эса ислом диёрига бошқа юртдан тинчлик ва сулҳ билан келган ғайри муслимдир.

Ният, қасд, азм. Бирор нарсанинг бўлишини хоҳлаши ният дейилади. Азм эса ўша нарсани ўзи қилишни исташи бўлса, қилмоққа киришиш қасд бўлади.

Азимат, рухсат. Азимат ҳукмларнинг ичидан аввал бошдан шариатга киритилган ҳукм бўлиб, унга умумий қонун сифатида амал қилинади, шариат шуни кўзлаб ҳукм чиқарган бўлади. Рухсат эса эҳтиёж ва зарурат бўлган ҳолатларда енгиллик ва осонлик яратилган ҳукмлардир. Азимат ҳамма вақт барча учун бир хил ҳукм, рухсатда махсус ҳолатда муайян кимсаларга енгиллик берадиган ҳукмдир.

Тоат, қурбат, ибодат. Нияти бўлсин ёки бўлмасин савоби бор ишни қилиш тоат деб аталади. Қурбат эса ўша ишни қилиши билан савобга эга бўлишини аниқ билиб киришадиган амал, гарчи бунга алоҳида ният қилиш зарурлигини билмаса ҳам. Ибодат эса алоҳида ва махсус ният қилиб адо этиладиган амал. Шунингдек, ёлвориш, тазарруъдан иборат сиғинишга ибодат, қилинадиган умумий яхшиликка қурбат, Яратганга ҳам, бошқаларга ҳам итоат этишга тоат таърифи берилади.

Мудрик, лоҳиқ, масбуқ. Мудрик имомнинг намозини бошидан топган одам бўлса, масбуқ бир ракат кечикиб келиб иқтидо қилган кимсадир. Лоҳиқ эса имом намозининг боши ва охирини топган, ўртасида ухлаб қолган ёки таҳоратга чиқиб кетган кимса.

Ватани аслий, ватани иқомат, ватани сафар. Ватани аслий инсоннинг туғилиб-ўсган юрти, оила қуриб яшаётган жойи, ватан тутиб, кўчиб кетишни режалаштирмаган маконидир. Ватани иқомат эса ўн беш кундан ортиқ вақтинчалик яшашни ният қилиб турган жойидир. Ватани сафар эса ўн беш кунгача турадиган вақтинчалик маконидир.

Инзол, танзил. Инзол оятларни бирданига, бир дафъада китоб ҳолида тушириш бўлса, танзил уларни бўлиб-бўлиб, тадрижий туширишдир. Таврот инзол қилинган, Қуръон эса танзил бўлган.

Рикоз, канз, маъдан. Рикоз деб хоҳ у табиий, хоҳ инсонлар томонидан кўмилган бўлсин, ер остидаги хазинага нисбатан ишлатилади. Канз эса инсон томонидан кўмилган бойлик, маъдан эса табиий кон.

ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАР

Оғирлик, узунлик ва ҳажм ўлчовлари, бирликларини воқеъликда бир хилликка келтириш қийинлиги боис ҳар бир макон ва ҳар замоннинг ўзига хос ўлчовлари бўлган. Шунинг учун ҳанафийликда ҳам бошқа мазҳаб фиқҳий китобларидаги каби ўлчов бирликларининг турли-туманлигини кўрамиз. Гарчи шаръий ҳукмларда шаръий вазн бўлмоғи керак, дейилса-да, айрим фақиҳлар закот ва бошқа муомалаларда ҳар бир шаҳарнинг ўз вазнлари эътиборга олинади, деган. Бинобарин, фиқҳий китобларда кўрсатилган ўлчов бирликларини шариатнинг қатъий белгилагани, деб қарамаслик керак (гарчи айримларига шаръий нисбаси берилган бўлса ҳам). Бу борада кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлаган ҳолда, ҳанафийликдаги айрим оғирлик, узунлик ва ҳажм ўлчовлари, бирликлари ҳақида маълумотлар берилади[329].

[329] Шамсиддин Кўҳистоний. Жомеур румуз. I–II жузлар. – Қозон, 1909. – 795 б; III–IV жузлар. – Қозон, 1902. – 713 б.; Абдул Азим Зиёуддин. Исломда ўлчов бирликлари // www.islom.uz. – 14 б.; Воҳидов Ш., Қодиров А. Хронология ва метрология. Қисқача маълумотнома. –Т: "Янги аср авлоди", 2010. – 58 б.; Абдуллоҳ ибн Мансур Ғуфайлий. Ас-Соъ байнал мақойисил қадима вал ҳадиса // Мактабатуш Шомила, 2006. – 13 б.; Абдулазиз Иззат, Абдулжамил Ҳасан. Таърифот ва мусталаҳоту фиқҳия фий луғатин муосара // Мактабатуш Шомила, 2006. – 58 б.

Соъ (الصاع). Фиқҳда асосан икки хили қўлланилади: ироқий ва ҳижозий. Ироқий соъ – 4 мудга тенг бўлиб, ҳар бир мудд икки ратлдан иборат. Ҳар бир ратл эса ярим ман, ҳар бир ман 160 дирҳам ёки 40 исторга тенгдир. Истор 6,5 дирҳам ёки 4,5 мисқолга баробардир. Мана шуни Абу Ҳанифа қабул қилган. Димашқий соъ унинг ярмига тенг. Ҳижозий соъ 5,3 ратлга тенг бўлиб, уни Абу Юсуф ва Муҳаммад ҳамда қолган уч мазҳаб соҳиблари қабул қилганлар. Мудд бу ерда 1,33 ратлдир. Ратл эса 130 ёки 128,4 дирҳам. Ҳанафий мазҳабида эътиборга олинган бир соъ, мош ёки маржумак билан ўлчанганда 1040 дирҳам оғирлигига ёки янги буғдой ёхуд арпа билан ўлчанганда, 8 ратл оғирлигига тенг. Хуллас, у 4 катта ҳовуч миқдоридаги буғдойга тенг.

Бир соъ 4 муддга тенглигига барча уламолар иттифоқ қилишган. Бироқ мудднинг аниқ ўлчови борасида икки хил фикр айтилган. Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбоний ҳамда бошқа мазҳаб вакиллари 1 муддни 1,33 ратлга тенг (544 гр) деб олганлар. Шунга кўра, 1 соъ 2,176 кг бўлади. Абу Ҳанифа эса 1 мудд 2 ироқ ратлига тенг (816 гр) деб ҳисоблаган. Демак, унга кўра, 1 соъ 3,264 кг бўлади.

Зафар Аҳмад Таҳонавий (1892–1975) гарчи бошқаларнинг ҳисоби ривоят (далил) жиҳатдан кучлироқ бўлса-да, бироқ Абу Ҳанифа қабул қилган ҳисобда эҳтиёткорлик борлигини айтган. Шунинг учун фитр садақасини ярим соъдан берилгани боис барча ҳисобга ва эҳтиётга тўғри бўлишини кўзлаб, 2 кг буғдойдан деб белгилаш урф бўлган.

Зироъ (الذراع). Одам қўлининг тирсагидан то бармоқлари учигача бўлган узунлик ўлчови бўлиб, икки хил бўлади. Зироъ ал-масоҳат (майдон сатҳи учун) – 7 қабза (мушт, ҳовуч), ҳар бир қабзанинг устида тикка бош бармоқ бўлиши керак. Зироул кирбос (мато, газлама учун) – бош бармоқ иштирокисиз 7 қабза бўлади. Ҳанафий фиқҳи масалаларида асосан газлама зироъси қўлланилади. “Ал-Муҳит”, “Ал-Кофий ва “Ан-Наҳр” китобларида: “Ҳар бир замон ва маконнинг ўзига хос зироълари қўллангани мақсадга мувофиқ”, дейилган. “Жомеур румуз”да зироъни “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳам-

мадур Расулуллоҳ” калимасининг ҳарфлари миқдорича, яъни 24 бармоққа тенглиги айтилган.

Зироъ қадимги Миср ўлчови бўйича 6 қабзага тенг бўлиб, ҳозирда 46,5 см ёки 54,04 см га тўғри келган. У “кичик зироъ”, “омма зироъси”, “қиёс зироъси”, “одам зироъси”, “тўғри зироъ” номлари билан ҳам юритилади. “Ҳошимий” деб сифатланган зироъ эса кейинги асрларда Мовароуннаҳрда газ, аршин номлари билан ҳам юритилган бўлиб, 8 қабзага (61,6 см) тенг бўлган. Мазкур “Ҳошимий зироъ”ни 66,5 см узунлик ўлчови сифатида кўрсатган тадқиқотчилар ҳам бор.

Умуман, бундан бошқа зироълар ҳам бор. Жумладан, “Амалиёт зироъси” деган ўлчовни 66,5 см га тенг деб қабул этилган. “Бозз зироъси” эса Қоҳирада 58,187 см, Байтул мақдисда 64,77 см, Бағдодда 82,9 см, Эронда 1 газга тенг бўлган, Ҳиндистонда икки хил – кичиги 68,6 см, каттаси эса 91 см га тенг деб олинган. “Истанбул зироъси” 68,57 см, “баладий зироъ” (шаҳарлилар зироъси) 57,57 ёки 58,26 см, “шаръий зироъ” эса Мисрда 49,875 см дейилган. “Билол зироъси” 60,04 см га тенг, “Зиёд зироъси” эса 66,5 га тенг, “Юсуф зироъси” эса уч хил – 52,539 ёки 48,9 ёхуд 49,875 см га тенг узунлик ўлчови бўлган. “Мизон зироъси” 145,608 см га тенг, “Мисоҳ зироъси” 66,5 см га тенг, “Мурсал зироъси” 49,875 га тенг, “Ҳиндос зироъси” 65,6 см ҳисобланган.

Қабза (القبضة). Ўрта қоматли одам қўлини мушт қилганда 4 бармоқ қалинлиги бўлиб, ҳозирда 7,7 см га тенг дейилади. 8,31 см ёки 9 см деганлар ҳам бор. Мисрда эса 15,875 см га тенг қилиб ҳисобланган.

Ғалва (الغلوة). У узунлик ўлчови бўлиб, камон ўқининг ўртача тезликда учиб бориши масофасига ёки ўртача ташланган 300–400 зироъ ёки шунча қадамга тенгдир. 1 та ғалва 1 милга тенг, деганлар ҳам бор.

Дирҳам (درهم الشرعى). У кумуш танга бўлиб, ҳажм ўлчови. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврида ҳар хил вазнда бўлган, жумладан, ҳар ўнтаси 5 мисқол, ҳар тўққизтаси, ҳар олтитаси, ҳар бештаси 5 мисқолдан ҳам бўлган.

Халифа Умар ибн Хаттоб (585–644) ҳар ўнта дирҳам пулни 7 мисқолдан зарб қилинишини йўлга қўйган. Шунинг учун “дирҳами шаръий” дейилганда, ушбу вазн тушунилади.

Дирҳам 14 ёки 16 қийротга тенг бўлиб, ироқий ва ҳижозий турларга бўлинган: ироқий дирҳам 3,17 гр, ҳижозий дирҳам эса 2,975 гр га тенг деб ҳисобланган. Шунингдек, 3,235 гр га тенг қилиб, оғирлик ўлчови ва пул бирлиги сифатида ҳам ишлатилган.

Динор (الدينار). Бир мисқол оғирлигида зарб қилинган тилла танга. Ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра 4,25 гр га тенг. Динор олти-еттита кумуш дирҳамга тенг бўлган. Кейинчалик қиймати кумушга нисбатан 1:20 бўлган. Динорнинг оғирлигини 4,235 гр га тенг қилиб ҳам ўлчашган.

Мисқол (المثقال). Мутааххирин уламолар ва Ҳижоз аҳли фикрига кўра, 1 мисқол 100 арпага тенг. Мутақаддимин ва, хусусан, Самарқанд уламолари фикрича, 1 мисқол 6 доник, 1 доник 4 тассуж, 1 тассуж 2 ҳабба, 1 ҳабба эса 1 та арпага тенг. Демак, икки қарашнинг орасидаги фарқ 4 арпадир.

Бир ривоятга кўра, 72 та ўртача катталикдаги арпа ёки буғдой дони оғирлиги бўлиб, ҳозирда 4,25 гр га тенг бўлган дейилади. У 3,6 гр дан 4,8 гр гача ҳисобланган.

Мил (الميل). Аслида кўзнинг кўриш узунлиги миқдорича бўлиб, кейинчалик ҳар 3 фарсахда саҳрога ўрнатилган белгига нисбатан ишлатилган. Уни Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бобоси ўлчаб, қўйиб чиққани боис “Мили Ҳошимий” деб ҳам номланган.

Мил ҳам фарсахни аниқ белгилашнинг ҳар хиллигига қараб турличадир. У 10 ғалвага тенг узунлик ўлчови; 3000–4000 зироъга баробар; ўртача ташланган 4000 қадам бўлиб, ҳозирда 1848 м га тенг дейилади. Баъзи вақтлар 2,25 км дан 3 км гача ҳисобланган.

“Ал-Муғриб”да милни 3000–4000 зироъга тенг дейилса, “Ан-Ниҳоя”да 2333 қадам дейилган.

Ҳозирда, асосан, уч хил мил (миля) ишлатилади. Қуруқлик мили 1609,34 м, денгиз мили 1852 м, географик мил эса 7420,439 м га тенгдир.

Жариб (الجريب). У юза, узунлик ва оғирлик ўлчовлари сифатида қўлланилади. У Муҳаммад Шайбоний фикрича, 60 зироъга 60 зироъ ер майдонига тенг. Узунлик сифатида эса Нўширавоннинг белгилагани ишлатилади: 1 жарийб бош бармоқ қўйилган 7 қабзадир. "Ал-Муғриб"да буни тўрт бармоқдан иборат 6 қабза, дейилган. Оғирлик ўлчови сифатида эса 1 жариб 50–60 маннга тенг.

Узунлиги 3600–4800 зироъ, ўртача ташланган 4800 қадам бўлиб, ҳозирда 2217,60 м дейилади. Ҳажм ўлчовида эса 128 манн ёки 192 муддга тенг бўлиб, ҳозирги ўлчовларга кўра, 132 литр ёки 104,448 кг га тенг. Бир жариб бир гектарга, баъзан эса 760,1200 кв.м га тенг бўлган. Оғирлиги эса 32,5 кг дан 108,3 кг гача бўлгани ҳам қайд этилади. Ўрта Осиёда бир жариб 100 кг буғдой сиғадиган ҳажмга эга бўлган.

Фарсах (الفرسخ). Уни фарсанг, парсанг ҳам деганлар. У 3 мил ёки 30 ғалва ёхуд 9000–12000 зироъ ё ўртача ташланган 12000 қадам бўлиб, 5544 м га тенг. Уни 6–9 км га бўлган масофага тенг деб ҳисоблашган.

Барид (البريد). Чопарларнинг қўноқ манзиллари орасидаги масофа бўлиб, 4 фарсах ёки 10 жарийб ёхуд 12 мил ё 120 ғалвага тенг узунлик ўлчови. 36000–48000 зироъга тенг ҳам дейилган.

Марҳала (المرحلة). Карвонларнинг ётоқ манзиллари орасидаги масофа бўлиб, 2 барид ёки 8 фарсах ёхуд 72000–96000 зироъга тенг узунлик ўлчови.

Ратл (الرطل). Уни ритл ҳам дейилган бўлиб, аслида лотин тилидаги "ритлон" сўзидан олинган. Туркистонда "қадоқ" деб ҳам юритилган бу ҳажм ўлчови 408–409,512 гр га тенг дейилган. Уни 380 гр дан 1108,8 гр гача ҳисоблашган. Энг кўп Хоразм ратли қўлланган бўлиб, 1031,25 гр га тенг бўлган.

Мудд (المدّ). Бир катта ҳовучдаги дон миқдори бўлиб, 0,6875 литр, оғирлиги 544 гр га тенг оғирлик ўлчови. Уни 1,053 л га тенг дейдиганлар бор.

Манн (المنّ). "Жомеур румуз"да айтилишича, Ҳиротда бир манн шаръий ўлчовда қирқ асторга, ҳар бир астор эса тўрт

ярим мисқолга тенг ҳисобланган. Урфда эса бир астор етти мисқолга тенг, деб олинган.

Туркистонда “ботмон” деб ҳам юритилган бу ҳажм ўлчови 2 ироқ ратлига тенг бўлиб, ҳозирги ҳисоб-китобларда 1,03125 литр, оғирлик ҳисобида 816 гр га тенг дейилади. Каттакон манн 3,5–4 кг дан 7–8 кг гача ҳисобланган. Энг оғир манн XIX асрга келиб, 19–21 кг га етган.

Қафиз (القفيز). 12 соъ ёки 32 манн ёхуд 48 муддга тенг ўлчов бирлиги. Ҳозирги ҳисобда 33 литр, оғирлиги 26,112 кг дейилган. Хоразмда битта қафиз X асрларда 7,7 кг ҳажмда бўлган бўлса, бошқа жой ва турли даврларда 45 кг гача тенг деб ҳисобланган.

Васақ (الوسق). Ҳажм ва миқдор ўлчов бирлиги бўлиб, дондун ва шунга ўхшаш сочилувчан нарсаларни ўлчаш учун қўлланган. У 60 соъ ёки 160 манн ёхуд 240 муддга тенг ўлчов бирлиги, ҳозирда 165 литр ва 130,560 кг ёки 252,342 л ва 194,3 кг дейилади.

Қинтор (القنطار الشرعي). Тилла ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни тортиш учун қўлланиладиган ўлчов бирлиги. У 100–175 маннга ёки 100 ратлга тенг бўлиб, тилла тортганда 100 диноргa тенг қилиб ҳисобланган. Ушбу ўлчов ҳозирда 180,46875 литр ёки 142,800 кг дейилади. Уни 42,33 кг дан то 120 кг гача ҳисоблайдиганлар бор.

Қийрот (القيراط). Қимматбаҳо тошларнинг ўлчов бирлиги бўлиб, 0,064 л ёки 0,2125 гр га тенг дейилади. “Жомеур румуз”да 1 қийротни 5 арпага тенг, дейилган.

Увқия (الأوقية). 28 мисқол ёки 40 дирҳам ёхуд 560 қийротга тенг оғирлик ўлчови бўлиб, ҳозирда 119 гр га тенг бўлган дейилади. Уни 29,75 г ёки 37,44 г дейдиганлар бор.

Ангушт (أنگشت). Бир бармоқ эни – 2,078 см дан 2,28 см гача қийматга тенг. Узунлик ўлчови сифатида бир ангушт 6 жав (арпа) донига, 1 арпа эса 6 от ёли (қили)га тенг.

Аршин (أرشين). 65,2 см дан 112 см гача бўлган узунлик ўлчови. Ўртача қиймати 71,12 см Хонаршин – узунлиги тахминан 1 м га тенг бўлган.

Харвор (خروار). Бир эшак юк, эшак кўтара оладиган юк. 100 кг дан 170 кг гача бўлган қийматга тенг.

Ботмон (باتمان). 20,16 кг дан 40,95 кг гача бўлган оғирлик ўлчови. Ўрта асрларда Самарқанд ва Бухородa 8 пуд (131,044 кг), Фарғонада эса 8–10 пудга тенг бўлган.

Газ (گز). Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Тошкент ва Фарғонада ҳар хил бўлган узунлик ва масофаларни ўлчашдаги асосий ўлчов бирлиги. 70 см дан 82, 106 см (Бухоро шоҳ гази)га тенг бўлган. Ҳозирда 71 см га тенг, деб олинган. Ҳажм ўлчови сифатида у 0,310–325 л га тенг.

Донг (دانگ). Оғирлик ўлчови ва пул бирлиги бўлиб, уларнинг 1/6 сига тенг бўлган. **Донак** эса оғирлик ўлчови сифатида 0,495 га тенг бўлган.

Даҳяк (ده یك). Ўндан бир, араб тилида “ушр” дейилган. Ҳосилнинг ўндан бири камбағаллар ҳисобига ва вақфнинг шартига кўра эса вақф ҳосилидан ўндан бир диндорлар ҳисобига олинган.

Кайл (الكيل). Ҳажм ўлчов бирлиги бўлиб, Дамашқда 17,04 кг буғдойга тенг, ҳажм бўйича эса 22,08 л га тенг бўлган. Ҳалабда эса бир кайл 6,56 л га тенг ҳисобланган.

Маккук (المكوك). Оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, тахминан 5,625 кг донга, ҳажм бўйича 7,7 л га тенг бўлган. Ҳалабда 81,2 кг дан 81,8 кг гача бўлган буғдой оғирлигига ёки 105 л га тенг ҳисобланган.

Нўхат (نوخاد). 0,18–20 г га тенг бўлиб, 4,8 г. лик мисқол оғирлиги 24 дона нўхатга, 5 г лик мисқол эса 25 дона нўхатга тенглаштирилган.

Паймона (پیمانه). Сочилувчи ва суюқ нарсаларнинг ҳажмини ўлчаш учун қўлланилган ўлчов бирлиги. Ўрта асрларда 8,3 кг га тенг бўлган, кейинчалик 19–20 кг дан 50 кг гача бўлган.

Пайса (پیسه). Оғирлик ўлчови бўлиб, 23 г дан 31,85 г гача бўлган.

Пуд (پود). Оғирлик ўлчов бирлиги. Қиймати 40 қадоққа тенг бўлган. Демак, 16,3805 кг деб ҳисобланган.

Саржин (سرجين). Ҳажм ўлчов бирлиги. Пахса девор ва ўтинларнинг ҳажмини ўлчашда қўлланиб келган. Бир сар-

жиннинг эни 0,5 м, бўйи 1 м ва узунлиги 2 м бўлган нарсанинг ҳажмига, яъни 1м^3 га тенг бўлган.

Таноб (طناب). Узунлик ўлчов бирлиги бўлиб, ўртача қиймати 60х60 кв. газга тенг. Бир таноб 3600 кв. м 1 газ 4097,025 кв. м.

Тассуж (تسّوج). Узунлик ўлчови бўлиб, газнинг 24 дан бир қисмига тенг бўлган. Асосан Эронда қўлланилган бу узунлик ўлчови ҳозирда 0,182 г га тенг дейилади. Ўрта Осиёда унинг ўрнига **нўхат** ишлатилган. Хоразмда бир тассуж 0,345 г бўлган.

Тош (طاش). Оғирлик ўлчов бирлиги сифатида бир тош 125 г га тенг бўлган. Масофа ўлчов бирлиги сифатида эса 8000 қадам ёки 6 км бўлган.

Қист (القسط). Ҳажм ўлчов бирлиги, Беруний уни 10 ратлга тенг деган. Ибн Сино эса уч хил қист ҳақида хабар берган. Қисти анталоқий – 510 г; қисти румий – 566,66 г; қисти асал – 650 г бўлган. Ироқда эса икки хил қист бўлган: кичик – 1,21875 л; катта – 2,4375 л. Мисрда эса бир қист 2,106 л ҳажмга эга бўлган.

Ҳутва (الحطوة). Узунлик ўлчови сифатида уч қаричга тенг бўлган. Яъни, 67,5 см га тенг.

ҲАНАФИЙЛАРНИНГ НИСБА, ЛАҚАБ ВА КУНЯ БИЛАН ШУҲРАТ ҚОЗОНГАНЛАРИ

Баъзи фақиҳлар ўз номларидан ҳам кўра нисбалари ёки лақаб ва кунялари билан танилганлар. “Фақиҳлар лақаблари” деган истилоҳ барча мазҳаб вакиллари ўртасида тарқалган бўлиб, номи билан эмас, бирон бир лақаби билан танилган фақиҳлар назарда тутилади. Фиқҳий манбаларда улар кўпроқ ўша нисба, лақаб ёки кунялари билан аталган бўлиб, улар ҳақида табақот, тазкира навидаги асарларда алоҳида боб ва фасларда маълумотлар келтирилган. Аксар фақиҳлар эса куняга эга. Куня бу араблар урф-одатларида шахсни улуғлашни билдириб, “абу” (отаси), “умму” (онаси), “ибну” (ўғли) каби қўшимчаларга исм ёки лақаб қўшиб айтилишидан ҳосил қилинади.

Абдулҳай Лакнавий (1847–1886) фикрича, Ироқ фақиҳлари ота-боболари (Шайбоний), касб-ҳунари (Қудурий) ёки шаҳар (Таҳовий, Саружий), қишлоқ (Кархий), маҳалла (Майдоний, Таббоний) ёхуд қабилаларига (Танухий) қилинган нисбатлари билан танилган бўлсалар, Хуросон ва Мовароуннаҳр фақиҳларида бошқаларга нисбатан афзалликлари кўрсатилган лақаблар (Садрул Ислом, Шумсул аимма, Бурҳонуддин) кўпроқ учрайди[330].

1. **Абдулғани Ноблусий.** Абдулғани ибн Исмоил ибн Абдулғани ибн Исмоил ибн Аҳмад ибн Иброҳим Ноблусий Димашқий (1640–1731) таниқли ҳанафий олими бўлиб, Ҳижоз, Миср, Онадўли шаҳарларини кезиб чиққан, Шом мадрасаларида мударрислик қилган. 150 га яқин китоблар таълиф қилган. Айниқса, "Тариқатул муҳаммадия" асарига битган "Ал-Ҳадиқатун надия" номли шарҳи шуҳрат қозонган бўлиб, бир неча марта тошбосмаларда нашр қилинган.

2. **Абдуллоҳ Афанди.** Абдуллоҳ афанди Янгишаҳарли (ваф. 1156/1743) Истанбулда Шайхул Ислом, Бурса ва Ҳалабда қози ҳам бўлган. "Сулаймония" мадрасасида мударрислик қилган. Унинг "Беҳжатул фатово" асари шуҳрат қозонган бўлиб, XVIII асрнинг муҳим фатво китобларидан ҳисобланади. Айниқса, ўша давр шайхул Исломларининг халқаро ҳуқуққа оид фатволарини ўрганишда аҳамиятлидир.

3. **Абу Бакр Иёзий.** У Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Нарс Аҳмад ибн Аббос Иёзий (ваф. 361/972) ҳисоб, нужум фанларидан ҳам маҳоратли бўлган ҳанафий олими. Бухорода яшаб ўтган.

4. **Абу Бишр Қози.** Ҳайён ибн Бишр ибн Мухориқ (ваф. 238/853) Абу Юсуфнинг шогирди, аҳли ҳадис олимларидан бири. Халифа Маъмун (813–203) даврида Исфаҳонда, кейинчалик Мутаваккил (847–861) даврида Бағдоднинг шарқий қисмида қозилик қилган.

5. **Абу Жаъфар.** У Абу Жаъфар Ҳиндувоний бўлиб, ҳанафийларнинг машҳур фақиҳларидан. Тўлиқ номи Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Балхийдир. Балх-

[330] Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоидул баҳийя фий тарожимил ҳанафийя. – Қозон, 1902. – Б. 296.

нинг Ҳиндувон маҳалласидан бўлган. **Абу Ҳанифаи сағир** ҳам дейилади. У 362/973 йил вафот этган.

6. **Абу Зайд Ансорий.** Саъид ибн Авс Ансорий (ваф. 215/830) Абу Ҳанифа асҳобларидан бири. Фиққа доир бир қанча китоблар битган, бироқ бизгача етиб келмаган.

7. **Абу Исмат.** Бир неча ҳанафий олимлари бу куня билан танилганлар. Абдуллоҳ ибн Муборакнинг шогирди Исом ибн Юсуф ибн Маймун ибн Қудома Абу Исмат Балхий (ваф. 210/825) ва Абу Мансур Мотуридийнинг (ваф.333/944) шогирдларидан бири Абу Исмат ибн Абу Лайс Бухорий (IX аср), "Ал-Ҳидоя"да номи тилга олинган Абу Исмат Саъд ибн Муоз Марвазий (X аср) ва Марвда қози бўлган, Абу Ҳанифага энг биринчи шогирд бўлгани учун "Ал-Жомиъ" лақаби билан танилган Абу Исмат Нуҳ ибн Абу Марям (ваф. 173/790) шулар жумласидандир.

8. **Абу Исҳоқ.** Ушбу ном (куня) билан ҳанафийликда уч нафар имом танилган. Бири Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад Хатиб Муҳаллабийдир. У Абдуллоҳ Субазмунийдан (ваф. 340/951) таълим олган, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Бухорий (ваф. 381/991) табақасига мансуб улуғ зотлардан бири бўлган. Иккинчиси, Абу Исҳоқ Навқадий Муҳаммад ибн Мансур ибн Махлас Насафий бўлиб, Абу Жаъфар Ҳиндувонийдан (ваф. 362/973) илм олган. Самарқандда муфтий ва мударрис бўлган ва у ерда 434/1042 йил Рамазон ойида вафот этган. Охиргиси Иброҳим ибн Исмоил ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Шис ибн Ҳакам Абу Исҳоқ Рукнул Ислом Саффор бўлиб, ота-боболари билан бирга ҳанафий мазҳаби ривожига улуғ ҳисса қўшган зотлардан. Бухорода 543/1148 йил Рабиул аввал ойида вафот этган. Унинг "Тахлисуз зоҳид", "Китобус сунна вал жамоат" сингари асарлари бор. Машҳур фақиҳ Ҳасан ибн Мансур Қозихон (ваф.592/1195) унинг шогирдидир.

9. **Абу Мутиъ Балхий.** Ҳакам ибн Абдуллоҳ ибн Маслама ибн Абдурраҳмон Қози Абу Мутиъ Балхий (730-813) Балхда қози бўлган. У Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирдла-

ридан бири бўлиб, ундан “Ал-Фиқҳул акбар” китобини ривоят қилган. Ибн Муборак уни ниҳоятда ҳурмат қилгани айтилади.

10. **Абу Муҳаммад Хайзохазий.** Абдурраҳмон ибн Фазл Бухорий (XI аср) Бухородан чиққан ҳанафий фақиҳи. Унинг ўғли Аҳмад ҳам фақиҳ сифатида танилган. У Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Каморий (ваф. 381/992) шогирди бўлган.

11. **Абу Наср Саффор.** Абу Наср Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Шис Саффор машҳур ҳанафий олими. Ҳажга бориб Маккада яшаб қолган, Тоифда вафот қилган.

12. **Абу Наср.** Ушбу куняда ҳам ҳанафийлардан бир қанча олимлар танилган. Улардан бири Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад Аттобийдир (ваф. 586/1190). Кейингиси, Абу Наср Али ибн Абдурраҳмон ибн Исҳоқ қози Жамолуддин Риғадмунийдир. Риғадмун Бухоро қишлоқларидан бирининг номидир. Қози Абу Зайд Дабусийдан (978–1039) илм ўрганган. Бухорода Риғадмуний ҳам қози ва хатиб бўлган. 414–493/1023–1099 йилларда яшаб ўтган. Кунянинг ўзи мутлақ келган ўринларда ушбу зот тушунилади.

13. **Абу Саид Бирдаий.** Абу Саъид Аҳмад ибн Ҳусайн Қози Бирдаий (ваф. 317/930) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг неварасидан таълим олган ва Абу Али Даққоқнинг шогирди бўлган. Бирдаъ Озарбайжон ҳудудидаги шаҳарча номи бўлган. Бағдодда Довуд Зоҳирий (816–884) билан мунозара қилиб, уни енгган ҳанафий олими.

14. **Абу Саид Шажарий.** Халил ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Шажарий (ваф. 368/979) Райдан бўлган, Самарқандда яшаб, у ерда вафот этган. Унинг одоб-ахлоққа бағишланган асари бўлган. Мусулмон мамлакатларга кўпгина саёҳат қилган.

15. **Абу Тоҳир Даббос.** Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Суфён асли ироқлик бўлиб, Шомда қозилик қилган. У Кархий (873–952)нинг замондоши бўлиб, ҳадис ва фиқҳ ривоятида ишончли деб зикр этилган. Ҳанафийликдаги фиқҳий қоидалардан 17 тасини ишлаб чиққан.

16. **Абу Ҳанифа Асғар.** Шумсул аимма Бакр ибн Муҳаммад ибн Али ибн Фазл Заранжарий (1035–1119) бухоро-

лик фақиҳ. Хуросон ва Мовароуннаҳрда кўпгина фақиҳларнинг таълимий силсилалари унга боради.

17. **Абу Ҳанифа Сағир.** Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ҳиндувоний Балхийнинг (ваф. 362/973) ҳанафийлик фиқҳидаги маҳорати туфайли шундай лақабга эга бўлган. Шунингдек, Абул Фазл Шумсул аимма Бакр ибн Муҳаммад ибн Али Ансорий Ҳазражий Заранжарий Бухорийни (1036–1118) ҳам шу лақаб билан атаганлар.

18. **Абу Ҳанифа Соний.** "Мухтасарул Виқоя" китоби соҳибининг боболаридан Убайдуллоҳ ибн Аҳмад Маҳбубий Бухорийга (ваф. 630/1233) ҳанафийликдаги даражасига кўра берилган лақаб.

19. **Абу Ҳафс Кабир.** У Аҳмад ибн Ҳафс Бухорий (767–831) бўлиб, фиқҳни Имоми Аъзамнинг шогирди Имом Муҳаммаддан (ваф.189/804) ўрганган. Ўғли **Абу Ҳафс Сағир** номи билан шуҳрат қозонган. Абу Ҳафс Кабир ҳанафий мазҳабининг Мовароуннаҳрда тарқалишига буюк ҳисса қўшган. У билан Имом Бухорий (ваф. 256/869) ўртасида юз берган мунозаралар тазкираларда зикр қилинади. Абу Ҳафси Кабирнинг "Китобул аҳво вал ихтилоф" номли китоби ҳам бўлган.

20. **Абул Аббос Саружий.** Аҳмад ибн Иброҳим ибн Абдулғани ибн Исҳоқ (1240–1310) Ҳарронга қарашли Саруж шаҳарчасидан бўлган, Қоҳирада яшаган. У ўз даврининг таниқли ҳанафийларидан бўлиб, "Ал-Ҳидоя"га ёзган "Ал-Ғоя" деган шарҳи билан шуҳрат қозонган. Шунингдек, унинг "Ал-Фатовоус саружийя", "Адабул қози", "Китобул Маносик", "Нафаҳотун насамот" каби асарлари бор.

21. **Абул Ало Устуво.** Соид ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ Қози (955–1040) Нишопурнинг Устуво қишлоғидан бўлгани учун Устуво ёки Устувоий деган нисба билан қўлланилади. Бир муддат Нишопурда қози ҳам бўлиб турган. Авлодлари ҳам фақиҳ, қози бўлиб танилганлар. Унинг калом илмига оид асари бўлган.

22. **Абул Ало Фарзий.** Шамсиддин Маҳмуд ибн Абу Бакр ибн Али Калобозий Бухорий (1252–1300) фароиз бўйича

маҳоратли ҳанафий олими бўлган. Бағдод, Дамашқ, Қоҳирага саёҳат қилган, Дамашқда вафот этган. Бир қанча асарлар ҳам ёзган.

23. **Абул Баракот.** Икки нафар ҳанафий олими танилган. Биринчиси, Абул Баракот ибн Абул Ҳусайн ибн Нажиб Мадойиний (1175–1268) бўлиб, адабиётга оид китоби бўлган. Иккинчиси, Абул Баракот Ҳофизиддин Насафий (1232–1310) ҳанафийлик тарихида анча машҳур.

24. **Абул Ғаноим.** Шужоъ ибн Ҳасан ибн Фазл Абул Ғаноим Бағдодий Бағдодда Абу Ҳанифа хонақоҳида дарс берган. Унинг ўғли Абул Фараж Абдураҳмон ибн Шужоъ Бағдодий (1144–1212) ҳам таниқли фақиҳ.

25. **Абул Қосим Зарир.** Халаф ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ Салжий (ваф. 515/1122) Бағдодда туғилиб-ўсган, машҳур қозул қузот Абу Абдуллоҳ Дамағонийдан (ваф. 478/1085) илм олган. Абу Ҳанифа машҳадида мударрислик қилгани билан донг таратган.

26. **Абул Қосим Бухорий.** Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Бухорий Калобозий (ваф. 369/980) Бухородан чиққан машҳур қозилардан бири. Мовароуннаҳр ва Хуросонда қозул қузот бўлиб танилган. Муҳаддис Ҳоким Найсобурий (933–1014) 355/966 йили Бухорода ундан ҳадис тинглаган, Бухоро аҳолиси уни намозларида дуо қилишларини эшитганини ёзиб қолдирган.

27. **Абул Қосим Самарқандий.** Абул Қосим Носириддин Муҳаммад ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Али Алавий Ҳасаний Маданий Самарқандий (ваф. 556/1161) Самарқандда туғилиб ўсган саййидзодалардан бўлиб, таниқли ҳанафий олими. **Носириддин** лақаби билан шуҳрат қозонган.

28. **Абул Қосим.** Ҳанафийларнинг бу куня билан танилган ўнга яқин олимлари бор. Улардан бири Абул Қосим Саффор Аҳмад ибн Исмат бўлиб, Имом Абу Юсуфнинг (ваф. 183/799) чевара шогирдидир. Балхнинг таниқли имомларидан. 336/947 (ёки 326/937) йилда вафот қилган. Яна бир Абулқосим куняси билан танилган зот Али ибн Муҳаммад ибн Аҳ-

мад Симнонийдир. Қозул қуззот Абу Абдуллоҳ Дамағонийдан (ваф. 478/1085) илм олган. Абулқосим Симнoний 499/1105 йилда вафот қилган. Унинг “Равзатул қуззот”, “Тариқун нажот” сингари асарлари бор. Фиқҳ ва тарихга оид бошқа асарлари ҳам бўлган.

29. **Абул Лайс.** Шу куня билан уч нафар фақиҳ яшаб ўтган. 1) Абу Лайс Маждиддин Аҳмад ибн Абу Ҳафс Умар Насафий (ваф. 554/1160) таниқли фақиҳ Нажмиддин Умар Насафийнинг ўғли. У икки марта ҳажга борган, кейинги ҳаж зиёратидан қайтишда йўлда қароқчилар қўлига тушиб вафот этган; 2) Абу Лайс Ҳофиз Наср Самарқандий (ваф. 294/907) фақиҳ ва муҳаддис бўлган; 3) Абу Лайс Фақиҳ Наср ибн Муҳаммад Самарқандий (ваф. 393/1003) машҳур фақиҳ. Унинг **Имомул ҳудо** деган лақаби ҳам бўлган. Фиқҳни Абу Жаъфар Ҳиндувонийдан ўрганган. Абу Лайс Самарқандийнинг “Ал-Фатово”, “Хизонатул фиқҳ”, “Ан-Навозил”, “Ал-Уюн”, “Тафсирул Қуръон”, “Бўстонул орифин” ва “Танбиҳул ғофилин” номли асарлари бўлган. Кейинги икки асари ўзбек тилига таржима қилинган. Унинг вафот йили ихтилофли.

30. **Абул Макорим**. Мавлавий Абул Макорим ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандий бўлиб, Муҳаммад Заҳириддин Бобур (1483–1530) даврида Самарқандда таниқли фақиҳлардан бири ҳисобланган. Шайбонийхон 907/1501 йил Самарқандни эгаллаган пайтда уни қатл қилдирган. Мавлавий Абул Макоримнинг яккаю ягона асари “Мухтасарул виқоя”га ёзган уч жузли шарҳидир.

31. **Абул Маолий.** Муҳаммад ибн Наср Хатиб Омирий (1059–1160) Самарқандда хатиблик қилган. Судрул Ислом ҳамда Фахрул Исломнинг шогирди.

32. **Абул Маҳомид.** Имодиддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абул Ҳасан Фарёбий (ваф. 607/1210) Шамсул аимма Кардарийнинг (ваф. 642/1244) устозларидан бири. У одоб-ахлоқ ва тасаввуфга оид 597/1200 йили ёзган “Хулосатул ҳақоиқ (ёки Холисатул ҳақоиқ)” номли 50 бобдан иборат машҳур асарнинг муаллифи. Шунингдек, унинг “Нашруз завоҳир” номли асари бўлган.

33. **Абул Фаворис.** Тирод ибн Муҳаммад ибн Али Зайнабий (1008–1097) ўзининг дарс мажлис (анжуман)лари билан шуҳрат қозонган ҳанафий олими. Қозул қузот Абу Абдуллоҳ Дамағонийдан (ваф. 478/1085) илм олган. Бағдод, Макка ва Мадинада мажлислар уюштириб, шогирдларга имло қилдирган.

34. **Абул Фазл**. Бу куня билан асосан икки зот машҳур бўлган. У Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Амир Кирмоний бўлиб, Абул Фазл Кирмоний номи билан танилган. Хуросонда таниқли Ҳанафий фақиҳларидан. Кирмонда 457/1064 йил Шаввол ойида таваллуд топган. “Ат-Тажрид фил фиқҳ”, “Ал-Ийзоҳ” ва унга ёзган уч жилдли шарҳи, “Шарҳул жомеил кабир”, “Ал-Фатово”, “Ал-Ишорот” асарлари бор. Марвда 543/1148 йил вафот қилган. Яна бир зот Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Маждиддин Абул Фазл Мусилий бўлиб, 599/1202 йил Шаввол ойида таваллуд топган. Мазҳабимизнинг кўзга кўринган имомларидан. Куфада қози бўлган. Кейин Бағдодга бориб, Имоми Аъзам мақбараси ёнидаги масжидда дарс берган. 683/1284 йил Муҳаррам ойида вафот қилган. Фиқҳий матн китоби “Мухтор” ва унинг шарҳи “Ихтиёр” ниҳоятда машҳур. Бундан бошқа асарлари ҳам бор. Ушбу куняда яна бошқа олимлар бўлса-да, фиқҳий китобларимизда кунянинг ўзи зикр этилганда Кирмоний тушунилади.

35. **Абул Ҳайсам.** Утба ибн Хайсама ибн Муҳаммад ибн Ҳотам Найсобурий (ваф. 406/1015) Хуросонда 1002–1014 йиллари қозул қузот бўлган ҳанафий фақиҳи. Дарс бериш билан ҳам шуғулланган.

36. **Абус Сароё Хоразмий.** Халифа ибн Сулаймон ибн Халифа Қураший (1170–1240). Ота-боболари хоразмлик бўлган бу ҳанафий фақиҳи Ҳалабда туғилиб-ўсган. “Бадоеус саноеъ”нинг соҳиби Абу Бакр Косоний (ваф. 587/1191)дан сабоқ олган. У Ҳалабда вафот этган ва Мақоми Иброҳим Халил мақбарасига дафн этилади.

37. **Абус Суъуд.** Абус Суъуд Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мустафо Имодий (1492–1574) Истанбулда қози, 952/1545

йилдан то умрининг охиригача Шайхул Ислом бўлган. Унинг “Иршод ал-ақлус салим” номли Қуръони каримга ёзган тафсири шуҳрат қозонган. Унинг фатволар тўплами бор бўлиб, баъзи қисмлари немис, француз тилларига таржима этилган.

38. **Дабусий.** Абу Зайд Убайдуллоҳ (Абдуллоҳ) ибн Умар ибн Исо Дабусий (978–1039) Дабусия қалъасидан бўлган бу олим “хилоф илми” (қиёсий мазҳабшунослик)нинг асосчиси. Мовароуннаҳрда етти қозининг бири сифатида шуҳрат қозонган. Унинг “Таъсисун назар”, “Тақвимул-адилла”, “Ал-Аср фил фуруъ”, “Ал-Амадул ақсо” каби асарлари мавжуд.

39. **Дамағоний.** Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад Дамағоний (1008–1085) Рай ва нишопур шаҳарлари орасида жойлашган Дамағон шаҳарчасидан бўлган. Қудурийнинг шогирдларидан бўлиб, ҳадисшуносликда ҳам танилган. У 447/1055 йилдан то вафотига қадар, 30 йилча Бағдодда қозул қуззот сифатида фаолият олиб борган.

40. **Деҳистоний.** Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад Деҳистоний (ваф. 560/1165) Мозандарон яқинидаги шаҳарда туғилган. У Нишопурда Содирия мадрасасида мударрислик қилган.

41. **Динорий.** Абу Наср Алоуддин Абдулкарим ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Аббос Динорий (1123–1193) ўз даврининг таниқли фақиҳи. Унинг форс тилида ёзган фатво асари шуҳрат қозонган. Динор Астрабод яқинидаги қишлоқ номи. Унинг ўғли Абдулжаббор Динорий ҳам машҳур фақиҳлардан бўлган.

42. **Завзаний.** Абдурраҳим ибн Абдулазиз ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Садидий Завзаний ҳанафий фиққига оид машҳур “Мултақил биҳор” асарининг муаллифи. **Имодул Ислом** лақабига эга бўлган.

43. **Заранжарий.** Абул Фазл Шумсул аимма Бакр ибн Муҳаммад ибн Али Ансорий Ҳазражий Заранжарий Бухорий (1036–1118) келиб чиқиши мадиналик араблардан бўлса-да, Бухоронинг Зарангар қишлоғида туғилиб ўсган улуғ ҳанафий олими. Шамсул аимма Сарахсийдан (1009–1090) сабоқ олган, ўзи ҳам “Имомлар қуёши” лақабига эга эди. Унга “кичик Абу

Ҳанифа” ҳам деганлар. Бухоронинг Калобод қабристонига дафн этилган.

44. **Зоҳидий.** Мухтор ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Абурражоъ Нажмиддин Зоҳидий Ғазминий (ваф. 658/1260) Хоразмнинг Ғазмин қишлоғидан бўлган. Ўз даврининг пешқадам фақиҳларидан таълим олган. Бағдодга сафар қилганида, мунозараларда енгиб чиққан, Румда бир муддат яшаган. Унинг барча асарлари ҳанафий фиқҳида шуҳрат қозонган. Манбаларда “Зоҳидий”дан деб иқтибос олинса, унинг “Қуня” асари назарда тутилган бўлади. Эътиқодда мўътазилий, амалиётда ҳанафий бўлган бу олим ҳанафийликда шуҳрат топган ўнлаб фиқҳий манбалар соҳиби. Жумладан, “Мухтасарул Қудурий”га ёзган “Ал-Мужтабо” номли шарҳи, “Қунятул муня” асари, “Ал-Ҳовий” номли фиқҳий матн китоби кабилар машҳурдир.

45. **Азмизода.** Мустафо ибн Пирмуҳаммад Азмизода Ҳолотий (1570–1631) ҳанафий олими бўлиш билан бирга, турк адабиётида рубоий жанрининг асосчиларидан бири сифатида ҳам танилган. Истанбулнинг бир неча мадрасаларида мударрис, Шом, Бурса, Адирна, Қоҳирада қозилик, Онадоли ва Румелида қози аскарлик қилган. Унинг “Дурарул ҳукком”га битган ҳошияси анча шуҳрат қозонган. “Ал-Ҳидоя”га ҳам ҳошия битган. “Шарҳул Манор”га ёзган ҳошияси “Натоижул афкор” Истанбулда икки марта нашр қилинган.

46. **Айнтобий.** Абул Аббос Шаҳобиддин Аҳмад ибн Иброҳим ибн Айюб Айнтобий (ваф. 767/1365) Ҳалаб яқинидаги Айнтоб номли қалъадан бўлган. Фиқҳий матн китоби бўлмиш “Мажмаул баҳрайн”ни “Ал-Манбаъ” номи билан, шунингдек, усулул фиқҳга оид “Ал-Муғний”ни ҳам шарҳлаган. У Дамашқда қози аскар бўлган ва мадрасада дарс берган.

47. **Ақилий.** Икки нафар ҳанафий олими шу нисба билан шуҳрат қозонган. 1) Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Умар Ақилий Ансорий (ваф. 576/1180) Бухорода туғилиб-ўсган бўлиб, Садруш шаҳиддан дарс олган. Унинг Ақил ибн Абу

Толибга нисбатан Ақилий нисбасини олгани айтилса-да, Ақил ибн Жобир Ансорийга нисбатан қўлланилгани кўпроқ таъкидланади. Унинг “Минҳожул-фатово” номли фатво тўплами бўлган; 2) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Ақилий Ансорий Бухорий (657/1258) бухоролик фақиҳ, Шамсул аимма унвонига эга бўлган. У Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Ал-Жомеъ ас-сағир” асарини назмга солгани билан шуҳрат қозонган.

48. **Ақтаъ.** Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ақтаъ Бағдодий (ваф. 474/1081) ҳанафий олими сифатида Қудурийдан (972–1037) сабоқ олган ва мударрислик қилган. Қўли кесик бўлгани учун Ақтаъ лақабига эга бўлган. Унинг Қудурийнинг мухтасарига ёзган шарҳи бўлган.

49. **Ало Зоҳид.** Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Зоҳид Бухорий (ваф. 546/1151) муфтий, мутакаллим, муфассир бўлиб, минг жузли тафсир ёзгани нақл қилинган. У Абу Зайд Дабусийнинг (978 –1039) шогирди Жамолиддин Абу Наср Аҳмад Риғдамунийдан дарс олган. Ўз навбатида Ало Зоҳид “Ал-Ҳидоя” соҳиби Бурҳониддин Марғинонийнинг устозларидан ҳисобланади.

50. **Ансорий.** Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мусанно Ансорий (737–830) машҳур саҳоба Анас ибн Моликнинг (610–712) авлодларидан бири, ҳанафий олими. У Ҳорун Рашид (786–809) даврида Басрада қози бўлган. Имом Зуфар ва Имом Абу Юсуфдан сабоқ олган. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810–870) ўзининг сулосиёт ҳадисларидан бирини ундан ривоят қилган.

51. **Аттобий**. У Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар Зоҳидуддин Аттобий бўлиб, Бухоронинг Аттобийя маҳалласидан бўлган. Уни **Уттобий** ҳам дейилади. Зоҳид уламолардан, замонасининг тенгсиз алломаларидан. Асарларидан “Шарҳуз Зиёдот”, “Ал-Жомеъ ал-кабир” ва “Ал-Жомеъ ас-сағир”га ёзган шарҳлари, Қуръони каримга ёзган тафсири ҳамда машҳур фатовоси “Фатовойи Аттобия”си бор. Уни “Жавомеул фиқҳ” ҳам дейилади. 586/1190 (ёки 582/1186) йил вафот этган.

52. **Ал-Бадрул абяз.** Юсуф ибн Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Ҳалабий (1128–1195) лақаби бўлиб, Ҳалабдан чиққан ҳанафийлардан бири.

53. **Ал-Бадрут Тавил.** Довуд ибн Ўғилбек ибн Али Румий (ваф. 715/1315) Қўнядан чиққан фақиҳ, ўттиз йилча Дамашқда яшаган, кейин ўн беш йил Ҳалабда мударрис сифатида фаолият олиб борган.

54. **Баққолий.** Муҳаммад ибн Абул Қосим Хоразмий Наҳвий Баққолий (ваф. 562/1167 ёки 576/1180) Аллома Замахшарийнинг шогирди. У фақиҳ, луғат ва грамматика олими, муфассир бўлган. Унинг “Ал-Фатово”, “Жамъут тафорик”, “Мифтоҳут танзил”, “Китобут Тарғиб фил илм”, “Азкорус солат”, “Ат-Тарожим би лисонил аожим” каби ўндан ортиқ асарлари мавжуд. Унинг **Зайнул машойих** номли лақаби бўлган.

55. **Биргили.** Муҳйиддин Муҳаммад ибн Пир Али Биргивий (Биргили) Болиқасрий (1523–1573) Истанбул, Адирнада қозилик, мударрислик қилган. Узоқ йиллар Бирги шаҳрининг бош мадрасасида мударрис бўлгани учун Биргили ёки Биргивий нисбасини олган. Тасаввуфга берилиб, Байрамия тариқатига кирган. Уни машҳур қилган асари “Ат-Тариқатул Муҳаммадия фий баёни сийратин набавия” асаридир. Ушбу асарга бир неча шарҳлар битилган. “Шарҳул Виқоя”га ҳошия боғлаган. “Рисолаи Биргивий” номли васиятномаси ҳам бор.

56. **Боқоний.** Нуриддин Маҳмуд ибн Баракот ибн Муҳаммад Боқоний Димашқий (ваф. 1003/1594) асли Ноблуснинг Боқо қишлоғидан бўлса-да, Шомда туғилиб-ўсган. Шом мадрасаларида мударрислик қилиб, китоб тижорати билан шуғулланган. У “Мухтасарул Виқоя” ва “Мултақил абҳур”га шарҳ битган, “Баҳрур роиқ”қа такмила қилиб, тўлдирган.

57. **Валволижий.** Абул Фатҳ Заҳириддин Абдуррашид ибн Абу Ҳанифа ибн Абдурраззоқ Валволижий (1075–1145) Бадахшонга қарашли Валволиж шаҳарчасидан бўлган фа-

қиҳ. Унинг “Ал-Фатово ал-Валволижия” номли фатво китоби шуҳрат қозонган.

58. **Жассос.** Абу Бакр Аҳмад ибн Али Розий Жассос (918–980) озроқ муддат қозилик ва воизлик лавозимларида фаолият юритган, ганчкорлик касби билан шуғулланган. Унинг ўнга яқин асарлари бор бўлиб, тахриж соҳибларидан бири ҳисобланади.

59. **Жомеъ.** Абу Исмат Нуҳ ибн Зайд Марвазий (ваф. 173/790) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг фиққини илк жамлаган кимса бўлгани боис Жомеъ (тўпловчи) лақаби билан шуҳрат қозонган. Баъзи ривоятларга кўра, у ҳадис, фиққ, наҳв ва шеъриятдан дарс бергани боис шу лақабни орттирган. У Абу Ҳанифа ва Ибн Абу Лайлодан (693–765) сабоқ олган. У узоқ муддат Марвда қози бўлган, Абу Ҳанифа унга насиҳат қилиб мактублар битган. Ҳадисшунослар уни бошқа одам билан адашиб, ҳадис ривоятида ишончсиз деб таърифлаганлар.

60. **Алий Қори.** Али ибн Султон Муҳаммад Қори Ҳиравий Ҳанафий (ваф. 1014/1605) таниқли ҳанафий олими. Ҳиротда туғилиб-ўсган, Маккага ҳижрат қилиб, у ерда яшаб қолган. Фиққ, ҳадис, тарих, қироат, тафсир, калом, тасаввуф, адабиёт каби ўз даврининг барча илмларидан хабардор, исломий илмларнинг барча соҳаларида баракали қалам тебратган олим. Унинг асарларининг аксарияти нашр қилинган. Асосий асарлари сифатида фиққга оид: “Мухтасарул Виқоя” ва “Лубобул маносик”ка ёзган шарҳлари; ҳадисга оид: “Мишкотул масобиҳ”, “Шамоилул муҳаммадия”, “Аш-Шифо”га ёзган шарҳлари; каломга оид: “Бадъул амолий” ва “Ал-Фиққул акбар”га ёзган шарҳлари; қироатга оид: “Муқаддиматул жазария”, “Аш-Шотибийя”га ёзган шарҳлари; шунингдек, мавзуъ (сохта) ҳадислар мавзусига бағишланган катта-кичик рисолалари, “Имом Аъзам маноқиби”, “Ҳанафий олимлар табақоти” кабиларнинг номларини келтириш мумкин.

61. **Али Жамолий.** Алоуддин Али ибн Муҳаммад Жамолий (ваф. 932/1525) машҳур Шайхул Ислом. **Занбилли**

лақабига эга бўлган бу ҳанафий олимининг “Ал-Ҳидоя”ни қисқартириб, бир мухтасар тузгани маълум. Яна унинг “Мухторотул фатово” номли фатво тўплами ҳам бор.

62. **Али Саъдий**. У Шайхул Ислом Абулҳасан Али ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Саъдий Сўғдий бўлиб, Бухорода яшаган. Фақиҳ ва муҳаддис бўлган. Ундан Шайхул Ислом Сарахсий (1009–1090) Имом Муҳаммаднинг “Ас-Сияр ал-кабир” асарини ривоят қилган. Али Саъдий Бухорода 461/1068 йил вафот қилган. “Ан-Нутаф фил фатово” ҳамда “Шарҳус Сиярил кабир” унинг қаламига мансуб, дейилади. “Ан-Нутаф фил фатово” Байрутда нашр этилган.

63. **Исбижобий.** Абу Наср Аҳмад ибн Мансур Исбижобий (ваф. 480/1087) Исбижобда туғилиб ўсган бўлса-да, Самарқандда яшаган. “Ал-Жомиъ ал-кабир”, “Адабул қози”, “Мухтасарут Таҳовий”, “Ал-Кофий” асарларига шарҳлар битган. Яна бир таниқли ҳанафий олими Исбижобий нисбали бўлиб, у Али ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Али ибн Аҳмад Исбижобий Самарқандий (1062–1140) Бурҳониддин Марғинонийнинг (1123–1197) устозларидан бири. Унинг “Шарҳу Мухтасарит Таҳовий” ва “Ал-Мабсут” асарлари бўлган.

64. **Кавокибий.** Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Аҳмад Кавокибий Ҳалабий (1609–1685) Ҳалабда туғилиб-ўсган ва у ерда муфтий бўлган ҳанафий фақиҳи. Унинг усулул фиқҳга оид эътиборли асар бўлмиш “Манорул анвор”ни назм ипига тизиб, ёзган китоби “Манзуматул Кавокибий” китоби номи билан шуҳрат қозонган. Манзума нашр этилган бўлиб, унга муаллифнинг ўзи “Иршодут толиб” номи билан шарҳ ёзган.

65. **Кархий.** Абул Ҳасан Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн ибн Даллол Кархий (873–952) машҳур ҳанафий олими. Ироқнинг Карх номли қишлоғидан бўлган. Бағдодда яшаб ўтган энг таниқли ҳанафий олимларидан бири. Абу Саид Бирдаъийдан сабоқ олган. Ўз навбатида у Абу Али Шоший, Абу Абдуллоҳ Дамағоний, Абу Бакр Закариё Зарир каби ҳанафий олимларига устозлик қилган. Унинг “Ал-Мухтасар” асари шуҳрат қозонган ва бир неча шарҳлар битилган. Бундан ташқари Кархийнинг усулул фиқҳга оид “Ар-Рисола” (“Ал-

Усул”) асари, шунингдек, “Ал-Жомеъ ал-кабир” ва “Ал-Жомиъ ас-сағир”га ёзган шарҳлари бўлган.

66. **Қози Абу Хозим.** Қози Абдулҳамид ибн Абдулазиз Абу Хозим (ваф. 292/905) асли Басрадан бўлиб, Бағдодда яшаган, Муҳаммад ибн Ҳасан Шабонийнинг невара шогирди. Куфада бир муддат қози бўлган. Унинг “Китобул маҳозир вас сижиллот”, “Адабул қози”, “Ал-Фароиз” каби асарлари бўлган.

67. **Қози Насафий.** Абдулазиз ибн Усмон ибн Иброҳим ибн Муҳаммад Насафий (ваф. 533/1138 ёки 563/1167) Бухорода фаолият олиб борган. Унинг “Ал-Мунқиз миназ залал фий масоилил жадал”, “Кифоятул фуҳул фил усул”, “Ал-Фусул фил фатово” каби асарлари бўлган.

68. **Котиб Ҳоким.** Абдурраҳмон ибн Муҳаммад фақиҳ сифатида танилган. У Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Каморийнинг (ваф. 381/992) шогирди бўлган.

69. **Қудурий.** Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Бағдодий Қудурий (972–1037) Бағдод қишлоқларидан бирига ёки қозонфурушлик касбига нисбат қилинган. У таниқли ҳанафий фақиҳи. Унинг мўътабар фиқҳий матн китоби “Ал-Мухтасар”, Абу Ҳанифа ва Шофиъий ораларидаги ихтилофли масалаларга Бағишланган “Ат-Тажрид”, Абу Ҳанифа ва асҳоблари орасидаги ихтилофли масалаларга бағишланган “Ат-Тақриб” каби асарлари бор.

70. **Кушоний.** Иброҳим ибн Яъқуб ибн Абу Насир Кушоний (1086–1158) Самарқандга қарашли Кушония шаҳарчасидан бўлган. Самарқандда хатиблик қилиб, ўзининг воизлиги билан танилган ҳанафий олими. Тафсир илмига ҳам кучли бўлган.

71. **Ломиший.** Мазкур нисба Фарғона қишлоқларидан бирида туғилганларга нисбатан қўлланилган бўлиб, икки нафар ҳанафий олими машҳур бўлган. Биринчиси, Абу Али Имодиддин Ҳусайн ибн Али ибн Абул Қосим Ломиший (1049–1128) Самарқандда яшаган. Хилоф илми бўйича мутахассислардан бири ҳисобланади. Унинг “Воқеотул Ломиший”, “Шарҳуз Зиёдот” ва “Ал-Фатово” каби асарлари бўлган.

Иккинчиси, Абул Маҳомид Бадриддин Маҳмуд ибн Зайд Ломиший XI аср охири – XII аср бошларида яшаб ўтган бўлиб, асосан битта асари – усулул фиқҳга оид “Усулул Ломиший” номли рисоласи топилиб, ҳозирда нашр қилинган.

72. **Мавло Ягон.** Шамсиддин Муҳаммад ибн Адамғон Румий устози Шамсиддин Фанорий (1350–1430) вафотидан сўнг мударрис ва қози бўлган. Ҳажга бориб келгандан сўнг Изниқда вафот этган.

73. **Муаззин Хоразмий.** Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Садр ибн Али Хоразмий (XII аср) ҳанафий олими, фиқҳ, тафсир, ҳадис фанларига маҳоратли бўлган. Маҳмуд Замахшарий (1075–1144) асарларига ихлоси баланд бўлган, ўзи ҳам бир неча асарлар ёзгани зикр этилади.

74. **Мустағфирий.** Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Мўътазз Мустағфирий Насафий (961–1040) фақиҳ ва муҳаддис сифатида шуҳрат қозонган ҳанафий олимларидан. Асосан Насафда яшаб, воизлик билан шуғулланган. Унинг “Таърихи Насаф ва Кеш”, “Далоилун нубувва”, “Фазоилул Қуръон”, “Тиббун набавий” каби ўндан ортиқ асарлари бўлган.

75. **Мутарризий.** Абул Фатҳ (Абул Музаффар) Носир ибн Абдуссаййид ибн Али ибн Мутарриз Мутарризий Хоразмий (1144–1220) таниқли тил, адабиёт ва фиқҳ олими. Хоразмнинг Журжония (Гурганж)идан бўлган. Маҳмуд Замахшарий вафот қилган йили, худди ўша шаҳарда туғилгани учун унга “Халифатуз Замахшарий” деганлар. У Замахшарийнинг шогирдларидан сабоқ олган. Эътиқодда мўътазилий, амалда эса ҳанафий бўлган. Мутарризий нисбасини матоларга нақш босиш санъати-касби билан шуғилланган учун олган. Унинг наҳвга оид “Ал-Мисбоҳ” ҳамда ҳанафий мазҳаби фиқҳининг атамалари луғатига бағишланган “Ал-Муғриб фий тартибил Мўъриб” асарлари нашр қилинган. Бундан бошқа ҳам асарлари бор.

76. **Муҳиббий.** Муҳаммад Амин ибн Фазлуллоҳ ибн Муҳиббуллоҳ ибн Муҳиббиддин Ҳамавий Димашқий Муҳиббий (1651–1699) таниқли тарихчи. Шомда туғилиб-ўсган,

Шом, Макка, Мисрда қози, мударрис сифатида фаолият олиб борган. Унинг “Хулосатул асар фий аъёнил қарнил ҳодий ашар” номли асари шуҳрат қозонган бўлиб, унда XI ҳижрий асрда яшаган 1289 нафар олимнинг таржимаи ҳоли берилган. Мазкур асар Қоҳирада тўрт жилд қилиб нашр қилинган.

77. **Алоуддин Самарқандий.** Абу Бакр Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (ваф. 539/1144) таниқли фақиҳ, Абу Юср Паздавий ва Абул Муин Насафийларнинг (1027–1114) шогирди бўлган. Алоуддин Самарқандийнинг икки асари – фиқҳий матн китоби “Туҳфатул фуқаҳо” ҳамда усулга оид “Мезонул усул” асарлари нашр қилинган.

78. **Уструшоний.** Абу Жаъфар Маждиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн Уструшоний (Уструшоний) (ваф. 632/1234) Жиззах ҳудудидаги қадимий Уструшонадан бўлган фақиҳ. Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197) каби бир қанча олимларнинг шогирди ҳисобланади. Ҳанафий фиқҳида унинг иккита асари шуҳрат қозонган. Улардан бири ёш болалар ҳуқуқига бағишланган “Аҳкомус сиғор” асари Ибн Қози Симовата (ваф. 823/1420) қаламига мансуб “Жомиул фусулайн” билан биргаликда 1300 ҳижрий йили Қоҳирада нашр қилинган. Яна унинг 30 фаслдан иборат “Ал-Фусулул Уструшония” асари бор, 2010 йил Тошкентда нашр қилинган. Шунингдек, “Ал-Фатово”, “Қурратул айн” каби китоблари бўлган.

79. **Устоз.** Бундан мурод Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис Субазмуний (872–952) назарда тутилади. Субазмун Бухоро қишлоқларидан биридир. Саройда фақиҳлик вазифасини бажариб, фиқҳий масалаларни ҳал этиш унинг зиммасида бўлгани учун устоз деб аташган. Унинг Абу Ҳанифа маноқиби ва у ривоят қилган ҳадисларга бағишланган “Кашфул асор” асари шуҳрат қозонган.

80. **Ўший.** Абул Ҳасан Сирожиддин Али ибн Усмон Ўший Мотуридий Фарғоний (ваф. 575/1179). Ўшлик ҳанафий олими ва мутакаллими. Унинг асосан икки асари – фиқҳга оид “Фатовойи сирожия” ҳамда каломга оид манзумаси “Бадъул

амолий” асарлари шуҳрат қозонган ва бир неча марта нашр қилинган.

81. **Фазлий.** Абу Амр Усмон ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Фазлий Асадий Бухорий (ваф. 508/1114) ҳанафий олими бўлиб, Абул Ҳасан Али Сўғдийдан (ваф. 461/1069) дарс олган. Унинг “Фатовоул Фазлий” асари бўлган.

82. **Хаёлий.** Шамсиддин Аҳмад ибн Мусо Хаёлий Румий (1433–1466) Бурса шаҳрида мударрис бўлган. У Аллома Тафтазонийнинг (1322–1392) “Шарҳул Ақоидин насафия” асарига битган ҳошияси билан танилган. Шунингдек, унинг “Шарҳут Тажрид” номли асари ҳам бор. У ёшлигидан обрў-эътиборга эга бўлган; айни навқирон ёшида вафот қилган.

83. **Ҳалабий.** Бурҳониддин Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Ҳалабий (ваф. 956/1594) таниқли ҳанафий олими. Ҳалабда туғилиб-ўсган, Қоҳирада Жалолиддин Суютийдан (1445–1505) сабоқ олган. Умрининг охири Истанбулда ўтган. Истанбулда Фотиҳ жомесида имом-хатиб, Дорул қурро мадрасасида мударрис бўлган. Унинг “Мултақил абҳур” номли фиқҳий матн китоби ҳанафий мазҳабидаги эътиборли манбалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, унинг намоз масалаларига бағишланган “Мунийятул мусоллий” номли матнга ёзган катта-кичик шарҳлари ҳам шуҳрат қозонган бўлиб, “Ғунийятул мутамаллий фий шарҳу мунийятил мусоллий” деб номланган. Талабалар орасида каттаси “Ҳалаби кабир”, унинг мухтасари эса “Ҳалаби сағир” деб аталган. Иброҳим Ҳалабийнинг барча асарлари эътиборли манбалар сифатида тошбосмаларда ҳам бир неча марталаб нашр қилинган.

84. **Ҳамавий.** Абул Аббос Шиҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Маккий Ҳусайний Мисрий Ҳамавий (ваф. 1098/1687) Қоҳира ва Истанбул мадрасаларида мударрис бўлган. Икки асари – “Ал-Ашбоҳ ван назоир”га ва “Канзуд дақоиқ”қа шарҳ ҳамда ҳошияси шуҳрат қозонган ва нашр қилинган.

85. **Ҳасирий.** Бухоронинг бўйрачилар маҳалласига нисбатан қўлланилган бўлиб, икки нафар ҳанафий олими шу

нисба билан танилган. Биринчиси, Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юнус ибн Иброҳим Ҳасирий Бухорий (ваф. 500/1107) Шамсул аимма Сарахсийнинг (1009–1090) шогирди бўлган. Унинг “Ал-Ҳовий фил фатово” асари ҳанафий мазҳабида эътимодли манбалардан ҳисобланади. Иккинчиси, Абул Маҳомид Жамолиддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдуссаййид ибн Усмон Ҳасирий Бухорий (1151–1238) Бухорода Қозихоннинг (ваф. 592/1195) шогирди бўлган. У Шомда яшаб, “Нурийя” мадрасасида дарс берган. Унинг “Ал-Жомиъ ал-кабир”, “Ас-Сияр ал-кабир”га ёзган шарҳлари, фатво тўплами, “Ал-Хайр ал-матлуб” номли фиқҳий матн китоби, ҳанафийлик ва шофиъийлик ўртасидаги қиёсий ҳуқуқшуносликка бағишланган “Ат-Тариқат ал-Ҳасирия” номли асарлари бўлган.

86. **Ҳаскафий.** Алоуддин Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдураҳмон ал-Ҳисний Асарий Ҳаскафий (1616–1677) Шомда туғилиб-ўсган, у ерда муфтий бўлган. Ҳаскафий Диёрбакрга қарашли Ҳисни Кайфо деган қалъага нисбатан қўлланилган. Уни машҳур қилган асари Темуртошийнинг (ваф. 1004/1595) “Танвирул абсор” фиқҳий матн китобига битган шарҳи – “Дуррул мухтор”дир. Мазкур асар тошбосмаларда бир неча марта нашр қилинган, ҳинд ва инглиз тилларига таржима қилинган. Унга 6 та ҳошия боғланган, шу жумладан, Ибн Обидиннинг (1783–1836) “Раддул муҳтор” асарини келтириш мумкин. Шунингдек, Ҳаскафийнинг “Ал-Манор”га ёзган шарҳи – “Ифозатул анвор” номли асари Қоҳирада 1328 ҳижрий йилда чоп этилган.

87. **Хассоф.** Аҳмад ибн Умар ибн Маҳир Хассоф (797–875) ҳанафий олими, илмни отасидан олган. Фароиз илмига моҳир бўлган. Унинг ҳанафий фиқҳига оид ўнга яқин асарлари бўлган. Аббосий халифа Муҳтадий биллоҳга атаб “Китобул Харож” номли асар битган. Ямоқчилик касби билан ҳалол кун кўрган.

88. **Ҳоик.** Абу Саъид Исмоил ибн Али ибн Ражаб ибн Иброҳим Димашқий Айний Ҳоик (1636–1701) Шомда мударрис ва қози бўлган. Бобоси каби тўқимачилик касби билан

шуғулланган учун Ҳоик лақаби билан танилган. Унинг фатово тўплами бор.

89. **Ҳокимуш Шаҳид.** Ҳокимуш шаҳид Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ бўлиб, Бухорода қози, кейинчалик Хуросонда вазир ҳам бўлган. Унинг ёзган "Ал-Кофий" асари усул китобларининг энг машҳур ва энг эътимодлиларидан бирига айланган. У 334/945 йил сажда қилаётганида қатл этилган. Шунинг учун шу лақаб билан танилган.

90. **Наризий.** Абдулбоқи ибн Юсуф Наризий Мароғий (ваф. 491/1098) Озарбайжоннинг Нариз қишлоғидан бўлган. Нишопурда яшаган, у ерда Ақил масжидида имом бўлган ва дарс берган.

91. **Носиҳий.** Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Ҳусайн Носиҳий Найсобурий (ваф. 447/1055) ҳанафий фақиҳи ва муҳаддис бўлиб, Султон Маҳмуд ибн Сабуктегин даврида Бухоронинг қозул қузоти бўлган. Носиҳ деган бобокалонига нисбатан Носиҳий нисбасини олган. Унинг ўғли ҳам қози бўлган. Носиҳийнинг Ҳилол Раъй (ваф. 245/858) ҳамда Хассофнинг (797–875) "Аҳкомул вақф" асарининг қисқартмаси сифатида яратилган "Ал-Жомиъ", ал-Хассофнинг "Адабул қози"сига ёзган "Ат-Таҳзиб" номли асарлари бўлган.

92. **Нотифий.** Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Амр Нотифий Анбарий (ваф. 446/1055) қиём тайёрлаш касби билан шуғулланган учун шу нисбани олган. У Абу Абдуллоҳ Журжонийнинг (ваф. 398/1007) шогирди бўлиб, таниқли фақиҳлардан бири ҳисобланади. Унинг "Ал-Ажнос" (Жинслар), "Ал-Фуруқ" (Фарқлар), "Ал-Воқеот" (Воқеалар) номли асарлари бор бўлган.

93. **Рустуғфаний.** Абул Ҳасан Али ибн Саид Рустуғфаний Самарқанд қишлоқларидан бири бўлмиш Рустуғфанда туғилган. Ҳанафий мазҳаби фақиҳи, мотуридийлик калом мактаби вакили сифатида танилган. Фиқҳда "Ал-Фатово", каломда эса "Иршодул муҳтадий" каби асарлари бўлган. Тахминан 337/949 йилларда вафот қилган.

94. **Садрус Саид.** Тожиддин Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорий (XI аср) садрлар оиласига мансуб фақиҳ.

95. **Садруш шаҳид.** Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Бухорий (1090–1151) Мовароуннаҳрда садрлик лавозимига эга бўлган ва садрлар оиласининг энг кўзга кўринган вакили. Самарқандда Қатавон жангида шаҳид бўлгани боис кўпроқ **Садруш шаҳид** лақаби билан танилган, **Ҳусомуш шаҳид** деб ҳам номланади. Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197) уни устозлари қаторида санаган ва эҳтиром ила тилга олган. Ҳусомиддин Шаҳид Бухорийнинг “Фатовоус Суғро”, “Фатовоул Кубро” “Шарҳу адабил қози”, “Шарҳул Жомиъис сағир” номли асарлари бўлган.

96. **Саййидуш Шариф ва Саййидус Санад.** Али ибн Муҳаммад Журжоний (1340–1414) таниқли олим, ақлий ва нақлий илмларга маҳоратли бўлган. Амир Темур даврининг энг кўзга кўринган алломаларидан бири. Унинг грамматика, мантиқ, фалсафа, калом, фиқҳ, тафсир каби соҳаларда 50 дан зиёд асарлари бор. Асарлари мадрасаларда ҳам ўқитилган.

97. **Саккокий.** Абу Яъқуб Сирожиддин Юсуф ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Али Хоразмий Саккокий (1160–1299) тил ва балоғат фанлари олими бўлиб, машҳур ҳанафий олими Нажмиддин Зоҳидийнинг (ваф. 658/1260) устози ҳисобланади. Саккокий мўғул Чиғатойхоннинг бир неча йиллар яқин одами бўлган, кейинчалик унга ёқмай қолгани учун уч йил маҳбусликда сақланган. Саккокийнинг яккаю ягона “Мифтоҳул улум” асари ўрта асрларнинг энг машҳур дарсликларидан бири ҳисобланган. Асарга кўплаб шарҳлар битилган. Хусусан, унинг учинчи бўлимига қилинган шарҳ – Нажмиддин Қазвинийнинг “Талхисул Мифтоҳ” асари жуда машҳур.

98. **Саффор.** Абу Исҳоқ Рукнул Ислом Иброҳим ибн Исмоил ибн Аҳмад Зоҳид Саффор ҳанафийларнинг таниқли фақиҳларидан бири, Бухорода 534/1140 йилда подшоҳ томонидан қатл қилдирилган. Унинг “Тахлисуз Зоҳид” ва “Ки-

тобус сунна вал жамоат” номли китоблари бўлган. Мисгарлик касби билан шуғулланган учун шу лақаб билан танилган.

99. **Сиғноқий.** Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Али ибн Ҳажжож Сиғноқий (ваф. 711/1311) “Ан-Ниҳоя” номли машҳур “Ал-Ҳидоя”га шарҳ битган. У шарҳини 700/1300 йили тугатган. Яна унинг Абул Муин Насафийнинг (1027–1114) қаламига мансуб каломга оид “Ат-Тамҳид” асарига ёзган шарҳи ҳамда Фахрул Ислом Паздавийнинг (1009–1089) “Усулул фиққ”га битган “Ал-Кофий” номли шарҳи ҳам бўлган. У 710/1310 йилда Дамашққа борган ва шу ерда вафот этган.

100. **Сижовандий.** Абу Тоҳир Сирожиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуррашид Сижовандийнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар жуда кам. Унинг 596/1200 йилларда ҳаёт бўлгани маълум, холос. Унинг, асосан, “Ал-Фароизус сирожия” асари шуҳрат қозонган. Мерос тақсимотига бағишланган ушбу асарга ўндан ортиқ шарҳлар ёзилган ва ҳошиялар боғланган. Шунингдек, унга нисбат қилинган “Фатовойи Сирожия” номли фатво тўплами Калкутта ва Лакнавда нашр этилган. “Ат-Тажнис фил ҳисоб” номли асари ҳам бўлгани қайд қилинган.

101. **Сўғдий.** Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Сўғдий Самарқандий (ваф. 461/1069) Бухорода яшаб, қозилик қилган. Унинг “Ан-Нутаф фил фатово” асари бўлиб, Байрутда икки марта нашр этилган.

102. **Тамимий.** Тақиюддин ибн Абдулқодир Тамимий Ғаззий Мисрий (1544–1601) таниқли олим бўлиб, ҳанафий фақиҳларининг таржимаи ҳолларига оид “Ат-Табақотус сунния фий тарожимил ҳанафия” асари шуҳрат қозонган. Бундан ташқари “Ятиматуд даҳр”нинг мухтасарини яратган.

103. **Таҳтовий.** Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил Дўқотий Таҳтовий Мисрий (ваф. 1231/1816) ҳанафий олими. Унинг асли турк бўлиб, Мисрнинг Таҳта шаҳарчасида туғилган. “Ал-Азҳар”да ўқиган, у ерда дарс берган, ҳанафийлар шайхи сифатида шуҳрат қозонган. Унинг “Дуррул мухтор”га боғлаган ҳошияси Калкутта, Қоҳира ва Булоқда бир неча

марта нашр этилган. Унинг “Мароқил фалоҳ”га боғлаган ҳошияси ҳам нашр қилинган.

104. **Ибн Обидин.** Муҳаммад Амин ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Абдурраҳим ибн Нажмуддин ибн Муҳаммад Салоҳуддин Ибн Обидин Димашқий бўлиб, 1198/1783 йилда Шомнинг Дамашқ шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигидан диний таълим олган, балоғатга етмасдан аввал Қуръони каримни ёд олган. Саъид Ҳамавийдан тажвид, қироат, наҳв ва сарф ҳамда шофиъий фиқҳини ўрганган бўлса, Муҳаммад Солимий Омирийдан ҳадис, тафсир ва мантиқ илмлари ҳамда ҳанафий фиқҳидан таълим олади. Ўзи ҳам таълим ва тадрис ишларига машғул бўлиб, кўплаб шогирдлар чиқарган, шу билан бирга “Рафъул анзор”, “Уқудуд дуррия”, “Насамотул асҳор”, “Раддул муҳтор ало дуррил мухтор” каби ўнлаб асарлар таълиф қилган. Ўттиздан зиёд рисолалари жамланган “Мажмуатур расоил” асари нашр этилган. Дамашқда 1252/1836 йилда вафот қилган.

105. **Темуртоший.** Шамсиддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Темуртоший Ғаззий (ваф. 1004/1596) асли Хоразмнинг Тумуртош (Темиртош) қишлоғидан бўлиб, Ғазза (Фаластин)да туғилган ҳанафий олими. Ибн Абдулъол ва Ибн Нужаймдан (1519–1563) сабоқ олган. Унинг “Танвирул абсор ва жомиул биҳор” номли фиқҳий матн китоби шуҳрат қозонган бўлиб, Ҳаскафий (1616–1677) уни “Дуррул мухтор” номи билан шарҳлаган. Ибн Обидин (1783–1836) эса “Раддул муҳтор” номи билан ушбу шарҳга йирик ҳажмда ҳошия ёзган. Темуртошийнинг бундан бошқа ўндан ортиқ асарлари бор.

106. **Турий.** Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Али Турий Қодирий (ваф. 1004/1595) бағдодлик ҳанафий олими бўлиб, у “Баҳрур роиқ”нинг тўлдирмаси – такмиласи билан танилган. Асар “Баҳрур роиқ” билан бирга 8 жилдда Қоҳирада нашр қилинган бўлиб, охирги жилд – “Баҳрур роиқ”қа битилган тўлдирма унинг қаламига мансуб.

107. **Ахий Чалабий.** Юсуф ибн Жунайд Тўқотий (ваф. 905/1500) Истанбулда Қаландария мадрасасида мударрис

бўлган. Унинг “Шарҳул Виқоя”га битган “Захиратул уқбо” номли ҳошияси шуҳрат қозонган.

108. **Ахийзода.** Абдулҳалим ибн Маҳмуд ибн Нуруллоҳ ибн Юсуф Румий (1556–1604) фақиҳ, хаттот ва шоир. Истанбулда туғилиб-ўсган, Абус Суъуд Афандидан сабоқ олган. Истанбул мадрасаларида мударрис ва қози бўлган. “Ал-Ҳидоя”, “Дурарул ҳукком”, “Жомиул фусулайн”, “Ал-Ашбоҳ ван назоир” каби матн китобларига ҳошиялар ёзган, Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб “Шавоҳидун нубувва” асарини турк тилига таржима қилган.

109. **Шумунний.** Абул Аббос Тақиюддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Шумунний (1399–1468) машҳур ҳанафий олими. У ўзининг “Мухтасарул Виқоя”га ёзган шарҳи билан танилган. Баъзилар унинг нисбасини “**Шаманий**” деб ўқийдилар. Шумунний Искандарияда туғилиб ўсган, Қоҳирада яшаган олим бўлиб, ўз даврининг етук фақиҳ ва ҳадисшуносларидан дарс олган. Сирожиддин Билқиний (1324–1403), Зайниддин Ироқий (1325–1404) каби олимлар унга ижозатномалар ёзиб берган. Шу билан бирга, у Жалолиддин Суютий (1445–1505) ва Шамсиддин Саховий (1427–1496) каби олимларга устозлик қилган. “Муғнил лабиб”, “Аш-Шифо”, “Назмун Нухба” каби асарларга ҳам шарҳлар битган.

110. **Шурунбулолий.** Абул Ихлос Ҳасан ибн Аммор ибн Али Вафоий Мисрий Шурунбулолий (ваф. 1069/1659) таниқли ҳанафий олими бўлиб, мутааххирин ҳанафий олимлари ичида фиқҳий маҳорати анча юқори экани билан ҳам ажралиб турган. Мисрда “ал-Азҳар”да мударрислик қилган, 75 ёшларида Қоҳирада вафот этган. Асли Мисрнинг Мануфия қисмига қарашли Шуброблула қишлоғидан бўлган, халқ орасида Шурунбулолий номи билан шуҳрат қозонган. Унинг 60 дан ортиқ асарлари бўлиб, ибодатга оид “Имдодул фаттоҳ”, унинг қисқартмаси “Мароқил фалоҳ” ва икковининг шарҳи ҳисобланган “Нурул изоҳ” асарлари қайта-қайта нашр қилинган. Шунингдек, “Дурарул ҳукком”га битган ҳошияси ҳам чоп этилган.

111. **Бадриддин Айний.** Абу Муҳаммад Бадриддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Юсуф Айний Айнтобий (1361–1451) асли Анқаралик бўлса-да, Ҳалаб яқинидаги Айнтоб шаҳарчасида туғилган. Айнтоб қозиси бўлган бобосидан фиқҳ ўрганган. У фиқҳ, ҳадис, тарих, тил соҳаларида маҳоратли олим бўлиб, Қоҳирада яшаган, Қоҳирада қози, вақфлар нозири, бир неча мадрасаларда мударрис сифатида фаолият олиб борган. Араб ва турк тилларида баракали ижод қилган. Хусусан, унинг “Саҳиҳ Бухорий”га ёзган “Умдатул қори” асари жуда машҳур. Шунингдек, “Ал-Ҳидоя”, “Канзуд дақоиқ”, “Мажмаул баҳрайн” каби ҳанафийликнинг эътиборли фиқҳий манбаларига ёзган шарҳлари нашр қилинган. Унинг наҳвга бағишланган кўп жилдли “Шавоҳидул кубро” ва “Шавоҳидус суғро” асарлари ҳам чоп қилинган. Шоирлар ва ҳанафий олимлари таржимаи ҳолларига бағишланган асарлари ҳам бўлган.

112. **Бурҳон Балхий.** Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан ибн Муҳаммад Балхий (ваф. 548/1153) Балхдан бўлса-да, Бухорода Бурҳон Кабирдан сабоқ олиб, унинг энг муносиб шогирди бўлган. Шунинг учун ҳам уни Бурҳон Балхий дейилган. Кейинчалик Шомга кетиб, у ерда “Садирия” мадрасасида ва Ҳалаб бош мадрасасида мударрислик қилган. Машҳур ҳанафий олимлари Абдуррашид Валволижий ҳамда Муҳаммад ибн Юсуф Ақилий ундан сабоқ олган. Бурҳон Балхий Шомда вафот қилган.

113. **Бурҳонул кабир ва Бурҳонул аимма.** Садрлар оиласининг каттаси Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Бухорийни салжуқийлардан Султон Санжар 495/1102 йилда Мовароуннаҳрга садр қилиб юборади. Шу билан у садрлар оиласига асос солади. Уни ас-садрул мозий, ас-садрул кабир деб ҳам аташган.

114. **Дамод.** Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон (ваф. 1078/1667) Анадўлида қозиаскар бўлган. Дамоднинг Шайхзода деган лақаби ҳам бўлган. Бироқ яна бир Шайхзода – Абдураҳим Афандининг (ваф. 944/1537) дамоди, яъни куёви бўлгани боис кўпроқ Дамод лақаби билан машҳур

бўлган. Дамод ўзининг “Мажмаул анҳур” асари билан танилган ва у Қоҳира ва Истанбулда бир неча марта нашр қилинган.

115. **Жамолул Ислом.** Бу лақаб билан икки нафар ҳанафий олими танилган. Биринчиси, Абул Музаффар Жамолул Ислом Асъад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Каробисий Найсобурий (ваф. 570/1174) нишопурлик ҳанафий олими. Унинг “Китобул фуруқ фил фуруъ” номли асари икки жилдда Кувайтда нашр қилинган. Иккинчиси, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Оқсароий (ваф. 775/1373) таниқли олим Фахриддин Розийнинг ўғли. Қаромон шаҳридаги “Мусалсала” мадрасасида мударрис бўлган. Ушбу мадрасани қурдирган киши унга Жавҳарийнинг “Ас-Сиҳоҳ” номли машҳур луғат китобини тўла ёд олган одам мударрис бўлишини шарт қилган эди. Жамолул ислом илк ва сўнгги бор унга муносиб деб топилган. “Ал-Кашшоф”га ҳошия боғлаган, шунингдек, унинг “Шарҳул Изоҳ”, “Шарҳул Мужаз фит тибб” каби асарлари бўлган.

116. **Жамолиддин Ғазнавий.** Жамолиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ғазнавий (ваф. 593/1197) ҳанафий олими бўлиб, Муҳаммад ибн Юсуф Алавийдан (1160–1250) сабоқ олгани қайд этилса-да, аслида унга дарс берган бўлиб чиқди. Унинг “Ал-Ҳовий ал-қудсий” ҳамда “Ал-Муқаддисатул Ғазнавия” каби асарлари ҳанафий мазҳабининг эътимодли китобларидан ҳисобланган.

117. **Жоруллоҳ.** Маҳмуд ибн Умар Замахшарий (1075–1144) таниқли адиб, фақиҳ, муфассир. Элликдан ортиқ асарлари мавжуд. Унинг усулул фиққа оид “Ал-Минҳож”, фурул фиққа оид “Руусул масоил” номли асарлари бўлган. Айрим асарлари ўзбек тилида ҳам эълон қилинган.

118. **Журжоний.** У Муҳаммад ибн Яҳё ибн Маҳдий Абу Абдуллоҳ Фақиҳ Журжонийдир. “Ҳидоя” соҳиби уни тахриж асҳобларидан бири сифатида санаган. Имом Журжоний умрининг охирида фалаж бўлиб қолган ва 397/1006 (ёки 398/1007) йил вафот қилган. Имоми Аъзам мақбараси ёнига дафн қилинган. Унинг “Хизонатул акмал” номли

олти жилдлик асари, шунингдек, “Шарҳуз зиёдот”, “Шарҳул жомеъил кабир”, Кархий асарининг мухтасари каби асарлари бор.

119. **Жўйзода.** Муҳйиддин ибн Муҳаммад (ваф. 954/1547) Истанбул ва Адирнада мударрис, қози аскар, муфтий бўлган, исломий илмларнинг барчасида маҳорат касб этган. “Ат-Талвиҳ”га ҳошия боғлаган.

120. **Закариё афанди.** Закариё ибн Байрам Анқаравий Румий (1514–1593) Истанбул шайхул исломи бўлган. Сулаймония мадрасасида мударрис бўлган. Ҳалабда қози, Онадўлида қози аскар бўлиб фаолият юритган. “Ал-Ҳидоя” ва “Шарҳул Виқоя”га шарҳ ва ҳошиялар битган.

121. **Заҳириддин.** Бу лақаб билан бир қанча ҳанафийлар танилган. Улардан энг каттаси **Заҳириддин Кабир** лақаби билан шуҳрат қозонган Али ибн Абдулазиз ибн Абдурраззоқ Марғиноний (ваф. 506/1112) “Ал-Фатово аз-заҳирия” номли асар муаллифидир. Шунингдек, унинг ўғли Заҳириддин Ҳасан ибн Али Марғиноний (ваф. 542/1148), яна бир “Ал-Фатово аз-заҳирия”нинг муаллифи Заҳириддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар Бухорий (ваф. 619/1222), **Заҳир Темуртоший** номи билан танилган, “Ал-Жомиъ ас-сағир”ни шарҳловчиларидан бири Заҳириддин Аҳмад ибн Исмоил, **Заҳир Балхий** номи билан танилган Аҳмад ибн Али ибн Абдулазиз, **Заҳир Валволижий** номи билан танилган Абдуррашид кабиларни келтириш мумкин.

122. **Заҳҳокун Набил.** Абу Осим Заҳҳок ибн Мухаллид (740–828) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирдларидан бири. Ҳадис ривоятида ҳам ишончли ҳисобланган боис Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810–870) ва Муслим ибн Ҳажжож (821–875) ундан ҳадис ривоят қилганлар. Бухорий унинг: “Ғийбатнинг ҳаром эканига ақлим етганидан бери ҳаргиз ғийбат қилган эмасман!” деганини зикр қилган. Басрада тўқсон ёшларида вафот этган.

123. **Ибн Абдулъол.** Аминуддин Муҳаммад ибн Абдулъол Димашқий Мисрий (ваф. 971/1563) Ибн Нужайм (1519–1563) каби олимларга сабоқ берган. Қозилик таклиф қи-

линганда қабул этмаган, мутасаввиф бўлган. Унинг “Фатовойи Аминуддин” асари мавжуд.

124. **Ибн Абил Аввом.** Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Саъдий (960-1016) таниқли Миср қозиларидан бири. Атиқ жомесида талабаларни ўқитган, халққа фатво берган.

125. **Ибн Абу Лайло.** Фиқҳ китобларида шу хилда мутлақ келтирилганда Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Ясор Ансорий Куфий (694-766) назарда тутилади. У Куфа қозиси, мужтаҳид муфтийлардан бири бўлган. Ҳадис китобларида Ибн Абу Лайло дейилганда унинг отаси назарда тутилган бўлади.

126. **Ибн Дайрий.** Абус Саодат Саъдиддин Саъд ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ноблисий Димашқий (1366–1463) таниқли ҳанафий олими бўлиб, Қуддусда туғилиб-ўсган, Қоҳирада вафот қилган, асли Дамашқлик. 842/1438 йилдан бошлаб 25 йил давомида Қоҳирада қози бўлган. У Ас-Саружий (ваф. 710/1310) қаламига мансуб “Ғоятус Саружий шарҳул Ҳидоя”га ёзган такмиласи билан шуҳрат қозонган. “Шарҳу Ақоидин Насафия”, “Ал-Кавокибин найййира” номли ўнга яқин асарлари бор.

127. **Ибнуд Доий.** Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Абул Қосим ибн Ҳасан Шажарий (917–970) Дайламдан бўлган ҳанафий олими. Ҳаж зиёратидан қайтишда 337/948 йили Бағдодга келиб, яшаб қолган. Абул Ҳасан Кархийдан (873–952) сабоқ олади ва фатво бериш даражасига етган. Умрининг охирида Дайламга келган.

128. **Ибн Зайтуний.** Абу Жаъфар Абдуссаййид ибн Али ибн Муҳаммад Зайтуний (ваф. 542/1148) аввалига ҳанбалий мазҳабида бўлган, сўнг ҳанафий мазҳабига ўтган. Эътиқодда мўътазилий мазҳабида бўлиб, калом илмида маҳоратли бўлган. Каломга оид рисола ҳам битган.

129. **Ибн Зиё.** Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Зиё Қураший Соғоний Маккий (1387–1450) асли соғонлик бўлиб, Маккада туғилган. Қоҳирада таҳсил олган, Маккада

қозилик қилган, муҳтасиблик ва Нозирул Ҳарам вазифасида фаолият олиб борган. “Канзуд дақоиқ”, “Мажмаул баҳрайн”, “Ал-Вофий”га шарҳлар битган, ҳаж расм-русумларига бағишланган асари, ҳаж вақтида рўй берадиган бидъат, жоҳилликлар ҳақидаги рисоласи мавжуд.

130. **Ибн Айюб**. У Муҳаммад ибн Айюб ибн Абдулқодир ибн Баракот Ҳалабий Муқиррий (ваф. 705/1305) **Бадриддин** лақаби билан танилган ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан ҳисобланади. Жомеул Азҳарда Имом Таҳовийнинг (ваф. 321/933) “Ақоид” китобини ўқитиш билан шуғулланган.

131. **Ибнул Абяз.** Муҳаммад ибн Юсуф ибн Ҳусайн Ҳалабий (1170–1217) Дамашқ ва Мисрда яшаган. Илмни отасидан ўрганган.

132. **Ибнул Адим.** Абул Қосим Камолиддин Умар ибн Аҳмад ибн Ҳиббатуллоҳ Ақилий Ҳалабий (1192–1262) таниқли тарихчи, муҳаддис, адиб ва ҳанафий фақиҳи. Беш наслдан бери Ҳалабда қозилик қилган оилада туғилиб-ўсган. Ўзи ҳам Ҳалабда “Шодбахт мадрасаси”да мударрис ва қозилик қилган, Айюбийлардан Малик Азиз ва Малик Носирга вазирлик ҳам қилган. Ҳулогухон унга қозикалонлик вазифасини топширмоқчи бўлганда қабул қилмаган. Умрининг охирини Қоҳирада ўтказган. Ҳалаб тарихига бағишланган асари нашр қилинган.

133. **Ибнул Ахзар.** Абу Саъд Ризқуллоҳ ибн Муҳаммад Анборий (1009–1076) ҳанафий олими, ишончли ҳадис ровийси.

134. **Ибнул Ғарс.** Абул Юср бадриддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Халил (Ғарс) Мисрий (1429–1489) Қоҳирада туғилиб-ўсган, қозикалонлар ёрдамчиси бўлиб ишлаган, бир қанча мадрасаларда мударрис сифатида фаолият олиб борган ҳанафий олими. Ғарс катта бобосининг лақаби бўлган. Унинг “Ал-Фавокиҳул бадрийя фил қазоёл ҳукмия” асари нашр этилган.

135. **Ибнул Жаъд.** Абул Ҳасан Али ибн Жаъд (754–845) Абу Юсуфнинг шогирдларидан бири, Абу Ҳанифа (раҳимаҳул-

лоҳ)нинг ёшлигида кўрган. Ундан Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810–870) ва Абу Довуд (817–889) ҳадис ривоят қилганлар.

136. **Ибнул Кайёл.** Абул Фатҳ Насруллоҳ ибн Али ибн Мансур Воситий (1109–1190) ҳанафий олими, у ўн қироатни эгаллаган ҳофиз бўлган. Бағдодда ўқиган, сўнг Воситга бориб мударрислик ва қозилик қилган. Бир муддат Басрада ҳам қози бўлган. Хилоф илми бўйича мутахассис ҳисобланган.

137. **Ибнул Каракий.** Абул Вафо Бурҳониддин Иброҳим ибн Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Исмоил Каракий Қоҳирий (1432–1516) асли Иорданиянинг Карак шаҳарчасидан бўлиб, Қоҳирада туғилиб-ўсган. Қозул қузот лавозимида фаолият олиб борган, бир неча мадрасаларда мударрис бўлган. “Файзул Каракий” номли фатво тўплами бор.

138. **Ибн Маккий.** Абул Ҳасан Ҳисомиддин Али ибн Аҳмад ибн Маккий Розий (ваф. 598/1201) ҳанафий фақиҳи сифатида Шомда “Садрийя”, Ҳалабда “Нурия” мадрасаларида дарс берган. У Қудурийнинг (972–1037) мухтасарининг такмиласини яратган, шунингдек, Қудурийнинг мухтасарига ёзган “Хулосатуд далоил ва танқиҳул масоил” деб номланган шарҳи бўлган.

139. **Ибнул Муаллим.** Исмоил ибн Усмон ибн Абдулкарим Димишқий (1226–1315) ўз даврида ҳанафийлар раиси бўлган, 707/1307 йилдан умри охиригача Қоҳирада яшаган.

140. **Ибнул Мударрис.** Ҳусомиддин Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Тўқотий (ваф. 926/1520) отаси ва ўзи мударрислик қилган. Унинг “Шарҳу миату авомил” асари машҳур бўлган.

141. **Ибнул Фасиҳ.** Фахриддин Абу Толиб Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад Ҳамадоний (1281-1354) ақлий ва нақлий илмларда моҳир, Абу Ҳанифа хонақоҳида мударрис бўлган. “Ан-Ниҳоя” соҳиби Ҳисомуддин Ҳусайн ибн Али Сиғноқийдан (ваф. 711/1311) дарс олган. У моҳир шоир ҳам бўлиб, фиқҳга оид “Канзуд дақоиқ” ва “Ан-Нофиъ”, мерос илмига оид “Ас-Сирожия”, усулул фиқҳга доир “Ал-Манор” каби асарларни назмда қайта ишлаган.

142. **Ибнул Ҳанбалий.** Абу Абдуллоҳ Разиюддин Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдураҳмон Ҳалабий (1504–1563) Ҳалабда туғилиб-ўсган ҳанафий олими. “Ал-Фароизус Сирожийя”га “Равзатул ашроф” номли шарҳ ёзган. “Шарҳул Виқоя”га ҳошия битган.

143. **Ибнул Ҳаририй.** Шамсиддин Муҳаммад ибн Усмон ибн Абул Ҳасан ибн Абдулваҳҳоб (1255–1327) ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан бири, Дамашқда қози бўлган. Ибнул Муаллимнинг (1226–1315) шогирдларидан саналади.

144. **Ибнул Ҳумом.** Камолиддин Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Абдулҳамид Сакандарий Севосий (1386–1456) отаси Севос ва Искандарияда қози бўлиб турганида туғилган. Кейинчалик унинг умри Қоҳирада ўтган. Ибнул Ҳумом ҳанафий мазҳабининг энг кўзга кўринган фақиҳларидан бўлиб, уни таржиҳ аҳлидан ва ҳатто мужтаҳид дейилади. Бир неча мадрасаларда бош мударрис ва муфтий бўлиб фаолият юритган. Унинг “Ал-Ҳидоя”га ёзган “Фатҳул қадир” шарҳи ҳамда усулул фиққа оид “Ат-Таҳрир” асари шуҳрат қозонган. Шунингдек, унинг калом илмига оид “Ал-Мусояра”, намоз масалаларига оид “Зодул фақир” каби асарлари ҳам бор.

145. **Ибн Амир Ҳож.** Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Амир Ҳожж Ҳалабий (1422–1474) таниқли муҳақиқ ҳанафий олими бўлиб, Қоҳирада Ибнул Ҳумом, Ибн Ҳажар каби олимлардан сабоқ олган. Унинг **Ибнул Муваққит** номли лақаби ҳам бўлган. Отаси ҳаж ишлари амири бўлгани боис шу куняга эга бўлган. Унинг устози Ибнул Ҳумомнинг усулул фиққа бағишланган “Ат-Таҳрир” асарига ёзган шарҳи “Ат-Тақрир ват таҳбир” асари жуда машҳур бўлиб, уч жилд қилиб Булоқда нашр этилган. Бундан ташқари Саъдиддин Кошғарийнинг “Мунийятул мусоллий” матнига битган “Ҳилятул мужаллий ва буғятул муҳтадий” номли шарҳи каби ишончли асарлари ҳам бор.

146. **Ибнун Нақиб.** Жамолиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Ҳасан Балхий Қуддусий (1215–1270)

фақиҳ ва муфассир сифатида танилган. Унинг саксон жилдли тафсир ёзганлиги манбаларда зикр қилинади. Қоҳирада бир муддат яшаган, сўнг умрининг охиригача ватани Қуддусда яшаб қолган.

147. **Ибнур Рабва.** Носириддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз Қўнавий Димишқий (ваф. 764/1362) ўз даврининг фақиҳи, тафсир олими, адиби. Унинг "Шарҳул манор", "Қудсул асрор", "Ал-Мавоҳибул маккия" каби асарлари бўлган.

148. **Ибнур Росмандий.** Соъид ибн Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Қози Абул Аъло Бухорий Исфаҳоний (1057–1109) асли бухоролик таниқли фақиҳ. У ҳажга бораётиб, қароқчилар қўлига асир тушади, Бағдод халифаси уни 700 динор эвазига қутқариб олади. Шу билан у Бағдодда яшаб қолади. Умрининг охирида бир неча йил халифа буйруғи билан Нишопурга қози бўлиб туради. Ҳайит куни бидъатчи фирқалар қўлида шаҳид бўлган.

149. **Ибнус Саббок.** Али ибн Санжар Бағдодий (1166–1262) "Ал-Жомиъ ал-кабир"ни шарҳлаган фақиҳлардан бири. Унинг фиқҳга оид уржузаси (манзума) ҳам бўлган. У Заҳириддин Бухорий ҳамда "Мажмаул баҳрайн" асари муаллифининг шогирдларидан ҳисобланади.

150. **Ибн Салжий.** Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Шужоъ Салжий (797–879) Ҳасан ибн Зиёднинг шогирди бўлиб, мўътазилийликка мойил бўлган. Шунинг учун муҳаддислар ҳадис ривоятида уни заиф санашган. Боболаридан Салжга нисбатан шу нисбани олган. "Ан-Наводир", "Тасҳиҳул асор", "Ал-Маносик" каби асарлари бўлган.

151. **Ибнус Саотий.** Музаффариддин Аҳмад ибн Али ибн Саълаб Баълабаккий Бағдодий (ваф. 694/1294) таниқли ҳанафий фақиҳи. Отаси соатсоз бўлгани учун шу куня билан танилган. Ҳанафий мазҳабидаги машҳур фиқҳий матн "Мажмаул баҳрайн" муаллифи. Шунингдек, унинг усулул фиқҳга оид "Ал-Бадиъ" номли асари бўлган.

152. **Ибнус Сирож.** Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Масъуд Қўнавий Димишқий Дамашқда қозул қузот бўлган, "Райҳония" мадрасасида мударрислик қилган. У Ҳисомуддин

Сиғноқий (ваф. 711/1311)нинг “Ал-Ҳидоя”га ёзган машҳур шарҳи “Ан-Ниҳоя”ни қисқартириб, алоҳида “Хулосатун Ниҳоя фий фавоидил Ҳидоя” номли бир жилдли асар битган. Шунингдек, 4 жилдли “Мухтасарул Қудурий”га битган “Ат-Тақрир” номли асари мавжуд. Бундан ташқари унинг калом, фиқҳ ва наҳвга оид ўнга яқин асарлари бор.

153. **Ибнус Соиғ.** Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Али (1310–1375) қози аскар, муфтий, “Ат-Тулуний жомеси”да мударрис бўлган. Унинг 17 жилдли “Мажмаул фароид” асари, шунингдек, “Шарҳул машориқ”, “Шарҳул алфия”, “Натоижул афкор”, “Ихтироул фуҳум” каби ўндан ортиқ асарлар муаллифи. Ибнус Соиғнинг яна **Қози садид** деган лақаби ҳам бўлган.

154. **Ибнус Султон.** Абу Абдуллоҳ Қутбиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Султон Солиҳий Димишқий (1465–1543) фақиҳ ва тарихчи, Шомда муфтий ва мударрис, Қоҳирада эса қози бўлган. Унинг “Канзуд дақоиқ”қа ёзган шарҳи маълум. Шунингдек, усмонийлар сулоласи тарихига бағишланган асари ҳам бор.

155. **Ибнус Сусий.** Нуриддин Али ибн Наср ибн Умар (ваф. 775/1373) “Ҳусомия” мадрасасида мударрис бўлган. У фиқҳ ҳақида бир китоб ёзишни бошлаб, никоҳ масалаларига келганда вафот этган.

156. **Ибнут Туркмоний.** Аҳмад ибн Усмон ибн Иброҳим ибн Мустафо Мординий (1282–1344) фақиҳ бўлиб, фиқҳни отаси ва акасидан ўрганган. Унинг “Шарҳул Жомиъис сағир” ва “Шарҳул Ҳидоя” асарлари бор.

157. **Ибнуш Шаммоъ.** Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Усмон ибн Шаммоъ (ваф. 676/1277) усулул фиқҳ ва фуруул фиқҳда баробарига маҳорат касб қилган фақиҳлардан бўлган.

158. **Ибнуш Шеҳна.** Икки нафар ҳанафий олим ушбу куня билан танилган. Биринчиси, Абул Валид Лисониддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шеҳна Ҳалабий (1440–1477) Ҳалабда туғилиб-ўсган, у ерда қози бўлган. Бир муддат Қоҳирада ҳам таҳсил олган. 30 фаслдан иборат

“Лисонул ҳукком фий маърифатил аҳком” номли асарининг 21 фаслини ёзиб, тугата олмаган. Уни Бурҳониддин Иброҳим Ҳолий Адавий 1015/1606 йилда тўлдириб, тугатган. Асар бир неча марта тошбосмаларда нашр қилинган. Иккинчиси, Абул Баракот Сариюддин Абдулбарр ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шеҳна Ҳалабий (1447–1515) Қоҳира ва Ҳалабда қози бўлган. Унинг “Канзуд дақоиқ”қа ёзган шарҳи бўлса-да, асосан, икки асари шуҳрат қозонган. Биринчиси, “Шарҳул Ваҳбонийя” бўлиб, Ибн Ваҳбоннинг фиқҳий манзумасига шарҳ ҳисобланади. Тўла номи “Тафсилу иқдил фароид”дир. Машҳур бўлган иккинчи асари ҳанафий фиқҳидаги топишмоқнамо фиқҳий масалаларга бағишланган “Аз-Захоирул ашрафия фий алғозил ҳанафия” китобидир. Кейингиси нашр ҳам қилинган.

159. **Ибн Ваҳбон.** Аминуд давла Абу Муҳаммад Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад ибн Ваҳбон Димишқий (1332–1367) Шомда ўқиган, Ҳумот шаҳрида ўн йилча қозул қузот лавозимида фаолият олиб борган. Узоқ умр кўрмаган бўлса-да, ҳанафий мазҳабида тан олинган асарлар ёзиб мерос қолдирган. Жумладан, фиқҳга оид манзума ёзиб, уни ўзи шарҳлаган. Шунингдек, фиқҳий матн бўлмиш “Дурарул биҳор”га ажойиб шарҳ ёзган.

160. **Ибн Ғиёс.** Ҳафс ибн Ғиёс ибн Талқ ибн Умар Нахаъий Куфий (736–812) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирдларидан бири. Куфада ўн уч йил, Бағдодда икки йил қози бўлган. Ҳадис ривоятида ҳам ишончли, деб топилган.

161. **Ибн Ғоним Мақдисий.** Нуриддин Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Халил ибн Ғоним Мақдисий Ҳазражий Саъдий Уббодий (1514–1596) Қоҳирада туғилиб-ўсган ҳанафий олими. Унинг “Канзуд дақоиқ”қа “Авзаҳур рамз” ва “Ал-Ашбоҳ ван назоир”га “Заҳиратун назир” номли шарҳлари бор. Бундан ташқари, ўндан ортиқ асарлари мавжуд.

162. **Ибн Данко.** Абу Умар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Табарий (ваф. 340/951) машҳур фақиҳлардан бири. Абул Ҳасан Кархий (873–952) ва Абу Жаъфар Та-

ҳовий (853–933)дан сабоқ олган. Унинг “Ал-Жомеъ ал-кабир” ва “Ал-Жомеъ ас-сағир”га ёзган шарҳлари бўлган.

163. **Ибн Имод.** Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Имодиддин Имодий Димашқий (1570-1641) Шомда туғилган ҳанафий фақиҳи. Шом мадрасаларида мударрис ва муфтий бўлган. Унинг ҳаж расм-русумларига оид “Ал-Мустатъо” Қоҳирада 1304 ҳижрийда нашр қилинган.

164. **Ибн Камол Пошшо.** Аҳмад ибн Сулаймон Румий (ваф. 940/1533) ўз даврининг етук фақиҳларидан дарс олган. Уни **Камолпошшозода** деганлар ҳам бўлган. Адирна шаҳрида мударрис, қози бўлган, кейин Султон Салим (1512–1520) даврида Истанбулда қози аскар бўлган. Қоҳирада уламолар билан илмий баҳслар олиб борган. 932/1525 йилдан умрининг охиригача Истанбулда муфтий бўлган. Унинг 300 дан ортиқ асарлари бўлгани маълум. Шулардан “Ал-Ислоҳ” фиқҳий матни ва унга ўзи ёзган “Ал-Ийзоҳ” номли шарҳи, “Тағйирут танқиҳ” номли усулул фиқҳга оид асари ва унга ўзи ёзган шарҳи, “Ал-Ҳидоя” номли шарҳи, Қуръонга ёзган тафсири, шунингдек, “Ал-Кашшоф”га боғлаган ҳошияси машҳур. Рисолалари тўплами нашр этилган.

165. **Ибн Қизўғли.** Юсуф ибн Қизўғли ибн Абдуллоҳ Жавзий (ваф. 654/1254) ҳанафий олими. Машҳур ҳанбалий олими Абул Фараж ибн Жавзийнинг (1116–1201) чевараси бўлиб, тарихга оид машҳур “Миръотуз-замон” асарининг муаллифи. Шунингдек, унинг “Шарҳул жомеъил кабир” ва “Ийсорул асноф” каби асарлари мавжуд.

166. **Ибн Қутлубғо.** Абул Фазл (Абул Адл) Зайниддин Қосим ибн Қутлубғо ибн Абдуллоҳ Мисрий (1399–1474) асли турк бўлиб, Қоҳирада туғилган ва вафот этган ҳанафий олими, муҳаддис ва тарихчиси. “Мухтасарул Қудурий”нинг танқидий шарҳларидан бири “Тасҳиҳул Қудурий”ни у таълиф қилган. Шунингдек, “Мухтасарул Виқоя”га “Шарҳун Ниқоя” номи билан шарҳ битган. Айниқса, унинг ҳанафийлар табақотига оид “Тожут тарожим” асари жуда машҳур. Бундан бошқа ўндан ортиқ китоб ёзган.

167. **Ибн Мағнисо.** Муҳйиддин Румий Истанбул фақиҳларидан бири. Истанбулда қози ва Маҳмуд пошшо мадрасасида мударрис бўлган. У Мавло Хусрав Муҳаммад ибн Фаромуз (ваф. 885/1480) олдида фиқҳ ўрганган.

168. **Ибн Мийнос.** Муҳаммад ибн Мийнос Румий Адирнада мударрислик қилган. У фақиҳ ва мутакаллим бўлиши билан бирга, кучли азойимхон эди. Унинг "Ал-Ақоидун насафия"нинг шарҳига боғлаган ҳошияси, азойимхонликка оид "Ал-Ғаройиб вал ажойиб" номли асари бўлган.

169. **Ибн Муборак**. У Абдуллоҳ ибн Муборак ибн Возиҳ Марвазийдир. Отаси турк, онаси хоразмлик бўлган. Имоми Аъзам шогирдларидан бири. 118/736 йил туғилган. Ҳаж, жиҳод ва тижорат билан узлуксиз шуғулланган. Аҳмад ибн Ҳанбал (780–855) у ҳақда "Унинг замонида ундан ўтадиган илм талабгори йўқ эди" деган. Ҳадис, фиқҳ, араб адабиётида моҳир бўлган. 181/797 йил Рамазон ойида вафот этган.

170. **Ибн Муқотил.** У Муҳаммад ибн Муқотил Розий (ваф. 248/862) бўлиб, Имом Муҳаммад Шайбонийнинг шогирдларидандир. Ҳадис ҳам ривоят қилган.

171. **Ибн Нужайм.** Зайниддин (Зайнул обидин) ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Нужайм Мисрий (1519–1563) таниқли ҳанафий фақиҳи. Даврининг машҳур олимларидан дарс олган, ўз навбатида укаси Умар ибн Нужайм ва Шамсиддин Темуртоший каби олимлар етиштирди. Тасаввуфга ҳам кирган. Абдулваҳҳоб Шаъроний (1493–1565) билан яқин дўст сифатида бирга ҳаж зиёратига борганлар. Унинг "Канзуд дақоиқ"қа битган шарҳи "Баҳрур роиқ" ҳанафий мазҳабнинг эътиборли манбаларидан бири сифатида қадрлидир. Ҳанафий фиққий қоидаларига бағишланган "Ал-Ашбоҳ ван назоир" асари бир неча марта нашр қилинган, унга ўнга яқин шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Шунингдек, 41 та рисоласи тўпланган "Ар-Расоилуз Зайния" асари Истанбулда нашр қилинган. Бошқа китоблари ҳам бор. Ибн Нужаймнинг укаси ҳам таниқли олим бўлиб, ушбу куня билан аталади. У Сирожиддин Умар ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Нужайм Мисрий (ваф. 1005/1596) "Канзуд дақоиқ"қа "Ан-Наҳрул фоиқ" номли

шарҳ битган. Шунингдек, “Исобатус соил”, “Такмилату фуруқил Ашбоҳ ван назоир” номли асарлари бор.

172. **Ибн Рустам.** Абу Бакр Иброҳим ибн Рустам Марвазий (ваф. 211/827) таниқли ҳанафий олими ва ҳадис билимдони. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг шогирди, ўзи ҳам кўплаб шогирдлар етиштирган. Яҳё ибн Маин (775–848), Аҳмад ибн Ҳанбал (780–855) каби муҳаддислар уни ишончли деб, ундан ҳадис ривоят қилганлар. Халифа Маъмун (813–817) унга қозиликни тавсия қилган, лекин у кўнмаган. Ҳажга кетаётиб, йўлда вафот этган.

173. **Ибн Сийрин.** У Абу Бакр Муҳаммад ибн Сийрин бўлиб, Анас ибн Моликнинг ходимларидан бўлган. 77 ёшида 110/728 йилда вафот қилган. Тушларни таъбир қилиши билан донг таратган. Исломнинг улуғ фақиҳлари қаторида саналади.

174. **Ибн Самоа.** Муҳаммад ибн Самоа ибн Убайдуллоҳ (Абдуллоҳ) ибн Ҳилол Тамимий Куфий (747-847) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг шогирдларидан сабоқ олган ҳанафий олими. Халифа Маъмун (813–201) замонида Бағдодда қозилик ҳам қилган.

175. **Ибн Таҳмон.** Иброҳим ибн Таҳмон Хуросоний (ваф. 263/877) таниқли ҳанафий олими ва муҳаддиси. Ҳадисларнинг олти саҳиҳ тўпламларида ундан ривоятлар қилинган.

176. **Ибн Тулун.** Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад (Муҳаммад) ибн Али ибн Ҳумаравайҳ ибн Тулун Солиҳий Димашқий (1473–1546) фақиҳ, муҳаддис ва тарихчи. Шомнинг Солиҳия деган жойида туғилиб-ўсган, Қоҳирада машҳур олим Суютийдан сабоқ олган. Солиҳияда мударрислик қилган. Унинг ҳанафийларнинг мутааххирин олимлари таржимаи ҳолига бағишланган асари – “Ал-Ғурарул алия”си шуҳрат қозонган. Шунингдек, унинг сўфийлар ва ўз замондошлари табақотига бағишланган асарлари бор. Ўз давридаги “Ал-Азҳар” дорулфунуннинг ҳанафий уламолари чиқарган фатволари тўплами, ўз юрти Солиҳия тарихига бағишланган асари мавжуд.

177. **Ибн Увайс**. Бу куня билан танилган зотлар кўп. Абу Зайд Саид ибн Увайс Авс Ансорий (ваф. 215/830) деган зот бўлиб, унинг “Ал-Масодир” номли асари бор. Мавлоно Аҳмад ибн Увайс Қаромоний (ваф. 924/1518)нинг Юсуф Саккокийнинг (ваф. 626/1228) “Мифтоҳул улум” асарига ёзган ҳошияси бор. Учинчиси, Қозизода Кабир ибн Увайс Латифий Султон Салимхон (1512–1520 милодий йиллар) даврида яшаб ўтган. Ибн Халликоннинг (ваф. 681/1282) асарини таржима қилган.

178. **Ибн Фазл.** Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Фазлий Каморий Бухорий (ваф. 381/991) ривоятда эътимодли, улуғ имомлардан. Фиқҳни Абдуллоҳ Субазмунийдан ўрганган. Унинг авлодларидан бир қанча уламолар ҳам фазлийлар сулоласининг таниқли давомчилари сифатида фаолият юритганлар.

179. **Ибн Чалабий.** Абул Аббос Шиҳобиддин Аҳмад ибн Юнус ибн Чалабий Мисрий (ваф. 947/1540) машҳур фақиҳ Ибн Нужайм Мисрийга (1519–1563) устозлик қилган. Унинг фатво тўплами ва “Канзуд дақоиқ”нинг эътиборли шарҳларидан бири – “Табйинул ҳақоиқ”қа ҳошияси маълум.

180. **Имомзода.** Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Иброҳим ибн Собир Имомзода Чўғий Самарқандий Шарғий Бухорий (1098–1177) Рукнул Ислом, Воиз, Садидуддин, Абул Маҳосин каби фахрли лақаб ва куняларга эга. У аслида Самарқаднинг Чўғ қишлоғидан бўлган. Имомзода деб аталишидан отаси аҳли илмлардан бўлган. Самарқандга боришда 4 фарсах узоқликда жойлашган Шарғ (Чарғ) қишлоғида яшаб қолган. Баъзи манбаларда Шаръий (Қонуншунос) нисбаси қўшилади. Муҳаммад Имомзода Чўғий Бухорода муфтий бўлиб, илмий фаолият олиб борган. Ўзининг фасоҳатли тили, баён услубининг гўзаллиги, таҳлил ва таҳрирга ғоят усталиги билан танилган. Ҳафтанинг маълум кунларида тасаввуфий-ирфоний мавзуларда одамларга ваъз-насиҳат қилар эди. “Ширъатул ислом” (Ислом қонуни) деб аталган яна бир асосий асари ҳам бизгача етиб келган ва фиқҳий масалалар,

одоб-ахлоққа оид фикрлари билан бутун ислом оламида шуҳрат қозонган.

181. **Ифтихориддин.** Бу лақаб билан икки нафар фақиҳ танилган. 1) Ифтихориддин Бухорий – “Хулосатул фатово” соҳиби Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуррашид ибн Ҳусайн Бухорий (1090–1147) Мовароуннаҳрнинг таниқли фақиҳларидан бири. Билимни отасидан олган. Унинг “Хулосатул фатово”дан ташқари “Ан-Нисоб”, “Хизонатул Воқеот” каби асарлари бор; 2) Ифтихориддин Коний – Жобир ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Юсуф ибн Абдуллоҳ Хоразмий (1268–1325) хоразмлик фақиҳ бўлиб, тоғасидан таҳсил кўрган. Ҳадис фани бўйича Димётийдан сабоқ олган. У Қоҳирада вафот этган.

182. **Лакнавий.** Абу Ҳасанот Муҳаммад Абдулҳай ибн Абдулҳалим Ансорий Лакнавий Ҳиндий (1848–1887) ҳанафий фақиҳларидан ва муҳаддисларидан бири. Лакнаудан кўплаб олимлар чиққан бўлса-да, Лакнавий нисбасининг ўзи айтилганда, у назарда тутилган бўлади. У қисқа умри давомида 120 га яқин муҳим асарлар ёзиб қолдирган.

183. **Қадрий афанди.** Абдулқодир ибн Юсуф Қодирий (1605–1672) Истанбулда аълам, қози ва қозиаскар бўлган. Унинг “Фатовойи Қадрий” ёки “Ал-Фатовоул Қодирия” деб аталган “Воқеотул муфтийин” асари Булоқда икки марта нашр қилинган. Унинг аъламлик даврида сўровларга жавоб тариқасида чиқарилган фатволар мажмуаси сифатида тузилган бу асар аҳамиятлидир.

184. **Қивомиддин Кокий.** Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Санжарий (ваф. 749/1349) машҳур фақиҳ, “Меърожуд дироя” номида “Ал-Ҳидоя”ни шарҳлаган. Шунингдек, унинг тўрт мазҳаб фиқҳининг қиёсига бағишланган “Уюнул мазҳаб” асари ҳам шуҳрат қозонган. Қивомиддин Кокий Қоҳирада яшаб, Мордин жомесида бош мударрис ва муфтий бўлган.

185. **Кинолизода.** Алоуддин Али Чалабий ибн Амруллоҳ Кинолизода Ҳамидий (1511–1572) Испартада туғилган, Адирнада вафот этган ҳанафий олими. Бобоси Абдулқодир

Ҳамидий соқолини хинога бўяб юргани учун авлодларига **Кинолизода – Хинолизода** лақаби берилган. Араб тилида уни **Ибнул Ҳиноий** дейишган. Бир қанча шаҳарларда мударрис ва қози бўлиб фаолият олиб борган. Унинг “Ахлоқи Алоъий” асари шуҳрат қозонган ва нашр этилган. Шунингдек, унинг “Табақотул ҳанафия” асари ҳам бор.

186. **Қозул Ҳарамайн.** Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Найсобурий (ваф. 351/962) нишопурлик машҳур ҳанафий фақиҳи. Бир муддат Мавсил, Рамла шаҳарларида қози бўлгандан сўнг узоқ йиллар давомида Ҳарамайнда қозилик фаолиятини олиб борган. Умрининг охирида Нишопурга қайтиб келган.

187. **Қозул Ҳисн.** Камолиддин Али ибн Аҳмад ибн Али ибн Юсуф (1230–1303) Курдистоннинг Ҳисн қўрғонида қози бўлгани учун шу лақаб билан танилган.

188. **Қози Жакан.** Қози Жакан (Жўкан) Ҳиндий Гужаротий (ваф. 920/1514) Гужаротнинг Меҳравол шаҳарчасидан бўлган. Қозилик қилган. “Жакан” сўзи ҳиндчада “мол-мулки кўп” маъносини англатишини қайд қилганлар. Қози Жаканнинг “Хизонатур ривоят” номли фиқҳга оид асари бор.

189. **Қозихон.** Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд Фахриддин Қозихон Ўзгандий Фарғоний (ваф. 592/1196) таниқли фақиҳ. Унинг “Ал-Фатово” асари шуҳрат қозонган. Шунингдек, “Ал-Воқеот”, “Ал-Амолий”, “Ал-Маҳозир”, “Шарҳуз Зиёдот”, “Шарҳул Жомиъил кабир”, “Шарҳу адабил қазо” каби асарлари бўлган. Қосим ибн Қутлубғо унинг ҳақиқий фақиҳ эканлигини таъкидлаб, “Қозихоннинг саҳиҳ деган фатволари бошқаларидан афзал ҳисобланади”, деган.

190. **Қорахўжа.** Алоуддин Асвад (ваф. 800/1398) Усмонийлар сулоласининг асосчиси Ўрхон ибн Усмон Ғози даврида мударрислиги билан танилган. Унинг “Ал-Виқоя”га ёзган шарҳи машҳур бўлган.

191. **Қориул Ҳидоя.** Абу Ҳафс Сирожиддин Умар ибн Али ибн Форис Киноний Ҳусайний Қоҳирий (ваф. 829/1426) Қоҳиранинг Ҳусайнийя ҳудудида туғилиб ўсган. Акмалуддин Бобуртий, Ибнуш Шеҳна, Сирожиддин Билқиний каби олим-

лардан сабоқ олган. Ибнул Ҳумом каби олимлар ундан дарс олган. Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197)нинг “Ал-Ҳидоя” асарини кўп ўқитгани учун шу лақаб билан танилган. Унинг фатово тўплами, “Ал-Ҳидоя”га битган ҳошияси, шунингдек, “Шарҳу Лубобил маносик” асари бор.

192. **Кофиячи.** Абу Абдуллоҳ Муҳйиддин Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Саид ибн Масъуд Румий (1387–1468) машҳур наҳв китоби “Ал-Кофия”ни ёд билгани, талабаларга кўп ушбу китобдан сабоқ бергани учун шу лақаб билан номланган. Унинг устози Шамсиддин Фанорий бўлган, ўз навбатида ундан таниқли олим Жалолиддин Суютий дарс олган. “Шайхуния” мадрасасида мударрис бўлган, унинг юздан ортиқ асарлари бўлгани манбаларда қайд этилган.

193. **Қўҳистоний.** Шамсиддин Муҳаммад ибн Ҳусомиддин Хуросоний Қўҳистоний (ваф. 962/1554) асли Қўҳистон вилоятидан Бухорода Убайдуллоҳхон (1534–1539) даврида муфтий бўлган. Вафот йилини 950/1544 ва 953/1547 деганлар ҳам бор. Унинг “Жомиур румуз” асари жуда машҳур бўлиб, Ҳиндистон, Истанбул ва Қозонда бир неча марта нашр қилинган, охирги тўрт асрлик тарихда Ўрта Осиё мадрасаларида фиқҳдан қўшимча дарслик сифатида қўлланиб келинган. Шунингдек, Қўҳистонийнинг “Фиқҳи Кайдоний”, “Бадъул амолий”, “Фароизус сирожия” каби асарларга ёзган шарҳлари ҳам бор.

194. **Минқоризода.** Яҳё ибн Умар Алоъий Румий (1609–1677) Шайхул Ислом, муфассир, Макка ва Истанбулда қози, Румелида қозиаскар бўлган. Унинг “Фатовойи Минқоризода” ҳамда “Ҳошияту Тафсир Қози Байзовий” асарлари мавжуд.

195. **Минҳожуш шариа.** Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан (ваф. 540/1146) Бурҳониддин Марғинонийнинг устозларидан бири. У ҳақда Бурҳониддин Марғиноний: “Кўзим ундан улуғроқ, ундан азизроқ ва илмда ундан кучлироғини кўрмаган” деган экан.

196. **Муаййидзода.** Абдурраҳмон ибн Али Амосий (1456–1516) Туркиянинг энг таниқли фақиҳларидан бири. У Истанбулда мударрис, Адирнада қози, Истанбулда қози аскар

каби мансабларда фаолият олиб борган. Тафсир, ҳадис ва фиқҳ фанларида маҳоратли бўлиб, ўнлаб асарлар таълиф қилган. Шулардан фатово тўплами шуҳрат қозонган.

197. **Мулла Мискин.** Муиниддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Фароҳий Ҳаравий (ваф. 954/1547) Ҳиротда қози бўлган. Ҳаёти борасида маълумотлар жуда оз. Унинг "Канзуд дақоиқ"қа ёзган шарҳи жуда машҳур бўлиб, Мисрда 5 марта нашр қилинган. Шунингдек, "Баҳруд дурар" номли "Сураи Фотиҳа"га қилган тафсири Ўрта Осиё тошбосмаларида чоп қилинган ва Хоразмда ўзбек тилига таржима этилган. "Равзатул воизин" номли асари ҳам шуҳрат қозонган.

198. **Мулла Фанорий.** Шамсиддин Маҳмуд ибн Ҳамза Фанорий (1350–1431) Бурса қозиси ва усмонийлар даврининг илк энг таниқли Шайхул Исломи бўлган. Баъзилар бобоси фанорчилик билан шуғулланган учун шу нисбани олган, десалар, баъзи тадқиқотчилар унинг асли Мовароуннаҳрдаги Фанор номли қишлоқдан, дейдилар. Мулла Фанорийнинг 100 га яқин асари бўлиб, улардан энг машҳурлари усулул фиқҳга бағишланган "Фусулул бадоеъ", "Тафсирул Фотиҳа", "Шарҳу Исоғучи", "Шарҳу Фароизис сирожийя" бўлиб, аввалги учтаси нашр этилган.

199. **Мулла Хусрав.** Муҳаммад ибн Фиромурз ибн Али Румий (ваф. 885/1480) ҳанафий фақиҳи. Усмонлилар салтанатида Шайхул Ислом бўлган, узоқ муддат Хусрав номли амирнинг хизматида бўлгани учун шу ном билан танилган. Фиқҳга оид "Ал-Ғурар" ва унинг шарҳи "Ад-Дурар", усулул фиқҳга оид "Мирқотул усул" ва унинг шарҳи "Ал-Миръот" каби асарлари шуҳрат қозонган.

200. **Мулла Ягон.** Шамсиддин Маҳмуд ибн Армағон Румий (ваф. 840/1436) Бурсада мударрис, қози, Мулла Фанорийнинг шогирди сифатида ундан сўнг Шайхул ислом бўлган.

201. **Муншиун назар.** Разиюддин Найсобурий фақиҳ. Унинг уч жилдли "Ат-Тариқатур ризавия", "Макоримул ахлоқ" каби асарлари бўлган.

202. **Мусаннифак.** Али ибн Муҳаммад Ҳиравий Розий (1400–1470) таниқли олим Фахриддин Розийнинг ўғли бўлиб, жуда кичик ёшлигидан бошлаб китоб ёза бошлагани учун шу лақаб билан шуҳрат қозонган. У “Ал-Масобиҳ”, “Ал-Кашшоф”, “Ал-Ҳидоя”, “Ал-Виқоя” каби асарларга шарҳ битган.

203. **Муфтис сақалайн.** Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий (1068–1142) машҳур фақиҳ, муфассир, мутакаллим. У Садрул Исломнинг шогирди ҳисобланади. Юздан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган, айримлари ўрта асрлар мадрасаларида дарслик сифатида ўқитилган. Унинг “Ал-Ақоидун насафия” ҳамда “Ал-Қанд фий уламои Самарқанд” асари ўзбек тилига таржима қилинган.

204. **Набираи Умар.** Юсуф ибн Умар ибн Юсуф Сўфий Қудурий Баззоз (ваф. 832/1429) фақиҳ ва мутасаввиф. Ҳанафий фиқҳида унинг “Мухтасарул Қудурий”га битган шарҳи – “Жомиъул Музмарот валмушкилот” асари шуҳрат қозонган бўлиб, муқаддима қисмида муаллиф фиқҳ илми ва унинг фазилати, фатво бериш шартлари, фатво аломатлари, муфтий ва мустафтий одоби, ижтиҳод ва тақлид каби масалаларни фаслларга ажратиб баён қилган. У “Фатовойи Сўфия”нинг муаллифига устозлик қилган.

205. **Нажмул аимма.** Шу унвонда икки нафар ҳанафий фақиҳи машҳур бўлган. Бири, Нажмул аимма Бухорий бўлиб, Бурҳониддин Кабир замондоши бўлган. Бухоро ва Хоразмда ушбу Нажмул аимма ўз фатволари билан машҳур бўлган. Яна бири Нажмул аимма Ҳакимий бўлиб, Ҳасан ибн Мансур Қозихон (ваф. 592/1195) шогирди бўлган. Нажмул аимма мутлақ келганда, Бухорий назарда тутилади. Унинг ёзган асарини ҳам унвони билан аталган ўринлар бор.

206. **Носируддин**. У Имом Носируддин Абул Қосим Муҳаммад ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Али Алавий Ҳасаний (Ҳусайний) Маданий Самарқандий Ҳанафий бўлиб, Самарқандда туғилиб-ўсган саййидзодалардан бўлмиш ҳанафий олими. Самарқандда қатл этилганлиги учун уни “Аш-Шаҳид” ҳам дейдилар. 556/1160 йил вафот қилган. Унинг

“Ан-Нофиъ”, “Ал-Мултақит фил фатово”, “Хулосатул муфтий”, “Масобиҳус субул” номли ўнга яқин асарлари бор. У “Мултақит”ни 549/1154 йилда ёзиб тугатган. Аввалги икки асари нашр ҳам қилинган.

207. **Нурул ҳудо.** Абу Толиб Ҳусайн ибн Низом ибн Хизр Зайнабий (ваф. 512/1119) Қозул қузот Абу Абдуллоҳ Дамағонийнинг (ваф. 478/1085) шогирдларидан бири. У Абу Ҳанифа машҳадида эллик йилча дарс берган. 458/1066 ва 468/1076 йилларда ҳаж зиёратига борган. Тўқсон ёшига яқинлашганда вафот этган ва Абу Ҳанифа мақбарасига дафн қилинган.

208. **Разиюддин Соғоний.** Абул Фазоил Разийуддин Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Ҳайдар Соғоний Умарий Адавий Ҳиндий (1181–1252) таниқли ҳадис олими ва ҳанафий фақиҳи, тилшунос. У асли Марвга яқин Соғон шаҳарчасидан бўлиб, Лоҳурда туғилган. Ғазна, Макка, Яман, Бағдод шаҳарларида ўқиб, шуҳрат қозонган. Халифа тарафидан Ҳиндистонга 610/1213 йили элчи қилиб юборилган. Бағдодда вафот этган бўлса-да, Маккага дафн қилинган. Унинг “Машориқул анвор”, “Шарҳу Саҳиҳил Бухорий”, “Такмилатус сиҳоҳ” каби асарлари шуҳрат қозонган.

209. **Раҳматуллоҳ Синдий.** Раҳматуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим Синдий (ваф. 978/1570) Синдда туғилиб-ўсган ҳанафий олими. Маккага ҳижрат қилиб, 60 ёшларида вафот этган. Баъзилар вафот тарихини 993/1583 деб зикр қилганлар. Унинг ҳаж расм-русумларига бағишланган каттакичик “Маносикус Синдий” асари шуҳрат қозонган. Каттаси “Жомиъ (Мажмаъ) ал-маносик ва нофиун-носик”, кичиги эса “Лубобул маносик ва убобул масолик” деб аталган бўлиб, кичигини Мавлоно Али Қори шарҳ қилган. Асар матнлари ва шарҳи нашр қилинган.

210. **Рукнул аимма.** Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Саббоғий (XI аср) бўлиб, “Тилбатут талаба” асари унга нисбат қилинади. Фахрул Ислом Паздавийнинг (1009–1089) шогирдларидан бири.

211. **Рукнул Ислом.** Бу лақаб билан ҳанафийларда тўрт нафар фақиҳ танилган. Абул Фазл Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Амируя Кирмоний (1065–1148), яна **Зоҳид Саффор** лақаби билан ҳам танилган Иброҳим ибн Исмоил Бухорий (ваф. 534/1140), Воиз **Имомзода** Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорий (1098–1177) ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуррашид Кирмоний (XIII аср) Рукнул Ислом унвонига сазовор бўлганлар.

212. **Рукниддин Амидий.** Абу Ҳомид Рукниддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Амидий Самарқандий (ваф. 615/1218) фиқҳнинг жадал соҳасида танилган ҳанафий олими. Ҳиндистонда яшаб, у ерда қозилик қилган. Унинг “Ат-Тариқатул амидийя”, “Ал-Иршод”, “Ан-Нафоис” номли асарлари бор. Хусусан, унинг инсоннинг коинот ичидаги ўрни, қалб, нафс, ўлим, йога каби масалаларга бағишланган санскритча асари шуҳрат қозонган. Асарнинг арабча таржимаси Парижда 1928 йилдаёқ нашр қилинган.

213. **Садрул афозил.** Абу Муҳаммад Маждиддин Қосим ибн Ҳусайн Хоразмий ибн Аҳмад Хоразмий (1160–1221) Хоразмдан чиққан таниқли адиб ва фақиҳ. Унинг Замахшарийнинг “Ал-Муфассал” асарига ёзган шарҳи, “Ат-Тавзиҳ фий шарҳил Мақомот” каби асарлари бор.

214. **Садрул Ислом.** У Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Мусо Абул Юср Садрул Ислом Паздавий бўлиб, замонасида Ҳанафийларнинг Мовароуннаҳрдаги бошлиқларидан эди. Мутлақ имомлар имоми сифатида тан олинган. У осон ва содда китоблари билан машҳур бўлган. Акаси Фахрул Ислом Паздавий (ваф. 484/1091) эса қийин, тушуниш оғир бўлган китоблари билан машҳур бўлган ва шунинг учун Абул Уср куняси билан танилган. Абул Юср Паздавий усулул фиқҳ соҳасига оид “Усулул Паздавий” асари билан шуҳрат қозонган бўлиб, 493/1099 йил вафот қилган. Яна бир Садрул Ислом лақаби билан танилган ҳанафий фақиҳи машҳур садрлар авлодидан бўлмиш Тоҳир ибн Бурҳониддин Маҳмуд Бухорийдир (1050–1111). Унинг “Фатовойи Бухорийя” ва

“Ал-Фавоид фил фиқҳ” (Фиқҳ борасида фойдалар) каби асарлари бўлган.

215. **Садрул Қурро.** Юсуф ибн Муҳаммад Фийдий Хоразмий машҳур фақиҳ Нажмиддин Зоҳидийнинг (ваф. 658/1260) шогирди. Ироқдаги Фийда шаҳарчасида яшаган бу фақиҳ Хоразмда таваллуд топган. Унинг **Қандий** деган нисбаси, **Рашидул аимма** деган унвони бўлган.

216. **Садруш шариа.** Икки фақиҳ танилган. Биринчиси катта Садруш шариа деб, иккинчиси кичик Садруш шариа деб аталади. Кичиги “Мухтасарул Виқоя” китобининг муаллифи Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожуш шариа Бухорий (ваф. 747/1346), каттаси унинг бобоси Шамсиддин Аҳмад ибн Жамолиддин Убайдуллоҳ Маҳбубий Бухорийнинг (1153–1233) лақаби.

217. **Садри жаҳон.** Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Бухорий (ваф. 656/1258) машҳур садрлар оиласидан. Манбаларда унинг ўз даврида Мовароуннаҳрда ҳанафийлар раиси бўлгани, ҳажга боргани нақл қилинади.

218. **Саййид Абу Шужоъ.** Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамза ибн Ҳусайн Самарқандий. У Рукнул Ислом Али ибн Ҳусайн Сўғдий (ваф. 461/1069) замонида Самарқандда яшаган. Абу Мансур Мотуридий (ваф.333/944) билан замондош бўлган бу зотнинг “Фатово” асари машҳур.

219. **Саййид Муҳаммад.** Саййид Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Али (ваф. 866/1462) усмонийлар даври луғат олими. Унинг “Жомеул луғат” асари Жавҳарийнинг “Сиҳоҳ”, Мутарризийнинг “Ал-Муғриб”, Замахшарийнинг “Ал-Фоиқ” китоблари асосида таълиф қилинган.

220. **Саъдуддин.** Аллома Саъдуддин Тафтазоний 722/1322 йилда Нисо шаҳрининг яқинида Тафтазон қишлоғида туғилган. Қутбиддин Розий Тахтонийдан (1290–1365) илм олган. Темурийлар даврининг етук алломаси. Калом, мантиқ, тафсир ва бадиийят масалаларига оид элликка яқин асарлари бор. “Мақосид фий илмил калом”, “Таҳзибул мантиқ вал калом”, “Мухтасарул маоний” каби асарларининг донғи кетган. У 792/1392 йилда вафот қилган.

221. **Саид Қози.** Саъид ибн Юсуф Ҳанафий (XII аср) Бухорода туғилиб-ўсган ҳанафий олими. Бир муддат Самарқандда яшаган, сўнг Балхда қўним топган. У Абул Муин Насафий (1027–1114) ва Шамсул аимма Заранжарий (1035–1119) каби олимлардан сабоқ олган, ўз навбатида Бурҳониддин Марғинонийга (1123–1197) ижозатнома берган.

222. **Синон Пошшо.** Юсуф ибн Хизрбек Румий (ваф. 891/1486) Истанбулда ва Бурсада қози, мударрис, бир муддат Муҳаммадхон вазири бўлган. У вазир бўлиб турганда Али Қушчи Румга келади. Шунда ўз ёрдамчиси орқали Али қушчидан риёзиётни ўрганади ва Қозизода Румийнинг "Шарҳул Чағминий" асарига ҳошия битишга мушарраф бўлади. Шунингдек, унинг "Шарҳул Виқоя"га боғлаган ҳошияси ҳам бор.

223. **Тамжидзода.** Мустафо Муслиҳиддин ибн Иброҳим Румий (ваф. 911/1505) Истанбулда қози, мадраса мударриси бўлган. "Тафсири Байзовий"га ҳошия боғлаган.

224. **Тожул қузот.** Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулмалик Дамағоний (1008–1086) Бағдоднинг машҳур қозул қузоти. Ўттиз йилча қози бўлган жуда кўп шогирдлар тайёрлаган.

225. **Тошкўпризода.** Бу лақаб билан бир неча олимлар бўлса-да, уларнинг энг машҳури Абул Хайр Исомиддин Аҳмад ибн Муслиҳиддин Мустафо Тошкўпризода (1495–1561) таниқли олим бўлиб, Бурсада туғилган. Истанбул ва Адирна каби шаҳарларда мударрис, қози бўлган. 961/1554 йилда кўзлари кўр бўлиб қолган. Унинг энг машҳур асари Усмонийлар даврининг ҳанафий олимлари таржимаи ҳолларига бағишланган "Аш-Шақоиқун Нўъмония фий уламои давлатил Усмонийя" китобидир. Илмлар таснифотига оид "Мифтоҳус саода ва мисбоҳус сиёда" асари уч жилдли қилиб Қоҳирада нашр қилинган. Бундан ташқари ўнга яқин асарлари бор.

226. **Фахрул Ислом.** У Алий ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Мусо Баздавий (Паздавий) бўлиб, ақлий ва нақлий илмларда донг таратган ҳанафий мазҳабининг етук имомларидандир. Унинг кўпгина асарлари мавжуд. "Мабсут"

асари ўн бир жилддан иборат бўлган. “Шарҳу Жомеъил кабир”, “Шаҳру Жомеъис сағир”, шунингдек, 120 жуздан иборат катта тафсири ҳам бўлган. Унинг усулул фиққа бағишланган асари жуда машҳур ва мўътабар асарлардан ҳисобланади. 400/1009 йилларда туғилиб, 482/1089 йил Ражаб ойида вафот қилган. Унинг асарларини тушуниш анча мушкул бўлганидан Абул Уср лақабини олган.

227. **Фахрул қузот.** Фахриддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Арсобандий Марвазий (ваф. 511/1117) таниқли ҳанафий олими. 480/1088 йили ҳаж зиёратидан қайтишда Бағдодга келган ва умри охиригача шу ерда яшаб қолган. Арсобанд Марв қишлоқларидан бирининг номи. Абу Зайд Дабусийнинг (978–1039) “Тақвимул адилла” асарининг мухтасар вариантини яратган.

228. **Фахрул машойих.** Али ибн Абдуллоҳ ибн Умар Имроний Аллома Замахшарийнинг шогирди. Катта бобоси Имронга нисбатан Имроний нисбасини қўллаган.

229. **Фахриддин Румий.** Фахриддин Яҳё ибн Абдуллоҳ Румий (ваф. 864/1460) ҳанафий фиқҳ олими ва мутасаввиф. Унинг “Муштамилул аҳком фий фатовоил ҳанафия” номли асари бор.

230. **Хайриддин Рамлий.** Хайриддин ибн Аҳмад ибн Али Рамлий (1585–1671) Фаластиннинг Рамла шаҳридан бўлган бу ҳанафий олими Мисрда яшаган. Шофиъий мазҳабининг вакили бўлмиш акаси тавсиясига кўра ҳанафий мазҳабини қабул қилган. Унинг “Фатовойи Хайрийя” асаридан ташқари “Канзуд дақоиқ”, “Жомеул фусулайн”, “Ал-Ашбоҳ ван назоир”, “Баҳрур роиқ” каби асарларга бағишланган ҳошиялари мавжуд ва улар нашр қилинган.

231. **Халаф Маккий.** Абул Музаффар Халаф ибн Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Маккий Хоразмий (1111–1169) хоразмлик ҳанафий олими. Марвга бориб, Абул Фазл Абдурраҳмон Кирмонийдан сабоқ олган. 560/1164 йили ҳаж зиёратига бориб, Бағдодда ҳам бўлган. 1165 йилдан кейин Марвга келиб яшаган.

232. **Халаф ибн Айюб.** Халаф ибн Айюб Омирий Балхий (ваф. 220/835) Муҳаммад Шайбоний, Зуфар ва оз муддат Абу Юсуфдан сабоқ олган ҳанафий олими ва ишончли ҳадис ровийси. Аҳмад ибн Ҳанбал (780–855) ва Абу Исо Термизий (824–892) ундан ҳадис ривоят қилганлар.

233. **Ҳамидуддин Зарир.** Али ибн Муҳаммад ибн Али Ромиший Бухорий (ваф. 667/1269) таниқли фақиҳ, мутакаллим, муфассир бўлиб, Шумсул аимма Кардарийнинг шогирди. Унинг "Ал-Ҳидоя"га ёзган "Ал-Фавоид" номли асари унинг илк шарҳи дейилади. Бундан ташқари у "Шарҳул Манзуматин насафия", "Шарҳун Нофиъ", "Шарҳул Жомиъил кабир" каби асарлари ҳам бўлган. Ҳамидуддин Зарирнинг яна **Нажмул ламо** номли лақаби бор.

234. **Ҳасан Чалабий.** Ҳасан Чалабий ибн Муҳаммадшоҳ Фанорий Румий (1437–1481) ўз юртининг таниқли олимларидан ҳамда Шом ва Қоҳира шаҳарларида таҳсил олган. Адирна, Изниқ шаҳарларида мударрислик қилган, Бурсада вафот этган. Унинг "Ат-Талвиҳ", "Ал-Мутаввал", "Шарҳул Мавоқиф", "Шарҳул виқоя", "Тафсир Қози Байзовий" каби асарларга ёзган ҳошиялари машҳур ва улардан аввалги учтаси нашр қилинган.

235. **Хатибзода.** Муҳаммад Муҳйиддин ибн Тожиддин Иброҳим (ваф. 901/1495) Истанбулда мударрислик қилган ҳозиржавоб фақиҳ бўлиб, "Шарҳул Виқоя"га, "Шарҳул Мавоқиф"га ҳошия боғлаган. Ибн Камол Пошшо унинг шогирди.

236. **Хизрбей.** Хизрбей ибн Жалолиддин Румий (1407–1458) олим ва шоир, Истанбулнинг илк қозиси. Мулла Фанорий ва Мулла Ягондан дарс олган. Хизрбейдан Мулла Хаёлий, Хўжазода, Хатибзода кабилар дарс олган. Унинг "Ҳошиятул Кашшоф", "Уржуза фил аруз", "Ан-Нунийя фил ақоид" каби асарлари бўлган.

237. **Ҳилолур Раъй.** Ҳилол ибн Яҳё ибн Муслим Басрий (ваф. 245/858) фиқҳда Абу Юсуф ва Зуфар, ҳадисда эса Абу Авона ва Ибн Маҳдий шогирди ҳисобланади. Машҳур ҳадисшунос Баккор ибн Қутайба (798–884) ундан дарс олган.

Ҳадис ва қиёсни уйғунлаштиргани боис Раъй лақабига эга бўлган. Унинг “Аҳкомул вақф” асари бор бўлиб, нашр қилинган.

238. **Ҳишом.** Ҳишом ибн Убайдуллоҳ Розий (VIII аср) “Наводир” асарини битган машҳур ҳанафий олими. Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбонийдан сабоқ олган. Шайбоний Райда унинг уйида вафот этган ва унинг қавмига тегишли қабристонга дафн этилган. Муҳаддис Ибн Ҳиббон (885–965) уни ҳадис ривоятида ишончли деган. Унинг яна “Солатул Асар” деган китоби бўлган.

239. **Хоҳарзода.** Бу мазҳабимиздаги кўпгина уламоларнинг лақабидир. Фиқҳ китобларида Хоҳарзода деб келтириладигани иккитадир. Биринчиси, Муҳаммад ибн Ҳусайн Бухорий бўлиб, “Бакр Хоҳарзода” номи билан ҳам танилган. Мовароуннаҳрнинг таниқли фақиҳларидан саналади. “Мухтасар”, “Ат-Тажнис”, “Ал-Мабсут” сингари асарлар муаллифи. 483/1090 йил жумодул аввал ойида вафот қилган. У Қози Абу Собит Муҳаммад ибн Аҳмад Бухорий опасининг ўғлидир. Иккинчи Имом Хоҳарзода Шамсул аимма Муҳаммад ибн Абдуссаттор Кардарий (ваф. 642/1244) опасининг ўғли бўлиб, Бадруддин Муҳаммад ибн Маҳмуддир. Бу зот 651/1253 йил вафот қилган.

240. **Ҳужжатул Ислом.** Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саъд Каъбий Табарий (ваф. 604/1208) ҳанафий олими, баҳсларда ўта ҳозиржавоб бўлгани учун “Ҳужжатул Ислом” деб аталган. У Бухорода вафот қилган. Унинг “Ал-Мулаххас фил фатово” номли асари бўлган.

241. **Ҳусомзода.** Мустафо ибн Ҳусомиддин Румий адиб, фақиҳ бўлиб, Бурсада мударрис ва муфтий бўлган. “Ат-Талвиҳ”га, “Шарҳул Виқоя”га ҳошиялар боғлаган.

242. **Ҳусомиддин Розий.** Али ибн Аҳмад ибн Маккий Розий (ваф. 598/1202) Дамашқда Содирия, Ҳалабда Нурия мадрасасида дарс берган ҳанафий олими. Қудурийнинг (972–1037) “Мухтасар” асарига шарҳ сифатида “Хулосатуд далоил фий танқиҳил масоил” номли йирик ҳажмли асар битган. Яна унинг “Силватул ҳумум” номли асари бўлган.

243. **Хўжазода.** Мустафо ибн Юсуф ибн Солиҳ Бурсавий (ваф. 892/1486) Бурсада “Асадия” мадрасасида мударрис бўлган. Унинг “Шарҳуз Занжоний”, “Ҳошияту ало шарҳил мавоқиф” каби асарлари бор. Айниқса, унинг “Таҳофутул фалосифа” асари ўз даврида шуҳрат қозонган. Хўжазодани Али Қушчи (ваф. 878/1474) ва Жалолиддин Даввоний (1427–1502) каби олимлар жуда ҳурмат қилганлар.

244. **Шайхул Ислом.** Бу ном билан бир қанча уламолар танилган. Фатво ва қозилик мансабига эришган, ўзининг илми ва тақвоси билан шуҳрат қозонган, асосан, 5–6 ҳижрий асрда ўтган уламоларга нисбатан ишлатилган. Улардан баъзиси, Шайхул Ислом Абулҳасан Али Саъдий Сўғдий (ваф. 461/1068), Шайхул Ислом Ато ибн Ҳамза Сўғдий, Шайхул Ислом Али ибн Муҳаммад Исбижобий (ваф. 535/1140), Шайхул Ислом Бурҳониддин Марғиноний (ваф. 593/1196), Шайхул Ислом Маҳмуд Ўзжандий (ваф. 680/1281) ва бошқалар. Кейинчалик диний мансаб сифатида амал курсисига ўтирган одамга ишлатилаверган.

245. **Шайхзода.** Шу ном билан уч нафар ҳанафий олими борлиги маълум. Биринчиси, Абдурраҳим ибн Али ибн Муаййид Амосий (ваф. 944/1537) мутасаввиф ва мутакаллим сифатида танилган. Унинг калом илмига оид ашъарийлар ва мотуридийлар орасидаги фарқларга бағишланган “Назмуал фароид ва жамъул фавоид” асари нашр этилган. Иккинчиси, Муҳйиддин Муҳаммад ибн Шайх Муслиҳиддин Қужавий (ваф. 951/1544) таниқли муфассир ва ҳанафий фақиҳи. Унинг фиқҳга оид “Ал-Виқоя” ва “Фароизус сирожийя”га ёзган шарҳлари мавжуд. Айниқса, унинг “Тафсири Қози Байзовий”га ёзган тўрт жилдли шарҳи жуда машҳур. Учинчиси, Шайхзода лақабидан кўра кўпроқ **Дамод** лақаби билан танилган бўлиб, Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон (ваф. 1078/1667) Онадолида қози аскар бўлган. У ўзининг “Мажмаул анҳур” асари билан танилган.

246. **Шамсул аимма.** Ҳанафий мазҳабидаги фақиҳлардан кўпчилиги ушбу “Имомлар қуёши” лақабини олишга муяссар бўлганлар. Шамсул аимма Ҳаловоний (ваф.

456/1063), Шумсул аимма Сарахсий (1009–1090), Шамсул аимма Бакр ибн Муҳаммад Заранжарий (ваф. 516/1122), Шамсул аимма Имодуддин Умар Заранжарий (ваф. 584/1188), Шамсул аимма Кардарий (ваф. 642/1244) каби ўнга яқин фақиҳлар шулар жумласидандир. Фиқҳ китобларида "Шамсул аимма" атамаси мутлақ келганда, Шамсулаимма Сарахсий назарда тутилган бўлади. Бошқалар эса нисбатлари ила қайд қилинади. Шамсул аимма Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Абу Бакр Сарахсий 500/1106 йилда вафот этган. Шамсул аимма Ҳаловонийнинг шогирди бўлган. Замонасининг таниқли фақиҳларидан бири. "Шарҳус Сиярил кабир", "Шарҳул Мабсут" сингари асарлар таълиф қилган.

247. **Шамсиддин Азраъий.** Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ато (1199–1275) Дамашқда Шамсиддин лақабли уч нафар қозул қузотдан бири бўлган ҳанафий олими. Дарс бериш билан ҳам шуғулланган, ҳадислар ҳам ривоят қилган.

248. **Шарафул аимма.** Бурҳониддин Маҳмуд Таржумоний Хоразмий Маккий хоразмлик фақиҳ. Хоразмнинг таниқли фақиҳи Темуртоший (1530–1595) даврида яшаганлиги манбаларда қайд қилинган. Шарафул аимманинг ўғли Муҳаммад ибн Маҳмуд ҳам фақиҳ бўлиб, унинг **Аълоул милла** номли лақаби бўлган.

249. **Шарафур руасо.** Муҳаммад ибн Аҳмад Хоразмий (X аср) Бухорода раис бўлган. Унинг отаси ва бобоси ҳам таниқли фақиҳ ва мутасаввифлардан бўлган.

250. **Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий.** Аҳмад ибн Абдурраҳим Деҳлавий (1703–1762) Ҳиндистон уламоларининг етакчиси. Отаси асос солган "Раҳимия" мадрасасида мударрислик қилган. Ҳиндистонда ҳадис илмининг ривожланишига буюк ҳисса қўшган. Ижтиҳод, тақлид ва фиқҳий ихтилофлар сабабига бағишланган "Иқдул жийд вал Инсоф" асари ҳамда ҳадисшуносликка бағишланган "Ҳужжатуллоҳул болиға" китоби жуда машҳур. Бундан ташқари, ислом илмларининг ҳар хил соҳаларига оид 100 га яқин асарлари бор.

251. **Шужоуддин Туркистоний.** Ҳиббатуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муалло Тарозий (1273–1333) ҳанафий фақиҳи ва наҳв

олими. Унинг усулул фиққға оид “Манорул анвор”га ёзган “Табсиратул асрор” асари шуҳрат қозонган. Шунингдек, “Ал-Ғурар”, “Ал-Иршод”, “Шарҳу ақидатит Таҳовий”, “Шарҳу Жомеъил кабир” каби асарлари ҳам бўлган.

252. **Юсуф Ламғоний.** Юсуф ибн Исмоил ибн Абдурраҳмон ибн Ҳусайн Ламғоний (1124–1209) Абу Ҳанифа машҳадида дарс берган таниқли мударрислардан бири. У машҳур фақиҳлар оиласи вакилидир. Ўз оиласида таълим-тарбия олган. Мўътазилийлик мазҳаби таълимотини чуқур ўрганган. 588/1192 йилдан бошлаб “Султон жомеси” ва “Имом Аъзам машҳади”да дарс берабошлаган. Тавозули, саховатли киши бўлгани билан ҳам танилган.

253. **Юсуф Самтий.** Абу Холид Юсуф ибн Холид ибн Умар Самтий (ваф. 189/805) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг асҳобларидан бири. Абу Ҳанифа у юртига қайтаётганида, васият қилиб мақола ёзиб берган. Ҳадис ривоятида ҳам ишончли ровий сифатида танилган.

254. **Яҳё Қаттон.** Яҳё ибн Саид Қаттон (737–814) Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг мажлисларида қатнашган, ҳанафий олими ва машҳур ҳадис ровийси. Ибн Маин Бағдодий (775–848), Аҳмад ибн Ҳанбал (780–855) каби муҳаддислар уни жуда ҳурмат қилганлар.

255. **Яъқуб Пошшо.** Яъқуб пошшо ибн Хизрбей ибн Жалолиддин (ваф. 891/1486) Бурсада қози ва “Султония” мадрасасида мударрис бўлган. Саййид Шарифнинг (1340–1414) “Шарҳус Сирожия” асарига, Садруш шарианинг “Ал-Виқоя”сига ҳошия битган. Шунингдек, Қозизода Румийнинг “Шарҳу Мулаххасил Чағминий” асарига ҳам ҳошия ёзган.

ФОЙДАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАР

1. Абур-Ражо Мухтор ибн Маҳмуд Нажмиддин Зоҳидий. Қунятул Муня ли татмимил Ғуня. – ЎзР ФА ШИ-1, № 10860/I.

2. Бурҳониддин Зарнужий. Таълимул мутааллим. – ШИ Шарқ қўлёзмалари маркази фонди, № 2442/I.

3. Ибн Камол Пошшо. Рисолаи Табақотул мужтаҳиддин. – ШИ Шарқ қўлёзмалари маркази фонди, № 11229/I.

4. Ибн Нужайм Мисрий. Рисола фил Истисҳоб // Ар-Расоил Аз-Зайнийя. – ШИ Шарқ қўлёзмалари маркази фонди, № 3187.

5. Мир Рабиъ ибн Мир Ниёз хўжа Ҳусайний. Рисолат Ар-Раҳмонийя. – ШИ Шарқ қўлёзмалари маркази фонди, № 9060/XII.

6. Одобул муфтиййин вал мустафтиййин. – ШИ-1, № 9060/XI.

7. Тоҳир ибн Салом ибн Қосим ал-Ансорий Хоразмий. Жавоҳирул фиқҳ. – ШИ Шарқ қўлёзмалари маркази фонди, № 2442/IV.

8. Табсират лил муфтий. – ШИ Шарқ қўлёзмалари маркази фонди, № 6553/I.

II. ТОШБОСМА МАНБАЛАР

1. Абдуллатиф ибн Малик. Шарҳу манорул анвор. – Истанбул: Усмония, 1899.

2. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ориф. Муаллафот фуқаҳойи киром ва усулиййин. – Оренбург: Дин ва маишат матбааси, 1914.

3. Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоидул баҳийя фий тарожимил ҳанафия маъат Таълиқотис санийя. – Қозон, 1902.

4. Абдулҳай Лакнавий. Ан-Нофеъ ал-кабир ли ман йутолеъу жомеъус сағир. – Ҳиндистон: Алавий, 1892.

5. Абдулҳай Лакнавий. Умдатур риоя фий ҳалли Шарҳул виқоя (Муқаддима). – Ҳиндистон: Юсуфий, 1909.

6. Абдулҳай Лакнавий. Тарабул амосил би тарожимил Афозил // Мажмуатур расоилис ситт. 6-китоб. – Лакнав: (йили кўрсатилмаган).

7. Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар Дабусий Ҳанафий. Таъсисун назар. – Миср: Матбаатул Адабия.

8. Абу Саид Ходимий. Мажомиул ҳақоиқ. – Қозон: “Умид”, 1912.

9. Абул Баракот Насафий. Канзуд дақоиқ. – Мумбай: “Фатҳул карим”, 1887.

10. Абул Ҳасан Кархий. Рисола фил Усул аллатий ъалайҳо мадору фуруил ҳанафия. – Миср: “Матбаатул адабия”.

11. Али Қорий. Тазкиратул Мавзуот. – Истанбул: “Саҳҳофия”, 1892.

12. Али Қорий. Шарҳу мухтасарул виқоя”. II жуз. – Қозон, 1904.

13. Баҳрул улум Ансорий. Шарҳу мусалламус субут. – Лакнау: “Навол кишвар”, 1878.

14. Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя. I жилд. – Лакҳнав: “Юсуфий”, 1896; II жилд. – Деҳли: “Форуқий”, 1910.

15. Жалолиддин Суютий. Буғятул вуот фий табақотил луғавиййин ван нуҳот. – Миср, 1908.

16. Жомеъул мабоний шарҳу фиқҳи Кайдоний. – Қозон, 1912.

17. Зайниддин ибн Нужайм Ҳанафий. Ал-Ашбоҳ ван назоир маъа шарҳуҳу ал-Ҳамавий. – Ҳиндистон: “Мустафоий”, 1866.

18. Заҳабий. Тазкиратул ҳуффоз. IV жилд. – Ҳайдаробод.

19. Ибн Амир Ҳожж. Ат-Тақрир ват таҳбир шарҳи таҳририл Камол”. – Миср, 1898.

20. Ибн Субкий. Табақотуш шофиъия. VI жилд. Миср, 1906.

21. Ибн Обидин. Шарҳул манзума Уқуду расмил муфтий // Расоилу Ибн Обидин. – Истанбул: “Саҳҳофия”, 1902.

22. Ибн Обидин. Ал-Урф фиш шаръ // Расоилу Ибн Обидин. II жуз. – Истанбул: “Саҳҳофия”, 1902.

23. Ибн Халликон. Вафийётул аъён. II жилд. – Миср, 1892.

24. Ибн Ҳажар Ҳайсамий. Хайротул ҳисон фий маноқиб Аби Ҳанифатан Нўъмон. – Миср, 1906.

25. Қозизода Шариф махдум ибн Абдурраҳим Бухорий. Рисола фий маноқибил аимматал арбаа фил фиқҳ (“Жомиур румуз” нашрига сўзбоши). – Қозон, 1909.

26. Котиб Чалабий Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун. II жилд. – Истанбул, 11892.

27. Маҳмуд Афанди Ҳамзовий. Ан-Нурул ломеъ фий усулил Жомеъ. – Дамашқ: “Маориф”, 1885.

28. Маҳмуд Афанди Ҳамзовий. Мисбоҳуд дироя фий истилоҳил Ҳидоя. – Дамашқ: “Маориф”, 1885.

29. Мулло Жеван Ҳиндий. Нурул анвор би қамарил ақмар. – Ҳиндистон: “Алавий”, 1904.

30. Муҳаммад Шайбоний. Ал-Жомеъ ас-сағир. – Ҳиндистон: “Алавий”, 1892.

31. Низомиддин Шоший. Усулуш Шоший маъа аҳсанил ҳавоший. – Деҳли: “Мужтабоий”.

32. Носириддин Ҳанафий Бухорий. Туҳфатуз зоирин. – Бухоро, 1910.

33. Саййид Шариф Журжоний. Китобут таърифот. – Истанбул: “Ҳусайния”, 1882.

34. Сўфи Аллоҳёр. Маслакул муттақин. – Тошкент: “Порцев”, 1914.

35. Тошкўпризода. Шақоиқун нўъмония. II жилд. – Миср: “Ватан”, 1881.

36. Убайдуллоҳ ибн Тожуш шариа Бухорий. Ат-Тавзиҳ маъат Талвиҳ. – Қозон, 1910.

37. Убайдуллоҳ ибн Тожуш шариа Бухорий. Мухтасарул виқоя. – Қозон, 1911.

38. Убайдуллоҳ ибн Тожуш шариа Бухорий. Шарҳул виқоя. – Лакнаву: “Юсуфий”, 1909.

39. Хайриддин ар-Рамлий. Фатовойи Хайрийя. II жуз. – Булоқ: “Матбаатул кубро”, 1882.

40. Шамсиддин Қўҳистоний. Жомеур румуз. I–IV жузлар. – Қозон, 1909.

III. МАНБАЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ НАШРЛАРИ

1. Абдурраҳим Аснавий. Табақотуш шофиъия. – Бағдод: ал-Иршод, 1970.

2. Абдулҳалим Жандий. Абу Ҳанифа. Баталул ҳуррият ват тасомуҳ фил Ислом. – Қоҳира, 1966.

3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. Маноқибу Имом Аби Ҳанифа ва соҳибайҳи Аби Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан. – Ҳайдаробод: “Лажнату иҳё ал-маорифин нуъмония”, 1998.

4. Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Али Саймарий. Ахбору Аби Ҳанифа ва асҳобуҳу. – Ҳайдаробод: “Ал-Маорифуш шарқия”, 1974.

5. Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Аздий Мисрий Таҳовий. Шарҳу Маонил асор. I жилд. – Покистон-Мўлтон: “Ал-Мактабатул ҳаққония”, 1985.

6. Абу Ҳафс Умар Насафий. Тилбатут талаба фил истилоҳотил фиққия. – Байрут: “Дорун нафоис”, 1999.

7. Абу Ҳафс Насафий. Усулул фиқҳ / Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Аминов, С.Муҳаммадаминов. – Тошкент: Noshir, 2015.

8. Абу Юсуф. Ар-Радд ало сиярил Авзоъий // Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий. Китобул Умм. IV жилд. – Қоҳира, 1938.

9. Абу Юсуф. Ихтилофу Абу Ҳанифата ва Ибн Абу Лайло // Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий. Китобул Умм. IV жилд. – Қоҳира, 1938.

10. Абул Фатҳ Носируддин Мутарризий. Ал-Муғриб фий тартибил Мўъриб. II жилд. – Ҳалаб, 1979.

11. Акмалиддин Бобаратий. Таржиҳул мазҳабил мусаммон нукатиз зарифа фий таржиҳи мазҳаби Аби Ҳанифа”. – Риёз: “Жомеатул Малик ас-Саъуд”, 1997.

12. Аллома Зайниддин ибн Иброҳим ибн Нужайм Ҳанафий. Ал-Ашбоҳ ван назоир. Муҳаммад Амин ибн Умар ибн Обидин. Нузҳатун навозир ҳошия алал Ашбоҳ ван назоир”. – Дамашқ: Дорул фикр, 1986.

13. Аҳмад ибн Ҳажар Ҳайсамий. Ал-Хайротул ҳисон фий маноқибил Имам Аби Ҳанифата ан-Нуъмон. – Байрут: “Дорул кутубил илмия”, 1982.

14. Аҳмад ибн Мустафо Тошкўпризода. Табақотул фуқаҳо. – Мусил: “Матбаату Найнаво”, 1954.

15. Аҳмад ибн Сулаймон ибн Камол Пашшо. Табақотул мужтаҳиддин. – Миср: “Матбаатул Жабаловий”, 1976.

16. Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя. I жилд / Таржимонлар Салоҳиддин Муҳиддин ва бошқалар. – Т.: “Адолат”, 2001.

17. Василий Самарқандий. Ал-Каломул афхам фи маноқибил Имомил Аъзам / Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва луғат муаллифлари: М.Умар, М.Ҳасаний. – Т.: “Мажнунтол”, 1991.

18. Воҳидов Ш., Чориев З. Садр-и Зия и его библиотека. –Т: “Янги аср авлоди”, 2007.

19. Жамолиддин Аҳмад Ғазнавий. Ал-Ҳовий ал-қудсий. 2-жилд. – Байрут: “Дорун наводир”, 2011.

20. Имом Аъзам. Асарлар / Таржимон ва нашрга тайёрловчи: А.Баҳромов. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2003.

21. Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий. Матлаун нужум ва мажмаул улум / Нашрга тайёрловчи, кириш ва кўрсаткичлар муаллифи: С.Муҳаммадаминов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015.

22. Лутфуллоҳ Насафий. Фиқҳи Кайдоний (матн, таржима) / Нашрга тайёрловчилар: Н.Насруллаев, З.Исломов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

23. Муҳаммад Али Таҳонавий. Кашшофу истилоҳотил фунун вал улум / Таҳқиқ: Али Даҳруж. II жуз. – Байрут: “Мактабату Лубнон”, 1996.

24. Сўфи Оллоҳёр. Маслакул муттақин / Нашрга тайёрловчилар: Сайфиддин Сайфуллоҳ, Акрам Деҳқон. Илова қисмини тузувчи: Ҳамидуллоҳ Амин. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2007.

25. Тақийуддин ибн Абдулқодир Тамимий. Ат-Табақотус сания фи тарожумил ҳанафия. – Риёз: “Дорур рифоий”, 1982.

26. Тарихи Муллозода ва Самария / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, Б.Аминов. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2009.

27. Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб / Таржима ҳамда сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: И.Бекжон. – Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр.”, 1993.

IV. ЗАМОНАВИЙ МАНБАЛАР

1. Абдулваҳҳоб Халлоф. Усулул фиқҳ. Биринчи, иккинчи қисмлар. – Т.: “Адолат”, 1997; Учинчи, тўртинчи қисмлар. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 1999.

2. Абдуллатиф ибн Абдурраҳмон. Василатуз зафар фил масоил аллатий йуфта фиҳи би қавли Зуфар. – Байрут: “Дори Хизр”, 2001.

3. Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар. – Т.: “Фан”, 1969.

4. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Тошкент: “Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти”, 2007.

5. Абдуллаев Р. Ислом иқтисодиёти асослари // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

6. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Марғилоний ва унинг издошлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашр., 2000.

7. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002.

8. Алимов У. IX–XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2008.

9. Атаев М. Уструшона олимлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

10. Асророва Л. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва Ҳанафий фиқҳи. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

11. Аҳмад Саид Ҳавво. Ал-Мадхал ала мазҳаб Имом Аби Ҳанифата ан-Нўъмон. – Жидда: Дорул андасулил хазро, 2002.

12. Аҳмад Темур Пошшо. Ал-Мазоҳиб ал-фиқҳийя ал-арбаа. – Қоҳира: Дорул афоқил арабия, 2001.

13. Аҳмад ибн Насириддин Нақиб. Ал-Мазҳаб Ҳанафий. 2-жилд. – Риёз: “Мактабатур Рушд”, 2001.

14. Баҳодиров Р., Расулов Д. Ислом илмларининг буюк алломалари. – Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 2000.

15. Баҳриддин Умрзоқ. Тафсири Баҳр (Қўлёзма тафсирлар ва уларнинг қиёсий-текстологик тадқиқи. Монография). – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2010.

16. Бекмирзаев И.И. Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиги. – Т.: “Таълим”, 2011.

17. Буюк алломаларимиз / Таҳрир ҳайъати: Ҳ.С.Кароматов ва бошқалар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002.

18. Ваҳбатуз Зуҳайлий. Ал-Фиқҳул исломий ва адиллатуҳу. I жуз. – Дамашқ: “Дорул фикр”, 1985.

19. Ваҳбий Сулаймон Ғовжий. Абу Ҳанифа ан-Нўъмон имомил аимма ал-фуқаҳо. – Дамашқ: “Дорул қалам”, 1999.

20. Воҳидов Ш., Қодиров А. Хронология ва метрология. Қисқача маълумотнома. –Т: “Янги аср авлоди”, 2010.

21. Забиҳуллоҳ Сафо. Тарихи адабиёт дар Эрон. VIII жилд. – Эрон: “Интишороти Фирдавс”, 1951.

22. Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий. Фавоид фи улумил фиқҳ // Муқаддимат “Эълоус сунан”. XIX жуз. – Байрут: “Дорул фикр”, 2001.

23. Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий. Абу Ҳанифа ва Асҳобуҳу ал-муҳаддисун // Муқаддимат “Эълоус сунан”. XIX жуз. – Байрут: “Дорул фикр”, 2001.

24. Зиёдов Ш. Мотуридий ҳаёти ва мероси. – Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 2000.

25. Зиёдов Ш. Абу Мансур Мотуридий ва унинг “Китоб ат-Таъвилот” асари. – Т.: “Фан”, 2009.

26. Зиёдов Ш., Қориев О., Бекмирзаев И. Мовароуннаҳр ислом илмлари ривожида ҳанафий таълимоти. – Т.: “Фан ва технология”, 2012.

27. Йўлдошхўжаев Ҳ. Тариқатнинг замонавий кўринишлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

28. Имом Аъзам Абу Ҳанифа. Муснад / Мутаржим: Абдуллоҳ Мурод Холмурод ўғли. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2005.

29. Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Наука, Главная редакция восточной литературы, 1991.

30. Ислом, тарих ва маънавият / Масъул муҳаррирлар: М.М. Хайруллаев, Ҳ.Алиқулов. – Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр.”, 2000.

31. Ислом тасаввуфи манбалари / Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Ҳ.Болтабоев. – Т.: “Ўқитувчи”, 2005.

32. Ислом энциклопедия А–Ҳ / З.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004.

33. Каттаев К. Самарқанднинг буюк алломалари. – Самарқанд: “Зарафшон”, 1998.

34. Комилов М. Мовароуннаҳр илмининг ривожи ва фақиҳ Алоуддин Самарқандий. – Т.: “Истиқлол”, 2006.

35. Кенжабек Мирзо. Термиз тазкираси. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001.

36. Маънавият юлдузлари: (Марказий осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) / Тўпловчи ва масъул муҳаррир М.М. Хайруллаев / – Тўлдирилган қайта нашр. – Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 2001.

37. Манноъ Қаттон. Таърихут ташриъил исломий. – Риёз: Мактабатул маориф, 1996.

38. Маҳмуд Абдурраҳмон Абдулмунъим. Мўъжамул мусталаҳот вал алфозил фиқҳийя. III жилд. – Қоҳира: “Дорул фазила”.

39. Маҳмуд Ҳасаний. Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар. – Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 2000.

40. Маҳмуд Ҳасаний. Устод ва шогирд. Бурҳониддин Марғиноний ва Шайхул Ислом аз-Зарнужий. – Т.: “Ғафур Ғулом”, 2000.

41. Мовароуннаҳр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари / Муаллифлар: У. Уватов, М. Алимова, И. Усмонов, Д. Муратов, Н. Муҳамедов, Д. Раҳимжонов. Масъул муҳаррир: И. Усмонов. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2011.

42. Мустафо Аҳмад Зарқо. Ал-Мадхалул фиқҳил омм. II жилд. – Дамашқ: “Дорул қалам”, 1998.

43. Мустафо Зайд. Абу Жаъфар Таҳовий ва асаруҳу фил ҳадис. – Қоҳира, 1964.

44. Мустафо Саид Ханн. Диросат таърихийя лил фиққ ва усулиҳи. – Дамашқ: “Аш-Ширкатул муттаҳида лит тавзиъ”, 1984.

45. Муҳаммад Абдуррашид Нўъмоний. Маконат Имом Аби Ҳанифа фил ҳадис. – Байрут: “Ширкату дорил башоирил исломия”, 1428.

46. Муҳаммад Абу Заҳра. Абу Ҳанифа. Ҳаётуҳу ва асаруҳу, ароуҳу ва фиққуҳу. – Қоҳира: “Дорул фикрил арабий”, 1977.

47. Муҳаммад Абу Заҳра. Таърих ал-мазоҳиб ал-исломийя. II жилд. – Байрут: Дорул фикрил арабий”.

48. Муҳаммад Адиб Солиҳ. Тафсирун нусус фил фиққил исломий. II жилд. – Байрут: “Ал-Мактабатул исломий”, 1993.

49. Муҳаммад Амин Эҳсон Мужаддидий Баракатий. Адабул муфтий. – Карачи: “Мир Муҳаммад”, 1997.

50. Муҳаммад Амин Эҳсон Мужаддидий Баракатий. Қавоидул фиққ. – Байрут: Дорун нашр.

51. Муҳаммад Иброҳим Ҳафновий. Мусталаҳотул фуқаҳо вал усулиййун. – Қоҳира: “Дорус салом”, 2007.

52. Муҳаммад Иброҳим Ҳафновий. Ал-Фатҳул мубин фи ҳалли румуз ва мусталаҳотил фуқаҳо вал усулиййин. – Қоҳира.

53. Муҳаммад Тақий Усмоний. Усулул ифто ва одобуҳу. – Карачи: “Дорул улум”, 1996.

54. Мухаммад Али Кутб. Основатели четырех мазхабов. Абу Ханифа, Малик ибн Анас, аш-Шофии, Ахмад ибн Ханбал. – Москва – Санкт-Петербург: “Диля”, 2008.

55. Муҳамедов Н. Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.

56. Насруллаев Н. Фиққи Кайдоний. Каталог. – Т.: “Elmundo-Press”, 2010.

57. Нодир Набижон ўғли. Усулул фиққ ҳақида сабоқлар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашрёт-матбаа бирлашмаси, 2008.

58. Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2006.

59. Нўъмонов К., Қўлдашев З., Ғофуров А. Фароизус Сирожия. – Тошкент, 2010.

60. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 40 б.

61. Раҳматуллоҳ қори Обидов. Ўрта Осиё олимларининг тафсир соҳасидаги хизматлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

62. Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон, тафсир ва муфассирлар. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2003.

63. Рыжов К. Все монархи мира. Мусульманский Восток. XV–XX вв. – Москва: “Вече”, 2004; VII XV вв. – Москва: “Вече”, 2005.

64. Рудольф У. Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Тошкент, 2001.

65. Саидов А. Бурҳониддин Марғиноний – буюк ҳуқуқшунос (Шариат ва ўзбек миллий маънавий-ҳуқуқий мероси тарихидан лавҳалар). – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ”, 1997.

66. Саидов А., Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. – Т.: “Ижтимоий фикр”, 1998.

67. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Фатво ва тақво китоби. “Маслак-ул-муттақин” асари ҳақида. – Т.: “Фан”, 2005.

68. Сулаймон ибн Абдуллоҳ ибн Ҳомуд Абулхайл. Ал-Мадхал ала илмил фиққ. – Риёз, 2006.

69. Собрание фетв по обоснованию зикра джахр и сама‘. Введение, подготовка оригинального текста, приложения и указатели: Б.М. Бабаджанов, С.А. Мухаммадаминов. – Алматы, Ташкент: “Дайк-Пресс”, 2008.

70. Уватов У. Имом Мотуридий ва унинг таълимоти. – Т.: “Фан”, 2000.

71. Уватов У. Абул Муъин Насафий ҳаёти ва мероси. – Т.: “Маънавият”, 2003.

72. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи: У. Уватов. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2010.

73. Фозил Зоҳид. Саййид Жалолиддин Хоразмий Гурланий. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2003.

74. Шайх Аҳмад ибн Шайх Муҳаммад Зарқо. Шарҳул қавоидил фиққия. – Дамашқ: “Дорул қалам”, 2001.

75. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя. III жуз. – Т.: “Шарқ”, 2008.

76. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Усулул фиқҳ. – Т.: “Шарқ”, 2010.

77. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фиқҳий йўналишлар ва китоблар. – Т.: “Шарқ”, 2011.

78. Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм / Фрсийдан ўзбек тилига таржима, луғат ва изоҳ муаллифлари: Ҳ. Бобобеков, Н. Норқулов. – Т.: “Маънавият”, 1998.

79. Яъқуб ибн Абдулваҳҳоб Боҳисайн. Ат-Тахриж индал фуқаҳо вал усулиййин. – Риёз: Мактабатур Рушд, 1993.

80. Қодиров З. Отахон ўғли. Имом Аъзам ҳаёт йўли ва фиқҳ усуллари. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 1999.

81. Қосим ибн Абдуллоҳ Қунавий. Анисул фуқоҳо фи таърифотил алфозил мутадовила байнал фуқоҳо. – Жидда: “Дорул вафо”, 1986.

82. Қориев О. Марғиноний машҳур фиқҳшунос. – Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр.”, 2000.

83. Қориев О. Фарғона фиқҳ мактаби. – Т.: “Фан”, 2007.

84. Қориев О. Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин Марғиноний. – Т.: “Фан”, 2009.

85. Қутб Мустафо Сону. Мўъжам мусталаҳоти усулул фиқҳ. Арабий-инглизий. – Дамашқ: “Дорул фикр”, 2000.

86. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. – Т.: “Шарқ”, 2005.

V. МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАР

1. Абдукаримова Н. “Хизонату-л-фатово”нинг қўлёзма нусхалари // Имом Бухорий сабоқлари. – 4/2010. – Б. 318–319.

2. Абдулаҳатов Ж. Сўфи Оллоёрнинг “Махзан ал-мутиъин” асари – фиқҳ бўйича нодир манба // Имом Бухорий сабоқлари, 2–3/2005. – Б. 102–105.

3. Абдуллаев А. Абу Лайс Самарқандий // Имом Бухорий сабоқлари. – 1/2002. – Б. 76–78.

4. Абдуллаев А. Абу Лайс Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 1/2002. – Б. 28–31.

5. Абдуллаев А. Абу Лайс Самарқандийнинг устоз ва шогирдлари // Шарқшунослик (ТДШИ). – 2005. – № 1. – Б. 45–50.

6. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг иқтидорли шогирди // Имом Бухорий сабоқлари, 3/2002. – Б. 170–172.

7. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Абу Зайд Дабусий – илм ул-хилоф (қиёсий ҳуқуқшунослик) фанининг асосчиси // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 3/2003. – Б. 4–14.

8. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Фиқҳ илми ривожида Марказий Осиё фақиҳларининг ўрни // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 3/2007. – Б. 18–20.

9. Абдулҳаким Жузжоний. Бурҳониддин Марғиноний ва “Ал-Ҳидоя” асари // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 340–348.

10. Абдулҳаким Жузжоний. Фиқҳ илмида ҳукм тушунчаси ва турлари // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 348–359.

11. Абдулҳамид Турсун. Ижтиҳод нима? // Ҳидоят, 4/2008. – Б. 10–11.

12. Абдусатторов А. Шамс ал-аъимма Сарахсий – буюк фақиҳ // Имом Бухорий сабоқлари, 2/2001. – Б. 144–148.

13. Абидова Н. Абу Лайс Самарқандийнинг “Фатава Аби-л-Лайс” асари ва унинг фиқҳ ривожида тутган ўрни // Баркамол авлод – келажак пойдевори II. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 47–51.

14. Алимов У. Фиқҳ илми билимдони // Ҳидоят, 2009/11. – Б. 1 ва 5.

15. Аминов Ҳ., Юсупов Ж. “Канзу-д-дақоиқ” асарининг “Мухтасарул виқоя” билан қиёсий таҳлили // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 2/2009. – Б. 26–30.

16. Асророва Л. “Ҳайрату-л-фуқаҳо”га асос бўлган манбалар // Имом Бухорий сабоқлари. – 4/2010. – Б. 269–270.

17. Асророва Л. “Ҳайрату-л-фуқаҳо” – Мовароуннаҳр фиққ мактабини ўрганиш бўйича муҳим манба // Имом Бухорий сабоқлари, 4/2006. – Б. 269–271.

18. Асророва Л. “Ҳайрату-л-фуқаҳо” асарининг таркибий таҳлили // Ўзбекистонда дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 289–291.

19. Атаев М. Маждуддин Уструшанийнинг илмий фаолияти // Имом Бухорий сабоқлари. – 4/2010.– Б. 261–263.

20. Аҳмад Майлоний. “Ал-Ҳидоя” муаллифининг ҳаёт тарихчаси // Имом Бухорий сабоқлари, 2/2000. – Б. 109–111.

21. Аҳмадалиев А. “Усулуш Шоший” муаллифи // Ҳидоят, 2009/7. – Б. 30–31.

22. Аҳроров И. Абуллайс Самарқандийнинг “Хизонату-л-фиққ” асари // Имом Бухорий сабоқлари, 1/2008. – Б. 73–75.

23. Бекмирзаев И. Ҳусомиддин ас-Садр аш-шаҳид мероси ёхуд садрлар оиласи // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 2/2005. – Б. 15–19.

24. Бекмирзаев И. Бурҳонуддин Маҳмуд ибн ас-Садр ас-Саъиднинг “Ал-Муҳит ал-Бурҳоний” асари ва унинг қўлёзма нусхалари // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 3/2006. – Б. 27–30.

25. Бекмирзаев И. Мовароуннаҳрда “Ал-Муҳит” номи остида ёзилган фиққга оид қўлёзма асарлар таҳлили // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. 3-илмий тўплам. – Т.: ТДШИ, 2011. – Б. 67–76.

26. Бобоназаров И. Имом Сарахсий // Ҳидоят, 2007/5. – Б. 28–29.

27. Бўриев О. Абу Мансур Мотуридийнинг Қуръон тажвидига оид мероси // Амир Темур сабоқлари. – Т., 2002. – Б. 77–82.

28. Галиева Ф. “Ҳидоя” асарининг манбашунослик таҳлили // Академик У.Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Тошкент, 2008. – Б. 6–7.

29. Икромжонов А.М. Буюк ватандошимиз Фахр ад-дин Қодихон ал-Ўзгандий ва унинг илмий мероси // Ўзбекистоннинг Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси. – Тошкент-Самарқанд, 2007. – Б. 225–226.

30. Икромжонов А.М. Фахруддин Қозихон ва унинг илмий мероси // Имом Бухорий сабоқлари, 4/2007. – Б. 303–305.

31. Икромжонов А.М. “Фатовойи Қозихон” асарининг фиқҳ илмида тутган ўрни // Имом Бухорий сабоқлари, 1/2011. – Б. 69–72.

32. Исломов З. Тошкент – Ислом маданияти пойтахти // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 107–127.

33. Комилов М. Фақиҳ Алоуддин Абу Бакр ал-Косоний // Имом Бухорий сабоқлари, 3–4/2000. – Б. 192–195.

34. Комилов М. Ҳанафий фиққи ривожида ал-Марвазий ва Қудурийнинг ўрни // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 2/2006. – Б. 28–30.

35. Комилов М. Мовароуннаҳр фиқҳ мактаблари ва уларнинг ислом ҳуқуқи тараққиётидаги ўрни // Ўзбекистоннинг Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси. – Тошкент – Самарқанд, 2007. – Б. 110–112.

36. Мансуров А. Фиқҳ усулларида ижтиҳод масаласи // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 4/2003. – Б. 37–39.

37. Мансуров Ё. Носируддин Самарқандий – буюк аллома // Имом Бухорий сабоқлари. – 4/2010. – Б. 258–260.

38. Матибаева Р. Мовароуннаҳр ҳанафийлигига оид муҳим манба // Имом Бухорий сабоқлари, 1/2008. – Б. 13–14.

39. Маҳмуд Ҳасаний. Сирожиддин ал-Ўший – муҳаддис ва фақиҳ олим // Имом Бухорий сабоқлари, 2/2000. – Б. 115–117.

40. Маҳмудов М. Бадриддин Айний // “Аҳли дил”. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 276–280.

41. Маҳмудов Қ. Имом Насафийнинг мероси ҳақида // Имом Бухорий сабоқлари, 1/2011. – Б. 19–20.

42. Муминов А. Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби тарихига оид бир манба // Шарқшунослик (ЎзР ФА ШИ). – 1992. – № 3. – Б. 52–57.

43. Муминов А. Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби // Шарқшунослик, № 3. – Т.: Фан, 1992. – Б. 52–57.

44. Муминов А. Имом-и Аъзам Абу Ҳанифа // Мулоқот. – 1994. – № 7-8. – Б. 37–40.

45. Муминов А. Мовароуннаҳр уламолари: Ҳанафийлар // Шарқшунослик (ШИ). – 1999. – № 9. – Б. 40–44.

46. Муминов А. Мовароуннаҳр ҳанафий фиқҳи // Имом Бухорий сабоқлари, 1/2001. – Б. 88–91.

47. Муминов А. Шамс ал-а'имма // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. – Москва, 2001. – Вып. 3. – С. 120–121.

48. Мустанов Ў. Ибн Обидин // Ҳидоят, 2011/4. – Б. 5.

49. Муродов Д. Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг "Кашф ал-осор" асарида фиқҳий масалалар талқини // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 3/2004. – Б. 29–31.

50. Муҳаммадаминов С. Абу Ҳафс Насафийнинг "Матлаъ ан-нужум" асаридаги фиқҳ ва ҳадисга оид мавзулар // Имом Бухорий сабоқлари, 4/2005. – Б. 190–191.

51. Муҳаммадаминов С. Абу Ҳафс Насафийнинг усулул фиқҳга оид бир рисоласи // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – № 1. – Тошкент, 2007. – Б. 85–88.

52. Муҳаммадиев Ф. Насафлик олимнинг фиқҳий қомуси // Ҳидоят, 2009/5. – Б. 30.

53. Нажмиддинов З. Абу Зайд ад-Дабусий ва унинг ижоди // Имом Бухорий сабоқлари, 3/2002. – Б. 234–236.

54. Нажмиддинов З. Абу Зайд ад-Дабусий – хилоф илмининг асосчиси // Имом Бухорий сабоқлари, 1/2004. – Б. 68–71.

55. Насруллаев Н. Лутфуллоҳ Насафийнинг "Фиқҳи Кайдоний" асари ҳақида // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 1/2005. – Б. 21–23.

56. Нўъмонов М. Имом Абу Ҳафс кабир Бухорий // Ҳидоят, 2009/11. – Б. 10.

57. Обидов Н., Бабаназаров И. Фатво ва ҳукм чиқариш жараёнида // Имом Бухорий сабоқлари, 2/2008. – Б. 98–101.

58. Обидов Р. Қуръони карим тафсирлари // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. – Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 196–222.

59. Оқилов С. Абу Мансур Мотуридий ҳаёти ва илмий мероси // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. – Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 326–336.

60. Примов С. Фақиҳларнинг рутбалари // Ҳидоят, 2011/4. – Б. 12–14.

61. Позилов Н. Убайдуллоҳ Маҳбубийнинг ҳанафий уламолари орасида тутган ўрни // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 1/2008. – Б. 13–15.

62. Прозоров С.М. Некоторые штрихи к портрету верховного судьи Багдада Абу Юсуфа (ум. в 798 г.) // Письменные памятники Востока. Российская Академия наук Институт восточных рукописей. – Санкт-Петербург, 1 (8). Весна-Лето. 2008. – С. 165–169.

63. Ражабова Р. XVIII–XIX асрларда Бухорода ёзилган фиқҳга доир асарларнинг таҳлили // Академик У.Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Тошкент, 2008. – Б. 72–74.

64. Раҳимжонов Д. Замонавий исломшуносликнинг долзарб муаммолари // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 191–196.

65. Рўзиева Р. “Усул” асари ва унга ёзилган шарҳлар // Имом Бухорий сабоқлари, 2/2008. – Б. 103–104.

66. Сарсенбаев А. Фиқҳ китобларининг ёзилиш шаклининг ўзига хос хусусиятлари // Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Тошкент, 2007. – Б. 47–49.

67. Сарсенбаев О. Шариат ва қонун муносабати // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 359–364.

68. Сарсенбаев О. Қуръони каримдан ҳуқуқий манба сифатида фойдаланиш услуби (Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асари мисолида) // Ўзбекистонда дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги II. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 52–57.

69. Солиев А. Абу Лайс Самарқандий ва унинг “Хизонату-л-фиқҳ” асари ҳақида // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 3/2008. – Б. 8–9.

70. Темиров Р. Камолуддин ибн ал-Ҳумам ва унинг илмий мероси // Имом Бухорий сабоқлари. – 4/2010. – Б. 313–315.

71. Тўйчибоев А. Сияр – ислом халқаро ҳуқуқи // Ёш шарқшуносларнинг Убайдулла Каримов номидаги VII илмий-амалий конференцияси тезислари. – Тошкент, 2009. – Б. 118–120.

72. Тўйчибоев А. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг асосий асарлари. “Зоҳир ар-ривоя” // Баркамол авлод – келажак пойдевори II. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 63–69.

73. Уватов У. Маҳмуд аз-Замахшарий – буюк фақиҳ // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 3/2007. – Б. 21–25.

74. Усмонов Э. Ҳусомиддин Ахсикатий ва унинг илмий мероси // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 1/2005. – Б. 19–21.

75. Усмонова Ҳ. “Салоти Масъудий” – Ҳанафий мазҳаби бўйича ноёб фиқҳий манба // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 2/2009. – Б. 37–40.

76. Усмонова Ҳ. “Салоти Масъудий” асарининг ислом манбашунослигида тутган ўрни // Ўзбекистонда дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 292–297.

77. Холбекова Ҳ. “Салоти Масъудий” – муҳим фиқҳий манба // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 1/2005. – Б. 23–27.

78. Худойбердиев О. Ижтиҳод тушунчаси ва унинг қиёс билан боғлиқлиги // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 3/2003. – Б. 14–18.

79. Юсупов Ж. Абул Баракот Насафийнинг “Канзу-д-дақоиқ” асарига ёзилган шарҳлар // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти. – Тошкент, 2008. – № 4. – Б. 40–42.

80. Юсупов Ж. Абул Баракот Насафий ҳаёти ва ижоди // Баркамол авлод – келажак пойдевори I. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 25–28.

81. Юсупов Ж. Абул Баракот Насафийнинг “Канзу-д-дақоиқ” асарининг тузилиши // Баркамол авлод – келажак пойдевори II. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 106–111.

82. Юсупов О. Абдуллоҳ ибн Муборак // Ҳидоят, 2009/7. – Б. 14–15.

83. Юсупов С. Бухоролик машҳур фақиҳ // Имом Бухорий сабоқлари, 4/2005. – Б. 234–236.

84. Юсупова Д.Ю. Хондамир темурийлар даври маданияти ҳақида (XV аср боши XVI аср охири) // Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар мавзуида ўтказилган Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 2005. – Б. 22–30.

85. Юсупова Н. Бурҳониддин Марғиноний – Мовароуннаҳр фиқҳ илмининг йирик вакили // Ўзбекистонда дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги II. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 58–63.

86. Ўрозов А. Нуриддин Абулҳасан (Мулла Али қори) // Ҳидоят, 2010/1. – Б. 12–13.

87. Қамбаров А. Алоуддин ал-Косоний илмий услубининг мумтоз ҳанафий фиқҳидаги ўрни // Ўзбекистоннинг Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси. – Тошкент – Самарқанд, 2007. – Б. 187–188.

88. Қораев М. Имом Абу Юсуф ибн Иброҳим // Ҳидоят, 2010/4. – Б. 4.

89. Қориев О. Марғиноний машҳур фиқҳ олими // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 3/2000. – Б. 38–42.

90. Қориев О. Бурҳониддин Марғиноний – буюк фақиҳ // Имом Бухорий сабоқлари, 2/2000. – Б. 115–117.

91. Қориев О. Мовароуннаҳр фиқҳ илми ривожида Фарғона олимларининг ўрни // Ўзбекистоннинг Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси. – Тошкент – Самарқанд, 2007. – Б. 297–299.

92. Қориев О. Ўрта аср қўлёзма манбаларида кўрсаткичлар масаласи // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий Ахбороти, 2/2010. – Б. 4-8.

93. Ғаппоров Р. “Усулу-ш-Шоший” – ҳанафий мазҳаби бўйича муҳим манба // Имом Бухорий сабоқлари, 2/2008. – Б. 104–105.

94. Ҳамдамов Ш. Ҳанафий олими Алий ал-Қори ал-Ҳаравий Ҳанафий // Ёш шарқшуносларнинг Убайдулла Каримов номидаги VII илмий-амалий конференцияси тезислари. – Тошкент, 2009. – Б. 74–78.

VI. ХОРИЖИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Ahmet Özel. Hanefi fikih alimleri. – Ankara: Turkiye diyanet vakfi yayinlari, 2006.

2. Ahmet Özel. Hanefi mezhebi // Türkiye Diyanet vakfı. İslâm Ansiklopedisi. Cilt 16. – İstanbul, 1997.

3. Agius D.A. Some bio-bibliographical notes on Abul Qasim Mahmud b. Umar al-Zamakhshari, Al-Arabiyya, XV/1-2 (1982).

4. Chafik T.Chehata. Theorie Generale de l'obligation en Droit Musulman, les sujets de l'obligation avec une bibliogrsphie, une methodologie et un tableau general de la theorie de l'obligation en droit Hanafite. – Paris: Le Caire. Imp.F.E. Noury & Fils, 1936.

5. Christopher Melchert. State, Society, and Law in Islam: Ottoman Law in Comparative Perspective by Haim Gerber // The American Historical Review, Vol. 101, No. 4. (Oct., 1996).

6. Christopher Melchert. The Formation of Islam: Religion and Society in the Near East, 600-1800 by Jonathan P. Berkey // Journal of the American Oriental Society, Vol. 124, No. 2. (Apr. - Jun., 2004).

7. Christopher Melchert. The Formation of the Sunni Schools of Law, 9th-10th centuries. – New York-Köln: Brill Leiden, 1997.

8. Christopher Melchert. The Origins of Islamic Law: The QurJan, the Muwatta' and Madinan 'Amal. By YASIN DUTTON. Richmond, Surrey // Journal of the American Oriental Society, Vol. 121, No. 4. (Oct. - Dec., 2001).

9. Eyyup Sait Kaya. Hanefi mezhebinde Nevazil literatürünün doğuşu ve Ebu'l-Leys es-Semerkandi'nin Kitabu'n-Nevazil'i. (Yuksek lisans tezi). – İstanbul: Marmara universitesi, 1996..

10. Fazlur Rahman. Uzbekistans contribution to islamic civilization // Uzbekistan's contribution to the development of islamic civilization. – Tashkent-Samarkand, 2007..

11. Hayriddin Karaman. Baslangictan Zamanimiza Kadar Islam Hukuk tarihi. – İstanbul, 2004.

12. Ismail Hakki Uzungarshili. Osmanli devleti teshkilatina medhal. – Ankara: Türk Tarih kurumu basımevi, 1984.

13. John Burton. The Sources of Islamic Law. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 1990.

14. Joseph Schacht. An introduction to Islamic law. – Oxford University Press, 1982.

15. Osman Keskioğlu. Fıkıh Tarihi ve İslâm hukûku. – Ankara: Ayyıldız Matbaası, 1984.

16. Kavakcı Y.Z. XI ve XII Asırlarda Karahanlılar Devrinde Ma Vara' al-Nahr İslâm Hukûkçuları. – Ankara: Sevinç Matbaası, 1976.

17. Mehmed Tahir Bursalı. Türklerin ulûm ve fünûna hizmetleri / Yayina Hazırlayan: Said Öztürk. – İstanbul: Kitabevi, 1996.

18. Meron Y. The Development of Legal Thought in Hanafi Texts. – Paris: Studia Islamica, 1969. – № 30.

19. Musa Şamil Yüksel. Timurlularda din-devlet ilişkisi. – Ankara: Türk Tarih kurumu basımevi, 2009.

20. Necdet Tosun. Türkistan Dervişlerinden yadicâr. Orta Asya Türkçesiyle Yazilmiş Tasavvufî Eserler. – Istanbul: Insan yayinları, 2011.

21. Noel J. Coulson. Conflicts and Tensions in Islamic jurisprudence. – Chicago-London: The University of Chicago Press, 1969.

22. Reshid Riza M. Islamda Birlik ve fikih mezhepleri. – Ankara: Turk tarih kurumu basimevi, 1974.

23. Wael B.Hallaq. The Formation of Islamic Law. Vol. 26. Lawerence I.Conrad. – London, 1995.

24. Temel Yesilyurt. Ebu'l-Berekat en-Nesefi ve Islam Dusuncesindeki yeri. – Malatya, 2000.

VII. CD-ДИСК ВА ИНТЕРНЕТ НАШРЛАРИ

1. Абдулазиз Иззат, Абдулжамил Ҳасан. Таърифот ва мусталаҳоту фиқҳия фий луғатин муосара // Мактабатуш Шомила. Исдор ас-солис. CD-Диск, 2006.

2. Абдул Азим Зиёуддин. Исломда ўлчов бирликлари // www.islom.uz.

3. Абдуллоҳ ибн Мансур Ғуфайлий. ас-Соъ байн ал-мақойис ал-қадима ва-л-ҳадиса // Мактабатуш Шомила. Исдор ас-солис. CD-Диск, 2006.

4. Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Аҳодис ал-аҳком ва аҳамм ал-кутуб ал-муаллафа фиҳо // Мактабатуш шомила. Исдор ас-солис. CD-Диск, 2006.

5. Хайриддин Зириклий. ал-Аълом. VIII жилд // Мактабат аш-шомила. Исдор ас-солис. CD-Диск, 2006.

6. Ҳанафий фиқҳи ва унинг далиллари / Мутаржим: Анвар Аҳмад // www.islom.uz.

7. ar.wikipedia.com

8. en.wikipedia.com

9. www.almaktba.com

10. www.almeshkat.net

11. www.islom.uz

12. www.shamila.ws

13. www.waqfeya.com

МУНДАРИЖА

Муқаддима 3

Ҳанафий мазҳабининг пайдо бўлиши 13

Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ҳаёти ва фаолияти ... 19

Абу Ҳанифанинг машҳур устозлари 24

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг
фатво ва дарс беришлари 27

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) васфида айтилган гаплар 30

Уч нафар мазҳаббошининг эътирофи 32

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг китоблари 33

Имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) мазҳабининг
ривожланиши 34

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг дарс мажлисларидаги
муноқашалари 38

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг машҳур шогирдлари 41

Имом Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) 42

Имом Муҳаммад ибн Ҳасан (раҳимаҳуллоҳ) 46

Имом Молик (раҳимаҳуллоҳ) фиқҳидан
истифода қилиши 49

Имом Зуфар ибн Ҳузайл (раҳимаҳуллоҳ) 51

Имом Ҳасан ибн Зиёд (раҳимаҳуллоҳ) 53

Ҳанафий мазҳабининг тарқалиши 54

Ҳанафий мазҳабининг Мовароуннаҳрга
кириб келиши 60

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ва ҳанафий мазҳабига қилинган таъналар....73
Ҳанафий мазҳаб фиқҳи тарихини даврлаштириш....76
Ҳанафий мазҳаби фиқҳининг қисмлари ва ёрдамчи соҳалари....82
Ҳанафий мазҳабида фиқҳий далиллар....94
Ижмо ва унинг турлари....95
Қиёс ва унинг турлари....95
Истеҳсон ва унинг турлари....96
Маслаҳатул мурсала....97
Урф-таомул ва унинг турлари....98
Шаръу ман қоблана ва унинг турлари....99
Саҳобанинг гапи ҳужжат экани....100
Саддуз заройеъ....100
Истисҳоб....101
Мужтаҳид ва фақиҳлар табақаси....103
Мужтаҳид ва фақиҳлар табақасига танқид....106
Ижтиҳод ва мужтаҳид....111
Мутақаддимин, мутавасситин ва мутааххиринлар....114
Ҳанафий мазҳабида фиқҳий қавлларнинг кўплиги....116
Тахриж ва таржиҳ....119
Тахриж қилинган масалалар....120
Таржиҳ қилиш турлари....122
Фатво ва таржиҳда қўлланиладиган атамалар....130

Чиқарилган фатво ва ҳукмнинг инобатга ўтиш-ўтмаслиги 133

Усулул фиқҳ ва фуруъул фиқҳда ишлатиладиган истилоҳлар 138

Ҳанафий фиқҳидаги китоблар, уларнинг мартабалари 144

Абу Ҳанифа шогирдларининг фиқҳий асарлари 153

“Зоҳири ривоя” китоблари 154

“Зоҳири ривоя” бўлмаган китоблар 158

Усулул фиқҳга оид манбалар 161

Мўътабар фиқҳий матнлар 168

Ҳанафий мазҳабидаги тўртта мўътабар фиқҳий матн 173

Ҳанафий мазҳабидаги энг аҳамиятли фиқҳий манбалар 176

Машҳур фатво тўпламлари 181

Фиқҳий манзумалар 191

Ҳанафий мазҳабидаги машҳур матн китобларнинг шарҳлари 193

“Мухтасарул Қудурий” асарининг шарҳлари 194

“Канзуд дақоиқ” асарининг шарҳлари 195

“Ал-Мухтор” китобининг шарҳлари 197

“Мажмаул баҳрайн” асарининг шарҳлари 198

“Мултақил абҳур” асарининг шарҳлари 199

“Ал-Ҳидоя” асарининг шарҳлари 200

“Виқоятур ривоя” асарининг шарҳлари 204

“Ал-Виқоя” ва “Шарҳул виқоя” асариинг таржималари 205

“Шарҳул Виқоя” асарининг ҳошиялари.....205
Ҳанафий мазҳабидаги “эътиборсиз” фиқҳий манбалар.....209
“Жунг” тўпламлари.....218
Шаръий ривоятларни нақл қилиш.....220
Шаръий ривоят ҳужжатлари.....221
Фиқҳий манбалардаги ҳадислар масаласи.....222
Фиқҳий манбалардаги масалаларни танлаш.....223
Ҳанафий мазҳабига оид китоблардаги ўзига хос рамзий ишоралар.....225
“Ан-Нутаф”даги қисқартмалар.....226
“Фатовойи суғро”да келтирилган қисқартмалар.....227
“Ат-Тажнис вал мазид”даги қисқартмалар.....228
“Қуня”даги қисқартмалар.....228
“Ал-Мухтор”нинг қисқартмалари.....235
“Ал-Вофий”нинг қисқартмалари.....236
“Жавоҳирул фиқҳ”нинг қисқартмалари.....236
“Жомиул фусулайн”даги қисқартмалар.....237
“Ал-Ҳидоя”нинг махсус рамзий ишоралари.....240
Ҳанафий мазҳабидаги фиқҳий атамалар луғатлари.....243
Ҳанафий мазҳабига оид тарожим ва табақот китоблар.....245
Абу Ҳанифа жавобини айтмаган масалалар.....249
Мужтаҳиднинг ўз сўзидан қайтгани.....250
Имом Зуфарнинг фатво берилган йигирмата масаласи.....252

Қиёс масалалари 255
Фиққий қоидалар.....260
Тўрт нафар Абодила 296
Етти нафар фақиҳ саҳоба.....297
Мадинанинг етти буюк фақиҳи 298
Ўн тўрт нафар қози.....300
Бухоронинг етти буюк қозиси.....302
Бир хил исмли ҳанафий ва шофиъий фақиҳлар 303
Бир хил номдаги ҳар хил мазҳаб фиққига оид асарлар 306
Фиққа оид баъзи сўзларнинг бир-биридан фарқлари 308
Ўлчов бирликлар.....314
Ҳанафийларнинг нисба, лақаб ва куня
билан шуҳрат қозонганлари 321
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....374
I. Қўлёзма манбалар.....374
II. Тошбосма манбалар 374
III. Манбаларнинг замонавий нашрлари 376
IV. Замонавий манбалар.....379
V. Мақола ва тезислар.....384
VI. Хорижий адабиётлар 392
VII. CD-Диск ва интернет нашрлари.....393

Диний-маърифий нашр

Ҳамидулла Аминов,
Соатмурод Примов

ҲАНАФИЙ ФИҚҲИ ТАРИХИ, МАНБАЛАРИ ВА ИСТИЛОҲЛАРИ

(Фиқҳ фанидан ўқув қўлланма)

Муҳаррирлар: Нўъмон АБДУЛМАЖИД,
Толибжон ҚОДИРОВ
Бадиий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли
Саҳифаловчилар: Толибжон АБДУЛҲАФИЗ,
Наргиза МИРЗАЛИЕВА
Мусаҳҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: AI № 146. 2009. 14. 08.

Босишга 2017 йил 27 мартда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60 x 90 $^{1}/_{16}$. Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули. Ҳисоб-нашриёт т.: 25,0. Шартли б. т.: 25,0 Адади: 5000 нусха. _____-сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар
Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.
Электрон почта: *m-nashr@mail.ru*.
Тел: *(0-371) 227-34-30*

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмахонасида чоп этилди.
100128, Тошкент шаҳар Лабзак кўчаси 86-уй.